

Сеҳрланиған шаҳзодә

Л. Соловей




**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

| | |
|--|--|
| | |
|--|--|



РАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ
БАДИИ
АДАБИЁТ
НАШРИЁТИ
1968




Леонид Соловьев

Сеҳрланган шахзода

қисса

2

китоб



Якин ва Ўрта Шаркда халқ қаҳрамони Хўжа Насридин тўғрисидаги ажойиб воқеа авлоддан авлодга кўчиб, тилларда достон бўлиб келади. Хўжа Насридин ўзининг оқилона найрангларн билан бойлар ва текинхўрларнинг сирини фош этиб, камбағал ва мазлумлар ҳомийси бўлиб чикади. Халқни чексиз севиш, жасорат, ҳакканий макр-ҳийла — Хўжа Насриддиннинг асосий фазилатидир. «Сеҳрланган шаҳзода» Хўжа Насридин воқеаси тўғрисидаги иккичи китобдир.

Мадамин Иброҳимов
ва
Фузайл Ислом
таржимаси

Мен дунёдаги кўп ўлкаларни саёҳат килдим; кўпгина ҳалкларга меҳмон бўлдим ва уларнинг ҳар қайсисидан бирор фойдали нарса олдим, чунки тор понафзал кийиб юргандан кўра оёқ яланг юриш, уйда бекор ўтиргандан кўра йўл азобларига бардош бериш яхширок... Шуни ҳам айтабики, ҳар бир яиги даврга янгича муносабатда бўлиш керак, чунки ўтган йилги гап бугунга тўғри келмайди, дўстим!..

Саъдий.

Ўтган асрларнинг донишманд олимлари ҳозирги одамларнинг эгри-бугри ва ҳатарли ҳаёт йўлини ўз билимларининг машъали билан равшан қилиб ёритмоқ учун жуда кўп китоблар ёзиб колдирганилар. Бу китобларда урушлар ва зилзилалар, мўъжизалар ва кароматлар, ҳуллас, ҳамма нарса ҳакида баҳс этилади, уларнинг саҳифаларида шайхлар, халифалар, ботир саркардалар ҳамда бошқа машҳур кишилар таъриф ва тавсиф килинади; аммо Хўжа Насриддиннинг довруғи бутун оламга ёйилган бўлса ҳам, бу китобларда факат шу кинигина тилга олинмаган.

Донишмандларнинг бу ҳатосига ажабланмасак ҳам бўлади.

Утмиш замонда баъзи бир донишмандлар аксари ўз китобларини бойлик ва иззат-обрў келтиради, деган умид билан ёзганлар, аммо, ҳайҳотки, бу ишидан уларнинг бошига минг турли балолар ёғилган.

Шу сабабли донишмандлар ўз асарларида фикрларини жуда эҳтиёткорлик билан баён қилганилар, қалтис нборалар ишлатишдан қоч-

ганлар, бунга тақводор Мұҳаммад Расул ибн Мансур мисол бўла олади. У Дамашкка кўчиб борганидан сўнг «Яхши фазилатлар хазинаси» деган асарини ёзишга киришган ва гуноҳкори азим вазир Абу Исҳоқнинг ҳаёти тасвирланадиган жойга етганида, Дамашк ҳокимининг она томондан бу вазирга якии қариндошлигини билиб қолган. Мұҳаммад Расул ибн Мансур: «Худога шукурлар бўлсинки, у бу хабарни менга ўз вактида етказди!» деган ва шу ондаёқ асарнинг ёзилмаган ўн саҳифасининг ҳар бирига «Эҳтиёт учун» дебгина ёзиб қўйган, сўнгра қудратли авлодлари Дамашқдан узоқда истиқомат килувчи бошқа вазирнинг ҳаётини ёза бошлаган.

Мұҳаммад Расул ана шундай ўйлаб иш қилганлиги натижасида Дамашқда яна кўп йил тинч ва осойишта ҳаёт кечирган, ҳатто калласини қўлига олиб филсиротдан ўтишга мажбур бўлмай, ўз ажали билан қазо қилишга муваффак бўлган.

Китобларда Хўжа Насриддин ҳакида ҳеч нарса дейилмайди. Афандининг номини тилга олиш у вақтларда қаттиқ тақиқлаб қўйилган эди. Золим ҳукмдорлар, халифалар, сulton ва шоҳлар Насриддин афандини ўлганидан кейин ном-нишонсиз йўқ қилиб юбориб, ҳеч бўлмаса кейинги асрларда уидан ўч олиш мақсадида шундай амр-фармон берган эдилар.

Аммо улар ниятларга етдиларми? Бу саволга Салмон Савеж китобидаги. «Ёвуз кучлар жам бўлиб ҳар қанча ҳамла қилса ҳам, ҳурматга лойик киши шуҳрат қозонмай қолмайди!» деган ибратли сўзлари билан жавоб бериш мумкин.

Чунки дуниёда халифаларнинг амр-фармонларига бўйсунмайдиган бир китоб борки, у ҳам бўлса ҳалқнинг хотирасидир. Хўжа Насриддиннинг сиймоси ана шу улуғ китобда — ҳалқ хотирасида абадий колди.

Хўжандда, Сирдарё соҳилида бўш ётган кенг бир яланглик жой бор, бу ерда ҳеч ким истикомат қилмайди, боғ-роғ ҳам қилмайди, чунки бу жой дарёнинг бурниш ери бўлиб, сув уни ҳар йили уч-тўрт газ ювиб, ўпирниб кетади.

Дарё бу жойнинг улкан якка қайрағоч қад кўтарган кок ўртасигача ювиб юборган, ҳозир эса қайраочининг лой орасидан сувга чўзилиб тушган эгри-буғри бесўнақай ярим ялангоч томирлари кўриниб туради. Қуёшдан нур эмиб, қониб сув ичган қайрағоч шоҳ отиб, ям-яшил қуюқ барг ёзган, олислан серчанг, катта йўл бўйндаги бир тўда нимжон дараҳтлар унинг ҳашамати олдида нозик ниҳолга ўхшаб кўринади. Сувга чанқаб жазирама иссиқда ковжираб ётган бу дараҳтлар сўлгин, бедармон япроқларини зўрга шитирлатар ва ичи қора одамларга ўхшаб, баҳтли магрур қайрағочга ҳасад билан каардилар. «Майли, қайрағоч ҳозир гердаяверсин,— деб ўйлашади бу дараҳтлар,— дарё ҳали у ўсиб турган жойни

хам ювади, ана шунда у ағанаб түшиб сувга оқиб кетади ва охири бориб дарә ўртасидаги құмлоққа чиқиб қолиб, ұша ерда чириб кетади.

Биз эса ұзимизга дарёдан олисрок, бехатар жойни насиб этган тақдиримизга шукур қилиб донмо шу ерда қад құтариб тураверамиз, биз баргларимизнің сийрак ва хұнуклигига, йұловчига соя берішдан ожизлигига, йұлнинг чанги устимизга ёпирилишиңа, илдизларимизнің қурук ва қаттік тупрок орасыда сикилиб қолишиңа ҳафа әмасмиз, биз шу күнимизга розимиз ва кисматимизнің бошқача бұлишини қоғамаймиз, чунки орзу-истаклар бишкінде көп көрді, бунда мисол магрұр қайрагочдир».

Бу дарахтларнинг ўйлаган ўйлары хато: қайрагоч дарёға ағашаб түшмайды ва оқиб кетмайды. Дарә қайрагоч теварагидаги майда-чүйда, нопок, аҳамиятсиз нарасаларнингине юниб оқизиб кетади, лекин уннинг ер ичиға чукур кириб борған бакузват илдизинің құпориб ташлай олмайды. Қайрагоч кирғокда туриб қолади, уннинг тәғинни камар килемиң қирил кетгенде дарёниң ўзгинасы уннинг илдизинің үсімлікка ризек беруви балчик билан коплаб ташлайды. Шундай қилиб, у кирғокни ўпирлишиңдан асклаб, яна узок вактларгача ям-яшил япрокли шохлариниң ёйиб туралди, олисдаги дарахтлар эса бу вактда аллақачаи ўчокларда чирсиллаб ёниб күл бўлади... Қайрагочнинг пўстложи тушиб, танауда озиқ моддали суюкликларнинг ҳаракати тўхтаганида ҳам одамлар уни арралаб ўтиң кишишмайды, балки атрофига қўра кишишади ва бишкін жойлардан Хўжандга келганди: «Мана, Хўжа Насриддиннинг ўз кўли билан экиб ўстирилган қайрагоч!» деб фахрланишади.

Бу ерга келган саёҳатчи Хўжанд новвойлари турадиган Рассок кишлоғи (яъни Ризқ беруви кишлоқ) ҳалқ орасыда Хўжа Насриддин кишлоғи деб аталишини, чунки, ривоятларга караганда, уннинг ўйн күдди шу кишлоқда бўлганини ҳам билиб олади. Хўжандликлар саёҳатчига Ашт йўлидаги тоғлардан бирида Хўжа Насриддин кўли борлигини, кўл бўйила Чорак деган қишлоқча жойлашганлигини, кишлоқчада Хўжа Насриддин чойхонаси борлигини ва чойхона бўғоти остида Хўжа Насриддиннинг чумчуклари ҳозир ҳам яйрашиб учуб юрганини айтиб беришади, бу чумчуклар машҳур бир чумчукдан тарқалишган эди, биз у машҳур чумчук ҳакида бир оз кейинроқ сўзлаб ўтамиз.

Рассок қишлоғида ғалати бир ном билан «Тақводор ўғрининг кулбаси» деб аталган фор, Хўжа Насриддин ариғи, Хўжа Насриддин кўприги ҳам бор. Хуллас, бу қишлоқда ҳамма нарса уни эслатиб туради, гўё Хўжа Насриддин бу ердан ҳудди кечагина эшагини йўрттириб кетгандай туюларди.

Белимизга ғайрат камарини боғлаб ва құлымизга сабр ҳассаси-

ни ушлаб бу жойларнинг ҳаммасини айланиб чикдик. Кўпгина уйларда ту nab, бир қанча гулханлар ёнида исинидик, Хўжа Насрилдин тўғрисида бир талай одамлар билан сухбатлашдик, қидиришуринишларимиз яхши натижা берди, шунинг учун бугун биз Хўжа Насрилдин ҳаётининг яна бир саҳифасини очамиз ва оқилу доно Ибн Туфайл айтгандек: «Юрагида меҳр-шафқати бўлган, эшитарга кулоги ва кўрарга кўзи бор ҳар бир кимса учун бу воеа ибрат бўлсин...» деймиз.

БИРИНЧИ КИСМ

Шундан кейин савдогар хотини билан узок сафарга жүнади. Үлар күпнинг жазирма иссиғида ва эрта тонгда йўл юрсалар ҳам мўл юриб, тоғ ва чўллардан, дengиз ва саҳролардан ўтдиilar; худо уларни йўлда ўз паноҳида саклади ва ўттизинчи кун деганда икковлари Басра шаҳрига кириб бордилар.

(«Минг бир кечада»)

Биринчи боб

Хўжа Насриддин хотини Гулжон билан Бухородаи чиқиб кетиб, аввал Истамбулга, сўнгра у ердан араб мамлакатларига борди. У Бағдод, Мадина, Байрут ва Басрани бирин-кетин ғалаёнга солди, Дамашқда мисли кўрилмаган даражада фулгула кўтарди, кейин йўл-йўлакай Коҳирага кириб, у ерда биржунча вақтгача қози қалон бўлиб турди. Биз унинг қандай қозилик қилгани ва кимларга не хилда жазо берганини билмаймиз; лекин факат шу нарса аниқ маълумки, кейин икки йилгача Хўжа Насриддинни бутун Мисрда коптиков қилиб қидирдилар. У эса бу вактда Мисрдан йирокда, бошқа юртларда, бошқа манзилларда сафар килар эди.

Бутун умри саргардонликда ўтган Хўжа Насриддин деч бир жойда узок туриб колмасди; тонг саҳарлаб эшакларини эгарлар, оқ-эшакка Гулжонни ўтқазиб, бўз эшагига ўзи миниб, яна йўлга тушар, ҳар куни янги бир жойда ту nab, ҳамон олдинга ва узоқка борар эди. Эрталабки аёзда баданлари совукдан увшар, корли давонларда каттиқ шамол уни учирив кетар, кун кизифидаги тошлок дараларнинг дим ҳавосидан лаблари куриб қоллар эди, у кечқурун водийнинг, хушбўй салқин ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар ва тоғдаги муз ҳамда кор-

лардан эриб окиб тушаётганини кундузи ўз кўзи билан кўрган лойка ариқ сувидан ичар эди.

Ўзига қолса, у жаҳонгашталигини сира қўймай, йўрға эшагини йўрттириб, ҳамиша сафарда кезиб юрган бўлар эди. Аммо хотинлик одам бола-чака ҳам кўриши керак; Хўжа Насриддин бу удумдан юз ўгиролмасди. Уйланганига тўрт йил бўлди деганда хотини Гулжон унга тўртинчи ўғилни туғиб берди. Хўжа Насриддин бундан хурсанд бўлди. Гулжон ҳам жуда шодланди, янги туғилган боланинг акалари кувонгандаридан чапак чалдилар, оқ эшак қаттиқ ҳанграб, ҳамма қанотли ва қанотсиз икки оёқлиларга, барча тўрт оёқли жониворларга, барча сузувлари ва ўрмаловчи мавжудотларга ўзининг ёш хўжайинининг дунёга келганлигини тантана билан хабар қилди. Фақатгина бўз эшак севинмас, ковоғини солиб кулок коқиб қўяр ва теварак-атрофидаги баҳор гўзалигини пайқамай, ерга қараб турар эди.

Бир ойдан кейин Гулжон оқ эшагини, Хўжа Насриддин эса бўз эшагини миниб яна йўлга равона бўлишиди. Хўжа Насриддин катта ўғлини олди томонига — эшакнинг гарданига, иккинчи ўғлини орқасига, эшакнинг думғазасига миндириб олган эди, бола шўхлик қилиб эшакнинг думидан тортар, думга илашиб қолған ёввойи ўтларни териб ташларди; учинчи ўғли хуржуннинг ўнг кўзида, тўртинчиси эса чап кўзида ўтириб бораради.

— Гулжон, кейинги вақтларда эшагим негадир хомушрок бўлиб қолди. Қасал-пасал бўлдимикин дейман. Худо бизни ўз паноҳида сакласин ва бундай фалокатнинг юзини тескари қилсин,— деди Хўжа Насриддин.

— Бозорга боришингиз биланоқ яхши бир қамчи соғиб олсангиз, дарров ўйноклаб кетади,— деб маслаҳат берди Гулжон.

Эшак бу гапларни эшитиб, ичидагасидан хафа бўлди ва хўрсиниб қўйди.

Бир йил ўтди. Яна баҳор келди, жануб шамоли туриб ўриклар гуллади, боғларда мевали дарахтларнинг окпушти гуллари қийғос очилди, уларда турли қушларнинг сайраши ҳамма ёқни тутиб кетди, ариқлар сувга тўлиб, тун сукунатини бузиб, шалдираб оқа бошлади. Бир куни дам олишга тўхташганда бўз эшак майса-қўкатлар устида ўтлаб юриб, Гулжонга қаради, унга Гулжон яна ҳомиладор бўлиб қолгандек туюлди. Гумони тўғрилигига ишониб қўрқанидан ҳанграб юборди,

арконини узиб, йўлидаги буталарни босиб-янчганича шаталок отиб кочди.

Узун кулок эшагининг нима учун хомушрок бўлиб колганлигини Хўжа Насриддин ана шундагина фаҳмлади.

— Вафодорим Гулжон,— деди у,— кичик икки ўғил-чангни оқ эшагингга миндириб олсанг, яхши иш бўларди.

Шу пайтдан бошлаб оқ эшакнинг қовоғи солиниб колди, бўз эшак эса, аксинча, кулокларини диккайтириб, думини ҳар мақомда билтанглатиб, илдам қадамлар билан йўрта бошлади.

Аммо орадан икки йил ўтгандан кейин иккала эшак ҳам хомуш юрадиган бўлиб қолди.

— Яна бир эшак сотиб олсакмикин?— сўради Гулжон.

— Оҳ, беназир гулим, агар иш шундай кетаверса, сал вактда катта бир карвон бўлиб қоламиш!— деб жавоб берди Хўжа Насриддин.— Йўқ, бу иш бўлмайди, жаҳонгашталик йилларим тугаб, кўрган-кечиргандаримга якун ясаш ва ўйлаб иш килиш пайти келиб қолди.

— Ҳа, худога шукур-эй!— деб юборди Гулжон.— Шу ёшингизда жўжабирдай болаларингиз билан беватан дарбадар одамга ўхшаб шаҳарма-шаҳар ва қишлоқ-ма-кишлок кезиб юриш жонингизга тегадиган кун ҳам бор экан-а. Бухорога бориб, дадамларникида турла коламиз...

— Шошма,— деб хотинининг гапини бўлди Хўжа Насриддин,— сен Бухорода ҳамон ўша ҳазрати амир подшолик қилаётганини эсингдан чиқарибсан-да, у киши сарой мунажжими Ҳусайн Гуслийни ҳали унугани йўқ, албатта. Шу ердаги бирон шаҳарда, Кўкон ёки Хўжандда турганимиз яхшиrok.

Хўжа Насриддин бугун тунаш учун чодирини курган тепаликдан икки йўл кўриниб турарди: бири Кўконга бориладиган катта савдо йўли, иккинчиси эса Хўжандга бориладиган торгина арава йўли эди. Кўконга бориладиган катта йўлда чанг-тўзон кўтариб, ғовур-гуур, жангир-жунгур овоз чиқариб турнақатор тия карвонлари, аравалар, отликлар, яёв қишилар кетмоқла. Хўжанд йўли жимжит, одамсиз эди, унинг баланд осмони тонгги шафакнинг тиник ёғдусида сал қизариб кўринарди.

— Кўконга борамиз,— деди Хўжа Насриддин.

— Йўқ, Хўжандга борганимиз маъқул,— эътиroz билдириди Гулжон.— Катта шаҳарларни, шовқин-суронли бозорларни кўравериб чарчадим, энди тинчгина бир жойда ором олгим келади.

Хўжа Насриддин ўз хатосини тушунди, кайсар хотини Кўконга боришга рози килиши учун Хўжандга борайлик дейиши керак эди. Ушанда хотини: «Ундан нобод жойга бормайман!» деб жекирар ва эрталаб катта йўлдан Кўконга жўнашган бўлар эди. Лекин фурсат кўлдан кетган ва баҳслашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, чунки маколда айтилганидай, «хотин билан гап талашиш умрнинг заволи».

Хўжа Насриддин уҳ тортиб:

— Мен бир вактда Хўжандда бўлган эдим, ўшандан бери Хўжанд узумининг мазаси оғзимдан кетмайди. Хайр, майли, сен айтганча бўла қолсин...— деди.

Шундай қилиб, улар Хўжандга бориб, новвойлар маҳалласида истикомат кила бошлишди, Сирдарё бўйидаги бу маҳалла Раззок маҳалла деб аталарди. Кўпдан-кўп авлодларга ризқ бериб келган азамат дарё тор даралар орасидан ҳайкириб водийга чиккандан кейин унинг бикирлаб оқувчи сариқ суви шиддатли тезлигини секинлатар ва Хўжанд якинида ўсимликлар, ҳайвонлар ҳамда одамларга ҳаёт бағишлиб, соҳил тупроғини ювиб турган оқимларнинг оҳиста шовиллаши билан кечала-ри Хўжа Насриддиннинг болаларини аллалар эди.

Ҳозир ҳикоя қилинаётган ўша йилларда Хўжанднинг ўтмишдаги шон-шуҳратидан ва бойликларидан асар ҳам қолмаганди. Энди у файзиз шаҳарча бўлиб, аҳолиси майда дўкондорлар, боғдорлар, сабзавотчилар ва мункиллаган кўпдан-кўп саллали чоллар, бекорчи муллалар, мударрислар, уламо ва қозилардан иборат эди. Мачитларда ҳам, чойхоналарда ҳам чоллар ўтиришарди, чоллар секин-секин кавушларини шапиллатиб кўча, гузар ва чорраҳаларда ивирсиб юришар эди. Биргина шаҳарда чолларнинг шунча кўп бўлиши ғалати туюларди, улар жасадимиз факат Хўжанднинг сариқ тупроғига дағи этилсин деб пинҳона маслаҳат қилиб, мусулмон мамлакатларининг турли томонларидан атайлаб шу ерга йигилганга ўхшаб кўринарди.

Ҳамма томонида сув тўла анҳорлар ҳайкириб ётган, тоғлари совук шамолларнинг йўлини тўсиб турган, мевазор боғлар ва токзорлар кони бўлган Хўжанд ҳаёт

машаққатларидан чарчаган киши учун бамисоли жаннат деса бўларди — шу сабабли хўжандликлар бундай оромбахш жойда яшаш бахтига мушарраф бўлганларни учун худога минг қатла шукур килардилар.

Бутун шаҳарда факат бир одам — илгари бозор оқсоқоли бўлган Узокбой номли самарқандлик бир киши бошқача фикрда эди. Узоқбой умуман ғалати ва такаллуфсиз одам эди: у добимо юзининг ярмини қоплаб турадиган каттакон кора кўзойнак такиб юрар, ҳеч кимга кўшилмасди, ҳеч ким билан гаплашмасди, ҳеч кимниги меҳмонга бормас ва ўзи ҳам бирон кишига бир бурда ион ушатмаган эди. Узоқбойнинг бундай одамовилигини кўриб, қўшнилари уни кўп ярамас ишлар килган ёмон одам бўлса керак, деб ўйлардилар. Болалар дуч келиб қолишса, дув этиб ҳар томонга кочиб, бурчак-бурчакдан ва деворлар орқасидан: «Бойғли! Кўзойнакли бойғли!..» деб қичкиришарди. У шунда ҳам пинагини бузмас, бош чайқаб нохуш табассум қилиб кўярди.

Аслида Узокбой Хўжа Насриддиннинг ўзи эди. У аҳолиси беш бармоқдек таникли бу кичкинагина шаҳарчада арзимиган нотўғри бир сўз айтса ёки нотўғри қадам босса оиласи не-не мусибатлар остида қолишини биларди. Шунинг учун Хўжа Насриддин юзини кора кўзойнак билан бекитиб бошқа кишининг номи билан юришга, одам ёввойилиги билан қўшниларни ҳуркитнинг ва ниҳоят, Хўжандни машъум зиндан, ўзини эса дунёдаги энг бахтсиз киши деб ҳис қилишга мажбур бўларди.

У бир-бирига тамоманд зид икки хил туйғуни — жаҳонгашталик иштиёқини ва оилапарварлик ҳиссини кўнглига жо қилиб, ўзини аросатга солиб кўйган худодан каттиқ ранжириди. На жаҳонгашталик, на оилага ғамхўрлик қилолмай ўз этини ўзи еб юрганлигидан у ҳакиқий бир жафокаш эди. У кимга ҳам шикоят кила оларди, дарду ҳасратларини кимга ҳам айта оларди? Вафодор ва севикли ёстиқдоши Гулжонга айтсанми? Пўк, унга айта олмайди, чунки икки ўт орасида коврилаётганига бир томондан худди шу Гулжон сабабчи. Унинг ўз ўтида ўзи қоврилаётганининг иккинчи сабабчиси эса охурда мудраганча ем ковшаётган семиз эшаги эди. Гарчи эшаги одам тилига тушунмаса ҳам, бечора Хўжа Насриддин ғам-андуҳини тунлари факат ўшангга изҳор қиларди.

Кунлар шу зайлда бир-бирига ўхшаб ўтаверди. Хўжа Насриддин ўз назарида ҳатто қуёшни ҳам нурсиз ва хира кўрсатувчи қўзойнагини тақиб олиб, майдадчийда харид килиш учун бозорга борар, бозордан кайтгач, ҳовлисида, боғида ёки омборхонада рўзгор ишлари билан машғул бўларди.

Аммо кечкурнлари аксари бекор бўларди. Болачакаси кечки таом еяётган пайтда у Сирдарё бўйидаги чекка бир чойхонада ўтиради.

Бу чойхона Хўжанднинг энг факирона, ифлос чойхонаси бўлиб, у ерга факат гадойлар, ўғрилар, дарбадарлар ва шаҳарнинг бошқа қаланги-қасанги одамлари борарди. Шунга қарамай, Хўжа Насриддин бу чойхонада ўзини бехавотир сезарди.

Кора чирок аччик тутун буркситарди, ўғирланган молларни сотиб оладиган, бурни уриб пачакланган чўтири, хунук чойхоначи кайнаб турган кумғонлар олдида ивирсиб юрарди. Кўп ўтмай чойхона аҳллари ҳам тўпланиша бошлади. Уларнинг кирланиб шўр ва ёғи чикиб кетган дўппилари, неча йилдан буён кийиб юрилганини ҳатто лўлиларнинг оқсоқоли ҳам айтиб беришга ожизлик киладиган минг ямок жулдур чопонларининг қўланса ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетди; чойхонага чор-атрофдан заиф, дармонсиз, безгакдан қалтираган, аъзойи баданлари яра-чақа, ҳасса ва қўлтиқтаёқ тутиб олган кишилар кириб келдилар ва кун бўйи чой чақа ишлашда омадлари юрган-юргани ҳақида сўкинишиб, бакириб-чакириб гаплаша бошладилар. Хўжа Насриддин кора чирокнинг хира ёғдусида гимирлашиб ўтирган бу факир-бечораларга афсус-надомат билан караб: «Бу кенг ва ёруғ дунёда менга насиб бўлган нарса ана шу холос!» деб ўйлади.

Қархисида чексиз борлик ястаниб ётарди... Шафак сўниб, қош қорая бошлади, сокин дарё салқин ҳаводан нафас оларди, атроф тун либосига бурканди, юлдузлар тобора аник, равшан чакнаб, зулмат осмон бағридан ажрала-ажрала ер узра Ҳофиз тили билан айтганда «Фаришта торлари»ни соча бошлади.

Хўжа Насриддин уйга қайтишга шошилмасди. Одамларнинг ярми исқирт чойхонада тартибсиз юмалаб ётиб хуррак тортишар, чойхоначи кумғонлар кайнаб ётган ўчокнинг ўтини ўчириш билан овора эди; шаҳарнинг ҳамма ёғидан хўроздларнинг уйкуни коцирадиган ёқимли

кичкириги эшитилди, Хўжа Насриддин эса жойидан кўзғалмай ҳамон ўйлар, кўнглини ғаш қилаётган — жаҳонгашталик ҳамда оиласа ғамхўрликдан иборат қарама-қарши туйғуларини ўзаро муросага келтириш ва Хўжанддаги тутқунликдан кутулиш йўлини кидирар эди.

Лекин Хўжанддаги тутқунлиги тамом бўлганлигини ҳозирча Хўжа Насриддиннинг ўзи ҳам билмасди: у кўнглида катъий бир қарорга келмоқда, бу қарори узил-кесил етилиб амалга ошиш фурсатини кутмоқда эди; тор чўққиларидағи кор уюмларининг кўчиб тушуви учун биргина туртки кифоя килганидек, унинг ўз қарорини амалга ошириши учун ҳам арзимас бир баҳона етарли эди.

Иккинчи боб

Ниҳоят, фалакнинг гардиши билан у ажойиб бир кишига учраб қолдики, бу учрашув кейинги воеаларнинг бошланишига сабаб бўлди.

Хўжа Насриддин кечқурунлари чойхонага кетаётганида ҳар сафар эски ва ярим хароба Гавҳаршод мачитига кираверишдаги қамиш бостирмада ўтирган соков бир гадойни кўрарди. У кўринишидан бозорларда, кўчаларда, мачит, қабристон ва шунга ўхшаш зиёратгоҳлар теварагида изғиб, мусулмонларни дуо қилиш ҳисобига чой чақа ишловчи бошка кўплаб гадойлардан фарқ қилмасди. Бу гадойнинг фақат бир жиҳатигина бошқаларга ўхшамасди. У негадир кўпдан бери намоз ўқилмайдиган, кимсасиз, садака тушмовчи мачит ёнида гадойлик киларди. Ҳар кунги одатига кўра Хўжа Насриддин гадойга ярим танга узатди. Гадой садақани оларкан, жимгина таъзим қилиб ёшлиқ чоғларидагидек ўт пайдо бўлган кўзларини унга тикди-да, миннатдорлик билдирили, жулдузвоқи тўшакчасини йиғиштириб, мачитга кириб кетди, афтидан, у ичкарида кўршапалак ва бойўғиллар билан ҳамдардлашиб яшаса керак.

Кунлардан бир куни соков гадой тўсатдан тилга кириб қолди. Бу ҳодиса киш охирида, кечки ёғингарчилик пайтида рўй берди. Кора булатлар шафак юзини қоплаб ора-сира ёмғир томчилар, ялангоч дарахт шоҳларида шамол ғувиллар, кўлмаклар юзини жимиirlатар, кекса гадой ўтирган бостирманинг қамиш томини тўзгитиб

учириб кетгудай бўлар эди. Хўжа Насриддин садака бериш учун гадой олдида тўхтади, чўнтағига қўлини тикиди, лекин чўнтағидан тангани чикармасданок гадой унга озгин қўлини узатди ва меҳрибон овоз билан:

— Хўжа Насриддин, ғам ема, сен якинда кора кўзойнагингни такмай юрадиган бўласан,— деди.

Хўжа Насриддин анграйиб қўлини чўнтағига солганича, турган жойида котиб қолди. У гадойларнинг ҳамма ҳийла-найрангларини яхши билганлигидан соқовнинг тўсатдан гапириб юборганига ажабланмаган бўларди. Аммо у, бу гадой чол менинг номимни қайдан билдийкин деб боши қотарди.

Гадой суҳбатдошининг кўнглидан ўтган фикрни тушунди.

— Мендан кўркма, Хўжа Насриддин!— деди у ва хира кўзлари равшан тортиди.— Сендан ёрдам олиш умидида мен кўп йиллардан буён суҳбатингга зорман, сени бундан илгари бир неча марта кўрган бўлсан ҳам, ҳалигача бу ниятимга эришолмадим. Мен сени Бухорда, Лабиҳовуз бўйида тиланиб ўтирганимда ҳам кўрганман, Самарқандда ҳам...

— Шошманг,— деб гадойнинг гапини бўлди Хўжа Насриддин, унинг сўзларидан тобора ҳайрати ошиб.— Менинг бу ердалигимни қандай билдингиз ва кимдан эшитдингиз? Кўнглимга ғулғула солиб қўйдингиз-ку.

— Кўнглинг хотиржам бўлаверсин! Бу ердалигингни якин атрофдагилардан факат мен биламан, холос. Буни менга бизнинг Сукут қилувчилар ва Англовчилар ёки юлдуз сайёҳлари яширин тариқатимизга мансуб бир дарвиш ошнам айтди. У сени шу қишининг бошида бир бесўнақай юкчи бозорда елкасидаги той билан туртиб кора кўзойнагингни ерга тушириб юборганда кўриб колган экан.

— Ҳа, эсимга тушди!— деди Хўжа Насриддин.— Тариқатдош ошнангиз мени бир кўришдаёқ таниб ололган бўлса, демак, кўзи жуда ҳам ўткир экан. Сиз уни Сукут қилувчилар ва Англовчилар яширин тариқатига хизмат килгани каби шунга ўхшаш бошқа тариқатларга — Кулок қокувчилар, Кузатувчилар ва Из кувувчилар тариқатларига ҳам хизмат килмайди деб ўйлайсизми?

— Гуноҳга ботдинг!— деб Хўжа Насриддиннинг сўзини бўлди гадой.— У табаррук киши эди, у киши мен

зот бу фоний дунени тарк этиб, дунеи бокийга риҳлат килганлар.

— Мени кечиринг, донишманд бува,— деди Хўжа Насриддин, дарвишга нисбатан ишонч ва ҳурмати ортиб.— Энди айтинг-чи, хўш, сиз менга нима учун худди шу бугун мурожаат қилдингиз?

— Бизнинг низомномамизга биноан мен йилнинг уч юз олтмиш уч куни соқов бўлиб юрмоғим керак,— деб жавоб берди чол.— Бир йил соқов бўлиб юрганимдан сўнг биринчи марта сўзлаган кишим сен бўлдинг. Бемалол гаплашиб юрадиган икки куним худди шу бугун бошланди. Илгари мен сен билан доимо ё шу икки кундан олдин ёки кейин учрашиб қолардим ва дардимни изҳор килишни истасам ҳам, дамимни ичимга ютиб, индамас эдим.

— Дардингиз нималигини, мендан қандай нажот кутаётганингизни айтинг!— деди чолнинг сўзларидан таъсирланиб Хўжа Насриддин.— Эҳтимол, пулга муҳтождирсиз, бува? Менинг хотинимдан яширган нақд юз эллик танга пулим бор.

— Мен бир дарвишман, дунёда менга дуодан бўлак ҳеч нарса керак эмас,— деб жавоб берди чол салобат билан.— Йўқ, мен сендан пул сўраётганим йўқ, аммо бундай гапларни бу ерда, кўчада, совук шамолда туриб гаплашиб бўлмайди, юр, бошка жойда гаплашамиз.

Улар мачит ичига кириб кетишиди.

Чол Хўжа Насриддинни зилзила вактида аранг бутун колган бир ҳужрага бошлаб кирди, чақмоқтоша кора чирокни ёқди. Хўжа Насриддиннинг кўзи чолнинг ҳужра бурчагидаги похол тўшагига, сопол мўндинсига, четларини сичкон кемирган, суви кочган қора нон турган синик косасига тушди. Ҳужрада бундан бошка ҳеч нарса йўқ эди. Дарвишлар эътиқодини мукаммал эгаллаган чол учун бундан бошка ҳеч нарсанинг кераги ҳам йўқ эди.

Чол нонни олиб, сичкон еган жойларини астағина ушатиб кафтига қўйди-да, сўнгра бу нон ушоқларини бурчакдаги сичкон ини олдига ёйилған курок латта устита сепди. Кейин нонни иккига бўлиб, яримтасини меҳмонга узатди:

— Аввал таом, баъдаз калом.

Ташкарида шамол гувиллар, тиркиштардан кириб,

2020/31-89

кора чирокни липиллатарди; деворларда ва шифтда кора чирок сояси ўйноклар, дам-бадам чолнинг киргий бурун озгин юзини ёритарди. Уларнинг суҳбати шамолнинг ваҳимали ғувиллаши, шаррос қуяётган ёмғирнинг шатир-шутури, сичконларнинг чийиллаши эшитилиб турган ана шу факирона ҳужрада похол устида бошланди. Чол бурчакдаги похол тагига қўл тикиб тугунча олиб ечди-да, унинг ичидан бир ҳовуч майдагани ерга тўкиди.

— Мана, менга садақа қилиб берган пулларинг, берган пулларингнинг ҳаммасини, кечаги тангангни ҳам эҳтиёт қилиб сақлаб қўйган эдим. Бу пулларингни олиб хотинингдан яшириб қўйган тангаларнингга қўшиб қўй.

— Мен берган садақамни ҳеч маҳал қайтариб олган эмасман! — деди Хўжа Насриддин. — Ҳурматли бобо, бу пуллар ўзингизда қолаверсин, вақти келиб уларни бирор бола-чақали ночор одамга берарсиз. Энди айтинг-чи, мен сизга қандай ёрдам кўрсатишм мумкин?

Чол жавоб бермай, чукур ўйга толди. Унинг дилхун бўлаётгани оғир хўрсиниб қўйишидан сезилиб турарди. Анча вакт ўтди, чирокнинг пилиги куйиб чирсиллар, сўниб бораётган ёлқини базўр липиллар эди.

Хўжа Насриддин пиликнинг сўхтасини чўп билан астагина туширди, чироқ бирдан аланталаниб, чолнинг юзини ёритди.

Чол бошини кўтарди:

— Хўжа Насриддин, аввал менинг савонимга жавоб бергин, бирор нарсага эътиқод қиласанми ўзи?

— Эътиқод қиласанми дедингизми? — ажабланди Хўжа Насриддин. — Мен алҳамдулиллоҳ болалигимдан эътиқод билан яшайман. Менинг эътиқодим — ислом. Лекин ростини айтишим керак, кўпинча гуноҳ қилиб кўяман.

— Бу умумий эътиқод, — деди чол. — Тирик одам борки, унинг ўзигагина маълум ва хос, алоҳида, шахсий эътиқоди ҳам бўлади. Мен ўзингагина маълум бўлган шахсий эътиқодингни сўраяпман.

Хўжа Насриддин ўз шахсий эътиқоди нималигини билмаслигини эътироф этишга мажбур бўлди.

— Мен ҳам шундай жавоб берарсан деб ўйлаган эдим, — деди хулоса қилиб чол. — Ҳолбуки, бизларни кийнаб юрган ҳамма сиру асрорларнинг калиги худди ана шу шахсий эътиқодда. Ўз эътиқодингни билсанг,

оку қорани фарқ қиласан, мушкулинг осон, номувофик ҳисобланган нарса сенга мувофик кўринадиган бўлади. Э, Ҳўжа Насриддин, сенинг ҳаётинг уринишлардан иборат бўлиб келди, лекин бу фақат ташки кўрнишдагина шундай эди, аслида руҳинг, туғилибсанки, ҳеч бир тап тортмай нодонларча турмушдан лаззатланаверди. Энди эса ақл билан иш қилганингдан руҳинг ҳам ўзгарди, эшагингга миниб олиб сабаблар Бухоросидан оқибатлар Истамбулига, шубҳалар Бағдодидан инкорлар Дамашкига ўтиб юрибсан. Уз эътиқодингни изла, Ҳўжа Насриддин, агар уни ўзинг тополмасанг, топишингга мен ёрдамлашаман.

— Эй донишманд бобо, сиз қўнглимнинг энг чукур жойларига назар солдингиз! Менинг энг олий ниятларим сизга аён экан!

— Ҳа, маълум,— тасдиқлади чол.— Шуни билиб кўйгинки, мен сафарларингда сенга ғойибона ҳамроҳман, ҳамма ишларингда ғойибона иштирок қиласман. Қайда юрганинг ва нима қилганинг — оғзингдан чикқан ҳар бир сўз менга аён бўлади ва хотирамга маҳкам жойлашиб қолиб, сўнгра эзгу ўйларга айланади. Сен ўзингни менда зуҳур қилгандай бўласан, лекин мен унда умримнинг ғайрат ва ҳою-ҳаваслари ўрнини вазминлик ва донишмандлик эгаллаган охирги палласига кадам кўйган бўламан.

— Е парвардигор! Киши кўчада ўзини ўзи қари бир чол гадой тахлитида кўриб қолиши ҳакиқатан ҳам жуда ҳайрон қоладиган воқеа!

Ҳўжа Насриддиннинг мияси ғовлаб кетди, чунки чолнинг ғалати гаплари уни довдиратиб ва ҳайратга солиб кўйган эди.

Аммо булар хамирнинг учидан патир эди; у ҳали чолдан яна кўп ажойиб гаплар эшитади.

— Ҳурматли бобо, ҳар қалай менга нима важдан мурожаат этдингиз?

Дарвиш нуроний бошини кўйи эгди.

— Мурдам тобутда ётадиган фурсат жуда яқин колди,— деди у ҳазин овоз билан.— Бу фурсатни олдиндан кўриб турганим учун юрагим эзилмокда, шунинг учун худо ҳакки, менга ёрдам беришингни илтижо қиласман!

— Кандай ёрдам беришим мумкин? Үлганингиздан кейин тирилтирайми?

— Иўк, сен руҳимни қачондир бир вактлардаги, дастлабки ҳолига қайтишдан кутказиб колишга ёрдам беришинг керак. Руҳим камолотга этиш учун ўтган узок вакт давомида ўз киёфасини жуда кўп марта ўзгартириди, жуда кўп оғир машаққатларга бардош берди, энди эса, бепарволигим туфайли, бу ишларнинг яна тақоррланишига тўғри келяпти...

— Е раббий!— деди Насриддин афанди, бош чайқаб.— Мен бу гапларнинг тагига ета олмаяпман, бирор тасига ҳам тушунолмаяпман! Бобо, жўнрок қилиб галиринг, сизга нима ёрдам беришим керак?

— Менинг ҳаётим сенинг қўлингда!— деб тақорлади чол.— Лекин мен Сукут қилувчилар ва Англовчилар тариқатида бўлган бизларга маълум баъзи бир махфий сирларни сенга ошкор қилмасам, гапимга тушунмаслигингни кўриб турибман.

— Яхши,— деб рози бўлди Насриддин афанди, бошка йўл билан чолдан тузуккина жавоб ололмаслигига кўзи этиб.— Яхши, мен сизнинг махфий сирларингизни эшитишга тайёрман.

— Ундоқ бўлса ҳақиқат йўлида суҳбатни бошлаймиз!— деди гадой тантанавор.— Аммо сен аввал бошка жойга туриб ўтири: сичконларим сендан кўркиб, ҳанузгача кечки таом егани инидан чиққани йўк.

Насриддин афанди бошқа жойга туриб ўтириди, сичконлар инидан чиқиб нон ушоқларини ейишиди, шундан кейин чол юзига фотиҳа тортиб деди:

— Парвардигори олам суҳбатимизни хуш кўриб, сенга гапларимни тушуниш кобилиятини ва менга эса фикрларимни равшан ва чукур баён этиш кобилиятини ато қилсин.

Чол кўзини юмди ва ичида гўё ғойибдан келган овозга қулок солаётгандек, жиддий киёфада бир неча минут жим турди; кейин чеҳраси очилди ва бармок ишораси билан меҳмонга гапларини тинглашга ундали.

Руҳ турли киёфаларда кўринади, деб чолнинг сир тариқасида айта бошлаган гапларини Хўжа Насриддин бундан аллақачонлар илгари ҳинд дарвишларидан эшитган эди, лекин одоб саклаб унинг гапларини бўлмади. Ихтиёrsиз равишда оиласини, яқинлашиб келаётган баҳорни ўйлаб кетди, унинг қулогига чолнинг панд-насиҳат сўзлари эмас, балки чархнинг товушига ўхшаш бир маромдаги овозгина эшитилиб туради. «Бир ҳаф-

тадан кейин жануб шамоли туради, йўллар юмшаб, давонларда кор чўкади,— деб ўйларди Хўжа Насрилдин.— Яна бир ҳафта ўтгандан кейин карвонлар узок сафарга жўнайди, кўчманчилар ўз подаларини ҳайдаб йўлга тушадилар...»

Чарх эса ҳамон гувилларди... Бир минутдан сўнг эса ҳужрада бироннинг секин хуррак отиб бурни билан ҳуштак чалгани эшитила бошлади.

Хўжа Насрилдин оғзини очиб, дўпписини чап кўзига тушириб олган, бошини қуи солиб, елкалари чўкканча пинакка кетган эди. Яхшиямки, у коронфироқ жойда ўтирас эди, чол унинг масти уйкудалигини пайкамади. Лекин чол учини чиқарган улуғ сирлар Хўжа Насрилдинга ва у билан бирга бизга ҳам номаълум бўлиб колди.

Хўжа Насрилдин туш кўрди, тушида кўрганлари самовий саргузаштларга алоқаси бўлмаган нарсалар эди. Тушига ўнгидан доимо ўйлаб юрган сафарлари, кўнглига ёқадиган сершовкин бозорлар, саҳродаги тия карвонлари, йўловчилар арқон ушлаб, куюқ булатлар орасидан юкорига кўтариладиган энсиз довонлар кирди. Тушида у жануб денгизларининг кўз қамаштирувчи тиник мовий аксини, кеманинг баланд тумшури остига урилувчи ойнадек силлик бешик-бешик улкан тўлкинларни, занглаған занжирларнинг ғичирлаши ва кема борти бўйлаб сирғанишини, турк кемаларининг шамол шиширган еланларини кўрди...

Хўжа Насрилдиннинг дўпписи бошидан сурилиб, ерга тушиб кетди. У чўчиб ўйғонди.

Дарвиш ўз панд-насиҳатларини давом эттирмокда эди.

— Бизнинг руҳимиз ерни тарк этгач, нимада зўхур кила бошлайди, у ерда пайдо бўлмасдан олдин қаерда эди, деб сўрашлари мумкин. Ахир коинотдаги сон-саноксиз сайёralар, юлдузлар борлигини билишмайди-да! Биз ерга ана шу юлдузларнинг биридан тушганмиз, яна юлдузларга қайтамиз. Шуни бир билиб кўй, о, Хўжа Насрилдин, биз юлдуз фарзандларимиз! Шунинг учун ҳам юлдузлар дикқатимизни тортади, уларга бўлган меҳримиз бениҳоядир. Юлдузлар бизга бокий умр берган бирдан-бир поёнисиз ватанимиздир.

Хўжа Насрилдин чолга бирон савол бериб, ўз уйкусини қочиришга қарор килди.

— Эй, донишманди бузрук, мен юлдузларнинг учишини кўп кўрганман. Улар нега учсайкин? Руҳим тарк этган юлдуз учса яхшику-я, лекин қайтиб чиқиши лозим бўлган юлдуз учса ҳолим не кечади? Руҳим ердаги ҳаёти тамом бўлганидан сўнг бу юлдузни тополмаса нима қилиши керак?

Чол бир оз шошиб қолди ва бошини кўтариб, Хўжа Насридинга таажжубланиб хийла вакт қараб қолди.

— Мен аҳмоқона ва ўринисиз саволлар бериб гапларимни бўлмай панд-насиҳатларимни жон қулоғинг билан тинглаётганинг учун сенга офарин демоқчи бўлиб турган эдим,— деди у норози оҳангда.— Аммо энди вакт кетди, ярим кеча бўлаёзди, миршаблар аҳолини уйлардаги чироқларини ўчиришга даъват қилиб ноғора кокди; хайр, уйингга бор, айтган сирларимни ўйлаб кўр, эртага кечкурун яна олдимга кел, қолганини ўшанда давом этирамиз.

Хўжа Насридин ўрнидан туриб, чолга индамайгина таъзим қилди-да, ҳужрадан чикди. Ташқарида рутубатли тун шамоли эсарди, борликка руҳан ва аклан танбал кишилар жаҳолат янглиғ зимиston чўкканди. Ёмғир тўхтаб, булатлар сийраклашган эди; фарб томонда танҳо бир юлдуз йигламсирагандай булатлар орасидан кўрка-писа мўралаб турарди. У осмону фалакдан нам киприкларини пирпиратиб, кора либосга бурканган совук ерга ажабланиб қарап ва шундай чиройли милтиллардикি, Хўжа Насридин эриб кетиб, агар юлдузларга сафар қилиш ҳакиқатан қисматида бўлса, худди ана шу юлдузга чиқишга аҳд қилди. «Эй, гўзал, мовий юлдузча, сенга чиқиш вакти соатим етганда мени илтифотингдан дариг тутма!» деб хитоб қилди у кўнглида ўзининг ўлмас руҳи билан хаёл осмонига парвоз этиб. Лекин худди шу пайт унинг «жон» учеб чиқадиган жасади иккита ходачадан иборат омонат кўприкча устидан муз аралаш оқаётган чукур ариққа шалоп этиб ағанаб тушди. Хўжа Насридин аъзойи бадани ивиб, лойга буланиб, совукдан қалтираб ва гезариб уйинга кириб борди. «Бундай коронгида каёкларда тентираб юрибсиз!» койиди Гулжон, унинг ҳўл кийимларини куритиш учун ўчок олдига осиб қўяр экан. Хўжа Насридин нуроний чолни ва унинг тунда шундай аҳволга тушишига сабабчи бўлган юлдуз фарзандига хос панд-насиҳатларини ичиди боплаб сўкиб, индамай ўтира қолди...

Аммо эртаси куни кечқурун яна ўша ҳужрага бориб, гадойнинг иккинчи насиҳатини тинглади.

Бу сафар чолдан Хўжа Насриддин ҳар бир зуҳур килишнинг ўз йўли борлигини ва одамзот руҳи арши аълого риҳлат қилиши учун мумкин қадар мукаммалроқ шаклда зуҳур қилиб, янги-янги хислатлар билан бойиши зарурлигини билиб олди.

— Инсон руҳининг ердаги нарсаларда зуҳур қилиши эса эзгу ишлар билан ўлчанади. Шуни унутмаки, келгуси ажойиб асрлар ана шу эзгу ишлар килувчи кишиларники, яъни Курашchan ва Ижодкор дарвишларники бўлади, улар ер юзидағи ҳамма ёвузиликларни таг-томири билан йўқотиб юборадилар... Эй Хўжа Насриддин, сен ана шу эзгу ниятли кишиларнинг энг тўнгичсан, бинобарин, сенинг ҳаётинг шу қадар катта аҳамиятга эгаки, у биздан кейинги кўп авлодларга ибрат бўлмоғи лозим...

Хўжа Насриддин гадойнинг беш юз минг йилдан кейин ер юзида осойишта ва фаровон турмуш бошланиди... деган сўзларини зўр эътибор билан тинглади. Кекса дарвиш ҳеч қачон ўлмаслигига имони комилдек бемалол асрлар ва минг йилларни тилга олиб гапиради, лекин бу Хўжа Насриддинга узок муддат бўлиб туюлар ва маъюслантирас эди. У бу дунёни юлдуздан юлдузга сафар қилишда қўниб ўтиладиган карвон сарой эмас, балки ўзининг туғилиб ўсган уйи деб билар, шунинг учун у бу уйда тезроқ тартиб ўрнатишни хоҳлар эди. Беш юз минг йилдан кейин эмиш-а! Айтишга осон холос, бу муддат...

Вакт ярим кечага яқинлашиб қолганди. Хўжа Насриддин чолни хаёл осмонидан ерга, куни кеча шу ҳужрада бошлаган суҳбатларига қайтармоқчи бўлди.

— Эй, доно бобо,— деб гап бошлади у зўр эҳтиром билан,— акл-ҳушимга сайқал берганингизни сезиб турганимдан ўйлайманки... яъни марҳаматингизга умид килеманки, агар жонз бўлса сизга қандай ёрдам беришим кераклигини, энди тушунтириб берарсиз. Факирнинг назарида алламаҳал бўлиб колди, вакт ўтмокда, сирингизни тезроқ айтсангиз.

Чол бошини куйи солди:

— Бу кўп мушкул иш...

— Гапираверинг! Агар одам қўлидан келадиган иш бўлса бош устига. Боринг ана, одам қўлидан келмайди-

ган иш ҳам бўлсин, лекин у қадар узок жойда бўлмаса бас, бари бир бажараман!

Чол чукур нафас олиб, ҳикоясини бошлади:

— Бир вактларда мен Сукут қилувчилар ва Англовчилар тарикати борлигини билмасдим, бадавлатлигимдан кайф-сафода гуноҳли ҳаёт кечирар эдим, у вактларда ҳали бор мол-дунёларимни камбағалларга бўлиб бериб, оч-яланғоч қолиш хаёлимга ҳам келмаган эди. Ана шу вактлардаги беҳисоб бойликларимдан бири Фарғонадаги тоғ кўли эди. Бир куни омадим келмай, қиморда шу кўлни аждарҳодек қаҳри қаттиқ ва ўргимчакдек шафкатсиз Оғабек деган бир кимсага бой бериб кўйдим. Оғабек кўлга хўжайнин бўлиб олганидан кейин унинг соҳилига кўчиб борди ва қишлоқнинг шўри куриган аҳолисига кўл суви билан далангни сугорганинг учун деб жарима солди, натижада кўп кишилар қашшоқлашди, ҳатто хонавайрон бўлишди.

Чолнинг ўпкаси тўлиб овози бўғилди ва гапиролмай колди. Кўп ўтмай ўзини босиб олди-да, сўзида давом этди:

— Бу кишининг ўз фойдасини кўзлаб одамларга киляётган жабр-ситамлари тўғрисида ҳар йили эрта кўклам менга хабар бериб туришади. Юрагим эзилиб зорзор йиғлайман, қилган номаъқулчилигимга қанча пушаймон емай, лекин энди бари бир фойдаси йўқ. Бу гуноҳим тегирмон тошидек зиммамга оғир юк бўлиб тушган. Ердаги ҳаётим тугагач, у менинг самовий оламга парвоз килишимга ҳалал беради, чунки одамзот бу дунёдаги гуноҳини ювмаса руҳи камолга етган ҳисобланмайди...

— Тушундим, тушундим!— деб унинг гапини маъкуллай бошлади Хўжа Насриддин, чолнинг яна осмонга парвоз килиш учун қанот ёза бошлаганини сезиб,— демак, мен ўша кўлни Оғабекдан тортиб олишим керак экан-да? Донишманд устоз, гапларингиз ҳак, агар аввал ҳамма панд-насиҳатларингизни эшитмаганимда вазифамини тушунолмаган бўлардим. Таксир, умрим бино бўлиб, Оғабек деган одамни кўрмаган бўлсан ҳам, лекин сизни ҳозирдан ишонтириб айтаманки, бу йил у анчагина даромадидан маҳрум бўлади. Айтинг, сизнинг ўша кўлингиз қаерда?

Чол жим турарди. Хўжа Насриддин тунги сукунат ичидан узокдан хўроздарнинг ярим кечадаги қичқириғини эшитди.

Чолнинг сукут қилмай юрадиган сўнгги, иккинчи куни ҳам тугаб, ваъдасига мувофик, у янаги баҳоргача гапирмас бўлиб колган эди.

— Биттагина саволга жавоб қайтаринг!— хитоб килди Хўжа Насриддин шошиб колиб.— Факат биргина саволга, кўлингиз қаерга жойлашган?

Чол индамас эди.

Хўжа Насриддиннинг хуноби ошиб кетди.

— Эй муҳтарам бобо, юлдузлар аро сафар ҳакидаги узундан-узоқ гапларга, фоний дунё тўғрисидаги панд-насиҳатларга вакт топдингизу, лекин энг зарур ҳаётий нарсани айтишга фурсат бўлмади-я!

Гадой афсус ва надоматда кафти билан озгин ва бурушик юзини тўсиб ўтиради.

Хўжа Насриддиннинг чолга раҳми келиб хижолатдан қип-қизариб кетди.

— Каттиқ тегиб қўйганим учун мени кечиринг!— деди у, гадойнинг елкасига кўлини ташлаб.— Хотиржам бўлинг, билдим, кўлингиз Фарғонада, менга шунинг ўзи кифоя килади. Руҳим бориб қўнадиган юлдуз ҳакки қасам ичиб айтаманки, кўлни ҳам, Оғабекни ҳам албатта топаман! Богимдаги бодом гуллаши биланок сафарга жўнайман. Эй юлдуз кезар дарвиш, руҳингизни бемалол такомиллаштираверинг, қолганини ўзим дўндираман!

Коронгидан кўлмак сувларни кечиб уйига қайтиб келаркан, у гоҳ кулар ва гоҳ ўйга чўмар: «Бу гадой аҳмок одамми ёки доно кишиими?» деб ўзига ўзи савол берарди. Тун совуқ ва нам бўлишига қарамай, ёқимли шамол ҳидидан, юлдузларнинг тиник ва равshan яркирашидан баҳорнинг яқинлашиб қолгани сезилиб турарди.

Хўжа Насриддин уйи яқинидаги тор кўчага бурилди, худди шу ерда қарилигидан пўстлоғи ғадир-будур ва танаси ковак бўлиб кетган терак ўсади. Унинг танаси уй ва деворлар соясида кўринмаса ҳам, сершоҳ учи дуҳоба тусли осмон узра нур сочаётган юлдузлар шуъласида яққол ажralиб турарди. Хўжа Насриддин сакраб, теракнинг пастки новдасини ушлаб олди ва авайлабги на аста ўзига тортди. Бундан атиги бир ҳафта илгари теракда ҳаёт асари йўқ эди, қишки уйқуда ором олиб ётар эди, бугун эса ҳали ёпишқок бўлмаса ҳам, ҳар қалай ҳушбўй куртаклари ниш урганди. Хўжа Насриддин энгашиб теракнинг ғадир-будур пўстлоғига кулок солди ва анча ичкаридан унга нола қилгандай билинار-

билинмас бир товуш: ярим кечадаги шамолнинг ғувиллашими, ёки терак ичидаги озуқа моддали суюқликларнинг илдиздан юқорига сирли ҳаракат қила бошлиши ми, эшитилди.

Учинчи боб

Ана шу унутилмас сұхбатлардан кейин Хўжа Насриддин гадой чолнинг косачасича пул ташламайдиган бўлди, лекин ҳар доим уйидан битта иссик арпа нонни озода рўмолчага ўраб келиб, унга бериб ўтар эди.

Гадой бу хайр-эҳсон эвазига илгаригидек индамай таъзим килар ва илтижоли мўлтираб кўяр эди.

— Якин қолди, энди якин қолди! — дерди Хўжа Насреддин. — Тоғлардан совук кўтарилиб, йўллар қуриса, кўлни кидириб топиш учун сафарга жўнайман.

Осмон кун сайин тиниклашиб, тобора мовий тусга кира борар, унинг юзини камдан-кам булат қопларди; туш пайтида тўн киймай офтобга чикиб ўтирган киши совқотмасди. Хўжа Насриддин баҳор бошланганини кўриб ҳаяжонланганидан озиб кетди, кўзлари ёлкинлашарди, уйқуси ҳам тез-тез бузилар, сергак бўлиб колган эди.

Яна бир ҳафта ўтди, бир куни кечаси Хўжа Насриддин уйқусизлик жонига тегиб боғасига чиқди-да, севишиганидан анграйиб қолди. Ер бетида кўкимтири туман сузиб юрар, духоба осмон гозларнинг бир-бирларини чакириб ғағиллашлари, ўрдак қанотларининг шувиллашига тўлиб кетганди. Эркин күшлар шимол томонга учиб кетмоқда эдилар. «Сафарга! Сафарга!» ғағиллаб кичкиради фозлар ўз галаларини юксак осмон сари чорлаб, «Тезрок, тезроқ!» деб жавоб қайтаришарди уларга тинчимас ўрдаклар гала-гала, жуфт-жуфт ва битта-битта бўлиб, дараҳтларга тегай-тегай деб ҳар тарафдан ўқдай учиб ўтишар экан. Боғчада шамол эсиб, мевали дараҳтларнинг оппок гулларини ерга тўкар, арикларда баҳор суви шалдираб оқиб ётарди, отхонада тойча бетоқатлик билан пишқириб, ер тепинди. Хўжа Насриддин осмон йўлларидағи тинимсиз ҳаракатни хийла вақтгача маҳлиё бўлиб томоша қилиб турди.

У оғилхонадаги эшаги олдига борганида тонг ёришиб колган эди.

— Хафа бўлма, бизнинг ғам-аламли кунларимиз та-
мом бўлди!— деди у узун қулоқ дўстининг бўйнидан
кучоклаб.— Бир ҳафтадан кейин бу ердан узоқда, катта
йўлларда, ғала-ғовур бозорларда юрамиз. Лекин Гул-
жон нима деяркин... уни қандай килиб кўндирамиз? Ун-
га гапнинг тўппа-тўғрисини, ростини айтиб қўя қолайми?
Аммо унинг феъл-автори сенга маълум: агар у фалокат
босиб дарёга чўкиб кетса,— худоё бизни бундай бало-
лардан ўз паноҳингда сакла!— мен унинг жасадини дар-
ёнинг этак томонидан эмас, балки бош томонидан
кидиришим керак бўлади! У шунақанги қайсар!

Хўжа Насриддин ўйланиб қолди. Хаёлига ярқ этиб
дам у фикр, дам бу фикр келар экан, улардан бирорта-
си кўнглига ўтиришмасди.

— Наҳотки миям шунчалик айниб колган бўлса?
Вафодор эшагим, нега индамаяпсан; кани, бирор мас-
лаҳат бергин!

Эшак жавоб бериш ўрнига чукур нафас олди ва кор-
нини ғулдуратди. Шу пайт қуёшнинг тиник заррин нури
эшик тиркишидан оғилхонага тушди; тонг отаётганини
кўриб Хўжа Насриддиннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳа, топдим!— хитоб қилди у.— Модомики, мен
оиламни ташлаб кетолмас эканман, оилам мени ташлаб
кетиши мумкин эмасми?

Шу куни Хўжа Насриддин бозордан қайтиб келгач
хотинига бундай деди:

— Бугун даданг Ниёз отани яхши танийдиган бир
бухороликни кўриб қолдим. Бу одам икки ой илгари Бу-
хородан келган экан, ҳозир у ўша томонга борадиган
карвон билан яна Бухорога қайтятти. У дадангни, сог-
саломат, ҳеч нарсадан камлиги йўқ, аммо жуда диққат
кўринади, деди. Аттангки, Бухорога киришим тақиқ-
лаб кўйилганидан биз уни бориб кўролмаймиз!

Гулжон ҳеч нарса демади, бошини тикиб ўтирган иши
устига яна ҳам пастроқ энгаштириди. Хўжа Насриддин
хотинига маъюс ва меҳрибонлик билан кулимсираб ка-
раб туради. Ҳозир бу ҳўппасемиз, кизил юзли, вайсаки
хотин аввалги Гулжонга сира ўхшамасди. Лекин Хўжа
Насриддин хотинига ўз тасаввуридагидай қараш одати
бор эди. Хоҳласа суюкли хотинини аввалги Гулжон си-
фатида кўра оларди. «О, фариштам, алдаганим учун ке-

чир мени,— деди ичида у.— Ахир, феъл-авторинг ўзингга яхши маълум, инсоф билан айтгин, бундан бошқа нима ҳам чорам бор?»

Эртаси куни у яна бухоролик киши тўғрисида гап бошлади.

— Мен уни уйга меҳмонга чақирмокчи эдим, аммо карвон Бухорога кетиб бўлди,— деди у тушки овкат маҳалида, Гулжоннинг кўзи тушмаслиги учун деворга қараб туриб. Чунки аслида, кеча ҳам, бугун ҳам Хўжа Насриддин ҳеч кандай бухороликни кўрмаган, бухоролик билан учрашгани тўғрисидаги ҳамма гаплари фирт ёлғон эди.

— Улар бир ҳафтадан кейин Бухорога етишади,— деди у ўйланиб.— Шаҳарга ўйларинг томидан кўриниб турган жанубий дарвозадан киришади. Эҳтимол, Ниёз ота томдан бу карвонни кўриб қолар. Шунда бухоролик унга, бизнинг соғ-саломатлигимизни ва Бухородан етти кунликкина йўл бўлган Хўжанд шаҳрида эканлигимизни айтади. У яна, Ниёз отага худо еттита невара ато қилганини, неваралари уни ҳеч кўрмаган бўлишса ҳам, жуда севишларини гапириб беради.

Гулжон хўрсиниб кўзлари жикка ёшга тўлди. Хўжа Насриддин хотинининг кўнгли юмшаб шаштидан тушганини сезди, айёрлигини ишга солиб, мақсадига етиш фурсати келганини англади.

— Отага невараларини албатта кўрсатиш керак эди,— деди у маъюс овоз билан.— Мени Бухорога йўлатмай кўйган бу муттаҳам, ўғри амир худонинг ғазабига учраб, кўр-басир бўлсин, аъзойи бадани ириб оқиб тушсин! Айтгандай, Бухорога бориш менга тақиқланган, сен эса у ерга болаларинг билан бемалол бораверсанг бўлади. Ҳозир йўлга тушсанг, бир ҳафтадан кейин отани зиёрат килиб, унинг дуосини олиб ўтирган бўлар эдинг, аттангки, сизларни юборай десам пул ҳам йўк.

— Нега йўк бўлар экан?— деди Гулжон.— Сандикда ётган ҳамёндаги саккиз юз танга-чи?

Хўжа Насриддин сандикдаги пул ҳакида ўзидан аввал хотини гапиришини кутиб турганди. Кичкиналигидан дарёда сузуб катта бўлган миришкор қайнўчи дарёнинг ҳамма бурилиш, саёз ва чукур жойларини яхши билганиндеқ, у ҳам гап қаёққа қараб кетишини олдиндан билиб турарди.

У кайигини дадил олға суро кетди.

— Иўғ-эй! — деди у. — У пулга тегиб бўлмайди; у пул уй солиш учун керак. Мен у пулни таксим килиб қўйганман.

— Таксим килиб қўйганман? Ҳали-я?

Дарёнинг кайик ўтириб коладиган жойи якинлашганди. Буни Гулжоннинг овозидан ҳам билса бўларди. Хўжа Насриддин яна бир эшкак эшди ва сув секин оқадиган чукур жойни четлаб ўтиб, қайифини дарёнинг энг ўртасига, тез оқар жойига олиб чиқди:

— Авваламбор, болаларнинг иссиқ кунларда чўмилиб ҳордик чиқариши учун ҳовлимизда таги ва четларини гишт билан ишлаб ҳовуз қазишимиз керак.

— Худди кўнглимдагини айтдингиз,— деди Гулжон.— Дарё боғимизнинг ёнгинасидан, олдигинамидан оқиб турсину, ҳовузимиз бўлмаса-я? Мармар ҳовузимиз бўлсаям арзийди...

Қайик жадал сузиб борар, энди олдинда сув тубидаги тошлар устида ўйноклаётган оқ кўпиклар қўрина бошлади.

— Ҳовуз қазишга икки юз танга кетади,— деди Хўжа Насриддин икки бармоғини букиб.— Иннайкейин, мен бокқа шийпон қилиб, гилам солиб қўймокчиман. Усталарнинг гапига қараганда, бунга яна икки юз танга харажат бўлар экан. Гиламлар учун ҳам ўшанча пул тўлашга тўғри келади.

— Ҳаммаси олти юз танга бўлди,— хомчўт килди Гулжон.— Яна икки юз танга колди.

— Унинг ҳам ўз ўрни бор,— деди шошиб-пишиб Хўжа Насриддин,— тахта эшигимизни олиб ташлаб, ўрнига ёнфокдан ўймакор эшиқ қурмокчиман. Сўнгра бўёқчи чакириб, уйимизнинг ичкари ва ташкарисини кўк гул солиб бўятмокчиман.

Кўк рангдан ирим килиниши бирдан унинг эсига тушиб, бу сўз оғиздан чикиб кетганига ўзи кўрқиб кетди.

— Иморатни ташқаридан бўяшнинг нима кераги бор?— сўраб колди бунинг устига Гулжон.

— Чиройли қўринсин дейман-да.

Тўсатдан эшкак синиб колди, қайик тошга қаттик урилиб ағдарилди-да, гирдоб Хўжа Насриддинни домига тортиб оқизиб кетди. Ҷанжал-тўполон, кўз ёш қилиш кечгача давом этди.

— Уйни кўк гул солиб бўяшга пул бору, каровсиз ичор дадамни бориб қўришга пул топилмас экан-да!—

жекириди Гулжон.— Ким иморатининг ташқарисини бўятади? Ер ютгур бўёғингиз ёмғир ёғар-ёғмас ўчиб кетади-ку!

Хўжа Насриддин лом-мим демади. У икки кунгача чурк этмай хотинининг таъна ва маломатларини эшилди, аммо бунинг эвазига учинчи куни дарвоза олдида соябон арава пайдо бўлди: эри устидан ғалаба қилган Гулжон тантанали равишда болалари билан Бухорога, отасиникига жўнаб кетмокда эди.

— Кўпrik ва кия жойларда эҳтиёт бўлинг,— деб огоҳлантириди Хўжа Насриддин аравакашни.— Отни чоптирманг.

Аравакаш офтоб иссиғида мудраб ўтиради, оғирлигини кетинги чап оёғига кўйиб ола байтал ҳам мудрамокда, аравакашнинг от чоптириб юрган кезлари аллакачон ўтиб кетган бўлиб, Хўжа Насриддиннинг огоҳлантиришлари мутлако ортиқча эди. Хўжа Насриддин аравага похол тўшади ва унинг устидан кигиз ёпди, анча овора бўлиб уйидан ҳар хил тугунлар, саватлар, хуржунлар ташиб чиқиб, аравага жойлади; ниҳоят, уйдан Гулжон ва унинг кетидан мунчокдай тизилишиб еттида боласи: аввал катталари, сўнгра кичкиналари чиқишиди, болаларнинг ҳаммаси ҳам ўғил эди.

Эгар устида пинакка кетган аравакаш бирдан кўзини очди, жўнашга тайёрлигини билдирумокчи бўлгандек қаддини ростлаб, арава шотисига оёғини маҳкамрок тиради, қамчисини силкиб кўйди ва: «Парвардигор паҳоҳида сакласин, омин, қани «чув» денг!» дейилишига ҳали анча вакт борлигини билганидан яна пинакка кетди. Байтал эса уйқудан уйғонмади ҳам, оёғини алмаштириб босиб гавдасининг оғирлигини ўнг томонга солди.

Хўжа Насриддин хотинини ғилдиракнинг кегайдан аравага чиқариб кўйди, кейин ҳамма ўғилларини битта-биттадан чўпиллатиб ўпиб хотинига узатди. Аравадаги жўжабирдай болалар кий-чув қилар, чинкирар ва йиғлашарди, ўртада эса, жўжаларини қаноти остига олган курк товуқдек олазарак ва сўнгги дамда хафаланиб колган Гулжон савлат тўкиб ўтиради.

— Ҳой, дадажониси, айтган гапларимни унутмайсиз-а!

— Йўқ, бирортасиням! Биттаси, тешик кумғонни тузааттириш, иккинчиси, мўрици тозалаш, учинчиси, қассобга ўн олти танга қарзимизни тўлаш.

— Деворни эсдан чиқарибсиз,— деди Гулжон,— пахса деворнинг ўпирилиб тушган жойини кўрсатиб.— Деворни албатта уриб кўйинг.

— Сизлар кетишларинг биланоқ шу бугундан қолдирмай деворни ура бошлайман. Жон онаси, Бухорда кўп туриб қолманглар!

— Биз роппа-роса уч ойда қайтиб келамиз.

Қайтадан кучоклашиб ўпишиш, йиғлаш, кий-чув бошланди, Хўжа Насриддин ўғилларидан қайси бирини икки марта ўпид ва қайсини ўпмаганини кий-чув ва тўполонда пайқамай қолганидан яна ҳаммасини бир бошдан ўпид чиқди.

Бу орада күёш тикка кўтарилиб, кўланкалар қисқарган ва эрталабкига қараганда қуюклашган эди. Аравакаш уйкуга тўйиб олди, байтал оёклари толиб бетоқатланар, жўнаш вақти бўлган эди.

— Парвардигор ўзи паноҳида сакласин, омин, кани, жўнанглар энди!— деди Хўжа Насриддин титроқ овоз билан.

— Худо паноҳида сакласин!— такрорлади аравакаш ҳам. Арава фирчиллаб, лапанглаб, каттакон ғилдирагини секин айлантириб йўлга тушди.

Хўжа Насриддин арава кетидан борарди. Улар тор кўчадан, сўнгра бизга таниш, алалакачон япроқ ёйиб, куюқ соя ташлаган терак ёнидан ўтишди.

Бозор ҳам ортда колиб, ниҳоят шаҳар дарвозасига яқинлашишди.

— Бизни Бухорогача кузатиб қўймокчи бўлсангиз, ёнимга чиқиб ўтирвola қолинг,— деди Гулжон эрига.

Хўжа Насриддин хотинининг бу ҳазилига миннатдорлик билдириб илжайди-да, аравани тўхтатиб, Гулжон ва болалари билан сўнгги марта ўпишиб хайрлашди... Кейин кўчада анча вақт арава орқасидан қараб турди, ниҳоят арава муюлишда кўздан ғойиб бўлиб ғичиллаши ҳам тинди.

Хўжа Насриддин ёлғиз қолар экан, Ибн Ҳазмнинг: «Ҳижрон аламининг тўртдан уч ҳиссасини ошик ва тўртдан бир ҳиссасинигина маъшуқа тортади», деган сўзларини эслаб, ўйчан ва ғамгин ҳолда уйига қайтиб келди.

Серёду ҳовлиси ҳувиллаб ётар, зарғалдоқнинг бир маромда сайрашигина эшитиларди, холос. Хўжа Насриддин илгари болаларининг кий-чувида бу қушнинг овозини ҳеч эшитмаган эди.

У уйига кирмай, саройча олдига борди-да, эшигини кия очиб, секин ҳуштак чалди. Ҳуштакка жавоб бўлмади. У яна чалди. Саройдан бир нарсанинг оғир нафас олгани, пишиллагани, шитирлагани эшитилди ва мудрок босган, қовоги солиқ, сояга ўрганган, офтоб ёруғига токат килолмай кўзини тез-тез юмиб очаётган эшаги чикиб келди. Эшак қулоғини диккайтириб, бир нарсадан ҳайратда қолгандай атрофга қаради.

— Нимага ҳайрон бўляпсан? — сўради Хўжа Насриддин.— Ҳовли ҳувиллаб қолганигами? Уйдагиларнинг ҳаммаси Бухорога, Ниёз отани кўргани кетишди. Энди ихтиёrimiz ўзимизда, билганимизни қилиб юраверамиз.

Ҳаш-паш дегунча Хўжа Насриддин эшакни эгарлаб, устига ҳуржунларни ташлади.

— Войбўй, бўрдоқига ўхшаб жуда семириб кетибсан-ку! — деди у эшакнинг коринбоғини тортиб туриб.— Лекин бир ҳафта ўтмай този итдай этинг бориб устухонингга ёпишиши турган гап! Содик дўстим, иккаламизнинг ҳали анчагина ишимиз бор, лекин вакт тифиз, қани, йўргала! Узок сафарга жўнашимиз керак!

У ҳовли эшигини ичкаридан иккита йўғон хода билан тамбалаб, устидан кулф солди ва уйдаги нарсаларни худонинг ўзи арасасин деди-да, эшагини миниб, деворнинг ўпирлган жойидан кўчага чиқди.

Тўртинчи боб

У бозордан ўтгач эшагини Гавҳаршод мачити томонга бурди.

Гадой одатдаги жойида бошини сал кўтарганча, мовий осмонга қараб ўйчан ўтирап ва осмону фалакдаги юлдузларга парвоз қилишини олдиндан сезиб турганлек, жилмаяр эди.

Хўжа Насриддин эшагини тўхтатди:

— Эй донишманд бобо, оқ фотиҳа беринг! Мен уч ой деганда қайтиб келиб, тоғдаги кўл ҳақида, Оғабек тўғрисида сизга гапириб бераман, ўшанда ўз эътиқодим нималигини айтарман.

Ниҳоятда хурсанд бўлганидан чолнинг юзлари ёришиб кетди. У ўрнидан туриб, Хўжа Насриддинга ер баравар эгилиб таъзим килди, овоз чиқармай, лабларини кимирлатиб дуо-фотиҳа ўқиди.

Шаҳар дарвозасидан чиқилгандан кейин йўл дарё томонга бурилди. Хўжа Насриддин эшагини аввал дарё бўйидаги боғлар орасидан йўрттириб кетди, сўнгра дала йўлига чиқиб олди. Ернинг ҳовури чиқиб ётган шудгорда одамлар ўймалашар, кўкламги ишлар айни қизиган пайт эди.

Шолипояларда одамлар учта-учта бўлиб ишлашар, бақувват ва гавдали ҳўкиз тиззасигача сув кечиб се-кин-аста кўпол омочни тортиб борарди, терга ботган, танаси офтобда ялтираган деҳқон буқчайиб омоч кетидан бормокда, анча нарида бир лайлак ингичка ва узун кизил оёқларини баланд кўтариб, савлат билан қадам ташлаб, балчикдаги итбалик ва чувалчангларни териб ерди. «Ҳорманглар, худо кувват берсин!» қичкирди Хўжа Насриддин, ҳўкиз, деҳқон ва лайлак тўхтаб унга қарди, деҳқон пешанасидаги терни кўрсаткич бармоғи билан сидириб ташлаб: «Бор бўлинг, сафарингиз бехатар бўлсин!» деб жавоб берди ва ишини давом эттираверди.

Апрель ойининг ўрталари бўлиб, дарахтларнинг сояси кун сайин қуюқлашиб борарди. Сахий баҳор мева дарахтининг асли бўлган бодомни чўлда қаққайиб мевасиз ўсадиган саксовулдан, одамларни ҳайвонлардан, паррандаларни ҳашаротлардан ортиқ ёки кам кўрмасди. Уларни яшаш ва баҳтиёр бўлишга баб-баравар лойик деб ҳисоблаб, ўзининг марҳамат ва эҳсонини ҳаммасига бир хилда сочарди. Баҳорнинг келишидан севиниб қушлар бараварига ҳар макомда чукурлашиб сайраб юбордилар, бақалар вақир-вукурлаб, калтакесаклар чириладилар, овосиз чумолилар, курт-қумурскалар, капалак ва бошка шунинг каби майда ҳашаротлар ер узра ўрмалаб сакрай бошладилар.

Шундай шодиёна чокда Хўжа Насриддин ҳам жим тура олмасди. У баҳорнинг ҳусн-жамолига, чараклаб-яшнаб турган қуёшга, кенг бўшлиқларга маҳлиё бўлиб, жониворларнинг шодиёна қўшиғига жўр бўлди.

У куйлай бошлади:

Оқар сувлар мен учун,
Болари гувлар мен учун,
Боғлар гуллар мен учун,
Менман иисон боласи!

Ногоранинг шўҳлиги,
Хофизларнинг қўшиғи,
Аканг барин ошиғи,
Менман инсон боласи!

Менини кенг далалар,
Эшагим ҳамроҳ бўлар,
Мени чорлайди йўллар,
Менман инсон боласи!

Сувлокқа кетаётган подани кўриб яна куйлай кетди:

Мен учун сув ялтиллар,
Мен учун пода келар,
Каритолмайди ўиллар,
Менман инсон боласи!

Хўжа Насриддин йўлида нимаики кўрса ҳаммасини
кўшикка соларди, худо ерни юмалок килиб яратгани
сабабли ундаги йўллар бир-бирига қўшилиб бепоён чў-
зилиб кетганидан унинг қўшиғи ҳам бениҳоя узун эди,
у бутун дунёни айланиб, жўнаган йўлига қарама-карши
томондан қайтса ҳам, ҳамон шу қўшигини куйлаган
бўларди:

Ер доира мен учун,
Ҳам торгина мен учун,
Уйга қайтмай мен нечун?
Менман инсон боласи.

Гулжон каршилар мени,
Сўкар, қамчилар мени,
Жавраб-жавраб охири
Кучоклаб, ўпар мени!
Менман инсон боласи!¹

Бу орада ёала йўли тобора кенгайиб, арава изи чу-
курлаша борар, аравалар, отликлар ва пиёда кишилар
тобора кўпроқ дуч келарди.

Тушга якин Хўжа Насриддин олд томондан узокдаги
шалоланинг шовиллашига ўхшаш овоз келаётганини
эшишиб, сесканиб кетди.

Бу — катта кўчанинг ғала-ғовури эди!

¹ Шеърларни Юсуф Шомансур таржима қилган.

Ғала-ғовурни эшитиб эшак ҳам сергакланди ва то-
вуш келган томонга илдамроқ йўрта бошлади. «Хих эша-
гим, хих!» бақира бошлади Хўжа Насридин эшагини
иккι оёғи билан никтаб. Лекин эшаги бунингсиз ҳам
йўртишни тезлатмоқда эди. Хўжа Насриддиннинг кў-
зойнаги бурни устида сапчиб туарди; у кўзойнагини
олиб йўлга улоқтириди, кўзойнаги тошга тегиб чил-чил
бўлиб кетди.

У кўп ўтмай катта йўлга чиқди. Ҳар вақтдагидек бу
йўлни қуюқ чанг булути коплаб олган эди, шу чанг-тў-
зон ичида тўхтовсиз равишда одамлар, отлар, ҳўқизлар,
эшаклар, туялар қатнамоқда эди: баъзилари Қўконга,
бозорга бормоқда, баъзилари эса Қўқондан келмоқда
эди. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига тиқилишар, бир-би-
рини итаришарди, отлар кишинар, сигир ва ҳўқизлар
маърар, эшаклар ҳанграп ва одамлар бақиришар — кў-
чани қулоқни кар қилгудек ғовур-шовур тутиб кетган
эди.

Насриддин Афанди эшагини шу ғала-ғовурнинг қоқ
ўртасига қараб бурди, кўча уни дамига тортиб, оқизиб
олиб кетди. Уни ўнг томонидан кимдир туртиб, чап то-
монидан бирор итариб юборди, аллақандай бир ҳўқиз
думи билан унинг юзига шапиллатиб урди, туя чучкириб
унинг бошига сўлакайларини оқизди. Жазирама иссик
ва тиқилинчдан тоқати тоқ бўлган бир аравакаш: «Пўшт,
пўшт!» деб унинг қулоги ёнида қаттиқ бақириди. Нас-
риддин Афанди аравакашнинг қамчинига зўрға чап бе-
риб, ўзини энди бир четга олган эдики, ҳаял ўтмай
юкоридан забардаст карвон бошининг қарфиш ва сўкиш-
лари эштилди, у тайинланган жойга карвонни вақтида
етказиб, ўзига ваъда қилинган ҳақни олиш учун йўли-
даги ҳамма тўскинликларни эзиб-янчиб ўтишга тайёр
эди.

Лекин дам ўтмай, Хўжа Насриддиннинг эсанкираши
йўқолиб, ўзини тутиб олди. У аравакашга караганда
ҳам қаттиқроқ овоз билан: «Пўшт, пўшт!» деб бақириб,
олға юра бошлади. У ҳамроҳларини туртар, итараар ва
улардан ўзиб кетар, дуч келган кишилар билан жанжал-
лашар, аравалар орасидан эпчиллик билан ўтиб оларди,
карвондаги туялар бир-бирига боғлаб қўйилган занжир-
ларнинг тагидан ўтиб, эшагини кўй подаларининг гупил-
лаб ҳид сочувчи кул ранг тўлқинлари ичига сурис бор-
арди...

Хўжа Насридин кечаси йўл бўйидаги чойхонада тунади-да, саҳарлаб яна эшагини миниб йўлга равона бўлди. Кирмизи рангли бу тонг пайтида йўл жимжит ва кимсасиз эди. Карвонлар, аравалар ҳали йўлга чикмаган, эшак ўз ихтиёри билан йўлнинг гоҳ ўнг ва гоҳ чап томонидан секин-аста юриб борарди. Хўжа Насридин ўз фикр-ҳийлалари билан банд бўлганидан эшатининг юришига ҳалал бермас ва жиловини силкимасди. «Йўлда яна бир кеча тунасам, эртага Кўконда бўламан! Кўкон бозорида Оғабек тўғрисида бирон гап эшишиб қоларман», деб ўлади Хўжа Насридин ва унинг кўз ўнгида Кўконнинг гузар ва майдонлари, мачитлари, бозорлари, хоннинг баланд девор билан ўраб олинган ҳарамхонали саройи пайдо бўлди (овозаларга караганда, ҳарамхонада хоннинг икки юз ўттиз еттига хотини бўлиб, йилнинг рўздан бошка вактдаги ҳар бир кунига биттадан хотин тўғри келар экан). Хўжа Насридин бир вакт Кўконда бўлган ва анча замонгача унутилмайдиган ишлар килган эди; у саратондаги иссиқ кечани, ҳарам деворидаги арконни, қоронғи ва дим йўлак ва хилват жойларни эсга олиб, кулимсираб кўйди ва ниҳоят... Лекин шу ерда Хўжа Насридин хаёл аргумофини бирдан тўхтатди. «Эй севиклим Гулжон, сени сайлаб олганимдан бери мен ҳамма вакт ва ҳамма ерда, ҳатто узок юртларда ҳам сенга вафодор бўлиб қолмоқдаман!» деди ичида. У ўз олижаноблигидан хурсанд бўлиб ва таъсирланиб, ўзини ҳаммомдан чикқан кишидай енгил ҳис қилди, памиқкан ярим юмук кўзлари билан атрофга қаради ва кутилмаган бир ҳодисани кўриб эгардан йиқилишига сал колди.

Унинг эшаги катта йўлда эмас, балки шудринги қалин барра кўкат босиб ётган эгри-буғри тор сўкмоқ йўлда туарди, пастда, тоғ ён бағрида кўпирниб ва айланиб айланиб шиддатли тоғ дарёси окмоқда, ён томонда кўмкўк жийдазор кийғоч гуллаган. Олдинда эса, корли чўққилари булувлар билан ўпишган юксак тоғ тизмаси бўкчайнб кўринарди, бу тоғ тизмаси бир соат илгари йўлнинг ўнг томонида эди.

— Вой ҳаром ўлгур, қашкир билан калтакесакдан таркаган лаънати, мени қаерга олиб келиб кўйдинг!— деб ўшкирди Хўжа Насридин эшагига.— Мен илгари бу жойларга ҳеч келмаганман, бу сўкмоқ йўл қаерга олиб боришини ва пастда ҳайкириб оқаётган дарё қайси

дарёлигини билмайман! Катта йўлдан нега четга чиқдинг, ниятинг нима ўзи?

У камчинини кўтариб, эшагини боплаб саваламоқчи бўлди-ю, лекин қўли бормади, чунки атроф тинч ва осоиншта эди, жийдазордан асалариларнинг ёкимли гувиллаши ва сертук ариларнинг йўғон овоз билан гўнирллаши эштиларди, қўёш илик ёғдулари билан эркалатар ва баланд осмон артилган шишадай тиник эди.

— Ё, ҳов анови кўл қаердалигини дуч келган бирон эшакдан, ўз ошнангдан суриштириб билиб олдингми? — сўради Хўжа Насриддин.— Хайр, майли, йўлни сен танлай қол: сен хўжайин бўл, мен хизматкор бўла қолай, хоҳлаган томонингга юравер, мен орқангдан бораман.

Хўжа Насриддин бу сўзлари кўп ўтмай амалга ошишини, чиндан ҳам ҳадемай эшагига хизматкор бўлиб қолишини, эшаги эса унинг золим, қаттиқ қўл хўжайнинга айланишини шу пайтда хаёлига келтира оларди дейсизми? Эзгу ният Музаффар Юсуф Ражабийнинг: «Ҳикоя килганингда ўз думининг учини тишламоқчи бўлиб ғингшиб гир айланувчи кучук болага ўхшаб ҳаракат қилма» деган сўзларини эсда тутиб, олдинга чопиб кетмай, китобимизнинг навбатдаги бобига ўтамиз; бу бобда Хўжа Насриддиннинг ўз номи билан яккама-якка олишгани ва охир-окибат балога қолгани ҳикоя қилинади.

Бешинчи боб

Хўжа Насриддин бир оз дам олгач, яна эшагига минди-да, жиловни кўйиб юбориб, йўл танлаш ихтиёрини эшагига топширганча хаёл дарёсига чўмиб кетди.

Сўқмоқ йўл тобора юкорига кўтарилиди, дарё чукур дара ичига яшириниб, кўздан ғойиб бўлди, пастдан унинг гувиллаган товуши эштиларди, йўл-йўлакай жуда кўп тез оқар майдар ариклар учради. Ҳар жой-ҳар жойда арикларга тор дара устидан ошиб ўтадиган тарновлар ўрнатилган эди, йўсин босиб кетган бу тарновларнинг шаффо суви пастга — чукурликка жилдириб оқиб тушарди. Кўп ўтмай, сўқмоқ йўл майдар баргли хушбўй жийдазор, чирмовук ва ёввойи узум бутазорига олиб чиқди; қўёшнинг иссиқ ёғдулари дарахт шохлари орасидан ўтиб, Хўжа Насриддиннинг юзида танга-танга бў-

либ жилваланарди; шу пайт унинг хаёлини банд этган фикрлар гүё кўланкадай тарқалиб кетди.

Энг яқиндаги қишлоққа бир ярим соатлар чамасида етиб бориш мумкин бўлса-да, забтига олган баҳор күёшининг иссиғи бунга халақит берарди. Хўжа Насриддин эшаги устида тўнини ечиб кўйлакчанг бўлиб олди-да, юзидаги терини рўмолнаси билан тез-тез арта бошлади. Қишлоқ уни жар тепасига қурилиб ҳамма томондан тоғ шабадаси фириллаб уриб турган салқин чойхонаси билан кутиб олди.

Норғул чойхоначи янги чойхўр келганига хурсанд бўлиб, чойдишга ўт ёқди, ҳамма ёқни Фарғона тоғларига хос арча дараҳтининг муаттар ҳиди тутиб кетди.

Чойхонада, Хўжа Насриддиндан ташқари, яна тўртта меҳмон бор эди: бири сарғиш, кул ранг соқолли ва барок кошли бир чол бўлиб, чамаси, шу қишлоқлик деҳкон эди; меҳмонларнинг иккитаси чўпон бўлиб, оёқларига хом теридан тикилган юмшоқ бошмоқ кийиб олишган, болдиrlарини тиззаларига қадар қалин намат билан ўраб устидан боғлаб кўйишганди. Эгниларига енгиз кигиз чакмон кийиб олишган; тўртинчи меҳмон озгин ва рангига кони йўқ этикдўз ёки кийим тикувчи дайди ҳунарманд эди; у ёнбошлаб, хуржунини тирсаги билан босиб ўтиради. Улар зич давра қуриб, бир чойнак чойни битта пиёлада навбатма-навбат ичарканлар, тақиқланган алланарса тўғрисида шивирлаб сўзлашмокда эдилар, бу уларнинг Хўжа Насриддинга ҳадиксираб қараб кўйишларидан очик кўриниб турарди.

Хўжа Насриддин суҳбатга халақит бермаслик учун уларга орқа қилиб, жар томонга қараб ўтиреди. Пастда гўзал водий: далалар, боғлар, қишлоқлар ястаниб ётар, ундан нарида қия тепаликлар ва яна ҳам нарирокда тоғлар кад кўтариб турар эди. Бу тоғларнинг орқа томони Ҳиндистон эди. Эрталабки туман тарқалган бўлиб, тоғлар бериrokка келиб қолгандай туюларди. Корли далалярнинг оппок кўйни, бинафша рангли соялар тушиб ётган ўпқон, жар ва даралар яққол кўзга ташланарди, далалардан пастда, кул ранг тошлоқ ён бағирларда кумуш жилгалар илондай буралиб окарди. Хўжа Насриддиннинг юзига тоғ томондан салқин кор шабадаси келиб урилди.

Чойхона бурчагидаги пичир-пичир эса ҳамон давом этар ва тобора авжига чиқмокда эди, Хўжа Насриддин

ўзнига орка томондан тўрт жуфт кўз қараб турганини сезди. «Менинг тўғримда гаплашишяпти, ҳозир олдимга келиб, савол беришади» деб ўйлади у.

Дарҳақиқат шундай бўлди: чол ўрнидан туриб, унинг ёнига келди.

— Ассалому алайкум, вайронна кишлогимизга қадам ранжида қилган йўловчи! Бундай қарасак, этигинга сарик чанг ўтириб қолибди, бизнинг жойларда эса йўллар тошлоқ ва чанги оқ бўлади. Шунинг учун биз сени Фаргона водийисидан келган мусофири бўлса керак деб ўйладик, хато қилмабмизми?

— Ҳа, мен фаргоналиқман,— деди Хўжа Насриддин пиёлани чертиб чолта чой узатар экан.

— Эй, барака топкур йўловчи, ундан бўлса айт-чи,— илтимос қилди чол пиёлани кўлига оларкан, рўпарага ўтириб,— кейинги кунларда водийда қандай воқеалар рўй берди? Хўжанд новвойлари ғалаён кўтаришмадими? Конибодом жувозкашлари солиқ тўламай қўйишмадими ишқилиб? Уратепа тинчми?

— Ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— жавоб кайтарди ажабланган Хўжа Насриддин.

Чол ошналарига маъноли кўз қисиб қўйди.

— Мен ҳам ҳеч нарса эшитганим йўқ, ўзим шунчакни, эҳтиёти шарт сўраяпман-да,— деди у муғамбirona.— Бизнинг кишлок чет жой, водий кишилари бизнинг кишлокка аҳён-аҳёнда бир келишади холос, шунинг учун сўровдим...

— Эҳтиёти шарт денг-а?— илжайди Хўжа Насриддин,— бўлмасам, эшитмаган, бўлсангиз, эшитиб қўйинг, Конибодом жувозкашлари солиқни бекам-кўст тўлашяпти, яна «эҳтиёти шарт» шуни ҳам айтиб қўяйки, Хўжанд шаҳри ўз жойида турибди, унц ер ютгани йўқ, Наманганд атрофида оғзидан олов сочувчи аждаҳо пайдо бўлгани йўқ. Тағин «эҳтиёти шарт» бирор саволингиз бероми?

Чол Хўжа Насриддиннинг пичингига тушунди, барок кошларини чимириб жим туриб қолди: у номаълум кишига сир айтишдан қўрқар ва ўйлаб турган саволини беролмай кийналарди.

Хўжа Насриддин чолнинг мушкулини осон қилди:

— Отaxon, кўзимга тикилиброк қаранг-чи, айғоқчига ўхшармикинман ёки йўқми?

— Худди кўнглимдагини топдинг,— жавоб берди

чол.— Мен сенга қалтис бир савол беришмни ҳам, бер-
маслигимни ҳам билмай, кўркиб турибман. Аммо агар
сен бизнинг олиҳиммат ҳокимларимизни, ўша конхўр-
ларни... яъни у адолатпешаларни билсанг эди... илөё
бахтимизга уларнинг азиз умри бундан ҳам зиёда бўл-
син, таҳти салтанат ҳалол кўлларидан асло нари кет-
масин?

— Отахон, ҳокимларни, давлат паноҳларни мақтай-
верманг. Айғоқчи эмаслигимни айтдим-ку, ахир сизга.

— Йўловчи, ишонса бўладиган одам кўринасан, сен-
га ростини айтиб қўя қолай. Сендан,— деди чол ва сўнг-
ра овозини пасайтирди, унинг учта шериги сурилиб
яқинрокка келиб ўтирди.— Сендан Хўжа Насриддин ҳо-
зир шу ёқларга келганми-йўқмилигини сўрамоқчи эдик.

Хўжа Насриддин уларнинг оғзидан ҳамма нарсани
эшитишга тайёр бўлса ҳам, лекин ўз номини эшитаман
деб сира-сира ўйламаганди. Шунинг учун бўлса керак,
ичаётган чойи томоғига тикилиб қалқиб кетди.

— Ҳа, ҳа, Хўжа Насриддин шу ерда пайдо бўлиб ко-
либди!— деб шивирлаб чолнинг сўзини қувватлади ёш
чўпон.— Кўйчивонлардан бири Хўжанд якнидаги катта
йўлда уни ўз кўзи билан кўрибди...

— Бу кўйчивон бир вақтлари Бухорода турган, шу-
нинг учун Хўжа Насриддинни яхши танийди,— деб кў-
шиб кўйди, ўткир кўзлари қалин ва жаҳлдор кошлари
остида чакнаб турган кора соқолли, баланд бўйли, буф-
дой ранг иккинчи чўпон.

— Хўжа Насриддинни кўйчивонгина эмас, Кўкон-
нинг ўша катта йўлида бир карвонбоши ҳам кўрган
экан,— деб изоҳ берди чол.

Хўжа Насриддин бу сўзларни тинглар экан, кора кўз-
ойнагимни барвақт ечган эканман, деб ўйларди. Уни
таниб қолишибди: у кичкина чойхонада ўз номи тилга
олиниши билан ҳаяжонга келган Кўкон, Андижон ва
бошка шаҳар бозорларининг шовкин-сурони тобора ку-
чайиб бораётганини хаёлан эшитиб ўтиради. «Бу шов-
шувлар бемаҳал бўляпти-да!— деб ўйлади у.— Миш-
мишларга дарҳол барҳам бермок керак!»

— Яхшилар, сиз янгишяпсиз,— деди у суҳбатдош-
ларига.— Карвонбоши билан кўйчивон бошка одамни
Хўжа Насриддинга ўхшатган бўлса керак. Унинг ҳозир
бу якин атрофда эмаслигига ишончим комил.

— Уни шаҳарма-шаҳар ва кишлокма-кишлок юриб

олди-сотди килувчи бир савдогар ҳам күрибди-ку!—
куниб-пишиб эътиroz билдири, ҳаяжонлангандан оз-
ғин ва қонсиз юзларига қизил юргурган ҳунарманд.

«Савдогар ҳам таниб қолган экан!— деб ўз ичидаги
хитоб килди Хўжа Насриддин.— Ҳакиқатан шайтоннинг
гапига кириб кўзойнагимни ташлаган эканман!»

— Демак, Фарғонада Хўжа Насриддинга ўхшаган
одам бор экан,— деди у.— Қайтариб айтаманки, ҳаки-
қий Хўжа Насриддиннинг бу жойлардаги йўлларда пай-
до бўлишин ҳеч мумкун эмас.

— Эй йўловчи, хўш, нега пайдо бўлмас экан? Бу га-
лингни нимага ишониб айтяпсан?— сўради чол.

Кумғон ёнидан чойхоначининг ҳам овози эшитилди:

— Агар чиндан ҳам Хўжа Насриддин бундан бир
ҳафта илгари узоқ бир жойда саёҳат килиб юрган бўлса,
нима учун энди бизнинг юртда пайдо бўлолмасин?—
Чойхоначи суҳбатдошлар олдига бир чойнак чой келти-
риб кўйди-да, бўшаган чойнакларни кўлига олди.— Үн-
га бутун дунё бир қадам, у бир йили Ҳиротдан Самар-
кандга тўрт кун деганда кела олди-ку, ахир!

— Ҳамма гап шундаки, у энди саёҳат қилмайди,—
деди Хўжа Насриддин.— Энди у аввалги Насриддин
афанди эмас. У бола-чакаларини кўпайтирди, ҳовли со-
тиб олди ва илгариги жаҳонгашталигини ташлади. Қўк
эшаги оғилхонада ётавериб кун сайин йўғонлашмоқда,
Хўжа Насриддиннинг ўзи ҳам хонанишин бўлиб олиб,
жуда бесўнақай семириб кетган. У аклини йўқотиб, тан-
бал бўлиб қолган, бирон кишининг таниб колишидан
ҳадиксираб, ҳозир уйидан кора кўзойнаксиз чикмайди.

— Боз устига у ўлгудек кўркок ҳам бўлиб қолган
демоқчи бўляпсизми?— сўради титроқ овоз билан кора
соқолли чўпон.— Унинг ҳеч қачон, ҳеч кимдан қўркма-
ғанилигини ҳамма билади!

— Ўзиям ўлгудек мақтанчоқ эди,— менсимай жавоб
кайтарди Хўжа Насриддин.— Унинг тўғрисидаги гап-
ларнинг бири рост бўлса, ўнтаси ёлғон.

— Ёлғон?— сўради қизишиб ҳунарманд.— Ҳўш, агар
Хўжа Насриддин ҳакидаги гапларнинг ҳаммаси ёлғон
бўлса, золим амалдорларни дағ-дағ титратётган киши
ким бўлди экан?

Иккала чўпон, чойхоначи ва чол бир-бирларига ка-
рашиб, кўз кисишиб олишди.

— Билмадим, билмадим,— деди Хўжа Насриддин

уларнинг гумонсираб бир-бирларига қарашиб олишганини пайқамай.— Менга яна шу нарса маълумки, у ўзномини ўзгартириб олган. Унинг ҳозирги номи Узоқбой, ҳозир у...

У гапини охирига етказолмади: чойхоначи иргиб туриб зилдай мушти билан унинг орқаснга боплаб бир туширди, шу пайтда ёш чўпон унинг гоҳ ўнг ва гоҳ чап бикинига мушт сола кетди, чол эса заиф бармоқлари билан унинг соқолини чангаллаб олиб, ўшқира бошлади:

— Демак, бизнинг Хўжа Насриддинимизни Хўжа Насриддин бўлмай қолди, деб ифво қиладиган сен экансан-да, лаънати айғоқчи!

— Хўжа Насриддинга туҳматлар ёғдириш ва уни ёмонотлик қилиш учун ҳамма ёқка атайлаб айғоқчилар юборилган, бу ҳам ўшаларнинг бири!— деярди ҳунарманд ичига қаттиқ, оғир ва қиррали бир нарса солинган қопи билан Хўжа Насриддинни дўппослаб.

— Тўхтанглар!— бакирди Хўжа Насриддин, гоҳ боши ва гоҳ бикинини пана қилиб.— Хўжа Насриддин учун кимни ураётганингизни биляпсизларми? Сиз унинг ўзини уряпсиз...

Қовурға Ԑуякларини синишдан асраш ниятида Хўжа Насриддин, гарчи ишонишлари мушкул бўлса ҳам, уларга ўзини танитиш учун энди оғзини жуфтлаган ҳам эди, лекин бунга чойхоначи халақит берди. У Насриддинни боплаб бир тепиб юборган эди, супадан йўл бўйига, эшагининг оёғи олдига учиб тушди.

— Laънати, йўқол бу ердан, бундан кейин кишлоғимизга қадамингни кўя кўрма! Худди бикинингдан дарча очиб кўяман!

Хўжа Насриддин чурк этмай, эмаклаб ўрнидан турди, эгарга сакраб миниб,вой-войлаганча эшагини йўртириб, йўлга равона бўлди. У орка томонда, чойхона тарафда беш кишининг сўкинаётганини эшилди.

Олтинчи боб

Унинг ўз исми билан яккама-якка олишгани ана шундай қайгули ҳолда тугади — бу нарса кўп кишилар учун ибратлидир. Шоир Хўжа Ҳофизнинг беназир ғазалларини масхара қилгани учун Шероз шаҳри бозорида оломон томонидан дўппосланган Ҳофиз исмли қизиқчи

ва майхўр бир кишининг қўйндаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Эй шарафли номим, илгари сен менини эдинг, эндиликда мен сенини бўлдим, аввалги вақтда бир қанча кунли йўлда мендан ўзиб кетиб, олдинда борганинг учун шодланардим, энди эса оёғингга тош бойлаб қўйгим келади; мен бир отман, сен эса мени миниб олиб, бошимда қамчи ўйнатиб турган раҳмсиз чавандозсан! Бу бевафо дунёда кишининг ҳатто шон-шуҳрати ҳам ани шу зайлда унинг зарарига айланади, уни мушкул аҳволга солиб кўяди!..»

Икки-уч чақиримча йўл босгач, Хўжа Насриддин эшагини тўхтатди ва ерга тушиб, йўл четидаги тошга ўтириди-да, кўл-оёқларини, бўйин ва бошларини ушлаб кўра бошлади. «Искрот ҳунарманд, илоҳи қалтироқ қасалига гирифтор бўлгин!— деб вайсар эди у, баданининг мўматалок бўлиб кўкарган жойларини силаб.— Фалоқат копидаги нима бўлсайкин? Қайроқ тошларми, дазмолмикин ёки қолипларимикин?»

Чойхонадаги воқеани ўйлаб, қизикчи ва майхўр Ҳофизнинг шикоятини ўзига татбиқ килар экан, у офтобда қизиган тошлок йўл билан яна олға равона бўлди. Унинг димоғига ҳамон ўша гуллаб турган жийдазордан асалнинг ўтқир ҳиди келиб урилар, тошлар устида ранго-ранг: фируза, ёқут, кўк, яшилтоб, кул ранг тусли қалтакесаклар исиниб ётишарди. Осмонда тўргайлар сайрашар, қуёш шуъласида асаларилар ялт-юлт товланар, ниначилар шиша қанотчаларини пирпиратардилар; хуллас, теварак-атрофдаги ҳамма нарса бир соат аввалгидек бўлиб, Хўжа Насриддин ўзини йўлда тўхтамаган ва жар тепасидаги меҳмонсевмас чойхонага кириб чиқмагандек ҳис киларди.

У кўрган-билганлари ва бошидан кечирганларини эсида яхши саклай оларди, лекин керак вақтда уларни унугиб юбориш ҳам қўлидан келарди. Бунинг устига бел ва бикинларидаги оғриқ тўхтади, бунинг учун у қалтакнинг зарбини камайтирган тўнига раҳматлар айтди. Кўп ўтмай хафалиги бутунлай тарқалиб, аввалига илжая бошлади, сўнгра қаҳқаҳа уриб кулиб юборди:

— Гапимни эшит, вафодор эшагим! Ҳозир мени Хўжа Насриддинни ҳимоя қилиб ура бошладилар; энди уни деб осишлари колди, холос!

У бирорнинг аста инграган овозини эшитиб, ўзининг ҳазил-мазах гапларини бас қилди.

Эшак пишқириб, кулогини диккайтирди-да, таққа тұхтади.

Хұжа Насриддин үнг томонга қараб, дараҳт тагида чопонига бурканиб ётган бир кишини күрди.

— Ҳой биродар, сизга нима бўлди? Бу ерда нима килиб ётибсиз, нега бу қадар инқиллайсиз?

— Жон беряпман,— базўр жавоб берди чопон ёпиниб ётган киши оҳ-воҳ килиб.— Бундай оғир дардга мубтало қилгандан кўра тезроқ жонимни ола қолсанг-чи, деб худодан сўраяпман.

Хұжа Насриддин раҳми келиб эшагидан тушди.

— Бундай оғир дардга қачон чалинувдингиз?— сўради у энгашиб бемордан.

— Беш йилдан бери азобдаман,— ингради бемор.— Қасалим ҳар йили баҳорда, худди шу маҳалда кўзғаб, бир ой дўзах азобига солади. Қасалим зўрикиб кетмаслиги учун олдиндан бир иш килар эдим; бу сафар ана шу ишни вактида қиломаганимдан йўл бўйида мана шундай ғариб ва нотавон бўлиб ётибман.

— Хафа бўлманг,— деди Хұжа Насриддин.— Энди сизнинг ёрдамчингиз ҳам, жонкуярингиз ҳам бор. Биз икковлашиб яқин бирор кишлоққа етиб оламиз, табиб топамиз, унинг кўмагида керакли шифобахш ишингизни килиб оласиз.

— Табиб топамиз? Бу ишга табиб-мабибининг кераги йўқ...

Бемор ўрнидан сал туриб, чопонини бошидан олиб ташлади, унинг ихчам бурунли, турли ранг кўзли товокдай юзида мўйлов ва сокол деган нарса йўқ эди; бир кўзига оқ тушган, хиға кўринарди, иккинчи, сарик ва юмалок кўзи эса ниҳоятда қаттиқ тикилиб турганидан Хұжа Насриддин ўзини нокулай сезди.

— Барака топкур, мени кишлоққа олиб боринг!— деди бемор чукур нафас олиб ва оҳ-воҳ қилиб чопон остидан чикди.— Кишлоққа олиб кетинг; эҳтимол, ўша ерда одамлар орасида дардим бир оз енгиллашар.

У бир амаллаб эшакка миниб олди. Эшак ўз устида касал одам ўтириб бораётганини сезиб, тепаликлардан пастга секин тушар ва ариклардан ҳатламай кечиб ўтар эди. Хұжа Насриддин оҳ-воҳ килаётган ҳамроҳига кўз кирн билан қараб, эшак ёнида бораркан: «Бу уччига чиккан муттаҳам ва фирибгар одам бўлса керак, бўлмаса нима учун сарик кўзи билан бундай муғамбirona қарай-

ди?— деб ўйларди.— Балки мен янглишиб, афт-башара-си совук бўлса ҳам, соф ният одамдан ноҳақ шубҳала-наётгандирман?» дерди. Қисқаси, Насриддин беморни фирибгар дейишга кўнгли чопмасди. Айни вактда у ҳамроҳи тўғрисида яхши фикрда бўлишга ҳар қанча уринса ҳам, лекин бирдан-бир соғ сариқ кўзидаги муғамбирона қарашни кўриб ташвишланар ва уни ёмон киши деб ўйлар эди.

Иўл тиккасига пастга қараб кетди. Иккита муюлишдан ҳам ўтилди. Хўжа Насриддин пастдаги қишлоқчанинг сариқ текис томларини кўрди. Чойхонани тиник осмонга буруксаётган тутунидан танир экан, боя хўп таъзирини еганини эслаб, теварак-атрофидаги одамларнинг ўзи ҳакидаги ҳеч қандай гапларига аралашмасликка қарор қилди.

Бир кунда икки марта калтак ейиш пешанада бўлганидан кейин ундан кочиб қутулиб бўлмайди; Хўжа Насриддин ҳам бир кунда икки марта калтак еди.

У чойхонада кўрпа топиб, касални авайлаб ётқизди, кейин чойхоначидан табибни суриштирди.

— Табибни чакириш учун нариги қишлоққа одам юборишга тўғри келади,— деди тор пешанали, калта, сержун, қизил бўйинли, пакана, хумкалла чойхоначи.— Табиб келгунча касал чой ичиб турсин, балки енгил тортар.

Касал икки чойнак чойни ичиб олиб, бошини ёстикка кўйди ва оҳ-воҳ қилиб алаҳсираганча пинакка кетди.

Хўжа Насриддин Оғабекнинг тоғдаги кўли қаердалиги тўғрисида бирор нарса билиб олиш ниятида бошка чойхўрлар олдига бориб ўтириб, уларнинг сухбатига аралашди.

Лекин уларнинг биронтаси ҳам кўл ҳакида ҳеч нарса билмас экан. Улар йўловчи кидириб юрган Оғабек номли одам ўтган йили чўлоқ сигирини ҳийла-найранг билан мактаб харидорга боплаб пуллаган тегирмончи эмасмикин? Балки темирчи Оғабекдир? Еки, катта ўғлини яқинда уйлантирган Оғабек бўлмасин, деган мазмўнда мужмал гап қилишди.

— Раҳмат сизга, яхшилар, лекин мен айтган Оғабек бутунлай бошка одам.

— Бутунлай бошка? Ундоқ бўлса, у бултур кузда кўприкчадан ўтаётниб юқ ортилган ҳўқиз-пўқизи билан сойга кулаган Оғабек эмасмикан? Еки отарчи Оғабек-

микин?.. Хўжа Насриддинга ёрдам бериш мақсадида улар Оғабек номли ўн беш кишининг дарагини айтдилар, лекин булар орасида тоғ кўлининг эгаси йўқ эди.

— Ҳечкиси йўқ, мен уни бошқа жойдан топаман,— деди сұҳбатдошларининг эзмалигидан зериккан Хўжа Насриддин.

— Хайр, парвардигор сиздан ўз илтифот ва марҳаматини сира кам қиласин,— деб жавоб қайтаришди улар, Хўжа Насриддин қидирган одамини топишда ёрдам беролмаганларига ич-ичларидан хафа бўлиб.

Шу вакт орқа томондан бирор Хўжа Насриддиннинг елкасига аста туртди, у туртган киши чойхоначи бўлса керак, деб ўйлаб, орқасига ўгирилди ва ҳайратдан бақрайиб қолди. Унинг олдида бундан бир соатгина аввал нариги дунёга сафар қиласай деб инграб ётган касал мамнун илжайиб турар, япалоқ юзи ялтираб сарик кўзи билан ўғри мушукдай бежо қаради.

— Мени туртган сизмисиз?

— Ҳа, мен!— шартта жавоб берди бир кўзи кўши.— Мен сизга айтсан, энди чойхонада ўтираверишимизнинг ҳожати йўқ.

— Хўш, шифобахш ишингиз нима бўлади? Биз табиби кутяпмиз.

— Ҳаммаси қилиб бўлинди. Бундай ишда ортиқча киши халақит беради холос; касаллигимда ҳамма вакт ўзимни ўзим даволайман, бу ишга табиби аралаштирамайман.

Хўжа Насриддин унинг дарров тузалиб қолганига ажабланиб чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилди-да, эшаги томон юрди. Кўр чақонлик билан ундан илгари эшак олдига бориб коринбогини тортиб боғлади. «Яхшиликни билар экан»— ўйлаб кўйди Хўжа Насриддин кўнглида.— Энди каерга бормоқчисиз?— сўради у бир кўзи кўр кишидан,— иккаламизнинг йўлимиз бир бўлса керак, мен Кўконга боряпман.

— Яхши одам, кўп раҳмат, мен ҳам ўша ёққа кетяпман!— хитоб қилди кўр ва лип этиб эгарга миниб олди; у Хўжа Насриддиннинг сўзларини ўзича, яъни, мен эшакда, эгаси эса пиёда кетар экан, деб тушунган эди.

— Бундан кўра тўппа-тўғри менинг елкамга миниб ола қолганинг яхшироқ бўларди,— деди Хўжа Насриддин.

Кўр бу пичингдан мулзам бўлиб, коринбогин текши-

риб күрмокчи эдим, деб ўзини оклай бошлади. «Хайрият, ўялишни билар экан» күнглидан ўтказиб күйди Хўжа Насриддин.

Яна йўлга тушдилар. Кишлокдан чиқилгач, йўлнинг икки томони бўйлаб ям-яшил боғлар ястаниб ётар, нариги боши қия ён бағирликкача бориб тақалган бу боғлар катта-кичик йўнилмаган тошлардан курилган пастак, бел баравар деворлар билан ўраб олинган эди. Бу ерга — тоғ этагига баҳор кеч келганди, чунки йўлларнинг кўтарилиш, тушиш ва бурилиш жойларидан ўтиш баҳор учун ҳам қийин бўлгандек дараҳтлар эндиғина гуллай бошлаган эди.

Тошлок тор йўлда одам зоти кўринмасди, билинмар билинмас арава йўли шу ерда тамом бўлиб, энди довонгача факат эшак, от ва туюда бориларди. Кўтарилган сайин қорли чўққилардан эсган шамол совук туюлар, ариклардаги муздек лойка сув тобора тўлиб оқар, теварак-атрофдаги яшил яланглик тағин ҳам кенгаярди. Осмон кўм-кўк. Ҳаво ҳаддан ташқари енгил бўлганидан Хўжа Насриддин тўйиб нафас ололмасди.

Кўр ҳам зўрга нафас оларди, лекин Хўжа Насриддиннинг унга раҳми келиб дам-бадам эшагини думидан тортиб тухтатса-да, кўр юришини тезлаштирмас эди.

— Сиз жуда шошилаётганга ўхшайсиз-а?

Кўр жавоб қайтармай, кайрилиб йўлга қараб кўйди.

«Балки, у фирибгар эмасдир? — деб ўйлашда давом этди Хўжа Насриддин, ҳамроҳининг ўғри мушукдек мугамбирана қаровчи сарик кўзини эсдан чиқаришга уриниб.— Эҳтимол, у оиласини тезроқ бориб кўриш ёки бошига мусибат тушган ошнасига ёрдам беришга кетаётгандир?..»

Унинг бундай янглиш тахминлари кўпга бормади.

Орқа томондан узоқда келаётган от туёкларининг дукур-дукур товуши эшитилди.

Бир кўзи кўр киши юришини тезлатди ва атрофга ҳадиксираб қарай бошлади.

— Орқамиздан от қўйиб келишяпти,— деди бардош беролмасдан у.

— Келишса келишаверсин, кўча кенг, ҳамма сифиб кетади,— деб кўйди парвосиз Хўжа Насриддин.

Ўн қадамча юрилгач, кўр тағин гап бошлади:

— Негадир жуда чарчадим. Бирор четроқ ерда, тошлар орқасида дам олсак яхши бўлар эди.

— Четга чиқиб нима киламиз? — эътиroz билдириди
Хўжа Насриддин. — Иўл бўйида ҳам дам олаверамиз.

— Тошларнинг панасида дам олганимиз маъкул:
шамолдан холи, — деди бир кўзи кўр ғалати қилиб.
Унинг сариқ кўзи кенгайиб ва коронфилашиб кетди.

От туёкларининг дукури жуда яқин жойдан эшитилди,
кўр довдираб турган ҳам эди, шу пайт муюлишда от-
ликлар пайдо бўлди. Олдинда чойхоначи оёқларини
икки томонга осилтириб яйдок отни чоптириб келар,
унинг орқасидаги отликлар эса ҳув бояги чойхўрлар эди.

— Тўхтанглар! — дағдаға қилиб бақирди чойхона-
чи. — Тўхтанглар деяпман, лаънати ўғрилар!

У Хўжа Насриддинни оз бўлмаса ерга йикитиб юбо-
рай деб, оти туёклари остидан майда тошлар сачрат-
ганча олдинга ўтиб кетди, сўнгра, бирдан тизгинни тор-
ган эди, от олдинги оёқлари билан кўкка сапчиб йўлга
кўндаланг туриб қолди.

Бошқа отликлар ҳам етиб келиб отдан тушишди ва
Хўжа Насриддин билан ҳамроҳини куршаб олиши.

— Унинг куйгурлар!.. — ўшкирди ҳансираф чойхона-
чи. — Уратепа мискарлари ишлаган янги мис қумғоним
қани? Қайси биринг олгансан?

У эшак ёнига келиб, хуржунни титкилай бошлади.

— Қумғоним дейсизми? — ҳайрон бўлиб сўради Хў-
жа Насриддин. — Эй биродар, ахир, нарсаларингиз қа-
ердалигини ўзингиз билсангиз керак. Нега хуржунни
титкилаяпсиз? Е қумғонингиз оёқ чиқариб хуржунга ту-
шиб олган деб ўйлаяпсизми?

— Оёқ чиқариб? Хуржунимга ўзи кириб олган деяп-
санми, разил ўғри? — бўғилиб бақирди жаҳли чиқкан-
дан бўйнигача қизариб кетган чойхоначи.

У шундай дер экан, хуржуннинг ўнг кўзидан ярқи-
лаган янги мис қумғонни тортиб чиқарди. Хўжа Нас-
риддин ҳайратдан турган ерида котиб қолди.

Чойхоначи хуноби ошиб кўкрагига муштлай бошла-
ди, бу унинг шерикларига бир ишора бўлди. Улар ҳаш-
паш дегунча Хўжа Насриддин ва кўр ҳамроҳини ерга
ётқизиб дўппослай кетдилар. Хўжа Насриддин ичидা
калтак ўтказмайдиган қалин тўнига миннатдорлик бил-
диради.

— Униси Оғабекни баҳона қилиб бизларни чалғит-
ган экан-да, а?

— Буниси пайтдан фойдаланиб ўғирлигини қилиби!

— Мановиси үзинни касалыкка солганини каранглар!
Яна дүпспослай кетдилар.

Ниҳоят, чойхоначи ва унинг ошналари уришдан чарчаб терга ботдилар-да, ҳансирашиб жўнаб кетдилар.

От тақалари тошларга яна жаранглаб урилди, дам ўтмай туёқ товушлари тинди...

Хўжа Насриддин ўрнидан туриб эшагига қааркан:

— Эрталаб катта йўлдан нима учун бошқа томонга бурилганингни энди билдим, ҳаром ўлгур! — деди. — Тўним сенга чанг босиб кетгандай кўриндими? Чангни қоқиб кўйишсин девмидинг? Лекин агар яна бирор жойда одамлар тўним чангни эгнимдалигида қоқкудек бўлишса, кўргулигинги кўрасан! Кон қотиб қолган чангаклар, ўтмас эгри пичоқлар, эшак териси тортиб кўйиладиган кайрағоч ходалар турган жойни ер тагида бўлса ҳам топаман. Шуни бир билиб кўй!

Эшак оқиш киприкларини пирлиратганча дўқ-пўписаларга парво ҳам килмай, мулойимгина қараб тураверди.

Кўр киши эса мукка тушиб, кимиrlамай ётар эди.

Хўжа Насриддин уни елкасидан ушлаб силкитиб кўйди.

Кўр кўрка-писа бошини кўтарди:

— Кетишдими? Мен бўлсам дам олиб ўтиришибди деб ўйлабман... — деди у чопонининг чангни қоқар экан. — Яхшиямки, оёқ яланг эканлар.

— Яхшиямкиси нимаси?

— Оёқ яланг товони билан, этиклик этигининг тумшуғи билан тепади. Оёқ этикка қараганда ҳолва-ку.

— Ҳа, буни сиз яхшироқ биласиз...

— Конибодом этикларига учрагудек қилмасин, нак ковурғангизни синдиради, — гапида давом этди кўр киши. — У ёқлик косиблар этикнинг тумшуғини чиройли килиш учун қаттиқ чарм кўйишади. Қарабсизки, бирор чиройли этик кияди-ю, бирор боплаб қалтак ейди...

— Ковурғаларим Конибодом этиклари зарбини ҳали шу дамгача татиб кўргани йўқ ва бундан кейин ҳам татимайди, — деди Хўжа Насриддин. — Менга қаранг, келинг, яхшиси, энди бутунлай ажралиб кета колайлик!

Хўжа Насриддин эшагига миниб, икки қулоғи ўртасига аста чертиб кўйди, бу юриш учун берилган одатдаги ишора эди.

Кўр киши ўкириб йиғлаб юборди-да, тиз чўкканча
Хўжа Насриддиннинг йўлини тўсиб, ёлвора кетди.

— Гапимга қулоқ солинг!— деб ҳўнграй бошлади
у.— Менинг кимлигимни ҳеч ким, ҳеч қачон билмаган!
Илтижо қиласман, менга раҳмингиз келсин, сўзимни
эшитинг-а, ўйлаган нарсаларингизнинг кўпчилиги но-
тўғрилигини тушунасиз.

У чиндан ҳам куюниб йиғлаётганидан аъзойи бадани
дағ-дағ титрарди.

— Ростини айтсан, мен ўғриман!— дерди у кўкраги-
га муштлаб, энтикиб-энтикиб йиғлар экан.— Қабиҳ жи-
ноятчиман, буни ўзим ҳам биламан! Қилмишумга яраша
кўпроқ ўзим жазо тортяпман. Ўз ичимдан ўтганини ўзим
билипман холос!..

Бу гаплардан Хўжа Насриддин гангиб қолди. Ўғри-
нинг аҳволига ачингани ва саргузаштларига қизинқани
учун унинг гапларини тинглашга рози бўлди.

Еттинчи боб

Улар тош устига ўтиришди; кўр ўғри ҳасрат-надо-
матга тўла ҳаётини ҳикоя қила бошлади.

— Энг ёш вақтимдан ўғриликка ишқибоз эдим. Чакалоклигимдаёқ бир куни онамнинг кўкрагидаги кумуш
тўғнағичини ўғирлаган эканман, онам тўғнағичини ки-
дириб бутун уйни ағдар-тўнтар килиб юборибди, мен
эса, тили чиқмаган бола бўлишимга қарамай, киммат-
баҳо тўғнағични кўрпа тагига яшириб, бешигимда илжа-
йиб ётаверибман. Оёққа туриб юра бошлаганидан ке-
йин ота-онамнинг бошига битган бало бўлдим. Уйдан
кўлимга илинган нарсани: пулми, бўз ёки алакми, ёғми,
унми, хуллас, ҳаммасини ўғирлар ва уларни уйдагилар
тополмайдиган жойга беркитиб кўярдим; сўнгра фурсат
топиб, ўлжамни эски қабристондаги ўпирилиб тушган
сағаналар орасида маскан курган пучук ва букри бир
дайдининг олдига олиб борар эдим. У мени: «Эй, она
сути оғиздан кетмаган гўдак, битта букрим иккита бўл-
син, деб қасам ичиб айтаманки, сен ахири бир куни дор-
га осилиб ўласан ёки жаллод қўлида курбон бўласан!»
деб кутиб оларди. Шундан сўнг башараси буришиқ ка-
ри букри билан мен — лўппи юзли тўрт яшар гўл бола
ошик ўйнай бошлар эдик.

Ўғри ўзининг ўтиб кетган шўх болалик йилларини

ўйлаб, пиқиллаб йиғлади, кейин бурнини тортиб күз ёшларини артди-да, сұзини давом эттиреди:

— Беш ёшимда ошиқ ўйнашни жуда яхши билардим, лекин бу вактга келиб хұжалигимизга анча путур етди. Онам мени күриши билан йиғлар, томир тортишиш касалига мубтало дадам эса «Сен бола эмас, бошга битган бало бўлдинг!» деярди. Аммо мен дўппослашу таъналарга парво қилмасдим. Қалтак зарбидан ўзимни ўнглаб олганимдан сўнг яна аввалги қилиғимни бошлардим. Етти ёшга тўлганимда оиласиз камбағаллашиб, қарийб гадой ҳолига тушиб қолди, аммо букири ўз пулига бозорда чойхона очди бу чойхона ҳузурида, катта сўри тагидаги ертўлада бўлган яширин қиморхона ва нашахона ҳам унга қарашли эди... Уйда олинадиган ҳеч нарса қолмаганидан кейин қўшниларнинг нарсаларига кўз олайтира бошладим. Ахири чап қўшним бўлмиш филдираксозни хонавайрон қилдим — умр бўйи жамғарив хумчада қудук тагига яшириб қўйган пулларини ўғирладим, кейин ўнг томондаги қўшнимнинг уйини шипшийдам қилиб, икки ой ўтар-ўтмас кафангадо қилиб қўйдим. Эшиклар ҳар қанча маҳкамлаб кулфланган бўлса ҳам писанд қилмай, уларни лўқидонни очгандек осонгина очаверар эдим. Дадам мендан безор бўлгач, оқ қилиб, уйдан ҳайдаб юборди. Мен унинг бисотидаги бор-йўғи битта тўнини ва энг сўнгги йигирма олти танга пулинни ўғирлаб кетдим. Уша маҳалда саккиз ярим ўшда эдим... Не-не жойларни кезмаганман дейсиз. Мендан Мадорас, Ҳирот, Қобил, ҳатто Бағдод ҳам қолмаган. Қаерга бормайин, ўғирлик қилганман, чунки бирдан-бир ҳунарим ўғирлик эди, эпчилигимнинг боиси ҳам шунда. Йўл чеккасида касал одамдай инқиллаб ётиш ва аҳволимга ачиниб менга шафқат кўлинин чўзган кишининг бор-йўғини шилиб олиш одатини ўша кезларда ортирганман. Мактанишга йўқманг-ку, фақат Фарғонадагина эмас, бошка ҳамма мусулмон мамлакатларида ҳам ўғриликда менинг олдимга тушадиган, менга бас келадиган одам бўлмаса керак!

— Шошманг! — унинг сўзини бўлди Хўжа Насрилдин. — Номи тилларда достон бўлган машҳур Бағдод ўғриси-чи?

— Бағдод ўғриси дейсизми? — Уғри хаҳолаб кули. — Билмасангиз билиб қўйинг, ўша Бағдод ўғриси деганингиз худди менинг ўзим бўламан!

У Хўжа Насриддиннинг юзида пайдо бўлган ҳайратланишдан роҳатланиб жим турди, сўнгра унинг сарик кўзи ўтмиш хотиралари тумани билан копланди:

— Саргузаштларим ҳакидаги гапларимнинг кўлчилиги фирт ёлгон, аммо тўғриси ҳам бор. Қимматбаҳо нарсалар ва уларга эгалик қилувчи шалпангкулок анковлар тўлиб-тошиб ётган ажойиб Бағдод шаҳрига биринчи марта бориб қолганимда ўн саккиз ёшда эдим. Мен Бағдод савдогарларининг дўкон ва сандикларини худди ўзимникини коптиков килгандек ағдар-тўнтар килардим, охири халифанинг хазинасига ҳам ўғирликка тушдим. Тўғрисини айтганда, хазинага кириш уччалик кийин бўлмади. Хазина урса филни ағдарадиган галварсдай учта занжи томонидан кўриклаб турилар, шунинг учун у ўғри ва талончилар киролмайдиган жой деб ҳисобланар экан. Лекин занжилардан бири карлигини, иккинчиси доимо ва ҳатто юриб туриб ҳам ухловчи, ўтакетган бангилигини, уччинчиси эса чумчук «пирр!» этса юраги «ширр!» этадиган ўларча кўркоқлигини билардим. Мен ичи тозаланган бир ковоқни олиб, унга икки жойидан тешиб кўз ва тиржайиб турган оғиз ясадим, ковоқни таёқчага осиб, ичига чироқ ёқиб кўйдим, сўнгра оқ чойшабга ўраб кўрқоқ занжи келаётганида кечаси буталар орасидан уни юқори кўтардим. Занжи кўркқанидан бакириб юборди ва беҳуш бўлиб ерга кулади. Уйқучанг уйғонмади, кар эшитмади; маҳсус асбоб билан кулфни очиб, хазинага бемалол кирдим ва у ердан кўтарганимча олтин олиб чиқдим. Эртаси куни бутун шаҳарга, сўнгра барча мусулмон мамлакатларига халифанинг хазинасини ўғри урибди, деган хабар ёйилди ва ҳамма ёққа довругим кетди.

— Одамларнинг айтишига қараганда, Бағдод ўғриси кейинчалик халифанинг кизига уйланган экан,— деб эслатди Хўжа Насриддин.

— Бўлмаган гап! Менинг ҳакимда турли-туман ма-ликаларни тилга олиб айтиладиган гапларнинг ҳаммаси афсона. Мен хотинларни болалик чоғимдан ёмон кўрар эдим ва худога шукурларким, муҳаббат деб аталган жиннилик кўласига ҳеч қачон кирганим йўк.— У, ўзини пок қилиб кўрсатиш максадида бўлса керак, «муҳаббат» сўзини камситиб талаффуз килди.— Бундан ташкари, хотинлар арзимаган нарсаларини ўғирлаганингда ҳам уят-номусни йиғишириб қўйиб, оламни бошларига кў-

тариб дод соладилар. Менинг касбимдаги одам улардан ҳазар қиласи. Устимдан зар сочганларидаим ҳеч қандай маликага, маликаларнинг маликасига ҳам уйланмаган бўлар эдим!

— Хитой хоқонининг ёки Ҳинд подшосининг қизи ҳақида сизда яхши фикр пайдо бўлгунча тўхтаб турайлик,— деди Ҳўжа Насридин.— Яхши фикр пайдо бўлганда менинг сизга: ишнинг ярми битди, энди маликани кўндириш қолди холос,— деб айтаман.

Ўғри калака қилиб айтилган бу гапга тушунди, бир кўзига оқ тушган ва иккинчи кўзининг пастки ёни моматалоқ башарасини муғамбirona илжайтириди:

— Чакиб олишингиз худди Ҳўжа Насридинникига ўхшар экан.

Ҳўжа Насридин ўз номини эшишиб ҳушёр тортди, ҳадиксираб ён-верига қараб қўйди. Лекин баҳорги очик кунда теварак-атроф кимсасиз эди; қорамтири ён багирларни жануб томонга сузиб бораётган булутларнинг соялари қоплаган, қуёш ёғду сочаётган илиқ ва тоза ҳавода ниначилар канотларини йилтиллатиб бир жойда муаллақ учиб турардилар; Ҳўжа Насридиннинг ёнидаги иссиқ тош устида ингичка заррин ҳошияли кора тийрак кўзчаларини пирпиратиб, зумрад тусли калтакесак мудраб ётарди.

— Ўғрилик қилиб турли шаҳар ва мамлакатларни кезиб юрганингизда Ҳўжа Насридинни ҳеч кўрганмидингиз?

— Ҳа, кўрганман,— жавоб қилди кўр киши.— Нодон одамлар кўпинча унинг қилган ишларини менга ёки менинг ишларимни унга жўядилар. Ҳакиқатда у билан менинг орамда ҳеч қандай ўхашашлик йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳўжа Насридиннинг аксича, мен умр бўйи ярамас ишлар қилдим, дунёдаги кирдикорим ёвузликдан бошка нарса бўлмади, ҳеч қачон яхшиликка интилмадим, ваҳолонки, бусиз дорилғанодан дорилбақога риҳлат қилиб бўлмайди. Қабиқ ишларим туфайли юлдуз кезарликни яна янгидан бошлашга мажбурман.

Ҳўжа Насридин бу гапларни эшишиб ҳанг-манг бўлиб қолди: кўр киши Ҳўжанддаги Гавҳаршод мачитидаги кари дарвишнинг сўзларини айтмоқда эди! Бу ўғри ҳам Сукут қилувчилар ва Англовчилар тарикатидаги одаммикан-а?» деб ўйлади Ҳўжа Насридин, аммо шу

заҳотиёқ бу фикридан кайтди. Миясида шубҳа ва гумонлар ғужғон ўйнай бошлади.

— Мен ана шунака одам,— деб давом этди ўғри қайғули овоз билан.— Бутун ҳаёти яхшиликка бағишланган, келгуси авлодларга ибрат бўладиган Хўжа Насриддинга мени каллаварам одамгина ўҳшатиши мумкин.

Хўжа Насриддиннинг шубҳаси колмади: ўғри кекса гадойнинг сўзларини тақрорламоқда. «Отимни биларминкин?» деб ўйлади Хўжа Насриддин, сал бўлса ҳам мугамбирлик аломатларини сезиш ниятида унинг юзига тикилар экан.

— Менга каранг, Хўжа Насриддинни қаерда учратгансиз ўзи?

Иўқ, Хўжа Насриддин янгишганди. Ўғри алдамаётган экан. У ўз олдидаги тош устида ўтирган кишини ҳакикатан ҳам билмас эди.

— Мен Хўжа Насриддинни Самарқандда кўрганман. Афсус, минг афсуски, шу биргина учрашишим ҳам номаъкулчилигим туфайли кўнгилсизлик билан тугаган. Баҳор кунларидан бирида Самарқанд бозорида изғиб юриб, мен иккита ҳунарманднинг: «Ана, Ҳўжа Насриддин келипти! Ҳўжа Насриддин-ку!» деб шивирлашаётганини эшишиб қолдим. Биттаю битта соғ кўзим билан улар қараб турган томонга тикилдим ва дўкон олдида афт-башарасидан оддий, ўрта ёшлардаги бир одам кўк эшагини жиловидан ушлаб турганини кўрдим. Бу одам тўн харид килиб, дўкондорга тўннинг пулини тўламоқчи бўлиб турган экан. Унинг афтини салгина кўриб қолдим. «Баъзилар алқаб ва баъзилар карғаб юрган машҳур Ҳўжа Насриддин шу экан-да!» деб ўйладим. Кўнглимга унинг нарсаларини ўғирлаш васвасаси тушди. Бу ўғирликдан максадим пул топиш эмасди, чунки у вактда пулим керагидан ҳам ортиқ эди, мени бу номаъкулчиликка ундан нарса, факат ўғриларга хос шуҳратпарастлик эди. «Ҳамма ёкка довруғи кетган Ҳўжа Насриддинни боплаб шилган бирдан-бир ўғри дунёда ўзимман деб мақтаниб юрай!» дедим ичимда ва вакт ўтказмай ниятимни амалга оширишга киришдим. Эшагининг орқасидан секингина бориб, думи тагига қалампир тикиб кўйдим. Эшак қалампирнинг аччиғига чидаёлмай типирчилади, ҳанграб юборди ва Ҳўжа Насриддиннинг кўлидан чикиб кетиб, йўлида саватлардаги

оби нонларни, ўрик ва гилосларни ағдариб ва түкиб-со-
чиб бир томонга қочиб қолди. Хұжа Насриддин әшагини
кувлаб кетди, гала-ғовур, саросималик бошланди; мен
шу фурсатдан фойдаланиб, ҳалиги түнни лип этиб дү-
кондан илиб кетдім...

— Оббо! Үша одам сиз экансиз-да! — деди Хұжа
Насриддин күзларини чақнатиб.— Азбаройи худо, сиз-
дан бошка ҳеч ким менга бунақа ҳазил қилмаган эди! Сиз мени ҳам, әшагимни ҳам жинни қилаёздингиз. Мен аввалига, әшакнинг нима учун типирчилагани ва ҳанг-
раганини билмай, уни тинчтишга уриниб тоза терга
ботдим, аммо қарасам, у қалампирнинг аччиғига чида-
ёлмай безовта бұлаётган экан! Эх, агар үша жаҳ-
лим чиқиб турған пайтда құлымга тушганингизда
борми, Конибодом этиклари ҳам ҳеч нарса бўлмай ко-
ларди!

У аччик устида ўзини билдириб күйди; эсини йиғиб
олганда, вакт ўтган эди: ўғри тақдирнинг тақозоси би-
лан йўлда кимга ҳамроҳ бўлиб қолганини тушуниб
колди.

Үерининг шу пайтдаги аҳволини тасвирлаш кийин.
У Хұжа Насриддиннинг олдида тиз чўкиб, зиёратчилар
шайхни тавоф қилгандек барларини маҳкам ушлаганча
юзларига сурта бошлади.

— Кўйворинг! — қичқирди Хұжа Насриддин этагини
тортиб.— Нима, сизлар мени авлиё қилмоқчи бўлиб тил
бириқтириб кўйғанмисизлар? Мен ҳам худонинг оддий
бир бандасиман, деб неча марта айтганман-ку сизларга!
Мен шайхликни ҳам, дарвишликтини ҳам, юлдузларнп
сайр этувчи бўлишни ҳам хоҳламайман!

— Бизни бир-биримизга учраштирган бу йўлдан
бахт ва эзгулик аrimасин! Эй, Хұжа Насриддин, менга
ёрдам беринг, менинг халоскорим факат сиз!

— Кўйворинг деяпман сизга! — Хұжа Насриддин
жаҳл билан этагини йиртар даражада силтаб тортди.

— Мени ёруғ дунёдаги гадойлар билан ўғрилар-
нинг халоскори деб қайси китобда ёзилган? Қани, ай-
тинг-чи, мени сизлардан ким халос килади?

Аслида Хұжа Насриддин қирқ ёшдан ошганида йўл-
дан озғанларнинг пушти-паноҳи бўлиши гўё пешанасига
ёзиб кўйилган эди. У яна ҳалиги тош устига ўтириб, бир
кўзи кўр ўғрининг қиссанини охиригача тинглай бош-
лади.

— Ҳаётимда бундан кейинги воеалар жуда тезлик билан ўтди,— гапини давом эттири үғри.— Ҳаммасинни айтиб ўтирамай, энг муҳимини сўзлаб бераман. Мен бир диёнатли чолга учрагунимча ҳаром-ҳариш ишлар қилиб юардим, чолни кўрганимдан кейин унинг насиҳатлари дилимга Сулаймон пайғамбарнинг муҳридай жойлашиб колди. Бу чол елкамдаги айб ва гуноҳларимнинг ниҳоятда оғирлигини тушунтириб кўзимни мoshдай очди ва гуноҳлардан халос бўлниш йўлини кўрсатди, аммо мен тентак унинг айтганини килолмадим. Ҳамма воеани қандай бўлган бўлса, ўшандайисига бир бошдан айтаман. Бундан беш йил илгари, қиши чиқаверишида Маргилонга — шойи тўкувчилар шаҳрига келдим. Шайтоннинг гапига кириб, бир аффоннинг белбоғи орасига кўлтикиб ушланиб қолдим. Мен бир илож қилиб аффоннинг кўлидан чиқиб кочдим, бозордаги одамлар оркамдан кува бошлашиб; мен тўрга тушган беданадек питиллаб қолдим. Лекин агар бир тор кўчага чопиб кириб, у ерда бир чол кишининг: «Бу ёқка бекин!..» деган заиф овозини эшиитмаганимда, балки ўша куни ажалим етган бўлармиди. Кўча четида қари бир гадой ўтирган эди. «Бекин!» такрорлади у яна. Унинг тўнини мен кийдим, меникини у кийиб олди; мен унинг жойига ўтирдим ва юзимни кўрсатмаслик учун бошимни куйи эгдим, гадой эса кўчанинг бериги томонига ўтиб, рўпарамга ўтири. Мени кувлаб келаётган одамлар тор кўчага кириб биз икки беозор гадойга эътибор ҳам қилмай, олдимиздан чопиб ўтиб, ҳовли-ҳовлига қидириб кетишди. Чол бу пайтдан фойдаланиб мени тор кўчадан олиб чиқди ва ўзининг кулбаи вайронасига яширди.

— Бас қилинг,— деди Хўжа Насриддин, чунки кўрнинг колган ҳамма гапи унга олдиндан маълум эди.— Бу гадой сизни тўғри йўлга солмоқчи бўлган, руҳимизнинг юлдузларда кезиб юришини, беш юз минг йилдан кейин дунёда эзгулик тантана қилишини анча вактгача ҳикоя қилиб ўтирган, аммо хўроздар кичкириб колиб гапини тўхтатишга мажбур бўлган.

— Ёнирай, ўша чол сизмидингиз?— Бир кўзи кўрквиб кетиб, Хўжа Насриддиннинг олдидан сал орқага сурилди.— Сизни хоҳласа ҳар қандай одамнинг қиёфа-сига кира олади деб эшиитганим тўғри эканда, а?

— Ҳикоянгизни давом эттиинг. Ҳўш, нега энди чол кўрсатган тўғри йўлдан бормадингиз?

— Э, нимасини айтасиз?— деди бир кўзи кўр.— Бу саволингиз юрагимга наштардек санчилди! Билиб кўйингки, чолнинг насиҳатларини эътиборсиз колдирганим йўқ. Унинг доно сўзлари кўзимни очди. Ҳўролларнинг тунги қичкириғи якилашиб чол жим бўлиб колганида ҳўнг-ҳўнг йиғлаб тавба килдим. Инсофга келиб тўғри йўлга кириш, бу йўлдан четга чикмаслик учун қасам ичдим. Ана шунда чол номингизни эҳтиром билан тилга олиб бундай деди: «Хўжа Насриддиндан ибрат ол! У бутун умр бўйи одамларга яхшилик килиб келмоқда, чунки у яхшилик килмасдан яшай олмайди. Агар сен Хўжа Насриддинга салгина ўхшай олсанг, келгусида жойинг жаннатда бўлиши турган гап».

Чолнинг ҳужрасидан кўнглим равшан бўлиб чикдим. Агар одамларнинг азалги душмани, гуноҳлардан фориғ бўлиш ва эзгу ишлар килишга тўскинлик қилувчи маккор шайтон ўзининг томирлари иргиб чиккан, жунлари тўкилган жирканч думини оёғим остига пояндоз килиб мени йўлдан урмаганида, азбаройи худо, чолнинг айтганини килган бўлардим!.. Янгича яашни тезроқ бошлаш мақсадида Кўконга жўнамокчи бўлдим, чунки у ерда мени бошка шаҳарлардагидан кўра камроқ одам танирди. Енимда тўрт минг тангага якин пулим бор эди; заррача фирромлик арадашмай факат яхшилик килиш билан ўтадиган келажакдаги ҳаётим кўзимга жуда чиройли кўринарди. Кўконда чойхона очиб, уни гилам тўшаб безатишни, тўрковоқ ва қафасларга бедана ва какликлар осиб, салқинда, фаввора теварагида чойхўрлар билан суҳбатлашиб ўтиришни, чолдан эшигтан ҳақикат нурлари билан суҳбатдошларим кўнглини мунаввар килишни ўйлаб кўйгандим. Оддийгина ҳаёт кечириб, тирикчилигимдан ортиқча ҳамма даромадимни етим-есир ва бева-бечораларга сарфлашга карор килдим. Пулларимни чойхона, чойнак-пиёла, идиш-товок, палос ва бошка нарсалар сотиб олишга бўладиган харажатларимга чамалаб кўрсам, созандалар учун ҳак тўлашдан бўлак ҳамма харажатларимга етар, лекин хушовоз созандалар чақиртириб уларга дутор ва тамбурлар билан яхши ашуналар айттиришга камлик киларди. Бу ишга бор-йўги уч юз-тўрт юз танга етмасди холос. Худди ана шунда шайтон мени Кўкон йўлида уста бир қиморбозга

дуч келтириб, кўнглимга катта пул ютиб олиш васвасасини солди. «Энг охирги марта қимор ўйнашим,— дедим ичимда.— Худо бу гуноҳимни кечирав, чунки ютиб оладиган пулимни хайр ва сахо йўлига, савоб ишга сарф киламан; агар керагидан ортиқ пул ютиб олсан, ҳамма ортиқча пулни камбағалларга улашиб бераман».

Худо бундай савоб ишларни ният қилиб қимор ўйнаган кишининг омадини бериши керак эди, аммо иш бошқача бўлиб чиқди...

— Бундан кейинги гапларингиз менга маълум,— деди Хўжа Насриддин.— Икковларинг кечаси билан ошиқ ўйнаб чиқдиларинг, сиз эрталабгача ҳамма пулнингизни ютқиздингиз, ҳамёningизда сарик чақа ҳам қолмади. Чойхонангиз, чилимларингиз, қафасдаги бедана ва какликларингиз, фаввораларингиз, созандаларингиз, ширин суҳбатларингиз, ашулалингиз омади келган киморбознинг кўлига ўтиб кетди. Сиз унга, булардан ташқари, этигингиз, тўнингиз, дўппингизни ва ҳатто қўйлагингизни ҳам ютқизиб қўйиб, яланғоч қолгансиз.

— Ё, ғовсулатьзам пиrim!— хитоб қилди бир кўзи кўр.— Ҳамма нарсадан вокиф экансиз-да! Қўйлагимгача бой берганимни қаердан биласиз? Бундан чиқди, сиз одамнинг ўтмишини ва келажагини кўзидан билиб олар экансиз-да!

— Мен бирдан-бир соғ кўзингизга қараб факат ўтмишда нималар қилганингизни била оламан, холос, келгусидаги феъл-авторингизни эса чап кўзингизга тушган оқ мендан яшириб турибди. Ҳикоянгизни давом эттиринг.

— Киморда ютқизиб қўйганимдан кейин нима ҳам кила олардим. Ё ўйлаган ниятларимдан воз кечсаммик? Шуларни ўйлаб, дилим хуфтон бўлиб кетди. «Йўқ!— дедим ўзимга ўзим.— Яхшилик йўлидаги ниятларимдан қайтмаслигим керак. Шайтон унинг измидан чиқаётганим учун мени жазоламоқда. Яхшиси, яна бир, энг охирги марта гуноҳ қилсан қиласки, лекин чолнинг айтганини бажарай». Ана шундай катъий қарор билан Қўконга келдим ва у ерда эшитган кулок ишонмайдиган янги бир хабар эшитдим. Яқинда Қўконнинг хони бошка бўлипти, илгари ўғри ва муттаҳамларнинг жаннати ҳисобланган бу шаҳар энди уларга фойда келтирмайдиган чўл-биёбонга айланипти. Янги хон қаттиқ тар-иблар ўрнатганлигидан ўғрилар шаҳардан кочиб ке-

тишга ёки ўғирликни йиғиштириб қўйишга мажбур бўлишипти. Хон кўп йиллардан бери Кўконнинг ўғрилари томонидан мачитларда дуо қилинадиган шаҳар сокчилар бошлигини мансабидан тушириб, ўрнига Комилбек исмли серҳаракат, амалпараст, золим бир кишини тайин қилипти. Янги бошлиқ хонга ёқиш учун шаҳар ўғриларини таг-туги билан куритиб юборишга қасам ичипти; Кўконга келгунимга қадароқ бу ишлар амалга оша бошлаган экан. Комилбек шаҳарни айғоқчилар ва баджаҳл сокчиларга тўлдириб юборганди; ҳеч нарса, ҳатто, копдан бир дона нўхат ҳам ўғирлаб бўлмас эди, ўғирладинг дегунча қўлга тушасан. Ўғирликда қўлга тушган кишининг ўнг панжасини шартта кесиб ташлаб, пешанаисига қизиган тамга босар эдилар; бордю, бирон киши эпчиллик қилиб арзимаган бирор нарсани ўғирлаб кетганда ҳам уни ҳазм қиломасди, чунки ўғирлик молни сотиб оловчиларга ҳам ҳалигидай жазо бериларди, шунинг учун уни сотиб олишдан ҳамма кўркарди. Шундай қилиб, эзгу-ният йўлидаги мақсадимни амалга оширишимга яна бир ғов пайдо бўлди, у шаҳар сокчилар маҳкамасининг золим бошлиғи ва унинг ўрнатган шафқатсиз тартиблари эди. Бошим қотиб бир неча кун хаёл сурис юрдим. Бу орада жавзо ҳам келиб, Тўрахон бува сайили яқинлашиб қолди, ўзингизга маълумки, Тўрахон буванинг қабри Кўконнинг ёнгинасида. Мени донимо ўзига ром қилиб олишга уринувчи лаънати шайтон ана шунда кўнглимга яхшилик қилиш учун зарур бўлган пулни топиш ғулғуласини солиб қўйди...

Бир кўзи кўр ўғри билан Хўжа Насриддин ҳакидаги гапларни шу ерда бир оз тўхтатиб туриб, энди Тўрахон бувага бағишлаб ўтказиладиган баҳорги сайл тўғрисидаги ҳикоямизни бошлаймиз, чунки бу ҳикояни эшитмасангиз киссамизнинг бундан кейинги кўп жойларини тушунмай қоласиз.

Ривоятларга қараганда, Тўрахон Кўкон шаҳрида туғилган ва беш ёшида ота-онасидан етим қолиб, бозорда тиланчилик қилиб юрган экан. Бошидан етимликнинг оғир уқубатларини кечирибди. Агар одам ўз бошига тушган кулфатларни бошқаларнинг ҳам бошига тушган деб билса, уни донишманд одам дейиш мумкин. Тўрахон ҳам шундай бўлди: у балоғат ёшига золим бойларга

нафрат ва камбағалларга, айниқса, заңға норасидаларга раҳм-шафқат ҳислари билан кириб келди.

Тұрахон ингирма беш ёшлигіда бир карвон билан Күкөндән чикиб кетіб, кирк ёшида үз юртига қайтиб келди. Ана шу вакт ичида у Эрон ва Тибетда бўлиб, табиблик сирларини ўрганиб олди. Одамлар, унинг қўлидан ҳамма шифо топади, у даволагани учун бойлардан катта ҳақ олиб бу пулни камбағал болаларга сарф килди деярдилар.

Турли ёшдаги катта-кичик болалар тўдалашиб, унинг орқасидан эргашиб юришарди; пулни борлигига у мевағуруш ва ҳолвағурушларнинг олдига бориб, уларнинг дўконидаги мева ёки ҳолваларни қўтарасига харид қилар ва теварагидаги ёш дўстларига улашиб берарди. Агар чўнтағига пули йўқ вактда бирор оёқ яланг, жулдур кийимли болани кўриб қолса, индамасдан уни аввал тўнғуруш, кейин кавуш-маҳсифуруш, сўнгра дўппифуруш ва бошқаларнинг дўкони олдига олиб бориб: «Бола факирга хайр қил!» деярди. Дўкондорлар чолнинг тикилиб караб турган кўзларидан уялиб ва каттиқ дашном беришидан кўркиб, болани бошдан-оёқ кийинтириб кўярдилар, кийим-кечакнинг пулинин сўрашга ботина олмамасдилар, чунки Тұрахон бува одамларга шифо беригина қолмай, бирор оғир касалга дучор қилиб кўйинши ҳам мумкин, деб ўйлардилар.

Тұрахон қазо килганида тўда-тўда болалар ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, орқасидан кабристонга бордилар. Мударрис ва муллалар Тұрахонни рўза тутмади, шарнатни бузди, пул гўрда ётган шайхлардан кўра тирик юрган камбағалларга заруррок, деб мозорга ҳеч нарса назр қилмади деган баҳонада уни мусулмонлар каторига кўйиншга кўнмадилар. Аммо халқ Тұрахонни авлиё киши деб билди, унинг шуҳрати Кўкөндән ташқарига, Шарқ мамлакатларига ҳам ёйилди. Жавзада ўтказиладиган сайл унинг номи билан болалар байрамига айланиб колди.

Ривоятларга кўра, Тұрахон бува ана шу байрам арасида ҳовлима-ҳовли юриб, үз илтифотига лойиқ болаларга совғалар улашар ва келтирган совғасини болаларнинг атайлаб баландга осиб кўйган дўппиларига солиб кетар экан. Болалар тантанали кунга баҳордан анча илгари тайёргарлик кўра бошлар эдилар. Изгирин шамоллар эсиб, қорамтири осмондан бадани сескантиси-

рувчи лайлакқор ёғиб турган, боғларда ҳаёт асари бўлмаган ва яхлаган ер арава гилдираклари остида такиртукир киладиган кунларда болалар эрталаб девор тагида ва шамолдан пана бошка жойларда тўпланишиб, совукдан кўкарган бурунларини тортиб, тўнчалари ичидага кунишиб ва кулокларини кафтлари билан тўсиб олиб, Тўрахон ҳакида узок вакт сўзлашиб ўтирадилар. Болалар унинг яхши-ёмонни фарқ кила оладиган кишилигини, ундан совга олиш ниҳоятда кийинлигини ва ҳар қандай болага ҳам совға беравермаслигини яхши билардилар. Тўрахон буванинг совғасини олмокчи бўлган бола унинг сайлидан эллик кун илгаридан бошлаб, биринчидан, ота-онасини бирон марта ҳам хафа килмаслиги, иккинчидан, ҳар куни қандай бўлмасин, бирор савоб иш қилиши, масалан, бирорта кўр кишини кўча ёки кўприкдан етаклаб ўтказиб кўйинши ёҳуд йўлда кетаётгани чолнинг юкини кўтариб уйнга элтиб бериши, учинчидан, ҳолвафурушлар дўконида кўзни қамаштириб турган ширинликлардан сотиб олмай, янги, чиройли дўппи сотиб олиш учун пул йиғиши керак эди, чунки болалар Тўрахон буванинг исқирт дўппиларни ёмон кўриши ва уларга совға солмаслиги, бундай эски дўппи камбағал боланини бўлсагина совға солишлигини билишарди.

Шу билан эллик кун мобайнида ҳамма онлалардаги болалар ўзларини тинч ва одобли тутардилар. Улар Тўрахон буванинг жаҳлини чиқармаслик учун катталарнинг айтгакидан чикмас, оёқ учиди юрап ва пицирлаб сўзлашар эдилар. Ҳатто энг шўх болалар ҳам бу кезларда қўзичоқдай ёввош, беозор бўлиб колардилар. Ҳеч жойдан уларнинг бакириб йиғлагани эшитилмас уларнинг бирон ерда муштлашганини, тош отиб ўйнаганини ва бир-бирларини минишиб, тўнчаларини ҳилпил латганларича ҳайқиришиб ва ҳуштак чалишиб от-отакам ўйнаб чопганларини ҳеч ким кўрмасди.

Сайл арафасида эса болаларнинг ҳовликиб ҳар каёкка югуриб-елишлари, яширинча учрашувлари, бир нарсадан хавотирланиб пицирлашлари, юракчаларининг дукиллаб уриши бошланарди. Бунинг сабаби шу эдикни, муллалар бу сайлни ҳеч ёқтирмасдилар, баъзи жойларда уни бутунлай такиқлаб кўйган эдилар. Шунинг учун бу байрам Тўрахон буванинг ёш мухлисларига яна ҳам жозибалирок бўлиб кўринарди. Ҳар кайси бола ўз дўп-

писига уч хил ип: оқ ип — яхшилик белгиси, яшил ип -- баҳор белгиси ва кўк ип — осмон белгиси тикиб кўйинши; сўнгра ҳеч кимга билдиримай кечаси бокқа чиқиб, Тўрахон буванинг қабри томонга юзини килиб ва Етти Қароқчи юлдуз туркумига қараб туриб дўпписини бирор жойга осиши керак эди. Кейин Тўрахон бувани дуо қилиб уч марта эгилиб таъзим қилиш ва шундан сўнггина уйга қайтиб кетиб ухлашга ётиш мумкин эди. Кечаси туриб дўппи олдига югуриб бориш қатъий тақиқланганлигидан бу кечада кўпгина болалар тонг отишини жуда бетоқатлик билан кутар эдилар.

Аммо бу зориқиб кутиш азоби сайл куни эрталаб кўрмагандай бўлиб кетарди. Ҳовлиларда болаларнинг шодиёна қий-чувлари кўтарилиларди. Тўрахон бува баъзи болаларга бекасам тўнча, бошқаларига қизил ёки кўк попукли этикча, яна баъзиларига ўйинчоқлар, узук ва кўйлаклар совға қолдириб кетар эди... Тўрахон бува ана шундай меҳрибон ва саховатли киши эди! Шунинг учун боғларда, баҳорги япроқ ва кўкат-майсаларнинг яшил кўйнида ўйнаб юрган болалар давра курниб, ўз ҳимоячилари шарафига тўқилган куйидаги кўшиқни кун бўйнайтиб юришарди:

Тегиб жануб шамоли
Олча оппоқ гуллайди.
Кўдан куёш жамоли
Иситади кунларни.

Кушлар куйлайди кувнок,
Янграп гулдурак, сурон.
Қабрдан тураг шу чок
Дилкаш бобо Тўрахон...

Ипак боғлами кўлда
Ҳар толаси ярақлар.
Ип ўтказар игнага,
Кўз ойнагини тақар.

Баҳорда вакт чопағон,
Тунлар мизгимай андак,
Ўғилларга у чопон,
Қизларга тикар кўйлак.

Оппоқ бошини мутлок
Естикка қўймай бобо,
Конфет, ҳолва, ўйинчок
Тайёрлайди доимо,

Болалар ой нурида
Ширин тушлар кўрган он,
Чикиб келар қабридан
Дилкаш бобо Тўрахон...

Шуни кўрдик биз аниқ:
Катта қопин орқалаб
Қадам ташлайди кутлук
Ўйдан-ўйларга караб.

Илик, очик бир кунда
Совғанг олдик баҳтиёр,
Шу содда қўшиқ, куйга
Номинг кўшдик миннатдор.

Тинглаб куй жарангини
Яна қўзин юмар он,
Бу хўшчақчак май куни
Бир жилмайсин, Тўрахон...

Энди сўзни Хўжа Насриддин ва унинг бир кўзи кўр ҳамроҳидан эшитинг. Уларни у ерда қолдирганимиздан бери йўлда ҳеч нарса ўзгармади: улар ҳамон тош устида ўтириб гаплашар, куёш чараклаб чикиб тураг, тоғ ён бағирларида булутларнинг кўланкаси саир этар, ниначилар илиқ ҳавода қанотларини пирпиратиб бир жойда муаллак тураг, жазирама офтобда калтакесаклар исиниб ётишарди.

Бир кўзи кўр ўз ҳикоясини давом эттириди:

— Мен шайтоннинг васвасасига учдим. Тўрахон бува сайлидан бир кун олдинги кечаси теварак-атрофдаги ҳовли, боф ва токзорларни айланиб қараб чикдим, совғалар солиб қўйилган дўппиларни йиғиб қопга солиб олавердим ва уларни ташландик қоровулхона ертўласидаги маконимга бир неча марта ташидим, копларни бўшатиб, ўлжа учун яна чопдим. Тонготаргача бир неча минг дона дўппи, жуда кўп тўнчалар, попукли этикчалар, кўйлаклар, ковушлар, узуклар, маржон ва бошқа

нарсаларни хинжир килдим. Олдимда уюлиб ётган ҳар хил ўғрилик буюмларга қараб: «Бу нарсалар бир эмас, иккита чойхона сотиб олишга ва унга чақириладиган созандаларнинг ҳакига етиб ортади! Буларнинг ҳаммасини бемалол пуллайман. Бу ердаги бирорта нарсага ким даъво килишга ботина олади? Модомики, Тўрахон бува хотирасини байрам қилиш Кўконда тақиқлаб кўйилган экан, арзимаган тўн ёки дўппи учун кимнинг зинданга тушгиси келади ахир?!» деб ўйлардим. Мен ана шундай ярамас ва қабиҳ фикрларга бордим! Кечати ухламай чарчаганим учун мени беихтиёр мудрок босди.

Бирдан, кўркиб ўйғониб кетдим. Кўзимни очиб қарасам, аллақандай бир ғалати, пирировчи, кўқимтири ёркин нурдан ёп-ёруғ бўлиб кетган маконим қимиirlар ва тебранар эди. Рўпарамдаги ана шу даҳшатли ёркин нур ичиди Тўрахон турган эди! Унинг юзи ғазабдан ҷўғдай қизариб, кўзлари қаттиқ тикилиб турар, овози тоғ шалоласидек гувилларди. «Эй, муртад!— деб хитоб килди у.— Эй, йўлдан озган ва ярамас! Сен болаларни шодликтан маҳрум этиб, пок қалбларини яралабсан; энди улар кўнглимга чексиз ҳузур берадиган шодиёна қийчувлари ўрнига ҳамма жойда йифи-сифи килишмокда, кўзларидан маржон-маржон ёш окмокда! Менинг шаънимга доғ солишга журъат этибсан; болалар мен келтирган совғаларнингина эмас, ҳатто ўзларининг янги дўпиларини ҳам жойидан тополмасалар, менинг тўғримда нима дейишади улар, Тўрахон бува ёлғончи, алдамчи ва ўғри экан, дейишади; эй, уччига чиқкан жирканч ва бадкирдор одам, эшитяпсанми?» Унинг ғазабли сўзларини кўрккашимдан тахтадай котиб туриб тингладим. «Сассик ўлаксалар еб кун кўришга лойик, эй разил, сенга чикарадиган ҳукмимни эшлитиб қўй!— деб бақириди у.— Бугундан бошлаб мен сени то ўла-ўлгунингча ўғрилик килиб ўтишга маҳкум этаман, бу иш жонингга тегса ҳам сени ундан сира халос қилмайман. Сенда ўғрилилка нафрат туғилганида ҳам ўғриликсиз туролмайдиган бўласан! Мени эслаб ўтказиладиган сайл яқинлашганида ҳар йили қорнингда каттиқ оғриклар пайдо бўлади, бу оғриклардан ўғрилик қилсангина қутуласан! Ўғрилик қилганингда ҳар сафар қорин оғрифинг тўхтайли-ю, лекин унинг ўрнига сенда даҳшатли виждан азоби бошланади! Не машаққат билан йил бўйи ўзингни ўғри-

ликдан тиясан, яхшиликка интиласан, ҳатто унга яқинлашасан ҳам, аммо йил охирида яна ўғрилик қиласан ва шу билан яхшилик йўлидаги интилишларингни ҳамда ёвузликлар қилишдан сакланиш ҳакидаги ниятларингни бир зумда йўққа чиқарасан!.. Менга килган гуноҳингни ювмагунингча шу аҳволда юраверасан, гуноҳингни қандай ювишинг кераклигини ўзинг ўйлаб топ!» Тўрахоннинг шу охирги сўзидан кейин яна момагулдуракдай қаттиқ гумбурлаган овоз пайдо бўлиб, кулбамни ларзага келтириди. Девор ва шифт даҳшатли суратда қарсиллаб, устимга тупроқ ва майда кесаклар тўкилди, кўркишдан эс-ҳушимни йўкотиб, кўзларим тиниб, жонжаҳдим билан ертўладан чопиб чиқдим, шу заҳотиёқ сокчихона мезанаси қулади, ўғирлаб олиб келган ҳамма нарсаларим унинг тагида кўмилиб колди.

— Бу воқеа бундан беш йил илгари жавзо ойи бошларида бўлган эди,— деди Хўжа Насриддин,— худди ўша вактда Қўконда даҳшатли момақалдироқ, шамол ва ёмғирдан кейин қаттиқ зилзила бўлиб, кўп уйлар босиб колган эди. Бу зилзиланинг зарби Хўжандга ҳам борди: ана шунда у ердаги эски Гавҳаршод мачити кулав тушган, ҳозир бу мачит олдида бир қари дарвиш ўтиради...

Лекин Хўжа Насриддин хўжандлик чол дарвиш билан танишлигини кўрга ҳозирча билдирамаслик учун гапни шу ерда тўхтатди.

— Ҳали шундай денг, бу зилзиланинг сабабчиси сиз экансиз-да.

— Афсуски, мен,— тасдиқлади кўр.— Кейин билсан, ўща куни Тўрахоннинг кабри устига кўйилган тош дарз кетган экан. Қабр тоши Тўрахон мени жазолаш учун гўрида тикка турганида ёрилипти. Ана шундан бери аянч аҳволдаман, кўлимдан баҳт қуши учган. Ҳар йили шу вактда, Тўрахонни эслаб ўтказиладиган сайл олдида касалим кўзғаб азоб чекаман, буни ўзингиз кўрдингиз. Бу касалнинг азобидан факат ўғрилик қилиб қутуламан, холос. Табибининг дори-дармонисиз ўзимни ўзим даволайман деганимнинг сабабини ва қандай килиб хуржунингизда қумғон пайдо бўлиб қолганини энди тушунгандирсиз.

— Ҳа, энди тушундим. Қани, айтинг-чи, агар сизни кўлга тушириб, ўғрилик молларингизни тортиб олишса, касалингиз қўзғамайдими?

Хұжа Насриддин бу саволни келажакни олдиндан күриб, ҳар әхтимолға қарши, атайлаб берди.

— Іўк, құзғамайды. Аммо тутиб олишса, мени ҳар сафар қаттық дүппослашади. Бугун күмғон учун қалтак едим.

— Сиз билан бирға мени ҳам уришди,— деб әслатди Хұжа Насриддин.

— Үтган йили Андижондаги соқчилар жойнамоз үгрилаганим учун уришган эди...

— Урганларидан кейин күйіб юбориша қолдими? Зиндонга солишмадими?

— Э, сиз аұмок мушук ҳақидағи ҳикояни әшитмаганмисиз?— деб илжайди үғри.— Бир одамнинг уйнда сичқонлар күпайиб кетипти. Сичқонлардан кутулиш учун у аллақаердан ҳамма ёғи юлингандың бир дайды мушукни топиб уйига олиб келипти. Аұмок мушук бир кеңадағы ҳамма сичқонларни тутиб еб күйипти, әрталаб ҳалиги одам уйдаги масалликларнинг зиёнкунандалари битта ҳам қолмаганини күрганидан кейин мушукни күчага ҳайдалаб юборибди, уни юмшок күрпа-ёстикли, исек танчали ва сут күйіб күйилған талинкачали роҳатижон маконда туришдан маҳрум қилипти... Соқчилар мушукдан күра ақиллирок бұлади!

Хұжа Насриддин бу ҳикояни масхара қилиб кулди ва күрнинг нима учун Құқонга бораётганини, у ерда нималар қымбакчилигини сұради. Үғри ҳар йили баҳорда Тұрахон бува мозорини зиёрат қилишга боришини ва унинг кабри тепасида бир неча соат зор-зор үйгеб үндән қылған гуноҳлари учун кечирем сұрашини ва лекин Тұрахон жаҳлидан түшмай, ҳозиргача илтижоларини әзтиборсиз қолдираётганинн айтди.

— Үндөк бұлса, бу ёғига нима қымбакчисиз?

— Сизнинг маслаҳатингизни кутиб юрибман.

Хұжа Насриддин үйланиб қолди ва күрдан ажраб кетиш тұғрисидаги дастлабки фикридан қайтди. Бунга Хұжандда туриб күр билан Хұжа Насриддин тақдирларини бир-бириға боғлаган қары гадой сабабчи бұлди. «Емон үйлігі киришдан бир кишини күткардым нима бұлди-ю, иккі кишини күткардым нима — бунинг фарқи йўк,— дерди ичиде Хұжа Насриддин.— Бундан ташқари, күр менинг номимни билиб қолди, шунинг учун уни күзимдан қочирмаганим маъқулроқ».

— Майли, мен билан бирға бұла қолинг. Биргалады.

шиб Тұрахон бувани жаҳлидан туширишга ҳаракат ки-
либ күрамиз. Аммо бир шартим бор: сиз шифоланиш
усулингизни энди менинг рухсатимсиз күлламасликка
касам ичасиз.

Күр бажону дил қасам ичди ва Хўжа Насриддинга
чексиз миннадорлик билдириди.

Бу орада күёш ботиб, тоғ чўққиларидағи қорлар на-
фис сарғиш рангга бўялган, ён бағирлар бинафша ранг
куюқ соялар билан копланган эди. Муздек шабада эсиб,
чивин ва ниначилар кўздан фойиб бўлди, калтакесак-
лар тош орасига бекиниб олди. Хўжа Насриддинни оч-
лик азоблай бошлади, бундан ташкари, тунаш учун би-
рон жой топиш ҳақида ҳам ўйлаш керак эди.

— Қани кетдик,— деди у, эшагига мина туриб.—
Бу ерда кўп ўтириб қолдик, Кўконга етиш учун ҳали
анча бор.

Мирикиб дам олган эшак бошини силкиб, йўргалай
кетди, ҳамроҳлар йўлга тушган эдилар.

Тўққизинчи боб

Кўконнинг жанубида, аҳоли шоли экадиган пастлик
жойда ўша вақтларда илиқ сувли кўллар бўлгувчи эди.
чунки кўлларга ер остидаги иссик булокларнинг сувлари
оқиб келарди. Бу жойда баҳор бир ҳафта олдин бошла-
нарди. Теварак-атрофдаги боғлар ҳали ўйғониб улгур-
маёқ кўллар четидаги дараҳтлар қийғос гулга киради,
атрофдаги дараҳтлар гуллаганида эса булар ям-яшил
япроқ ёзган бўларди.

Бинобарин, Тұрахон бува ўз макбараси учун ана шу
жойни танлагани бежиз эмас эди, бу ерда у ўзининг
тикувчилик, этикдўзлик, қўғирчоқчилик ва қандолатчи-
лик сингари ҳунарларини бир ҳафта олдин бошлаб юбо-
ра оларди. Унинг макбараси ичкарига кираверишда
ходачаларга осиглик иккита от думи билангина безатил-
ган эди: мақбара атрофида бир-бирига чатишиб кетган
эгри-буғри кекса қайрағочлар бўлиб, уларнинг пастки
шохларига зиёратчилар олиб келган ранг-баранг шойи
қийқимлари ва латталар осиб ташланган эди. Шойи ва
латталарнинг кўплиги мусулмонларнинг Тұрахон бувани
ҳамиша ёдда тутишларини эслатиб туради.

Хўжа Насриддин мақбара олдида эшагидан тушиб,

Тўрахонга эҳтиром билан таъзим килди. Кўр анча оркада эди, у макбара олдигача эмаклаб бошига тупроклар сочиб келар ва: «Эй, соҳибкарам Тўрахон бува, худо йўлида гуноҳимдан ўтнинг!» деб илтижо қиласарди.

Мозорнинг шайхи келди. У жулдур кийимли, ажин босган заҳил юзли ва маккор кўзли бир чол экан. Макбаранинг йиллар ўтиши билан корайиб, ҳамма ёгини курт тешиб юборган эски ўймакор эшиги очилди. Нимкоронги совуқ макбара ичидан юракни сескантирувчи ғалати бир ҳид димокка урилди. Хўжа Насриддин этигини ечинб, чолнинг илтифот билан узатган кавушини кийди-да, мақбарага кирди. Макбаранинг яхши тарошланган тошлардан қурилган оқ деворлари гулсиз ва накшсиз бўлиб, улар устига дераза хизматини ўтовчи торгина панжарали гумбаз ясалган эди; бу коронги ўйга икки томондан пиёзнинг пардасидай юпқа ёруғ тушиб, кўндалангига дарз кетган қабр тоши устида бирбирига чалмашиб турарди. Эшикдан қабргача ердан баландрок ва кенглиги тахминан бир газ чамаси тош йўлча килинган эди, унинг икки томонида марҳумларнинг кўп асрлардан бери тўпланиб колган кул ранг хоки ётарди. Одатга кўра, бу хок жуда эҳтиётлаб сакланарди. Мақбара ичи ниҳоятда жимжит бўлганидан Хўжа Насриддинга томирларининг уриши эшитилиб турарди; у қабрга яқинлашиб энгашди ва дунёда ўтган энг раҳмдил, беозор кишилардан бирининг қабри тепасига кўйилган ёдгорлик тошни ўпди.

— Эй меҳрибон Тўрахон бува, наҳотки менинг гуноҳларим ҳеч качон кечирилмаса? — деб хўнграб йиғлаган овоз эшитилди яқин жойдан ва мақбарага бир кўзи кўр эмаклаб кирди. Унинг бошига чанг тўлган, юлинган япалоқ юзидан қон оқиб ётарди, у ўзини тош устига ташлаб, жим бўлиб қолди.

Хўжа Насриддин уни Тўрахоннинг қабри ёнида колдириб, ташкарига чикди.

Орадан анчагина вакт ўтса ҳам кўр макбарадан чиқавермади. Хўжа Насриддин уни сабр билан кутиб, кайрагоч тагидаги тўзиб кетган эски шолча устида дарвишлик ва унинг бошқача ҳаёт кечиришдан қандай афзалликлари борлиги тўғрисида мозорнинг кекса шайхи билан гаплашиб ўтирди.

— Одамда ҳеч нарса бўлмаслиги, у ҳеч нарсани та-

ма ва орзу қилмаслиги, ҳеч нарсага интилмаслиги, ҳеч нарсадан, айникса жисмоний ўлимдан күркмаслиги керак.— деяр эди чол.— Ёлғончилик устига яна ёлғончилик қилинадиган ва одамлар бир-бирларига раҳм-шафқатли бўлишга қасам ичиб туриб, бир-бирларининг оёқларидан чалиб ўлимларига ёрдам берадиган бу бевафо дунёда бундан бошқача ҳаёт кечириб бўлмайди.

— Сизнинг айтганингиз ҳаёт эмас, куруқ соягина, холос,— деб эътироz билдириди Хўжа Насриддин.— Ҳаёт тириклай гўрга кириш деб ўйлаш нотўгри, курашиш керак.

— Зоҳирий ҳаётни айтаётган бўлсангиз, сўзларингиз жуда тўғри,— деб жавоб берди чол.— Аммо сиз ички, руҳий ҳаёт ҳам борлигини эсингиздан чиқарманг — ички, руҳий ҳаёт биз инсонларнинг бирдан-бир насибамиздирки, унга ҳеч кимнинг ҳукми ўтмайди. Киши ё абадий қулликни ёки озодликни танлаб олиши керак, озодликка эса факат ички, руҳий ҳаётда ва фоний дунёроҳатларидан мардона воз кечиш билангина эришиш мумкин.

— Сиз озодликка эришдингизми?

— Ҳа, эришдим. Мен ҳар қандай исроф ва сунистев-моллардан воз кечганимдан бери ёлғон гапирмайман, хушомадгўйлик ва лаганбардорлик қилмайман, чунки бирор мендан тортиб олиши мумкин бўлган ҳеч нарсам йўқ. Жуда нари борса, мени шу қари чоримда жисмоний ҳаётимдан маҳрум қилишадими? Садқаи саримга, ростини айтсам, фоний дунёдаги умримни унча қадр қилмайман ҳам... Мана, Тўрахоннинг мақбарасини кўриб турибсиз; муллалар уни ёқтиришмайди, унинг муҳлисларини сокчилар қувғин қилишади, аммо мен, кўриб турганингиздек, ҳеч кимдан қўрқмасдан, ҳеч кимдан ҳеч нарса тاما қилмасдан унга савоб учун хизмат қиляпман.

— Тамасиз, савоб учун хизмат қилаётганингиз кийимларингиздан кўриниб турипти,— деди Хўжа Насриддин, чолнинг худди мозордаги дараҳтларга осилган латта-путталардан тикилганга ўхаш минг ямок, этаклари узилиб тушган ола қурок чопонини кўрсатиб.

— Мен борига шукур киламан,— деб давом этди чол.— Менга мана шу эски чопон, бир култум сув, бир бурда зоғора нон бўлса бас. Аммо озодлигим доимо ўзим билан бирга, жонимга йўғрилган!

— Агар жоиз бўлса, бир гапим бор, ота, гўрда ётган ҳар қандай мурда сизга қараганда эркинроқ, чунки бу дунёдан унга ҳеч нарса, ҳатто бир култум сув ҳам керак эмас! Озод бўлмоқ учун албатта ўлиш керак экан-да?

— Улиш? Билмадим... Аммо шуниси тайинки, ғарибона яшамоқ, якканишин бўлмоқ керак.

Чол бир оз жим тургач, уҳ тортди-да, «мен кўп вактдан бери кимсасиз ғарифман...» деди гапини тугатиб.

— Гапингиз тўғри эмас!— деди Хўжа Насриддин.— Сўзларингиздан одамларга қайфуриш ва ачинишнингиз очик сезилиб турипти. Сиздаги раҳмидиллик кўп одамларга таъсир килади, демак, сиз дунёда ғариф, якка-ёлгиз киши эмассиз. Тирик одам асло ғариф, кимсасиз бўлмайди. Одамлар ёлғиз эмас, биргаллашиб ҳаёт кечирадилар.

— Бу ўзингизга тасалли бериш учун топган гапларингиз! Одамлар совуқдан, шамолдан, кор ва ёмғирдан сақланиш учун уйга кириб бекинадилар, аччик ҳақиқатдан ўзларини ҳимоя килиш учун эса турли хил уйдирмалар ўйлаб чиқарадилар. Йўловчи, сиз ҳам ўзингизни зўр бериб ҳимоя килаверинг, чунки ҳаёт ҳақиқати даҳшатли!

— Ўзимни ҳимоя киляпман? Нималар деяпсиз, ҳурматли ота, мен ўзимни ҳимоя қилаётганим йўқ, ҳужум қиляпман! Бу дунёда қандай ёвузилик бўлмасин ва у кай тахлитда юз бермасин унга дадил ҳужум киламан! Бу йўлда нобуд бўлсан, ҳеч ким мени жангдан бош тортган демайди! Мендан кейин куролимни бошқалар кўтариб жангга киради, шундай бўлишига ўзим ҳаракат қиламан.

Хўжа Насриддиннинг оташин сўзлари кўрниг мақбарадан чиқиб келиши билан бўлиниб колди. Унинг юзи сўлғин эди. Кўр ҳовузда бет-кўлини ювиб келгунича чол сўз бошлаб деди:

— Бу бахти қаро, ҳар йили мақбара ёнига гул кўчати ўтқазади, агар у илдиз отиб кўкариб кетса, Тўрахон бува гуноҳимни кечирарлар деб умид килади. Аммо эккан кўчатларининг бирортаси ҳалигача кўкармади. Бу кишини кўрганимда раҳмим келганидан ҳар сафар кўзимдан ёш чиқиб кетади, эй йўловчи, менинг одамларга ачинишими тўғри топдингиз! Тамагирлик, шуҳратпрастлик, бахиллик, очкўзликдан, кўрқувдан халос бўл-

диму, лекин раҳмдилликдан кутулолмай келяпман. Парвардигори олам мени юмшоқ күнгил қилиб яратган, шунинг учун бағритош бўлгим келмайди.

Бу пайтда кўр ўз иши билан банд эди: у қўйнидан хўл латтага ўралган атиргул қаламчасини олди ва макбара эшиги яқинидаги бир жойда пичоги билан ерни ковлаб юмшатиб, қаламчани экиб қўйди.

— Қаламчаси тутиб кетмайди,— деб пичирлади чолга Хўжа Насриддин.— Қаламчани нотўғри ўтқазди.

— Эҳтимол, кўкариб кетар,— жавоб берди чол.— Мен бу қаламчани парвариш қиласман, унга ҳар куни уч маҳал сув қуяман.

Хўжа Насриддин чолнинг кекса кўзлари бурчагида ёш йилтиллаганини кўрди.

Макбара олдидаги ишлар битди. Йўловчиларимиз чол билан хайрлашгач, Тўрахон бува мозоридаги соясалқин қайрағочзордан чиқиб йўлга тушдилар.

Улар Кўконга етдилар, шаҳар дарвозасининг олди чанг-тўзон, тиқилинч ва ола-ғовур эди. Баҳорги катта бозорлар бошланган эди, бозорчилар дарвозадан шаҳарга киришга ошиқардилар.

Шаҳар дарвозасининг шаҳардан ташқари томондаги девори тагида ҳар хил кийимдаги турли-туман кишилар чий бостирмаchalарда, от ёлиғи ёғочга ёйиб ясатилган дўкончаларда, ошхона ва чойхоналарда ғовур-ғувур савдо қилишарди. Йўл четларида теварак-атрофдаги сувсиз қақраб ётган ерга ўхшаш кок суюк ва заъфарон юзли гадойлар ўтиришибди. Улар ана шу ерда туғилиб ўсиб чиққандек ёки аксинча, ер остига секин-аста кириб кетаётгандек кўринпардилар. Бир ёқда ноғораларнинг така-туми, карнайлар fat-фути, сурнай овозлари янграмоқда, масхарабозлар, илон ўйнатувчилар, раккослар, дорбозлар ва динга путур етказувчи шунинг каби бошка касб эгалари ўз ҳунарларини кўрсатмоқдалар. Турли тилларда сўзлашувчи бу халойик төпасидаги хира осмонда нурсиз офтоб ялпайиб турарди; ҳамма ёкни қоплаб олган чанг шамолда учар, тишларни ғижирлатар, бурун, кўз ва қулоқларга кирав эди.

Томоша ишқибози Хўжа Насриддин, фурсатни бой бермай, бир кўлида нон ва иккинчи кўлида гилос тўла дўппи билан аввал масхарабозлар томонга, сўнгра бошқалар ёнига айланиб борди. У қаншарига қизил чизик — қабила белгиси чизилган қора танли қотма бир чол

олдида тұхтади; ҳинди шакар камишидан ясалған най билан астагина бир мунгли күйни чалар, ҳиндиннинг олдида эса, мудрок босган иккита илон най садосынга маст бўлиб тебраниб туарди, у найини чалиб туриб, илонларни копкоги зич ёпиладиган иккита чукур саватга биттадан солди ва най чалавериб куруқшаган лабларига шундан кейингина дам берди, найнинг ёқимли овози тинганидан сўнг саватлар ичидан ваҳимали вишиллаш эшитилди. Юкоридан, дор устидан секин чалинаётган ноғора овози келарди; баланд дор устида қўйлаксиз, кизил иштонли кичкина бир одам кўлига лангарчўп ушлаб, ингичка арқонда сирғанарди, унинг кенг иштонини шамол хўппайтиарди, дорбоз чўққайиб ўтиракан, лангарчўпини иргитиб яна илиб олар ва шу билан бир вактда бир қўллаб ноғора ҳам чалар эди. Пастда томошабинлар ғовур-ғувур килар, тер ва гўнг ҳиди ҳамда ошхоналарнинг ёғли тутуни аралаш чанг буралиб-буралиб юкорига ўради, шамолнинг кенг осмон қўйнидаги бирдан-бир йўлдоши ажал ёқасида туриб ингичка ва салки арқонда сирғанаётган ана шу дорбоз эди.

Нарирокда раккосларнинг оқ чодирлари кўринарди; энг четдаги чодир олдида одамлар тўплапишган, афтидан ўйин бошланса керак, Ҳўжа Насриддин шошилганича ўша ерга борди.

Қоп-кора ялтиrok кокили белига тушиб турган иккита забардаст тунган йўғонлиги тегирмон тошидай кела-диган ясси дўмбирани чодирдан юмалатиб олиб чикди, кейин улардан бири ингичка узун бир сув ковокни карнай килиб пуфлаб чала бошлади, ковокдан арининг гингиллашига ўхшаш дириллаган, нолали садо чикди. Шунинг учун ҳам бу қадимги қашқарча ракс «Газанда ари» деб аталарди. Сув ковокнинг кўнгилни китиковчи ноласи гоҳ кучайиб ва гоҳ пасайиб узок давом этди, тўсатдан чодир пардаси кўтарилиб, ичкаридан раккоса чопиб чикди.

У оломондан чўчиб кетгандек бирдан тўхтаб колди, узун нозик билакларини бикинига тираб, кафтларини ёзди. У кўпи билан ўн саккиз ёшларда эди; кўзига сурма ҳам, юзига упа ва элик ҳам қўймаган, чунки ўзи упа-эликсиз ҳам гўзал эди. Кўк, сарик, кизил, яшил шойилардан тикилган либоси келишган коматига ярашиб, кечкуунги ғира-ширада ялтирас, ранг-баранг тусда товланар эди. Рақкоса кисик кора кўзлари билан оло-

монга киприклари остидан қараб олиб кавшини ечди-да, эпчиллик билан дўмбира устига сакраб чикди. Дўмбира унинг оёқ зарбидан аччиклангандай «динг» этиб юборди; карнайчи сув ковок — карнайнинг оғзини баландрок кўтарди ва бўйин томирларини шишириб уни жон-жаҳдни билан чала бошлади, сув қовок пингиллаб, даранглаб ва гичиллаб садо берди, раккоса гўё яқин бир жойда ари уяси бордек ва ари чакиб олишидан хавфсирагандек атрофга хавотирлик билан қарай бошлади. Гўё газанда ари гоҳ ён томондан, гоҳ пастдан ва гоҳ тепадан келиб ҳужум қилас, раккоса чиройли бадан ва кўл ҳаракатлари билан ҳужумни қайтарарди; у кичкина тончалари билан дўмбирани тобора жадал ва қаттироқ тепар, дўмбира бунга жавобан бўғик гумбурлаб, раккосани тобора шўхрок ўйнашга мажбур этарди. Дўмбира билан раккоса бир-бирини шоширап, раккоса арига чап берниб ерга тиз чўкар ва яна сакраб туриб, заҳарли арини кийимларининг бурмалари орасидан қидирган бўлар эди, шунда раккосанинг энгнидаги рангбаранг ипак лиbosлар ўзидан-ўзи аста-секин ешилиб дўмбира устига битта-битта туша бошлади, кийимлари унинг нозик баданини энди зўрға бекитиб турарди. Раккосанинг бадани белигача очилиб колганида баджаҳл ари пастдан учиб чикди-ю, раккоса чинкириб юборди, у жадал гумбурлаб турган дўмбира устида гир айланди, теварагида рангдор гирдоб пайдо бўлди, энг ички пушти шойи кўйлаги ҳам ешилиб тушди, томошибинлар олдида энди у қип-яланғоч эди. Шу пайт бирдан раккосани бошдан-оёғигача титроқ босди, у энгашди ва бoshини орқага қилди, аъзойи бадани оғриганидан чангак бўлиб қолди: ниҳоят, ари уни чакиб олган эди!.. Койил қолган томошибинларининг кий-чувлари остида раккоса чодирга чопиб кириб кетди, шу ондаёқ унинг орқасидан калта оёкли, кора соколли, кажава қоринли ва ёғ босган ёқимсиз чакчайган кўзли пўрдоқ бир эроний савдогар чодирга кирди.

Хўжа Насриддин ва унинг бир кўзи кўр ҳамроҳи битбургага тўла хароб бир чойхонада тунашди, эрталаб куёш чиқиши билан Кўқонга киришди. Шаҳар ичига киргандари сарн йўлда уларга ҳар хил мансабдаги сокчилар тобора кўп дуч келаверди. Сокчилар кўчаларда, гузарларда ва муюлишларда ухлаб ўтиришарди. Улар

ни ҳар қадамда күриш мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам Кўконда ўғрилар бирон иш чиқара олишига ақл бовар килмасди.

«Бу гала-гала амалдорлар бечора қўқонликларга қанчага тушаркин?— деб ўйлади Хўжа Насриддин.— Буларнинг халққа етказадиган зарари ҳар қанча ўғрининг, ҳатто сурункасига юз йил ўғрилик қилиб етказадиган зараридан ҳам ошиб кетади-ку!»

Шундай қилиб, икковлари Кўкондаги ислом динининг ҳимоячиларига макон бўлган кадимги мадраса ёнидан, саёз бўлишига қарамай, тез оқар шаҳар сойининг ғишт кўпригидан ўтдилар ва баланд қалъа деворлари билан ўралган хон ўрдаси олдидағи майдонга етилдилар.

Бозор шу ердан бошланарди.

Үнинчи боб

Қадим замонда Шарқ мамлакатларидаги катта шаҳарларнинг ўз номидан ташқари, унвони ҳам бўлар эди. Масалан, Бухорони дабдабали қилиб Бухорои шариф, яъни Олий шаҳар, шавкатли Бухоро деб, Самарқандни музаффариятли Самарқанд, ҳашаматли Самарқанд деб аташар эди; Кўконга эса тупроғи баракали обод бир водийда жойлашганлиги ва аҳолиси бағри кенг ва кувонок бўлганидан латиф Кўкон, яъни хушчакчак Кўкон, деб ном берилган эди.

Янги хон таҳтга ўтирумасдан илгари бир вактларда бу унвон Кўконга чиндан ҳам мос келарди: турли сайл ва байрамлар, ўйин-кулги ва томошалар Кўконда бошка ҳамма шаҳарлардагидан кўра кўпроқ бўларди. Аммо кейинги йилларда янги хоннинг зулми остида Кўкон аҳолиси оғир ҳаёт кечира бошлади.

Эски одатга кўра ҳозир сайл ва байрамлар ўтказилиб карнайчи ва ногорачилар чойхоналар олдида зўр бериб карнай ва сурнайларини чалсалар ҳам, масхарабоз ва қизиқчилар хуштабиат қўқонликларнинг кайфи ни чоғ қилиб ўз ҳунарларини кўрсатсалар ҳам, лекин бу ўйин-кулги ва сайл-томушалар аввалдагиларга ўхшамас, унчалик қизимас эди. Саройдан янги хон ислом динига ниҳоятда ихлосманд бўлганидан ҳамма вактини диний сұхбатлар билан ўтказади, бундан бошка ҳеч нарсага тоқати йўқ, деган нохуш хабар тарқалганди.

Мадрасалар, янги мачитлар курилмоқда эди. Кўқонга ҳар томондан муллалар, мударрислар, уламолар келганди, бу еб тўймас, очқўзларни бокиш учун пул керак эди, соликлар ошиб ва кўпайиб борарди. Хоннинг бирдан бир эрмаги пойга эди, у ёшлигидан отга ишқибоз бўлиб, бу ишқибозликдан уни ҳатто ислом дини ҳам қайтара олмади. Аммо у бундан бошқа ҳамма нарсада диннинг конун-коидаларини ҳеч сўэсиз бажаар, беҳуда ҳой-ҳавасларга берилмас эди. Ҳарамдан хон ётоғига бориладиган сўкмоқ йўл ҳозир жимжит бўлиб, уни ўт босиб кетганди, аста пишиллаб нафас олиб, оёғини судраб, кавушини ёқимсиз шапиллатиб юрадиган ҳарам оғаси бошчилигида хоннинг тунги соатларда майда қадамлар билан, шоша-пиша ҳарамга бориши аллақачон тарк этилган эди. Хон ўз амалдорларидан ҳам ана шундай пок бўлишни, аҳолидан диёнатли бўлишни талаб киларди, Кўқонда сокчилар ва айғоқчилар ғужғон ўйнарди.

Дам-бадам турли хил тақиқловчи фармонлар ва уларни бузувчиларга бериладиган жазолар эълон килиб туриларди; худди Хўжа Насриддин ва унинг ҳамроҳи Кўқонга келган кунларда фаҳш ишлар ҳақидаги фармон чиққан эди, унда эрига хиёнат қилган хотинларнинг калтакланиши, хотинини алдаган эркакларнинг эса табиблар орқали бичиб кўйилиши айтилган, бундай фармонлар тўлиб ётарди. Ҳар бир кўқонлик, фармонга хилоф бирон иш қилиб кўймайин деб, қил устида турган-дек юрагини ҳовучлаб яшарди.

Аммо баҳорнинг ҳаётбахш кучи ўз қудратини кўрсатверади, қўйида ҳикоя қилинадиган шу кунларда кўқонликлар бошларида мусибатларини унудилар. Тонг күёшининг ёркин нури остида бозор жуда гавжум ва кизғин эди. Гул ва сайроки қушлар ишқибози бўлган кўқонликлар ўз одатларини бузмадилар: бозордаги ҳар бир киши чаккасига лола ёки ёсуман, ёҳуд бошқа баҳорги чечак тақиб олган эди. Чойхоналардаги тўрковоқ ва қафасларда турли қушлар сайраб турарди, кўпинча бирон киши чойхоначига бир ёки ярим танга бериб, сайроки қушни чойхўрларнинг қийқириклари остида кафасдан чиқариб учирив юборарди. Шунда аравалар, отликлар ва яёв кишилар такқа тўхтаб, қушнинг баланд осмонда жавлон уриб эркин учишини томоша килардилар.

— Тўрахон бува бизнинг хайрли ишлар қилишимизни кутяпти,— деди Хўжа Насриддин бир кўзи кўр ўғри-

га.— Ишни қүшлардан бошласакмикин дейман. Мана бу пул сизга. Лекин эсингизда бұлсин: бу ерлардаги анқовларнинг ҳамёни сизга оғзини очиб мұлтираб қараб турса-да, уларнинг бирор тангасига ҳам тегманг.

— Хұп бұлади, бажону дил.

Бир күзи күр үғри яқиндаги чойхонага кириб, бирданыңа ундаги ҳамма қүшларни сотиб олди. Қүшлар қанотларини қуёшда ялтиратиб бирин-кетин осмонга парвоз килдилар.

Одамлар түпланиб, күчага тиқилишиб кетди. Бир күзи күрнинг ҳимматига койил қолиб айттылган мактөв сүзлари барада эшилдилди.

У қафасни очиб, ичиdan қүшчани олиб, күлида салгина ушлаб турада ва унинг баданидаги ҳароратдан ҳамда юракчасининг пүкіллаб уришидан роҳатланганидан сұнг осмонга учирив юборар эди. «Эсон-омон жойнингга учиб бор!» деярди кейин у. «Учиб кетяпман! Раҳмат сизга, яхши киши, мен сизнинг фойданғыз учун Тұрахон бувага бир оғиз гап айтаман!» деб жавоб берарди парранда үзининг қүшларга хос тилида ва күздан ғойиб бўларди.

Бир күзи күр хурсандлигидан секин қулиб қўярди.

— Тавба, илгари шундай қилиш эсимга келмаганига ҳайронман. Ахир у вактда ёнимда катта-катта пуллар бўлар эди, минглаб қүшини қафасдан учирив юбора олар эдим. Болаларнинг бу эрмаги жонимга шунчалик роҳат беришини сира билмаган эканман.

— Сиз кўп нарсани билмас эдингиз, ҳозир ҳам кўп нарсага ақлингиз етмайди,— деб жавоб қилди Хўжа Насриддин ва ўз ичида: «Бу одам ҳақиқидаги фикрим тўғри экан: унинг қалби соғ» деб ўйлаб қўйдн.

— Тарқалинглар! Инғилишиб турманглар!— деган каттиқ үшқириклар эшилдиди ногора овози аралаш; оломон дув этиб тарқалди ва Хўжа Насриддин ўз олдида жийрон отлик аллақандай катта амалдор турганини кўрди. Амалдорни найза, қилич, болта ва бошқа даҳшатли қуроллар такиб олган мўйловдор, қаҳри қаттиқ, ҳар қандай ёвузликка тайёр, турқи совук сокчилар кўриклаб турнишарди. Амалдорнинг кўкрагида катта-кичик анчагина медаллар яркирар, бурама кора мўйловли юзидан такаббурлиги кўриниб турарди. Икки сокчи икки томонидан жиловлаб олган жийрон айғир от ўйноклаб

ўзини ёкка ташлар, чиройли күзларини кийри килиб каар, бўйнини эгиб, сувлигини чайнар эди, устидаги заррин ёлиғи офтобда ярқиради.

— Ҳой, чувринди рўдаполар, каердан келдиларинг?— жирканиш билан пастки лабини буриб ва афтини буриштириб сўради амалдор.

Оҳ, агар бу амалдор ҳозир ўз олдида турган эски чопонли, йиртиқ-ямоқ этикли ва ёғ босган дўппили одам кимлигини билганида борми!

— Кўконга бозор қилиш учун келган қишлоқ фука-роларимиз,— деди ювошлиқ билан Хўжа Насриддин. ўзини хушомадгўйлик қилаётгандек кўрсатиб.— Биз ҳеч кандай ёмон иш қилганимиз йўқ, хонимиз ҳазрати олийларини улуғлаб ва аркони давлатнинг сиздек ёруг машъалини ҳурматлаб бир неча дона қушни қафасдан чиқариб юбордик, холос.

— Хонга садокат ва менга ҳурмат изҳор қилмок учун бу бетайнин аҳмок қушларни қафасдан озод қилиш ва одамларни тўплашдан бошка йўл топилмадими?— заҳар сочиб сўради амалдор, қафасдан озод қилиш сўзини у лабларини кийшайтириб ва нафратланиб айтар экан.— «Қафасдан озод қилишга ўхшаш бемаъниликларни»— у яна нафрат билан лабини кийшайтириди,— бундай bemaza одатларнинг ҳаммасини тақиқлаб кўйиш керак! Сенларнинг ортиқча пулларинг кўлга ўхшайди, уни хазинага иззат-икром билан. икки қўллаб топшириб, хонга садокатларингни кўрсатиш ўрнига уни бозорда ҳамма ёкка сочиб юрибсанлар. Тинтув қилинсин!— деб буйруқ берди у соқчиларга.

Соқчилар Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўрни ушлаб олиб, уларнинг белбоғи, тўни ва кўйлагини ешдириб тинтишди. Танга ва тилла пуллар тўла бир ҳамён топиб, тантана билан амалдорга кўрсатишди. Амалдор ўз акл-фаросатига койил колиб, кулди.

— Шундай бўлишини ўзим ҳам билган эдим! Яшир!— деб буюрди у соқчилар бошлиғига.— Хазинага топширишим учун халтадаги бу пулни кейин менга беррасан.

Соқчи танга ва тилла тўла ҳамённи кенг қизил шими-нинг чуқур чўнтағига тики, шундан кейин ногоранинг гумбурлаган садоси остида ҳаммадан олдинда отлик амалдор, унинг кетидан қизил шимли ва қайтарма этикли соқчилар, энг кейинда эса қизил шимли ногорачи ўз

йўлларига жўнаб кетдилар, ногорачи оёқ яланг эди, чунки бундай паст даражадаги мансабдорга ҳукуматдан этик берилмасди. Уларнинг қадами етган ҳамма жойда бозордаги одамларнинг гангур-гунгир овози тинар, чойхоналар бўшаб ногора товушидан ҳуркиб кетган кушларнинг овози тинарди, амалдорнинг ҳўмрайган со-вук башараси ва қаҳрли қараашларидан ҳаёт тўхтаб колар, унинг дўк-пўписа билан берган бўйруқларигина эшитиларди, холос. Лекин ҳеч қандай тақиқлашларга бўйснини истамай, бу тақиқлашларни масхаралаб кулувчи жўшқин, мангу ёш ҳаёт амалдор кўздан ғойиб бўлиши биланок, ўзининг бутун гўзаллиги билан рангбаранг тусда товлана бошлар эди. Амалдор ҳаёт ўртасидан унга душман бўлган ёт бир нарсадек ўтиб кетди, у ҳаёт оқимини бир оз тўхтатган бўлса ҳам, лекин уни ўзига бўйсундиришга ожизлик қилди. Буюк Кудратли Ҳаёт уни ўзининг ҳар бир баҳорги чечаги билан, мусикий овози билан рад этди!

Хўжа Насриддин амалдор ва унинг сокчилари орқасидан қараб туриб, деди:

— Бу дунёдаги амалдорлар зиёнкунандалиги жиҳатидан уч хил бўлади: бир хили кичик мансабдаги амалдорлар, иккинчиси ўртacha мансабдаги амалдорлар ва учинчиси юқори мансабдаги амалдорлар. Чўнтағимизда сарик чака ҳам қолдирмай шилиб кетиши. Майли, шунисига ҳам шукур: калламиз кетиши ҳам ҳеч гап эмасди, чунки уларнинг бошлиғи юқори мансабдаги амалдор...

— Сокчининг чўнтағидан ҳамёнимизни олиб қўйнишга қўлим тоза қичиди-да! — деди кўр.— Аммо сиздан рухсатсиз бу ишни қилмадим.

— Ўзинг ҳам каллангни сал ишлатгин-да! — деб жавоб берди Хўжа Насриддин.— Ҳамёни ҳакиқий эгасига қайтариб олиб бериш учун маҳсус рухсат сўраб ўтириш керакми?

— Мана ҳамёни! — деб, бир кўзи кўр ўғри қўйнидан ҳамёни чиқарди.— Сокчининг чўнтағида иккита билагузук ҳам бор экан, оғирлигидан тилла билагузукка ўхшади, аммо унга тегжадим.

Ҳамёнинг қайтариб олинган юрофатига икковла-ри ошхонага кириб, ўзларини зиёфат қилишди. Ошхона эгаси бу саҳий меҳмонлар олдига аччик қалампир, зира ва бошқа дориворлар солинган таомлар таший бериб

ҳориди. Улар ошхонадан чикиб чойхонага кириши; чойхонадан роҳатижон сотувчи олдига ва ахири қандолатчи дўкони олдига бориб ўзларини сийлашди.

Сўнгра бозорни айланишди. Ўша йилларда Кўкон бозори жуда катта эди, бозорни энг чакқон одам ҳам бирданига айланиб чиколмасди. Шойифурушлик растасининг ўзи бир бошидан иккинчи бошигача камон ўки учиб борадиган масофадан икки баравар ортиқ эди, кулолчилик, кавуш-маҳси ва этикдўзлик, тўнфурушлик растасидан кичикроқ эди; от ва мол бозорларининг эса чеки кўринмасди. Кўконнинг мана шу катта бозори одам билан лик тўла, тикилинч эди, Хўжа Насриддин ва ҳамроҳи одамлар орасидан кисилишиб, ёнлари билан юра бошлиди.

Катта дўконларда, ёйма дўконларнинг бўйра ва шолчалари устида таърифга тил ожизлик килувчи беҳисоб тоза моллар босилиб ётибди. Чилимлар қўлбола хилидан тортиб то олтин ва фирузалар билан безатилган истамбулча нусхаларигача бор эди; бекиёс соҳибжамоллар учун Ҳиндистонда ясалган кумуш кўзгулар, нафис гуллар солиб тўқилган ранго-ранг эрон гиламлари, куёшдай яркираган турли хил шойилар, окшом осмонидан ҳам майин ва чиройли товланувчи баҳмаллар, баркашлар, билагузуклар, исирға ва балдоқлар, бозивонтлар, тиллакошлар, эгарлар, пичоклар беҳисоб эди.

Кўкон бозорида ҳар хил этиклар, тўнлар, дўппилар, қийикчалар, кўза ва хумлар, мушк ва анбарлар, гулоб ҳам топиларди... Буларни санаб ўтиришни шу ерда тўхтатамиз, чунки Кўкон бозоридаги ҳамма бойликларни ном-баном ёзib чикишга икки ва ҳатто учта китоб ҳам камлик қилса керак!

Турли кишилар, турли овоз ва ҳидлар билан тўла бозор куни тамом бўлди. Кун ботди, осмондаги булутларнинг четлари пушти рангда ялтиради. Истироҳат дамлари бошланди: одамлар уй-уйларига таркалишиди, мусофири кишилар чойхоналарга жойлашишди. Аммо бозорнинг тугаганини билдирувчи ногора чалинмаганидан кўп дўконлар савдо-сотикни давом эттиради.

Кўконнинг катта бойларидан бири сарроф Раҳимбой ҳам ҳали дўконини бекитмай, савдо қилаётган эди.

Бағбакалари осилиб тушган, лўппи юэли, ёғ босган гардан гўшти ёқаси тагидан дўппайиб чиқиб турган, калта-калта семиз бармокларига узуклар тақиб олган семиз Раҳимбой қалин сергўшт қовокларини осилтириб дўконида ўтиради, дўкони токчаларига тилла пуллар, кумуш тангалар ва мис чақалар алоҳида-алоҳида килиб устма-уст териб қўйилган. Бу дўконда ҳинд рупиялари, хитойларнинг тўрт бурчакли чанглари, Олтин йўрда чўлларидан бу ерга келиб колган мўғул тилла пуллари, бўкириб турган шер сурати солиғлик эрон туманлари, араб динорлари ва ўша кезларда Шарқда муомалада юрган кўпгина бошқа тилла, кумуш ва мис пуллар бор эди; дўконда мажусийлар яшовчи узок ўлкаларнинг пуллари — гинелар, дублонлар, фартинглар ҳам бўлиб, уларга фаранг қиролларининг қилич яланғочлаб ва кўкракларига куфрана белги — бет тақиб тушган суратлари солинган эди.

Сарроф бугунги топган фойдаларини ҳисоблаб бўлган ҳам эдикি, Хўжа Насриддин ва бир кўзи кўр ўғри унинг дўкони ёнига яқинлашишди. Сарроф ўзини бозори юришмаган одамдай тутар экан, кора соколи устидаги кип-қизил дўрдок лабларини осилтириб дўконидаги пулларини йиғиширилар, олтин ва тангалар халтага унинг йўғон бармоклари орасидан тилла ва кумуш баликлардай сирғаниб аста ёқимли жараглаганча шўнгигиб кетар, санамасдан ҳовучлаб олаётган чақалари эса унинг ғашини келтириб «тўқ!» этиб тушарди.

Хўжа Насриддин ҳамроҳининг соғ кўзида ўткир сарриқ ялтираш пайдо бўлишини кутиб, унга ер остидан қараб қўйди. Лекин бу ялтираш пайдо бўлмади. Ўғри олтинларга хотиржам қараб туар, унинг юзида бутунлай бошқа маъно жилваланарди.

— Бугун эрталаб тушимда қаламча гулим илдиз отиб, ғунча чиқарган эмиш,— деди у.— Бу тушим тўғри чиқармикин ёки йўқмикин? Наҳотки Тўрахон бува гуноҳимни кечирмаса, наҳотки бир йилдан кейин касалим яна кўзғаб, ўзимни шифолаш тадбирларимни қўллашга тағин мажбур бўлсан?

Бу ўринда шуни эслатиб ўтамизки, зийрак Хўжа Насриддин ҳамроҳини аллақачон яхши ўрганган ва унинг касали сабабларини тушунарди, бу касаллик бир кўзи кўр ўғрининг ўз ихтиёри билан пайдо бўларди. Тиб илмининг асосчиси буюк донишманд Абу Али ибн Сино

ўз асарларидан бирида, тандаги саломатликнинг ҳар кандай бузилиши дарҳол руҳий ҳолатга таъсир қиласи ва аксинча, деб айтган; Ҳўжа Насриддин Абу Али ибн Сино таълимотларидан баҳраманд бўлган, шунинг учун унинг фикрларини бир кўзи кўр ўғрига татбиқ қилиб, хулоса чиқарганди.

— Туш келажак хабарчиси,— деб жавоб қайтарди у хайриҳохона овоз билан, Абу Али ибн Сино таълимотига суюнган ҳолда.— Туш келажак хабарчиси, шуни эснингизда тутинг. Имоним комил, бу сафар Тўрахон бува сизга раҳм-шафқатлирок бўлади ва гуноҳларингиздан ўтади.

Шу вакт дўкон олдида бир хотин пайдо бўлиб, уларнинг гапи бўлинниб қолди, бу хотиннинг бевалиги тўни нинг икки енгига кўк жияк чатилганидан кўринниб турарди. Енгига чатган жияги яп-янги ва тўни эса анча нимдош эди. Ана шунга караб, Ҳўжа Насриддин унинг эри яқинда ўлиб, бор-йўғини маъракаларга сарф этганини, ҳатто қора кийимлик сотиб олишга ҳам пули колмаганини сезди.

— Худоё давлатингиз зиёда бўлсин, бой ота, мушкулимни осон қиласиз, болаларимни ўлимдан қуткарап сиз деб олдингизга келдим,— дея гап бошлиди аёл саррофга.

— Нари бор, мен садака бермайман,— деб дўнғилади сарроф унга қарамай ва пулларидан кўз узмай.

— Мен садака сўраётганим йўқ, мушкулимни осон қилинг деяпман, бундан сизга ҳам наф тегади.

Сарроф бошини кутариб унга қаради.

— Эрим ўлганидан кейин бисотимда бир қора кунимга ярар деб асраб кўйган қимматбаҳо тақинчокларим қолди.— Хотин паранжиси ичидан бир чарм ҳамён чиқарди.— Уша қора куним келди. Учта болам ҳаммаси касал.— У ўифламсираб сўзларди.— Бу тақинчокларни сотиш учун бир неча савдогарнинг олдига бордим, шаҳар сокчиларининг бошлиги текшириб кўрмай туриб уларни ҳеч ким сотиб олгиси келмаяпти, хонимизнинг сўнгги фармони шунака экан, худо ёрлақагур бой ота, ўзингиз биласизки, шаҳар сокчиларининг бошлиги текширганидан кейин менга бу тақинчокларимнинг на ўзини ва на пулини беради. Уларни ўғирлагансан деб ҳазина фойдасига тортиб олиб кўяди.

— Ҳам!— деб илжайди сарроф, соқолини бармоклари

билан тарай туриб.— Хазина фойдасигами ёки йўқми, ишқилиб, албатта тортиб олади. Иннайкейин, шаҳар сокчиларининг бошлиғи кўригидан ўтмаган қимматбаҳо нарсаларни нотайин кишининг кўлидан сотиб олиш жуда ҳам хавфли иш. Бундай ишни килган одам фармонга мувофик юз дарра ейди ва зинданга солинади. Лекин мушкул аҳволингга раҳмим келгани учун... Қани, кўрсат-чи, нималаринг бор ўзи?

Хотин чарм ҳамённи саррофга узатди, сарроф ҳамённинг оғзини очиб, ичидағи нарсаларни дўкон тахтаси устига силкитиб тўқди, халтадан катта тилла билагузук, бир қанча йирик-йирик зумрадлар қадалган исирға, кизил ёкут маржон, тилла занжир ва бошка бир неча тиллавор буюмлар тушди, кадимги одатга кўра, тўйда эри эсадалик тариқасида хотинига ана шу нарсаларни совға килган эди.

— Хўш, бу нарсаларингга қанча пул сўрайсан?

— Икки минг танга,— деди хотин кўрка-писа.

Бир кўзи кўр ўғри Хўжа Насриддинни тирсаги билан туртди:

— Хотин ўз молининг ҳакиқий баҳосидан роппа-роса уч марта кам ҳак сўраяпти. Унинг маржонидаги ёкутлар Ҳиндистон ёкути, мен уни шу ердан кўриб турибман.

Сарроф энсаси котиб дўрдок лабинни бурди:

— Тилланг асил тилла эмас, унга бошка нарса ҳам аралашган, ёкут ва зумрадларинг эса энг арzon хилларидаш, яъни Қашқардан келгани экан.

— У ёлғон гапиряпти!— пиширлади бир кўзи кўр ўғри.

— Сенга раҳмим келганидан,— деб сўзида давом этди сарроф,— бу нарсаларингнинг ҳаммаси учун... чунончи, минг танга бераман.

Бир кўзи кўр ўғрининг афти буришиб, сарик кўзида ғазаб ўти чакнади; у бу ишга аралашмокчи бўлиб олдинга бир интилди-ю, лекин уни Хўжа Насриддин тўхтатиб колди.

Бева хотин саррофнинг гапини қайтаришга уриниб кўрди:

— Эрим ёкутнинг ўзини минг тангадан ошикка сотиб олганини айтган.

— Эринг сенга нима деган бўлса дегандир, аммо қимматбаҳо нарсалар ўғрилик мол бўлиши ҳам мумкин,

буни эсингдан чиқарма. Хайр, майлига, яна икки юз танга қўшиб бераман, бундан бир танга ҳам ошмайман!

Бечора аёл нима ҳам қила оларди. Иложисиз рози бўлди.

Сарроф қимматбаҳо тошлар ва тиллавор буюмларни апил-тапил хуржунинг солиб, хотинга бир сиким танга узатди.

— Зўр ўғри экан!— деди пичирлаб баданига титроқ кириб кетган бир кўзи кўр.— Ўзим ҳам ўғриман, бутун умримни ўғрилар билан бирга ўтказдим, лекин буна-канги зулукни сира кўрмаган эдим!

Аммо иш ҳали тамом бўлмаганди. Хотин пулни сабаб кўриб, саррофга:

— Сиз пулни адашиб санаган экансиз, бой ота; бу олти юз эллик танга холос-ку!— деди.

— Йўкол!— деб бакирди юзига кон тепиб қизариб кетган сарроф.— Йўкол деяпман сенга, йўқса, ҳозир ўғрилик тиллавор молларинг билан қўшиб сокчиларга топшираман!

— Войдод! Шўрим қуриб қолди! Бу ноинсоф ҳақимни бермаяпти! Ҳой яхши кишилар, ёрдам килинглар!— деб бакирди хотин кўз ёшларини оқизиб.

Бир кўзи кўрнинг сабри тугади; агар муюлишдан ногора овози эшитилиб қолмаганида бу сафар Ҳўжа Насриддин уни тўхтатиб қололмаган бўларди.

Дўкон яқинида ўз соқчилари билан амалдор пайдо бўлди, у бозорни айланиб чиқиб, энди девонхонага кетмокда эди.

Хотин жим бўлиб, орқасига тисланди.

Сарроф қўлинин корнидан паст қилиб ковуштираскан, амалдорга тавозе билан таъзим қилди.

Амалдор от устида унинг саломига эътиборсизгина бош қимирилатиш билан жавоб кайтарди:

— Шаҳримиз савдо аҳлларининг кўрки муҳтарам Раҳимбойга саломлар бўлсин! Дўконингиз ёнидан менга додлаган овоз эшитилгандай бўлдими?

— Ановининг овози!— Сарроф хотинни кўрсатди.— Шаллаки ҳаёсизлик қилиб тартибни бузяпти, мен пул берармишман, аллақандай қимматбаҳо тошлар, тиллавор буюмлар тўғрисида вайсаяпти...

— Кимматбаҳо тошлар, тиллавор буюмлар?— жонланиб кетди амалдор, унинг чақчайган, қаҳрли кўзлари

шундай олайдики, унинг олдида кўр ўғрининг сарик кўзини бегуноҳ ва беозор чақалоқнинг кўзи деса бўларди.— Кани, ўша хотинни дарров олдимга келтиринг.

Бева хотин энг охирги пулидан ҳам ажralиб колмаслик учун тор кўчага кириб кўздан ғойиб бўлган эди.

— Мана сизга бир мисол: оддий халқ қанча кўп эзилса, кийинчиликка қанча кўп дучор килинса, ҳар хил муттаҳам ва фрибгарларга жон кириб қолади,— деди Хўжа Насриддин.— Ўғриликни йўқ килиш эвазига савдо-сотик баҳонасида очиқдан-очиқ талончиликни жорий килишипти. Дарров ҳалиги хотиннинг орқасидан этиб бориб, уйи қаердалигини билиб келинг.

Угри дарҳол ғойиб бўлди; лип этиб кўздан ғойиб бўлиш ва осмондан тушгандек яна бир зумда пайдо бўлиб колиш унинг учун ҳеч гап эмасди.

Соқчиларни васвасага солмаслик учун Хўжа Насриддин шу ердаги катта ариқ ичнга териш ниятида келтириб кўйилган тош фарми орқасига бекинди. Шу ердан у дўконда нималар қилинаётганини ва унда бўлаётган гап-сўзларни бемалол кўриб ва эшитиб ўтириди.

Сарроф амалдорни чой ичиншга таклиф этган эди, у бажону дил рози бўлди. Улар яқинда хон иштирокида бўладиган пойга тўғрисида сұҳбатлаша бошлидилар.

— Биродари азиз Раҳимбой, мен сиздан бошқа ҳеч кандай ракибдан кўркмайман,— деди амалдор мўйловини силар экан.— Мен бу пойгага қўйиш учун Арабистондан келтирган икки айғир отингизнинг таърифини эшиитдим. Эшитишга эшиитдиму, лекин уларнинг ўзини кўрганим йўқ, чунки сиз отларингизни бегона одамларнинг кўзидан хотинингизни яширганингиздан ҳам баттар яширасиз. Одамларнинг айтишига қараганда, бу отлар сизга йўл харажати билан кирқ минг тангага тушган эмиш; аммо шуниси борки, пойгода бериладиган энг катта соврин ҳам харажатларингизни қоплай олмайди!

— Харажатларим эллик икки минг танга, биласизми, эллик икки минг!— деди сарроф гердайиб.— Пойгани хон ҳазратлари мазза қилиб томоша қилсалар менга кифоя, харажат кўзимга кўринмайди.

— Боракалло, бу саъй-ҳаракатингизни хонга еткизаман. Аммо агар такатуркман отлари зотидан бўлган айғирларим пойгода сизни энг катта совриндан маҳрум қилиб кўйса хафа бўлиб юрманг. Арабий отларни-ку

ёмон деб бўлмайди-я, лекин дунёдаги ҳамма отлардан туркман оти яхши.

Амалдор ҳар хил от зотларининг таърифини килиб узундан-узок гапга тушиб кетди, сарроф йўғон қорни устида бармоқларини ўйнатиб, мийнида қулиб унинг сўзларини эшитиб ўтиради.

Шу пайт атрофни хушбўй ҳидга тўлдириб, сарроф нинг хотини келди, бу барваста, хушкомат хотининг юпқа чиммати остидан юзидағи упа-элиги, кипригидағи сурмаси, кошларидаги ўсмаси ва лабига суртиб олган хитой бўёғи кўриниб турарди.

Амалдор унга қўзи тушиши билан ўрнидан турди:

— Қалин дўстимнинг жуфти ҳалоллари Орзибиби пошшого салом.

Хотин қулимсираб, таъзим билан жавоб қайтарди. Сарроф бойлиги ва сахийлигини амалдорга кўз-кўз килиб мактанишдан ўзини тўхтата олмади: хуржунидан бояги тиллавор буюмларни олиб, хотинига тортиқ қилди ва буларни бир соат илгари заргарлик растасида саккиз минг тангага олдим, деб ғирт ёлғон гапирди. Хотин ҳадя учун эрига ноз-карашма ва ишвали сўзлар билан миннатдорлик билдириди; у эрига гапириб турса ҳам, қўзи амалдорда эди. Ўзига бино қўйган сарроф ҳеч нарсани сезмай, ҳамон тиллавор буюмларни саккиз минг тангага, араб отларини эллик икки минг тангага сотиб олгани ҳакида ва яна аллақандай минг тангалик харажати ҳакида гапиради. Амалдор унинг сўзларини хушбичим қора мўйловини бурай-бурай нафратомуз тиржайиш билан эшитиб ўтиради. Бу тиржайиш кўпгина қўконликлар орзу қилувчи, лекин ўзларидан бошқа одамнинг юзида пайдо бўлса уни ўлдириб юборадиган, кўпинча эса юкорига чакув киладиган тиржайиш эди.

— Бу тиллаворларни тақиб олганингиздан кейин яна ҳам жон офати бўлиб кетасиз, Орзибиби пошшо,— деди амалдор.— Аттангки, бу қимматбаҳо нарсаларни таққанингизда ҳусну жамолингизни факт эрингиз томоша қилиб роҳатланади-да.

— Орзибиби, агар исирға ва маржонларингни тақиб энг яхши дўстим Комилбек жанобларига бир дакиқагина юзингни кўрсатсанг, катта гуноҳ бўлмаса керак,— ҳозиржавоблик билан амалдорнинг сўзини илиб олди сарроф (унинг ўзига бино қўйганлиги ва калтабинлиги шу даражага етган эди!)

Хотинга бу гап жуда ҳам ёкиб маржонни такди-да, чимматини кўтарди.

Амалдор орқага тисарилиб оҳ тортди ва аёлнинг гўзалигидан кўзлари қамашгандек юзини кафтлари билан тўусди.

Сарроф мамнун киёфада кеккайиб, ҳарсиллар, пишиллар ва ихраб қўярди.

Хўжа Насриддин бу ишларнинг ҳаммасини тош панасида кўриб ўтириб бошини тебратар ва ичида: «Эй тўнғиз, нимасига хурсанд бўляпсан? Сен айғир отларни лакиллаб Арабистондан олдириб келяпсан, хотининг бўлса айғирларни анча яқин жойдан топар экан!» деб хуноб бўларди.

Угри осмондан тушгандай лип этиб, бирпасда Хўжа Насриддиннинг олдига қайтиб келди:

— Бева хотиннинг уйи шу яқин ўртада. Ҳақиқатан ҳам унинг учта касалманд боласи бор экан. Олти юз эллик тангаси қарзларини узишга ҳам етмасмиш. Анови лаънати қонхўрнинг касофати билан бева яна бир пулсиз колади!

— Сиз бу дўконни ҳам, бева хотиннинг уйини ҳам эсингиздан чиқарманг, буларни билиш. Яқинда керак бўлади,— деди Хўжа Насриддин.— Энди юринг, кетдик!

Улар амалдорни, мақтанчоқ сарроф ва унинг хотинни минг-минглаб тангалари, тиллавор буюмлари, араб отлари ва шармандали пинҳоний сирлари билан бирга шу ерда қолдириб ҳўздан йироқлашдилар. Улар тушган чойхона бозорнинг нариги бошида эди, улар бўшаб колган расталар ёнидан, жимжит майдонлар ўртасидан ўтиб анча вакт юришди. Яллиғланувчи куёш кўзни элиғар, аста-секин окшом чўкмоқда эди, миноралар, баҳайбат мачитлар бу олтин шуъла кўйнида ергаги оғирлигини й, отгандек, осмонга кўтарилиб унинг тиник, осойишта бағрида омонат тургандек кўринарди.

Ўн биринчи боб

Тоғ кўли!.. Хўжа Насриддин бу кўлнинг қаердалигини бозорда ҳаммадан — деҳқонлар, кўчма косиблар, масхарабоз ва фолбинлардан суриштириб кўрди. Лекин фойда бўлмади. Бу кўл ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса эшишмаган экан. «Қайси гўрда бўлса экан?— ўйлай бошлади

Хўжа Насриддин.— Чол айтган кўл балки, унинг бундан бир қанча вактлар илгари бошқа қиёфада кезиб юрганида сайёраларнинг бирор жойида бўлгандир, энди у қарилек асар қилиб янгилишиб бу кўлни менга ер юзасидан қидиртираётгандир!»

Тўрахон бувани аччиғидан тушириш, кўнглини юмшатиш иши ҳам Хўжа Насриддинни анча ташвишга солди. «Сайлга бир ҳафта қолди, холос. Пул керак, камила олти минг танга керак. Қайдан топсан экан?» деб ўйларди у.

Хўжа Насриддин бу ҳакда бир кўзи кўр ўғри билан маслаҳатлашишга мажбур бўлди, лекин пул нима учун кераклигини унга айтмади, албатта.

— Илгариги вактда олти минг тангани Кўконда ҳаш-паш дегунча топган бўлардим. Лекин ҳозир кўконликларнинг ҳаммаси қашшоқлашиб қолишган, бундай пул тўла оғир ҳамён кимдан топиларди дейсиз? Факат саррофда бор, холос,— жавоб берди ўғри.

— Сиз яна ўша гуноҳли гапларингизни такрорляяп-сизми?— деди таъна қилиб Хўжа Насриддин.— Ўғрилик килмасдан топишнинг иложи йўқми?

— Кимор ўйнаб ютамизми?

— Кимор ўйнасак ютказиб қўйнишимиз ҳам мумкин. Биз ютказмайдиган бошқа бир ўйин топишмиз керак.

Хўжа Насриддиннинг миясига ҳозирча аник бўлмаса ҳам, лекин мақсадга эриштириши мумкин бўлган бир фикр келди.

— Ўйинни сиз, мен ва гуноҳкори азим семиз сарроф учовлашиб ўйнашимиз керак. Аммо уни ўйинимизга қандай қилиб тортсак экан?

— Бева хотинлар ва етим-есирларни таловчи пўкон сарроф!— деди бақириб юбораётганди кўр ўғри.— Уни алдаш дейсизми? Манави устунни ва анави туюни алдаш осон, аммо уни алдаб бўпсиз!

— Пулни худди ўшандан олсак жуда яхши бўлади,— давом этди Хўжа Насриддин ўз ниятидан руҳланниб.— Пулни, у ўз ихтиёри билан, ҳа, ўз ихтиёри билан бериши керак! Сарроф пулни ўз ихтиёри билан берса, дунёйи фонийдан дунёйи бокийга риҳлат қилишида ўзи учун ҳам савоби теккан бўларди.

— Бу хунрез ўз ихтиёри билан олти минг танга бериши керак дейсизми?— хаҳолаб кулиб юборди бир кў-

зи кўр ўғри.— Минг танганинг биринчи юз тангасини санаб бераётганидаёқ жони чикиб кетар! Пул солинган халтасини тагига маҳкам босиб ўтирганини кўринг. Олиш ҳазил гап эмас!

Бу гаплар чойхонада, ярим кечага якин бўлаётган эди. Шаҳар уйқуда бўлиб, бозордаги чироклар сўнганди, сокчихона мезанларидаги смолали гулханларгина ёниб туради. Янги ой ўроғи осмони фалакдан минора-ларга маҳзун бокиб, кошинли куббаларни совук нури билан яркиратарди. Ҳаво салқин, ҳамма ёқ жимжит эди, кундузи шаҳарда жазира маисик, чанг, тўзон, ҳаво дим бўлса ҳам, лекин тез ўтиб бораётган ойдин кечалар ва ёқимли шабадалар ҳали баҳор тугамаганидан дарак берарди. Бир кўзи кўр ўғри кўрпага кирди-да, ухлаб хуррак ота бошлади. Ҳўжа Насриддин эса баҳор кечасининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб караб ётар, хаёлида ўзини номаълум юксакликларга, мажҳул ва олис бир бошқа дунёга парвоз килгандек ҳис этар эди.

Ноғораларнинг вақт ярим кеча бўлганини билдирган дамбир-думбир овозини эшишиб, Ҳўжа Насриддин яна дунёвий ишлар, хомсемиз сарроф ва унинг пул халтаси тўғрисида ўйлай бошлади. У зўр бериб уйкусини қочи-раркан, фикр юритарди: «Изла, ҳа, изла! Сарроф олти минг танга бериши керак, бермай иложи йўқ, бергандা ҳам ўз ихтиёри билан беради, кўнглимга келган иш бўлмай қолмайди!»

Бу вактда сарроф ҳеч нарсадан хабарсиз ва бехавотири танноз хотини ёнида бурни билан ҳуштак чалиб, лабларини чапиллатганича тинчгина ухлаб ётарди. Хотини эса ухламай, эрининг шойи кўрпа тагида аста тебраниб турган пўрдок башарасига ижирганиб каар, амалдорнинг каттиқ тикилиб караши ва хушбичим мўйловини эслар эди. Эшик ва дарчалар зич беркитиб кўйилганлиги, мойчироқнинг ёли қора куяси патнусга учиб тушиб турганлиги учун уй ичи дим ва тутун босиб кетган эди. «Оҳ, Комилбек тўра, сизнинг кучоғингизда мен қандай роҳат қиласдим, бу ҳезалак нусха семиз аҳмоқнинг афти курсин!» деярди ўз ичидаги танноз хотин. У амалдорнинг хушбичим қора мўйловини кўз олдига келтириб ва ўзи ҳакида амалдорнинг ҳам кечаси билан шу хилда хаёл суриб чикишига ишонар экан, шаҳвоний ҳирс оғушида уйқуга кетди.

Саррофнинг хотини янглишган эди. Амалдор бу кеч

бутунлай бошка нарсалар ҳакида: яна ҳам юкорирок мансабни эгаллаш, янги тортиклар олиш, ракибларини мансабидан тушириш түгрисида ўйларди.

У саройдаги хонаи олийда хонга ўтган кунги воеалар ҳакида минг таъзим ва хушомад билан маълумот береб турмокда эди. Хон ана шундай тартиб ўрнатган эди, бу маълумотларни кундуз куни олиб туришга хоннинг вақти етмагандир деб ўлаш нотўри — асло бундай эмас: у кечалари хонасида ёлғиз колишдан кўркарди, чунки кўпдан буён уни бирдан нафаси кисилиб колиш касали кийнар эди. Сарой табиблари хонни касалингиз тобора енгиллашяпти, сал вақтда бутунлай йўк бўлиб кетади, деб бир оғиздан ишонтиришларига қарамай, бу касалик уни ҳамон каттик кийнар ва зўрайиб борарди. Табиблар хонга тўғри сўзлагандилар, лекин касалингиз ўзингиз билан бирга йўк бўлиб кетади деб, гапнинг сирасини айтмагандилар, холос...

Хон баланд парку ёстикларга суюниб ётар, оғир кўрпани устидан олиб ташлаб, нафис шойи кўйлаги остидаги озғин кўкраги билан хириллаб ва пишиллаб нафас оларди. Истироҳатхонанинг деразалари очик ва чилим тутатилмаган бўлса-да, унга ҳаво етишмасди.

— Бозор ёнилгач,— деди амалдор,— шаҳарнинг осоиншталигига ишонганимдан сўнг мен пойга бўладиган жойга бордим, якинда бўладиган пойгага у жой кандай тайёрланғанини шахсан ўзим текшириб келдим...

— Утган йили ҳам шахсан ўзинг текшириб келган эдинг,— деб унинг сўзини бўлди хон.— Шундай бўлса ҳам битта айғирнинг оёғи чиққан. Эсингда бўлсин, агар пойга майдонида бу сафар ҳам бирорта чукурча колган бўлса, кунингни кўрасан!..

— Бу сафар бошим билан жавоб беришга тайёрман,— таъзим килиб жавоб кайтарди амалдор.— Ишонаманки, туркман оти зотларидан бўлган айғирларим сиз ҳазрати олийларининг томоша килиб завқ олишларига лойик бўлар.

— Эшишишмга қараганда, отларингга ракиблар пайдо бўлган эмиш. Бир савдогар, унинг номи эсимда йўқ, эллик минг тангадан зиёд пул сарф килиб Арабистондан отлар келтирган эмиш. Сен бу отларни кўрдингми?

— Кўрдим, хон ҳазратлари,— деб пинагини бузмай гирт ёлғон гапирди амалдор.— Унинг отлари, албатта,

якши отлар, аммо улар менинг тулпорларимга сира бас келолмайди. Яна шуни демогим мүмкинки, савдогар мактаниб отларининг баҳосини жуда ошириб айтган. Айғокчиларимдан олган ишончли маълуматларга қаранганды, савдогар Арабистондан келтирған отлари учун йигирма минг тангадан сал күпрөк пул тұлаган, холос.

— Йигирма минг танга? Иккитаси йигирма минг танга турадиган отни ҳам от деб бұладими? Пойга майлонида бизга ҳали кирчанғи отлари билан күрінмокчи бұляпты дегин!

— Бу зоти паст савдогар одоб ва иззат-жұрмат нималитини билмайди,— гап орасида күшиб күйди амалдор.

Пойгадаги рақиби сарроғни шу зайлда қоралаганидан кейин амалдор саройдаги бошқа рақибларини коралай бошлади. Хазиначини яқинда уйида саксонта одамга шоҳона катта зиёфат берди деб қоралади, солик-ўлпон ишлари вазирини қоралади, гап орасида ҳарамдаги бош хизматкорни ҳам қоралаб, уни ҳаддан ташкари бандиликда айблади.

Сұнгра амалдор асосий душманига зарба беришга тайёрланиб, бир оз жим турди. Асосий душманига зарба беришни аллақачонлардан бери ўйлаб юрап ва бу зарбани, боғбон ғамхұрлық билан иссиқхонада ноёб мевалар етиштиргандек, күп вактдан бери тайёрлаб келарди. Амалдорнинг душмани машхұр күқон отлик күши нининг саркардаси, душман қиличларидан аъзойи бадани ямоқ ва чандық бұлиб кетген ва күпгина жангларда галаба қозониб донг чиқарған Довюрак лақабли, шавкатли лашкарбоши Едгорбек эди. Хушомадгүй, күркөк, пасткаш одам феъли кенг ва ботир кишиларнинг олижаноблигига ҳамиша ҳасад қиласы, амалдор Едгорбекнинг ростгүйлиги, айникса, оддий халқнинг уни иззат-жұрмат қилишига ғаши келарди.

Оддийгина салласига ҳарбий мансабини күрсатувчи белги — бор-йұғи битта жига қадалган, эгнига эски кимхоб түн, узангига ва отнинг қорнига ишқаланаверғанидан учи ва гулчини эзилиб ва сарғайиб кетген этик кийиб. кари арғумоқ отини миниб олған барваста, йүғон, ковоғи солик, кекса Едгорбек эгар устида букчайиб үтириб, секин-аста бозор үртасидан үтди, унинг арғумоғида ҳам қиличларнинг изи бор эди. Едгорбекни бит-

тагина шахсий соқчи — болалик чоғларидан бошлаб. унга муттасил отахон бўлиб келган, кўзи ожизрок, мункиллаган бир чол кузатиб келарди. Бозордаги одамлар Ёдгорбекни кўриш билан жим бўлиб колар, унга йўл бўшатар, уни орқасидан номини ҳурмат билан тилга олиб пичирлашарди. Ёдгорбекнинг худди ўзига ўхшаб соchlари оқарган, мардана жангларда юзлари душман қиличларидан чандик бўлган собик юзбошилари эса чойхонадан унга: «Ассалом, Довюрак полвон! Урушга қачон борамиз? Бизни эсдан чиқарманг, қилич солишишга ҳали курбимиз етади!...» деб қичқиришарди. Кекса саркарда саройга ҳар йили бир марта борганида ҳам жим ўтирас ва ўз қаҳрамонона ишлари тўғрисида ҳеч нарса демас эди, аммо дабдаласи чиқиб кетган юзи ва пешанасининг чандик ва ямокларидан ўтмиш жанглардаги карнайларнинг наъралари, яланғоч қиличларнинг шипиллаб урилиши, отларнинг кишинаши, қалқонларнинг тақ-тук овози ва тобора шиддат билан тўхтовсиз чалинаётган ноғора садолари эшитилаётгандек бўларди.

Бирор марта ҳам жангда бўлмаган, боши узра ганим қиличи яркираганини ҳеч қачон кўрмаган амалдор бунга чидай оларди дейсизми? Чиройли Комилбек доим ўзини эҳтиёт килар, жанг майдонинг душманни арқон билан маҳкам боғлаб олиниб ва юзи билан ерга ётқизиб кўйилгач, битта соқчи унинг елкасига, иккинчиси оёғиустига чиқиб босиб ўтирганидан кейингина киради.

— Хўш, яна нима гап? — сўради хон керишиб эснар экан. Вакт алламаҳал бўлиб колганди, шишган ковокларидан чарчагани сезилиб турса-да, лекин хоннинг сира уйкуси келмасди.

Амалдор таъзим килди ва вужудини титрок босди. Унинг кўпдан буён кутиб юрган пайти келган эди!

— Ҳазрати олийлари, агар бир кошиқ қонимдан кечсалар, сизга бир нохуш ҳакиқатни айтмоқчи эдим.

— Айт!

— Лекин бу гап ҳазрати олийларнинг кўнгилларини ранжитиб кўярмикин, деб кўркаман.

— Айт деяпман сенга!

— Мен лашкарбоши Ёдгорбек ҳакида сўзламоқчиман.

— Ёдгорбек ҳакида? У бирор айб иш килдими? Айби нима?

Амалдор ҳаяжонланди, нафаси ичига тикилди, лекин яна ўзини босиб олиб, овозини кўтариброк деди:

— Уни фоҳишабозликда кўлга туширдим!

— Фоҳишабозликда? Ёдгорбекни-я?— бақирди хон таажжубда колиб.— Жинни бўлиб қолибсан! Бошқа бирор нарсада айбласанг, ишонардим, аммо бунга ишонмайман!

— Ҳа, фоҳишабозликда кўлга туширдим!— такрорлади амалдор қатъиӣ туриб.— Аниқ далиллар бор. Бундан олти йил илгари хотини ўлиб кетган...

— Биламан...

— ...бу шаҳватпараст Ёдгорбек қонун ва шарнат коидаларига мувоғиқ уйланишни хоҳламай, бундан икки йил аввал Шарофат исмли бир эроний хотин билан фоҳишабозлик кила бошлаган.

— Биламан,— деб амалдорнинг сўзини бўлди хон.— Бу эрсиз хотин-ку. Бундан беш йил илгари унинг эри ўз карвони билан Ҳиндистонга кетиб йўлда ҳалок бўлган.

— Жаноби олийлари, марҳаматларини дариг тутмай гапимнинг бу ёгини ҳам эшитсалар. Фармон эълон килинганидан кейин — бунга икки ойдан кўп бўлди — Ёдгорбек мазкур хотин билан фаҳш ишларини тўхтатгани йўқ, демак, у айбдор ва тегишли жазога тортилиши керак.

— Хотин боши очик бўлганидан кейин Ёдгорбек у билан алоқасини узиб нима қиласди, эшитяпсанми, сенга айтяпман!— бақирди хон хуноби ошиб.— Модомики, шундай экан, бу ишга фармонни қандай татбиқ қилиш мумкин, буни фоҳишабозлик деб бўладими? Бемаъни гапларингни қара-я!

У ҳар ҳолда катта бир хонликнинг ҳукмдори эди, шунинг учун қонунларнинг мумкин қадар тўғри бажарилишигá, бошликларнинг ўзбошимчалиги билан хонликнинг патарот топишига йўл кўймасди.

— Ҳазрати олийлари, бу ишга фармонни татбиқ қилиш мумкинми деб сўрадингиз,— деди амалдор мўйловини силкитиб.— Борди-ю, ҳакиқатда бу хотиннинг боши очик бўлмаса ва ҳанузгача эрининг никоҳида ҳисобланиб, шариат йўли билан талок хати олмаган бўлсанчи? Борди-ю, унинг эри ўлмаган ва ҳозир ҳам тирик бўлса-чи?

— Тирик? Беш йилдан берин у қаерда юрган экан?

— У тирик, ҳозир Ҳинди斯顿нинг Пешавар шаҳрида бир одамнинг қули. Мен бултур иккита пешаварликни бозорда сеҳргарлик билан улуғ хонга қарши ёмон ниятларда бўлгани учун тутдириб, ертўламга камаб кўйган эдим. Биринчи ва иккинчи терговда ҳам улар ҳамма айбларини бўйинларига олишди, шундин кейин уларни конунга мувоғиқ зинданга солдирдим. Шу якин кунларда улар кўшимча сўрок бериб, бу хотиннинг эри Пешавар бозорида кул бўлиб юрганини кўрдик, деб айтишди. У ўзини пул юбориб қулликдан озод килишини ялиниб-ёлвориб сўраб хотиннiga уч марта хабар юборибди, аммо хотини Ёдгорбек билан бўлган ўйнашлигини кўзи киймай, эрига жавоб қайтармабди. Ҳазрати олийлари икки пешаварлик терговда ана шундай деди, иккаласи ҳам худди бир гапни айтди.

— Сен тергов килган одамларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда сўзлайди,— деди хон энсаси котиб илжаяркан.— Шундай бир бемаъни баҳона билан Ёдгорбекни тутиб зинданга солсак халқ нима деб ўйлади, кўшин нима дейди? Бу гапларингда маккорлик борлигини кўриб турибман...

Амалдорнинг Ёдгорбекка олдиндан ҳукм чиқариб кўйишига ҳаддан ташқари журъат килганлиги, кора мўйловларини савлат билан диккайтириб туриши хоннинг ғашини келтирди, бунинг устига хоннинг касаллиги асар килиб боши лўқиллаб оғриб турарди, шунинг учун унинг овози чийиллаб ва кўпол эшитиларди.

— Бу гапда маккорлик борлиги аник. Пешаварликлар бир ярим йил илгари зинданга солинган, аммо бу хотиннинг эрини кўрганликларини энди айтишган эмиш Нима учун шу вактгача айтишмаган?

— Улар айбларига икрор бўлмай келишган эди, факт энди бўйинларига олишди.

— Айбларига икрор бўлмай келишган эди?— Хоняна ҳам аччикроқ заҳарханда килди.— Гапинга караганда, улар зинданга тушишдан кўркмай сеҳргарликларини биринчи ва иккинчи терговда бўйинларига олиптилару, лекин айтсалар ҳеч кандай жазо берилмайдиган бу хотиннинг эри билан учрашганликларини бир ярим йилдан бери тан олмабдилар. Сенинг зинданингда, сенинг кўлингда камалиб ётиб-а? Негадир ишониб бўлмайдиган гап, тўғри эмасми?..

Амалдор Ёдгорбек ҳакидаги гапини нокулай вактда

бошлаб қўйганини тушунди. Хоннинг авзойи бузук, бундай пайтларда ёнида яқин турган ҳар қандай одамга ништарини санчиши мумкин; бу кеча ўзимни касаликка солиб, саройга келмай, хоннинг ништарига ўзимдан бошка бирор одамни рўпара қилсам бўлар экан, деб ўйлади амалдор. Лекин энди кечикканди; ҳукмдорларнинг пинжига киришга интигувчи кишиларда бундай хатолар тез-тез учраб туради: лукмага энг олдин бўйин чўзганга калтак ҳам энг олдин тегади.

— Эй шаҳриёри олам, Ёдгорбекнинг фаҳш ишларга рағбати борлигини илгари ҳам пайқаганман, аммо хон ҳазратларининг кайфиятларини бузиб сиҳат-саломатликларига зарар етказмай деган ният билангиба бу ёмон хабарни айтмаган эдим,— деди мугамбirona кийшанглаб у.

Лекин бари бир ўйлагани бўлмади, бу кеча унинг омади келмаган кеча эди!

— Ёдгорбекнинг фаҳш ишларга рағбати борлигини илгари ҳам пайқагансан?— қайта сўради хон.— Қачон? Ҳеч қачон у билан бирга бўлмаганинг ҳарбий сафарлар вактидами? У ким билан фоҳишабозлик қилган? Уз қиличи билан айш-ишрат қилганми? Мен эса бошка одамлар фаҳш ишлар билан шуғулланаётганини сезиб юрибман... бундай иш қилишга уларнинг кучи ҳам, бекорчи вақти ҳам бор, улар фаҳш ишлар қилиш учун атайин шопдай мўйлов қўйиб, баланд пошна ярқиллама ғарч этик кийиб юришади, худди хитой аёлига ўхшаб кетишиди. Фоҳишабозликни ана шулар орасидан қидириш лозим; бу қидиришлар кўя ўтмай кутилган натижани беришига ишончим комил.

Амалдорнинг кўзи тиниб, боши айланиб кетди. Хон ўсмокчилаб гапириятими ёки бирор унга устимдан чақув қилганмикан? Эҳтимол у ҳамма сирларимни, ҳатто Орзибибининг исмини ҳам билар? Балки, сичконни ушлаб олиб емасдан тўхтаб турган мушукка ўхшаб, у ҳозир ҳамма сирларимдан хабардорлигини айтмай тургандир? Амалдорнинг хаёлидан Арабистон чўлларидағи хурмо дараҳтларини ағдариб кетадиган бир лаҳзали куюн сингари айланиб ана шундай фикр ғувиллаб ўтиб кетди.

Энди у макр-ҳийла ишлатиш эмас, ўзи қурган тузогидан бир илож қилиб чикиб оличи керак эди!

Амалдор юзи оқариб кетганлигини сезиб, сир бой

бермаслик учун чирокдан тескари ўгирилди ва томоғи-
нинг хириллашини йўқотиш учун анча вакт йўталиб
турди.

Амалдор хоннинг орка томондан ҳужум қилишига
йўл кўймай, акл-фаросат ва айёрлик билан чекиниш
ўрнига табиатан кўркок бўлганлиги туфайли орқасига
қарамай қоча бошлади.

— Ҳазрати олийлари ҳамма вактдагидек ҳозир ҳам
ҳақ гапни айтдилар! — деди у ўта тавозе билан.— Сиз
мислсиз донолик билан кўзимни очдингиз. Анови пеша-
варликларнинг олижаноб Ёдгорбекка ёмон ният билан
тухмат қилганликларини, унинг жанглардаги қаҳрамон-
ликлари шуҳратини камситишга ва шу йўл билан Кўкон
хонлигининг шавкатини ерга уришга ҳаракат қилган-
ликларини энди тушундим! Уларнинг жинояткорона
мақсадлари шу экан, энди бу гийбат гаплар қаердан
чикқанини, хонн қаерда бекиниб ётганини билиб олиш
колди, холос. Эртагаёқ шахсан ўзим пешаварликларни
сўроқ киламан.

Хон жимгина эшитиб ётар экан, унинг юпқа лабла-
ридаги масхараомуз илжайиши кизик воқеалар бўлиши-
дан дарак берарди; бу илжайиш тагида қандай сўз
яшириниб ётган бўлса экан ва хон ахiri бу сўзни тилга
олганда нималар бўлар экан? Амалдор бу сўзнинг ай-
тиб юборилишини чўзишга уриниб, саросима ва кўркув
ичида тинмасдан бидирлади.

— Бу жуда ҳам шарофатли кеча бўлди! — деб хитоб
килди у.— Шоҳимизнинг чексиз донишмандликлари ту-
файли хиёнат фош килиниб, пок бир киши окланди!
Энди виждоним азобланмайди, аклим кирди, руҳим ен-
гиллашди, энди кетсам бўлади.

У ҳар бир сўзида таъзим қилиб орқаси билан эшик
томонга тисарилиб борди, ётоқхона кенг бўлганидан
эшикдан чикиб кетишга улгурмади; ўнг оёғини остона-
нинг нариги томонига кўйиб таъзим билан чап оёғини
энди тортиб олай деб турганида, эшикдан чикиб тузок-
дан қутулушига бир зумгина қолганида унга қасос ўки
бориб санчилди.

— Тўхта! — деди хон.— Кани, бу ёкка якинрок
кел-чи...

Амалдор хоннинг секин имлаб чакиравчи бармоғига
бакрайиб караб қолганича индамасдан, гўё бирор уни
кузга кўринмайдиган аркон билан бўйнидан тортиб суд-

раётгандек секин эшикдан яна хон олдига қайтиб келди, қайтиб келаркан, юрагини ҳовучлаб зўрға кадам босарди.

— Айтган пешаварликларинг ҳозир каерда? — сўради хон.

— Зинданда, ҳазрати олийлари!

— Уларни ўзим сўрок қилмоқчиман.

Амалдорнинг кўз олди коронилашиб, боши айланиб кетди.

Лекин ақли билан бирга, унинг тили ҳам ўз ишини килаверди:

— Тонг отиши биланок улар саройга келтирилади.

— Тонг отиши билан эмас, ҳозир келтирилсин,— деди хон.— Бари бир ухлай олмайман, шунинг учун ўзим сўрок қиласман...

— Улар саройга олиб кириладиган ҳолга келтирилмаган,— деди овози пасайиб амалдор.— Кийимлари жулдур, соч-соқоллари ўсиб кетган...

— Ҳечкиси йўқ, жуда бўлмаса сартарошни уйғотамиз.

— Уларнинг сассигига чидаб бўлмайди...

— Биз уларга нарирокда, очик дераза олдида туришни буюрамиз. Шундан кейин мен ҳалиги хотиннинг эри Пешаварга қандай бориб қолганини ва уни ким кулликка согланини ипидан-игнасиғача суриштираман. Зинданга тушишларига сабаб бўлган сеҳгарлик ишлари ҳакида ҳам сўрайман; уларни тутиб зинданга солишида кўрсатган саъй-ҳаракатларинг учун ўн минг танга олганинг эсимда бор. Улар сўзлаб беришади, ўзларини эркинрок сезиб гапиришлари учун сен, албатта, ташқарига чиқуб туришинг керак, мен эса уларнинг сўзларини эшишиб, тегишли хулоса чиқараман. Ҳой, соқчилар!

У қандил чироқка осиғлик мис лаппакни болғача билан уриб жаранглатди.

Сарой соқчиларининг бошлиғи кирди.

— Сен ҳозирча шу ерда тур,— деди хон амалдорга караб.— Сен эса коровулхонадан тўртта соқчини олиб, улар билан зинданга борасан, зинданда...

Лекин шу пайтда хоннинг нафас кисиши касали кўзгаб, томоги ва кўкрагига бир нарса тикилиб тирнаётгандай бўлди. У тўлғанди, қизариб ва кўкариб кетди, кўзларига шокосасидан чиқиб, тили осилиб колди. Тунги

табиблар жом, сочик, обдасталар билан югуриб кириб келишди, түполон ва саросималик бошланди.

Саройдан қандай қилиб чиқиб олганини амалдорнинг ўзи ҳам эслай олмасди.

Хон нафас кисилиши касали тутиб қолиб ҳушидан кетмаганида, бу кеча амалдорнинг баҳтли ҳәтидаги энг сүнгги кечада бўлар эди.

Амалдор майдонда, тунги салқин шабадада ўтирган вактдагина эс-ҳушини йигиб олди.

Хавф узоқлашган бўлса-да, лекин ҳали йўқолмаган. Хон ўзига келганидан кейин пешаварликларни эслайди ва уларни саройга олдириб келишни буюради.

Пешаварликларни йўқ қилиш, тонг отмасдан туриб ҳозирдаёк йўқ қилиш керак!

— Лекин қандай қилиб?

Амалдор ўйлаб ўзининг кетига етолмасди.

Кечада пешаварликларни қатл қилиши ёки хуфия ўлдиртириб юбориши мумкин эди, бунинг учун ҳеч ким ҳеч нарса демаган бўларди. Аммо бугун бу синалган усулларни қўлланишининг иложи йўқ; агар қўлланса, иккала пешаварликнинг калласи билан бирга ўзининг ҳам калласи танасидан жудо бўлиши мумкин.

Қолган бирдан-бир усул кочириб юбориш, деб ўйлади амалдор, у ўзининг жуда кўп хуфия ишларида бу усулни ҳеч қачон ишлатмаган эди.

Амалдор шу қарорга келганидан кейин девонхонасига жўнади, у ерда унинг ҳамма буйруқларини дарҳол бажо келтиришга тайёр турган, сир сақлай оладиган ишончли одамлари бор эди.

Бу кечада хоннинг эътиборини ўзига тортган сеҳргар пешаварликлар аслида, кўпдан бўён бирга ишлаб юрган. Қўқонга пул топиш учун иш кидириб келган энг оддий тоштарошлар эди, уларнинг иккови ҳам ёши ўтиб қолган, сеҳргарлик кўчасидан ўтмаган одамлар бўлиб, бу гапларнинг ҳаммасини юкори мансабга ўтиб олиш учун амалдор тўкиб чиқарган эди.

Пешаварликлар ҳеч қаёкка жилмай, зинданда бир ярим йил қамалиб ўтирганларидан кейин, яқинда уларни бир оз вақт кийноқхонага олиб чиқиб янгидан сўроқ қилишди, ўтган сафардагидек бу сўроқда ҳам улардан качондир бир вақт аллақаерда қандайдир бир одам то-

монидан жодугарлик билан кулга айлантирилган алла-
кандай бир хотин ҳакида, бу хотинни пул тұлаб күллик-
дан озод қилишни хоҳламаган бир киши ёки аксинча,
күллиқдаги шу кишини пул тұлаб озод қилишни иста-
маган қандайдыр бир хотин ҳакида ноаник, тушуниб
бұлмайдыган гувоҳлик талаб этиши... яна аллаким жо-
дугарлик қилиб, бир лашкарбошини Шарофат исмли
эроний киз тахлитига киргизиб күйгап эмиш. Уларга
шу ҳақда ҳам саволлар беришди. Хуллас, бу гапларнинг
ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, уларнинг миясини фов-
латиб юборди. Улар энди, иккинчи сўрекдан кейин кал-
ламиз кетар экан, деган қатъий ишонч билан ковокла-
рини осилтирганча, зиндонга кайтдилар.

Пешаварликлар учта зиндонбон эрта тонгда зиндон-
га тушиб, қўл-оёкларидағи кишанларнинг қулфини оч-
ганида бунга қатъий амин бўлдилар.

Икки зиндонбон ўз ишини зимдан, шов-шувсиз амал-
га ошириш учун пешаварликларни юкорига олиб чиқди,
учинчиси зиндонда колиб, бўш кишанларни эговлаб
ўтириди.

Ҳамма иш амалдор тайинлаб кўйгандек тинч ва ях-
ши борди, лекин тўсатдан юкорида ишкал чиқиб қол-
ди: пешаварликлар тўппа-тўғри ўлим жазосига олиб
кетиляпмиз деб ўйладилар ва намоз ўқиб худога тавба-
тазарру қилишлари учун домла имом чақирилишини
талаб этдилар: диний эътиқодлари мустаҳкамлигидан
улар худо олдига гуноҳкор бўлиб боришни хоҳламас
эдилар.

Ўгит-насиҳатлар фойда бермади.

Зиндонбонларнинг уларга шивирлаб, сизлар озод
килиняпсиз, деб уқтиришлари бекорга кетди.

Пешаварликлар, албатта, бу гапларга ишонмай, та-
лабларида каттиқ туриб олдилар.

Бу орада вакт ўтиб борар ва пешаварликларни қочи-
риб юбориш хавфли бўлган тонготар пайт яқинлаш-
моқда эди.

Пешаварликларни зиндондан зўрлаб чиқаришга ури-
нишдан фойда бўлмади, чунки улар шовқин-сурон
кутардилар, уларнинг товушини эшитган зиндондаги
бошқа маҳбуслар ҳам бақириб норозилик билдириди-
лар.

Зиндон саройга яқин бўлганидан у ердагилар бу
шовқин-суронни эшитишлари мумкин Эди.

Зинданбонлардан бири воқеани амалдорга бориб айтди, бу пайтда амалдорнинг ўзи эҳтиёти шарт зинданга яқин жойда турган эди.

Бу сафар амалдорнинг бирор синашта домла имоми топилмади. Амалдор кўп нарсани олдиндан ўйлаб қўйган бўлса ҳам, пешаварликларнинг эътиқоди кучли эканлигини назарда тутмаган эди. Бу ишга бегона домла имомни чакирса сири очилиб қолишидан кўрқарди.

Амалдор ғўлдираганча сўкиниб, ишончли соқчилардан бирига оқ чопон ва оқ салла ўраб, имом қиёфасида пешаварликлар ёнига тушишини буюрди.

Сохта имом мулла қиёфасида уларнинг ёнига кириб, кироат билан дуо-ибодат бошламоқчи бўлди-ю, аммо ўзи ҳам билмай қолиб, тўсатдан ўз одатига кўра оғзидан шалок сўзлар чикиб кетди. Натижада пешаварликлар уни таниб қолишиди.

Соқчи ўзини билдириб қўйиши оз бўлмаса ишни барбод қилаёзди.

Имом ҳузурида намоз ўқиб тавба-тазарру билан гуноҳларини ювиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолишидан қўрқиб кетган, муқаддас расм-таомил найрангга айлантирилганини кўрган пешаварликлар аввалгидан ҳам каттикроқ ғавғо кўтардилар. Зиндандаги маҳбуслар уларга зилзила садосига ўхшаш гумбурлаган овоз билан жавоб бердилар.

Бу воқеа ҳам амалдорга етказилди.

У ғазабидан тишларини ғижирлатиб, ранги бўздаи сқарди.

Вакт ўтиб, тонг яқинлашиб келарди.

Амалдор сир фош бўлиб қолишидан чўчиб, оёғи куйган товукдай типирчиларди.

У таваккал қилиб энг сўнгги чорани кўришга мажбур бўлди.

Пешаварликларни «зиндандан қочди!» деб эълон қилиш ҳамда карнай ва ногоралар чалиб, қалқонларни жаранглатганча, машъалалар ёқиб бакириқ-чакириқ билан ваҳима кўтариш буюрилди.

Ана шундан фойдаланиб пешаварликларнинг қўл-оёқлари боғлансин, дод-фарёдлари эшитилмаслиги учун оғизларига латта тикилиб, ўзлари катта жун қопларга жойлансан-да, учқур отларга ортиб, ишончли соқчилар назорати остида шаҳарнинг жанубий дарвозасига олиб бориб қўйиб юборилсан, дейилганди буйрукда.

Кочокларни қувловчилар эса шаҳарнинг шимолий дарвозаси томонга юборилиши лозим эди.

Буйрук бажарила бошланди.

Карнайлар чалиниб, ногоралар, гумбурлади, машъалалар ёкилди. Ҳамма ёкни: «Ушлай Тут!..» деган овозлар тутиб кетди.

Бу гала-говурни эшишган амалдор гүё ҳозиргина етиб келгандек киличини яланғочлаганча, мўйловини диккайтириб зиндан олдидаги машъала ёруғида оқ отини ўйнатиб турар экан, момакалдироқдек овози билан:

— Шимолий дарвозаларга! — деб буйрук берди.

Из кувувчилар ўша томонга от кўйиб кетишли; амалдор яланғоч қиличини баланд кўтариб, оқ от устида ҳаммадан олдинда борарди.

Қоп ичида нафаси бўғилаётган пешаварликларни соқчилар чопкир отларда Кўқоннинг жануб томонига олиб кетган эдилар.

Икки соатлик тўхтовсиз чопишдан сўнг соқчилар отларини бир ташландик кабристон ёнида, қамиш ва буталар ўсиб ётган жойда тўхтатишли.

Пешаварликларни қопдан чиқаришли.

Улар зўрға-зўрға нафас олардилар.

Эрталабки куёш нури, салкин шабада ҳамда соқчилар меш билан устларидан шариллатиб куйиб турган ариқ суви яхши таъсир кўрсатди.

Пешаварликлар хушларига келиб, одамларнинг сўзини эшила ва тушуна бошладилар.

Тутқунларга айтилаётган гапларнинг аксари сўкиш ва ҳақорат сўзлардан иборат бўлса ҳам, улар ҳақиқатан озод қилиб юборилаётганликларини тушундилар ва ажал чангалидан куткариб олган оллоҳ таолога минг карра шукур килдилар.

Уларга яна олдинга юриш, хонликнинг жанубий чеграсидан ўтиб, бундан бўён Кўқонга қадам босмаслик буюрилди.

Соқчилар уларнинг иккаласига эллик танга беришли. Бу эллик танга тошбагир чегара коровулларига пора бериб ўтиб кетишлиари учун пешаварликларга бернилиши амалдор томонидан буюрилган пулнинг ярми эди.

Амалдор пешаварликларга беришни тайинлаган пулнинг ярмини эса сокчилар ўзаро бўлишиб олишдида, отларига миниб, Кўконга қайтиб кетишди.

Зиндандаликларида бир марта ҳам таҳорат қилолмаган пешаварликлар ўзлари ёлғиз колганларидан кешин дарров таҳорат килиб олдилар. Тўнларини ерга солиб юзларини қиблага — мукаддас Макка томонга қаратганча намоз ўқий бошладилар. Кутулганликлари шарофати билан намоз узок ўқилди.

Намоздан сўнг пешана тери билан кун кечириб юрган бу оддий кишиларнинг кўнгли хотиржам тортди.

Улар олган пулларини йигирма беш тангдан бабаравар бўлиб олиши ва уни рўзғор бошисиз муҳтожлик тортаётган оиласларига қайтиб борганларидан яратиш учун кийимлари қатига яшириб қўйдилар.

Шундан сўнг чараклаган қўёшни, яшил япроқлар, күшларни томоша қилиб, кечирган мусибатлари тўғрисида гаплашиб йўлга равона бўлдилар, улар нима учун бундан бир ярим йил илгари тўсатдан зинданга солинганликларини ҳам, нима учун яна қўққисдан бугун кечаси зиндандан чикариб юборилганликларини ҳам сира ўйлаб тагига ета олмасдилар.

Улар худонинг иродасига, бу дунёning бевафолигига ва амалдорларнинг фуқаро тушуна олмайдиган оқилона ва сирли фармойишлар чикаришига ҳайратда қолиб ёқаларини ушлардилар.

Эртаси куни уларнинг ҳар бири ёнидаги йигирма беш танганинг ўн тангасини чегара коровулларига бериб, хонликнинг жанубий чегарасидан ҳеч қандай қаршиликсиз ўтдилар ва кечкурун янги солинаётган бир маҷитдинг тошларини тарошлай бошладилар.

Шу тариқа улар йўл-йўлакай ҳар-ҳар жойда ишлаб, секин-аста ўз қишлоқларига етиб бордилар ва болачақалари билан дийдор кўрнишиб, мурод-мақсадларига етдилар.

Пешаварликларнинг бундан кейинги тақдири нима бўлганини билмаймиз, лекин биз улар манфаатпастлик суви маккорлик паррагини айлантирадиган, шуҳратпастлик, чакимчилик тишли фидиракларини ҳаракатга келтирадиган ва баҳиллик ҳасад тошлари ёлғончилик донларини майдалаб чиқарадиган машҳур тегирмонга энди бошқа тушмаган ва ундан толқон бўлмаганига ишонамиз.

Пешаварликлар сабабчи бўлган тунги тўполон Хўжа Насридин ва бир кўзи кўр ўғри тунаган чойхонани безовта қилмади; зинданда маҳбусларнинг кочганини хабар қилган ноғора садолари ва шимолий дарвоза томонга чопиб кетган от туёкларининг дукур-дукури бу ерга базўр эшитилди. Кейин эрталабгача ҳеч нарса эшилмади.

Ой ботди, мовий туман ўрнини тонг қоронғилиги эгаллади, Хўжа Насридин эса ҳамон ухламай, семиз сарроф ва унинг пул халтаси тўғрисида бош қотирарди.

Хўжа Насридин саррофнинг олти минг тангасини усталик билан кўлга киритишнинг турли йўлларини ўйлар, дам ўтмай бу фикридан қайтарди. «Катта ҳён чиқадиган бир иш бор деб алдасаммикин ё қўркитиб олганим маъкулмикин?»

Тўсатдан миясига, лип этиб бир фикр келди-ю, севинганидан сакраб тушди. Саррофнинг пул халтасидан олти минг тангани хамирдан кил суғургандек қилиб олиш йўлини топган эди! Хўжа Насридин дили сутдек равшанланиб кетди. Энди шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Хўжа Насридин миясига келган фикрининг шиддатли кучи шаҳарнинг нариги чеккасига — саррофнинг уйинга ҳам борди. Сарроф безовталаниб қўрпа ичидаги ёқдан-бу ёкка ағдарилар, пишиллар, калин лабларини чапиллатар, пул халтаси осиб кўйиладиган чап бикинини дам-бадам ушлаб кўрарди.

— Уҳ! — деди у, тирсаги билан хотинини туртиб.— Ҳозир жуда ёмон туш кўрдим-да, тушимда қокилиб кетиб зиндан охурга йиқилиб тушган эмишман, охур ичидаги сули бор эмиш. Мени аллакандай кўк эшак пул халтам билан бирга еб кўйган эмиш. Шундан кейин мен эшакнинг тезаги билан ерга тушибман, ёнимда пул халта йўқ эмиш; у эшакнинг корнида колган эмиш.

— Жим ётинг, ухлагани кўйсангиз-чи,— деб жавоб берди хотини аччиғи келиб ва ичидаги: «Комилбек тўра ҳеч вакт бундай хосиятсиз туш кўрмаса керак!» деб ўйлаб кўйди. Хотин хаёлчан кулимсираб, юкори кутарилаётган куёш нурлари остида кизарган деразага карди, ташкарида бу хотинни ҳам, саррофни ҳам, хушкомат Комилбекнинг ҳам анча-мунча ташвишлантирадиган кун субҳидами бошланган эди.

Лекин бу пайт энг кўп оворагарчиллик ва ташвиш Хўжа Насриддиннинг бошида эди.

У бир кўзи кўр ўғрини чойхонада колдириб, қуёш чиқиши биланок, бозорнинг нариги четидиги эскифурушлик растасига борди. У ердан арzon баҳога жулдур шолча, сув ковоқ, хитойча эски бир китоб, кумуш югуртирилган кўзгу, маржон ва шунга ўхшаш бошқа майдадчийда нарсалар харид қилди. Кейин сои чети билан юриб, Қесик бошлар кўпригига чиқди.

Илгариги вактларда катл қилинган кишиларнинг бошлари одатда шу кўприкдаги баланд ёғочларга каторлаштириб осиб кўйиларди, шунинг учун бу кўприкка ана шундай даҳшатли ном берилган эди; хоннинг буйруги билан энди катл этилганларнинг каллалари саройдан кўриниб туриши учун катта чорсида ёғочга осиб кўйилар, кўприк эса ўтмишдаги кўркинчли номини саклаб колиб, унда фолбин ва қуръачилар ўтиради.

Одамларнинг пешанасига нималар ёзиб кўйилганини каромат килувчи бу фолбинларнинг камида элликласини шу кўприк устида кўриш мумкин эди. Уларнинг энг обрўли ва машҳурлари кўприкнинг гиштин деворидаги токчаларни эгаллаганди, ҳали бундай мартабага етмаган бошқа фолбин ва қуръачилар токчалар тагида, энг паст даражадагилари эса қаер бўш бўлса ўша ерда ўтиради. Ҳар қайси фолбин олдидаги шолчада келажакдаги номаълум воқеаларни айтиб беришда ишлатиладиган нўхат доналари, каламуш суюклари, кароматли Гулкўнар булоғининг суви тўлдирилган қовонлар, тошбака косалари, Тибет ўсимликларнинг уруғлари ва бошқа турли хил сеҳрли нарсалар сочилиб ётарди. Баъзи ўткирроқ ҳисобланувчи фолбинларнинг китоблари ҳам бор бўлиб, йиллар ўтиши билан йиртилиб, саргайиб кетган бу калин китоблардаги сирли белги ва ишоралар билимсиз кишиларнинг юрагига ваҳима соларди. Маъмурларнинг рухсати билан боз фолбин одамнинг калла суюгини олиб келиб, бошқа шерикларнинг баҳилигини кўзгаган эди.

Фолбинлар нима ҳакда фол очишлирига караб бир неча тўдага бўлинган эди: баъзилари тўй ва кўйди-чиқди ҳакида, бошқалари бировнинг қазои ҳожати етгани ва ундан қоладиган мерос тўғрисида, учинчилари ишқ-

муҳаббат ҳакида фол очар, бошқа бирлари савдо-сотик ишлари қанақа бўлишидан гапирав, бешинчи гуруҳдагилари сафар ва саёҳатлар ҳакида сўзлар, олтинчи бирлари турли касалликлар тўғрисида фол очар эди. Уларнинг ҳар бири жуда катта даромад қиласди: Кесиқ бошлар кўпригига эртадан кечгача одам гавжум бўларди, кечкурунгача фолбинларнинг ҳамёнлари чака ва тангаларга тўлиб кетарди.

Хўжа Насриддин бош фолбин ўтирган энг катта токча олдига борди. Мункиллаб колган бу чол ниҳоятда озгинлигидан эгнидаги чопони ёғочга илиб қўйилгандек шалвираб ётар, унинг калласи олдида турган калла суютига ўхшарди.

Хўжа Насриддин одоб билан шолчасини солиб ўтириш учун ундан рухсат сўради.

— Сен нима тўғрисида фол очасан? — мижғовланиб сўради чол.

Фолбинлар токчалардан бошларини чиқариб, хўмрайганча гапга қулок сола бошладилар.

— Яна биттаси! — деди чап томондаги семиз фолбин.

— Бусиз ҳам етарлимиз, — деб қўшиб қўйди турки совук, узун бесўнакай тишлари пастки лабигача тушиб турган, юронкозикка ўхшаш иккинчи бир фолбин.

— Кеча менга ўн танга ҳам тушмади, — деб ёзғирди учинчиси.

— Энди буниси бормиди! Қайси гўрдан келиб қолди ўзи! — қўшиб қўйди тўртингчиси.

Хўжа Насриддин ўзига фолбинларнинг бундан бошқача муомалада бўлишини кутмаган ҳам эди, шунинг учун уларни ҳовуридан тушириш ниятида ўйлаб қўйган гапларини айтди:

— Эй, одамларнинг такдиридан каромат қилувчи дошишманлар, мени, нонимизни яримта қиласди деб қўрк-масанглар ҳам бўлади. Мен бутунлай бошқа нарса тўғрисида фол очаман, очадиган фолимнинг савдо-сотик, ишқ-муҳаббат можаролари, қазо қилишларга даҳли йўқ. Мен ўғрилик ва ўғирланган нарсаларни топиш ҳакидагина фол очаман, аммо мени мақтаняпти, деманглар, бу ҳунаримда ўзимга тенг келадиган одамни кўрмаганман!

— Ўғрилик ва ўғирланган нарсани топиш ҳакида? — қайта сўради бош фолбин ва қовурға суюкларини силкитиб кулиб юборди. — Ўғрилик ва ўғирланган нарсани

топиш ҳақида фол очаман дейсанми? Ундаи бўлса, хоҳлаган жойингга ўтиравер, бари бир сариқ чака ишлолмайсан:

— Сариқ чака ҳам!— деб бош фолбиннинг сўзини кувватлашди бошқа фолбинлар қотиб-қотиб қулишиб.

— Сенинг фолинг билан бизнинг шаҳарда ҳеч нарса килиб бўлмайди. Кўконда ўғрилик йўқотилган; фолблигингни Ҳиротгами ёки Хоразмгами бориб қилсанг яхши бўларди,— деб сўзини тамомлади чол.

— Ҳиротгами ёки Хоразмгами борсанг дейсизми...— хафа булди Ҳўжа Насриддин.— Чўнтағимдаги пул борйни саккиз танга холос, кетадиган бўлсам, йўл кирамга қаердан пул топаман?

Ҳўжа Насриддин маъюс ҳолда уҳ тортиб, бир четга ўтди-да, тошлиқ ерга шолчасини солиб ўтириди.

Теваракда эса бозор авжи қизиган пайт эди: дўконлар очилган, расталар ғала-ғовур, каёкка караса тумонат одам. Кўприк томонга савдо гарлар, косиб-ҳунарманлар, бола кўрмаган аёллар, эрсираган бойвучча бева хотинлар, севгиси рад этилган ошиклар ва меросга эга бўлиш ғамида юрган такасалтанглар окиб кела бошлади.

Фолбинларнинг иши жуда қизиб кетди! Бошқаларга коронги келажак бу кўприк устидаги одамларга беш кўлдай маълум эди; фолбинларнинг синчков кўзлари келажакнинг энг яширин сирларини ҳам кўра оларди. Даф килиб бўлмайдиган ва тан беришдан бошқа илож йўқ деб ўйланган қудратли тақдир ҳам бу кўприк устидаги аянчили туsgа кириб, астар-авра ағдариб ташланарди; тўғрисини айтганда, бу ерда тақдирнинг ҳукми ўтмасди ва у калла суюгининг эгаси бўлган озғин чол бошлиқ раҳмсиз фолбинларнинг ўйинчогига айланиб колганди.

— Янги эрим билан яхши туриб кетармиканман?— ҳовликиб сўради ёши қайтганроқ бир бева хотин ва жимгина жавоб кута бошларди.

— Агар тонготар пайтда деразадан уйингизга қора бургут учиб кирмаса, янги теккан эрингиз билан яхши туриб кетасиз. Сичқон теккан идиш-товорклардан ҳазар килинг, бундай пиёла, коса ва бошқа идишлардан зинҳор чой ҳам ичманг, овқат ҳам еманг,— деб жавоб берарди фолбин.

Бу гапни эшитгандан кейин бева хотин фолбин айт-

ган аллақандай жирканч сичқонларга аҳамият ҳам бермай, фикри-ёди қора бургутда бўлиб, юрагини ҳовучлаганча уйига жўнаб қоларди; агар хотин кейинча фолбиннинг олдига келиб: фолингиз тўғри чиқмади деб шикоят қисса, фолбин дарров унинг ойлавий тинчлигига худди ўша сичқонлар ҳавф солиб турганини айтарди.

— Самарқандлик бир киши менга ўн саккиз той юнг сотмоқчи. Сотиб олсан фойда қиласманми? — деб сўрарди бир савдогар.

Савдо-сотик ишларидан сўзловчи фолбин каламуш суякларини бирма-бир санаб, нұхатларни ёйиб қўярдиди, чукур ўйга чўмгандек жиддий қиёфада шундай жавоб берарди:

— Сотиб олаверинг, аммо пулинин тўлаётганингизда ўзингиздан юз тирсак нарида биронта ҳам кал одам бўлмасин.

Савдогар салла ўраб ёки дўпписини бостириб кийиб калласини яшириб юрган одамларни бозорда дабдурустдан таниб олиш унча осон эмаслигини ва уларнинг ка-софатидан қай йўл билан кутулиш кераклигини ўйлаб фолбин олдидан туриб кетарди.

Фолбинларнинг энг пешқадами, албатта, калла суягининг эгаси эди. Бунга етадиган устаси фаранг бўлмаса керак! У ўзининг асосий ноёб нарсаси — калла суягини ишга солишдан олдин қонсиз лабларини маъноли қилиб кисарди, жиддий тикилиб туриб, илоннинг пўстини пуфларди-да, тошбаканинг косасига ҳар томондан синчиклаб қарагач, хосиятли Гулқўнар булоғининг суви тўлдирилган қовоқнинг ичини ҳидлаб қўтарди. Шундан сўнггина калла суягиға навбат келарди. Фолбин қошларини чимириб, ўзича алланарсалар деб ғўнғиллаб, қок суяк бармоқларини калла суягиға узатарди ва гуё қўлини куйдириб қўйгандек яна дарров тортиб оларди. Ахири калла суягини қўлга олиб, секин кулоғига тутарди. Қўркувдан котиб колган фол очирувчининг кўзи олдидага иккита калла — бири қок суяқдан иборат бўлган калла ва тери билан копланган калла пайдо бўларди. Калла суяклар ваҳимали суҳбат бошлишарди: қок суяқ калла пицирлар, тери коплангани тинглар эди... Бундай манзаралардан кейин фолбинга мис чақа тўлашга ким ҳам ботина оларди? Фол очирувчи беихтиёр ҳамёнидан танга чиқариб берарди.

Бир кун ўтди, иккинчи ва учинчи кун ҳам ўтди. Хўжа Насриддин олдига ҳеч ким ўғирланган нарсаси тўғрисида фол очиришга келмади, хитойча китобини очиб краш ва ковоқ ичини ҳидлаб кўриш Хўжа Насриддинга бирор марта ҳам насиб бўлмади.

Кечқурунлари у шолчасини йиғиштириб, кетиш тараддудига тушганида, фолбинилар уни масхаралаб ҳар сўдан бақиришарди:

— Унга бугун ҳам ҳемири тушмади!

— Ҳой, ўғрилик тўғрисида фол очувчи, саккиз танга пулингдан яна қанчаси қолди?

— Үзига бас келадиган одамни ҳеч қачон, ҳеч ерда учратмаган бу фолбин бугун кечки тамаддисига қайдан пул топаркин?

Хўжа Насриддин ўзини хафаликка солиб, индамади.

Ўғрилик авжига чиккан бир вактларда ҳам кўз кўриб қулоқ эшитмаган катта ўғрилик рўй берган тўртинчи куни шаҳар аҳолиси саросимага тушиб қолди. Семиз саррофнинг баҳорги пойгада чоптириш учун парваришлаб юрган арабий отларини кечаси унинг отхонасидан ўғирлаб кетишганмиш.

Одамлар от ўғирлангани ҳакидаги хабарни чеккачеккада шивирлашиб бир-бирларига тарката бошлишди, тушга бориб бу хабар рўйирост бутун шаҳарга маълум бўлди. Кечқурун бозорнинг чор атрофида ноғоралар чалиниб, ўғрилар қаердалигини айтган кишига беш юз танга мукофот берилишини эълон килган жарчиларнинг карнайлари ўкирди.

Кўпприкдаги фолбинилар ҳовлиқиб қолишли. Улар кўзлари жавдираб Хўжа Насриддинга карашарди.

— Тезрок фол очиб, беш юз танга ишлаб қолсанг-чи!

— Бўла қол, нега имиллайсан?

— Кам деб назари илмаётганга ўхшайди, беш минг танга олмоқчи! Бу кий-чувлардан Хўжа Насриддиннинг жони ҳалкумига келса ҳам, галаба соатини кутиб, ўзини босди.

Ун учинчи боб

Бу орада шаҳар аҳолисининг ҳаяжони кучайиб борарди.

Сарроф куйиб кетганидан бетоб бўлиб қолди.

Пешаварликларнинг сирли кочиши ҳакида хон билан килган тунги суҳбатини ҳозиргина тамомлаб руҳан эзи-

либ соғлигига анча заарар етган амалдор отлар ўғирла-
ниши муносабати билан хоннинг аввалгидан баттар бу-
ровга олиши хавфи остида колган эди. Шунинг учун бўл-
са керак, унинг феъли айниб, ковоғидан кор ёғиларди.
Лекин шу билан бирга, энди пойгада унинг туркман от-
ларига рақиблик қилувчи арабий отлар ўғирланганлиги
туфайли кўнглининг қаеридир равшанланиб, лабларида
билинар-билинмас табассум пайдо бўлганди.

Хон кечаси амалдорни ўз олдига чақириди. Улар-
нинг сұҳбати қисқа бўлиб, фақат хоннинг ўзи гапирди,
амалдор эса, зарурат юзасидан кўл қовуштириб таъзим
қилиш, мўйловини диккайтирганча олазарак бўлиб қа-
раш, қўлини фотиҳага очиб дуо қилиш билангина чек-
ланди (одамзод хизмат вожидан ва айникса эр-хотин-
лик муносабатларида баъзан шундай қилмаса қийин
аҳволга тушиб колиши мумкин).

Амалдор хон олдидан қизариб-бўзариб чиққач, бар-
ча юқори ва ўрта даражали мансабдорларни ўз олдига
чақиририб келди.

Унинг мансабдорлар билан қилган сұҳбати хон би-
лан ўзи ўртасидаги сұҳбатдан ҳам қисқа бўлди.

Юқори ва ўрта даражали мансабдорлар эса, ўзлари-
дан пастларни чақиририб, уларни боплаб сўқдилар.

Энг паст даражадаги мансабдорлар, яъни оддий
айғоқчилар ва соқчилар бўлса сўкиб-нетиб ўтирамай, дуч
келган одамни дўппослай кетдилар.

Қўконда кўпдан бери бу кадар нотинч кеча бўлмаган
эди! Ой хира нур сочаётган майдон, кўча, гузар ва тор
кўчаларда соқчилар қуролларини шакир-шукур қилиб
ўғриларни кидиришарди. Соқчиҳоналар мезанасидаги
гулханларнинг тўқ-қизил алангаси буркираб осмонга
ўрлар, шаҳар устини тутун коплаган эди. Коронги бур-
чакларда, катта кўприклар тагида, девор осталарида,
пана-пана жойларда юзлаб айғоқчилар пусиб тури-
шарди.

Юқори ва ўрта даражали мансабдорлар, паст дара-
жадаги мансабдорларнинг кузатувида чойхона ва қар-
вон саройларни шахсан ўзлари тинтиб чикдилар. Улар
Хўжа Насриддин ухлаб ётган чойхонага ҳам кириб,
унинг юзига машъала тутиб кўрдилар. Хўжа Насриддин
соқоли машъала алангасида чирсиллаб ёнганини ва куй-
ган ҳиди димогига урилганини сезган бўлса ҳам кўзини
очмади.

Бир кўзи кўр ўғри бу кеча Хўжа Насриддиннинг ёнида йўқ эди.

Шаҳар тонг отгандан кейин ҳам тинчимади.

Тушга яқин амалдор жуда кўп мулозимлари билан Кесик бошлар кўпригига келди.

Унинг кўзлари ғазабдан чакнар, мўйлови тиккайиб турар, даҳшатли овози юракка кўркув соларди.

Амалдор кўли билан бир томонга ишора қилди. Отлик сокчилардан иккитаси ўртага чикди, уларнинг бири тўриқ отда, иккинчиси кўприқдан пастга йўналди, саёз сой сувини сачратиб, бир зумда нариги кирғокка чиқиб олди ва ён томондаги тор кўчага кириб фойиб бўлди.

Амалдор кўлини бошқа томонга чўзди, пиёда сокчилар қалкон, килич, найзаларини шақирлатиб, бир-бirlарини турта-сурта сўқинишиб ўша томонга жўнадилар.

Шундан кейин амалдор бosh фолбин чол олдига борди. Улар ўртасида маҳфий гап бошланди.

Насриддин ўтирган ерида уларнинг гапини эшитолмаса ҳам, лекин нима ҳақда сўзлашаётганларини сезиб турди.

Улар йўқолган отларни дараклаб топиш тўғрисида гаплашмоқда эдилар. Чол бу ишда ўз измидаги ҳамма жин ва париларни, шу жумладан, калла суюги ичига яширинган жинни ҳам ёрдамга чиқаришни ваъда қилди. Амалдор чолдан бундай бемаъни гапларни эштиш учун келмаган эди, шу сабабли унинг жаҳли чиқиб, мўйлови тиккайди, чолдан амалий ёрдам беришни талаб қилди!

Чол ўзига тобе кучларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Фолбинлар бирма-бир сўрок килина бошланди: улардан кеча ва аввалги куни кимларга фол очганликлари, фол очиришга келганлар орасида, масалан, от ўғриси деб ўйлаш мумкин бўлган бирор шубҳали киши борлигини сезган ёки сезмаганликлари суриштирилди.

Фолбинлар бундай шубҳали одамни учратмаганликларини айтишди.

Амалдор аччикланиб, мўйловини пирпиратарди. Унинг қаттиқ тикилиб маъносиз қараб туриши фолбинларни калтакланиш, камчи билан саваланиш, шаҳардан бадарға қилиниш хавфи остида колдирган эди.

Фолбинлар тумшайиб бошларини куйи эгдилар. Лекин улардан чексиз хўрликлар кўрган тақдир қасосини олиш учун тўсатдан фолбинлар олдида пайдо бўлиб, ўзининг курдатли кучини кўрсатди, бугун нўхат дона-

лари ва каламуш суюкларигина эмас, ҳатто калла суюги
ҳам унинг олдида ожиз эди!

Сўроқларга жавоб бериш навбати Хўжа Насриддин-
га етди.

У ҳам ҳеч қандай шубҳали одамни кўрмаганини ва
эшитмаганини айтди.

— Яна ўша жавоб!— деди амалдор дарғазаб бўлиб.

Шу пайт рўпарадаги токчада аллакимнинг кўрка-пи-
сағижиниб гапирган овози эшитилди. (Хўжа Насрид-
дин худди шундай бўлишини билган ва кутган эди!)

— Ўғирланган нарсани фол очиб кидириб топишда
менга тенг келадиган одам йўқ деган эдинг-ку!

Амалдор «кидириб топиш» сўзини эшитиб сергак-
ланди.

— Фолбин, нима учун буни очиқ айтмадинг?— унинг
ойнадек совук кўзларида ўт чақнади.— Қани, гапир!—
амалдорларнинг ичида тўлиб ётган ғазаб ташқарига
отилиб чиқмоқчи бўларди.— Мен сен касофатларни бит-
та кўймай илдизларингни қуритаман, кулларингни кўк-
ка совураман!— деб бакирди у.— Соқчилар, ушланг
уни! Ўғирланган отлар қаердалигини айтиб бермагунча
бу фирибгар фолбинни боплаб саваланг! Еки у тутуруқ-
сиз ёлғончи эканлигини халойик олдида бўйнига олсин!
Қани, уринглар уни!

Соқчилар Хўжа Насриддиннинг чопонини ечишди.
Иккитаси қамчинни ҳўллаб келиш учун кўприк тагига
чопиб кетди. Хўжа Насриддин фурсатни кўлдан бериш
хавфли эканини билганидан, амалдорга мулојимлик би-
лан деди:

— Бек жаноби олийлари, камина кулингиздан бир
офиз сўз эшитишингизни илтижо қиласан. Ўғирланган
нарса тўғрисида фол очишим ҳақиқатан тўғри, мен йў-
колган отларни топиб бера оламан.

— Топа оласанми? Нима учун ҳозиргача топиб бер-
мадинг?

— Оҳ, бек жаноби олийлари, фол очириш учун ол-
димга от ўғирлатган одамнинг ўзи келиши керак, бўл-
маса, фолим фол бўлмайди.

— Ўғирланган отларни қанча вақтда топасан?

— Агар от ўғирлатган одам бугун кун ботгунча ол-
димга келса, бир кечада топиб бераман.

Бу сўзларни эшитган фолбинлар пичирлашиб, жон-
ланиб қолишли.

Шаҳардан бадарға бўлишни ўйлаб, ғам босиб ўтирган кари чолнинг юзида умид учқунлари пайдо бўлди.

Амалдор ғазаб билан Хўжа Насридинга тикилиб турарди.

— Кўзимга бақрайиб туриб фирт ёлғон гапиряпсан-а! Барча ҳийла-найрангларингизни яхши билган менга ёлғон гапиряпсан-а керагидан ортиқ айғоқчилар сақлаб, уларга маош тўламаслик учунгина сизларни бу кўприкка ўтиргизиб қўйишга тоқат қилиб келган менга-я!

— Ёлғон гапираётганим йўқ, марҳаматли бек жаноби олийлари!

— Яхши, гапинг ростлигини кейин кўрамиз! Аммо ёлғон гапираётган бўлсанг, жонингдан умидингни узавер. Раҳимбой сарроф бу ерга чақириб келинсин!

— Раҳимбой касал ётибдилар,— хушомадгўйлик билан эслатди амалдор атрофида тўпланиб турган ўрта даражали мансабдорлардан бири.

— Хўш, мен соғманми? Мен бетоб эмасманми?— Амалдорнинг жаҳли чиқиб кетди.— Бу ҳаром ўлгур отларни кидиравериб икки кундан бери мижжа қокканим йўқ. У тинчигина ётар эмишу, мен унинг учун елиб-югурап эмишман! Чакириб келинсин! Жуда бўлмаса, замбилда олиб келинсин!

Саккиз нафар сокчи иккита ўрта даражали мансабдор ва битта юкори даражали мансабдор бошчилигига саррофнинг уйига от чоптириб кетишиди...

Амалдор бўйи пастроқ киши бўлиб, ташки кўриниши юкори мансабига ярашмас эди; у ўзидаги бу кусурни сездирмаслик учун ниҳоятда баланд пошнали тор яркироқ этик кийиб, бўйини новча қилиб кўрсатиб юради. Амалдор пошнасини тўкиллатиб кўприк устида у ёқданбу ёкка юрди, кейин тўхтади-да, кўприкнинг тош дево́рига ўнг қўлини тираб, чап қўли билан қора мўйловини бураб силай бошлади. Теварагидаги одамлар одоб саклаб жим туришарди, у ниҳоят жаҳлидан тушди.

Бўш вактларида амалдорнинг миясида ажабтовур фикрлар пайдо бўларди ва у буни ўз итоатидаги кишилардан устунлигини кўрсатувчи хусусият деб биларди. «Амалдорнинг асосий вазифаси ўзига тобе кишиларнинг юрагига кўркув ва даҳшат солиб туришдан иборат бўлмай нима бўлсин?— деб ўйларди у.— Бунга эришиш учун кўл остингдагиларни бирма-бир калтаклаб чиқиш керак. Лекин жазо беришдан олдин уларга лозимича

панд-насиҳат қилиниши зарур, бусиз жазодан тегишли натижа чиқмайди». Бу ўй-фикрлар унга тасалли берди. Амалдор ўзини донишмандликнинг қудратли қанотида юлдузлардан ҳам баландга кўтарилигандек ҳис этди, ўша жойдан унга бу ерда турганларнинг ҳаммаси газабла-нишга эмас, балки нафратланишгагина лойик, арзимас махлуклар бўлиб кўринди; у кари чолга ҳамон аввалги-дай хўмрайса ҳам, лекин энди еб юборгудай қарамасди. «Калтакланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги маса-ласига келсак,— деб ўйлашда давом этди у,— амалдор шубҳага тушиб ўтираслиги керак, чунки калтакланувчи киши жазо берилаётган ишда айбдор бўлмаган тақдирда ҳам, бошқа бирор ишда айби бўлиши турган гап!» Мия-сига келган бу фикрдан қойил қолиб курсандлигидан, ҳатто нафаси тикилиб колди; у яна ҳам юкорига кўтари-ла олмасди, бундан юкорида илоҳий ҳикмат ва дониш-мандлик бошланарди, амалдор ана шу илоҳий ҳикмат ва донишмандлик чегарасигача учиб чиққанди ва хаёлан қаршисида кўз қамаштирувчи нур денгизи пайдо бўлган-дек туюларди.

Саррофнинг уйи яқин жойда эди. Кўп ўтмай уни зам-билда олиб келишди.

Заҳил тортиб шишиб кетган, патила соқолига ёстиқ парлари илашган сарроф, шойи парда ичидан чиқди. У юрагини ушлаб инқиллаганча, оҳ-воҳ қилиб амалдорга салом берди ва пичинг аралаш заиф овозда деди:

— Кудратли Комилбек жаноби олийларига салом! Шаҳарда бетавфик ўғрилардан ўзини ҳимоя қилувчи бирор кишини тополмай чорасиз ҳолда касал ётган ка-мина қулларини бу ерга олдириб келиш нима учун ло-зим бўлди экан?

— Мен сиз ҳурматли Раҳимбойни худди шу тўғрида чакиртириб келдим, йўқолган отларингизни толишдаги саъй-ҳаракатларимни исбот килмоқчиман. Мен ҳозир ҳар қачонгидан кўпроқ хафаман ва ташвиш тортия-ман!

— Комилбек жаноби олийлари нега бунчалик таш-виш чекадилар? Энди у кишининг туркман отлари пойга-да биринчи совринни албатта олади-ку!

Бу юз-хотирсиз берилган очиқдан-очиқ зарба эди.

Амалдорнинг ранги оқариб кетди.

— Отларингизни ўғирлатиб тортаётган ғам-ғуссалар-ингиз ва касаллигинги миянгизни айнитиб қўйипти,

биродар Раҳимбой,— деди у совуқкина килиб,— ҳозир ҳуэуримизда бир фолбин турибди. Гапига қараганда, фол очишга жуда уста эмиш, йўқолган отларни шу фолбин топиб бермоқчи бўляпти.

— Фолбин эмиш! Бек жаноблари мени касал ҳолимда шу нарса учун безовта килиб юрптилар экан-да! Йўқ, мен фол очирмайман, бек жанобларининг ўзлари очираверсинлар, мен кетаман.

У орқасига бурилиб, кетмоқчи бўлди.

Амалдор салобат билан деди:

— Шаҳарда менинг гапим-гап! Муҳтарам Раҳимбой, ҳозир фол очиришлари шарт.

Амалдор итоат қилдириш йўлини биларди. Сарроф афтини буриштириди, лекин ноилож Хўжа Насриддининг ёнига борди:

— Фолбин, мен гапларингга сира ишонмайман, лекин мажбуран сенга фол очираман. Отхонамдан иккита асл арабий от йўқолди...

— Ҳа, бири оқ, иккинчиси қора,— деди Хўжа Насриддин ўзининг хитойча китобини очар экан.

— Эй фолбинларнинг пешвоси, рост айтдинг, буни шаҳардаги ҳамма одамлар билади!— пичинг аралаш деди сарроф.— Арабистондан олиб келган куним уларни кўп киши қойил қолиб томоша қилган.

— Оқ отингизнинг ёли тагида кичкина яра изи, қора отингизнинг чап қулогида эса нўхатдай сўгал бор,— хотиржам давом этди Хўжа Насриддин.

Сарроф довдираб қолди.

Отлардаги бу нишоналарни факат сарроф ва унинг ишонган отбоқаридан бошқа ҳеч ким билмасди.

Унинг юзидан заҳарханда ариди.

— Фолбин, гапларинг тўғри! Лекин буни сен қандай қилиб топдинг?

Амалдор ҳам қизиқиб қолиб, уларга яқинроқ келди.

Хўжа Насриддин хитойча китобини яна бир варак очди.

— Ундан кейин, оқ отнинг думи сеҳрли оқ ипак билан ва қора отнинг думи ҳам, ана шундай сеҳри қора ипак билан ўриб қўйилган.

Буни ҳатто саррофнинг ишончли отбоқари ҳам билмасди; сеҳр ўқилган ипакларни отларнинг думига ҳеч кимга билдирамай саррофнинг ўзи ўриб қўйган эди, чунки пойғага сеҳр ва бошқа ирим-чиримларни аралашти-

риш каттиқ такиқланган ва бу фармонни бузганлар зин-
донга солинар эди.

Хўжа Насриддин, ниҳоят саррофни эсанкиратиб
кўйди.

Унинг гапларига Комилбек тўра ҳам бефарқ карол-
масди. Амалдор ўй суриб кетди: «У ҳақиқатан ҳам от-
ларни топиб берса-я! Аммо менинг ниятим бу эмас. Мен
кидиришда зўр бериб ҳаракат қилсам бўлгани, бошқаси
 билан ишим йўқ, отларнинг топилиш-топилмаслиги худо-
нинг иши; лоакал пойга ўтгунча топилмай турса яхши-
рок бўларди... Қайси гўрдан пайдо бўлиб қолди бошимга
бу касофат фолбин! Хўш, энди нима қилсам экан? Ҳа,
айтгандай, отларнинг думига сеҳрли ипак ўрилгани-чи!
Саррофни кўркитиш, жиноят устида кўлга тушириш,
сўрокни чўзиш керак. Факат шундагина унинг арабий
отлари пойгага киромайди!

— Хўш, биродари азиз Раҳимбой, бунга нима дей-
сиз?— қозиларча салобат билан сўради у.

— Сеҳрли ипаклардан хабарим йўқ,— деди тутилиб
сарроф ва қизариб кетиб ўзининг сирини ўзи фош килиб
кўйди.— Эҳтимол бу ишни... отбоқарларнинг ўзлари ме-
нинг ижозатимсиз қилишгандир... Еки отлар Арабистон-
далигидаёқ уларни аввалги эгаси — чол сеҳр килиб қўй-
гандир...

Аммо шу онда сарроф отлари дом-дараксиз йўқол-
ганилиги ва ўзини ҳеч ким айбор дила олмаслиги ёдига
тушиб, эс-ҳушни йигиб олди.

— Ҳамма гали ёлғон!— ўшқирди у жаҳли чиккан бў-
либ.— Фолбин ёлғон гапирияпти, туҳмат қиляпти! Агар
отларим топилса...

— Эртага топилади,— деб унинг сўзини бўлди Хўжа
Насриддин.— Ҳали шошманг, китобим яна алланарса
деяпти... У айтаяпти, оқ отнинг олдинги ўнг оёғидаги
такага қоқилган михларнинг биттаси сеҳр қилинган
тилла мих. Бирор кўриб қолса, сезмасин деб, тилла мих,
темир михларнинг рангида бўяб қўйилипти. Ана шун-
дай сеҳрли мих кора отнинг такасида ҳам бор... Лекин
қайси оёғидалигини билолмай турибман.

— Ҳм! Сеҳрли михлар, иссиқ-совук қилинган ипак
ўримлари!— заҳарханда килди амалдор.— Хизмат бур-
чимга мувофиқ бу иш юзасидан тергов бошламоғим ло-
зим.

Сарроф лол бўлиб қолди; аммо эсанкираши узокка

чўзилмади. Кўп йиллар мобайнида қилган савдогарчилигида орттирган ёлғончилик одати унга иш берди.

— Бу фолбиннинг нималар деганини тушунмаяпман. У ўзини бозорга солиб нархини оширияпти, холос. Фол очгани учун неча танга сўрашини ва агар фоли ёлғончикса, ўзи канча беришини очиқ айтсин.

Саррофнинг кўнглидаги фикрларни Хўжа Насриддин тушуниб турарди. Сарроф энди ўз олдидаги фолбиннинг келажакни каромат қилишинга ишонарди. Бир ёқдан, ўғирлатган отларини топдиргиси келар, иккинчи томондан эса, улар топилган тақдирда сири очилиб қоронги зинданга тушишидан кўркарди. Амалдор сеҳрли михлар, иссиқ-совуқ қилинган ипак ўримларидан хабардор бўлиб қолди... Бу мушкулни фақат шу фолбиннинг ўзи осон қилиши мумкин.

— Неча танга сўрашимни ва бошқа ҳамма нарсани фақат иккаламиз ёлғиз ўтириб гаплашувимиз керак, олдимизда бошқа одам бўлмаслиги лозим,— деди Хўжа Насриддин. Сарроф ич-ичида шуни хоҳлаб турган эди.

— Олдиларингда мен турсам бўлмайдими?— ташвишланиб сўради амалдор.

— Йўқ, бўлмайди, фолим юришмайди.

Амалдор ноилож кўнди. У соқчиларга ҳамма одамларни кўприкдан ҳайдашни буюриб, ўзи нарироқка кетди. Ҳаял ўтмай Хўжа Насриддин билан саррофнинг атрофида ҳеч ким қолмади. Бош фолбин ўз токчасида бекиниб қолмоқчи бўлди, лекин уни тепиб-тепиб кўприкдан тушириб юборишди.

— Бир ўзимиз қолдик,— деди сарроф.

— Ҳа, бир ўзимиз,— унинг сўзини тасдиклади Хўжа Насриддин.

— Бу михлар ва ипак қаердан пайдо бўлиб қолганига ҳайронман.

— Қаердан пайдо бўлганини ҳозир аниқлаймиз.

Хўжа Насриддин хитойча китобига кўл узатди.

— Китобга қарашнинг ҳожати йўқ!— деди шошибишиб сарроф.— Утган ишга салавот, энди...

— Келажак ҳакида, эртаги иш ҳакида ўйлашнимиз керак,— деб унинг гапини охирига етказди Хўжа Насриддин.

— Худди шундай! Фолбин, агар отларим топилганида тақаси ва думида... нима... ҳалиги... қандай қилиб айтсан...

— Михлар ва ипак бўлмаса яхши бўларди демокчи-
сиз-да...

— Секинроқ гапир, фолбин! Энди фолингнинг ба-
ҳосини айт.

— Ўн минг танга!

— Баҳоси арzon, бой ака: ўн минг танга. Оллоҳ, ахир
бу отларимнинг ярим пули-ку! Отлар Арабистондан
Кўконга олдириб келиш харажатлари билан бирга йи-
гирма минг тангага тушган.

— Комилбек тўрага отларнинг баҳосини бошқача
айтган эдингиз. Эсингида бўлса, дўконда унга эллик
икки минг танга дегандингиз...

Сарроф бу ажойиб фолбиннинг ҳақиқатан жуда кўп
нарсаларни олдиндан кўриб турганига қойил бўлиб,
анқайиб қолди.

— Буларнинг ҳаммасини сенга китобинг айтиб бер-
яптими?— бир оз жим турганидан кейин кўрка-писа
сўради сарроф.

— Ҳа.

— Жуда аломат китоб экан! Уни каердан топган-
сан?

— Хитойдан.

— Хитойда бундай китоблар кўпми?

— Бу китоб дунёда битта-ю битта, холос.

— Бизни бало қазолардан сакловчи парвардигорга
минг катла шукур! Агар дунёда шундай китоблардан
юзтаси бўлганда биз савдо-тижорат аҳлларининг шўри
куриб қоларди! Фолбин, китобингни тезрок ёп, китобинг-
дан хитойча ҳарфларни кўришим билан юрагимни ва-
ҳим босяпти. Ҳўп, майли, сен айтган баҳога розиман.

— Лекин, бой ака, мени алдайман деб ўйламанг!

— Мен сенинг олдингда ожиз бир кишиман, сен эса
ўткир қиличдай китобинг билан мени ҳар нарса кила
оласан.

— Эртага отларингизни оласиз. Шартимизга кўра,
уларни олганингизда думида ипак ва тақасида тилла
михи бўлмайди. Ўн минг тангани тилла пулга айланти-
риб, бир халтага солиб тайёрлаб кўйинг. Энди фолимиз-
ни охирига етказайлик.

Хўжа Насриддин қовоқнинг копқоғини очиб, ўзига
ва саррофга кароматли сувдан сепди.

Амалдор, бошликлар, миршаблар, фолбинлар жим
караб турдилар.

Орик чол — бош фолбин ҳасадининг зўридан чидай олмасди: Хўжа Насриддин билан сарроф ўртасидаги гапни эшишиб олиш учун чол уларнинг ёнига бормоқчи бўлиб икки марта уринди, мишиблар икки марта йўлини тўсиб, уни олдиларига солиб ҳайдадилар.

Фолнинг баҳоси ўн минг танга бўлганини эшишиб алам қилганидан унинг аъзойи бадани оғриб, томирла-ри тортиша бошлади.

— Ўн минг танга-я! — деди у хириллаган овоз билан ва ҳушидан кетиб ерга йиқилди.

Ўни ҳеч ким ердан турғизиб қўймади, чунки тевара-гидаги ҳамма фолбинлар мисли қўрилмаган бундай ба-ланд баҳони эшишиб эсанкираб қолишган эди.

Амалдор маъноли йўталиб, истеҳзоли кулди, бирок ҳеч нарса демади.

Аммо сарроф уйига жўнаганида унинг кетига бир канча айғоқчилар тушиб кузатиб боришиди.

«Демак, айғоқчилар мени ҳам кузатишади», деб ўй-лади Хўжа Насриддин. Чиндан ҳам у янгишмаганди: атрофига караб, орқасида учта четроқда яна битта ай-ғоқчи турганини кўрди.

— Фолбин! — амалдор бармоги билан имлаб Хўжа Насриддинни чакирди.— Эсингда бўлсин: саррофга от-лари факат менинг олдимда берилни керак! Бу ишда шошқалоқлик қилишинг ярамайди. Бундан ташқари, билиб қўйгинки, ипак ва тилла михлар йўқолиб қолма-син, агар йўқолгундек бўлса, кунингни кўрасан! Жўна энди!

Хўжа Насриддин шолчасини йигиштириди ва хўм-райишиб, ҳасад билан пичирлашиб турган фолбин касб-дошларини қолдириб, Кесик бошлар кўприги устидан юриб кетди.

Айғоқчилар ҳам унинг кетидан қорама-қора йўлга тушдилар.

Ўн тўртинчи боб

Хўжа Насриддин кун бўйи орқасида айғоқчиларнинг оёқ товушларини эшишиб юрди. Айғоқчилар уни овқат-хонагача ва у ердан чойхонагача кузатиб бордилар. Хў-жа Насриддин дам олиш учун ёнбошлаган эди, тўрт ай-ғоқчининг иккитаси бир томонига ва яна иккитаси иккин-

чи томонига ўтириб, ойликлари камлиги ва касбларні ёмонлиги ҳақида сүзлаша бошладилар. Үртада ётган Хўжа Насриддин бу ҳасрат-надоматларни эшитиб ухлаб колди, уйқудан уйғонганида ўз атрофида кул ранг чопонли тунги айғокчилар ўтирганини кўрди. Тунги айғокчилар ҳам касбларининг ёмонлиги ҳамда бошликларининг хасислиги ва инжиқлигидан ҳасрат килиб ўтиришарди.

Коронги тушиб, кечки шафак сўнмокда, осмонда янги ой муаллақ турарди, мачит минораларида сўфилар осмонга қараб ғамгин овоз билан аzon айтарди. Хўжа Насриддин кечки фол очишга тайёрлана бошлади: ковокнинг қопқогини очиб, кароматли сувдан пиёлага куйди, пиёлага бармокларини тикиб, ҳўллади, ҳўл бармокларидаги сувни мойчирокка силкитиб сачратди, кейин чирокни ёқди. Унинг пилпиллаган хира шуъласи чойхонанинг бу бурчагини ёритди, чирок ёруғида айғокчиларнинг кул ранг чопонлари кўринмай колди. Лекин уларнинг Хўжа Насриддинни яхширок кўриб олиш учун анча яқин келиб колган хунук башаралари кўзга яккол чалиниб турарди; бузук ишлар килавериб сўлоғи ўйнаб колган энг кари айғокчи жонга тегди, у Хўжа Насриддинга елкаси устидан қарамокчи бўлиб унинг қулоғи тагида пишилларди.

Хўжа Насриддин жин ва алвастилари бор деб айбламасликлари учун намоз ўқиб олди, хитойча китобини очиб, ўй сурисиб ўтириди. Айғокчилар уни китоб ўқиялти деб ўйладилар. Аслида, у фурсатдан фойдаланмоқда, китобга эса қараётгани ҳам йўқ эди. «Гапимда туришим керак,— дерди ичида у.— Саррофга отларини тилла михсиз ва ипаксиз бераман; жаноб амалдорнинг ғазабига йўлиқмаслик учун эса фол очганимдан кейин иложи борича тезрок кочишга ҳаракат қиласман». Хўжа Насриддиннинг елкасига ётиб олгундай бўлиб энгашган кари айғокчининг кўланса ҳид чиқариб пишиллаши унинг гашига тегарди. Хўжа Насриддин чолни ўзидан четлатиши учун кўлинни юкорига силкиб юборган эди, кўли бехосдан айғокчининг бурнига каттик тегиб кетди. Айғокчи ҳикиллади ва пишиллаган овози йироқлаши.

Чойхона олдидаги кўчада бир кўзи кўр ўғри пайдо бўлди. Айғокчиларни кўриши билан, ҳамма гапни тушунди: У Хўжа Насриддинга ҳатто қарамай нарирокдан ўтиб кетди.

Бир оздан кейин чойхона сўриси тагидан секин ти-
киллаган овоз эшитилди.

— Эшияпман! — деди Хўжа Насриддин ер остидан
келаётгандай кўрқинчли овоз билан, гўё ўз олдида пай-
до бўлган кўринмас бир руҳга мурожаат қилгандек бў-
либ. — Ҳа, кўриб турибман! — У кароматли сув идиши
устига энгашди; айғокчилар яна яқинроқ келиб пишил-
лай бошлашди. — Иккала отни — оқини ҳам, қорасини
ҳам кўриб турибман, ёлларини ҳам, ҳеч қандай бошқа
нарса аралашмаган асл темирдан ясалган тақаларини
ҳам кўриб турибман, отларнинг тароқ билан чиройли ки-
либ тараб қўйилган узун ёллари ҳам кўриниб турибди!
Худоё худовандо, бу отлар дунёга кай тахлитда келган
бўлса, эртага яна ўша тахлитда темир михларига бошқа
нарсалар ва юнгларига ипаклар аралашмаган ҳолда
пайдо бўлсин!. «Ваз он руки пайдову пинҳон туйи, ба
ҳар чуфтад чашми дилон туйи»!¹

Хўжа Насриддин сеҳргарлигини шу байтни ўқиш
билан тамомлади, лекин у улуғ шоир Жомийнинг бу жо-
забали машҳур шеърини факат бўриларнинг увиллаши-
нигина эшитишга лойик бўлган кабиҳ айғокчилар олдида
ўқиб юборганига афсусланиб ўз ичидаги шонрдан узр сў-
ради. Аммо айғокчилар Жомий асарларидан лаззатлан-
мадилар, албатта, улар шеърни афсун деб ўйлаганди-
лар.

Сўри тагидан тахтанинг секин китирлагани эшитил-
ди, бу Хўжа Насриддиннинг сўзларини сўри остидаги
одам эшитгани ва тушунганини англатувчи белги эди;
сўри тагидаги одам билан Хўжа Насриддин мазкур байт-
ни муҳим ишга кириши олдидан ўқишига келишиб олган-
дилар.

Фол очиш тамом бўлди; Хўжа Насриддин китобини
ёпди, кароматли сувни пиёладан яна қовокқа қуиди.

Киррик кари айғокчи ўрнидан туриб, ташқарига чиқ-
ди. Айтидан, чакимчилик қилишга кетган бўлса керак.
Айғокчилар учовлон қолишли.

Уларнинг иши ўнгидан келмади. Факат Хўжа Нас-
риддиннинг чой ичгани, чилим чеккани ва кейин ётиб
эрталабгача ухлаганини кўрдилар, холос.

¹ Мазмуни: жамолинг ўзиши пинҳон қилса ҳам, ҳамма ерда факат
сени кўраман. Жомий, «Китоби дониш».

Бугун отлар топилади! Шаҳар аҳолиси ёппасига кўп-рикка ёпирилиб келди. Сойнинг ўнг ва чап қирғоғи оло-мон билан лик тўла, теварак атрофдаги ҳовлиларнинг томидан ранг-баранг рўмолли хотин-қизлар қараб туришарди.

Амалдор билан сарроф эса аллақачон шу ерда эдилар.

— Менинг отларим қани, фолбин? — деб ўшкирди сарроф, орқасидан айғокчилар пойлаб келаётган Хўжа Насриддин тор кўчадан кўриниши биланок.

— Менинг пулларим-чи? Менинг пулларим қани?

— Мана.— Сарроф белбоғи орасидан катта ҳамёни чиқарди.— Олтин ҳисобида роппа-роса ўн минг танга, санаб ўтирумасанг ҳам бўлади, уч марта санаб кўрилган!

Хўжа Насриддин шошмасдан қопини ечди, хитойча китобини олди, шолчасига ўтириди.

Амалдор узокдан еб юборгудай тикилиб турарди. Сарроф ҳаяжонланганидан титрарди.

— Фолбин, тезрок бўл,— деб ихарди у тинкаси куриб.— Мунча имиллайсан!

Хўжа Насриддин китобга чўмиб кетганидан унга жавоб қайтармади. У китоб ўкиётгандек кўринса ҳам, ҳакиқатда китоб саҳифасида у ёқдан-бу ёкка ўрмалаб юрган тугмача кўнғизни томоша киларди. «Отлар қайдалигини тугмача кўнғиз учиб кетса айтаман...» деди ичида у. Аммо тугмача кўнғиз учишни хаёлига ҳам келтирмай бир саҳифадан иккинчи саҳифага ўрмалаб юрди, охири тинчгина коронги жойда мизғиб олмоқчи бўлди шекилли, китоб муковаси орасидаги тешикка кириб кетди.

Сарроф юрагини ҳовучлаб, ихар, қалтирап, хуноб бўлиб ич этини кемираради.

Хўжа Насриддин пинагини бузмай жим тураверди.

Ниҳоят, тугмача кўнғиз ташқарига чиқди, устидаги чиройли хол-хол қалқончаларини икки ёкка очди, ғижим корамтири қанотчаларини ёзиб учиб кетди.

Шундан кейингина Хўжа Насриддин тантанали равишда:

— Эй бой ака,— деди овозини кўтариб,— китобимнинг айтишига караганда, отларингиз дунёга қай тахлитда келган бўлса, қўлингизга ўша тахлитда тегади...

Сарроф севиниб кетди.

— Эй бой ака, сизнинг отларингиз,— деб давом этди

Хўжа Насридин,— Чўмак кишлоғи яқинидаги эски тош конида. Конга кун чикиш томондан тушиб йигирма қадамча юриш керак, ана ўша ерда, форнинг ўнг тарафидан...

Хўжа Насридин гапини тугатмасданок, кўприкнинг у бошидан сарроғнинг отбокарлари ва бу бошидан амалдорнинг миршаблари чух-чухлашиб, ҳой-ҳўйлашиб, бир-бирларидан ўзишиб катта йўлга от суреб кетдилар.

Оломон орани очиб уларга йўл бўшатди, улар ўтиб кетганидан кейин яна аввалги жойига ғуж бўлиб тўплади.

Отликлар кўздан ғойиб бўлишди.

От туёкларидан кўтарилган чанг-тўзонни шамол учирниб кетди.

Ҳамма жим бўлиб колди.

Амалдор ва сарроф ёнма-ён турган бўлса-да, ҳар қайсиси ўз умиди рўёбга чиқишини бетоқатлик билан кутиб, бошқа-бошқа томонга қарамоқда эди.

Кўп минг кишилик оломон жим турарди.

Сукунат ичида Хўжа Насридинга кўприк тагидаги жўшқин сойнинг шовуллаб оқиши ва юкоридан канотларини ёзганича мовий осмонда муаллақ турган лочиннинг қийкириғи барада эшилди.

Кўприк билан Чўмак кишлоғи орасидаги масофа саккиз чақиридан ҳам ортиқ эди.

Орадан ярим соат ўтди. Отликларнинг қайтиб келиш вакти бўлди.

Оломон ўртасида у ёқ-бу ёкка юриш, ғовур-ғувур, кулги, ҳазил-мазаҳ гаплар бошланди.

Сарроғнинг тоқати тоқ бўлганидан тик этган товушдан ҳам баданига титрок киарди.

Амалдор эса, унинг аксича, кеккайиб савлат тўкиб туар, гоҳо-гоҳо баланд пошнасини ердаги тошларга тў-киллатиб уриб кўярди.

Кўприкнинг ярмиғача соя ташлаган баланд чинор тепасидан бир боланинг чинкириқ овози эшилди:

— Келишяпти!

Бирдан оломон ҳаракатга келди ва икки томонга тисарилиб ўртадан йўл бушатди, Хўжа Насридин шу йўлнинг нариги бошида қайтиб келаётган отликларни кўрди.

Лекин улар ичида арабий отларнинг на оқи, на кораси кўринарди.

Хўжа Насриддин бу аҳволдан ажабланишга улгур-масданоқ, мишиблар уни тутиб, судраб олиб кета бошлидилар.

— Шошманглар, худо ҳақки шошманглар! — деб жони борича бақирди сарроф.— Отларим форда экан, сизлар ўша жойдан топиб олган мана бу юганча меники! Фолбинни қўйиб юборинглар, унинг айтганлари тўппатўғри.

Жаноби амалдор фолбиннинг айтганларини чиндан ҳам тўппа-тўғри деб ҳисобларди.

Саррофнинг бақиришлари ва дод-войлари бекор кетди. Миршаблар тўхтамадилар, отларни зиндан томонга тез чоптириб кетавердилар. Хўжа Насриддин уларнинг қўлида зинданга судраб олиб кетилаётган жиноятчига айланди қўйди; унга кўприк устида энг охирги марта кўринган кишилар: кибр-ҳаво билан кеккайиб турган амалдор, унинг олдида дод-фарёд килаёган сарроф ва сал чеккароқда саррофнинг кумуш юганчасини қўлида ушлаб турган бош отбоқар бўлди.

Ун бешинчи боб

Кўкондаги зиндан хон саройнга кираверишдаги дарвоза олдида эди, зинданнинг саройдан ташқаридалиги уни қурдиргандарнинг ақлли кишилар эканлигини кўрсатарди. Зиндан сарой ичига қурилган тақдирда ундаги кўпдан-кўп жиноятчиларни бокиш хон хазинаси устига тушган бўларди; зиндан хон саройи доирасидан ташқарида бўлгани учун хазинага оғирлиги тушмасди, жиноятчилар худо нимани насиб қилса, ўша билан ўзларини ўзлари бокардилар. Оиласи борлари уйларидан келган нон ва бошқа нарсалар билан, иккинчи бир хиллари шаҳарликларнинг берган садакалари билан кун ўтказардилар.

Зиндан уч жойидан туйнук очиб қўйилган ҳамма томони берк баҳайбат ертўла бўлиб, туйнукларидан ҳамиша иссик қўланса ҳид бурксиб ётарди; юкорида, зиндан эшиги олдида, ниҳоятда новчалиги учун Абдулла Бирянимодам деб лақаб қўйилган, қўлидан қамчинини қўймовчи бадковок, мушти йўғон бир одам ёки унинг лаби дўрдок ва дўнг пешанали, қаҳри қаттиқ ёрдамчиси бўл-

миш бир афғон дўимо сергаклик билан қоровуллик ки-
либ турарди. Афғоннинг камчини йўқ бўлса ҳам лекин
бармоқларида маҳбусларни урган вақтида тимдаланган
ва шилингдан жойлари бор эди.

Жиноятчиларни назорат қилиш, сақлаш ва бокиш
шу иккаласига юкландган эди. Зиндан эшиги олдига са-
дака нон ва бошка озиқ-овқат солиш учун иккита кўза-
ча кўйиб кўйилганди. Тушган садакаларга зинданбон-
ларнинг ўзлари хўжайнлик қиласидилар: пулларни ва
озиқ-овқатларнинг яхшиларини ўзлари олиб, жиноят-
чиларни сарқит овқатлар билан бокардилар. Эртадан
кечгача зиндан ичиаги маҳбусларнинг йўловчилардан
 non сўраб ёлворган овозлари, оҳ-нолалари, ҳўнграб йиғ-
лашлари ва Абдулла қамчинини кўтариб ёки унинг
 ёрдамчиси каттик муштини ўқталиб зинданга тушгани-
 да дод-фарёд қилишлари эшитиларди.

Кирк поғонали тикка зинопоядан юмалаб тушгунча
тинкаси куриган, йиғи-сифилар, оҳ-нолалар, дод-фарёд-
лардан ва кўнгилни беҳузур килувчи чидаб бўлмас сас-
сик ҳиддан карахт бўлиб қолган Хўжа Насриддин бир-
данига ўзига келмади. У эс-ҳушини йиғиб олиб, кўзи
коронғиликка ўрганганидан кейин атрофига қараб, кўп
жиноятчилар ўтирганини кўрди.

Уларнинг ҳар кайсиси амалдорни дабдаба билан ҳо-
кимият чўккиларига чиқариб кўйган, уни катта бойлик
ва обрў эгаси қилган даҳшатли нарвоннинг бир поғона-
си эди; амалдор кейинги ҳафтада бу нарвонни сал ўз-
гартиришга мажбур бўлди: иккита поғонани — пешавар-
ликларни олиб ташлаб, унинг ўрнига битта поғонани —
Хўжа Насриддинни кўйди. Лекин чарчамасдан даҳшат-
ли нарвон ясовчи амалдор нарвон билан юқорига чика-
ётган киши учун жуда хавфли бўлган, бехосдан унинг
оёғини ва ҳатто бўйини синдириб кўядиган баъзи поғо-
налар ҳам борлигини унутган эди!

Хўжа Насриддиннинг юрагини ғазаб ва ачиниш ҳис-
лари эзарди. Фоят кўпни кўрган ва бошидан кўп нарса-
ларни кечирган бу киши дунёнинг бирор бурчагида бун-
чалик мудҳиш, бунчалик кабиҳ жой бўлиши мумкин деб
асло ўйламаган эди. У ўзини ёвузыллар маконига ту-
шиб қолгандек сезди.

Унинг юрагида яна бир яра пайдо бўлди. Бу яра
юракни шафқатсизлик қалқони билан тўсиб турган яра-
лардан эди.

Лекин Хўжа Насриддин ўз тақдири ҳақида ўйлаши, юз берган аҳволни тушуниб олиши керак эди.

Қалаванинг учини энди Хўжа Насриддиннинг ўзи ҳам йўқотиб кўйганди.

Отлар каерда бўлса экан? Отлар тош конидан қаерга йўқолди экан? Ахир, улар ўша жойда эди, сарроф ўзининг юганчасини таниди-ку!

Отларнинг бу сафарги йўқолишида амалдорнинг қўли бор эмасмикин? Отларни унинг одамлари ўғирлаб кетишмадимикин?

Тутиб олиб зинданга солинган мен фолбинни нимада айбламоқчи амалдор? Фақат ёлғончиликда айбламоқчими ёки яна бошқа бирор нарсада айбламоқчи бўляптими?

Бир кўзи кўр ўғри кайларда қолди экан, унинг тақдири нима бўлди экан?

Хўжа Насриддиннинг боши қотди. Унинг кўнглида ёмон шубҳалар пайдо бўла бошлиди: «Бир кўзи кўр ўғрининг ўзи отларни бошқа бирор шаҳарга элтиб сотиш учун ҳайдаб олиб кетган бўлса-чи? Агар иш ана шунақасига айланган бўлса, менинг зинданда камалиб ўтиришим унинг учун яхширок ва беташвишроқдир...» Аммо шу ондаёқ у бу фикридан қайтди, бундай разилона шубҳаларга борганига ўзи газабланди. «Йўк!— деди у ўзига ўзи.— Бир кўзи кўр, албатта, ўғри, учнига чиқкан ўғри бўлса-да, лекин бирорвга хиёнат қилмайдиган, ҳалол одам!»

Хўжа Насриддиннинг бу фикрдан бир оз кўнгли хотиржамланди.

Хўжа Насриддиннинг бу фикрга келганлиги тўғрими ёки нотўғрими эканлигини биз кўп ўтмай кейинги саҳифаларда кўрамиз, ҳозирча, зинданни шу ерда қолдириб, бояги ғулғула ҳали унча босилмаган Кесик бошлар кўпrigига қайтамиз.

Жаҳлидан қип-қизариб кетган сарроф соколини ҳурпайтириб амалдор олдида турар ва титраб-қақшаб бўғиқ овоз билан гапирмокда эди:

— Отлар топилган эди! Топилаёзган эди-я! Тош конидан манави юганчани топиб олишишти. Фол очиш охирига етай деганида Комилбек тўра ишни пачава қилиб, фолбинни зинданга юборишни лозим кўрдишар! Лекин жаноби Комилбек тўра мени ҳеч нарсага акли етмайди деб ўйламасинлар, мен у кишининг ниятларини пайқаб

олдим! Худога шукурки, саройда мени ҳам сал-пал би-лишади, мен хон ҳазратларининг оёклариға йикилиб мени ҳимоя этишларини ва адолат ўрнатишларини илтижо қиласман!

Амалдор пинагини бузмай нафрат билан эшишиб турарди.

Унинг отини келтиришди, у эгарга минди-да, от устида улуғворлик билан шундай деди:

— Фолбиннинг кўп жиноятлари билиниб колди, шуннинг учун зинданга солинди. Мен уни кеча қўлга олишим керак эди, аммо ҳурматли Раҳимбойга отларини кидириб топишда ёрдам кўрсатмокчи бўлиб сабр килдим. Бу кун эса иззатли ва ҳурматли Раҳимбой ўз молмулкларининг дахлсиз сакланиши учун бўлган ҳамма саъй-ҳаракатларимга раҳмат дейиш ўрнига лаънат ўқиномда.

Сарроф пўрдоқ катта қўлларини осмонга кўтарди:

— Мол-мулкларимнинг дахлсиз сакланиши учун ҳаракат қилган эмиш-а! Эй худоей, ахир ҳамма саъй-ҳаракатларингиздан кўзлаган ягона мақсадингиз пойгода ютиб чикиш, холос!

Саррофга жавоб қайтаришни лозим ҳам кўрмай, амалдор ногора садолари ва «Тарқалинглар! «Тарқалинглар!» деган ўшқириқ овозлари остида дабдаба билан жўнаб кетди, уни ойболталар кўтариб, киличларини ялангочлаб, найзалар, сунгилар, гурзи ва тўкмоқларини олдинга каратиб олган миршаблар кузатиб бордилар.

Кўприк атрофидаги оломон сийраклаша борди.

Умиди пучга чиккан халойиқ ҳар томонга тарқала бошлади.

Кулги ва серқочирим ҳазил мазах гаплар тўлиб кетди.

Оломон ўртасида качонлардир шу кўприк устида фолбинлардан фириб еган кўргина одамлар бор экан. Бу кишилар фолбинларни бакириб сўкар, уларнинг алдамчилигини фош қиласдилар.

Фолбинлар энди даромадлари камайиб кетишини ўйлаб, кайғуга тушдилар. Чунки ўғирланган нарсани топиб бериш учун фол очувчи бу лаънати мақтанчок ҳамма фолбинларни шарманда ва шармисор қилиб кўйган эди!

Сарроф ўрнидан сапчиб турди-да, йўл-йўлакай бир

нималар деб ғурунглаб құлларини силкитганча уйига чопиб кетди.

Айғоқчилар унинг изига тушишди, албатта.

Бир соатдан кейин айғоқчилар амалдорга сарроф-нинг сартарош чақыртириб, соқолини тузаттираётганини хабар килишди.

Яна бир соатдан кейин айғоқчилар саррофнинг ўз савдогарлик нишонасини қум билан ишқаб ярқратиб үтирганини, савдо-тижорат аҳллари катта тантанали маросимлардагина киядиган кимхоб түнини сандықдан олиб шамоллатаётганини хабар беришди.

Бу тайёргарликтарни эшишиб, амалдорнинг қовоғи осилди. Сарроф чиндан ҳам хон олдига шикоят килиб бормоқчига үхшайди. Аҳмоқона дадиллик!

Бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкин! Пешаварлик-лар ҳали хоннинг эсидан чиқмаган ҳозирги кунда бу нарса кўнгилсиз натижаларга олиб келиши турган гап.

Шошилинч чоралар кўриш керак эди.

Амалдор қарсак чалди ва унинг олдига жиноят ки-дириш ишлари бўйича бош ёрдамчиси кирди. Бу одам хира, чукур кўзлари қаншари яқинига жойлашган бад-ковоқ, қийшиқ оёқ ҳўппа семиз бир киши эди; бу қовоғи солиқ ёвуз шу билан донг чиқарган эдики, унинг қўлига тушган ҳар қандай жиноятчи ўз айбига жуда нари бор-са иккни кунгача иқрор бўлмасди, учинчи кунда эса ай-бини сўзсиз бўйнига оларди, унинг фош килган жиноят-лари орасида жуда ғалатилари бор эди. Масалан, бир савдогар бозорда бир арава «сотиб олди» ковунни ар-зонгина баҳога харид қилган эмиш-да, сўнгра бу ковун-ларни қимматга сотиш учун «босиб олди» қовунга үҳта-тиб сарик ва кўк рангга бўяган эмиш.

— Бултур катл қилинган исёнчи Ёрмат Мамиш ўғли тўғрисидаги ҳужжатлар қаерда? — сўради амалдор.

Ҳўппа семиз индамасдан ташқари чиқди ва кўп ўт-май бир бойлам қофоз билан қайтиб келди; қофозларни амалдор олдига кўйиб, эшик ёнида ўз бурнининг учига кўзини тикиб, қовоғини солиб, таёқдай жим қотиб туриб қолди. У умуман ҳаддан ташқари камгаплиги билан ажralиб турарди, шунинг учун жиноятчиларни қай тах-литда бунчалик муваффақиятли сўроқ килишини тушу-ниб бўлмасди. Унинг эшилган арқон сингари йўғон то-мирли, илмоқка үхшаган бармоқли қўлига назар солин-са, бу сир аён бўлиб қоларди.

Амалдор пешанасини тириштириб, қоғозларни ўқий бошлади.

У айни фурсатда шахмат тахтасига кўзини тикиб, шахмат ўйнаб ўтирган одамга ўхшарди.

Унинг бармоқлари остидаги пиёда — фолбин, яъни Хўжа Насриддин эди.

Бу пиёдана фарзинга айлантириши керак эди.

Фолбинни оғир жиноятлар қилишда айблаб, хонга уни ниҳоятда хавфли жиноятчи қилиб кўрсатиш лозим эди.

Бу юриш билан кўпгина мақсадларга эришилган бўлади.

Саррофнинг, фолбинни охиригача фол очишга кўймай атайлаб зиндонга қамаб кўйишиди, деган шикояти фолбиннинг ўз айбига икрор бўлиши билан рад қилинади; арабий отлар пойгада катнаша олмайди, биринчи совринни туркман отлари олади, килган беадаблиги учун жазо тарикасида семиз саррофга йўқолган отлари пойгадан кейин ҳам қайтиб берилмайди, бунинг учун мазкур фолбин умрбод зиндонда сақланади, яна ҳам яхшироғи жаллодга топшириб бошини танасидан жудо қилдирилади, агар иш ўнгидан келиб қолса, юкорида айтилган фойдалардан ташқари, бу саъй-ҳаракатлар учун хондан яна бир медаль олиши мумкин; эҳтиёт бўлиб тезда ишга киришмок лозим, туновги кунларда пешаварликларни сал бўлмаса хоннинг ўзи бошқатдан сўрок қилаёзган эди, ўшанга ўхшаб фолбинни ҳам хоннинг ўзи қайтадан сўрок қилиб қолиши мумкин, хоннинг бундай бачканалиги жуда ҳам ачинарли, жирканч ва шармандали бир аҳвол-да, одамлар уни зоти паст ва асли сарой отбоқарининг ўғли, деб айтишлари бежиз эмас!..

Шу пайтда амалдор ўз миясида пайдо бўлган бу фикрлардан чўчиб кетди ва кўзимдан бирор нарса пайқаб қолмадимикин деб, қовоғи солик семизга кўз кирни билан қаради-да, сир бой бермаслик учун қаттиқ йўтала бошлади.

Қовоғи солик семиз қимиrlамай аввалгидек ўз бурнининг учини томоша қилмокда эди. Амалдор хотиржам бўлиб, яна жиноий ишлар тўғрисида ўйлана бошлади.

Унинг олдидаги қоғозларда ҳали улуғ хоннинг эсидан ҳеч чиқмаган Ёрмат Мамиш ўғли ҳакиқатан ҳам хавфли исёнчи деб айтилган эди; ҳозир амалдор фол-

бинни унинг ғериғи десаммикин, ё уни Ёрматни яшириб юрганликда айбласаммикин? Еки янада кўл келадиганроқ бошқа йўл топсаммикин?— деб иккаланиб турарди.

У анча вакт хаёл сурди, ниҳоят чигали ёзилгандек енгил нафас слиб, орқаси билан ёстикка суянди.

Фолбинни Ёрмат билан қариндошликада айблайман — фолбин сира кутулиб чиқиб кетолмайдиган тузок ана шу! Исёнчининг бобоси ўзининг ҳам бобоси эмаслигини у исбот килиб кўрсин-чи; фолбиннинг марҳума бувиси гўридан тирилиб келиб бундай туҳматни не-не картишлар билан рад қилган тақдирда ҳам ҳеч ким унга ишонмаслиги мумкин, чунки хотинларнинг ўз эрларига қилган вафосизликларини ҳеч вакт бирорга ошкор қиласмасликлари азалдан маълум.

— Фолбин мезанага келтирилсин!— деб буюрди амалдор.

Қовоғи солиқ семизнинг юзида ғазабли қувонч пайдо бўлди, унинг кўллари титраб, секин чопонининг ёнги ичига тортилди.

Ун олтинчи боб

Мезананинг гумбазга ўхшаш пастак ертўласини деворлардаги темир ҳалқаларга ўрнатилган тўртта машъала ёритиб турарди. Машъалалар хира ёнар ва тутаб ётарди, машъалаларнинг хира-қизғиши шуъласида Хўжа Насриддин бурчакда кийноқ исканжаси ва унинг тагида эса бир неча қамчи ивитиб қўйилган катта тоғора турганини қўрди. Уларнинг ёнидаги узун курсига жиноятчиларни сўрок қилишда жуда зарур бўлган асбоблар: қисқичлар, омбирлар, жуволдизлар, тирнок орасига тиқиладиган иғналар, кўлни куйдирадиган қўлкоплар, оёқни қисадиган маҳсус ёғоч этиклар, кулок, тиш ва бурунни тешадиган пармалар, оёққа боғлаб қўйиладиган ҳар хил оғир қадоқ тошлар, маҳбуснинг оғзига сув қўйиб дамини қайтариш учун бамбуқдан ясалган мис бўғизли найлар ва бошқа кўп нарсалар тартиб билан териб қўйилганди. Мана шу нарсаларнинг ҳаммасини иккита жаллод ишга соларди, уларнинг иккаласи ҳам ўлгудай кар эди, жиноятчиларни сўрок қилишда очилиб қоладиган сирлар ташқарига чиқмаслиги учун атайлаб бу ерга шу иккала кар жаллод қўйилганди.

Ёши қайтиб қолган, лаблари юпқа, бурун суяги оси-

либ турган, рангпар ва аллақандай чучмал, хира ва ҳорғин назар билан ҳұмрайиб қаровчи бош жаллод қийноқ искаңжасини тайёрламокда, иккала узун құли тиззасигача осилиб тушган пакана букир кечирмокда; у қамчиларнинг оғирлигини құлида бирма-бир салмоқлаб құрар, кейин уларни латта билан артар ва шу иш давомида қийноқ курсисининг босқонини оёғи билан босиб, құрага дам бориб туришни ҳам унутмас эди.

Девор олдидаги сүянчиқсиз кенг диванда юзини эшик томонга қаратиб, амалдорнинг ўзи керилиб чилим чекиб үтиради; унинг олдидаги столда қофоз үрамлари ва Хўжа Насриддиннинг фол очишда ишлатадиган буюмлари солинган копи турарди. Амалдорнинг оёқ томонида миরза жойлашган эди, унинг ёнида эса бу ертұладаги ҳар бир сўроқни чинакам байрамдай кутиб олувчи, ковоғи солик семиз заҳарли илжайиб үтиради.

Ростини айтсак, Хўжа Насриддиннинг аъзойи бадани сесканиб кетди. «Оҳ кадрдоним Гулжон, оҳ болагиналарим, сизларни яна кўриш менга насиб бўлармикин?» деб ўйлади у.

Ковоғи солик семизнинг кўз имоси билан бош жаллод Хўжа Насриддиннинг кўйлагини ечиб олди ва юмшок, суяксиз құли билан унинг орқасини сезилар-сезилмас даражада секин силади.

Букир бир қамчини танлаб олиб, орқароқда турди.

Амалдор сўроқни бирданига бошламади, анча вактгача қофозларни бир-бир вараклаб, улардаги баъзи ёзувларнинг ёнига тирноғи билан белги қўйди, заҳарханда килди ва дўнғиллади.

Ниҳоят, Хўжа Насриддинга тешиб юбургудай тикилиб бундай деди:

— Сени туттириб зинданга солдирганимнинг сабабини яхши биласан. Ҳамма кирдикорларинг менга маълум, сени аллақачондан бери қўлга туширмоқчи бўлиб юрадим. Энди барча корбадларингни ўзинг гапириб бер ва ҳақиқий номингни айт.

Хўжа Насриддин бундай сўроқ-қистоқларни бошидан кўп марта кечирган эди: у вактдан ютиш учун жавоб бермай турди.

— Тилинг соқов бўлиб колдими? — ғижиниб сўради амалдор.— Еки эсингда йўқми? Эсингни киргизиб қўйишга тўғри келади.

Қовоғи солик семиз иягини чўзиб, Хўжа Насриддинга еб қўйгудек тик караб туарди.

Букри жаллод орқасига бир қадам тисарилди ва уришга тайёрланиб камчинини кўтарди.

Хўжа Насриддин қўркмади, ранги оқармади, лекин шубҳа остига тушиб қолганини сезиб, ичидаги ҳаяжонланди.

У мени билиб қолиши шекилли, деб қўрқарди, холос.

Қоғозларда унинг ҳакиқий номи бўлса-я!

Агар шундай бўлса, бу ердан кутулиб чиқишнинг сира иложи йўқ.

Аммо қандай қилиб билиб қолиши экан? Ким айтди экан?

Наҳотки бир кўзи кўр айтиб берган бўлса? Отларни сотиш билан каноатланмай, у ўз ҳомийсини ҳам уларга қўшиб сотиб юбордимикин? Бу, балки художўйлик кўчасига қадам қўйиш олдида қилган яна бир охирги гуноҳидир?

Агар ҳозир Хўжа Насриддин ўрнида бошқа киши бўлганида худди шундай деб ўйлаши ва қўрқувдан атрофга аланглаб қараб ёки телбаларча ўринсиз котиб-котиб кулиб ички ҳаяжонини билдириб қўйиши, ўз ожизлиги, ишониш кучидан маҳрумлиги туфайли жаллод қўлида ҳалок бўлиб кетиши турган гап эди. Аммо бизнинг Хўжа Насриддин бундай одамлардан эмас эди: у ҳатто шу ерда, жаллодлар қўлида тутқун бўлиб турганида ҳам бир кўзи кўрга ишончини йўқотмади, кўнглида қатъий ишонч билан: «Йўқ, бир кўзи кўр хиёнат қилмайди!» деган сўзларни айтишга ва такрорлашга ўзида куч топди.

Уни ана шу ишониш кучи ҳалокатдан сақлаб қолди, бу куч унинг амалдорга дадил жавоб қайтаришига имкон берди.

— Бек жаноби олийлари, очган фолимда ҳеч бир ёлғон гап йўқ эди.

Юзаки қараганда, бу оддий ва тўғри бир жавоб бўлиб кўринса-да, аслида синамоқликка берилган жавоб эди. Қўённинг ҳам бўрига тузоқ қўйиш пайтлари бўлади-ку, ахир!

— Фол эмиш-а! — нафратомуз истеҳзо қилди амалдор.— Очган фолингдан анави ҳамма касбдошларингга

ўхшаш бир муттаҳам ва фирибгар одам эканинг кўри-
ниб турибди, холос.

Хайрият, Хўжа Насриддиннинг билмоқчи бўлган
нарсаси амалдорнинг оғзидан чиқиб кетди! Сўрок бера-
ётган кишини амалдор чиндан ҳам фолбин деб ўйлар
экан, демак, унинг ҳакикий номи бу қоғозларда йўқ
экан!

Хўжа Насриддиннинг елкасидан тегирмон тоши туш-
гандай бўлди: амалдор билан бўлган бу биринчи килич-
бозлика Хўжа Насриддин ғалаба қозонди.

— Юганчани бек жаноби олийларининг ўзлари кўр-
дилар,— деди у, ўз ғалабасини мустаҳкамлашга шоши-
либ.— Шуни айтмокка журъат киламанки, отлар форда
эди. Отликлар форга етиб боришидан хийла олдин отлар
ўша ерда арпа еб турган эди.

Бу амалдорни илнитириш учун кўйилган иккинчи
тузок эди; амалдор бу тузокка шартта илинди кўйди.

— Бўлмаса, нима учун отлар у ерда йўқ эди?— сў-
ради у, ўзини янги зарбага рўпара қилиб.

Хўжа Насриддин шиддатли ҳужум бошлади:

— Шунинг учунки, ўшандан бир кун илгари Қесик
бошлар кўпригида бўлган қисқагина гап орасида бир
улуг зотнинг амирона кўзларида бу отларни эгасига
қайтариш учун унча шошмаслик истаги борлигини пай-
каган эдим.

Амалдор бу зарбага бардош беролмади. Хижолат
тортиб, қаттиқ йўталиб юборди-да, ҳадиксираб, ковоғи
солик семизга, кейин мирзага қараб кўйди.

Ниҳоят, зўрға ўзини босди.

Караши аввалгидай каҳрли тус олди. Бу қарашдан:
«Фолбин хавфли одам, жуда ҳам хавфли; уни тезроқ қатл
қилиш керак!» деган фикр сезилиб турарди.

Амалдор қоғоз ўрамлари орасидан аллақандай бир
қоғозни олиб ёйиб кўйди-да, Хўжа Насриддинга унинг
исёнчи Ёрмат билан кариндошлиги ҳакида, мукаррар
ўлимга олиб бориши мумкин бўлган хавфли масала
ҳакида саволлар беришга тайёрланди.

Аммо Хўжа Насриддин ундан чаққонлик қилди.

— Мен хокисор фолбин бошқа бир кишининг олий
хукмронлик олови билан чақнамаган ва олтиннигина
кўришга ўрганиб қолган кўзида бир нозанин гўзал хо-
тиндан ўз эрига бевафолик килади деб шубҳаланиш
борлигини пайқадим. Бу шубҳалардан рашк ўти, рашк-

дан касос олиш фикри туғилибди, касос олиш фикридан эса бир машхур ва қудратли зотга хавф хатар пайдо бўлибди, аммо у зот бундан бехабарлар.

Бу ниҳоятда кучли зарба эди.

Амалдорнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Унинг қўлидаги қоғоз титраб ўз-ўзидан аста-секин ўрала бошлади.

Амалдор фолбинга, қовоғи солик семизга ва мирзага бир-бир кўз ташлаб чиқди.

Аввало, бу ердан ортиқча кишиларни чикариб юбориш керак!

У қоғозлардан бирини тезгина чопонининг енги ичига тикиди, кейин бошлиқларга хос норози бир қиёфада-қовоғи солик семизга қараб:

— Намангандан шаҳар ҳокимидан келган қоғоз қани?— деб сўради.

Қовоғи солик семиз қоғозларни титиб кидира бошлади; албатта, амалдорнинг сўраган қоғозлари топилмади.

— Доимо бирор ишни чалкаштириб ёки эсингдан чикариб юрасан. Бор, топиб кел!— деди амалдор тўнгиллаб.

Семиз чиқиб кетди.

Орадан хийла вакт ўтгандан кейин амалдор, эсига бир нарса тушгандек, афсусланиб деди:

— Аттанг, ёдимдан чиқипти! Мирза маҳсум, унинг кетидан чопиб боринг ва Шоҳимардан мачити имоми юборган маҳфий маълумотни ҳам топиб бирга ола келар экансиз, деб айтинг.

Мирза ҳам чиқиб кетди.

Мезанада амалдор билан Хўжа Насриддингина колди. Гунг жаллодларни ҳисобга қўшмаса ҳам бўлар эди.

— Фолбин, нималар деб валдираяпсан!— деди Хўжа Насриддинга димоғдорлик билан амалдор.— Кеча чеккан нашанг кайфи ҳали кетмаган шекилли? Аллақандай нозанин гўзал хотин тўғрисида, аллакимнинг рашк килиши, қандайдир ҳукумат амалдорига карши кимнингдир ёмон нияти борлиги тўғрисида сўзлаяпсан!

Амалдор Хўжа Насриддиннинг гапларини тушунмaganга олиб шундай деганди.

Хўжа Насриддин унинг маккорлик килишига йўл қўймади:

— Мен сарроф Раҳимбой ва унинг гўзал рафиқаси Орзиби тўғрисида ва номи сиз бек жаноби олийларига яхши маълум бўлган учинчи бир киши ҳакида гапиряпман.

Орага узоқ жимлик чўкди.

Хўжа Насриддин тўла фалаба қозонган эди; хурсандликдан кўзлари чакнаб кетганини ўзи ҳам сезиб турарди.

Амалдор бутунлай мағлуб бўлганидан лабларини қалтиратиб, жон-жаҳди билан чилимнинг найига ёпишиди. Ути ўчиб қолган чилим ичидаги сувнинг биқирлаган товуши эшитилди, лекин тутун чикмади. Хўжа Насриддин кийноқхона кўрасидан битта чўғ олиб чилим сархонасига қўйди-да, эсанкираб қолган амалдорнинг эс-ҳушини киритишга ва ковоғи солиқ семиз келгунча ишни тамомлашга шошилиб, чўғни зўр бериб пуфлай бошлиди.

Унинг бу ҳаракатлари бекор кетмади, амалдор кериши ва хафалиги аста-секин тарқалди.

Энди амалдорнинг фолбин билан келишишдан бошка иложи қолмаган эди.

Аммо у бирданига таслим бўлмади. Гапни кулгига айлантирмокчи бўлиб кўрди:

— Фолбин, бу миш-миш гийбатларни кимдан эшитгансан? Чамамда, сен фол очириш учун келадиган сасинқ кампирлар билан кўприкда гап сотиб ўтиришни яхши кўрсанг керак-а?

— Битта кампир танишим бор, мен кўпинча ўша билан гаплашиб тураман.

— Ҳа, ҳа, хўш, кани айт-чи, оти нима, қаерда туради, уни қандай таниб бўлади? У билан мен ҳам гаплашиб кўрай...

— Менинг кампирим фол очадиган китобим, ҳалиги гапларнинг ҳаммасини менга ана шу китоб айтиб берган, унинг айтганлари ёлғон эмаслигини саррофнинг кўзидан билдим.

— Шу китобинг билан ҳамма яширин сирларни била олишингга мени ишонтирмокчи бўляпсанми? Бемаъни гапингни қўйсанг-чи!

— Бек жаноблари хуш кўрмасалар, мен ҳеч нарса демаслигим ҳам мумкин. Аммо бу гаплар эртага хон ҳазрати олийларининг кулогига етиб колса, нима бўлади? Шундай бўлиши турган гап, чунки сарроф ўзининг

Эрлик ор-номусини ҳимоя қилишни сўраб хонга арз қилмоқчи.

Кетма-кет берилган бу зарбаларнинг бири иккинчи-сидан даҳшатлироқ эди!

Чиндан ҳам бу кун амалдорнинг иши жуда чаппаси-дан келган кун бўлди; унга хаёлида сарой табибининг кўркинчли башараси кўринди ва баданини ўткир пичок тила бошлагандек қалтираб кетди.

Балки сарроф шикоятномасини ёзиб кўйгандир? Эҳ-тимол уни саройга элтиб топширгандир?

Сусткашлик ҳалокат келтириши мумкин эди. Ҳийла-найранг, муғомбирлик ва айёрликни йифиштириб кўйиб, очикдан-очик дангал гаплашишга тўғри келди.

— Фолбин, мана энди мен фолинг тўғрилигига ишондим,— деди амалдор, ўзини ок кўнгил дўст киши килиб кўрсатиб.— Сен менга фойда келтиришинг мумкин, эшитяпсанми? Мен сени зиндондан чиқариб юборман, сенга инъомлар бераман, сени олдида калла суги турган анави мияси айниган чол ўрнига бош фолбин килиб тайинлайман.

Калла суягининг эгаси бўлган чолнинг ўрнини эгаллаш Ҳўжа Насриддиннинг хаёлига кириб ҳам чиқмаганди, шундай бўлса ҳам у амалдорга миннатдорлик билан таъзим килишга ва чексиз садоқатини ваъда қилишга мажбур бўлди.

— Кўнгилдагини топдинг!— деди амалдор.— Энг муҳим нарса садоқат! Фолбин, иккаламиз ўзаро битишиб кетамиз. Сени зиндонга солиш тўғрисидаги буйруғим одамларнинг кўзини чалғитиш учун килинган бир ҳийла эканлигини, албатта, энди ўзинг ҳам тушунгандирсан. Ҳакиқатан ҳам ўз ишингнинг жуда моҳир устаси эканингни, бу ишда сенга бас кела оладиган одам йўқлигини мен кечаёқ дарров билган эдим; сенга ўхшаган одамлар менга керак, мен бу кун сени мезанага ана шунинг учун чакиртирган эдим. Биласанми, гап шундаки, мен анави аҳмок семиз ёрдамчимга ишонмайман; чамамда якин орада у қулок тешар парма, оғизга сув куйиб дамни қайтарадиган най ва оёққа осиб кўйиладиган оғир қадоктош азобини татиб кўrsa керак. Уни чалғитиш учун мен кўприк устида сени туттириб зиндонга жўнатдим, аммо бу ишни бутунлай бошқа, яширин мақсад билан килдим, мақсадим сен билан худди шу топдагидек ҳеч кимсиз, ёлғиз ўтириб гаплашиб олиш эди,

чунки яқин кунларда бу кўланса семизнинг бошини та-насидан жудо қилдирганимдан кейин, башарти керагича гайрат кўрсатиб садоқат билан хизмат қиласиган бўлсанг, албатта... сен унинг ўринини эгаллашинг мумкин.

Амалдор фанимат фурсатни бекорга ўтказиб анча вақт яна аллакандай ёлғон-яшиқ гапларни гапириб ўтиреди, қовоғи солик семизнинг кайтиб келишига оз колган эди; Хўжа Насриддин бир амаллаб суҳбатни керакли томонга буриб юборди.

— Бу кундан бошлаб сен бош фолбинсан! — деди амалдор. — Чол кўли остидаги фолбинларга тушга пулларнинг бешдан бир кисмини ўзи оларди, сен икки ҳисса ортиқ олсанг ҳам майлига. У фирибгарларга раҳм килишнинг ҳожати йўқ, улар кўпприк устида бекор ўтириб семириб кетяпти, менинг бошимга келган хавф-хатарни эса факат ўзинг даф кила олдинг! Уларнинг даромадидан бешдан бир кисмини олавер, агар беришга унашмаса, менга айт, уларни таъзирини бериб кўйман! Фолбин, энди биз сарроф ўз шикоятномасини хонга качон юбо-ришини билишимиз керак. Балки, эртага юборар?

— Йўқ, унча тез юбормайди. Унинг кўлида ҳали етарлича далиллар йўқ. У бек жанобларининг эҳтиёткорликни эсадан чиқариб, юракдаги ишқий алангани ошкор килиб кўйишларини кутмокда...

— Энди бундай бўлмайди! Хўш, у буни қандай килиб билиб қолган? Унга буни қайси душманим етказган? Сен шуни менга билиб бера олмайсанми?

— Агар анави қоп ичидағи китобимни очиб қарасам, билиб бера оламан...

— Ол бўлмаса китобингни.

Хўжа Насриддин машҳур китобини қопидан олиб очди ва ундаги хитойча ёзувларга, қадрдон дўстларига қарагандай аста кулимсираб кўз юргутирди; ёзувлар унга ҳатто бир оз тушунарлирок ҳам бўлиб қолгандай кўринди.

— Хўш, нима? — сабрсизланиб сўради амалдор. — Китобинг бирор нарса деяптими ёки жим турибдими?

Хўжа Насриддин бундай муҳим иш ҳакида очиладиган фолга муносиб равишда паст ва ғўнғиллаган овоз билан гапириш учун кошини чимириб, корнини дўппайтирди.

— Мана, кўряпман! — деб чўзиб ғўнғиллади у. — Ана, кеч кириб қуёш ботмоқда, кўзимга бозор кўриниб

турипти... Ана, семиз сарроф Раҳимбой дўконида ўтирибди. Кулғимга ноғора овозлари ва миршабларнинг бакириб-чакиришгани эшитияпти. Ана, басавлат, катта бир одам келяпти; уни сипоҳона карашлари ва хушбичим мўйловларидан таниб турибман. У лаънати саррофга илтифот килиб, ёнига ўтирди. Ана, улар чой ичиб, гаплашишмоқда. Улар пойга тўғрисида — араб ва туркман отлари ҳақида сўзлашишмоқда... Ие, тушимми ўнгимми бу?

Худди осмондаги ой ерга тушгандай бўлди! Саррофнинг дўконига келган бу жон оғатини таъриф ва тавсиф килиб беришга сўз топилармикин? У бедана юриш билан йўргалаб дўконга киради, кўнгилга ғулгула солали, унинг гўзаллигидан кўзлар қамашади, кишини ўзига шайдо килиб кўяди! Бу соҳибжамол паранжида бўлса ҳам, лекин лола ранг ёқимли кизил юзи ва ёкут лаблари чиммати устидан кўриниб туради... Ана, қабиҳ сарроф пул халтасидан аллакандай кимматбаҳо тошлар, тиллавор буюмларни оляпти... Қейин эса... Мана, мана унинг маккорлиги, мана унинг қурган тузоги!

Хўжа Насриддин амалдорга бир қараб олди. У олдинга энгашиб, чурқ этмай мўйловини силкитиб ўтирас, тил тутилиб қолганидан ҳеч нарса дея олмас эди.

— О лаънати сарроф-ей! — Китобга қараб турган Хўжа Насриддин жуда аччиғи чиқиб кетгандек бўлиб, оркага бир ташланиб олди.— О, пасткаш савдогар-ей!.. У хотинига кимматбаҳо ёкут-маржонларни бўйнига такиб олишни буюряпти, бек жаноблари олдида хотинининг юзини очяпти. Мана, офтоби оламтоб билан гўзал моҳи анвар бир-бирларини томоша килиб туришганини кўрояпман. Юракларида бир-бирларига меҳр-муҳаббат жўш урмокда. Улар ишқ ўтида ёнмокдалар, улар бир-бирларига интиляптилар, улар эҳтиёткорликни эсдан чиқаришмоқда, бир-бирларига кизгин муҳаббат билан қарашлари сирларини очиб кўймокда, оловдай кизариб кетган юзлари уларни фош килмоқда! Ширин ички сирлар очилиб қолмоқда, уларни беркитиб турган пардалар тушиб кетмоқда!.. Ифлос айғокчи, тубан рашкчи, бошқаларнинг муҳаббатларини шафқатсиз суратда оёқ ости килувчи, лаънати сарроф худди ана шуни кутиб турган эди! У уларнинг кўзларини пойлайди, тез-тез нафас олишларига эътибор беради, юракларининг гупиллаб уришини санайди. У ўз шубҳалари тўғрилигига ишонч

ҳосил килади, унинг маккор қалбидан рашк ўти аланга-ланади! У ўч олишни ўйлаб кўяди, аммо ёвуз ниятларини ёлғондакам дўстона муомалалар билан яширади...

— Ҳали шундай дегин! — деди чўзиб амалдор.— Ростини айтсам, баданини ёф босиб кетган бу сассик кўзандан бундай уддабуронликни кутмаган эдим! Худони ўртага кўйиб касам ичаманки, сен фолбин бу нарсаларнинг ҳаммасини ўша куни Раҳимбойнинг дўконида худди биз билан бирга туриб ўз кўзи билан кўрган одамдай гапириб бердинг? Бугундан бошлаб асосий ишинг сарофни кузатиб юриш бўлсин. Уни ҳамма вакт ҳушёрлик билан кузатиб юр! Сўнгра ҳамма ниятларини менга маълум килиб тур!

— Унинг ўйлаган ҳеч бир нияти мендан бекиниб колломайди. Зиндандан чиқишим биланок...

— Сени зиндандан бугун кечкурун чикартириб юбораман. Ундан олдин мумкин эмас, чунки бу қароримни аввал хонга айтишим керак.

— Хон унамасалар-чи?

— У ёгини менга кўйиб беравер.

— Бек жаноби олийлари, яна биттагина сўзим бор: бу ишда баъзи бир харажатлар бўлади.

— Зиндандан чиқишингда икки минг танга оласан. Бу ҳамир учидан патир.

— Ундей бўлса, бек жанобларининг ҳамма истаклари бажо келтирилади!

Тепадаги эшик так этиб ёпилди, зинапоядан оёқ товушлари эшитилди. Семиз билан мирза керакли нарсаларни тополмасдан қайтиб келди. Ўларнинг иккаласи ҳам фолбиннинг кийноқ исканжасида оркаси қонга беланиб осилиб ётиш ўрнига амалдор олдида бешикаст ва соппа-соғ турганини ва ҳатто билдирамасдан мийигида кулаётгандай бўлганини кўриб, ниҳоятда ҳайрон колди.

— Бу кишини юкорига олиб чик ва ҳеч бир нарсага зориктирмаслик пайидан бўл,— деб буюрди амалдор семизга.— Бу алоҳида иш, бу тўғрида хонга шахсан ўзим маълумот бераман.

Хўжа Насриддинни тумтайган семиз мезананинг юкориги уйларидан бирига олиб чиқди, тош саҳнли бу уйда гиламча ҳам, ёстиклар кўйилган юмшок кат ва ҳатто чилим ҳам бор эди. Бир коса палов келтириб беришди, Хўжа Насриддин дикқат билан тикилиб карабтурган семиз олдида паловни еди. Эшик каттиқ бекил-

ди, зинданга хос ваҳимали жимлик чўқди, лекин бу сукунат энди Ҳўжа Насридин учун сира ҳам кўркинчли эмасди.

Ҳўжа Насридин катга чўзилди. Оғир иш қилган одамдек аъзойи баданида қаттиқ чарчаш сезди. Кўзини юмди. Лекин серташвиш бошидаги фикр-хаёллари тинч туришни, ором олишни истамай, амалдорнинг кетидан хон саройига чопиб кетди. «Улар нима қарорга келишаркин? Айтгандай, бунинг менга дахли йўқ, Комилбек тўра ўзининг ғамини ўзи еяверсин...» Ҳўжа Насридининг кулоғида узоқдаги түяларнинг майиқ кўнфирик овози жаранглагандай бўлди, бу уни элита бошлаган уйқунинг жарангловчи қанотларидан чикқан овоз эди. Унинг фикр-хаёллари сусайди. «Отлар қани?. Қаерда бўлса экан улар? Энди бир кўзи кўрни қайдан қидирсам бўларкин?» Унинг сарроф хотини ҳакидаги: «Эй Хурросон чаман бофининг муаттар гули, сенинг ишқий ўйинларинг мен учун жуда ҳам најотбахш бир нарса бўлдида!» деган энг сўнгги ғоят ноаниқ фикри юкорига парвоз килди-ю, бепоён бўшлиқнинг аллақаерида ғойиб бўлди. Ҳўжа Насридин уйқуга кетди.

У голибларга хос осойишта маст уйқуда ором олиб ётарди; бу ерда шуни такрорлаш ўринли бўладики, Ҳўжа Насридин ўзи учун муваффақиятли ўтган яқиндаги жангда биринчи зарбадан фактат ўзининг ишониш кучи билан, олижаноб кишиларнинг бебаҳо қалқони билан омон колди. Шу муносабат билан ҳиротлик, тоза фикрли мутафаккир Форис ибн Хаттобнинг куйидаги сўзлари ихтиёрсиз эсига тушади:

«Дунёдаги кишиларнинг баҳтли бўлишлари учун жуда оз нарса — уларнинг бир-бирларига ишончи етишмайди, холос, аммо манфаатпарастликни ўзига конун килиб олган пасткаш одамлар бу ҳақиқатни тушуна олмайдилар».

Ўн еттинчи боб

— Ўйлашимча, ҳар ҳолда унинг бошини танасидан жудо килиш зарур. Бундай хавфли исёнчи билан қариндошлиги бўлган киши бизга кўп хатарлар келтириши мумкин.

— Подшоҳи аъзам ҳазратлари, мен унинг исёнчига чатишган жойи ҳақиқатан ҳам сира йўклигини суриш-

тириб аник билдим, фолбиннинг ота-онаси ҳам, туғилган кишлоғи ҳам бутунлай бошка экан.

— Бундан ҳали ҳеч нарса билиб бўлмайди. Борди-ю, исёнчига ҳарқалай кариндош чиқиб қолса-чи? Балки узок бир кариндошидир?

— Ёрматни ҳатто умрида бир марта ҳам кўрмаган экан. Айғоқчилар уни танимасдан янглишиб қўлга олишибди.

— Модомики, тутиб зиндонга солинган экан, эҳтиёт чораси тариқасида унинг боши танасидан жудо қилинса бўлмайдими? Мен бу ишда сустлик кўрсатишга арзигули бирор сабаб кўрмаяпман. Исён пешаварликларнинг сеҳгарлиги эмас, исён билан ўйнашиб бўлмайди. Ёрматнинг битта ўзидан тортаётган ташвишим ҳам етиб ортади: унинг килмишлари туфайли чеккан ғамғуссаларимдан юзимни ажин босиб кетди!

— Эй, шаҳаншоҳи олам ва султони бокарам, аллақандай жирканч бир фолбинни ўлимдан саклаб колайн деган разил ният кўнглимда асло йўқ, бундай пасткашликтан ҳазар киласман, мен бошка масала ҳакида — ҳазрати олийларининг тожу давлатларини мустаҳкамлаш тўғрисида сўзлаяпман.

— Ундай бўлса, давом эт.

— Мен олий максадларга амал килиб, бу кун саройга ўз фикру мулоҳазаларимнинг ожиз-натавон түяларини подшоҳи олампаноҳининг карвон саройлари олдида тиз чўқтириб, ҳазрати олийнинг донишмандлик чашмаларидан баҳраманд килиш учун олиб келдим...

— Вазир, тўхта, бундан кейин шундай сўзларингни аввал қофозга ёзиб, пастда сарой вазирига ўқиб бергин. У ёзганларингни диккат билан эшишиб олсин, мен ана шундай иши учун унинг маошини ошириб кўйганман.

— Подшоҳининг факат ўзларига изҳор килиниши зарур бўлган гапларни сарой вазирига айтайин!..

— Сенга ўхшаш вазирим ўн иккита, ҳар қайсинг иккни соатдан гапирадиган бўлсанг, мен қачон ухлай оламан?

— Хўп бўлади, амрингизга ҳозирман. Қейинги йилда неча ўнлаб кишининг бошини танасидан жудо қилиб, давлати шоҳонани мустаҳкамладик...

— Кўрдингми: бу иш ҳамма вакт фойдали!

— Хон ҳазратларининг марҳаматпешаликларини кўриш ҳозир ундан ҳам фойдалироқ бўлмасмикин? Агар

биз фолбинни зиндан чикариб юбориб, буни шаҳарнинг ҳамма аҳолисига жар чакиртириб маълум қилсан, улар шод-хуррам бўлиб: «Кўнглимизни баҳор куёшидек кувонтирувчи хонимизнинг сояй давлатларида роҳат-фароғат билан жуда баҳтиёр яшамокдамиз...» деб айтишлари мумкин.

— Вазир, бу гапингни коғозга ёзиб кел, коғозга ва сўнгра пастда сарой вазиринга ўқиб бер... Хўш, ундан кейин!

— Шундай килиб, тожу давлатингиз яна бир таянчга — кишиларнинг қалбига эга бўлади!

— Дарвоке, гапинг тўғри. Аммо фолбин исёнчининг кариндоши бўлса, ҳар ҳолда хавфли киши...

— Хон ҳазратлари, хавфни бартараф килиш қийин эмас! Аввал фолбинни зиндан чикариб юбориш ва буни жарчилар орқали эълон килиш керак. Фукаро назарида бу Марҳамати олийнинг ижроси бўлади. Икки-уч ҳафтадан кейин эса кечаси уни яна тутиб зинданга солиб, бошини танидан жудо килиш керак, зиндан ҳеч кимнинг овози ташқарига чиқа олмайди... Бу — эҳтиёткорлик чорасининг ижро килиниши бўлади. Биринчи тадбир ошкора, иккинчиси эса хуфия бўлади. Марҳамати олий ва эҳтиёткорлик чораси бир-бирини тўлдириб, Шаън-шавкат ва Улуғворлик ҳосил килади ҳамда куёш каби нурафшон хонимизнинг тожларида икки дона беназир олмосдай яркираб туради... — Бу гапларингни ҳам ёзиб, пастда девонбегига ўқиб бер. Бошқа гапинг йўкми, вазир?

— Менинг ожизона фикрларим шу билан тамомига етди.

— Жуда соз, вакт ҳам кеч кириб қолмокда. Вазир, сўзларингга инондим, ўйлаган тадбирларингни маъқуллайман.

— Хон ҳазратларининг бу назари илтифотлари кўнглимда шодлик машъалини ёқди. Мен ҳозир фолбинни озод килиш ҳакида фармон тайёрлайман, эртага жарчилар олий фармонни шаҳарга эълон этадилар.

— Майли, шундай бўлсин.

Хўжа Насриддин эгнида янги тўн, оёғида янги этик ва белбоғида оғир ҳамён (амалдорнинг берган ҳадялари) билан кечқурун зиндан чикиб кетди.

У сарой қалъаси дарвозасидан кечки соя тушиб турган майдонга чиқди.

Дарвозадан чиқиши биланок унга биринчи дуч келгандын киши күкрагига савдогарлик нишонаси такиб, күлида юганча ушлаб турған, хонга арз-дод килиш учун саройга киришга анча вактдан бери интизорлик билан ижозат кутиб үтирган кимхоб тұнлы сарроф әди.

Хұжа Насриддинни күриши билан унинг тер ва ёғbosган ялтирок юзи хурсандиликден ёришиб кетди.

— Сени зиндондан чиқариб юборишдими, фолбин? Толеимдан үргилай, демек, отларим үз күлимга қайтиб келар экан. Мен эса миңзага үн икки танға тұлаб, ариза ёздыриб юрибман. Мана аризам, хоҳласанг, үкиб күр.

— Мен фактат хитойча хатни үқий оламан.

— Аризада сени мактаб айттылган сұзлар ҳам бор: бошингни тананғдан жудо килишларини отларимни тоғиб бергүнингга кадар кечиктириб туришларини илтимос кілмокчиман, сенга қанчалик ғамхұрлық килаётганимни күрятсанми?

— Күрмай бұладими, сарроф, бу яхшилигингиз учун миннатдорман.

— Үндай бұлса, юр, чала қолған фолингни охирига етказ, балки отларни тунгачаёқ топарсан.

— Шошилиб нима қыламыз? Мен ҳам, сизге үхшаб, шошқалоқликни ёмон күраман. Модомиқи, бошимнинг танамдан жудо килинишини кечиктиришга қарор килар эканмыз, отларнингизни топнишни ҳам бир оз кечиктириб түрсак бұлмайдими?

— Нималар деяпсан үзинг? Қандай килиб кечиктириб бұлсін? Уч кундан кейин пойга бұлиши эсингдан чиқдими?

— Хон билан гаплашиб қаранг; у ҳам кечиктиришни жуда яхши күрадиган одам бұлса керак, балки пойғани бир-икки ұафта кечиктириб турар.

Шу сұзларни айтты Хұжа Насриддин дарвоза олдидан бозор томонға тезгина бурилиб кетди, бозорда кечириб дүкөнларнинг ёпилишини хабар килувчи нофора садолари гүмбурларди.

— Ҳа, ҳа, үндай бұлса, үзингга әхтиёт бұл, фолбин!— деб пичирлади сарроф унинг оркасидан юзини кийшайтириб.— Мен пулға сотилганингни ва кимга сотилганингни биламан. Аммо саройда менинг ҳам үз одамларим бор, бу дарвозадан ичкариға кириб олғанимдан кейин шүрнің қурийди, фолбин, сен ҳам, сени сотиб олған киши ҳам күргилигини күради!

Хўжа Насриддин анча нарига кетиб колганидан бу дўйк-пўписаларни эшитмади. Майдонда кетаркан, бутун йўлида худди уни ушлаб олмок учун орқасини ўгириб яшириниб турган афсонавий маҳлуклардек қинғир-қийшик, эгри-буғри баҳайбат соялар кўндаланг бўлиб ётарди; лекин у жин-парилар ҳимоясидаги сеҳрланган шаҳзода сингари, чараклаб турган қуёшга қараб бу соялар орасидан сесканмай дадил қадам ташлаб кетди. Қуёш тўлқинланиб ётган юпқа булутлар орасига ботиб, ўз нури билан уларни қизартириб, эртага жазирама иссикдан сақловчи салқин тоғ шабадаси эсажагидан дарак берар эди.

Кечаси эса Хўжа Насриддин чойхонада ётиб, кат остидаги бир кўзи кўр ўғри билан сёкин гаплашарди.

— Ҳаммадан кўра шунга хурсандманки, сенга ишониб тўғрн иш қилган эканман,— деярди у, овозини бошка одам эшитмаслиги учун оғзини кафти билан сал бекитиб.— Энди менга айт-чи, отлар нима учун форда йўқ эди, улар қаерда эди?

— Ҳар томонда айғоқчилар изғиб юрганлиги ва тош конига ҳам келиб қидира бошлаганлиги учун отларни форда колдира олмасдим. Тонготарга якин колганда, туман пайтида отларни фордан олиб чикиб, бошқа жойга, шаҳардан ташқаридаги одамсиз бир кўргончага олиб бориб кўйдим...

Уларнинг суҳбати узоқ давом этиб, тонг отай дегандага тугади.

Хўжа Насриддиннинг бундан кейинги ишлари ҳакидаги йўл-йўриқларини эшитгандан сўнг бир кўзи кўр гойиб бўлди.

Хўжа Насриддин чалқанча ётиб олди, узоқ эснади ва бир минутдан сўнг уйкуга кетди.

У эрталаб Кесик бошлар кўпригига борди, кўпrikдаги фолбинлар унинг бош фолбин қилиб тайинланганини аллақачон билиб олган эдилар.

Ҳамма жуда ўзгариб қолган эди. Фолбинлар уни ҳар кунгидай масхара қилиб эмас, балки лаганбардорлик назари, мунофиқона мактоб сўзлари, хушомадгўйларча илжайиш билан кутиб олишди.

Калла суюгининг эгаси бўлган ориқ чол бошқа бир тор ва қоронғи токчага кўчиб ўтиб, у ерда жагида битта

ҳам тиши йўқ қари ит ириллагандек дўнғиллаб ўти-
рарди.

Чолнинг кечака икки букилиб хизматини килиб юрган
учта энг яқин дўсти ундан воз кечиб, юзини бошқа то-
монга буриб олганди. Улар супурги ва ҳўл латталар
 билан катта токча ва унинг атрофини супуриб ва тоза-
лаб, янги бош фолбинга жой тайёрламоқда эдилар.
Улар Хўжа Насриддинга бошқалардан кўра кўпроқ эги-
либ таъзим кидилар, бу фолбинларнинг биро шоша-пи-
ша унинг қўлидан шолчани олиб тахмонга солди, иккин-
чиси унинг этигини чангидан салласи билан қокиб то-
залиди, учинчиси хитойча китобни пулфлаб, четларини
тирноғи билан қандайдир гард-ғубордан тозалаган
бўлди.

Кўп ўтмай кўприкка амалдорнинг ўзи келди ва Хўжа
Насриддин билан яширинча гап бошлади. У ўзини хо-
тиржам қиладиган ваъдалар олишни истарди ва бу
ваъдаларни керагича олди ҳам.

— Фолбин, саррофни яхши текшириб кўрдинг-
ми? Қабиҳ ниятларини миридан-сиригача билиб ол-
дингми?

— Билиб олдим, бек жаноби олийлари, ҳозирча ҳеч
қандай хавфли нарса йўқ.

— Унга кўз-кулоқ бўлиб тур, фолбин, уни доимо ку-
затиб юр!

Ҳамманинг кўзи олдида амалдор қўлини янги бош
фолбинга тавоф қилиб ўпиши учун узатди. Кўприкда
ўтирган фолбинлар бундай илтифотни ҳеч қачон кўрма-
ган эди.

— Энди сендан бир нарсани сўрайин, ўтган сафар
буни сўраш эсимдан чиқипти. Менга айт-чи, фордаги
отлар ҳар ҳолда қаерга йўколган экан?

— Қаерга йўколган экан? Ҳайрон коладиган жойи
йўқ, мен уларни бошқа жойга олиб бориб кўйган
эдим.

— Бу нима деганинг ўзи? Яъни, қандай қилиб? Сен
у маҳалда кўприкда, отлар эса форда эди-ку!

Хўжа Насриддин бу жуда осон иш дегандек қилиб,
елкасини бепарвогина кисди:

— Ҳайрон коладиган жойи йўқ, осмонда учирив
олиб бориб кўя қолдим.

— Осмонда? Демак, осмонда ҳам муаллак юра ола-
санми?

— Бу иш манга чўт эмас. Миршаблар тош конига от чоптириб кетган энг сўнгги минутда китобимдан ўғрилар ғордаги отларнинг тақасидаги сеҳрли михларни суғуриб ташлаганини ва думларидағи сеҳрли ипакларни олиб кўйганини билдим. Шунинг учун отларни топиб, эгасига қайтаришни чўзиб турнишга, аввал бу аҳволни сиз бек жаноби олийларига маълум қилиб, кейин нима килишим кераклиги ҳакида сиздан йўл-йўрик олишга қарор килдим.

— Баракалла аклинга, фолбин!

— Шу тарика, отларни бошка жойга олиб бориб кўйишга тўғри келди.

— Кўп ажойиб иш! Демак, осмондан олиб ўтдим дегин-а? Бирданига кўз очиб юмгуича-я? Энди, менга айт-чи, саррофни ҳам бошка жойга осмондан муаллақ ўтказиб юбориб бўлмасмикин? Уни иложи борича узоқроқ бир жойга, Бағдодга ёки Техронга элтиб кўйиш, яна ҳам яхшироғи франклар кул килсин учун уни осмондан бутпарастларнинг мамлакатларига ўтказиб юбориш мумкин эмасмикин?

— Бундай иш кўлимдан келмайди, чунки менинг ҳукмим факат ҳайвонларга ўтади. Балки вакт келиб пинҳоний сирру асрорларнинг ичкариогига кирганимда...

— Аттанг, аттанг! Агар кўлингдан келса эди, алла-қачон бир ёғлик қилиниши лозим бўлган одамлар бизнинг саройда ҳам анчагина топилган бўларди...

Шундан сўнг беихтиёр унинг хаёлида осмонда қаторлашиб учиб кетаётган одамлар кўринди: олдинда соқолини ҳар ёкка тўзитиб ва кўзларини шохсоққадай иргитиб чалканча ҳолда сарроф учиб борарди, у ўзига илашиб олган Ёдгорбекни тепиб тушириб юбормокчи бўлар, сўнгра, бир-бирларига зўрга осилишиб, бош вазир, солик-ўлпон ишлари вазири, қози-калон, муҳрлар вазири ва бошка кўпгина сарой аъёнлари учиб кетмоқда эди, бу ажойиб ва ғаройиб турнакатор «сайёҳ»ларнинг энг кейингиси хоннинг ўзи эканлигини кўриб амалдорнинг капалаги учиб кетди; хон навбатдаги махфий маълумотни эшитаётганида каттиқ шамол уни тахтидан учириб олиб кетгандек сал энгашиброқ борарди; унинг тўни шамолда пуфакдай шишиб юкорига кўтарилар ва гавдасининг кизғиши-яшил гулли чоловор ичидаги пастки хунук жойи кўриниб турар эди... Шуларнинг ҳаммаси

хаёлда лип этиб кўринди-ю, ғойиб бўлди; хаёлида кўринган бу ғоят марокли ва ҳавфли нарсадан боши айланганини, кўнгли бир оз беҳузур бўлиб, қулоғи шанғиллаб кетганини сезган амалдор осмонда турнақатор бўлиб учиб кетаётгандарнинг энг кейингисига нисбатан ўз юрагида, қалбининг энг ичкарисида исёнчилик ҳислари тўсатдан қандай пайдо бўлиб қолганини, ақл ва фаросат бунга қандай қилиб йўл қўя олганини тушунолмай анча вакт йўқолиб ва ғўнғиллаб турди. Кейин бу туғён, хушбўй атири ҳидига ўхшаб, ғайри жисмоний йўл билан, сўзлар ёрдамисиз ҳам одамдан одамга ўта олар экан, деган хулосага келди; шу ўринда фикрлари фолбинга бурилди: «Ўз жодугарликлари билан хаёлига бундай ёмон фикрни солган, албатта, шу! Бу умуман ҳавфли одам: жуда кўп нарсани билади, кишиларни осмонда бир жойдан иккинчи жойга олиб юради... Керакли ишларимни қилдириб олишим биланок, дарҳол эҳтиёт чорасини кўриб, уни йўқ қиласман!»

Амалдор кетгандан кейин кўприкдагилар узок вакт жим қолишиди, сўнгра фолбинлар қўлларида ҳадялари билан бирин-кетин Ҳўжа Насриддин олдига кела бошлиашди. Қилган даромадларига караб, баъзилари унинг олдидаги шолчага эллик ва бошқалари етмиш танга, учинчилари эса, ундан ҳам ортиқ пул ташладилар. Ҳўжа Насриддин ўзи эгаллаган ўрта даражали янги мансаби олий амалдорларга уларни хотиржам қилувчи ваъдалар бериш ва ўз итоатидаги кишилардан пора олишдан иборат икки асосий хусусияти борлигини шу тариқа биринчи куниёқ билиб олди.

Калла суюгининг эгаси бўлган чол унинг олдига энг кейин келди, индамасдан шолчага ҳаммадан кўп пул — бир юз эллик танга кўйди. Шу он унга караган кишининг раҳми келарди, ишлари чаппасига кетганидан юрак-багри ёниб, бирданига озиб колган эди. Чол сир бой бермай кеккайиб, такаллуфсиз турса ҳам, ҳамма унинг хафалигини кекса кўзларига тушган лойка ёш томчисидан сезиб турарди. У энг қимматли буюми бўлмиш сеҳрли калла суюгини эрталаб қум билан ишқаб тозалади, мой суртиб ялтиратиб, кўринарли жойга кўйди; энди унинг бутун умиди, энг сўнгти таянчи ана шу калла суюги эди.

Ҳўжа Насриддиннинг раҳми келиб, чолнинг пулинни унинг олдига суриб кўйди:

— Ўзингизга бўлсин... Керак эмас.

Чолнинг аччиғи чикди, ғазабдан кўзлари ўтдай чакнади;

— Камлик қиладими? Бор-будимни тортиб олдинг, сенга бу камлик килгандай калла суюгини ҳам тортиб олмоқчимисан?

— Кераги йўқ,— деди секингина Хўжа Насриддин.— Пулларингизни олинг. Калла суяги ҳам ўзингизга буюрсин, ҳеч нарсангизнинг кераги йўқ, ҳозир сизға фол очмоқчиман.

Чолнинг жон-пони чиқиб кетди:

— Сен менга фол очмоқчимисан? Шу кўприкда кирк йилдан бери фолбинлик қилувчи кишига-я? Сеҳрли калла суюгининг эгасига-я? Ёлғон фолларинг билан кеча ҳаммамизни шарманда қилдингу, тағин менга фол очмоқчи бўляпсанми?

— Ҳар ҳолда фолимга кулоқ солинг.— Хўжа Насриддин хитойча китобини очди:— Хафа бўлаверманг, қайғу-аламларингиз вақтинчалик. Шу ой ичидаёқ аввалги ҳурмат-обрўингиз ва даромадларингиз ўзингизга қайтади. Ҳузур-ҳаловатларингизни бузган, баҳтингизни ўғирлаган киши баҳор кунларидаги эрталабки туман сингари ғойиб бўлади ва кўприкда ўтирганлар уни узок вактларгача эслаб юрадилар. Унинг номини билиб олишганда эса... хайр, гапни шу ерда тўхтатамиз, хитойча ҳарфлар жимирилашиб, ўқиб бўлмайдиган бўлиб коляпти.

Чол ҳадиксираб Хўжа Насриддинга кўз кирини ташлади-да, бу янги бош фолбин мени масхара қиляптимикин ёки тўсатдан бошига кўнган баҳт куши туфайли ниҳоятда севинганидан жинни бўлиб қолиб шундай деяптимикин, деган хаёлга борди. У коронғи токчанинг энг ичкарисига кириб олди-да, ковоғини осилтириб, ўшшайганча жим ўтириди.

Лекин у ерда чолнинг бошига янги кулфат тушди, кечагина қўл ковуштириб хизматини килиб юрган кишилар бу кун унга ҳар хил масхараомуз пичинг ва таъна гаплар ота бошладилар.

— Ҳой, фолбинлар сардори!— қичкиришарди улар, чолни калака килиб кулиб.— Сиз нима учун ўз ҳиссангизни, даромадимизнинг ўндан бир қисмини йигиб олмаяпсиз?

— У бу ишни эртага колдирмоқчи!

— У ўзига даромадларимизнинг ярмини бек жанобий олийларининг ҳадя қилишларини кутяпти!

— Йўк, ундаи эмас, у бош фолбинликдан безор бўлгани учун ўз ихтиёри билан бу мансабдан кечган.

Бу кишилар пасткаш, қабиҳ одамлар бўлганликлари учун бошка ҳамма одамларни ҳам ўзларига ўхшашиб деб ўйлар ва чолга ҳар ёқдан пичинг отиб бакиришларини Хўжа Насриддинга жуда хуш келар деб ҳисоблар эдилар. Улар хитойча китобга қараб очилган фолни эшитдилар ва пасткашлиқ табиатларига кўра бу фолни ёмон аҳволда қолган киши устидан кулиш деб тушундилар.

— Рўпарамизда тураверниб жонимизга теккан анави калла суюгинизни бир ёкка йўкотинг!— кетма-кет бакиришарди улар, янги бошликларига хушомадгўйлик қилиб.— Сиз уни одамники дейсиз, аммо маймуннинг калла сўяги эканлигини ёш болаем яхши билади!

— Албатта, маймунники!

— Бунинг устига, чиригани!

Чол ҳар қандай ҳакоратларга чидаса ҳам, лекин калла суюгини камситишларига сира токат қиломади.

— Эй, ноним кўр килгур заҳарли илон Ҳаким, илоҳи жувонмарг бўлгин, оғиз-бурнингдан қонинг келсин!— деди у бўғик овоз билан ўз токчаси ичидан.— Болалик чоғингда корнинг оч, устинг юпун ва афт-башаранг кирчир ҳолида шу кўприк тагидан топиб, ўғил қилиб олғанимни, боқиб, эгнингга кийим-кечак қилиб берганимни ва фолбинлик ҳунарни ўргатганимни эсла, шунча килган яхшиликларимга қайтарганингми бу? Ҳой, ичак-човоги осилиб, жигари чаёнларга ем бўлгур Одил, менга қара, бултур етти юз кирк тўрт танга қарзингни ўз ёнимдан тўлаб юбориб, сени қамчиланиш ва зиндонга тушишдан кутқазиб қолганим эсингдан чикдими?

Юзаки караганда важоҳатидан қабиҳ одам бўлган ва айғоқчиликсиз ўтмайдиган фолбинликдек ярамас бир иш билан шуғулланувчи ғаламис, озғин чолнинг бу сўзларидан Хўжа Насриддин унинг қалбида кишиларга меҳр-муҳаббат туйғулари ҳам борлигини кўриб ҳайрон қолди. Лекин чолнинг кўп ўтмай ўз мансабини қўлига олишини ва яхшиликни билмаган касбдошларидан каттиқ ўч олишини ўйлаб, уни ҳимоя қилмади.

Туш пайти яқинлашиб, қўёш қиздирар, том тепалари живирламоқда эди. Кўпприкнинг чор қирра тошлари тандирдай қизиган, фир этган шабада эсмас, дараҳт барг-

лари сўлиб, қушлар соя-сояга уриб кетган, чурк этган овоз эшилмас эди.

Узокдан ногора, карнай садолари, жарчиларнинг овози эшилди, жарчилар кўпприк устига келиб, хоннинг олий марҳамати ҳакидаги янги фармонни эълон килдилар. Фолбинлар кўрқа-писа бир-бирларига анқайиб караб олишди; уларнинг янги бошлиғи бирданига катта шов-шувга сабабчи бўлган эди! Хўжа Насриддиннинг ўзи ҳам шу фикрда эди: шов-шув катта, у Олий марҳамат никоби остида Эҳтиёткорлик тадбирини кўриш якнилашиб келаётганини дилдан сезиб туради.

Ўн саккизинчи боб

Хўжа Насриддин пойга бўлишига якин қолган шу кейинги кунларда сарроф отини топиб беришимни сўраб олдимга ҳадеб келаверса керак, деб ўйлаган эди.

Аммо бундай бўлмади, сарроф бир марта ҳам унинг ёлдига келмади. Кўнглидаги хафалиги шуҳратпастлигидан устун чикди, у энди пойгада энг катта соврин олишни ҳам, хоннинг мактоворнига сазовор бўлишни ҳам истамасди, факат касос олиш иштиёқида ёнарди. Маккор амалдорни фош этиш, пийпалаб ташлаш, ном-нишонсиз килиб юборишнигина орзу киларди! Айни вактда анави Фирибгар фолбинни ҳам йўқ килиб юборгудай бўларди.

Пойгада энг катта совринни амалдорнинг туркман отлари олди. Томошибинлар кўзини қувнатувчи чиройли отлар шамолда думларини ҳиллпиратиб, бошка отларни беш юз тирсак оркада қолдириб елдай учиб бордилар.

Пойгада енгиги чиккан отларни карнайларнинг кулокни кар қилгудек қаттиқ овозлари, сурнайларнинг чийиллаган товушлари ва катта-кичик ногораларнинг гумбурлаган садолари остида ясатиғлик тахта супа олдига олиб келишди, у ерда хон савлат тўкиб ўтиради. Туркман отлари бўйинларини эгар, типирчилаб сувликларини чайнар, туёклари билан ер тепинар, гўё яна пойга майдонига чиқариб чоптиришни сўраётгандай бўларди. Улар майдонни ўн иккى марта айланиб чиккан бўлсалар ҳам, нафас олишлари салгина тезлашди, холос, сағрин ва биқинлари терламади, пайлари қалтираб ирғиб чиқмади.

Хон отларга қараб роҳатланарди.

Оркада тиқилишиб турган сарой аъёнлари қойил қолиб пичирлашардилар.

Амалдор ғалаба шодлигини ичига сиғдиролмай икки қўлни белига тирав, елкаларини кўтарар, мўйловини бурав, учлик пошналарини ўйнатиб гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга эгилиб қарап эди.

Хон жарчиси тахта супа чеккасига чиқди, ҳаммани жим бўлишга ундан қўлни кўтарди.

Карнай, сурнай ва ногора садолари тинди, тахта супа олдига ёпирилиб келган оломон жим бўлди.

— Кўкон ва бошқа пурнеъмат ўлкаларнинг энг марҳаматли хони ва офтобдек нурафшон ҳукмдори, шаън-шавкати бутун жаҳонга сайқал бериб турган шаҳаншоҳи олам, олло таолонинг севган бандаси ва пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалломнинг ер юзидағи ҳалифаси...— деб гулдураган овоз билан фармонни ўқий бошлади жарчи.

Хон сарой вазирига ишора килди, вазир жарчининг ёнига келиб, қўлидан фармонни олди-да, унинг тўртдан уч қисмидан зиёдрони тирноғи билан тагидан чизиб кўйди. Бу билан у, фармоннинг мазкур жойларини оладиган қўшимча маошим ҳисобига ўзим ўқийман деганди, жарчи одатдаги ўқишини тўсатдан ўзгартиришга кийналиб, тили тутила ва ғулдирай бошлади, сўнгра бир илож килиб, ҳалиги чизикдан пастдаги охирги сатрларга кўз югуртириди:

— «...амр килдиларки, отларнинг мислсиз чиройлиги ва чопқирлиги учун кирк минг тангадан иборат энг катта соврин...»

— Ҳимоянгизга сиғиниб келдим, адолат килинг!— тўсатдан оломон орасидан бироннинг дод-фарёди эшитилиб қолди.— Хон ҳазратларидан мен факир жабрдийдани ҳимоя килишларини ёлвориб сўрайман.

Хоннинг коши чимирилди. Сарой аъёнлари ташвишга тушиб, шивирлашиб колишиди. Шундай вактичоғлик пайтида дод-фарёд килиш! Утакетган беодоблик!

Оломон икки томонга тисарилиб, сарроғнинг тахта супа олдига бориши учун йўл очиб берди. Сарроғ салласиз, яланг оёқ бўлса ҳам, эгнига кимхоб тўн кийган ва кўкрагига яркиллама нишон такиб олган эди. У тирноғи билан юзларини таталаб, соколларини юлиб, ерга тиз ҷўкди, бошига тупроклар сочиб ёлвора бошлади:

— Ҳимоянгизга сиғиниб келдим, адолат килинг!

Бирдан амалдорнинг ранги оқариб кетди, ҳозир унинг кора мўйлови юзига ёпишириб кўйилгандай кўринарди!

— Урнидан турғизинглар! — аччиғланиб деди хон.— Бугунги хурсандчиликни дод-фарёдлар билан мотамга айлантираётган бу ярамасни ўрнидан турғизиб, ҳузуримга келтиринглар!

Миршаблар саррофни кўлтиқлаб, тахта супа олдига судраб келишди. Улар уни калта оёкларини ерга текки-зар-теккизмас зинадан югуртириб олиб чикишди.

Сарой аъёнлари саррофни таниб, баттар безовталандилар. Савдо вазири хоннинг қулоғига алланарса деб пичирлади.

— Бадавлат савдогар? — ажабланиб сўради хон.— Энг обрўли савдогарлардан? Ундаи бўлса нега бу аҳволда юрибди? Якинрок келтиришсин, майли, арзини эшитайлик.

Миршаблар саррофни якинроққа олиб келишди; у ўзини тутолмай миршаблар қўлида осилиб турарди, бир нарса демокчи бўларди-ю, лекин гапиролмасди, сокол мўйлови ўртасидаги калин лаблари товушсиз қимирларди.

Унинг сўзини хон, сарой аъёнлари кутишарди. Амалдор дами ичидан даҳшат-ла қараб турарди.

Бу орада туркман отларининг пойгада ҳамма отлардан ўзиб кетгани ҳакидаги хабар бозорларга, чойхоналарга ва карвон саройларга тарқалиб, Кесик бошлар қўпригигача етиб борди.

«Сарроф энди албатта келади,— деб ўйларди Хўжа Насриддин.— Пойгадаги энг катта совринни олишдан маҳрум бўлди, энди ўзининг бу заари устига кимматбаҳо отларидан кечиб кетмаса керак».

Лекин Хўжа Насриддин бу сафар ҳам янглишди, сарроф келмади. Унинг ўрнига битта яйдок бўш отни етаклаб отлик миршаблар келишди. Хўжа Насриддинни ушлаб яйдок отга миндиришди-да, ҳеч нарса демай бир ёқка чоптириб олиб кетишди, бу иш кўз очиб юмгунча бўлди, у ўзининг фол очиш буюмларини — хитойча китоби, ковоғи ва бошқа нарсаларини қопга солиб олишга ҳам зўрға улгурди.

Бош фолбиннинг токчаси бўш қолди.

Кўприкдаги фолбинлар ҳайрон бўлиб, анча вақт жим ўтиришди. Кейин улар орасида ҳар хил гумон ва баҳслар бошланди. Уни қаерга олиб кетиши экан? Зинданга олиб кетишимадимикин? Балки қатл қилишга олиб кетишгандир? Эҳтимол, яна қайтиб келиб қолар?

Аммо фолбинларнинг кўпчилиги уни дунёга қайтиб келмайдиган бўлиб кетди, деб ҳисобларди. Шошиб-пизишиб чолдан юз ўгириб бошқа томонга ўтиб олган учтахушомадгўй ўзларининг шошқалокликларидан ва айниқса чолни хафа қилиб калла суюгини масхара қилганикларидан каттиқ пушаймон едилар.

Чолнинг олдига ҳаммадан аввал у ўғил қилиб олиб, уйида кўп йил тарбиялаб ўстирган Ҳаким борди.

— Менга ҳомийлик кўрсатган донишманд ота, бу жой сизга захлик қилмайдими? — сўради у сохта меҳрибонлик билан.— Пахта тўшалган янги юмшоқ камиш палосимни сизга бера қолай, нима дейсиз?

Хушомадгўйликда ундан орқада колиб кетишдан қўрккан бошқа икки лаганбардор ҳам чолнинг токчаси олдига келди.

— Эй, доно устоз! — тилёғламалик билан бошлади биринчиси.— Кеча жуда бадавлат бир бева хотин менга фол очиргани келди. Бошига қийин, мушкул иш тушипти, мен нима маслаҳат беришни билмаяпман. Агар ижозат берсангиз, мен уни бугун келганида сизнинг олдингизга юборай, кўнгилдаги чигални сиз ёзиб беринг, фол учун берадиган ҳамма назр-ниёзини ўзингиз олинг. Сиз оқилу доносиз...

— Сиз тенгсиз билимдонсиз... — деб унинг сўзини илиб кетди иккинчиси.

— Ва юксак фикрлисиз! — деди шошиб биринчиси.

— Мана бу кароматли калла суюги эгасисиз! — деб хитоб килди иккинчиси.

Хушомадгўйларнинг учинчиси бўлган Ҳаким эса гап орасига лойик бир сўз қистириш учун орқада кийшанглаб пайт пойлаб турарди.

— Чексиз меҳрибонсиз! — деди у.— Кўп сир-асрорларни пайқаб оловчи эй табаррук зот, кеча ок кўнгиллик ва шўхлик билан қилган ҳазилларим беғаразлигини тушуниб, хафа бўлмасдан мулойимгина кулиб турдингиз...

Чол күз очиб қарамади, унинг қуриган лабларида қайғули табассум жилваланди. «Донишмандлик юкори мартабага минганиларнинг эмас, балки ююш одамларнинг фазилатидир!..» деган эски ҳакиқатга чол энди роппа-роса ишонганди. Лекин чолнинг донишмандлиги нодон ва жоҳил кишиларга бефойда сарф бўлганлиги унинг қўйндаги даҳшатли сўзларидан англашилиб турарди. Ў бундай деди:

— Ҳар қайсингизга ўз вақтида бир яхшилик қилганман, ҳозир ўша яхшилигимнинг жазосини тортияпман. Бу бевафо дунё шундай, бирорвга яхшилик килсанг, ундан ёмонлик қайтади.

Бу фикрин чолнинг ўзи ҳам, унинг сўзларини эшитиб турганлар ҳам том маъноси билан тушунмаган бўлсалар керак, чунки, борди-ю, бу фикр тўғри бўлган тақдирда ҳаёт тўхтаб колган бўлиши керак эди, аслида ҳаёт мурувватли ва роҳатбахш! Ҳаётга бўлган ишончини йўқотиб қўйган ёки умидсизликка тушиб колган шу чол сингари кишиларгина юкоридагига ўхшаш нотўғри хуносага келиб юрадилар.

Миршаблар Хўжа Насриддинни тахта супа олдига саррофдан ҳам тезроқ юргутириб чикариб, хоннинг оёқ томонидаги гиламга тиз чўқтиридилар.

Оддий фукародан яқин орада ҳеч ким йўқ эди, майдон четларида миршаблар колган битта-яримта томошабинларни ҳайдаб юрадилар.

Сарроф билан амалдор ўртасидаги қаттиқ даҳанаки жанг ҳозиргина тамом бўлганини Хўжа Насриддин биринчи қарашдаёқ тушунди, чунки иккаласи ҳам кипкизариб, терлаб кетганди, иккаласининг ҳам ғазабдан кўзлари чакнаб, қўллари калтираб турарди.

Жаҳли чикканидан хоннинг ўзи ҳам кизарниб кетган эди.

— То ҳали шу дамгача,— деярди хон паст бўғик овоз билан,— то ҳали шу дамгача ҳеч ким подшо ҳузурида бир-бирини ҳакоратлаб бу кадар беодоблик килишга ботинолган эмас! Боз устига халойик олдида, мингларча кишиларнинг қўзи олдида-я! Бир-бирларингдан разилона ўч олишларинг учун сизларга бошка бир вакт ва бошка жой топилмадими?— У хириллаб нафасини зўрга ростлаб олди.— Наҳотки, подшо ҳеч қачон бе-

малолгина ҳузур қилиб ўтиrolmasa ёки томоша кўрл-
маса, маккорона шикоят, фийбат ва иғволарингизни
эшитишдан наҳотки, лоакал бир соатгина фориғ бўл-
маса?

Шу пайт унинг кўзи Хўжа Насриддинга тушди.

— Буниси ким бўлди тагин?

— Фолбин,— деди савдо вазири.— Бу фолбин ўша...
ҳалиги...

— Каердан пайдо бўлиб колди? Нима учун бу ерга
келтирилган?

Вазирнинг рангида кон қолмади.—Хон ҳазратлари
уни ўзлари сўрок қилишни... жавобини ўзлари эшитиш-
ни... уни ўз қўзлари билан кўришни хоҳласалар керак
деган мулоҳаза билан уни бу ерга келтиришни буюр-
дим... Мен ўйладимки...

У гапидан адашиб, нима дейишни билмай сарой
аҳлларига мўлтираб каради.

Уни ҳеч ким мушкул аҳволдан кутқазишни ўйламас-
ди. Ҳамма жим.

— У мулоҳаза қилган эмиш!—хитоб қилди дарға-
заб бўлган хон.—У ўйлаган эмиш!. Ҳали замон яна
шундай бирор бемаъни нарсани ўйлаб топиб, бозордаги
ҳамма фаррошлар, мешкопчилар ва коровулларни мен
билан суҳбат қилдиргани олдимга олиб келсанг керак!
Модомики, бу фирибгар фолбинни бу ерга келтиришни
сен буюрган экансан, у билан ўзинг гаплашавер, мени
эса бундай ҳурмат ва шарафдан халос қилишингни сў-
райман. Фолбин лаънати отларни ё ҳозирнинг ўзидаёк,
менинг ҳузуримда муҳайё килсин! Еки ёлғончилигини
бўйнига олиб, дарҳол шу ерда, тахта супа олдида тегиши
ли жазосини тортсин!

Хон жим бўлди, норози қиёфада ўзини орқага таш-
лаб ёстиққа сунди.

Бу вакт Хўжа Насриддин сарроф билан кўз уришти-
риб олишга улгурган эди; сарроф жаҳл билан томоқ
кирди, яна бир тутам соқолини юлди, лекин бақиришга
ботина олмади.

— Фолбин!— деди савдо вазири.— Сен хонимизнинг
амрларини эшитдинг, энди гапни айлантирмасдан
ҳамма саволларимга тўғри, очиқ жавоб қайтар.

Хўжа Насриддин гапни чўзмай тўғри, очиқ жавоб
берди. Ҳа, у отларни топиб беради. Ҳозирнинг ўзидаёк,
хон олдида дарҳол топиб беради. Шу билан бирга у сар-

рофнинг ўн минг танга суюнчи ваъда қилганини ҳам эслатиб ўтди.

— Ваъда килган эдингизми? — сўради вазир саррофдан.

Сарроф индамай, тўни остидаги чўнтағидан ҳамёнини олди-да, вазирга узатди.

— Фолбин, мана пул! — Вазир ҳамёнини силкитиб, ичидаги олтинларни жаранглатди. — Аммо сен бу пулни олиш учун, биринчидан, отлар қайдалигини айтиб берининг, иккинчидан, пулга сотилган деб зиммангта қўйилган айб нотўғрилигини исбот қилишинг керак. Модомики, сен отларни бугун топиб бермокчи экансан, хўш, айтиб бер-чи, нима учун кеча, аввалги куни ёки ундан илгари топиб беролмадинг? Нима учун отларни пойгагдан илгари топиб бермай, пойга ўтгандан кейин топиб бермокчи бўляпса!

— Сабаб Забиҳ юлдузларининг хосиятсиз жойлашганлиги... — деб қироат билан гап бошлади Хўжа Насридин ўзининг Бухородалик вақтида ёдлаб олган сўзларини такрорлаб.

Савдо вазири унинг сўзини бўлди.

— Эгаси тасдиклаётгандек шоҳимиз кўриб хурсанд бўла оладиган арабий отларни атайлаб топмаган бўлсанг-чи? Агар борди-ю, чиндан ҳам шундай шум ниятда бўлсанг, бу йўлга сени ким бошлади?

Савдо вазири шум ният ҳақидаги бу гапларни ўзининг эски ракиби амалдорга теккизиб айтди.

— Икрор бўл, фолбин! — бакирди у, умидворлик билан. — Астойдил икрор бўлавер: офтобдай нурафшон хонимиизга қарши шум ният билан иш қилишга сени ким уннади, ўзининг заҳарли ништарини садоқат пардаси остига яшириб юрган қабиҳ, маккор жиноятчи ким? Шуни айтиб берсанг, шунга икрор бўлсанг, гуноҳларинг кечирилади! Оладиган суюнчинг ҳам кўпайтирилади, шоҳимизнинг барча яширин душманларини фош қилиш йўлида мен ҳам мана шу ҳамёндаги пулга ўз томонидан икки минг танга, агар хоҳласанг, ҳатто уч минг танга қўшишга тайёрман!

Фикри-зикри амалдорни ер билан яксон қилиш бўлган савдо вазири ҳамёндаги пулга беш минг танга ҳам, ўн минг танга ҳам қўшишга тайёр эди.

Лекин унинг қархисидаги одам мурти чиқмаган ўспирин бола эмас, балки куч-кувватга тўлган ва сарой

амалдорларининг ўзаро фитна-жанжалларини кўраверип чиникиб кетган шахс эди.

Амалдор олдинга, таҳт томонга бир қадам юрди. Унинг кўзлари чақнади, мўйлови жангари филнинг узунтишига ўхшаб олдинга йўналган эди.

— Хон ҳазрати олийлари бу ерда нималар бўлаётганини кўриб ва эшишиб турибдилар! Пул вадда қилиб, кишини бирор айбга икрор килдиришнинг ўзи ҳам пора беришнинг энг ёмон кўриниши эмасми?

— Мен фолбинни хонимизнинг амрлари билан сўрок киляпман,— деб ўшқирди савдо вазири.— Шунинг учун ҳеч ким мени бирорга пора беришда ҳам, баъзилар сингари от ўғирлашда ҳам айблай олмайди!

— Эй парвардигори олам!— деб бақирди амалдор баланд пошнасини тўкиллатиб ўрнидан сакраб туриб ва қўлини осмонга кўтариб— Е малонкалар! Мен бундай ҳақоратларга нима учун чидаб туришим керак! Бу ҳақоратларни кимлардан эшиятпман? Юксак ишончга эга бўлиб юқори мансабга ўтириб олган ва лекин фукародан, масалан, ўтган йили бозордаги катта расталарни куришда ўз фойдасига ғайри қонуний соликлар ундириб олган ва юксак ишончдан шахсий манфаати йўлида фойдаланувчи кишилардан эшиятпман...

— Кайси соликлар ҳакида гапириляпти ўзи?— тутакиб кетди вазир, аммо амалдорнинг қайси солик тўғрисида гапирганлиги, ҳаммадан кўра яхши билганидан кўзлари хиралашиб кетди.—«Эҳтимол, муҳтарам шаҳар миршаблар бошлиғи миршабхона мезаналарини тузатиш учун берилган пулларни айттаётган бўлсалар керак. Бу иш учун берилган пулларнинг ҳаммаси охиригача сарфланган бўлса-да, мезаналарнинг биттаси ҳам тузатилгани йўк...»

— Миршабхона мезаналари!— чийиллаган овоз билан гапга аралашди шаҳар ободончилик ишлари бошлиғи.— Мезаналарни ўйлашдан аввал авлиё Ҳазрат майдонидаги катта ҳовузнинг тозаланиши ва кошинланишини ўйлаш керак! Ҳовуз нега тозаланмади, нега кошинланмади? Бу иш тўрт йилдан бери сурдалиб келяпти, хазинадан бу ишга тўрт марта пул чикарildи!

Унга хонликдаги ҳамма ариқ ва ҳовузларга мутасаддалик қилувчи бош мироб жавоб қайтарди ва гап орасида бозор майдонлари тош терилмай ўнқир-чўнқир бўлиб ётганини эслатди, бу сўзлар бойўғли кўз, чўтири

юз, қотма ва новча бозор назоратчисининг жаҳлини чи-
кариб юборди: у Қўконга келаётган аллақандай карвон-
нинг йўлда талангани ҳакида, Бухоро амирига юборил-
ган уч қоп олтиннинг Бухорога етмай дом-дараксиз
йўколгани ҳакида тупук сачратиб ва ҳуштак чалгандай
овоз билан бақириб гапира бошлади, шундан кейин
йўллар назоратчисининг ўткир овози эшитилди, у ҳали-
ги олтинни қароқчилар карвонга ҳужум килиб ўғирлаб
кетганлигини айтди; амалдорнинг қаҳқаҳа отиб кулиши
билан унинг баландпарвоз гаплари бўлиниб қолди,
амалдор бу қароқчилар ким эканини ўз айғоқчилари ор-
кали жуда яхши билиб олган эди, баҳс-жанжалга савдо
вазири суқулди, гапга яна бош мироб аралашди, унинг
кетидан бозор назоратчиси, хазиначи ва бошқалар ара-
лашди.

Бир минут ўтар-ўтмас супадаги одамлар дағдаға би-
лан бир-бирларини зўр бериб фош кила ва бир-бирлари-
га таъна тошларини ота бошладилар.

Сарроф ҳам, фолбин ҳам, йўколгани отлар ҳам бутун-
лай уларнинг эсидан чиқиб кетди.

Кип-кизарип кетган вазирлар ва юкори даражали
бошликлар ғазабдан чақнаган кўзларини чакчайтириб,
кўлларини мушт қилиб, тўнлари ичидаги терга пишиб,
бир-бирларига ўдагайлашар, бир-бирларининг соколи-
ни юлиб олгудай бўлиб бақиришар ва бўкиришар эди.

Аллаким сойга қаллоблик билан қурилган иккита
кўприкни эслатди, бу қурилиш хонга яхши маълум бўл-
ган эски иш эди.

Хон даҳанаки жангга аралашиб қолганини ўзи ҳам
сезмай, тахтида ўрнидан сал туриб кичқирди:

— Кўприклар эмиш! Сиз ўғри ва муттаҳамлар кўп-
рикларни гапирасиз-а! Бу кўприкларга йўнма тош тай-
ёрлаб бериш учун олинган пуррат-чи? Ҳа, Қодир, нафа-
синг ичингга тушиб кетди! Икки юз олтмишта чириган
терак тўсинни кайрағоч тўсин деб ўтказишга уриниш
текширишда билиниб қолгани-чи! Бу кимнинг иши эди,
кани, гапир энди, Юнус!

Бу даҳанаки жангни Хўжа Насриддин тинчитди.

• У фол китобини силкитиб, баланд овоз билан деди:

— Йўколган отлар ҳакидаги саволга фол китобим
жавоб бериб айтадики...

Унинг сўзлари саҳродағи ёнғин устига булутлар ичи-
дан чеълаклаб қўйилаётган кучли ёмғирга ўхшарди.

Дастлаб хон ўзига келди, аторфдагиларга хўмрайиб пазар ташлади.

Вазирлар, маслаҳатчилар, аъёнлар жим бўлиб колишди, таскин топмаган газаб-аламларини ичлариға ютиб, яна тахт оркасидаги жойларига келиб туришди.

— Эй, одоб-назокатни билмаган аплаҳлар! — деб гап бошлади хон, ҳансираਬ.— Сизларнинг бебошиликларингизга қачонгача токат қиласман? Бугунги шармандалик учун жазосиз қоламиз деб ўйламанглар, саройга қайтиб боришим биланоқ, нима қилишимни ўзим биласман! Сизларнинг касофатингиз билан мамлакатимда бўлаётган тартибсизликлар учун олло таолога нима деб жавоб беришимни билмайман, канча ҳаракат қилмайин, канча гамхўрлик кўрсатмайин, сизларнинг аҳмоклигинги, мактанджоклик, бузукчилик, ўзбошимчалик ва ўгриликларингиз туфайли барча уринишларим бекор кетмоқда! Агар сабр-токатим тугаб, бир куни ҳаммаларингни битта қўймай даргоҳимдан ҳайдасам ва ўгрилик билан ортирган мол-дунёларингни хазина фойдасига мусодара қилдирсан, нолиманглар! — У газаб ўтида ловуллаб турган юзини савдо вазиринга ўгирди:— Фолбинга айт, фол очишини давом эттирсин! Узининг фирибгар, ёлғончи одамлигини тезрок фош қилиб қўйисин-да, жазосини тортсан. Қани, айтсин-чи, отлар каерда экан?

— Фолбин, отлар каерда? — акс садодек овоз берди савдо вазири.

— Отлар шаҳардан ташқарида, Найманча қишлоғи йўлидаги бир ҳовлининг отхонасида турипти,— жавоб кайтарди Хўжа Насриддин.— Бу ҳовли иккита катта ариқ бир-бирига қўшилиб кетган жойда бўлиб, теваракатрофи боғ. Ҳовлининг гулдор нақшлар билан безатилган дарвозаси бор, у шу дарвозаси билан бошка ҳамма ҳовлилардан «мана ман!» деб ажралиб туради.

— Нақшлар билан безатилган дарвозаси бор! — қичкириб юборди сарроф.— Икки ариқ бир-бирига қўшилиб кетган жойда! Ахир бу ўзимнинг шаҳардан ташқаридаги ёзги ҳовлим-ку! Аммо ҳозир у ерда ҳеч ким турмайди, эшиклари михлаб қўйилган, у ерга отлар кандай қилиб бориб колиши мумкин?

Сарой аъёнлари саррофнинг сўзидан бошлари котиб, бир-бирлари билан пичирлашиб олдилар.

Шубҳани хон ўртадан кўтарди.

— Албатта, отлар у ерда йўқ ва ҳеч қачон бўлган

ҳам эмас. Фолбин бизни чалғитиб жазодан кутулиб қолиш учун гапничувалтиряпти. Уни савалаш учун камчиларни тайёрлаб туринглар, унинг ёлғончилитини аниклаш учун шаҳардан ташқаридаги бу ҳовлини одамлар юбориб текширтиринглар!

Найманчага бориладиган катта йўлдан чавандозлар от чоптириб кетиши.

— Албатта, у ҳовлидан ҳеч нарса топнишолмайди! Албатта, ҳеч нарса, ҳеч қандай от топилмайди! — деб гуриллашди хон орқасида турган сарой аъёнлари.

Лекин бу ердаги одамларнинг утаси — тахта супа олдида ўзини қамчи билан савалаш учун кўрилаётган тайёргарликка бепарво қараб турган Хўжа Насриддин ҳамда фолбиннинг ҳамма нарсани ҳайрон қоларли суратда олдиндан кўра олишини билган сарроф билан амалдор бошқача фикрда эди. «Менинг ўз ҳовлимда эмиш-а! — деб ўйларди сарроф, ҳар хил гумон тахминлардан боши айланниб. — Бу отларга ҳакиқатан бир бало бўляпти!» Амалдор эса баҳти бунчалик юришиб кетганига ишониш ёки ишонмаслигини билолмай, нафасини ичига ютиб жим котиб турарди. Оҳ, ишқилиб, фолбин янглишмаган бўлсин-да, ишқилиб, отлар ҳакиқатан ҳам саррофнинг ҳовлисидан топилсин-да! У вактда... амалдор нима қилишини ва нималар дейишини ўзи билади!

Найманча йўли шу ерга яқин жойда эди, сал вактдан кейин пойга майдонининг нариги бошида қайтиб келаётган отлиқлар кўринди.

— Олиб келишяпти! Олиб келишяпти! Ана менинг отларим! — қичқира бошлади сарроф ва ўзини йўқотиб қўйиб, отлиқлар томон югурди.

Лекин амалдорнинг имоси билан миршаблар уни зинапояда тўхтатиб қолдилар ва итаришиб яна тахта супага қайтардилар. «Ҳурматли Раҳимбой, шошманг, гапимиз ҳали тамом бўлгани йўқ!» деб шивирлади ўз ичидага амалдор, тантана қилгандай.

Отлиқлар яқинлашишди. Уларнинг бири оппоқ ва иккинчиси қалдирғоч қанотидай қоп-кора иккита яйдоқ отни етаклаб келишмоқда эди.

Юришлари чиройли бундай хушбичим отларни пойга майдонида ҳали шу дамгача ҳеч ким кўрмаганди!

Сарой аъёнлари орасидан ҳайратланиш ва қойил қолиб айтилган хитоблар эшитилди.

Сарроф титрар ва ҳамон зинапоя томонга интилар

эди, аммо миршаблар уни жойидан жилдирмай ушлаб туришарди.

— Муболағасиз айтиш мүмкінки, бу отлар дунёдаги эң чиройли отлардир! — деди хон.

— Тұғри гап, ҳақ гап! — тасдиқлашди унинг сұзини сарой атъёнлари.

Отлар тахта супа олдига келтирилди. Үртага жимлик үқуди: ҳамма бир-бирига бұлған адоваратини эсідан чикариб, чиройли арабий отларга маҳлиә бўлиб қолди.

Шу пайт яна саррофнинг дод-фарёд қилгани эши-тилди:

— Ҳақиқат ва адолат қилинг!

Оломон ҳаракатга келди. Хон афтини буриштириди:

— Бу шилким олиб сотарга яна нима керак? У отларини топиб олди-ку, энди от-поти билан бирга йўколсин бу ердан!

— Менга ваъда қилинган суюнчи нима бўлди энди? — шоша-пиша эслатди Ҳўжа Насриддин.

— Фолбин эса, — деб унга қарамасдан қўшиб кўйди хон, — ваъда қилинган суюнчини олиши лозим.

Савдо вазири саррофнинг ўн минг танга пул солинган ҳамёнини ҳамма кўрсинг ва ичидаги пулнинг жаранглаган овозини эшитсин учун ҳамённи боши устида баланд кўтариб силкитиб турди-да, сўнгра Ҳўжа Насриддиннинг олдига ташлади:

— Фолбин, мана пулинг, ол, хон ҳазратларининг одиллигини кўриб қўй! — деди.

Аммо сарроф бир тарафдан калхатдай човут қилиб, ҳамёнга икки кўли билан ёпишиб олди.

— Олган пораси-чи, ҳазрати олийлари! — бакирди у башарасини хунук қилиб буриштиргани ҳолда Ҳўжа Насриддиннинг кўлидан ҳамённи тортиб олмоқчи бўлиб. — Мана шу разилона пора туфайли менинг отларим пойгага қатнаша олмади. Порага сотилган ҳам, пора берган ҳам — иккаласи шу ерда! — У ҳамёндан кўлини олмай, амалдорни ҳам, Ҳўжа Насриддинни ҳам кўрсатиб соқолини икки марта юқорига силкиди. — Эй пушти паноҳ, адолат қилишингизни сўрайман! Фолбин отларимни бугун шунчалик осон топиб бера олгани ҳолда, нима учун кеча топиб бера олмаганини, бу иши учун унга ким қанча пора тўлаганини гапириб берсинг! Ҳамённи бер, муттаҳам, сенга айтяпман, пулимни чўзиб қўй менга!

Сарроф ҳамённи жон-жаҳди билан каттиқ силтаб

ўзига тортганидан оёк устида туролмай чалканча ағдарилиб тушди. Хўжа Насридин ҳамённи қўлидан чикариб юбормаслик учун ноилождан унинг устига ағанади.

Тахта супа қасир-кусур қилиб кетди.

Сарой амалдорлари безовта бўла бошлиши.

Хон олдида одобсизлик бўлмоқда эди.

Миршаблар ёқалашувчиларни ажратиб қўйиши.

Ҳамён Хўжа Насридин қўлида қолди.

Сарроф хириллаб зўрға нафас олар ва юрагини ушлар эди. Мана, энди амалдорнинг навбати келди, қасос олиш, ғалаба ва тантана қилиш, душманини ер билан яксон этиш пайти келди. У шайланиб бир қадам олдинга чикди ва хон олдида дадил туриб, шундай деди:

— Энди ўз фикримни баён этишим учун менга ижозат беринглар! Бу сарроф мени пора беришда айбламоқда. Лекин аввал у бизга айтиб берсин-чи, унинг ўғирланган отлари шаҳардан ташкаридаги ўз ҳовлиси отхонасига қандай бориб қолди экан?

Сарроф бу кутилмаган саволга нима ҳам дея оларди? У чурқ этмай жим турди.

Амалдор энди баланд овоз билан хитоб қилди:

— Лом-мим деб жавоб бермаяпти-ку! Ҳакикий маккор қаерда бекиниб ётгани энди маълум бўлди. Ташки чиройига чопкирлиги сира муносиб тушмаган арабий отлари пойгода ғалаба козонишига шубҳаланиб қолганидан кейин шарманда бўлишдан қўркиб, отларини шаҳардан ташкаридаги ҳовлисига яшириб қўйиб, кейин уларни ўғирландига чикариб, бутун шаҳарга айюҳанос солган кишини нима деса бўлади! Шаҳардаги ҳамма миршабларни оёққа турғизиб, осойишталикни бузишдан, бу тантанали томошага беҳаёлик билан оёқ яланг ва салласиз келиб, энсанни котирадиган ёлғондакам дод-фарёдлар билан улуғ хоннинг кўнгилларини паришон қилишдан, мана шу кирдикорларнинг барчасидан кўзланган бирдан-бир максад ул ҳазрати олнига мендек энг содик, энг фидокор хизматкорни ёмон қилиб кўрсашибди!

Амалдорнинг овозида титрок пайдо бўлди, у чопонининг енги билан иккала кўзини артди ва юқорига қараб, сўзини давом эттирди:

— Буларнинг ҳаммаси ёвузлик эмасми? Агар иккимиздан бирнимизга хон ҳазрати олийларидан паноҳ ва адолат талаб қилиш керак бўлса, уни албатта, маккор-

ликларининг поёни бўлмаган мана бу сарроф эмас, балки курук туҳмат ва ҳақорат остида колган мен талаб килишим керак! Унинг эртага устимдан яна бошқа бирор шикоят билан саройга келмаслигига, мени дўконинг ўғриликка киришда ёки ундан ҳам баттарроғи — хотини билан ўйнашликда айбламаслигига ким кафил бўла олади?

Бу пухта ўйлаб, узокни кўзлаб, пайтини топиб айтилган гап эди. Амалдор ўзининг бу огоҳлантирувчи сўзларини хон эсида саклаб қолиши учун салгина кутди-да, сўнгра гапини тамомлади.

— Отларни ўғирлаган ким экан? Шунча кундан бери биз кидириб ҳеч жойдан тополмай юрган сурбет ўғри ким экан! Уни тополмай юрганимизнинг сабаби энди маълум бўлди, энди ўғрини узокдан кидириб юришнинг ҳожати йўқ, чунки унинг ўзи шу ерда, олдимиизда турибди. Ана у!

Шундан кейин амалдор улуғворлик билан бошини кўтарди, бутун гавдаси билан орқага ташланиб, кўлини олдинга узатди ва ранги бўздай окариб, гужанак бўлиб колган саррофни бармоғи билан кўрсатди.

— Отларни мен олиб кочганман?..— деб ғулдуради сарроф.

Катта шалоланинг товуши ўз якинидаги жилғалар овозини эшиткизмай қўйганидек, амалдорнинг товуши ҳам саррофнинг ачинарли, занф овозини босиб кетгани эди.

— Ана у!— деб бакирди амалдор.— Энди у менинг сўзларимни рад килиб кўрсин!

Шундай ҳолларда доимо бўлганидек, кўп кишилар саррофнинг хижолат ичida довдираб колганини, айборлигини рад килиб бўлмас далили деб, амалдорнинг баланд овоз билан ўшкириб гапиришини эса унинг ҳақли эканлигини тасдикловчи исбот деб ҳисобладилар.

Лекин бу жанжалда саррофга ён босган кишилар ҳам топилиб қолди, амалдорнинг душманлари бўлган бу кишиларнинг каттаси савдо вазири эди. Улар чувиллаб юборишли:

— Киши ўз нарсасини ўзи ўғирлайдими?

— Ишониб бўлмайдиган гап!

— Кўз кўрмаган ва кулоқ эшитмаган нарса!

— Бутун Кўконга маълум ва машҳур бўлган шундай ҳурматли одам-а!

Амалдорнинг тарафдорлари уларга қарши баб-бара-варига шовқин кўтаришди; аллаким одамни шубҳага соладиган жуда ғалати баъзи ўғриликларга Бухоро йўлида гўё қарокчилар томонидан ўғирлаб кетилган уч қоп олтинни мисол тариқасида яна эслатди, йўл қўрикчилари бош нозири яна ғазабланиб, тош терилмаган бозор майдонлари ҳакида бакириб сўзлай бошлади; авлиё Ҳазрат майдонидаги ҳовуз, миршабхона мезаналари, катта савдо расталари, ноҳак солик ва йигимлар эсга солиб айтилган гаплар эшитилди, хуллас, бир минут ўтмасданоқ, тахт атрофидаги олий амалдорларнинг бир-бирини фош этиши ва бир-бирига таъна-маломат қилиши қизиб кетди. Яна ҳамма сарой аъёнлари умумий жанжал-тўполонда бир-бирлари билан олишиб кетдилар, хириллаб, ҳансира, терга пишиб ва ғазабдан юзлари қизариб, бир-бирларига ҳамла қиласдилар. Хон ижирғаниб, заҳарханда килиб жим туради, у юзини секин бурди ва елкаларини пастга тушириб, такир дала-га қараб тахт устида ҳаракатсиз қолди.

Сарроф ҳам, отлар ҳам, фолбин ҳам, биринчи сафар-гидек, албатта, ҳамманинг эсидан чиқиб кетган эди.

Тахта супага вазмин, ёши кайтиб қолган бир миршаб чиқди, у миршаббошилардан эди. Бу миршаб кўп вактлардан бери хон хизматини қилиб соchlари оқарган, кўпни кўрган ва ҳамма нарсага кўникиб қолган киши эди; табиатида асло ёвуэлик бўлмаган ва бунинг устига жўжабирдай бола-чакаларини боқиш ташвишлари билан сикилган бу миршаб маҳбусларни ҳеч вакт керагидан ортиқ камчиламасди, якироғида бошликлар турган бўлсагина қамчига зўр берарди. У қимматбаҳо гиламдан аста юриб, сарроф олдига келди.

— Сарроф, отларингни олиб, уйингга яхшиликча жўнаб қол, бу ерда сенинг киладиган ишинг йўқ. Уларнинг жанжали ҳали-бери тугамайди.

Бошликлар бошқа томонга қараб тургани учун миршаб таомил юзасидан саррофни ҳеч бир оғримайдиган қилиб мушти билан орқасидан никтаб, зинапоядан пастга олиб тушди, унга отларини топширди ва иккита кичик миршаб ҳамроҳлигида уйига юборди: фолбинни ҳам худди шу тарзда жўнатиш учун кейин тахта супага кайтиб келди.

Аммо Ҳўжа Насриддин тахта супада йўқ эди: у доимо ҳеч кимга билдиримай бир ёкка кетиб қола оларди, бу

пайтда у пойга майдонининг нариги чеккасидаги тутзор соясида, оппоқ майда тошлар ва олтиндай сап-сарик күмлар устидан шалдираб оқиб ётган арикча бўйида эди. Япроқлар шилдирайди, кушлар сайрайди, бир сичкон югуриб ўтиб кетади, балиқчи сувни шапиллатади, осойишта кечкурунги сукунат кўйнидаги кўм-кўк осмон юзида булутлар саир этади. Хўжа Насриддин ташналиг билан арик лабига ётиб сув ичди, қуруқшаган лабларига ором берди, ювениб олди, кўйлагини кўкрагигача шимарди, яланғоч қорнига теккан салқин шабададан роҳатланиб юз-кўлинни артди. Қейин дала томонга ўгирилди. У ерда, тахта супада, дўзахнинг бикирлаб қайнаб турувчи қозонидагидек, талаш-жанжаллар боягидек кизгин давом этарди: кимхоб ва банорас тўнлар лип этиб кўринар, бир-бирига аралашиб кетар, медаллар, тўқалар, қиличлар яркирарди, бир-бирини фош килувчиларнинг шовқин-суронлари эшитиларди, бу шовқин-суронларнинг шиддати ҳатто шу ердан ҳам билиниб турарди. Хўжа Насриддин кулиб кўйди, белбоғидаги оғир ҳамённи ушлаб кўрди ва шабада эсиб, кушлар тинимсиз сайраб турган вақтда шошмасдан, катта қадамлар билан арик ёқалаб ўйноқи сув оркасидан юриб кетди.

Фол очиш буюмлари солинган қоп унга оғирлик килди. Йўлда Хўжа Насриддин атрофида қари дараҳтлар ўсиб ётган кичкина турғун кўлга дуч келди, бу сассик кўлдан ҳар хил чириндиларнинг кўланса ҳиди анкирди. Хўжа Насриддин соя жойга кириши билан оғир чивинлар гўнгиллаб, терлаган юзига, бўйнига, очик кўкрагига кўниб уни чақа бошлади.

Бу сербуток бир кекса эгри тут дараҳти олдиға бориб, унинг соясида корайиб кўринган катта ковакка копини тикиб, мушти билан пастроқка босиб кўйди. Елкасидаги юкидан қутулиб хотиржам бўлиб олганидан кейин ердан дўппайиб чиқиб турган сершоҳ кунда устига ўтирди; у шилқим чивинлардан ўзини кўриб, тут дараҳтига: «Эй кекса дараҳт, валдираб сиримни бировга очиб кўймагин. Қесик бошлар кўпригидаги бош фолбин бирдан каерга ғойиб бўлганини бутун шаҳарда факат сенгина биласан!» деди. Хўжа Насриддин ўзининг яширин сирини бу тут дараҳтидан кўра яхширок сақлай оладиган бошқа бирор кекса дараҳтни тополмаганди, бу дараҳт кўл атрофидаги ҳамма кекса дараҳтларнинг энг бадковоги, энг камгани бўлиб, одамларни ич-иҷидан

жуда ёмон кўрарди, чунки у ҳеч бир жойда кўнгли тас-
кин топмайдиган баъзи кишилардек бекорга жаҳонгаш-
талик килмай, совукдан ҳам, қаттик шамоллардан ҳам
кўркмай ер бағрига узун илдиз отиб, кўпдан бери ўзига
муносиб жойида мустаҳкам турарди.

Ун тўққизинчи боб

Хўжа Насриддин саргузашти ҳақидаги китобнинг
энг ажойиб саҳифаларидан бири унинг кекса тут дарах-
тига айтган шу гаплари билан тамом бўлди. Унинг ҳам-
ма ниятлари амалга ошди, саррофнинг пул соладиган
чарм халтаси унга очилди, у ўн минг танга солиғлик
ҳамённи амалдордан олган бошқа кичикроқ ҳамён би-
лан бирга белбогига оғир килиб қистириб олган эди.
Энди дам олиш тўғрисида ўйлашга тўла асоси борға
ўхшарди, лекин унинг бошига янги ташвишлар ёғила
бошлади.

Хўжа Насриддиннинг эртаси кунини қисқача қилиб,
харид қилиш билан ўтди, деб айтамиз. У болалар кўнг-
лига ёқадиган нарсалардан нимаики учраса битта қол-
дирмай ҳаммасини — бекасам тўнчалар, попукли этик-
чалар, кавушчалар, кўйлаклар, ўйинчоклар, қанду курс,
мева-чевалар, маржонлар ва кумуш узукчаларни сотиб
олаверди. Бу нарсаларни бир кўзи кўр ўғри катта қопда
орқалаб, унинг орқасидан буқчайиб бораради; ўғри қоп-
ни сотиб олинган нарсалар билан лиқ тўлдириб, бозорга
яқин тор кўчадаги бир бўш ҳовлига кўйиб келарди, бо-
зорга қайтиб келганида эса уни ярмигача тўлган иккин-
чи коп кутиб турарди.

Бозор қилиш давом этди. Қоп ташийвериб бир кўзи
кўр ўғрининг тинкаси қуриди. Ниҳоят, ноғоралар чалин-
ди, бозорда сўнгги бесаранжомлик, ғовур-ғувур кайна-
ди, ботаётган қуёшнинг пасайган иссиғида, шимолдаги
от бозоридан то жанубдаги хитой маҳалласигача бўлган
ѓоят катта серчанг жойда дўконларнинг оғир пештахта-
лари устидаги кўтарма эшиклар тарақ-турук ёпила
бошлади, дўконлар кулфланиб одамлар сийраклаша
бошлади, туялар ва аравалар тунашга жўнадилар, кар-
вон саройлар ўз дарвозаларини катта очиб уларни ку-
тиб олдилар, сон-саноқсиз ошхона ва чойхоналардан
чиккан хушбўй тутун ҳамма ёқни қоплаб олди, у тарка-

либ кетмай, осмонда қават-қават бўлиб муаллақ турарди, устки қавати күёш ёруғида нафис-саргиш ва остиқ қават тўк кўкимтири рангда кўринарди.

Хўжа Насриддин ва бир кўзи кўр ўғри сўнгги икки копни орқалаб, уйларига жўнашди. Хўжа Насриддин дўконларни бекитиш учун ноғоралар чалиниб турганда энг кейин сотиб олган кумуш узуклар шодасини дамбадам кўлида силкитиб, унинг жаранглаган нозик товуши билан бозор шовкинидан караҳт бўлган кулогини роҳатлантириб борарди.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Тўрахон бува сайили арафасида бўлган эди. Тор кўча байрам арафасидаги қийчув ва югуришлар билан тўлди. Хўжа Насриддин ва бир кўзи кўр ўғри олдига эшиклардан саккиз, тўқкиз ва ўн яшар болалар чопиб чикиб, юзларида сирли ташвиш билан ўзларининг кечиктириб бўлмайдиган муҳим ишларига шошилардилар. Баъзилари дўппиларини осиб қўйиш учун ҳар хил рангдор иплар олиб келишга ва иккинчилари эса бугун кила олмаган бирор савоб ишни топиб килишга ошиқардилар. Болаларнинг ташвиши ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам, улар йўловчиларга жаранглаган овоз билан:

— Ассалому алайкум, кечангиз хайрли бўлсин, эртага ҳамма ишларингиз күшойиш топсин! Копларингизни биз кўтариб ола колайлик майлими?— деб айтишини унутишмасди.

— Раҳмат!— жавоб қайтарарди Хўжа Насриддин.— Бу кеча ишларингиз ўнгидан келсин, кўнглингиздаги бутун мурод-мақсадларингизга етинглар! Энди копларимизни кўтариб кетишга келганда, ҳар биттасига учтагиз бемалол сиғадиган бу катта қопларни сизлар қандай кўтариб кета оласиз? Айтгандай, сизлар бизни кузатиб қўйишингиз мумкин. Тўрахон бува назарида бу иш копларимизни кўтаришиб олиб бориш ўрнига ўтаверади — гапимга ишонинг.

Болалар унинг сўзига хурсанд бўлишди ва кузатиб бориши. Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғри оёқ яланг ва пойафзалли, кокилли ва кокилсиз, пучук ва кирра бурунли, сепкилли ва сепкилсиз, қора, сарик, малла ва бошка тусдаги бир тўда сершовқин болалар орасида уйга етиб борди. Кумуш узукчалар шодаси худди шу пайтда аскатди — узуклар ҳамма болаларга етди, ҳатто иккитаси ортиб ҳам колди.

— Кечаси осиб қўядиган дўппиларингга ҳар қайси-
нгиз узукчангизни албатта солиб қўйинг,— тайинлади
болаларга Хўжа Насриддин.— Бу узукчалар қопларни
ташишда ёрдам берганингизни Тўрахон бувага билди-
рувчи нишона бўлсин.

Хўжа Насриддин ва бир кўзи кўр ўғри куннинг кол-
ган кисмини бўш уйда, ҳар-ҳар ерга уюб қўйилган этик-
чалар, тўнчалар, турли хил ўйинчоқ ва ширинликлар
ёнида ўтказди. Кечки таомни ҳам шу жойда, ботаётган
куёшнинг каҳрабо-қизғиш рангли фира-шира ёругида еб
олдилар.

Туп чўкди.

Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғрининг бун-
дан кейинги ишларини осмонда кенг туман доираси қўй-
нида жилваланган ойгина кўриб турди. Улар елкалари-
га қопни кўтариб атрофга аланглаб қараб, секингина
кимсасиз кўчага чикдилар, ойдинда кўча сеҳрли кўри-
нарди: ҳамма ёқни мовий коронфилик қоплаган, сувнинг
шалдираб оқиши эшитиларди, деворларга тушган соя-
лар сирли йўлакларга ўхшарди, бу коронғи йўлаклар-
дан Тўрахон буванинг ўзи, ёки авраси эски, йиртик-
ямоқ бўлса ҳам, лекин шоҳона астарига олмослар ка-
далган кенг кийимда машҳур халифа Ҳорун-ар Рашид
чикиб колаётгандек туюларди.

Хўжа Насриддин ва бир кўзи кўр ўғри елкаларидаги
юкни бўшатиб, кўлларида бўш қоп билан кимсасиз ўй-
ларига кўп марта қайтиб бордилар ва у ерда қопларини
лаш-луш билан тўлғазиб яна келдилар.

Одатга кўра бу кеча қулфланмаган ёки тамбалан-
маган эшиклар секингниа «Фийч!» этиб очиларди-
да, уларга Хўжа Насриддин ва бир кўзи кўр ўғри ки-
ради.

Баъзан бир кўзи кўрнинг сабрсизлик билан пичир-
лагани эшитилиб қоларди:

— Бу ҳовлилардаги тирранчалар дўппиларини қайга
яшириб қўйиши экан? Ҳа, айтгандай, узумзорнинг ҳув
анави томонини ҳам бир караб келай-чи.

Дўппилар хилват бир бурчакдан топиб олинарди;
баъзиларининг ичидаги Хўжа Насриддин берган кумуш
узук ялтираб турарди, шунда Хўжа Насриддин дўппича
эгасига аталган совғага унинг қопларни ташишдаги ёр-
дами учун бир бўлак ортиқ ҳолва қўшиб қўярди.

Кўклам кечалари киска, болалар учун тайёрланган

совгалар эса кўп эди: уларни дам олмасдан ташиб тамомлашга тўғри келарди.

Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғри бева хотиннинг ҳовличасига тонготардагина киришди, бу пайтда атрофни туман қопламокда эди.

Улар кейинги қоплардаги совгаларни қизариб турган шарқ томонга олазарак бўлиб қараб, елиб-югуриб тарқатдилар, чунки шарқдан, тоғ ва денгизлар орқасидан қуёшнинг заррин тўнига ўраниб ёп-ёруғ янги кун кириб келмокда эди.

Улар қопларни вактида ташиб улгурдилар; болаларга совға тарқатишни узоқ бир тор кўчада, яхшилаб супуриб ва тозалаб кўйилган боғчада тамомладилар, лекин уйғониб боғчада совғани кутиб ўтирган бир кичкина бола боғчадан ўзларини девордан ташлаб зўрга кутулиб чикдилар, чунки чидамсизлик билан ҳаммадан барвакт уйғониб, боғда совғани кутиб ўтирган бир кичкина бола ўз дўпписи олдида уларни ушлаб олишига сал қолди. Улар девор орқасида шабнам тушиб намланган откулок ва чакамуғ устида юракларни пўкиллатиб ўтирилар ва боланинг хурсандликдан шовкин-сурон кўтариб, соқин уйқудаги тор кўчани бир ондаёқ ғалаёнга соганини эшитдилар. Уларнинг тепасидаги баланд осмонда сайр этиб юрган окиш туман эрталабки майнин шабадада аста тарқалиб кетмоқда ва унинг орасидан тобора тиник кўм-кўк осмон кўринмокда эди, отқулоқлар йирик шабнам томчилари ялтираб ётган панжасимон баргларйни марварид қидируди балиқчиларнинг дағал кафтларидек ҳар томондан уларга чўзиб турарди.

Улар совға тарқатишга қайси кўчалардан борган бўлсалар, куёш енгил ва салқин нурларини сочаётганда яна шу кўчалардан юриб келдилар. Йўлда уларга ҳамма ҳовлилардан шодиёна овозлар эшитилди. «Оҳ, шарофатли кеча!— деярди бир кўзи кўр.— Оҳ, умримнинг бебаҳо туни!..» Хўжа Насриддин эса чарчаганидан гандирлаб кетмоқда эди.

Уларнинг ижарага олган уйи ҳали узоқ эди, аммо баъзи чойхоналар очилганди, чала уйқу чойхоначилар эснаб ва керишиб юриб ўчокларга олов ёкишмоқда, гилам ва палосларни қоқишимокда эди.

— У уйда ҳеч ким бўлмаганидан кейин энди у ерга кайтиб бориб нима қилдик?— деди Хўжа Насриддин, чойхоналардан бири томонга бурилиб.

Чойхоначи уларни ўз савдосини ҳаммадан олдин келиб бошлаб берган азиз меҳмон сифатида алоҳида ҳурмат билан кутиб олди: қиёмига келтириб хушбўй чой дамлаб берди, чойхона бурчагига улар учун иккита юмшоқ ўрин солди.

Ўринга ётаркан, Хўжа Насриддин деди:

— Агар Тўрахон бува ҳар сафар менга ўхшаб шундай чарчайдиган бўлса, йил бўйи ухлаши турган гап!

— Менинг эсимга эса Тўрахон бува мақбараси олдига ўтказган қаламчам тушяпти,— деди бир кўзи кўр.— Сиз қандай ўйлайсиз, қаламчам тутдимикин ёки тутмадимикин.

Хўжа Насриддин жавоб бермади: у аллақачон ухлаб колганди. Бошини кўя олган ҳар бир жойни ўз уйига айлантира билган бу хушчакчак жаҳонгашта ухлаб ётмокда эди. Сал вактдан сўнг бир кўзи кўр ҳам ухлаб колди. Бозорда турнакатор бўлиб кетаётган араваларнинг гичиллаши ҳам, чойхона олдидан ўтган тия карвонларининг кўнғироқ овозлари ҳам, кўй подаларини ҳайдаб борувчиларнинг «куррэй-куррэй!» деб қаттиқ қичкиришлари ҳам, ҳамма томондан, эшик ва тор кўчалардан бирданига чиқиб, катта кўчага тарқалган новвойларнинг шовкинлари ҳам — хуллас, ҳеч нарса уларнинг ширин уйқусини буза олмасди. Чойхонанинг атрофида ва тепасида ҳамма нарса оловдай кизиб, яркираб ва жимиirlаб туради, ер эрталабки соя-салқин кўрфазлардан жазирама куёшли океанга сузиб бормоқда эди.

Улар теварак-атрофдаги болаларни ва ҳатто катта ёшли кишиларни чулғаб олган хурсандчиликдан бутунлай бехабар ҳолда узок ухладилар. Одамлар Тўрахон буванинг кўйиб кетган соваларини бир-бирларига кўрсатишар, пичирлашар, ҳайрон колишарди. Бир ёки иккита ҳовлининг эмас, балки бирданига бир неча юз ҳовлининг боласига совға колдириб кетишдек бу ажойиб воқеанинг сабабини улар қандай тушунтира олардилар? Ота-боболарининг эътиқодларига таяниб, соддадиллик билан: демак, буларнинг ҳаммаси ҳақикат!. Рахмидил Тўрахон бува чиндан ҳам авлиё ва ўлмас бир киши деб тушунтирдилар.

Бу кеча аҳолида жуда катта таассурот колдириди. Балки кўп кишилар ўз дилларида бу кечанинг акс садоси ҳозир ҳам жаранглаб турганини билмасалар керак.

Бу кечада күпгина кўқонликлар дунёда ҳақиқатан яхшилик борлигига яна ишондилар.

Шаҳар ҳаяжонланар, одамлар бир-бири билан шиҷирлашарди... Бева хотиннинг торгина ҳовлисида эса ҳамма ўз хурсандлигини ичига ютиб сўзсиз юради. Бева хотиннинг учта ўғлининг ҳар бири ўз дўпписи ичидан олтин ҳисобида минг тангдан пул ташиб олди, бундан ташқари, улар учун ерга уч уюм қилиб турли хил совғалар қўйилган ва шабнам тушмасин деб устига яхшилаб латталар ёпилган эди (бу бир кўзи кўр ўғрининг иши эди). Бечора хотин бу тўғрида нима ўйлаши, нима дейиши мумкин эди? У ҳеч нарса ўйламади ҳам, ҳеч нарса демади ҳам, факат йиғлади ва яхшилик борлигига ишонди.

Узини ҳамма томондан сикиб ётган чорасизлик зулмати унинг назарида юрагида пайдо бўлган умиднинг, ўз тақдирини енгиллатишга берилган ёрдамнинг кенг ва ўткир нури билан тилка-пора бўлиб орқага чекинаётгандек кўринарди.

Тунги совғаларга катта ёшли кишилар ҳайрон қолдилар, болалар эса сира ажабланмадилар, чунки ўзларига кўпдан буён дўст ва ҳомий бўлиб келган Тўрахон бувадан улар бундан бошка ҳеч нарсани кутмаган ҳам эдилар. Болалар ўзларини яхшиликка ишонтириш учун мудътоҳ эмасдилар, чунки уларга ҳаёт билан берилган бу ишончга ҳали маккорона ёлғончилик путур етказолмаган эди, бу ишонч уларнинг қалбида энг дастлабки вактидагидай мусаффо чакнаб туради. Болалар тўпланишиб, боғлардаги юмшоқ барра кўкатлар устида айланиб ўйин қилишар ва қўнғирокдай овоз билан зўр бериб миннатдорлик кўшиқларини ижод этар эдилар:

Тегиб жануб шамоли
Олча оппок гуллайди.
Кўкдан күёш жамоли
Иситади кунларни.

Кушлар кўйлайди қувноқ,
Янграп гулдурак, сурон.
Кабрдан турад шу чок
Дилкаш бобо Тўрахон...

Ҳамма томондан ана шу күшик эшитилиб турган со-
кин тунда Хұжа Насриддин билан бир күзи күр үгри
Құқондан чиқиб кетдилар.

Улар тоғдаги күлни қидиришга жұнадилар, чунки
Хұжа Насриддинга унинг қаердалигини Құқонда ҳеч
ким айтиб беролмаган эди.

Бу вакт мобайнида әгасининг бирорта ташвишини
тортмаган әшак йұлдағыннан тез юриб борарди; Хұ-
жа Насриддин әгарда үтириб бир күзи күрга ҳасрат
қилди:

— Эшагим яна кепчикдай семириб кетди! Ҳадемай
юролмай қолса керак, уни бирор кирғизга сотиб юбо-
ришга тұғри келади.

Бояғи күшик эса ҳамон тұхтовсиз эшитилиб турарди;
уни бир боғда үйнаб юрган болаларнинг оғзидан бошка
боғдаги болалар, уларнинг оғзидан эса учинчи боғдаги
болалар илиб оларди, шу тариқа бу күшик боғма-боғ
күчиб юрарди:

Баҳорда вақт чопағон,
Түнлар мизғимай андак,
Ұғилларга у чопон,
Кизларга тикар күйлак.

Хұжа Насриддин билан бир күзи күр үгри сарой
майдони олдидан үтдилар, сарой майдонидаги зиндоғ-
нинг учта тешігідан күк тутунға үхшаш бадбүй дуд чи-
киб турарди, сүнгра улар Қесик бошлар күпргиғи ёнідан
үтишли. Хұжа Насриддин фолбинларни охирги марта
күриб қолыны учун иккі күлини әгарға тираб сал күта-
рилди. Бош фолбиннинг тахмони ҳамон бұш эди, лекин
чолнинг тахмони атрофида фолбинлар мулозамат билан
у ёқдан-бу ёкқа чопиб ивирсіб юришарди. Мой суртиб,
ялтиратиб күйилған калла суюғи ҳам узокдан күриниб
турарди.

Хұжа Насриддин әгар устида оғаның үтириб ва
бир күзи күр эса оёқ кийимини ечиб ҳамда иштонини
тиззасигача күтариб олиб, офтобда тагидаги шағал тош-
лар күриниб ётган жүшкін сой үртасидан кечиб үтди-
лар, нариги қирғок уларни ўзларига таниш күшик билан
кутиб олди:

Болалар ой нурида
Шириң тушлар күрган он,

Нафасни бүгінчі жазирама иссік катта ва тор күчалардан қутулиб шаҳар дарвозасидан ташқари чикканларида бирдан уларнинг күргагига шабада тегди, улар эркін нафас олдилар! Улар қаршиисида далалар ва йўллар ястаниб ётарди. Үнг томонда ҳам, чап томонда ҳам, тўппа-тўғрида ҳам йўл бор эди.

Бир кўзи кўр ўғри мўлтиллаб Хўжа Насриддинга қаради:

— Тўрахон бува мақбарасини зиёрат килмай, мен ўтқазган қаламчани кўрмай ўтиб кетаверамизми?

Ростини айтганда, Хўжа Насриддин мақбарани зиёрат қилишни унча хоҳламай турган эди, чунки қаламчани аллақачон куриб колган деб гумон қиларди ва бу ҳолни бир кўзи кўр ўғри кўрса хафа бўлади ва кўнглида эндигина пайдо бўлган эътиқоди пасаяди, деб хавфсиради. Шунинг учун унинг ялиниб-ёлворишларини оқибатсиз қолдиришга баҳона тополмай, мақбараға боришига рози бўлди.

Улар үнг томондаги ям-яшил қайрағочзорга бурилишди ва сал орада қайрағоч дараҳтларининг тангадай офтоб тушмайдиган салқин соясига етиб боришли.

Бир кўзи кўр ўғри сўзсиз бораради, оҳ тортарди. Унинг ички ҳаяжони Хўжа Насриддинга ҳам ўтди, дунёда ҳеч қандай мўъжиза йўқлигини билган Хўжа Насриддин ҳам юрагида ғалати эҳтирос ва ҳаяжон юз берганини сезди.

Унда бу эҳтироснинг пайдо бўлгани бежиз эмасди! У мақбара олдида барқ уриб гуллаб турган бир туп катта атиргулни куриб чўчиб тушди.

Бир кўзи кўр ўғри йиғлаб юборди ва кўз ёшларини оқизиб мақбара зинасига йикилди.

Иигирманчи боб

Ҳозир ҳам мақбараға, мозорга зиёратчилар олиб келган ўша жулдур чопонли чол шайхлик қилар эди. Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғрини у дарров таниди.

— Бу ерга қандай ўтиб келолдинглар, йўлда мираблар йўқ эмасми? Шаҳарда Тўрахоннинг номи билан боғлиқ қандайдир тўполон бор дейишяпти-ку.

— Кимга керак бўлса, ўтиб келолади. Ундаи одамга миршаб чўт эмас,— деди Хўжа Насридин мақбара эшиги олдида ялпайиб ётган ҳамроҳини кўрсатиб.

Чол якинроқ сурилди ва ичидаги кулгининг зўри билан силкиниб, пичирлади:

— Қаламча бу сафар, албатта кўкариб кетади дегандим, гапим тўғри чиқдими?

У ёшариб кетгандек бўлди, қадди букчайган қора юзли чолнинг кўзларида ўт чакнаб кетди. Унинг кўзлари шу қадар тиник эдики, бу кўзларга караган одам чолнинг кўнглида ҳеч қандай ёвуз ният йўқлигига амин бўларди.

— Ҳой, қари тулки!— деди Хўжа Насридин.— Мен ҳамма фирибларингни, ҳамма мугамбирликларингни биламан! Сен бу чиройли атиргул кўчатини қандай топдинг ва илдизларига зиён етказмасдан қандай қилиб бу ёкка кўчириб ўтқаздинг?

— Кўп тер тўқдим. Агар бу киши ўтқазган қаламчasi қуриб қолганини яна кўрса, унга ачинганимдан юрагим тарс ёрилиб кетган бўларди. Мана шунинг учун ўзим кичик бир мўъжиза яратмоқчи бўлдим.

— Сен яратган мўъжиза кичкина эмас, аслида дунёни шундай мўъжизалар кўтариб турипти,— деб жавоб берди Хўжа Насридин.

Бир кўзи кўр ўғри ётган жойидан туриб, мақбарамага кирди.

— Икковлашиб дуо-фотиҳа килишаверишсин,— деди чол.

— Икковлашиб? Макбарада яна бошка одам ҳам борми?

— Аллақандай бир девона хотин бор, чамамда, жинни бўлса керак. Айтишига караганда, Тўрахон бува унинг болаларига майдо-чуйда совғалардан ташқари, уч минг танга пул ҳам ҳадя қилиб кетган эмиш, шунинг учун у Тўрахон бува арвоҳига дуо-фотиҳа килишга келган экан. Эҳтимол, у туш кўргандир...

— Ота, куфр сўзламанг! Мен ҳозиргина шаҳардан келдим, қасам ичиб айтаманки, бева хотиннинг гапида битта ҳам ёлғон йўқ. Модомики, сиз ҳар куни неча хил мўъжизалар қўриб, ҳатто ўзингиз ҳам мўъжиза яратиб ўтирганингиздан кейин, мўъжизаларга ишонишни ҳам ўрганиб олинг-да, ахир!

— Ундаи бўлса, энди мўъжизаларга ишонаман,— деб минғирлаб қўйди чол, Хўжа Насридиннинг тики-

либ караб турганидан бир оз хижолат чекиб.— Балки. Тұрахон бува мен ухлаб ётганимда кечалари ҳақықатан ҳам айланиб юрар? Эхтимол, менинг ҳужратамга ҳам назар ташлагандир?

— У ичкарирокқа — сизнинг юрагингизга назар ташлаган.

Чол үйга чўмди ва хиралашган кўзлари билан макбара гумбази тепасидаги кўм-кўк осмонга қараганича узок жим туриб қолди, гумбаз устида жонсарак мусичалар дон ташиб у ёқ-бу ёққа патиллаб учиб юришарди.

Бева хотин Тұрахон бувага миннатдорлик юзасидан савоблик учун биронта етим болани ўзига тўртинчи ўғил қилиб асраб олмокчи.

— Бу ҳам мўъжиза!— деди Хўжа Насриддин.— Дунёда киши бирорга яхшилик килса, унга иккинчи бир кишидан яхшилик қайтишини, иккинчисига эса учинчи сидан яхшилик қайтишини энди ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз. Эзгулик кудратли, жаҳонда факат эзгулик тантана қиласди!

— Ҳак гап!— шивирлади чол юмшаб.— Сен билан учрашганимдан кейин менга айтган гапларингни жуда кўп ўйладим ва тўғри эканлигига икрор бўлдим. Аммо ўтмишдаги янгилиш фикрларим учун мени айблама, билиб кўйки, улар дарду аламнинг зўридан айтилган эди. Худо мени раҳмдил қилиб яратган: бошқаларнинг кулфат чекаётганини кўрганимда ўзим улардан кўра кўпроқ кийналаман. Бахтсизларнинг кўз ёшлидан ва аламдийдаларнинг оҳ-воҳларидан ўзимни қаёкка кўйиншими билмайман. Бир вактда мен ҳаётдаги шафқатсиз жабр-зулем ва ёвузликлардан кочиб бир неча йил узок бир хилват қишлоққа бориб турдим, у ерда тоғ кўлининг суви билан атрофдаги далалар сугорилар экан. Шарофатли йиллар эди! Чарчаган кекса кўнглим бир оз дам олди. Лекин кўп ўтмай, ёвузлик менинг орқамдан у ерга ҳам ўша кўлнинг янги эгаси Оғабек деган киши киёфасида етиб борди. Аждарҳодек қаҳрли ва чаёндек раҳмсиз бу даҳшатли маҳлук онадан туғилмай, балки зах жойдаги чирик дарахтда ўсадиган пўпанак сингари, ўта ёвузлик ичидан ўсиб чиққанга ўхшарди...

— Шошманг, ота, шошманг!— Хўжа Насриддиннинг юраги ўйнаб, нафаси ичига тикилди.— Оғабек деяпсизми? Тоғ кўлнинг эгаси? Сув учун қишлоқ аҳолисига

ҳаддан ташқари оғир солиқлар солған Оғабекни айтап-сизми?

Шу пайт Хўжа Насриддин тоғ ораликларида майин юнгли қоплонни узок кидириб тополмай ноумид кела-ётib суви муздек жўшқин жилға бўйидаги ҳўл кумда қоплоннинг ҳали ювилиб кетмаган изини тұсатдан кўриб қолган овчига ўхшарди.

— Ўша, ўша, худди ўзгинаси,— деб уҳ тортди чол.— Сен уни эшитганмисан?

— Бу кўлни у кимдан ва қандай қилиб олганини билмайсизми?

— Киморда ютиб олган экан.

Шундай қилиб, Хўжа Насриддин Оғабекни топди!

Биз Хўжа Насриддин ҳакидаги ўҳшатишимиизни давом эттирамиз: овчи қоплонни кўриб қолди. Унинг кўзи-га қамишлар орасидан ҳеч нарсани шитирлатмай лип этиб ўтган сариқ соя чалинди ва шабадада товланиб тебранган барглар орасида ва қуёшнинг олачалпак ёғ-дусида унга бошқача холлар ҳам кўриниб яна дарров ғойиб бўлди.

Хўжа Насриддин чолни қўлидан ушлаб, тутаб ётган гулхан ёнига, гиламга ўтқизди.

— Ўтиринг, ота! Бу ерга ўтириб кўрган-билганларингизни айтиб беринг. Мен сиздан кўп нарсани, жуда-жуда кўп нарсани билиб олишим керак. Ҳалиги айтган кўлингиз қаерда, қайси тоғда? Оғабекнинг афт-башара-си қанака? Еши нечада бор? Менинг бетоқатлик билан ҳовликиб сўрашимдан ажабланманг, буни шунчаки қизқсиниб бекордан-бекорга суриштираётганим йўқ, га-пимга ишонинг. Оғабек у ерга қандай келган экан? Ил-гари қаерда турган ва нима иш қилган экан?

— Бунча кўп саволингни қандай қилиб эсимда тута оламан?— деди чол.— Ошиқмай, битта-биттадан савол бергин, мен ҳам шошилмай пишик-пухта жавоб қайта-рай.

Эски ривоятларда айтилишича, бирор одам тўғриси-да гарчи ундан узок жойда бўлса ҳам орқаваротдан ёмонлаб гапирилса, унинг бурни қичиб бетўхтов акса урар эмиш. Оғабек ўз уйининг ҳамма эшик ва дераза-ларини тоғ томондан совук шамол кирмайдиган қилиб бекитиб қўйган бўлса ҳам, эҳтимол, ҳозир у каторасига камида эллик марта акса ургандир.

Лаънати Оғабек янглишганди: унинг учун хавфли

бўлган шамол, қасос ва интиком шамоли тоф тепалариндан эмас, водий томондан эсмоқда эди.

— Бугун бахт кулган кун! — деди севиниб Хўжа Насридин, саволлариға жавоб олиб бўлганидан кейин.— Тўрахон бува ҳаммамизга: бева хотинга ҳам, бир кўзи кўр ҳамроҳимга ҳам ва менинг ўзимга ҳам совға берди. Совғасиз факат сиз колибсиз, ота. Аммо бу иш ярамайди, мана бу сизга, олинг!

У зиндандан чикишида олган янги тўнни елкасидан олиб, чолнинг тиззасига ташлади.

Чол миннатдорлик билдириб, уввало тўнни олмайман дейишига қарамай уни олишга мажбур этди.

— Энди анави ортиқча тўнни нима киламан, нимага ярайди у,— деярди ҳайрон бўлиб чол, янги тўнни кийиб олгандан сўнг ўзининг йўл-йўл эски қуроқ чопонига синчилаб қараб. Унинг эгнидан ечиб ташлаган жулдур чопони одам либосига сира ўхшамасди.— Бундан тўшак килса бўлар... ёстиқ килишга ҳам яраб қолиши мумкин...

— Уни тутунга айлантиринг,— деб маслаҳат берди Хўжа Насридин.

— Тутунга? — тушунмай сўради чол.

— Албатта-да! Кўриб кўйинг, бунинг йўли мана бундай бўлади.

Хўжа Насридин чолнинг кўлидан жулдур чопонни олди-да, гулханга ташлади.

Бу ишга шамол ҳам кўмаклашди, дам ўтмай ҳамма ёкни тутун босиб кетди.

— Мана, иш тамом,— деди Хўжа Насридин, каттиқ йўталиб ерга ётар экан.— Қаранг, қандай чиройли тутун чикяпти, унинг рангини, сассиклигини кўриб кўйинг, тутун, хусусан бундай кўланса ҳидли тутун ҳамма вакт ҳам топилавермайди!

Чол эски чопонига ачиниб уҳ тортди, лекин ҳеч нарса килолмади, чопони ёнмоқда эди.

Шамолда йирокдан болаларнинг кўшиқ овози эшилди:

Илик, очик бир кунда
Совға олдик бахтиёр.
Шу содда кўшиқ, куйга
Номин кўшдик миннатдор.
Тинглаб куй жарангини
Яна кўзин юмар он,

Бу хушчакчак наврӯз куни
Бир жилмайсин, Тўрахон.

...Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғри Кўкондан анча узоклашганда осмонда биринчи юлдуз чакнади. Улар гарбга, тоғ томонга қараб бормоқдалар. Олдиларида корайиб кўринган бу улкан тоғларнинг эгри-бугри сирти ер билан осмонни бир-биридан ажратиб туарди. Осмон нимпушти рангли сокин нурафшон денгизга ўхшарди, унда саёз жойлари, қўлтиқлари ва ўроқ шакли кум уюмлари бўлган ажойиб оролчалар сингари енгил булат парчалари ёйнилиб ётарди. Эндигина чиқиб келаётган ёш, кўкимтири муз рангли ягона шаффоф юлдуз узокда ёруғ туман кўйнида сузиб юрган кема чирогига ўхшарди.

Кўп ўтмай коронги тушди, нурафшон денгиз ва унинг ажойиб ороллари кўздан ғойиб бўлди; осмонни сон-саноқсиз юлдузлар қоплади ва ҳаммадан илгари чиққан биринчи юлдуз улар орасида кўринмай кетди. Шундан кейин осмонга қизил шуълалар ёйилди, шом еган кип-қизил баркашдай ой кўринди, у тоғлар тепасидан сузиб ўтиб, хира қизғиш нури билан яна тоғларнинг эгри-бугри кунгираларини ёритди.

Салқин, тун шабадаси эса бошлади. Тўнсиз қолган Хўжа Насриддин совукдан жунжикар ва йўлдаги оромбахш кишлок чойхонасида чироқ кўринмасмикин деб, тез-тез эгардан кўтарилиб олдинга қаарди.

Шундай килиб, уларнинг учовлари — эшак, бир кўзи кўр ўғри ва Хўжа Насриддин янги сафарларини бошлидилар. Аммо бу кечада уларни ярим коронги тошлок йўлда учратсак эди, бизга бу узок сафарда улар ёнида кўзга кўринмай тўртинчи бир киши — Тўрахон бува ҳамроҳ бўлиб кетаётганини сезган бўлардик.

ИҚКИНЧИ ҚИСМ

Ҳамма нарсадан вокиф, оқил ва доно таңгри, ушбу боланинг менинг кўлим билан нажот топишига ёрдам бер!..

«Минг бир кечас»

Иигирма биринчи боб

Самарқандлик машҳур дарвиш Карим Абдуллоҳ кишиларнинг ички дунёсини тадқик қиласа экан, дунёдаги одамларнинг баъзилари коронги тун кишилари ва баъзилари эса ёп-ёруғ кундуз кишиларидир, коронги тун кишиларига ой ҳукмронлик киласи, ёп-ёруғ кундуз кишилари эса куёшнинг измида бўладилар, деган қарорга келган.

Мазкур дарвишнинг тушунтиришича, одамлардаги бу фарқ уларнинг қай соатда — ой чиққанда ёки куёш чиққанда туғилишларига боғлиқ эмиш, бир-бирига қарама-карши турган ва бир-бирига карши курашувчи бу икки сайёрадан қайси бирининг нури чақалоқнинг конига энг аввал кирса, бола умрининг охиригача ўша сайёрага содик бўлиб қолади. Ойдан инсоннинг конига совуклик ва сусткашлик, қуёшдан эса қайноклик ва жўшкинлик ўтади, инсоннинг бу теварагини ўраб олган дунё ҳакидаги тушунчаси ҳам шунга мувофиқ ё хира, тўманли ёки равshan, аниқ бўлади, дунё ҳакидаги биринчи тушунча барча нарсага сокинлик ва ғамгинлик туслини берувчи хира туман билан қопланган, шунга кўра инсонга ҳамма нарса, ҳатто ҳозир кўз ўнгига турган нарса ҳам ўтмишнинг сояси бўлиб кўринарди, у ўзини янгидан яшаетгандек, биринчи умрини такрорлаётган-

дек ва лекин худди туш кўриб ўтказаётгандек бўлади, дунё ҳакидаги иккинчи тушунча ғалаба келтирувчи ёрқин нур билан йўғрилган, унда ҳамма нарса аён, ҳамма нарса равшан кўриниб туради, нарсалар абадий яшайди, ҳеч нарса ном-нишонсиз бўлиб кетмайди, ҳамма нарса ҳаракат қиласи, қайнаб ва ранг-баранг товланиб турди; унда ҳаёт ҳукмронлик этади, у ҳеч нарсада ҳеч ким билан шерикчилик қилмайди, коронғи кечага ён бермайди, ҳамма нарсани ўзи учун саклайди, севган кишидан ҳар минутда қурбонлар талаб этади ва сал орада бунинг эвазига уни ғоят катта сахийлик билан юз чандон ошириб тақдирлайди; мазкур тушунчага кўра киши акл-фаросат ва файрат-шижоатини зўр бериб ишга солиши керак! Бу ёруғлик ва шуъла, ҳаракат ва садоларнинг серғалва оқимида яшаш осон эмас, лекин ҳаётнинг ўз ҳалол ва содик фарзандларига ҳадя қилаётган юксак мукофотлари жиҳатидан руҳ учун фойдаси кўп; унда кечаги кун билан эмас, балки факат доимо, ҳамиша бугунги кун билан яшалади, унда «бор эди» сўзи эмас, балки «бор» деган сўзгина мавжуддир, демак, ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган ўлим учун унинг эшиклари тақа-так берк!

Хўжа Насриддин чамаси, офтоб қоқ найзага келиб иссиқ авжига минган туш пайтда туғилган бўлса керак; у қуёш тафтида қизиган конини ҳеч қачон совутмади. Шунинг учун у умрида бирор марта ҳам туш вактида ухламаганлигидан қуёш гўё уни мис тоғора чалиб уйғотиб юборгандай бўларди, бунга жавобан унинг алангали кони бикирлаб қайнар, кўпириб ва мавж уриб томирларига отиларди, юрагини ҳаяжонга солиб, ўйнатиб юборарди... шундай чокда ухлаб бўладими!

Хўжа Насриддин тоғнинг бериги тарафидаги сўнгги қишлоқ чойхонасида уйқудан уйғонганида туш пайти бўлиб, нарида довонгача бирорта туар жой йўқ эди.

Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғри апил-тапил овқатланиб олиб йўлга тушишди.

Тоғларда арава йўллари йўқ, от ва эшак юрадиган сўқмоқ йўллар бор эди. Сўқмоқ йўллар илон изидай буралиб, айланиб боради, баъзи жойда кесишиб ўтгундай бир-бирига яқинлашади, юқоридаги сўқмоқ йўл билан пастдаги сўқмоқ йўлда бораётган йўловчиларнинг оралари икки соатлик йўл бўлса ҳам, баъзилари кўпинча бир-бирлари билан бемалол гаплашиб кетаверардилар.

Водий ва унинг боғлари, далалари, қишлоқлари тобора куюқ туман ичидаги колар, олдинда ҳамон ўша тоғ тизмаси, у кўл узатсанг етадигандек якин кўринарди, аммо узоклигидан унга ҳеч етиб бўлмас, пастки кисми копкора ва баҳайбат, юкори томони ок-бинафша рангда бўлиб, зангори осмонда эгри-буғри улкан чўққилар қад кўтариб турарди.

Эртаги кун эрталабдан бошлаб тор сўқмок йўл жар ёқалаб, тубсиз чукурлик устида уч тирсак кенгликтаги даҳшатли тоғ зинаси бўйлаб борди; куюқ туман тушиб, ҳеч нимани кўриб бўлмасди, бизнинг йўловчиларимизга ер оёклари остидан чикиб ёнламасига тўнтарилиб колгандай туюлди.

Хўжа Насриддин олдинда келмөкда эди, унинг орқасида гоҳо чап бикини билан тик ён бағирни гижирлатиб эшак йўртиб борарди, энг кейинда бир кўзи кўр ўғри кетмокда эди. Уларнинг кетидан пастдаги тубсиз унгурдан ўпирилиб тушган шағал-тошларнинг ваҳимали касир-кусури эшитилиб турарди.

Улар жар ёқалаб икки соатча юришди, сўқмок сеқин-аста кенгайди, ваҳимали унгур ўнг томонда қолиб, ўзининг окиш тумани билан энди йўловчиларнинг бошини айлантирмас эди, улар яна текис ерга чиқдилар. Муздек дарё гирдобрарни, кўпикларни ва сув остида гулдур-гулдур килиб юмалаган тошларни тор ўзанида бирбирига кориштириб ҳайқирганча оқиб ётарди.

Илон изидай йўл билан пастга тушиладиган тик қиялик ана шу ердан бошланарди, йўловчилар довонга етган эдилар. Туман тарқалди, уларнинг тепасида кишини мафтун этувчи ҳумоюн қушига ўхшаш кўм-кўк мусаффо тоғ осмони кўринарди! Осмон акл ҳайрон қоладиган даражада кўм-кўк тусда товланарди. Мана шу кўм-кўк осмонни кузатаркан, Хўжа Насриддиннинг фикричувалашиб кетди, у ерга солинган тўнига чалканча ётиб, кўксини муздек шабадага берганча ухлаб колди...

Улар довон ошишгач, кўп ўтмай тор сўқмок йўлдан чўпонлар пода ҳайдаб юрадиган сўқмок йўлга бурилдилар, бу йўл бутазор орасидан пастга томон тик тушиб борарди, ҳаво бир оз қалинлашиб илиди, атрофдан асал ҳиди келар, асаларилар гўнгиллаб, кора чигирткалар чирилларди. Сўқмок йўл пастга тобора тик тушиб борар, эшак дам-бадам сирғаниб кетар эди, Хўжа Насриддин

эса бир кўли билан буталарни ушлаб, иккинчи кўли билан эшагини торта туриб:

— Секинрок юр, сёкинрок юр деяпман, бўлмаса ҳамма ёғинг шилиниб водийга тушганча суюгинг қолади, холос,— деярди.

Пастга караб тик тушган бу йўлдан юриш оғир бўлса ҳам, лекин қисқа эди. Туш пайтида улар кўзлаган жойларига — Чорак қишлоғига борадиган арава йўлига чиқиб олишди. Такир ва қорамтири тошлок ён бағирлар тугаб, кўкаlamзор ён бағирлар бошланди, бу ён бағирларнинг у ер-бу ерида дам олиш учун чўқкайиб ўтирган катта ок кушларга ўхаш ўтовлар кўринар ва улар орасида ранг-баранг кўй подалари ёйилиб, ўтлаб юради.

Яна бир бурилишдан ўтилгач, уларга қишлоқ ва ундан бир оз четда кўл кўринди.

Хўжа Насриддинни ўз уйидан шайланиб сафарга чиқишига мажбур этган яккама-якка жанг ана шу ерда бўлниши керак эди. Ун икки бошли аждар билан олишиш учун жондан кечиб, токқа чиқиб кетганд қадимги афсонавий паҳлавонларга ўхшаб, Хўжа Насриддин ҳам токқа чиқди. Лекин бу сафарги аждар одам қиёфасида эди, паҳлавон эса тулпор от ўрнига қорни катта эшакча ми ниб олган эди. Аммо воқеаларнинг асл моҳиятини англовчи киши биздан кулиб, кўлидаги китобни бир чеккага йиғиштириб кўймайди, яхшилик билан ёмонликнииг тўқнашуви ташқаридан караганда кандай кўринмасин, уларнинг ўзаро кураши ҳаёт оқимини йўлга солувчи ан доза эканини тушунади. Теран фикрли Ибн Ҳаким бу тўғрида шундай деган эди: «Хайрли иш билан бадкорлик қачон ва қаерда, шоҳ саройи ёки бир кулбадами, шимолда ёки жанубда содир бўлганидан ва унга гувоҳлар бор-йўклигидан катъи назар, келгуси авлодларга таъсир килмай қолмайди. Яъни, ёмон ва эзгу ишларнинг аҳамиятсизи бўлмайди, чунки майда-чуйда нарсалар йиғилиб, жуда катта оқибатларга олиб келади...»

Кишлоқ катта эмас эди. Хўжа Насриддин ям-яшил боғ ва токзорларга, мўрисидан тутун чиқиб турган томларга караб, уни юз эллик хонадон келадиган қишлоқча бўлса керак, деб тахмин килди, тушли овқат вакти эди. Улар турган йўл шу кўкаlamзор ичига кириб, кўздан гойиб бўларди, аммо йўлнинг ўнг ва чап ёқасидаги тизилиб турган баланд теракларга караб, қишлоқнинг

нариги чеккасигача йўл қаерда, қайси томонга бурилиб кетганини кўриш мумкин эди. Бу йўл қишлоқнинг нариги чеккасигача бориб, кейин далага ва ундан паст-баланд ён бағирлар орқали водийга қараб кетарди. Тераклар орқасида пастак минора кўринар, ундан пешинги азон товуши эшитилиши лозим бўлса-да, сўфи кекса бўлганлиги ва овози пастлиги сабабли унинг товуши эшитилмасди.

Хўжа Насриддин кўл томонга қаради, кўл амири қовун тилигинга ўхшаш узунчоқ ботик жойда эди; нариги қирғоги тошлок бўлиб, боғларга туташ бериги қирғогида турли ўсимлик ва кўкатлар барк уриб ўсиб ётар, улар орасида қорамтири, сада шаклидаги кекса қайрағоч дарахтлари қад кўтариб турарди. Кўлга юқоридан бир жуфт жилға оқиб тушар, пастда эса далаларга сув берадиган арикнинг қуруқшаб кетган ўзани буралиб ётарди. Кўл билан қишлоқ ўртасида, бошқа боғлардан узокроқда тевараги баланд девор билан ўралган алоҳида катта бир боғ яшинаб турарди, унинг соя-салқин бағрида эса аждарнинг уяси — Огабекнинг уйи жойлашган эди.

— Мана, етиб ҳам келдик,— деди бир кўзи кўр ўғри.

— Шу ерда озроқ ўтирайлик,— деб жавоб берди Хўжа Насриддин.— Маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Йўл ёқасидаги бир харсанг тош ёриғидан муздек булок суви отилиб чикмокда, унинг устида қандайдир мўъжиза билан тошда томир отган ажойиб навниҳол бир терак ялтираган баргларини тебратиб турарди. Терак остини бакувват ёпишқоқ қўйтикан ўраб олганди, теваракда эса майса-кўкатлар барк уриб ётарди, тошлар орасидан оқаётган ариқ лабларидан кўм-кўк барра кўкатлар мўралаб турар ва ҳар қандай тошни ҳам парчаловчи ҳаёт қудратини кўз-кўз қиласарди. Эшак ўт устидаги думини ликиллатиб ер тепинди, афтидан, думининг учига ёпишган қўйтиканлар ғашини келтира бошлаган бўлса керак.

— Думингга тикан илаштиришга ҳам улгурибсанда?— деди ўпкалаб Хўжа Насриддин, эшакнинг думини ушлар экан.

Бу сафар вақтида эшакка ғамхўрлик қилишни бўйнига олган бир кўзи кўр ўғри қўйнидан ёғоч тарок олди ва эшакнинг думини тараб, ундаги тиканларни териб ташлай бошлади.

— Аттанг, бу кўл экан-да, у кўл бўлмай, ўгирилаб

кетишга қулайроқ бошқа бирор нарса бўлганда яхши эди,— деди бир кўзи кўр ўйланиб туриб, эшакнинг думини тозалаб бўлгандан кейин.— Мақбарани энг охирги марта зиёрат қилганимдан бери мен меҳрибон Тўрахон буванинг шуҳратини оширадиган яхши ишлар килиш учун ўзимда жуда катта куч пайдо бўлганини сезяпман ва бу ишларни тезроқ амалга оширишга шошиляпман.

— Яхши ишлар дейсану, лекин фикри-зикринг ўғирлик килишда. Мана, ҳозир кўл тўғрисида ўйлаганингда ҳам ўғирлик килиш пайдан бўляпсан, миянгга ундан бошқа нарса келмади,— деди унга жавобан Хўжа Насриддин.

— Оғабекнинг олдида тиз чўкиб ялинсак бўлмасмикин, зора раҳми келиб кўлни ўз қўли билан топширса?

— Ҳа, албатта, ўзи беради. Мана, бу ёқка қара.

Хўжа Насриддин чакаламуғлар ўсиб ётган чангальзорни кўрсатди, ўғри энгашиб, у ерда сарик капалакни тутиб еяётган катта ўргимчакни кўрди. Бу ўргимчак, ниҳоятда хунук эди, унинг тўқ-сарик бўғим-бўғим оёқлари бўлиб, орқасида бутга ўхшаш жигар ранг холи бор, силлик, таранг, юмалок оппоқ қорни йиринг тўлатилганга ўхшарди. Ўргимчак капалакни еб тугатди, уяди унинг курук териси ва жонсиз қанотларигина колди. Ўргимчак эса корнини қаппайтириб, қариқиз барги тагидаги пистирмасига ўрмалаб кирди-да, даракчи тўрини кўл сатҳида тутиб тургандай, уни олдинги оёклари билан кисиб олганича пайт пойлай бошлади.

— Энди тушундингми?— деб сўради Хўжа Насриддин.

— Бунинг тушунадиган нимаси бор? Ўргимчак капалакни еди, вассалом, бошқа ҳеч гап йўқ.

— Караб тургин, энди нима бўларкин.

Хўжа Насриддин бошидан дўпписини олиб бир нарса излаб чакалакзорга кирниб кетди, дўпписи билан ниманидир тутмокчи бўлиб бир неча марта уринса ҳам, ҳаракати бекор кетди, у излашда давом этди ва ниҳоят, излаганини топди. Чакқон ҳаракат килиб у ғўнғилловчи бир нарсани дўпписига қамаб олди.

Ушлаб олган нарсаси қовоғари эди. Қовоғарининг ҳам энг каттаси эди. У ёш, тажрибасиз қовоғари эмас, куч-кувватли қопчиғи тўла заҳар, олачипор, бамисоли қанотли йўлбарс эди. Хўжа Насриддин ёш новдани

пастга эгиб, дўппи ичидан қовоарини кўлига олди-да, уни у ёқ-бу ёкка ағдариб томоша қилди. Қовоари қорамтириш — шаффоф қанотларини пирпиратиб, газаб билан ғўнфиллади, аччиғланиб новданни тишлади, тез-тез қоп-кора даҳшатли найзаси чикиб турган гавдасини буқди, бу найза фақат чаён найзасигагина тенг келарди.

— Нима қиласиз уни? — деб сўради ўғри. — Еки Оғабекнинг иштонига қамаб қўймоқчимисиз?

Хўжа Насриддин жавоб кайтармай, яқинроқдаги шохдан ичидаги ҳеч нарса йўқ эски ўргимчак уяни олдида, у билан қовоарини қимирламайдиган қилиб ўради. Ғўнфиллаш тўхтади. Шунда Хўжа Насриддин қовоарини секингина ҳалиги хунук ўргимчакнинг уясига қўйди.

Ўргимчакнинг уяси эгилди ва қовоарининг кутулиш учун жон ҳолатда типирчилашидан титраб кетди. Даракчи тўр силкинди. Қариқиз тагида пусиб ётган ўргимчак сакраб чикди. Бундай ўлжа, эҳтимол унинг тузогнига ҳеч қачон илинмагандир! Жардан арконга осилиб ўтадиган тоғ овчиларига ўхшаб, ўргимчак ҳам даракчи тўрга чалқанча осилиб бир зумда қариқиз ўсимлигидан ўз уясига ўтиб олди ва ўлжага ташланди. Қовоарининг теварагидан айланиб, уни ёпишқоқ иплари билан ўрай кетди. Ниҳоят, ари чамбарчас ўраб ташланди. Энди уни бемалол тановул қилса ҳам бўлади. Ўргимчак тирсиллаган, таранг, силлик қорнини титратиб, жағларини керганча арига яқинлашди. Олдингисидан ҳам семизроқ капалак қўлга тушди-я!. У ўлжанинг устига миниб, жағини унга тўғрилаган ҳам эдики, ари ундан эпчиллик қилиб букилди-да, боплаб найза санчди: бу даф қилиб бўлмайдиган, ҳалокатли зарба эди. Ништар ўргимчакнинг қорнидан то орқасигача тешиб ўтди-да, бутун заҳрини унинг қорнига тўкиб чикди.

Мадорсиз ўргимчак уяда осилиб қолди, кейин унинг оёклари титраб бирин-кетин уясидан ажрала бошлади ва ниҳоят, ерга қулади-да, жон берди.

Ўргимчак уя эгасиз қолди.

Қовоари эса ўз кишанларини парчалаб, қанотларини ёзи ва намойишкорона ғўнфиллаб, кенг осмонга парвоз қиларкан, пастда вайрон бўлган уя билан душманнинг совуқ жасадини қолдириб кетди.

— Мен энди тушундим! — деди бир кўзи кўр ўғри, учиб кетаётган довюрак ботирнинг орқасидан қараб қолиб.

Улар энди бундан кейин қилинадиган ишлар рөжаси-
ни тұза бошлаши. Ніҳоят, улар қишлоққа турли то-
мондан кириб боришга карор қилиши. Кейинчалик
чойхонадами ёки бошқа бирор ерда учрашиб қолиша,
бир-бирларини танимаганга оладиган бұлиши. Колган
бошқа ишлар ұқида ҳозирча ҳеч нараса дейишмади. Бу
түғрида алоқида гаплашиб оладиган бўлдилар.

Хўжа Насриддин айилни тортиб, эшакка минди ва
одатича уни икки қулоги ўртасига чертиб, пастдаги ям-
яшил боғлар томон ўрттириб кетди.

Бир кўзи кўр ўғри булоқ ёнида қолди.

Иигирма иккинчи боб

Чорак қишлоғида яшовчилар ўз далаларини сугориб
турган бирдан-бир кўл Оғабекка эмас, наманганлик бир
зодагонга қарашли бўлган яхши вактларни эсдан чи-
кармагандилар. Тоғдаги кўлидан хабар олишга бирор
марта ҳам келмаган бу ниҳоятда бадавлат ва беғам зо-
дагон ўйин-кулги, кайф-сафо ва дабдаба билан яшарди
(у вактда у Сукут қилувчилар ва Вокифлар тарикати-
дан жуда узок эди), кўлни унинг номидан мусофири мўй-
сафид одам бошқаарди, бу мўйсафид доимо чойхонада
бўлар ва куйиб-пишиб дунёнинг камчиликларидан гапи-
пар эди. Сув ҳакини жуда кам олар, камбағал одамлар-
га сувни қарзга бериб: «Кейинча сув ҳакини беришини
эсингдан чиқармагин!» деярди. Бундай беҳуда майдар-
чыйдаларни ёдида сақлаш учун бошини қотириб ўтири-
масди, кимнинг ерини сугоришга сув берганини ёзиб
кўймасди ва қарздорлар кузда ҳосилни йигиб олганла-
ридан кейин қанча пул келтириб берсалар, уларнинг
ҳалоллигига ишониб олаверарди. Намангандаги хўжа-
йинга баъзи йил уч юз танга, баъзи йил ундан камроқ
юборарди ёки тушган пулнинг бир кисмини ўзига олиб
қолиб, бир кисмини доимо атрофида ўралашиб юрган
етим-есирлар ва бева-бечораларга садақа киларди. Тўғ-
рисини айтишимиз керакки, у бу садақаларни хўжайн
номидан киларди ва садақа олганларга бунинг савоби-
ни ўзига эмас, хўжайнга бағишлишни буюрарди. Чорак
қишлоғидан юборилган арзимаган уч юз тангани ва са-
дақа эвазига ҳаккига дуо қилаётганиларнинг узун рўй-
хатини олиб, наманганлик бой қулиб туриб, дўстларига

шундай деярди. «Кўлимни бошқарувчи ҳақиқатан ҳам мени ўтакетган гуноҳкор деб ўйласа керак, бўлмаса у мени гуноҳдан халос қилиш учун бунчалик кўп ғам емаган бўларди!»

Чоракликлар шу зайлда ташвиш ва ғавғолардан холи яшардилар, уларнинг ҳаёти ўнқир-чўнқирсиз текис йўлдан бораётгандай эди, корли тоғ орқасига ўтиб яшинингган енгил булутчаларга ўхшаб йиллар бирин-кетин ўтиб борарди, катта тўйлар бўларди, болалар туғиларди, умри тугаган чоллар қабристонга кўчардилар, уларнинг чойхона тўрида иззат-икром билан ўтирадиган жойларини эса ўзлари ҳам сезмай аллақачон мўйсафиид бўлиб қолган бошка чоллар эгаллардилар. Ҳаёти бир хилда тинч ўтган кишининг назарида кун жуда узайиб кетаётгандай туюлса ҳам ой ва йиллар ниҳоятда тез ўтиб борарди. Ҳаш-паш дегунча бир йил тамом бўлади, ниҳоят, таъбни хира килиб қуриб ётган кекса теракни кесиб ташлагунича орадан яна уч йил ўтиб кетади, теракнинг ўзи қаттиқ шамолда деворни ҳам бирга қулатиб ағнаб тушади, энди деворни тузатиш лозим, бу иш ҳам дарров бита қолмайди, деворни тузатишга бир қанча ойлар керак бўлади. Бу орада унинг соч-соколи тобора кўп окаради, шунинг учун қабристон фарроши уни кўрганда ҳар сафар унга қуюқ муомалада бўлади ва қабристонда мингбошининг ўзини дафн этса ҳам арзидиган яхши бир жой борлигини, бинобарин, қабристон тупроғига кўнишиб ерга илдиз отиб кетиши учун ҳозирданоқ ўша жойга бир ёш чинорни кўчат килиб ўтказиш маъқуллигини бир неча бор шама қилади.

Афтидан, ёвуэликнинг кора кучлари Чоракка бориладиган йўлни эсдан чикариб кўйган бўлса керак, қишлоқнинг осойишта ҳаётини ҳеч нарса бузмасди. Атрофдаги тоғлар уни шамолдан пана килиб турар, даҳшатли сел тошкинлари унинг далаларига заар бермасди, чорва молларга тушадиган ўлат Чорак қишлоғини четлаб ўтар, чигиртка ёпирилиб кеяган тақдирда ҳам, баланддан, бошка жойларга ўтиб кетарди. Осмон узра кечки шафак ёлқинланар ва кор чўккиларида ўзининг қизғиши ёғдусини колдириб сўнар эди; сўғининг минорада туриб айтган доимо бир хил, ғамгии аzon товуши кечки сукунат қўйнига, туман босган далалар ва намиккан боғларга, узок-узокларга ёйиларди. Тун ва унинг мовий рангда порлаши, булбулларнинг ноласи ва тунги ша-

молниг оҳ-воҳлари бошланар, боғларда ошиқ-маъшуклар дил розиларини айтиб унга жўр бўлардилар.

Балхлик дарвиш Шоҳиднинг қўйидаги сўзлари аламдан айтилган бўлса ҳам, айни ҳақиқатdir: «Ез ўтиб куз киради, кун ўтиб тун киради, хотиржамлик билан ёнбошлиб ётган кишини ҳам бало чоҳи кутади». Чорак қишлоғига ҳам бало келди, бу бало кўлнинг янги хўжайини Оғабек киёфасида келди.

Хўжа Насридин билан бир кўзи кўр ўғри булок ёнида Чоракнинг чиройли боғларини тепадан томоша қилиб ўтирган туш вактида қишлоқда жуда катта ғалаговур бўлаётган эди. Ҳамма эркаклар чойхонага тўпланганди, хотин-қизлар ҳовлиларда чувиллашарди.

Бугун Оғабек баҳорги иккинчи сувориш учун берадиган сувининг баҳосини айтди, бу сафар у сувнинг ҳаки учун пул олишни истамади: қишлоқда ҳамма ҳурмат қиласиган кекса деҳқон Мамадали аканинг қизи шаҳло кўз Зулфияни ўзига хотинликка беришни талаб этди. Чораклик мўйсафидлар Оғабекнинг ҳаёсиз бу талабини рад килдилар, Оғабек масхараомуз кулди ва ундаи бўлса, қишлоқ тўрт минг танга сув ҳаки тўласин, деди.

Тўрт минг танга-я! Чоракдаги ҳамма одамларнинг пулини бир жойга йигиштириб келганда ҳам ҳеч қачон бунча бўлмаган. Чоллар Оғабек олдида эрталабдан туш пайтигача ялиниб ўтирилар, улар жуда аянч аҳволда эдилар: эгниларида эски йиртиқ-ямок бўз чопон, оёғида сарғайиб кетган маймоқ этик, юзларини ажин босган, қаддилари букчайган бу кишилар қадоқ кўлларини қовуштириб турадилар...

Е Зулфияни денглар, ёки тўрт минг тангани денглар, деб сўзидан кайтмасди Оғабек.

Чоллар ноилож чойхонага қайтиб келишди.

Одамлар дарғазаб бўлиб, шовқин-сурон кўтардилар. Чоракликлар юзига гармсел келиб урилгандай бўлди, улар кўлларини мушт килдилар, юзлари корайиб кетди, кўзлари ғазабдан чақнарди. Улар авзойларидан паншаха, болта, кетмонларини кўтарганча, Оғабекнинг уйига ёпирилиб бориб, уни ер билан яксон килгудай бўлиб шайланиб турадилар.

Аммо бундай бўлмади. Улар шавкин-сурон қилсалар ҳам, Оғабекка шикаст етказмадилар, андиша қилдилар. Андиша ҳисси улардан бирининг қулоғига: «Оғабек сени ёстиқдошингни сўрамаяпти-ку! Сенга нима?» деса, ик-

кинчисига: «Худога шукур кил, сенинг кизингга кўз тикмаяпти» деб шивирларди, учинчисига эса: «Сен ўғлингга унашиғлик кизнинг эҳтиётини кил, бошқалар билан ишинг бўлмасин!» деб маслаҳат берарди. Шу зайлда Чоракликлар ҳовурларидан тушишди, юраклари даги ғазаб ўти сўнди, муштлари ёзилди, ерга карашиб қадлари букилди. Агар ҳозир Оғабек чойхона олдида кўриниб қолса, улар кечагидек эгилиб салом берган бўлардилар.

Зулфиянинг отаси Мамадали aka чойхона супасида қошларини чимирганча ерга қараб хафа ўтиради.

Ҳамма унинг сўзини кутарди. Бу кутишда кизингни беравер, деган маъно бор эди. Аммо ҳамма жим туарди, одамларнинг ҳар кайсиси бу сўзнинг бошқа одам оғзидан чикишини ва ўзини эса унинг гапига ноилож рози бўлган киши қилиб кўрсатишни хоҳларди, бу ўз виждонини алдашни эски усули эди. Мамадалидан ҳам курбон бериш, ҳам бу ишнинг ҳамма увол-чуволини ўз гарданига олишни талаб килишарди. Мамадали чорасиз аҳволда қолди.

Чойхонанинг тўридаги коронғи бурчагида Зулфиянинг куёв бўлмиши Саид ўтирганди, у жуда ёш, тақдирга тан беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Саид кекса Мамадали бари бир рози бўлишини биларди, у бошига кулфат тушганда мунграйиб қоладиган йигитлардан эмасди.

Сукут саклаш анча узокка чўзилди. Йигит токат килломади-да, коронғи бурчакдан ёрукқа чикди.

— Хўш, нега индамай турибсизлар? Оғабекнинг оғини қайси бирингиз олдин ўпасиз?— деб у Мамадалига юзланди.— Ҳой, ота! Якингинада сиз мени ўз уйингизда ўғлингиздек кутиб олмоқчи эмасмидингиз, ваъдангиз қайда қолди?

— Невлай, иложим қанча,— деб шивирлади Мамадали.— Биз ожиз кишилармиз, у бўлса оғзи катта бой.

— Сиз ожиз эмас, кўркок одамсиз. Юраксиз қўенсиз, сизнинг бўлган-турганингиз шу.

Саиднинг заҳар томаётган сўзларини эшитган Мамадалининг кўзидан тиркираб ёш чикиб кетди.

Лекин бошқа чоллар ранжиб хафа бўлишди.

— Эшитяпсизларми?— деди хитоб билан сарик юзли, барок кошли новча ва котма темирчи Умар.— Эшитяпсизларми, у бизни ҳакорат киляпти. Ҳаҳ, окпадар, кўрнамак!

Саид ота-онасиз етим бўлиб, чораклик чойхоначи Сафар уни чақалоқлигида боқиб олган эди. Темирчи шуни таъна қилди.

— Раҳмат, ўғлим, раҳмат,— деб гапни илиб кетди Ёрмат чол.— Яхшиликка боплаб яхшилик қайтардинг.

— Сен етимчани уйимизда боқиб, катта қилиб, қилган яхшиликларимиз эвазига сенинг айтадиган раҳматинг шу экан-да,— деб қўшиб қўйди наматчи Алим.

Ростини айтганда, Саидни топиб олган ҳам, боқиб катта қилган ҳам Сафар эди, бу ишга бошқаларнинг ҳеч қандай алоқалари йўқ эди, бу бечора етимчага сарик чакалари ҳам куймаганди; у вояга етганда эса, ҳаммалари унга ўзларини ҳомий қилиб кўрсатиб миннат қиласдилар. Сафар бўлса сабр килар ва ўзининг толеи пастлигидан куйиб миқ этмасди.

Агар Зулфия Оғабекка тегмайдиган бўлса, ҳар кимнинг рўзгорига зарар етиши, от, қўй ва сигирлари сотилиши аниқ бўлиб турган бир пайтда, Саид бу ҷолларга нима деб жавоб бериши ва уларнинг қарорини ўзгартириш учун важ топишга ожизлик қиласди.

Саид кўлинни силтади-да, ҳеч кимга қарамай, индамаганича чойхонанинг орка эшигидан кўчага чиқиб кетди.

У бу ерда ёлғиз эди, тошлоқ йўл офтобда бамисоли ёнарди, Саиднинг калта сояси оёклари тагида болаларнинг жун коптолклариdek думалаб борар, кўчадаги тилисиз девор ва тошлардан ҳам ҳеч қандай садо чиқмас эди. Саид хўрсинди-да, шундай совук бир кулги қилдики, агар уни бирор эшитса, беихтиёр кўкрагига туфлаб қўйган бўлар эди.

Йигирма учинчи боб

Бу пайтда Хўжа Насриддин эшагида Чорак боғларидан ўтиб, қишлоққа кириб келарди. У катта йўлдан юрмай, хилват тор кўчадан кела бошлади. У жазирама иссикдан кочиб, соярок йўлдан юриш мақсадида эшагини шу йўлга бурган эди. Лекин у содир бўлиши мумкин бўлган даҳшатли воқеанинг ўз вактида олдини олиш ва келгусидаги ишлари учун фоят зарур, кутилмаган учрашув рўй беришини кўзда тутиб бу йўлга бурилмаган эди.

Ярим кулаган девор ёнидан ўтиб кета туриб, у девор раҳнасидан қаровсиз қолган кичкина бир боғ ичига кўзи тушди. Эски бир тўнка ёнида белигача яланғоч бир келишган йигит чўккалаганча овоз чиқариб дуо ўқирди. Унинг орқасида эса тифи юкорига каратилиб, тўнка ёриғига тикиб кўйилган подачиларнинг узун пичоги каккайиб турарди. Пичок офтобда кўзни қамаштирас дара жада яркинади.

— Эй, худованди карим, ўзини ўлдираётган мен бечора бандангни кечир,— деб илтижо қиласарди йигит.— Майли, мен жаннатда чойшабингнинг гарди бўлай. Лекин бу дунёда қоломайман!

Менинг бошимга тушган ғам-кулфат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Эй, парвардигорим, менга унчалик каттиқ азоб бермагин. Мен ҳеч қачон ношукурчилик қилмаган эдим, энди бирдан-бир ва охирги шодлигимдан ҳам жудо қилмоқчилар.

Хўжа Насриддин бу ерда нима бўлаётганини фаҳмлаб, эшагини тўхтатди-да, йигитга сездирмай унинг орқасига борди, тўнкага тикиб кўйилган пичоқни суғуриб олиб ўтлар ичига улоктирди, ўзи эса ишнинг оқибатини кутиб тўнканинг устига ўтирди.

Йигит дуосини тугатиб, ўрнидан турди, гўё сувга шўзиётгандай, кўзларини юмиб, чукур нафас олди ва ниҳоят кулочини ёзиб, кўкрагини тўнкага тўғрилаб ўзини ташлади.

У жуда тўғри мўлжал олган эди; агар Хўжа Насриддин бўлмаганда, пичокнинг ўткир дами худди унинг юрагига қадаларди.

Лекин у боши билан Хўжа Насриддиннинг қорнига урнлди ва ўзини ўлган гумон килиб котиб қолди, унинг қўллари осилиб тушди, бармоклари ерга тегди. Бир дақика ўтди, икки дақика ўтди...

— Шу аҳволда қачонгача ётмокчисан?— сўради Хўжа Насриддин.

Инсон овози йигитни хайратга солди, бундан бўён у фаришталар овозини эшишишни кутган эди. У сесканиб кетиб, кўзини очди, ўзига эгилиб турган башарани — фаришталарга мутлако ўҳшамаган, офтобда куйган, чанг босган, қора ва чақнаб турган кувнок кўзли башарани кўрганида, унинг хайрати янада ошди.

— Мен қаердаман, сиз кимсиз?— сўради йигит заиф товуш билан.

— Қаерда бўлардинг? Албатта, ўзинг бормоқчи бўлган нариги дунёдасан-да. Мен мункарнакирман, сенга ўҳшаш ёш тентакларни жазолаш менинг ихтиёrimга берилган.

Йигит энди гапга тушуниб қолди, Хўжа Насриддинга миннатдорлик билдириш ўрнига, таъна қила бошлади.

— Мени нега ўлимдан кутқардинг, нега? Ерур жаҳонда менга ҳеч қандай жой йўк, энг арзимас баҳтга ҳам мусассар бўлмаган, фақат дард-алам, жафо чекиш учун яратилганман.

— Бу олам сенга келажакда нималар тайёрлаб кўйганини қаердан биласан?— деб унинг гапини бўлди Хўжа Насриддин.— Мана, мен қирқ беш ёшга кирдим, лекин мен ҳали ҳам ҳеч нарса билмайман. Сенинг ёшингда ўлимга рози бўлиш уят! Гапир-чи, нима бўлди ўзи, эҳтимол, ёрдамим тегиб қолар?

— Менга ҳеч ким ёрдам бермайди.

— Бекор гап, тирик одамга истаганча ёрдам бериш мумкин. Қани, нима дардинг бор, гапир.

— Нима, сиз Хорунар Рашидмисизки, менга тўрт минг тангани ҳадя қила олсангиз.

— Қиморда ютқазиб қўйдингми?

— Қалака қилиб ярамни янгиламасангиз-чи, э, мусофир одам.

— Қалака киляпманми? Йўғ-е, ўзимни ўзим қалака килсам қиласанки, лекин бирорвинг устидан зинҳор кулмайман. Менинг ҳеч ақлим етмаяпти; тўрт минг танга сенга нима учун керак бўлиб қолди?

— Бир қизни севаман...

— Тушундим, ҳаммасини тушундим. У бадавлат онладан, шафқатсиз отаси катта қалин сўрайпти, шундайми?

— Унинг отаси мендан ҳеч нарса талаб қилаётгани йўк, у қизи билан бирга баҳтиёр бўлишимизни истайди. Лекин бу ишга кўлнинг хўжайини Оғабек аралашиб қолди.

— Оғабек аралашиб қолди, дейсанми?— ҳайқириб юборай деди Хўжа Насриддин, йигитни чўчитиб юбориб.— Оғабек аралашган дедингми? Баҳting юришиб учрашиб қолганимизга шукур қил, йигитча. Қани, нима гап ўзи, бир бошдан гапир-чи!

Хўжа Насриддин қалбида ҳужумкорлик ҳисси жўш

ура бошлади, ҳали у Оғабекни кўрмасдан номини эши-тибок, ғазаби қўзиган эди. Шу пайт у ўзини ёш йигитдай сезарди.

Хўжа Насрииддин Саиднинг бизга маълум ҳикоясини тингларкан сўради:

— Суғоришга неча кун қолди?

— Үн кун.

— Вакт етарли. Хотиржам бўл, сенинг тенгсиз гўзалинг Оғабекка насиб бўлмайди. Бу ишга у аралашган экан, мен ҳам караб турмайман.

Саид мусофири кишидан борган сари ажабланарди, лекин айни вактда, унинг сўзларига ишонмасликнинг ҳам иложи йўқ эди:

— Ноўрин шубҳаларим учун мени кечиринг, лекин бу суғоришдан кейин яна бири, ундан кейин бошқаси келаверади. Ушанда Оғабек тағин менинг қайлиғимни ёки тўрт минг танга пулни, ҳатто, ундан ҳам кўпроқни талаб қиласди.

— Сен мени бу ерга ерларни ҳар бир суғориш бадалига Оғабекка тўрт минг танга ва ҳатто, ундан ҳам кўпроқ пул тўлаш учун келган деб ўйлаётган бўлсанг кепрак? Йўқ, биродар, мен бошқа мақсадда, бутунлай бошқа мақсадда, ҳатто бунинг аксини килиш мақсадида келганман. Буларнинг ҳаммаси кейинча бўладиган гаплар, ҳозир биз келишиб олайлик. Биринчи шарт шуки, сен мен билан учрашганингни, ўртамиизда ўтган гапларни ҳеч кимга айтмайсан. Дарвоке, ўзингнинг гўзал Саодатинг ёки Фотимангми унинг исмини билмайман...

— Зулфия,— деб пицирлади йигит.

— Барно Зулфиянгга бари бир айтасан, лекин уни огоҳлантириб кўй, ҳазил гап эмас, у оғзини оча кўрмасин. Иккинчи шартим...

Шу пайт Хўжа Насрииддин Саид орқасидан девор раҳнасида қўллари билан унга сирли белгилар кўрсатаётган ўзининг бир кўзли ҳамроҳини кўриб қолди.

— Иккинчи шартимни кейин айтаман, ҳозир эса жойингда жилмай ўтириш ва орқангга қарама.

Йигит бўйруқни тўла бажарди: гарчи, мусофирининг ким билан гаплашаётганига қизиқиши ич-ичини тимдалаб кетаётган бўлса ҳам у орқасига ўгирилиб қарамади, вужуди умид ва шубҳалар, ваҳима ва шодликлардан қалтираётган Саид: «Бу мусофири нима ҳакида ва ким билан гаплашяпти?» деб хаёл сурарди, лекин орқаси-

дан эшитилиб турган тұнғиллашга канчалик кулок сол-
масин, сұзларнинг маъносини англаб етолмади.

Хўжа Насриддин билан бир кўзи кўр ўғри эса кутил-
маганда керак бўлиб колган пул ҳакида гаплашишмок-
да эдилар.

— Тўрт минг-а! — деб хитоб килди ўғри. — Ахир, бу
тоғларни этагидан чўққисигача бутунлай титкилаб чик-
канда ҳам, атиги кирқ танга топиш амри маҳол.

— Кўконга қайтишингга тўғри келади.

— Е шафқатли худойим!

— Сен Кўконда керакли тўрт мингни топасан ва бу
ерга олиб келасан. Бориб келишингга олти кун керак.
Кўконда уч кун турасан, шундай қилиб, шу кундан бош-
лаб, тўққизинчи куни шу ерда бўлишинг керак.

— Шу кундан бошлаб-а? Демак, мен бир соат ҳам
дам олмасдан дарҳол оркага қайтишим керак экан-да!

— Ҳа, дарҳол ва худди шу ернинг ўзиданок.

— Е Муҳаммад пайғамбар! Бунинг устига агар мен
бу пулни одатдаги усуслар билан топсам, яна эзгу ва
лиёнатли йўлдан озган бўламан-ку.

— Шундай қилки, сен топган пул ҳалол йўл билан
топилган пул бўлсин.

— Ҳалоллик билан топилган пуллар! Тўрт минг!..
Е Каъбатулло, ё Макатулло, эй имонимиз паноҳи! Ҳа-
лоллик билан топилган пуллар қандай бўлишини мен
кўз олдимга ҳам келтиролмайман. Бирор мачитда ўти-
риб, садака сўрашим керакми дейман?..

— Мен айтдим, сен эшитдинг. Меҳрибон Тўрахон
бува ҳурмати, кўрсатадиган жасоратли иш сени Кўкон-
да кутиб турибди. Оқ йўл!

— Яхши дам олинг! — деб ланжгина жавоб қайтарди
бир кўзи кўр ўғри хаёлан Хўжа Насриддин билан алла-
качонлар салқин чойхоналар гаштини ва савобли ишлар
ҳакидаги суҳбатларининг лаззатини сурар экан, шундан
сўнг у орқасига қайрилди-ю, келган йўлига караб кетди.

Унинг таъби жуда хира, аччиғи чикқан эди, лекин
Чоракка бошқа қайтиб келмаслик, Хўжа Насриддинни
алдаш тўғрисидаги фикр унинг хаёлига ҳам келмади;
майда-чуйда кўп гуноҳлар килган бу ўғри катта ишлар-
да ишонч козонган эди, у кишилар билан дўст бўлиб
юриб, кейинча ким каттикроқ дўк урса, кўрқоқлик қи-
либ, унинг сирини душманига айтиб қўядиган айрим бе-
гуноҳ кишиларга ўхшамасди.

Хўжа Насриддин Сайднинг ёнига қайтиб келди.

— Энди менинг иккинчи шартнимни эшишт: сен менинг кимлигимни, сизларнинг кишлогингизга нима учун келганимни, илгари нима қилганимни ва келажакда нималар қилмокчи эканимни билишга ҳеч қачон қизиқмайсан.

Ингит тилини тишлаб қолди: бу мусофири унинг ҳозиргина қизиқиб сўрашга чоғланиб турган барча саволларини пайқади.

— Ҳозир мен чойхонага бораман,— деб гапини якунлади Хўжа Насриддин.— Кечкурун, бўш вақтда яна гаплашамиз. Бу пичокни кўринмайдиган бирон жойга яшир, дилингдан умидсизликни чиқариб ташла ва шуни ёдингда тутки, сенинг ёшингда олдирмайдилар, балки оладилар.

Улар ажралишдилар. Ингит ўз халоскори кетидац узок вақт тикилиб қолди, тўнкага ўтириб, хаёлга чўмди. Пастлаб кетаётган қуёш нурлари ён томондан кенг пешанали, қирра буринли, текис лабли юзини ёритиб турарди; у ўз хаёлларидан секин илжаярди, умидсизлик унинг кўнглидан чиқиб кетди. У ҳаётга қайтди, унинг жўшқин калбида Хўжа Насриддиннинг нуроний сиймоси бир умрга мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Кечаси улар кичкина чойхонада олови учиб қолган ўзок ёнида суҳбатлашиб ўтиришди. Сайднинг иккинчи отаси Сафар (тўғрироғи, уни биринчи отаси деса бўлади, чунки у шариат қоидаларига кўр-кўрона амал қила-диган эмас, балки олижаноб, қалби буюрганини кила-диган ота эди) кўрпа остида бир текисда хуррак отиб, узун кундаги оғир меҳнат ҳордигини чиқарап, чойхонада бошқа ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун улар бемалол гаплашиб ўтиришди. Ўзок тубида ҳамма ёкка учкунларини сачратиб турган кизғиши чўр ҳали ловуллаб турарди, унинг кўмирга айланана бошлаган четлари кул билан коплана бориб, секин чирсиллаб ўчмоқда эди. Шом еган ой чиқиб, кетидан шабада эса бошлади ва тол япроқларини кумушдек жилвалантириб тебратади. Узок тепаликда подачиларнинг ёлғиз гулхани милтиллаб кўринар ва худди ерга қулаб, сўниб бораётган юлдуз янглиғ титраб турарди.

— Кўркоқлик ўлим билан баравар. Эй ингит, омадим юрсин десанг, дадил бўл. Раҳматлик Хўжа Насридин доимо шундай дерди...

— Нима, у ўлганми?
— Афсуски, ўлган. Бирорлар Бағдод халифаси унинг терисини шилиб олган дейишади, иккинчи бирорлар Бухоро амири сувга чўқтириб ўлдирган дейдилар. Бу гапларни мен Кўконда эшитдим.

— Эҳтимол ёлғондир?

— Ким билади, ёлғон бўлиши ҳам мумкин... Хуллас, мен у билан учрашиб юрган йилларимда, шу ҳикматли сўзларни тақрорлашни яхши кўради: «Совуқ қишдан кейин ҳамма вақт қуёшли баҳор келади, худди ана шу конунни ҳаётда эсда тутиш керак, акс ҳолда дакки еб қолиш мумкин». Афсус, бу гапларим шамолга учиб кетаётганга ўхшайди.—Хўжа Насриддин Сайдга тикилиб қаради.—Худди игна устида ўтиргандай бетоқат бўляпсан. Вақт алламаҳал бўлиб қолди-ку, бунча ошикмасанг?

Иигит лабларини билинар-билинмас қимирлатиб «Зулфия» деганини Хўжа Насриддин зўрға эшитди.

— Кечир мени, эй олижаноб йигит!— деб хитоб килди у.— Қариганман-да, эзмалик килиб бекорга вақтингни олдим. Сенга рухсат, кечикмай Зульфиянинг олдига борганинг маъкул. Гапимга ишон, дунёда бор доноларнинг китоби ойдин кечада сен эшитадиган бир оғиз сўзга ҳам арзимайди.

Инсон умрининг ҳар бир даврига хос удуми бўлади, чунончи, одам кирқ беш ёшга етганда корни оч ҳолда ўринга ётмайди. Хўжа Насриддин Сайдни кузатганидан кейин ўзининг йўлга олган озиқ-овқатидан пишлок билан нондан тотиди-да, ётишга ҳозирлик кўра бошлади... Кўзи уйкуга кетаётib, яна бир бор озиқ-маъшуқларни хаёлига келтириб, уларнинг боғдаги учрашувига чин кўнгилдан муваффакият тилади.

— Кочамиз, Сайд ака! Дадам мени Оғабекка бераман деди.

— Хотиржам бўл, қалдирғочим, сени унга бермайди.

— Иўқ, кочамиз, албатта кочишимиз керак! Бирор тоққа, лўлилар ёки қирғизлар орасига кочамиз. Мен йўлга нон, пишлок, қовунқоқи ҳозирлаб қўйганман.

— Сабр кил, эҳтимол ҳали кочишимиз шарт бўлмай ҳам қолиши мукин.

— Шундайми, нима, сизни ҳам дадамга үхшаш күндиришдими?

— Йиғлама, фариштам, мен сени ҳеч кимга бермайман, гапимни эшит, бизга дўст ва ҳимоячи бир одам тошилиб колди.

— Дўст ва ҳимоячи? Бизга-я?.. Ким ўзи?..

— Мен унинг кимлигини сенга айтольмайман, тўғриси, унинг отини ўзим ҳам билмайман. Факат кутқаришини биламан, холос!

— Сиз уни қачон кўрдингиз?

— Шу бугун.

— Дарров унга ишониб қўя қолдингизми?

— Эй Зулфия, агар сен унинг қарашларини кўрганингда, овозини эшитганингда эди, ўзинг ҳам ишонардинг! У ростакам халоскор одам.

Тунги калтакесаклар чирқиллаб, Зулфиянинг бўйнига осган кумуш тангалари жаранглади, яна алланималардир чуриллади, борлик сирли товушларга тўлиб кетди. Зулфия тонг отишини хоҳламас эди. Лекин шарқ томон ёришиб ғира-шира қоронғиликда тоғ чўққилари кўзга чалина бошлади. Ҳадемай тун ўз пардасини йиғишириб олади.

Иигирма тўртинчи боб

Сайд эрталаб чой устида, Оғабекнинг бир неча йилдан бери ўз кўлини хизматкорсиз бошқариб келиши ва тўғонни ўзи очиб, ўзи бекитиши ҳакида гапира бошлади.

— Бошда у, илгари наманганлик хўжайнин номидан кўлни бошқариб юрган ўша яхши чолни ишлатиб юрди. Уларнинг узоқ вакт бирга туролмаганини ўзингиз ҳам биласиз: ўшанда чол кимдир бирорвга текинга сув берибди, Оғабек буни сезиб қолиб чолни ҳайдаб юборган экан. Шу-шу чол бизнинг ерларда кўринмай қолди, балки қазо қилиб кетгандир, худо раҳмат килсин, жойи жаннатда бўлсин!

— У тирик!— деди Хўжа Насриддин.— У худди сен билан биздек соғ-саломат, у ҳозир авлиё бўлиб кетган, баъзан зерикиб колганда майда-чуйда кароматлар кўрсатиб қўяди. Хўш, Оғабек нима учун бошқа бирор одамини кўлга хизматкор қилиб олмайди?

— У бу ердаги кишиларга ишонмайды, ёт кишилар бу ерда камдан-кам бўлади, шунда ҳам йўлдан ўта туриб кириб кетишади.

— У бу чойхонага келадими?

— У ҳар куни туш вактида чой ичиш ва менинг боқиб олган отам билан сатранж ўйнагани келади. Кишлогимизда сатранж ўйнашда унга teng келадиган одам йўк.

— Унга teng келадиган одам энди бор.

— Сиз сатранж ўйнайсизми?

— Сатранж ва яна бошка қизиқ ўйинларни ҳам, масалан, «Ургумчак билан ковоғари» ўйинини ҳам била-ман.

— Бунақа ўйинни ҳеч эшитган эмасман.

— Энди эшитасан ҳам, кўрасан ҳам.

Кун исий бошлади, куёш нури юкоридан ерни тешиб ўтаётгандек тик тушарди. Бундай вактда далада, кулолнинг хумдонида, темирчи дўконида тутунда ишлаш сира ҳам мумкин эмасди. Чораклик деҳкону ҳунармандлар ҳар ёқдан чойхонага йигила бошлашди, улар ичкари кириб чойхоначи Сафар билан саломлашар, ундан кейин Хўжа Насриддин билан сўрашишарди. «Ваалайкум ас-салом азиزلар,— жавоб берарди Хўжа Насриддин.— Ҳорманглар, худо тансиҳатлик, хотиржамлик берсин!» Бундан ташкари у ҳар кимнинг ўзига муносаб бирор сўз ҳам кўшиб кўярди, масалан, деҳконга мўл ҳосил, кулолга идишларнинг силлник ва бирдек пишиб чиқиши, тегирмончига уннинг майин тортилиши ва подачига сигирларнинг кўпроқ болалашини тиларди. Кишиларнинг қўллари ва юзларининг корайганига, чопонларидағи доғларига караб, уларнинг чойхонага қаердан: даладанми, кулолчиликданми, темирчилик ёки кўнчининг сангобиданми келганини бир кўришдаёк билиб оларди.

Сайд ўз ишига кетди. Чойхўрларга Сафар хизмат килиб турарди, у жуссаси кичик, қотма чол бўлиб, жуда факирона кийинарди, чунки чойхонадан келадиган даромади кунига икки танга, онда-сонда уч танга бўларди. Чол вакти-вакти билан Сайднинг кумғон олдидаги бўш турган ўрнига караб кўяр, шунда уннинг серажин юзини ғам босарди, чунки у боқиб олган боласининг ишқ дардига гирифтор эканини билар ва унга ачиниб кўяр эди.

Хўжа Насриддинга обжиш бера туриб Сафар секингина деди:

— Менга қаранг, биродар, нега менинг Сандимнинг қўйинини пуч ёнгоқقا тўлдирияпсиз? Бундан кўра уни ишк балосидан кутқарсангиз бўлмасмиди?

— Нега кутқарар эканман?— деб ажабланди Хўжа Насриддин.— Кўйинг, майли, баҳтли, ували-жували бўлишсин.

— Баҳти қаро бўлишса-чи?

— Яхши ният билан ковушганлар баҳти қаро бўлмайдилар, отахон!..

Сафар бу гапга қарши бир нарса демокчи бўлди-ю, бирок тўсатдан ўрнидан туриб кетди, нари-бери югуриб дам супургини, дам сочикни, дам сатранж тахтасини ушлаб-ушлаб қўя бошлади.

Чойхўрлар ўринларидан туриб, йўлга караб колишиди.

Хўжа Насриддин ҳам йўлга қаради ва юраги ҳовликиб кетди: чунки чойхонага корнини қаппайтириб Оғабек келмоқда эди.

Сафар имиллаб ўтирган энг кейинги чойхўрни орқа эшикдан чиқариб юборди. Йўловчиларнинг борадиган жойи йўқ, ўтираверсин деб, Хўжа Насриддиннинг чойнак-пиёласини узок бир бурчакка элтиб қўйди.

Оғабек келиб кирди ва гўё бирданига бутун чойхонани ўз гавдаси билан тўлдириб юборгандек бўлди. У амирларга ўхшаб Сафарнинг сермулозиматлик билан берган саломига аранг алик олди. Хўжа Насриддинни эса ҳатто кўрмади ҳам. Оғабекнинг юриш-туришини, киёфасини, тор сергўшт манглайи тагида чукур ўнашган кичкина бадқовоқ нурсиз қўзларини, қалин қора соколини, бармоғидаги муҳр ўйилган узугини кўрган Хўжа Насриддин у ҳакда шундай хуносага келди: «Бу одам илгари жуда катта бўлмаса ҳам, ўртачароқ бошлиқ бўлган киши... ўз номида муҳри бор, шунга қараганда эҳтимол қози, эҳтимол солик бошқармасининг бошлиғи бўлган. Ҳозир амалсиз, бирор айб қилиб қўйган бўлса керак, айтидан айби кичкина эмас. Бу ерда таштани иззат-ҳурмат йўқ, паст табакадагилар хушомад қилиб кулдек таъзим қилмайди, унинг устига ўзидан юқори турган катталар ҳам йўқки, бу уларга хушомад қилиб бурни ерга теккунча таъзим қилса. Унинг кўнглини ғаш қилиб турган дарду алам ана шу бўлса керак».

Оғабекнинг зодагонлар табақасиданлиги жуда ях-

ши, энди Хўжа Насриддин хотиржам бўлади. Бу ерда унинг виждони жазоланаётган гуноҳкорининг калласи билан ўзининг киличи ўртасига тушиб қолмайди, кўпинча душман савдогар ёки ўқимишли табиб, мунажжим ва фолбинилар бўлиб қолганда у вижданан азобланарди. Бундай кишиларда Хўжа Насриддин озгина бўлса ҳам, яхши фазилатлари борлигини кўриб коларди. Шундай кезларда унинг киличи бундай одамларни бутунлай чопиб ташламас, факат бир оз адабларини бериб кўйиш билан кифояланарди, амалдорларни эса умуман аямасди.

Бу орада Оғабек келиб ялпайиб ўтирди, ёстикка тақия килди. Хўжа Насриддинга, худди бир пашшага қарагандай кибр билан назар ташлаб қўйди, кейин пишиллаб-ҳарсиллаб, чойни кўйди.

Сафар сатранж тахтасини олиб келди-да, унинг каршиисига ўтирди. Ўйин бошланиб кетди.

Хўжа Насриддин ўтирган жойида тахтани яхши кўриб турганидан йийин қандай бораётганини икир-чикиригача кузатиб бора оларди.

Иккала йўинчининг ҳам табнати тахта юзасидаги аҳволдан худди ойнадагидек кўриниб турарди. Сафар суст, кўрқа-писа йўнар, гоҳ у донани, гоҳ бу донани ушлаб иккиланиб кўтарар, ўйлар ва яна илгариги ўрнига қўйиб қўяр, ниҳоят, худди жар ёқасидан муздай сувга сакрагандек сакрар, ўз зиёнига бирор ноаниқ юриш қиласарди. У бирор пиёда ёки сипоҳни бериб қўйишдан кўркарди ва ҳужумни қарши олишдан кочиб, қопқонга тушиб қолган сичкондек, бутун тахта бўйлаб югуради. Шунинг учун ҳар гал ютқазарди.

Оғабек эса аксинча, дадил йўнарди. Оч қолган сўртондек кўлига тушган донани: пиёдами, фильм, отми ёки рухми олаверарди. Факат илиб олса бас! Доналарни олишга берилиб кетиб, у икки марта аниқ мотни кўрмай колди.

Сафар ок доналарда йўнарди; ярим соатдан кейин унинг кўлида битта — яккагина етим пиёдаси билан учта сипоҳи: шоҳ, фарzin ва битта аспи қолди, улар ҳам тарқок, бир-бирини ҳимоя қилишдан ожиз эди. Бошка ҳамма донани Оғабек олиб қўйган, ўзи эса бутуни йийин давомида чолга биттагина пиёда бой берган эди, холос.

Ок шоҳ ўз хонасидан сиксиб чиқарилган, сўнгги зар

бани беришга тайёр турган душман кучларининг куршовида қолган эди.

— Таслим бўла қолгин, чол, таслим бўл!— деб қичкирди Оғабек, унинг дўппайиб турган қорни энтикиш ва каттиқ кулгидан селкиллаб силкинарди.— Карагин-чи, ниманг қолди! Ҳамма сипоҳларингни олиб кўйдим, ўзим бўлса биттагина пиёда бой бердим. Юр, нега сусткашлик қиляпсан, а, аспингни юр, фарзинингни сур, барни бир, булар сени қутқаролмайди, шоҳинг фарзинимнинг оғзиға тушди, унинг ўткир тишлари орасида!

Унинг бунчалик беҳаёлик билан кувониши Сафарни жуда мулзам қилди, бу ҳол унинг ёшланиб турган кўзларида чақнаган ўтдан кўриниб туради. У ҳурпайиб, лабларини қисиб, яна бир бор олишиб кўрмокчи бўлди: олға томон сурмок учун пиёданни қўлга олиб кўтариб турди-да, тағин илгариги жойига кўйди, аспини тутиб кўрди, фарзинини бир қимирлатиб кўйди, бармоқларини шоҳга теккизиб турди, лекин барни бир юриш килмади.

— Юргин, юр, ахир!— деб қичкирди Оғабек.— Отамнинг ароҳи урсин, ўйининг ёмон эмас!

— Дарҳакиқат, ёмон ўйин эмас, бир тангага икки танга тикиб ўйнаса бўладиган ўйин!

Бу — қоронги бурчакда ўтирган Хўжа Насриддиннинг овози эди.

— Бир тангага икки танга тикиб дейсанми?— хитоб қилди Оғабек.— Тўғри, сатранжни сал-пал тушунадиган ҳар қандай киши бир танга ўрнига беш тангани bemalol тика олади? Афсуски, чол,— деб Сафарга қаради у.— Афсуски, сен билан пул тикиб ўйнамаяпмиз-да, бўлмаса, чойхонани ҳам, чопонни ҳам бой бериб яланғоч қолган бўлардинг!

— Мана мен шу ўйинни пул тикиб ўйнашга розиман.— Хўжа Насриддин шундай деб, бурчакдан чикиб келди-да, ўйинчиларнинг олдига ўтириди.— Мен бу ўйинга икки юз танга тикаман, ёнимда бор пулим ҳам шу.

Оғабек хумкалласини кўтариб кибр билан унга қаради:

— Сен йўлда қолган содда гўлларни излаб юрган кўринасан шекилли, азиз меҳмон? Агарда бирорта аҳмок чиқиб, оклар учун фактат юз танга тикмайдиган бўлса ҳам ўтирган жойимдан кўзғалмай қоралар учун беш юз танга тикаман!

— Сиз айтган аҳмок ҳузурингизда турипти. Оклар тарафидан мен икки юз танга тикдим. Энди сўз сиздан!

— Окларга-я? Нимага суяляпти у, нимага бунчалик ўзига ишоняпти? Аниқ кўриниб турган мотга қарши ютаман деяптими-а?

Гўк, Хўжа Насриддин ютиш тўғрисида ўйлагани йўқ, аксинча, олди билан ўзининг икки юз тангасинни барбод бўлган деб ҳисоблади. Бунда у пул ютмас, унинг кўзлагани Оғабек билан биринчи яқинлашув эди. У ўз ҳамёнини кудратли тақдирга ҳавола қилди, илоҳий энди ўзининг охирги ҳукм қилишида тақдир бунга шафкатли ва меҳрибон бўлсин-да!

— Сен ок доналарда ўйнайсанми?— деб ажабланди Оғабек.— Сафар, бу мусоғир қаёқдан келиб колди, жинни бўлса керак, ёки чойхонангда наша чекиб олдими, дейман?

— Бемаъни гапни қўйинг!— деди Хўжа Насриддин, баркашчага ҳамённи ағдариб.— Агарда кўрқмасангиз, кани тикинг!

— Мен кўрқар эканманми?— деб пишиллади Оғабек, белбогини тимирскилаб, кейин баркашчага катта оғир чарм ҳамёнини ташлади.— Мана, етти юз эллик танга! Бундан кейин валдирамагин, тилингни тийгин, сен мени кўрқитмоқчисан-да, бечора!

— Бошладик ўйинни!— деди Хўжа Насриддин.

Сафар жой бушатиб четрокка сурилди. У ҳайрат билан Хўжа Насриддинга ачиниб каради: ростдан ҳам бу мусоғир меҳмон жинни бўлиб колганмикин-а?

Кейин меҳмоннинг ҳали чойхонада ётганига, ичган чойи ва эшаги еган емга пул тўламагани эсига тушиб колди. Бирданига ўйинни ҳам эсидан чиқариб юборди. Ўзининг олти танга пули куйиб кетай, деб турганда унга бу ўйин билан баркашчадаги бир уюм танганинг нима қизни бор?

— Меҳмон, ҳамма пулни тикиб қўйдинг, менинг ҳакимни нима билан тўлайсан?

Хўжа Насриддин чолга нафратланиб қараб қўйди, у бутун оламни сув олиб кетаётган бўлса ҳам, арзимаган бир неча чақасидан ажраб колишдан кўрқадиган пасткашлардан нафратланарди! Бирок, у ўзининг бу сафарги айблашида ҳакли эмасди, чунки бу олти танга билан чолнинг козони уч кун мўл-кўл қайнарди, буни ўз вақтида фаҳмлаб Хўжа Насриддин уялиб колди:

— Ташвишланманг, aka. Агар бой бериб кўйсам, сизга этигимни ечиб бераман.

— Ундаи кишлиш керак эмас,— деб аралашди Оғабек ўзича бир сахийлик қилиб қўймокчи бўлиб.— Сафар, мен тўлаб қўяман.

У баркашчадан ўн танга олиб чойхоначига узатди.

Бирок, Хўжа Насриддин энтикиб, ранги ўчиб кетди. Бир нарса ичини ўртаб кетгандай бўлди, бу ғазаб алансидир?

Йўк, ундаи эмас, у тахта устида такдирнинг жилмайганини кўриб қолди. Такдир унинг таваккалини макбул кўргандек, унинг икки юз тангасига ўзидан яна катта ҳисса кўшиб, шоҳона мукофот юборгандек бўлди.

Тахта устида у окларнинг ғалабасини — ўз ғалабасини кўрди. Олдин кўзларига ишонмади, яна бир марта юришларни чамалаб кўрди. Шубҳа бўлиши мумкин эмас, ғалаба аник!

— Сиз жуда ҳам шошиб кетяпсиз, жаноб,— деб Оғабекка қаради у.— Бирорнинг ҳисобидан сахийлик кишлиш мусулмон одамга ярашмайди.

Оғабекка бундан оғир ҳақорат бўлиши мумкин эмасди.

— Бирорнинг ҳисобига эмиш-а!— қип-қизариб хириллади у.— Ҳа, яхши, бир адабинигни бериб кўяй, энди! Сафар, таигаларни жойига қўй. Пулларни кўйгину, гаровга буниңг этигини ечиб олгин, бизнинг кишлого миздан яланг оёқ кетиб боқсин бир! Сенинг юришинг, эшитяпсанми, лаънати гадой! Мен ҳали сенга ютиб олинган пулдан йўлга йигирма танга бераман деб ўйлаб ўтирибман-а, қилган номаъқулчилигинг учун бериб бўпман эди!

— Мен сўрамайман ҳам.

— Юр! Бироқ олдин этигингни ечиб, чойхоначига бериб кўй.

Хўжа Насриддин этикни ечиб Сафарга берди, кейин ўз фарзинини бутун тахта бўйлаб каршидаги бурчакка дадил суриб кўйди:

— Шоҳ!

— Е раббим!— деди ёлғондан қўркканга ўхшаб, калакаомуз кичкираркан Оғабек.— Оз бўлмаса юрагим ёрилиб кетаёт деди-я. Бунака ҳам зўр юриш бўлар экану! Ҳой, менга кара, нима бало, қўрмисан рухим кутиб турибди-ку! Хўш, фарзининг қаёққа учиб кетди?

У шу гапларни айтиб туриб, рух билан фарзинни уриб олди.

— Энди нима килмокчисан? — деди Оғабек Хўжа Насриддинга қараб. — Сен беадаб дайди, энди ҳам пулдан, ҳам этикдан ажралдинг! Фарзинингни бериб мот бўлишингни бир юришга кечиктирдинг, холос!

Бу гапларга кисқагина жавоб берилди.

— Мот! — деди Хўжа Насриддин, ўз отини кора хонадан оқ хонага сакратиб.

Оғабек нима бўлаётганига тушуна олмай кўзи тиниб таҳтага қаради. Унинг кўз олдида ҳақиқат ойдинлашиб қолди, сергўшт юзи дам бўзариб ва дам кўкара бошилади.

— Ўйин тамом! — деди Хўжа Насриддин. — Қани менинг ютугум?

Сафар қўли титраб баркашчани унинг олдига суриниб қўйди, у ташвиш ва кўркувдан бақрайиб қолган кўзлари билан Хўжа Насриддиннинг ютиб олган пулларни ўз ҳамёнинг солиши ва ҳозиргина ечиб берган этигини қайтадан кийишини кузатиб турди. Бу ишларда факат гувоҳгина бўлишига қарамай, кўркувдан чолнинг тили танглайига ёпишиб қолди, у юраксиз бўлгани учун ҳар вакт ҳар нарсадан кўркар ва ҳар бир янги кишининг бир ка-софати тегмасин, деб ҳадиксирар эди. «Энди нима бўлади, энди нима бўлади?» сўрарди ўз-ўзидан ташвишланиб у, гўё қаттиқ тўполон бўлишини олдан кўриб турган кишидек. «Энди Оғабек бутун ғазабини менга сочади-ю, тинчимни бузади».

Унинг бирдан-бир кувончи шу қамиш ва лойдан енгил-елпи қурилган чойхонаси эди, унинг нархи нари боргандан икки юз тангадан ошмасди. Сафарнинг бундан бошқа на уйи, на бояни на бир парча ери бор эди, ўзи эса худди омборхонасида қўйма олтинлар сақлаб қўйган кишидек титраб қакшар эди. Гарчи, у ўлгудек камбағал бўлса ҳам, аммо бошқа бир бебаҳо давлати — эркинлиги бор эди, бироқ ундан фойдаланишни билмасди, у ўзини ўзи қафасга солиб, оёқ-қўлини кишанлаган фақирлик уни нокас ва кўрқоқ қилиб қўйган эди.

Оғабек чақчайган кўзларини таҳтадан узмай ҳамон жим ўтирас, гезарган юзи энди қорайиб борарди.

— Чойхоначи, қишлоқларингизда табиб борми? — деб сўради Хўжа Насриддин. — Йиқилиб қолмасин учун балки бу одамдан кон олиш лозиммикин?

Табиб чақиришга хожат қолмади, ҳавф бартараф бўлди. Оғабек хириллай-хириллай нафасини зўрға ростлаб олди, унинг кизиб кетган аъзойи бадани совий бошлиди.

— Нечук кўрмай колибман! Сен йўловчи, афсун ўкиб кўзимни боғлаб кўйдингми дейман-да!

— Тағин битта ўйнамаймизми?

— Жин уриб кетсин мени, агарда сен билан бундан кейин тахта устида учрашсам! Тезроқ жўнаб қол, ҳозир ютиб олган етти юз танганг ҳам бўлар!

Аммо Хўжа Насриддиннинг ҳали-бери бу қишлоқдан кетиш нияти йўқ эди.

— Тағин ҳайдаш, ҳамма ёқдан қувиш!— деб алам билан заҳарханда килди, бошини қўйи солиб.— Кетиш... дегандан кўра қочиш деган сўз муносиброқ бўларди. Эй раҳимсиз тақдир, боди мухолиф!

Унинг шикоят ўклари нишонасига тегди.

— Ҳали сени бирор қувиб юрибдими?— хушёр тортиб сўради Оғабек.

— Бахтсизлик, бало, омадсизлик. Қетимдан қолмай қувиб юрган нарса ана шу.

— Агар омадсизлигинг ҳар вақт бугунгидек бўлса, бундай омадсизликка ҳавас килиш керак.

— Бу бир тасодиф, юзта кулфат ҳисобига рўй берди.

— Хўш, ўзинг қаёққа кетяпсан?

— Ўзим ҳам билмайман. Бошим оккан ёққа. Шимолгами, жанубгами, машриқгами ёки мағрибгами, менга барни бир...

— Бундай сафарга чиқишингдан бирор мақсадинг бордир. Сен бой ёки бек эмассанки, ахир томоша, саёхатга чиқкан бўлсанг?

Булар ўртасидаги биринчи алоқа шундай боғланди, энди ўргумчак билан қовогари ўрталаридағи каби ўйин бошланиб кетди.

Оғабек бекорга суриштираётгани йўқ, у эҳтимол бу йўловчи бирор ғайри қонуний ишда айбордир деб ўйларди. Агар шундай бўлса, Оғабек уни тутиб мирабга топширади ва шу йўл билан ўзининг етти юз эллик тангасини қайтариб оларди. Хўжа Насриддин унинг ниятидан ичиди кулиб кўйди-ю, лекин унинг ниятини пучга чиқаришга шошилмади:

— Менинг саёҳат қилишимга йўл бўлсин! Маълумингиз бўлсинки, жаноб, яқиндагина менинг ҳам ўз ўйим

ва озми-кўпми моли-мулким бор эди, лекин фалакнинг кажравлиги билан ҳамма нарсаларимдан маҳрум бўлдим, мана энди гадойдан ҳам баттар факир бўлиб колдим.

— Қандай фалокат тушди бошингга?

— Менинг саргузаштим минглаб дард-ҳасратлардан бино бўлган! Мен Ҳиротда турадим, у ерда энг катта бозор оксоколининг бош мирзаси лавозимида ишлаб кўп даромад олардим...

— Ҳиротда дейсанми? Мен бир вактлар Ҳиротда турғанман. Кани, давом эт!

— Худо ҳакки, рост гапни айтсам, бошлиғим мендан рози эди. Мен унга бозор ҳаки йигиб берардим, йикканда ҳам шундай йигардимки, ёмон жой учун ўртacha жойнинг ҳакини, ўртacha жой учун эса яхши жойнинг ҳакини олардим. Бирор деҳқон ёки ҳунарманддан юлиб олган ҳар бир тийинни ҳўжайиннинг уйига элтиб, садокат билан икки кўллаб топширадим. Бошлиғим ҳар вакт пулларни ола туриб менга: «Эй Узокбой, агар менинг минг хум тўла олтиним бўлса, хазинамнинг калитини сенга беташвиш ишониб бериб қўярдим-да!» дерди. Дарҳакиқат, унинг бу гаплари бекор эмасди: унинг моли менга ўз мулкимдан ҳам қадрлирок эди. Бир аъёnda ҳазиначи бўлиб ишлаган отам менга шундай ўргатган эди, мен ҳам умр бўйн шундай қилиб келдим. Менинг ҳалол хизматим учун бошлиғим даромаднинг йигирмадан бирини берар эди.

— Кўп эмас экан,— деб кўйди Оғабек.

— Бу нарса, саккиз йил мобайнида анчагина маблар йигиб олишимга кифоя қилди. Бундан ташқари, мен ўз вазифамни яхши қадрлар эдим, чунки унда ўзимнинг илмий ишларим билан шуғулланишимга ҳам вакт топиляди (илмий ишларим ҳакида ҳозир галириб ўтириш ортиқча), шундан кейин бирданига бошлиғимнинг бошига бир фалокат тушиб қолди...

Оғабек бу гапларни жуда диққат билан тинглади, бундан Ҳўжа Насриддин ўз гапининг бекор кетмаётганини пайқаб туради.

— Бошлиғим хизмат устида бир хато қилиб қўйибди.

— Ҳа, ҳа!..— деди бир нарса топгандек Оғабек, худди чўнтағига бир нарса solaётгандек қўлинни очкўзларча ҳаракатлантириб.

— Душманлар чақиқ қилишда сусткашлик қилиш-

мади, хўжайиним мансабдан ҳам, хазинага тортиб олишган бутун мол-мулкидан ҳам маҳрум бўлди.

— Тушундим, тушундим,— деди Оғабек хайрихоҳлик билан хумкалласини лиқиллатиб.— Хизматдаги бундай хатолар баъзан жуда қимматга тушади, қимматга!..

Бу гапдан Хўжа Насриддинга унинг ўтмишидан яна бир варак очилди.

— Бошлиғимнинг бу кулфатига мен ҳам шерик бўлдим, мана энди оламни кезиб, бошимни қаёкка уришни билмай юрибман. Агарда бугунги шунчалик бахтли ютигим бўлмаган бўлсайди, эҳтимол ўлгунимча шундай ке-зиб юраверардим.

Оғабек ковок-тумшуғи осилиб, пишиллади: чунки бу гап билан Хўжа Насриддин унинг ҳали битмаган яраси-га туз сепган эди.

— Энди бу пулларни ўйлаброқ харжлашга ҳаракат киламан.

— Яъни, тағин бирор киши билан ўйнайман демок-чимисан?— заҳрини сочиб сўради Оғабек.

— Худо сакласин мени бундай васвасадан, чунки бундай бахт иккинчи марта келмайди. Йўқ, мен кўнг-лимга ёқсан бир иш топаман.

— Савдогарчиликми?

— Савдогарчиликка хушим йўқ. Бир бурчакда тинч-гина ётиб, илмий ишларимни ҳам давом эттириладиган бир хизмат бўлса бас, фирмку зикрим шу. Лекин мени, четдан келган ёт бир кишини маълум миқдорда пул гаровсиз, ким ҳам бундай хизматга олади дейсиз? Аммо ҳозир тўлиқ гаров кўйишга қодир бўлган вак-тимда...

— Сен хизмат излаб кетяпсанми?

— Мен бу ерда тура олармидим? Эшагим энди ях-шигина дам олди, йўлга тушишим керак. Раҳмат сизга жаноб, етти юз эллик танганиз учун раҳмат! Ҳой чой-хоначи, чой билан кўниш ҳаки қанча бўлди?

Хўжа Насриддин кечаси бошига кўйиб ётган эгарини олиб, эшакка томон йўналди. Бу билан у бир учига Оғабекни боғлаб кўйган очкўзли арконини каттик тортди.

— Тура тур, тура тур!— деди Оғабек етти юз эллик тангаси шайтоннинг думига илашиб кетиб колаётганини кўриб.— Берн кел, мен сенга муҳим бир гап айтаман.

Очкүзли арқони йүғон ва мустаҳкам, боғланган жойи ҳам жуда қаттиқ бўлиб чиқди.

— Сен хизмат излаб кетяпсан-ку, мен сен билан худди шу тўғрида гаплашмоқчиман.

— Эй, барака топгур бой! — деп Хўжа Насриддин чойхонага шошиб-пишиб қайтиб келди. — Балки сиз шундай жойни биларсиз, ундан бўлса, сизга жуда миннатдор бўлиб қолардим-да.

— Ҳа, биламан.

— Жуда ҳам қароматли сўз!

— Узи ҳам узоқ эмас, мана шу ерда.

Хўжа Насриддин ўзини ҳайрон колгандек кўрсатди:

— Муносиб сұҳбатдош билан хуфия сўзлашган яхши, бирок ундан нозикликларни тушунишга менинг калта аклим ожизлик қиласди.

— Олдин бир неча саволимга жавоб бергин, шундан кейин сўзларимнинг мазмунини сенга очаман,— деди Оғабек. У ростдан ҳам сирли қилиб гапирияпман шекилли деб ўйлади! — Жавоб бергин-чи, илгари бирор марта бизнинг қишлоғимизга келганмисан?

— Йўқ, келган эмасман.

— Бу ерда бирон қариндошинг йўқми?

— Йўқ, ҳамма қариндошларим Ҳиротда қолган.

— Ер-дўстларинг-чи? Балки бизнинг қишлоғимизда сен билан дўст ёки илгарироқдан дўст бўлган кишинг бордир?

— Бу ерда бундай одам йўқ: ҳамма ёру дўстларим Ҳиротда.

— Бўлмаса, Ҳиротда қолган қариндошларингнинг бу ерда ёру дўстлари бордир, ёки аксинча, Ҳиротдаги дўстларингнинг бу ерда қариндош-уруғлари бордир?

— Азбаройи худо, менинг ўзим ҳам, қариндошларим билан ёр-дўстларим ҳам, ёр-дўстларимнинг қариндош уруғлари ҳам, қариндош-уруғларимнинг ёру дўстлари ҳам, қариндошларимнинг ёру биродарларининг қариндош уруғлари ҳам, менинг ёру бирордарларимнинг қариндош уруғларининг ёру биродарлари ҳам, ҳеч вақт бу қишлоқда бўлишмаган, бу қишлоқни ҳеч қачон эшитишмаган ва бу ердаги ҳеч кимни танишмайди.

— Энди энг кейинги бир савол қолди: кўнглинг бошка қишиларга, ахмоқона ачинишларга мойил эмасми?

«Тўрахон бува мақбарасида ётадиган чолни эслаяпти», деб ўйлади Хўжа Насриддин ва жавоб берди:

— Күнглимдаги барча ачинишларни мен ўз-ўзимга ишлатаман, бошкаларга ҳеч нарса колмайди.

— Маъқул гап! Мана энди күнглингни шод қиладиган гапни эшиггин, сен бу ердаги кўлни кўрдингми, унинг эгаси ким эканини билдингми?

— Кўлни кўрдиму, эгаси ким эканини билмадим.

— Эгаси мен. Сен гаровга пул қўйиб ўзингни таъмин килгудек хизмат излаб юрибсан-а, уша кўлнинг коровули қилиб қўйсам нима дейсан?

Ниҳоят, Хўжа Насриддин кўнглидаги сўзлар жаранглаб эшитилди! «Кўл коровули» жумлалари Сафарнинг қулогига ҳаво гумбурлагандек бўлиб эшитилди, бўғот тагида ўтирган мусича ҳам «кўл коровули» деб такрорлади, тўр қовокдаги бедана ҳам бунга жавобан: «Кўл коровули» деди, ҳамма ёги буғ бўлиб турган кумғон ҳам бакир-букур қилиб «кўл коровули» деб шақирлади. «кўл коровули» деб илиб олди шамол, «кўл сокчиси» деб шилдиради дарахтлар...

Ҳаш-паш дегунча қишлоқнинг каттадан кичигигача бу янгиликни билиб олди, ҳамма ёқда мана шу «кўл коровули» деган гап: далада, тоза супуриб қўйилган торгина ҳовлида ҳам шу гап, бу тўғрида эркаклар гапиришди, хотинлар миш-миш қилишди, болалар шивирлашди.

Оғабек билан Хўжа Насриддин чойхонадан чикиб, кўл томон жўнашганда йўлда учраганларнинг ҳаммаси хушомад билан таъзим қилишди ва кўлнинг янги коровулини қўрқа-писа томоша қила бошлашди. У бўлса серрайиб кибр билан уларнинг таъзимиға қарамай ўтарди.

Улар кетгандан кейин Сафар чолнинг ўз чойхонасида ёлғиз ўтириши унчалик кўп вақтга чўзилмади, сал ўтмай чоракликлар ела-югурга келиб, чолни бирданига саволларга кўмиб ташлашди: Оғабек кўлнинг ягни коровули билан нима гаплашди. Улар қандай тўхтамга келишди. янги коровул сувга қанча ҳақ оларкин? Чойхонанинг сўриси шакир-шукир қилар, ўчоқка осиб қўйилган кумғонлар силкинар, шифтдан майдада курим тўкиларди.

— Секинрок, чойхонани йикитиб юборасизлар!— кичкирди Сафар.— Ортиқ кишилар сўридан ерга тушсин! Тушсин анавилар, бўлмаса мен сизларга ҳеч нарса айтиб бермайман.

Ўнтача энг ҳурматли кексаларга жой бўшатиб ортиқча кишилар ерга тушишди. Сафар гапга киришди. Унинг

бу ерда айтгән гапларини тақоролаб ўтиришнинг хожати йўқ, бунинг ҳаммаси бизга маълум.

У гапини ваҳимали сўзлар билан тугатди.

— Бизлар бу вактгача биттасидан қандай қилиб кутилишни билмай юардик, энди булар иккита бўлгандан кейин ҳолимиз нима кечаркин!

Унинг бу гапларига ўтирган халқ сукут ва хўрсиниш билан жавоб берди. Йигилган халойиқ назарида ноаниқ, лекин якинда бўладиган муҳаққак бир фалокатнинг ваҳимали кўланкаси турарди.

Сафар эса мўйсафид бошини эгиб куйина бошлади:

— Якинда фалокат бошланади, фалокат! Эзгуликка эмас, бунинг ҳаммаси... воҳ, эзгуликка эмас!

Шундан кейин, кимдир бирор унинг сўзини гувиллаган акс садодек тақоролади:

— Эзгуликка эмас!..

Иигирма бешинчи боб

Оғабек Хўжа Насриддинни бош тўғонга эргаштириб борди, у ерда тахтадан катта нов қурилиб, унга сувни тўсиб турадиган қопқоқ қўйилган эди.

— Карагин!— деди Оғабек, эскириб мөгорлаб кетган қопқоқни қўрсатиб, қопқоқ икки тарафдаги қайрагоч устиннинг чукур ўйилган зиҳига керак вактда юкори ёки пастга ҳаракат қилишига мослаштириб жойлаштирилган эди.— Сен мана шуни сақлайсан ва менинг ижозатимсиз ҳеч кимга очиб бермайсан.

Нов устида занглаған занжир билан боғлаб қўйилган кўтарма дарвоза бор эди, ундан қўйироқда йўғон ҳалқага солиб қўйилган катта жез қулф осилиб турарди, бунинг устида тахтанинг оралиғидаги ёриқдан тушган тиник сув устини бақа тўни босган тахта устидан окиб ўтарди. «Қўз ёшли қопқоқ» деб ўлади Хўжа Насриддин, фикран бечора чоракликларга мурожаат қилиб.

— Ҳеч кимга насиояга, ҳатто ярим тангалик насиояга ҳам ишонмагин!— деб топширди Оғабек янги кўл корувулига.— Мана қулфнинг калити, уни ҳаргиз кўринадиган жойга қўймагин: бирортаси калитни кўриб колса, бошқа калит ясад олади.

Хўжа Насриддин калитни чўнтағига солиб қўйди, кейин ютиб олган ҳамённи Оғабекка берди.

— Бу менга гаров бўлсин.

Шу яқин орада тепалик устида эшиги кўлга қараган бир чалдивор кулба туарди.

— Мана шу уйда турасан,— деди Оғабек,— ҳар куни тунда тўғонга бориб кулфнинг очилмаганини кўриб туришинг лозим. Тушундингми, эсингдан чиқмайдими?

— Тушундим, эсимдан чиқмайди, хўжайин.

Шу билан Ҳўжа Насриддиннинг кўл қоровули лавозимига киришиш маросими тугади.

Оғабек юзида табассум, белбоғида ҳамён билан уйига жўнади, у ўзимнинг етти юз эллик тангамнинг бир четини бўлса ҳам роса эпчилик билан тутиб олдим-ку, деб хурсанд эди. «Бир ярим-икки ой ўтсин, бирор баҳона топиб уни бу ишдан бўшатиб юбораман, гаровини эса ўз фойдамга қолдираман. Чунки менга қоровулнинг нима кераги бор, шунча вақтдан бери усиз ҳам шундай мустаҳкам, ишончли кулф билан ўзим биноидек қараб келдим-ку?— деб ўйлади Оғабек.— Ўз пулимни эса қайтариб олдим, ҳаммадан кераги ҳам шу-да!»

У пулинни-ку қайтариб олди-я, а бу ишда нима ютказганини у хаёлига ҳам келтира олмади!

Ҳўжа Насриддин кечқурун чалдивор кулбага кириб, ёрикрок ерига жойлашиб олди: тахтани бурчакка жойлаштириб, бузилиб ётган ўчокни тузатди, кулбанинг коронги ерини эса терак шоҳлари билан ўраб зшакка жой килди.

— Бу янги хона кўнглингга ёқадими?— деб сўради, у эшакнинг охурига арпа тўкаётуб.— Мана энди битта мушкул масала қолди, сен билан менинг битта хонада туришимиз қандай бўлди, мен ҳам эшак ҳолатига кўчами, ёинки сен одам киёфасига кирасанми?

У бу сўзларни бекорга айтмасди, бунинг замирида яқинда амалга оширилиши лозим бўлган маҳфий бир фикр беркиниб ётарди. Лекин бунинг қачон ва қандай амалга ошувини Ҳўжа Насриддин ҳали билмасди.

Бугунги намозшом кишини зериктириб юборарли даражада имиллаб ўтарди. Ҳўжа Насриддин чалдивор олдидаги тош устида кўзларини кўлга, сўниб бораётган кечки окиш нурларга тикиб ўтиарди. У хаёл қаъридан яна сергаклик юзасига чиққанда теваракка тун коронилиги чўккан эди, шабададан, шабнам аралаш хушбўй ҳид уйқусини келтириб керишди, эснади, кейин чалдиворга жўнади.

Уйнинг бурчагида бир нарса шитирлади ва одам овози келди:

— Бу мен, Сайдман.

Коронғида йигитнинг гавдаси хира соядек бўлиб кўринарди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? — ажабланди Хўжа Насриддин.

— Мен кишилардан сизнинг кўл қоровули бўлганингизни эшитдим, шунин билай деб келдим, рост гапми?

— Ҳа, рост, сен бунга ташвишланиб қолганга ўхшайсан-ку, нега ташвишланасан?

Йигит гап тополмай қолди:

— Энди... бу вазифага ўтганингиздан кейин... хаёлингизга келармикин?..

— Сен ва гўзал Зулфиянгми,—деди унинг гапини бўлиб Хўжа Насриддин.— Оббо тентаг-еї, одам ҳам дўстидан шубҳа киладими? Инсон ишончи билан инсон; такдир наслдор арабий аргумоққа ўхшайди: у ҳам кўркок одамларни ёқтирамайди, мард кишиларга эса бўйсунади. Гапимни тушундингми?

— Тушундим, мени кечиринг.

— Мени излаб юрма тағин. Ўзим чакирмагунча ёнимга кела кўрма. Сен билан бирга турганимизни ҳеч ким кўрмаслиги керак, менинг ишимни бузиб кўймагин. Бу гаплар ўртамиизда колиши керак, жўна энди.

Шундан кейин тағин жимжит уйқуга чўмган боғ, кумушсимон оппоқ туман кўйнида булбулнинг чаҳ-чаҳи, калтакесакларнинг чик-чики ва ҳовуз лабидаги кўланка орасидан бўлиниб-бўлиниб чиқаётган шивирлаш эшилди:

— Мен уни кеча эшикнинг тиркишидан караб кўрдим: у Оғабек билан чойхонадан келаётган экан. У жуда ҳам ғудайган, димоғдор эди. Мен унинг бизга ёрдам килиши ҳақидаги ваъдасини ўйлаб...

— Ҳой Зулфия, нега дўст кишига ишонмайсан? Ишона билиш керак, бу турмушда бизга аскатади! Сен такдирнинг наслдор арабий аргумоққа ўхшашлигини билмайсанми; у кўркоқларни устидан улоқтириб ташлайди, мард кишиларга эса бўйсунади!

— Сиз шунчалик доно ва чиройли сўзляяпсизки, Сайд ака, кекса домламиз ҳам бундай гапиролмасди!

— Шуни унутмаки, Зулфия, совук кишининг кетидан

ҳар вақт чараклаган баҳор келади, шу эсингда бўлсин, кўнглингга сира шубҳа солма.

— Бу шеърми, Сайд ака, сиз буни мен учун ўзингиз тўқидингизми?

Булбул сайрашдан тўхтади, чирқиллаб турган калтакесак инига кириб кетди, осмондаги юлдузлар анча нари кетиб қолди, ҳовуз устини буғлар қоплаб тун ғарбга чекина бошлади.

Икки кундан кейин кўлнинг янги қоровули чойхона олдида кўринди.

У тушдан кейин Оғабек чойхоначи билан ҳар куни ўйнайдиган сатранжни ўйнаб кетиб колганда ва чўракликлар ҳеч кимдан тап тортмай, дам олиб ҳузур қилаётган вақтда келди.

Кўл қоровули ўзиға берилган саломларга алик олмай, новвойнинг олдига келиб тўхтади, новвой эса ҳовлиқиб молини саралар, нонларнинг окроғи ва қизариб пишганларини юзароқقا терарди. Кўл қоровули нон сотиб олди, лекин у битта, иккита ёки учта эмас, балки саватдаги ноннинг ҳаммасини сотиб олди!

У ўрик сотаётган кишидан ҳам бутун бир саватини сотиб олди-да, ҳамма олган нарсаларини ўзи кўтариб жўнади.

Ўз-ўзидан маълумки, чойхонада унинг ҳақида гап бошланди. Нега у бирданига шунча нарса сотиб олади? Нон котиб могорлаб қолади, ўриклар бузулиб қолади-ку... у балки дангаса одамдир, энди ўз кулбасига кириб, узоқ вақт чиқмай ётаверармикин?

Лекин эртаси куни ҳам худди шу одат такрорланди! Кўл қоровули тун вақтида қўлида икки бўш сават билан тағин чойхона олдида пайдо бўлди. Қўлидаги саватларнинг бирига нон, иккинчисига ўрик тўлдириб, худди кечагидек, ўзиға қаратса берилган салом ва таъзимларни пайқамай кетаверди.

Чойхонадагилар шов-шув килиб, ҳайрон қолиши. Кеча сотиб олган нарсаларни нима қилдийкин? Еб бўлдими? Ахир, у овқат беш кишига етар эди-ку! Қизик!.. Чўракликларнинг ўзгаришсиз тинч ҳаётида бу гаплар бир фалокатнинг аломатидек кишиларни шубҳага солиб кўйди.

Бунинг устига бир подачи бу миш-мишлар гулханига тағин мой сепиб юборди. Подачи яйловдан қишлоққа арпа уни олишга келаётниб, йўлдан тепаликдаги чалди-

ворга караб ўтибди. Унинг кўзи қизиқ бир нарсага тушибди. Кўлнинг янги коровули ўз эшагига оқ нон билан ўрик едирибди, тағин ўрикнинг данагини кўли билан ситиб олиб, қурт еган жойларини пичоқ билан ўйиб ташлаб берармиш. Подачи ун сотиб олаётib, бу воқеани аллофга айтибди... Аллоф эса дўконни дарров ёпиб, сабрсизлик билан чойхонага чопди-ю, барчани ҳайратда қолдирдиган бу янги хабарни ҳаммага айтиб берди.

Эшакка кўлдан овқат бериш-а! Тағин оқ нону ўрик! Чойхоначи Сафарнинг ранги бўзариб кетди. Наматчи Раҳматулла орқасига думалаб қотиб-қотиб кула бошлиди. Тегирмончи билан жувозкаш бу гапга ишонишмади.

Ёшлардан битта ботирроғи бориб кўриб келмоқчи бўлди. Унинг иши ўнгидан келиб чалдиворга секин ўрмалаб бориб, нақ эшакнинг кечки овқатни еяётгани устидан чиқиб қолди. Эшак оқ нон билан ўрик еярди, подачи айтган гап тўппа-тўғри, кўлнинг янги коровули эшакка икки палла килинган данаксиз ўрикларни ҳовучида тутиб егизар ва таъзим қилиб, уни «жаноби олий», «ҳазратлари», «шаҳзода» деб атарди.

Ботир йигит чойхонага қайтиб келди. У кетганда анчагина тинчиб қолган гап-сўз тағин авжига чиқди. Демак, тўғри экан! Бунда нима сир бўлсайкин? Шермат кулол индамасдан бармоқлари билан ўз манглайига чертиб «жинни» дегандай ишорат қилди. Бундай тахмин анча тўғридек кўринарди ҳам, лекин ростдан ҳам шундай бўлса маккор Оғабек ўзининг янги коровулининг бу қиликларини нега сезмай қолдийкин? Ҳа, айтгандай, яқиндаги сатранж ўйини-чи?.. Жинни одамлар бундай ўйнай олмайди, ахир! Ёки у Оғабек билан тил бириктириб кўйганмикин, ундаи бўлса, бу гапларнинг ҳаммаси кўзни шамғалат қилиш учун килинаётган найрангмикин? Хўш, қандай тил бириктиришади, нима мақсадни кўзлаб, кимга қарши тил бириктиришади? Бутун далалярни ўз кўлларига ўтказиб олиш, боғларни тортиб олиш учун тил бириктиришган, уларнинг кўзлагани шу, шундан бошқа нарса эмас!

— Менинг чойхонамни ҳам кўзлашган! — деб кўшиб кўйди Сафар тумшайиб.— Бултур юз эллик танга баҳо килишганда сотиб юбора колсам бўлар экан-да!

Хўжа Насриддиннинг мўлжали тўғри чиқди: чойхоначи Сафар сатранж ўйнаб ўтириб, Оғабекка дўнглик-

даги чалдиворда эшак меҳмон бўлаётгани ҳакида ҳикоя қилди.

Хўжа Насриддиннинг нон ва ўрик сотиб олишини ўз кўзи билан кўрмок учун Оғабек чойхонада одатдагидан кўра узоқроқ ўтириб қолди.

У буни ўз кўзи билан кўрди! Хўжа Насриддин унинг кўзи олдида икки сават эмас, атайн тўрт сават нарса олди, бу сафар буларни кўтариб бориш учун новвойни ҳам бирга олиб кетди. Хўжа Насриддин чойхонада ўтирган Оғабекни кўрмаганга солди ва «бугуноқ чалдиворга, менинг олдимга Оғабек боради» деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Кечга яқин у уйга сув сепиб, янги ўрилган қамиш олиб келди-да, эшакнинг тагига тўшаб кўйди, кейин ўрикларини ёриб, Сафардан саккиз тангага сотиб олинган гулдор сопол лаганга тартиб билан чиройли қилиб терди.

Кия турган эшикдан чалдивор томонга келаётган Оғабекни кўрди.

Осмон кирмизи ранг олган, қуёш ўт денгизига кириб борарди, орка тарафидан офтоб тушиб турган Оғабек қуёш ботаётган уфқда худди тошдан йўнилгандек оғир ва баҳайбат кўринарди. Лекин ҳар бир тошнинг ўзига яраша болғаси ҳам бўлади! Хўжа Насриддин нон солинган сават билан ўрик териб қўйилган лаганни олдига тортиб, юзини эшакка, орқасини эшикка қилиб ўтириди. Ботиб бораётган қуёш унинг қаршисидаги деворни қизғиши каҳрабо рангли илиқ нури билан ёритди, эшак нон ҳидини сезиб, қулоғини чимирди — қулоғининг учи офтобда тарапландек майдагача кўриниб турарди.

— Шошма! — деб жеркиди Хўжа Насриддин, эшакнинг чўзилаган тумшуғини саватдан нари туртиб.

Ботиб бораётган қуёшнинг девордаги нури бироннинг сояси тушиб бутунлай сўнди. Оғабек эшикда турарди.

— Ҳа, жаноби олий, шаҳзода,— дерди Хўжа Насриддин ҳеч бир тутилмай, эшакка нон тутиб.— Мен бу чет қишлоқда шундан яхшироғини тополмадим. Бу ернинг новвойлари, сарой новвойларига сира ҳам ўхшамаслигини айтмайсизми? Бирок ўриклари яхши экан, ҳеч курт емаган, ўриклари жаноби олийларига макбул бўлар деб ўйлайман.

Ўриклар мақбул бўлди — бир лаҳзада лаган бўшаб қолди! Кейин «жаноби олий» нонга илтифот қилди ва

бирданига кетма-кет түртта нонни ютди. Иштаҳаси карнайдек очилиб, тағин нон талаб қилар, Хўжа Насриддин факат ғазаб билан кошини чимирап ва секингина пичирлаб кўярди, орқасидан эса боягидек букилиб таъзим қилаётгандай кўринарди.

Кечки офтобни тўсиб турган кўланка қимирлади.

Хўжа Насриддин шитирлашни эшигандек, орқасига ўғирилди, қаддини ростлаб, шошиб қолгандек юзида кўркув аломати кўрсатди. Ноқулай аҳволда қолган кишидек ейилиб бўлмаган ноннинг бир чети жағидан чикиб турган эшакнинг олдини гавдаси билан тўси.

Оғабек эшикдан ҳатлаб кирди-да, Хўжа Насриддинга савол назари билан қаттиқ тикилди.

Эшак ҳамон кавшанар, осилиб турган нон шалаб-шубуб килиб дарров унинг лунжига кириб кетди.

— Ҳааа, бундай дегин! — деди чўзиб Оғабек, ўзининг қадимги қозилик одати бўйича, гўё ҳамма нарса унга тушунилиб тургандек, ҳолбуки, ҳақиқатда у ҳеч нарсани тушунмаган эди. — Сен сават-сават нон билан ўрикни бу ёқка йўқотар экансан-да!

— Мен... Ҳеч ёққа йўқотаётганим йўқ, — деди тутила-тутила Хўжа Насриддин. — Мен уларни ейман.

— Ейман эмиш! — деб кулди Оғабек соқолини силкитиб. — Ҳар куни икки сават нон, икки сават ўрикни-я! Елғон гапирмагин, яширма мендан, ростини айтавер! У Хўжа Насриддинга томон кўкрагини кериб келди, унинг шошиб қолишидан бирор сир борлигини, жинояткорона бир сир борлигини гўё сезгандай. — Ростини айтавер, эшагингга нон билан ўрик берәётганингни мен кўрдим-ку!

— Жи-и-мм! — деди Хўжа Насриддин афтини буришириб ва оғриган тишига муздек сув тегиб кетгандек чўнкайиб ўтириб олди. — Худо ҳаққи, хўжайин жаноблари, мана шу қўпол сўзни айтманг. Бу сўзниг ўрни эмас.

— Ўрни эмас, деганинг нимаси? Бу ерда битта эшак турибди, мен эшакни кўряпман, шунинг учун эшак деяпман!

— Бу қўпол сўзни уст-устига яна уч марта айтдингиз! Яхшиси ташқарига чикайлик, хўжайин, уйдан нари, холироқ жойда гаплашайлик.

— Шу ер ҳам ҳоли жой-ку, ҳали сен бизнинг учинчи суҳбатдошимиз деб мана шу эшакни айтяпсанми, дейман?

— Эй худойим, тұртнинчи марта айтапсиз-а! Юринг, ташқари чиқайлик, хұжайин, ташқарига чиқайлик!

У Оғабекни чалдивордан суреб чиқарыб, эшикни ёпди, шундан кейин бирданига қаттық сүроқ остига тушиб қолди.

— Суриштираверманг, хұжайин, бу жуда мағфий сир, бунга күп улуғ нарсалар алоқадор.

— Улуғ нарсалар дедингми? Үндай бүлса, бошқа улуғ нарсалар катори мени ҳам үз сириңдан огох килгін.

— Мен сизни жуда ҳұрмат қиласам, хұжайин, сиз бу ерда, Чұракда чиндан ҳам улуғсиз, лекин ановилар билан солиширганда кичкина бир құрт ёки тұғрироғи, құмрсақачалик ҳолингиз бор.

— Менинг құмрсақачалик ҳолим бор! Бу ярамас сүзинг учун биласамни...

— Кечирасиз мени, хұжайин, лекин сөз шоҳлар ҳақида борар экан...

— Шоҳлар дедингми?..— деб сүради, юрагида сабрсизлик чилимігә құф тушиб тутай бошлаган Оғабек.— Сен менинг хизматкорымсан, демак, мендан ҳеч нарсанни яшірмаслигинг керак.

Хұжа Насриддин қарама-қарши ҳислардан боши ган-гиб қолған кишидек бошини күйи солди:

— Нима қилишим керак энди? Бир тарафдан, дарҳақиқат үзимга яхшилик қылған валинеъматимдан ҳеч қандай нарсаны сир тутмаслигим керак, марҳум отам менга шундай насиҳат қылған әдилар...

— У жуда тұғри насиҳат қылған экан, жуда яхши одам бүлса керак.

— Іккінчи жиҳатдан, улуғларнинг сир ва ғазаби, тағын шундай ғазабки, иккимизни ҳам күйдіриб кул килиб юбориши мүмкін.

— Мен ҳеч кимга айтмайман.

— Агар мен бунинг учун сиздан онт ичишингизни талаб қылсам, мени адабсиз демайсиз-да.

— Азбаройи худо, айтмайман!

Шундан кейин Оғабек улуғ сирни эшитиб олмоқчи бўлиб, Хұжа Насриддининг яқинроқ сурилиб ўтириди.

Бирок Хұжа Насриддиннинг мұлжалича, унинг бу сирни эшитишига ҳали қулай фурсат келмаган, мева ҳали пишиб етгани йўқ эди, Хұжа Насриддин меванинг ҳозирча шохда осилиб туришини маъқул кўрди.

Оғабек ҳар қанча уринса ҳам, Хўжа Насридин сирни айтмай қаттиқ туриб олди. Бир ҳафтадан кейин айтиши, ундан илгари айта олмаслигини, агар кўлнинг коровуллик вазифасини ташлаб кетишга тўғри келса ҳам, бир ҳафтадан олдин айтиб беролмаслигини билдириди.

— Коровулликни ташлаб кетиш дейсанми? Сенга ниша бўлди, нега ахир?— кўркиб кетди Оғабек, кисташини бирданига сусайтириб,— агар ундаи бўлса, мен кута тураман.

Сирнинг чувалчангига учган Оғабек энди томонидан қармоққа илиниб қолган эди.

Иигирма олтинчи боб

Ҳамма, ҳамма ўтади; ногоралар чалинади, бозор ва ҳаётимизнинг кизиб турган ранг-баранг бозори ҳам тўхтайди. Беҳуда майда истакларнинг дўконлари бирин-кетин ёпилади, шавку завқ расталари, умид майдонлари ва орзу ярмаркалари бўшаб колади; борлик жимиб, кўқдан ғамгин кечки нур инади, фойда билан зиённи ҳисоблаш вакти, яъни оқшом пайти яқинлашиб колади. Тўғриси — у факат зиёнларни ҳисоблаш вакти; мисол учун, мана биз ҳам — бу воқеаларни кўп ғаму гуссали килиб ёзувчи биз ҳам ёлғонга кўчмасдан туриб, ўз ҳаётимизнинг бозорини ҳамён тўла фойда билан тугатяпмиз деб мактана олмаймиз.

Сайёralар ўз йўлларини охиринга етказади; онлар онларга туташади, минутлар минутларга, соатлар соатларга туташиб, кунлар, ой ва йилларни ҳосил қиласди, аммо кўп ғаму гуссаларни ёзувчи биз, бу узлуксиз занжирдан ўзимиз учун хотираларнинг музга ўйиб ёзилган ожизгина изидан бошқа ҳеч нарсани тутиб ҳам, саклаб ҳам кололмаймиз. Шундай бахтли кишилар ҳам бўладики, улар умрларининг оқшомига яқин бу хотираларни ҳали тамоман йўқ бўлиб кетмаган ҳолда топиб оладилар: шунда уларга умр бўйи тортган кулфатларига мукофот қилиб, иккинчи ёшлик — биринчи ёшликларининг акси берилади. Иккинчи ёшлик уларнинг юзидағи ажинларни йўқотиб юборишга, мускулларидағи кувватни, ишларидағи илдамликни ва товушларидағи жаранглашларни қайта тиклашга кодир эмас, унинг эгалик килалигидан нарсаси факат руҳ. Сиз кўзлари равшан ва чараклаб турган чолни учратганимисиз? Чолнинг руҳида

такрорланаётган иккинчи ёшлиқ сизга қараб туради, бу ўтмишнинг сўнган юлдуз нуридир, бу аллақачонлар жаранглаган, аллақаёкларда айланиб юриб, ниҳоят яна ўзимизга қайтиб келган куй овозидир. Бутун тортган гаму фуссаларимиз бадалига, илоҳий, бизга ҳам шундай марҳамат насиб бўлсин; кўнгилларимизда ёшлигимиз колдириб кетган эзгулик излари ҳеч қачон йўқ бўлмасин, токи ёшлигимиз умримиз охирида ўзимизга қайтиб келиб, бир вактлар ўзи туриб кетган хонаи дилимизни танисин... Ер юзида биз абадий ташлаб кетган ва абадий эсимиздан чикмайдиган, руҳнинг мовий туши бўлган Фарфона бор; булар шу Фарғонанинг хотираси, унинг кўнглимиизга тушиб колган излари, унинг қизғин қуёши, серғалва, ранг-баранг бозор ва шаҳарлари, ям-яшил боғларга кўмилган қишлоқлари, унинг булатлардан баланд кор чўққилари, ва муздек лойқа жилгалари бор тоғлари, унинг дала, кўл ва кумлари, биллурдек покиза субҳидамлари ва бутун осмонни қоплайдиган қирмизи серзавқ оқшомлари, тоғлардаги кун ботишлари, ёруғ түнлари, сертутур чойхоналари, буларнинг ҳаммаси ҳам Эрам боғига — саодатли ажойиботлар мамлакатига олиб борадиган йўлларнинг изларидир... буларнинг ҳаммаси кўнглимиизда турибди. Яна борармиканман, кўармиканман уни? Йўқ, ҳеч қачон! Аммо олдимизда сулҳ-муроса, иккинчи ёшлиқ бор — биз қайтиб келмаймиз, биз эслаймиз, холос...

Шу ерда ҳасратимизни тўхтатамиз; чунки, нима учун карилик ёшини икки марта: бир сафар сезиб эслаб, иккинчи сафар чини билан бошимиздан кечиришимиз керак? Бизга, ҳозиримизни келажагимизга едириб, бундай беҳуда хаёлларга сарф этишимиз учун унчалик кўп кун ато қилинмаган-ку, қиём — туш вакти орқада колди, лекин кун ботиш ногорасини чалишга ҳали анча вакт бор, бозор ҳам ҳали овозининг борича шов-шув қилиб ётибди, дўконлар савдо киляпти, расталарда минг-минг лаб одам, майдонлар ҳам тўлқинланиб шов-шув қилади, сув сатаётгандарнинг «оби худойи» деб бакирган овозлари гадойларнинг ғамгин фифонларига ва дарвишларнинг биргалашиб айтган дийдиёларига қўшилиб кетади, аравалар фижирлайди, туялар бўкиради, мискарларнинг болғалари жаранглайди, яллачи ва масхарабозларнинг дафлари вадаванглайди, ошхоналарнинг ҳидли туутвлари ҳамма ёкка тарқалади, офтобда ипак матолар

ялтирайди, қимматбаҳо гиламларнинг гуллари, ду-
хобалар ялт-юлт қилиб товланади, бозорнинг ниҳояти
йўқ, унинг бойлиги ҳам ҳисобсиз.

Бозорга чикарилган моли яхши бўлса сотувчига ҳам
яхши:унда макр қилишнинг ҳам ҳожати йўқ, харидорга
тилёғламалик билан хушомад қилишнинг ҳам кераги
йўқ, молнинг яхши тарафини харидорга кўрсатиб, ёмон
тарафини тахтанинг тагига яшириб, харидорни гапга
чалғитишнинг ҳам ҳожати йўқ, бу белбогида пул тўла
оғир ҳамёни бор харидор учун ҳам беташвишдир. Аммо
бор дунёси баландпарвозлик ва орзулардан иборат бў-
либ, ҳамёни олтин ва кумуш билан эмас, балки ибти-
доларнинг ибтидоси ва интиҳоларнинг интиҳоси қаерда,
борликнинг моҳияти нима, ер юзида ёвузлик нимага
керак, у бўлмаса яхшиликнинг қадрига етилармиди, ка-
би бемаъни саволлар билан тўлган кишилар серғалва
ҳаёт бозорида нима қилиши керак? Бундай бозорда мол
ва пул кимга ҳам керак, бу ерда ҳамма фақат савдо
билан машғул: бирор баҳоларни суриштириб харид қи-
лади, юлғичлик пайдан бўлади, бирор сотади ва хиёнат
қилади, алдайди ва ўзганинг ҳамёнини шилади, бирин
бакиради, иккинчиси инграйди, тикилишиб-сикилишади,
сал бўш келганни жаҳаннамга жўнатаб юборишлари
ҳам ҳеч гап эмас. Бундай бозорда бўш келган одам ҳеч
нарса сотолмайди ҳам, ҳеч нарса ололмайди ҳам, демак,
бирор фойда тополмайди, унинг ўрни гадой ва дарвиш-
лар орасида бўлиб колади...

Лекин биз шу дамгача ҳали ҳам ҳаёт тўғрисида му-
шоҳада қилинадиган чойхонада — ана шу, ушалмаган
орзулар чойнагидан чой ичиладиган ва кейинги пушай-
мон чилими чекиладиган чойхонада ўтирган эканмиз.
Кани, тезроқ бозорга жўнайлик! Ҳой чойхоначи, берган
аҷчик чойингнинг пулинни ол, сенинг чойхонангга кирма-
сак ҳам ва чойингни татиб кўрмасак ҳам яхши бўлар
екан: шунда юзимизга камроқ ажин тушган бўлар
екан!.. Кани тезроқ бозорга, ғавғою чангга, тор ерга то-
мощага, ана шу савдо тегирмони тошини айлантириб,
қайнаб тошаётган, ранг, ғулғула ва ҳидларнинг тиним-
сиз шаршараги томон борайлик. Борайлик-да, оломон
орасидан бир кўзи кўр ўғрини излаб топайлик ва Ҳўжа
Насриддиннинг топшириғини қандай бажарганлигини
билайлик.

Ўғри тўрт минг танга ҳалол пул топиши керак! Ҳа,

ҳалол пул! Күкөн бозорига келгандан кейин ўғри расталарда икки кун тентираб юрди. Теваракда юзлаб, ҳатто-ки минглаб ҳамёнлар бор эди. Күкөн меровларининг белбог ва чўнтакларидағи қаппайган ҳамёнлар ўғрининг кўзини куйдирар, бармоқларини ёқимли қитикларди. Ҳамёнлар гўё сал-пал қимирлаб, ингичка товуш билан: «Бизни ол, олгин бизни! Худо ҳакқи, бизни мана шу тор зиндонимиздан кутқар, биз эркинлик истаймиз, офтобда, эҳ, унинг нурларида олтин ва кумуш жилоларимиз қандай шўх ва қандай кувнок бўлади-я!» дейишарди. У буларни олган бўларди, олишга ҳеч қийналмасди, олганда ҳам шундай эпчиллик билан олган бўлардикি, эгнига янги ипак сарполар, бошига жияги қизил попукли дўппи кийган меров анчагача ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда расталарни кезар, молларни кўриб савдолашар ва фақат баҳосига тўхташгандан кейин пул тўлаш учун белбогини ечиб, жияигига мунчок тақилган ҳамённинг бирдан кир латтага ўралган думалок тош бўлиб колганини кўриб, кўзи ола-кула бўлганча оғзи очилиб, ҳайратидан котиб колган бўларди. Бундай килиш ўғрига ҳеч гап эмас, бирок, уни ҳалол пул топиш қизиктиарди. Бозордан ҳалол пул топиб кел деб буюриш унга нам тегмаган сув билан муздек совуқ олов олиб кел дегандек гап!

У анча вактгача бир хитой савдогарининг дўкони теварагида ивирсиб юрди, лекин хитойнинг пулини бошқаларнидан кўра ҳалолроқлигига ишончи комил бўлмади. Худди шунга ўхшаш салласига олтин жиға қадаган ҳинд амалдорлари теварагида ҳам иши юришмади. Амалдорлардан кечиб, у олтин кукуни сатаётган қора соқол бир тоғликка йўлиқди, тоғлиқ бу олтинларни булатлардан ҳам баланд тоғ қоялари устидаги муз ва кордан иборат ажал уюмлари орқали ўтиб бориладиган коронги тоғ дарасида ўз кўли билан ювиб кумдан ажратиб олган, бу олтин фақат ўша тоғликка ҳалол эди, шунинг учун ўғри унинг ёнида тўхтамай ўтиб кетаверди.

Ўғрининг боши котди ва биронта ҳам ҳамённи мўлжалга ололмади. Бунинг устига унинг ёнида доно маёлаҳатчиси Хўжа Насриддин йўқ эди. Айланавериб энди силласи курий бошлаган ҳам эдики, нарироқдаги дўконда бир араб савдогарига майда кумуш тангалар санаб бераетган семиз бир саррофни кўриб колди.

Ҳаҳ, мана ҳалол пуллар! Хўжа Насриддиннинг ўзи

ҳам бу чашмадан күл ботириб ўлжа олишдан ҳазар қилмасди. Агарда булар биринчи галда ҳалол бўлган бўлса, нима учун иккинчи галда ҳалол бўлмасин? «Бундан сира ҳам нари силжимайман!» Ўғри ўзига-ўзи шундай дегандан кейин у каршидаги чойхонага кириб сарроф кўриниб турадиган жойга ўтириди.

Қарангки, унинг иши ўнгидан келди: сарроф дўконини шу куни кечки ногора чалинишидан анчагина илгари ёпди ва қампайган оғир бир халтани қўлтиқлаб уйига жўнади.

Ўғри кўринмасдан унинг кетидан эргашди.

Бозор, жазирама офтоб, дим эди. Сарроф пишиллаб, қора терга тушиб кетди. Кўп ўтмай, бир кўчага — ўймакор эшиклари билан банд деворларига караганда, факат бойлар яшайдиган кўчага бурилди. У ер-бу ерда деворнинг устидан сап-сарик олтиндек ўрик шохлари кўринар, ям-яшил барглар билан қопланган ток занглали осилиб ётарди. Бу ерга бозорнинг шов-шуви секин эшитилар, камбағал маҳаллаларда доим бўладиган хотинларнинг бақириб-чакириши ва болаларнинг йиглаши эшитилмас, сув куйгандек жимжит эди. Ҳатто деворларнинг тагидан окаётган ариқ сувлари ҳам гўё шивирлагандек аста шилдирап ва гирдобсиз аста буралар, бош ариқдан ажралиб, новлардан ҳовлиларга кириб, ҳовузларга куйилар эди.

Бир кўзли ўғри Кўқонни яхши биларди-ю, лекин бу кўчага бирор марта ҳам кирмаган эди, ҳар эҳтимолга қарши у кўчанинг барча бурчагу бурилишларини эслаб олди. Эски мачитдан сўнг торгина букри кўприкдан ҳам ўтишди, узоқда тевараги яшил дараҳтлар билан иҳота қилинган қабристон кўринди. Саррофнинг уйи худди мана шу ерда, лабларига дараҳт ўтказилган кичкина ҳовузнинг қаршисида эди.

Сарроф эшикни темир ҳалқасидан тутиб тақиллатди. Эшикни бир чол очди. «Хизматкор,— деб қўйди ўғри ўзича,— биттамикин ёки бир неча хизматкори бормикин? Бир оз турамиз, кейин биламиз».

У ҳовуз лабига бориб, сояга ётди, дўпписини юзига суриб қўйди-да, ўзини ухлаганга солди.

У анча вакт шу ҳолда ётди, қуёш ҳам осмонда анчагина юрди, энди унинг нурлари ҳовузга кия тушиб, сувнинг ям-яшил тубигача ёрита бошлади.

Бир кўзи кўр ўғри кутиб ётарди. У касбига мувофик

сабрли, лозим бўлганда сичқоннинг ини устида тонг отгунча кимирламай ўтириб чиқадиган мушукка ўхшаб кетарди.

Ниҳоят, унинг сабр килиши беҳуда кетмади: эшик гирилаб очилди-ю, у остоңада саррофни кўрди. Бу сафар саррофнинг кўлтиғида халтаси йўқ эди, аммо чопон сиртидан боғлаган шойи белбоғига кистирилган ҳамёнлари оғирлигидан осилиб турарди.

Саррофнинг оркасидан паранжисиз бир хотиннинг юзи кўринди, аёлнинг кўзлари шаҳло, кошларига қалин ўсма кўйилган, узун қилинб ўрилган кора сочи такимини ўпарди. Ўғри бу гўзал Орзибиби — саррофнинг хотини эканини таниди. Қимматбаҳо нарсаларидан ажралган бечора тул хотин эсига тушди, шу топда ўнлаб хотинларнинг аллангали юракларини ўзига мафтун килган жозибадор бурама мўйлов ва қизил юзли амалдор ҳам эсига тушди.

Ўғри дамини ичинг ютиб, уларнинг гапига кулоқ сола бошлади:

— Қачон келасиз? — сўради истиғно билан Орзибиби. — Ёки тағин ярим кечагача нима бўлди экан деб, хавотирда кўзим тўрт бўлсинми?

— Менга нима бўларди? — жавоб берди сарроф. — Воҳидбой жаноблариникига бораман, тўрт ошиқ ташлаймиз. Утган сафар мен унга уч юз етмиш танга бой берганман, шуни қайтариб ютиб олмоқчиман.

— Демак, яна тунгача! — хитоб килди Орзибиби. — Худо сакласину, сизнинг бу тўрт ошиғингиз ўлгур бизни кафангадо килмасин-да! Бораверинг, мен энди ёлғиз ўтиришга ўрганиб қолдим. Мен учун бир кечангизни ҳам бағишлолмайсиз, ҳа, бир кечангизни ҳам!

Бундан кейинги гаплардан унинг кун бўйи эрини бирор ёққа жўнатиш максадида бўлганлиги сезилиб қолди, аммо унинг овозидаги зорланиш, ясама рашк ва кўзидаги ёшини кўриб, ким ҳам кўнглига бундай шубҳа келтира олади, дейсиз.

— Қимор, от, бозор бўлса бас сизга, мен учун эса... мен учун сизнинг шафкатсиз кўнглингизда жой йўқ! — деб тугатди сўзини Орзибиби аччик алам билан. Балки бу сохталик эмасдир, чунки хотинлар ўз сохтабоззикларининг ростлигига эрларинигина эмас, ўзларини ҳам ўзлари ишонтиришга кодирларки, бу уларнинг макрлари алоҳида бир кудратга эга эканидан далолат беради.

У эшикни ёпиб уйга кириб кетди.

Сарроф пишиллаб, дастрұмоли билан юзи ва семиз гарданини артди, овоз чиқармай дўрдоқ лабларини қимирлатди, мазмуни, у хаёлида хотини билан гапини давом эттиради, кейин күнглида бир жеркиннің қўйди-да, қўлнини бир силтаб, ўзининг уч юз етмиш тангасини ютиб олмоқ учун Воҳидникига қараб жўнади.

Угри бу вақт ичида қимир этмади, бирон бўлса ҳам ясама хуррагини тўхтатмади, аммо агарда шу пайтда бирор келиб унинг дўппи тагидаги юзига қараса қўркув ва ҳайратидан чўчиб кетиб:— Е, алҳазар! Одам ҳам бунчалик тешиб юборадиган қилиб тикила олар экан-а!— деб юборган бўларди. Бир кўзи кўрни ўғриларга хос титроқ босди, унинг калласида худди саратонда тогда бўладиган яшиндек тўхтовсиз бирин-кетин ёвуз фикрлар ёлкинланарди. Демак, халта уйда қолди! Уни қаерга яширган экан? Уй бир оз бўлса ҳам ҳоли бўларминкин?

Эшик тагин очилди. Йўлга икки киши чиқди, бири ўғри боя кўрган кекса чол хизматкор, унинг кетидан эса оёғини судраб, эснаб, керишиб иккинчи хизматкор чиқди, буниси ёшроқ, қўлида гулдор хитой кўзача кўтарган, ухлайвериб юzlари солқиб кетган, ҳорғин эди.

— Энди унга ёш хурмолар керак бўлиб қолибдур!— деди қақшаб чол, носқовоғини силкитиб кафтига анчагина нос соларкан.— Бор, қаёқдан бўлса ҳам топиб кел, эмиш!— чол оғзини катта очиб, бир отишда тилининг тагига нос ташлади.— Хурмоларинг билан қўшмозор бўл, шу пайтда қаердан топиб бўларкан?— энди чол носни босиб турган тили билан эмас, бир лаби билан соқвланиб гапирди.

— Мени бўлса, ҳиндиларнинг шарбатидан олиб келишга буюрди,— деди уйқулик ғўнғиллаган овози билан ёшроқ хизматкор, муштуми билан шишган қовокларини уқаларкан.— Одамни ухлашга ҳам кўйишмайди-я!

Чол оғзидаги носни, бир шохга кўниб ўтирган йўл-пашшага мўлжаллаб туриб, тупурди-ю, теккизолмади, пашша учеби кетди.

— Биласанми нима,— деди чол сўзида давом этиб.— Яхиси бирор чойхонада ўтирамиз-да, кейин бирин-кетин бошқа-бошқа келамизу тополмадик, дея қоламиз.

— Сиз ўтираверасиз, мен бирор соат ухлаб оламан!— деб хурсанд бўлди иккинчиси.

Шу гап билан икковлари жүнашди.

Үфри буларнинг гапини дурустрок ўйлаб кўргани ҳам йўқ эдикни, яна эшик очилиб, бошига паранжи ташлаган иккита ёшгина хизматкор қизлар кўчага чиқиб қолишиди. Улар худди қафасдан кутулган қушчаларга ўхшаш жилва килишар, фунчадек оғизчаларида дурдай тишларининг ортида биттадан эмас, бутун бошли ўнтадан тиллари бордек тўхтовсиз чуфур-чуфур килишарди. Үфри гарчанд ижирғаниб афтини буруштирса ҳам гапларига кулоқ солди:

— У қип-қизил жинни бўлиб олди! — деб чуфурлади биринчиси. — У мени шаҳар четидаги Қизил-Кент маҳалласига, ўзининг чеварига юборяпти! Буни кара-я, эртагача сабр қиласа ўлармикин, ахир эртага чевар ўзи олиб келади-ку!

— Мени бўлса, араб майдонидаги ўзининг кашта тикувчинини кашта тикувчинини юборяпти, — бижирлади иккинчиси. — Унга кашта нимага зарур бўлиб қолганини тушунолмадим.

— Тушунолмадими нимаси? Комилбек жанобларини эсингдан чиқариб қўйдингми?

Икковлари ҳам пиқиллаб кулишди, кейин бутун кўчани бошларига кўтариб, кўзлари чақнаб хаҳолашди.

— Менинг гапимга кирсанг, ҳеч қаёқка бормаймиз, — деди биринчи хизматкор қиз ўйлани^т туриб. — Шу якин орада холамнинг уйи бор, ўша ерга меҳмонга борамиз. Бир-икки соат ҳангамалашамиз-да, бекачимизга бирор баҳона топамиз. Елғиз ўтириб кўрсин.

— Майли, бир оз зериксин!

Елғиз ўзи! Бу сўз худди яшиндек бир кўзли үфрининг миясидан товонигача куйдириб ўтди! Елғиз!.. Агарда уни бир амаллаб уйдан чалғитиб чиқариш мумкин бўлса эди-я!

Хизматкор қизларнинг овозлари узоклашиб, тинди.

Шу вактда бехосдан... Үфри бекинди.

Эшик тағин очилди.

Ҳа, бугун үфри ўнг ёни билан турган экан! Эшикдан бекач — Орзибиби чиқди.

Үфри кимирлашга ҳам, нафас олишга ҳам кўркарди. Наинки, унинг яширин, зориқиб кутган орзуси ушалса-я?

Орзибиби у ёқ-бу ёғига бир караб олди. Үфрини кўрмади. Паранжини ёпиниб, чачвонни туширди-да,

эшикни кулфлади ва пилдиллаганича бозор томонга жү-
нади.

Үгри тирсагига таяниб гавдасини сал күтарди, унинг
орқасидан якка кўзини тикиб қолди.

Вакт келди! Кўчада ҳеч ким йўқ, уй бўш. Эй, меҳри-
бон худо, ўзингга таваккал, ўзинг нусрат бер... Үгри
шундай дуо килди-ю, оёқ учида катта-катта ҳатлаб де-
вор тагига борди. Е, азиз авлиёлар, мадад килинг!— деб
кўнглидан кечиргач, лип этиб девор устига чикиб олди.
Яна бир сакраб, ҳовлига тушди.

У кулок солиб тинглади. Чурқ этган овоз эшитилмас-
ди. Демак, ҳеч ким кўрмаяпти.

Пигирма еттинчи боб

Уша вактда уйнинг дераза ва эшиклари ҳовли та-
рафга қараган бўлар эди. Деразаларга қопқоқлар ўна-
тилған бўлиб, ички тарафидан ёпилар, эшикларда кулф
осиғлиқ турарди. Лекин бу кулф ва дераза қопқоқлари
бу эпчил ўғрига писанд эмас эди, мана, ўғрининг кўлида
пичоқ ялтиради, дераза қопқоғининг тиркишига ўнгай-
гина кирди, бир нарса ғижирлади, дарча шак-шук эт-
ди-ю, очилиб кетди.

Мўлжалга олинган ҳамёнга энди йўл очик!

Үгри энди деразанинг паст, кенг токласидан ҳатлаб
ичкарига ўтди, дарчани ҳам қайтадан ёпди, мабодо ко-
чишга тўғри келиб қолса, очишга осон бўлсин учун ички
тамбаларнинг фақат юқоридагисини суриб беркитди.
Кейин атрофга кўз югуртди.

У меҳмонхонага кириб қолган эди. Шифтдаги туйнук-
дан тиккасига ўткир нур тушиб турар ва орқа тараф де-
вордаги ранг-баранг гулдор туркман гиламини очик,
равшан ёритиб турарди. Тўрдаги тахмонларда атлас ва
шойи кўрпалар уйилган, ўртадаги кичкина токчада ус-
тига кумуш чопган мис чилим кўйилган эди.

Үгри ҳамма токчаларни тез-тез титкилаб чиқди.
Ҳамён гилам ва кўрпалар тагида йўқ эди. Шундан кейин
у сандикларга ташланди. Ҳар бир сандик устида у бир
дакиқадан ортиқ турмас, шу муддат ичиде сандикни
очиб, энг тагигача титкилаб, яна бекитиб кўйишга улгу-
рарди. Сандиклар духоба, атлас, кимхоблар билан лим-
мо-лим тўла эди-ю, лекин ҳамён кўринмасди.

Үғри иккинчи хонаға, ундан учинчисига лип-лип үтди... сандикдан-сандикқа күчди... бари бир яна ўша шоһилар, атлас, кимхоб, шол, духобалар. Ҳамён қаёқдай-кин-а?

Шундан сұнг навбатдаги хонага чиқди. Үйдан мушк-анбар ва атир ислари анқиб турарди, токчаларга кичкина шиша күзачалар ва кутичалар терилген. Бу хона майда-чуйда нарсаларнинг күплигидан худди қүш уясидагидек тор эди, уйнинг бурчагида устига ипаклик чимлдик тутиб күйилган пастгина ялпок сүри күйилган, коронгиликда унинг тепасидаги кумуш ойна хира ялтыраб турарди.

Үғри бу Орзибибининг хонаси эканини пайқади. Энди у кутичаларни ахтаришга киришди. Кутичалардан бирини очиб, бирдан қувониб кетди! Унинг күз ўнгиде олтин ялтираб, кимматбаҳо тошлар чакнаб кетди. Биничи карашдаёк, у бечора бева хотиннинг кимматбаҳо нарсаларини таниди. Бундан ҳам савоблирок, хайрлирок ўлжа бўлиши мумкинми?

Шу билан жўнаб қолиши керак эди. Лекин ҳамён уни ўзига оҳанрабодек тортар эди. У курсининг тагини, ёстикларининг оркасини қараб чиқди. Қаршисидаги бурчакда катта бир сандик турарди. Ҳамён балки мана шу сандикладир? Бирок, унинг оғзи кулфланмайди ҳам... үғри сандикнинг қопқоғини кўтарди. Ичида ҳеч нарса йўқ, факат тагида йиртиқ пар тўшак ётибди. Вой лаънати! Тағин қаерларни излаш керак-а? Мўркоидан излаш керакмикин-а?.. Албатта у мўрконга ҳам кириб чиқади, деворларини дукиллатиб, нима қилса ҳам керакли ҳамённи топиши керак, ахир, сарроф үйдан чикиб кетаётисб ҳамённи кўзга кўринмайдиган қилиб кетмаганку? Шунинг учун үғри ҳамённи топиб, кўйнига жойлар эди-я...

Бирок, ҳовли тарафдан кулфнинг шараклаб очилгани, эшикнинг фижирлагани эшитилиб қолди... Орзибиби қайтиб келди! Яна эшик занжири шараклади, бу сафар овоз жуда ҳам яқиндан келди... ичкари ҳовли эшиги бўлса керак!

Кочиш керакми? Қаёққа ҳам кочиш мумкин? Үғри ўзининг шунчалик эпчиллигига қарамай баланд деворлар орасидан чикиб кета олмади. Ҳар эҳтимолга карши кочиш учун мўлжаллаб кўйилган дераза эса узокроқда — ҳовлининг нариги бошида эди.

Сандик — шу ерда жон саклаш мумкин!

Үгри сандикка тикилди, оғир копқокни ғижирилат-
май устига ёпди-да, нафасини ичига ютиб жим бўлди.

У кўп марта сандикларга беркиниб жон саклаган,
шунинг учун сандиклардан умиди катта эди. У сандик
ичида қулайроқ жойлашиб олди-да, оёқларини узатди.
Чўнтагини пайпаслаб кўрди, қимматбаҳо нарсалар ёни-
да эканини билгач, кўнгли тинди.

Бир хўрсаниб кўйди-да, сандик ичида узок ўтиришга
ўзини тайёрлади.

Қўшни хонадан оёқ товуши эшитилди. Кишиларнинг
говур-ғувури ҳам келяпти. Ана эшик очилди. Уй бекаси
сатанг Орзиби кирди, ёнида бир эркак ҳам бор. Үгри
сандик ичида туриб хафа бўлди ва нафрат билан истеҳ-
зо килди: хотин деган мана шу экан-да!

Лекин эркак кишининг оёқ товушлари орасида жа-
ранг-журунг килиб эшитилаётган бу ғалати товуш ни-
маси-а?.. Үгри, уйга кирган эркакнинг майин ва аниқ
овозини танигандан кейин унга ҳамма гап аён бўлиб
колди: бу жаноб шаҳар миршабларининг бошлиғи олиф-
та Комилбек эди. Жаранглаган товуш унинг кўксидаги
нишонлар ва аслаҳаларидан чиқаётган эди.

— Сиз ўзингизнинг ноҳақ таъналарингиз билан
кўнглимни шафқатсиз равишда тирнаяпсиз! — дерди
Комилбек, илгари бошланган гапларини давом этти-
риб.— Такрор-такрор айтаманки, менинг муҳаббатим,
юрагимнинг алансаси факат сизга! Узингизга!

— Елон гапиришнинг нима ҳожати бор! — деб
сўзини бўлди Орзиби, унинг кўксидан чиққан майин
овози титрарди.— Бизнинг мана шу охирги учрашу-
вимизда, умрингизда бир марта бўлса ҳам рост гапи-
ринг.

— Энг охирги дейсизми? Нега ахир, кўнглимнинг
гўзал сultonони?

— Нега эканлигини ўзингиз биласиз.

— Секинроқ, кўзингдан аканг, Орзибихон, бирор
эшитиб колади.

— Уйда ўзимиэдан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Ишончингиз комилми?

— Вой, шунча қўрқоқ бўлмасангиз! — деб кулди Ор-
зиби калака килиб.— Мана, ўзингиз қаранг, ишонма-
сангиз!— Хонада унинг пилдираб юрган оёқ товуши
эшитилди. Кейин курси устидаги чимилдик ҳалқалари

шилдиради. Кўряпсизми, ҳеч ким йўқ... Сандиқни ҳам қарай қолинг.

Ўғрининг аъзойи бадани муздек бўлиб кетди. Бирок Орзибиининг:

— Мана бу кўзачаларни ҳам қарай қолинг,— дейиши унга бир оз далда берди.— Рост, мен Комилбек жанобларини жуда ҳам ботир деб ўйлаган эдим. Сиз бўлсангиз кўрқок куён экансиз...

Кўнгли ранжиган кўрбоши нишонларини жаранглатиб уйнинг у бурчидан бу бурчига ғазаб билан қадам ташлаб юар ва:

— Мен кўрқок эмас, эҳтиёткорман,— дерди.— Узингиз биласизки, худо кўрсатмасин, бизни қандай даҳшатли жазога дучор килишади, агарда...

— Севишган вактимда жазолашлар менинг хаёлимга ҳам келмайди,— деди жавобан Орзиби.— Шириннинг ишқ кўйига тушганда Фарҳод хавфу хатарлардан кўрккан эмас, ўз Лайлосининг васлига етишмоқ ўйлида Мажнун жазолашлар тўғрисида ўйлаган эмас. Лекин бу билан мен юкори обрули, лекин жуда ҳам эҳтиёткор Комилбек жанобларини Фарҳод билан ёки Мажнун билан тенглаштириш ниятида эмасман. Мен сизни бошка бир гап учун таклиф килганман: менга ҳақиқат керак!

— Ҳа, балли, мен ҳам сизга ҳақиқатни очмоқчиман. Иккимизнинг устимизга хавф солаётган бир хатар тўғрисида сизни хабардор килиб кўймоқчиман...

Шаллаки Орзиби кўрбошининг сўзига қулок ҳам солмади. Унинг оғзидан ўтқир кинояли сўзлар тўхтамай чиқар ва бу сўзлар рашик алансасида қиздирилиб бекнинг устидан сочилимоқда эди:

— Мен шу нарсани билмоқчиманки, нима учун илгарилари бундай жазолашларга парво қилмай, кўнгил амрига бўйсуниб олдимга бемалол келаверар эдингиз? Энди нима учун бирданига бундай кўрқок бўлиб, икки ҳафта, бутун бошлиқ икки ҳафта! Бирор марта мени йўклаб келмадингиз? Наҳотки бугун менинг ўзим, уятни ҳам, назокатни ҳам унутиб кўйиб, сизни излаб бозорга борсам, коровулхонадаги гадой бир кампир орқали сизни чақириб келсан-а. Айтинг-чи, нима учун бирданига мендан безор бўлиб қолдингиз ва агар янгилишмасам, илгарилари сиз учун гўё лаззатли бўлган учрашувларимиздан қочадиган бўлиб қолдингиз? Ёки, мен бунда янг-

лишаётгандирман, эҳтимол, балки сиз илгарилари ҳам менга факат шафкат юзасидан илтифот кўрсатиб юргандирсиз?.. Индамай колдингиз-ку, майли, сиз учун ўзим жавоб бера колай. Сиз мени севишдан айниб колдингиз ва сизнинг бевафо ва шафкатсиз дилингиздаги менинг ўрним энди бошканини булиб колди! Бу гапларнинг сабаби факат мана шу! Йўқ, важ кўрсатмай кўя колинг, ёлғонлашга уринмаёқ кўйинг, сизнинг киликларингиз буни ҳар қандай сўздан кўра аннекроқ айтиб турибди.

— Эй, гўзалларнинг гўзали Орзиби, жуда ҳам янгишяпсиз-да! Сиз умидларимнинг энг сара гулисиз, наинки, мен кўр бўлиб, сизнинг баркамол ҳуснингизни кўра олмаётган бўлсан, наинки, мен сизни қандайдир бир хотинга алмаштира олсан-а?

— Бирок алмаштириб кўйдингиз!

— Худо урсин, ота-боболаримнинг азиз арвоҳлари урсин, агарда!..

— Бўлмаса нима учун бир марта ҳам келмадингиз? Бунга нима сабаб бўлди?

— Сизнинг ҳурматли эрингиз.

— Менинг эримни деяпсизми?.. Ахир, у илгари ҳам бор эди-ку, бирок, унинг бўлиши бизларга сира ҳам халакит бермаган эди-ку.

— Жуда ҳам муҳим ўзгариш рўй берди. Эсингиздами, ҳов анави йўқолган отлар хусусида менинг у билан айтишиб қолганим?

— У бир нарсаларни айтиётган эди-ю, мен уйкум келиб яхши кулок солмаган эдим. Ҳўп, наинки, менинг эрим билан айтишиб қолиб, ўз аламингизни мендан олмокчи бўлсангиз-а?

— Гапнинг охиригача кулок солинг. У биздан гумон киляпти...

— Гумон киляпти дейсизми? У-я?

— Ҳа! У бизнинг ишқимизни сезиб колганга ўхшайди. Пайимизга тушиб юрибди. Мана шунинг учун ўша поїгадан кейин бир марта ҳам келганим йўқ, бўлмаса, менинг кўнглим осмондаги лочиндеқ ҳар вакт сизга томон интилиб туради!

— Тушунмаяпман, бу ерда от, поїга ва эримнинг бошка турли аҳмокона ўйинлари нима килиб юрибди? Бизнинг ишқимизнинг уларга нима алокаси бор?

Кўрбоши қиска сўзлар билан миршабхона минора-

сининг ертўласида фолбин билан килган сұхбатининг хулюсасини айтиб берди.

— Кўзидан акаси, Орзибиби, эрингиз юзингизни очдириб менга кўрсаттиргани эсингиздами? Сиз буни шунчалик оддийгина деб ўйлайсизми? Йўқ, у билан бизни синаб кўрди. Ушанда биз бир-биримизга эҳтирос алангасида оч бўридек тикилишдик, у бўлса бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни кузатиб турди, юракларимизнинг дукилашини санаб турди!..

— Сира ҳам шундай эмас!— деди Орзибиби,— ўша сизнинг фолбинингиз жуда ҳам ёлғончи. Мен ўз эримни танийман, унинг ҳамма макру ҳийлаларини биламан. У менинг кетимдан яширинча кузатишга қасд қиласар эмишми? Қани, у бунга юраксиниб кўрсин-чи!..

— У шундай қасд қилишга юраксинди.

— Йўқ, асло йўқ!— деб Орзибиби ишвали кулиб кўйди.— Йўқ! Сиз чиндан ҳам қўркар экансиз, соянгиздан ҳам ҳуркар экансиз, эҳ Комилбек!— деганда энди унинг овози қушнинг сайраганидек нафис жаранглади, кўнглидаги рашк ўти бир оз пасайди.— Ахир, ана шу ёлғончи фолбин деб мени шунчалик қийналишга дучор килдингизми?

— Орзибиби, ахир шарманда бўлай деб турган бўлсак нима қилиш керак?

— Йўғ-э, бизлар ишқ гулзорида ётибмиз! Үтирининг ёнимга, Комилбек, ҳозир мен сизга барча хавфсирашларингизнинг ўринисиз эканини исбот қилиб бераман. Якинроқ үтиринг. Ҳа, ҳа, ахир, мана шу қиличингиз билан шу тикондек қадаладиган чопонингизни ечсангиз-чи!

— Мабодо, келиб қолишса нима қиласиз?

— Ҳеч ким келмайди. Ўзимиздан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Эрингиз-чи?

— У Воҳид саррофникига тўрт ошиқ ўйнагани кетди. Уйин жуда ҳам кеч тугайди.

Ўғри камарнинг шалдир-шулдири, кимхобнинг дағал шилдирашини эшитди: қўрбоши чопони билан қиличини ечиб қўйди, деб ўйлади у. Шундан кейин танноз Орзибиби унинг қўркувлари бутунлай асоссиз эканлигини исботлашга киришди. Бу исбот ва далилларни ёзиб үтиришдан ўзимизни саклаб, фақат, бу гаплар тутруқсиз узун сўзлар эди деймиз, холос.

Шу пайт сандиқнинг ичи чидаб бўлмайдиган дара-
жада исиб, дим бўлиб кетди. Ўғрининг аъзойи бадани
терга чўмди, тўшакнинг момик патлари афти баша-
расига ёпишди, бурнига кирди, томокларини қичитиб
юборди. Орзибибининг кизғин гапга тушиб кетганидан
фойдаланиб, у сандиқнинг қопқоғини уч марта кўтариб,
тоза ҳаводан қониб нафас олди.

Лекин тўртинчи марта копқоқни кўтариш учун анча
узоқ кутишга тўғри келди. Унинг нафаси кайтиб борар-
ди. Хотинларга қарши ўзининг бутун нафратига кара-
май, у сандиқдан сакраб чўкиб аъёнга кўмаклашгиси
келиб кетди. Буни у Орзибибининг ҳузурланиши учун
эмас, тоза ҳаво олиш учун килмоқчи бўлди!

Ниҳоят!.. У сандиқни киялаб очди. Ҳаво, ҳаво, бир
дақика бўлса ҳам роҳат! У нафас олишнинг эшитилиб
колишидан сира ҳам кўрқмай кўксини тўлдириб, чукур
ва эркин нафас олди. Шу вақтда кулогига кандайдир
ёт бир товуш эшитилди! Бу нимайкин? Бу товуш шу ер-
дан, шу хонадан келяптими ёки ҳовлиданми?

Ҳа, бу товуш ташқаридан келяпти ва ҳаммани вай-
рон киладиган бурон ва яшиндек туюляпти!.. Ўғри коп-
қоқни ёпиб тағин қоронғилик ва димликка чўкканда,
хонада ҳам жимлик чўкиб, ўтирганлар аранг нафас ола-
ётганда, кўча эшикнинг темир ҳалқаси шараклаб, сар-
роғнинг овози эшитилиб колди.

— Очсанглар-чи эшикни! Нима бало, қотдингларми?

Шундан кейин шу овоз билан бирга уйга саросима-
малик шамоли ҳам келиб кирди-ю, ҳамма ёкни айланниб
изғиди-да, теваракдаги ҳамма нарсани остин-устун ки-
либ юборди.

Саросималик қўрбошини юмшок курсидан ерга улок-
тирди ва худди куён кувгандек уйининг теварак-атроғига
кувлай кетди.

— Эри келиб қолди! Раҳимбой бу!— деди қўрбоши
бўғиқ товуш билан шивирлаб, ғишт ётқизилиб устига
гилам тўшалган полда яланг оёқ у ёқдан бу ёққа югу-
риб,— эҳ, худо, ҳак одамларнинг пушти паноҳи! У мени
кўлга туширди! Мен ҳалок бўлдим! Мен тамом бўлдим,
тугадим!

Мана шу фалокатли, даҳшатли дақиқада у факат
ўзини ўйлар, ўзинигина биларди, факат ўзи кутулиш-
нинг ғамини ер, Орзибиини ҳам курбон қилиб юбо-
ришга тайёр турар, факат ўзи бир амаллаб омон кол-

са бас эди! Баъзи бирларини эътиборга олмаганда, муҳаббатни эрмак қилувчиларнинг ҳаммаси мана шундай.

Орзиби бу даҳшатни бутунлай бошқача қарши олди, у бундай кирғинларда чиниккан ҳар қандай жангчи ҳакида айтиладиган қаҳрамонлик ва күтаринки руҳ кўрсатди. Ахир, у муҳаббат жанг майдонида энг шижоатли жангчи эмасми?

У бир зумда ўзини паришонликдан йиғиштириб олиб, ишга киришиб кетди.

Бир ондаёқ сўри устидаги барча муҳаббат ивирсикларининг изи йўқотилди.

— Тура туринг, бунчалик каттиқ тақиллатаверманг: бошим жуда ҳам оғриб кетяпти,— деди Орзиби, кўча эшикда аччиғланиб турган саррофга деразадан инграган ожиз бир товуш билан, кейин кўрбошига қараб бошқача бир шивирлаш билан гапирди:— Югурманг, оёғингизни шапиллатаверманг, эшитилиб колади. Ҳой, иштонингизни кийиб олинг, уят бўлади-ку ахир! Нимани оляпсиз, бу менинг паранжим-ку... мана иштонингиз, мана, кийиб олинг! Эйе, тескари кийяпсиз, ўнгини агдариб олинг! У яна деразадан ташқарига қараб гапирди:— Ҳозир, ҳозир, кавушим ўлгур каёқда қолибди, то полмайман.— Энди тағин кўрбошига қараб шивирлади:— Сандикка бекининг! Тезрок! Ярим соатда мен уни ўлга соламан!— яна эри томон қараб:— Кетяпман, кетяпман! Эй худойим, бу уйда бир нафас ҳам типчий олмайсан!..— деб кўйди.

Кўрбоши кўрқанидан кўзлари бўзариб ҳеч нарса кўрмай ва ҳеч нарса пайкамай сандикқа тушиб олди.

— Бунда бир юмшоқ нарса бор.

— У пар тўшак, тушаверинг!

У иссик, дим бир чукурликка чўқди. Устидан қопқок ёпилди.

Шундан кейин Орзиби уйидан чиқиб кеди.

Сандикқа кириб олганидан кейин кўрбоши пишиллади ва ўзича тўнгиллаб бир нарсалар деди. У худди онасининг қорнида ётганидек букчайиб, иягини тиззала-ри орасига тикиб ўтириди. Оёғини чўзишга юмшоқ бир нарса халакит беряпти, дарҳақиқат, тўшакнинг уюшиб колган парларига ўхшайди.

У орқасини сандикнинг деворига, оёғини эса ана шу юмшоқ нарсага тиради-да, итарди.

Шундан кейин тұсатдан қол-коронғи сандикка жон кирди.

— Секинрок, жаноб! — деган ғазабли шивирлаш әшигді яқынрокдан. — Секинрок, қорнимни босяпсиз!

Күрбошининг кўркишини қандай сўз билан ифода килиш мумкин? У сесканиб орқага ташланди, иргишлаб бошини сандикнинг қопқоғига гурс этиб уриб олди.

— А!. Нима дединг?.. Ким бу?.. А!.. — деди ва бенх-тиёр бакириб юборди. Ниҳоят, эсини йўқотиб, панжасини кериб бармоқлари билан тимирскилана бошлади.

— Секин,— деди тағин ҳалиги сирли шивирлаш,— бармоғингизни қаёққа тикяпсиз, кулоғимга тикиб олдингиз-ку!

Шундан кейин кўрбошининг кўлини ғойибдан бир нарса келиб тутиб олди-да, билагидан қаттиқ сикди.

— А?.. Нима дединг?.. — деб бакирди кўрбоши, кўлини кутқаришга тиришиб ва тишлари такиллаб, бутун вужуди калтираб кетди.— Ким бу?.. А?.. Бу ким, ҳой?..

— Жим бўлинг! Овозингизни чиқарманг! Энди келишяпти. Кўрқманг, жаноб Комилбек, мендан сизга зиён етмайди.

Эсанкираб колган кўрбоши ҳеч нарса тушунмасди.

Бунинг кетидан манглайига ғойибдан каттиқ бир мушт тушди.

— Учир овозингни, бўлмаса, азбаройи худо, чаваклаб ташлайман!

Кўрбоши шу билан кимир этмай жим бўлди, ҳатто нафаси ҳам ичига тушиб кетди.

Хонага сарроф билан Орзибиби кириб келишди.

— Бугун эртароқ келганингиз қандай яхши бўлди-я.

— Воҳид уйида йўқ экан. Зарур бир иши чикиб қолибди.

Сарроф сандик устига ўтириб, ўзининг йўғон гавдаси билан копкок устига чўкди.

Ана шундан кейин сандик ичидағи кўрбоши билан ўгрига ҳаво етишмай қолди.

— Тобим кочиброк турибди,— деб ингради Орзибиби.— Саъдулла табибини чакириб келсангиз яхши бўларди, унинг уйи ҳам яқин-ку, бир зумда бориб келасиз.

— Хизматкорларинг қани?

— Бугун уларга рухсат бериб юбордим. Уларнинг гиди-бидисидан ўлиб бўлдим. Бир озгина бўлса ҳам, ёлгиз ўзим, беғалвагина ухлаб олмокчи эдим...

— Мен бўлсам, жуда бемаҳал,— деб меҳрибонлик билан кулимсиради сарроф.— Жуда каттиқ ухлаб колган экансан; аранг уйғотдим-да, хўп, бориб табибни чакириб келай.

У ўрнидан туриб, энди эшикка томон йўналган ҳам эдики, худди шу пайт сандик ичида ўтиришларга ўрганмаган шўрлик кўрбоши кимирлаб колди-ку.

Ўғри бор кучи билан унинг қўлини каттиқ кисди. Лекин фойдасиз: савдогар эшишиб қолган эди.

— Шитирлаган бир овоз келяптими?

— Сичқон,— деди парво қилмай Орзибиби.

Дарҳакиқат, у ўзини яхши тута билиши билан сира ҳам ундаи тор уйларга эмас, балки саройларга, фитна ва зимдан бўладиган курашларга лойик эди!

— Ҳа, айтгандай янги гапдан хабаринг борми?— деб давом этди сарроф, эшик олдида тўхтаб.— Пичоқ сотадиган Неъматилла эсингдами? Ҳа, ҳалиги семиз, сарик киши-чи, катта бозор масжидига яқин жойда дўкони бор-ку. Уша одам кечা хотинини бирор билан тутиб олибди... ким билан дегин? Шаҳардаги ариқ ва ҳозвузларни қарайдиган маҳкаманинг бош мироби билан!

— Бегона киши билан-а!— деб кўркиб кетди Орзибиби.

— Ишлари, балки, худди хоннинг ўзигача борса керак. Бечора миробга жавр бўлибди.

— Бузуклиги учун унга шундай қилиш ҳам керак!

— Хиёнаткор хотин даррага ётқизилади. Ортиқками йўқ — беш юз дарра накд урилади.

— Ҳали бу оз! Бундай хотинларни гулханда куйдириш ёки кайнаб турган дошқозонга ташлаш керак!

— Жуда ошириб юборасан-да, Орзибиби! Ўнга юзта дарра ҳам етиб ортади. Неъматилланинг ўзи ҳам бундай ғалва кўтарганига пушаймон бўлаётгандир. У хотинига ачинади, уни кутқариб олиш учун тиришиб кўради, бирок энди фойдаси йўқ.

— Бундай маҳлукни аяш бекор!

— Менимча,— ҳар эҳтимолга карши сарроф овозини пасайтириб гапирди,— менимча, ҳукумат умуман бундай ўй ишларига аралашмаслиги керак эди...

Ўғри сандикда туриб ўз кўл остида ётган, билагидан сикиб ушланган кўрбошининг фикри бузук саррофни тутишга қасд килгандай бир тўлғаниб тиришганини сезди! Ҳатто шу ерда, сандикнинг ичида, жони ҳалокат

ёкасида турган бир пайтда ҳам қонуннинг бу қаҳрамон ҳомийси ўзидаги тутиш, қамаш иштиёқини охиригача босиб туролмади.

— Мабодо, одам холис, вақти келиб сен менга хиёнат қилиб қўйсанг,— деб ҳазиломуз давом этди сарроф,— у вактда нима бўлса ҳам мен сенинг жаллод кўлига гирифтор бўлишингни сира ҳам хоҳламайман-да. Бечора Неъматилла!.. Яна шилдираяпти. Худди сандикнинг ичидами, дейман?

— Сандикда эмас, гиламнинг тагида. Бояги сичқонлар-да.

— Бир эркак мушук боқсак бўлар экан. Балки табибникида ортиқча мушуги бордир, бўлса олиб келаман. Тurmaёқ қўй, керак эмас: кўча эшикни ўзим сиртидан қулфлаб кетаман, қайтиб келганимда эшик очаман деб овора бўлиб юрмайсан.

Бехосдан у, худди тили танглайига ёпишиб қолгандек, дами ичига тушиб кетди.

Уртага жимлик чўқди.

Уларга бир бало бўлди. Лекин нима бўлганини ўғри сандикдан туриб тушуна олмади.

Саррофнинг овози тағин эшитила бошлади, овоз ғўлдираб, бўғилиб чиқди, бу сафар унинг сўзида ҳеч қандай мулозимат сезилмасди:

— Бу кимхоб тўн қаёдан келиб қолди? Бу олтин чопган килич-чи?

Угрининг юраги орзиқиб, нафаси ичига тушиб кетди. Вой аҳмоқ! Чопон билан килични ҳам унтиб қолдирамсанми-я! Тағин шундоқ кўзга тушадиган жойда-я!..

Сандик устида тўполон бошланди.

— Буми?.. Буми?..— деб ғўлдиради Орзибиби, бирок ҳеч нима деёлмади. Чунки бу зарба кўқкисдан тушган эди. Ҳаттоки у, шунча дадил, шунча иродали бўлса ҳам эсанкираб, ўзини йўқотиб қўйди!

— Ҳа, мана шу! Худди мана шу!— деб туриб олди савдогар, унинг товушидан кизишиб, бақириб гапиравётгани билиниб турарди.

— Бу сарпо. Мен сизга бу сарпони тортиқ қилмокчи эдим...

— Сарпо дейсанми? Менга-я? Шу қилични-я? Екасида нишонлари бор кимхоб тўн ҳадя қилмокчимидинг? Елғон айтяпсан!— деб бақириб сарроф.— Гапир, кимнинг чопони, кимнинг қиличи бу?

— Сизники ахир, сизники,— деб баҳона қилмокчи бўлди Орзибиби.— Бунча бақирмасангиз, қўшнилар эшитиб қолади.

— Эшитсин! Эшита қолсин қўшнилар!— деб бақири сарроф.— Улар ҳам билишсин! Қўриниб турибдики, бузукчилик Неъматилланинг уйидан бошқа жойларда ҳам бор экан! Мен йўғимда ким келди бу ерга? Ҳа, ҳа, даминг ичинингга тушиб кетди-ку! Ҳе, лаънати фоҳиша, манжалаки! Ким келди? Айт деяпман, ким?

Орзибиби далил ва исботдан ожиз, эзилган ҳолда индаёлмай тураверди.

Кўрбоши сандик ичидаги кўркканидан ҳушидан кетиб, оёқ кўли бўшашган ҳолда ўғрининг устига шилқ этиб тушди.

Ўғрининг ўзи ҳам ҳар қандай қийнокларга кўнигиб кетган бўлишига қарамай ҳалокат хавфи кархисида ожиз эди. Энди у ҳалок бўлди!.. Ҳозир сарроф кишиларни чакириб келади, уйнинг ҳамма ёғини ахтаришга киришади. Кейин зиндан, қийнок, жаллод, дор!.. Ҳалок бўлдинг дегани шу!

— Ким келди?— деди сарроф ер тепиниб, бўғик ва хириллаган товуш билан.— Гапир, ахир!

Кўркув ва саросимдан бўшашиб кетган ўғри сандикда туриб фикран Хўжа Насриддинга илтижо килди:— Ё, пири, паноҳ бўлинг, бир каромат кўрсатинг, муридингизни кўллаб юборинг!

Шундан кейин бу каромат амалга ҳам ошди! Нажотбахш бир ҳис — яшиндек ёруғ, игнадек ўткир ва нозик бир ҳис унинг гангига қолган бошида ялт этиб кетди. Бу унинг ҳиссий сезиши эмасди, унинг бошига бу ғойибдан келди, ўғри буни бошда унчалик яхши тушунмади, унинг ўзи, албатта, ҳеч вакт уни амалга оширолмаган бўларди. Лекин бу ҳис билан бирга унга кудратли бир куч ҳам бахш этилди.

Шундан кейин ниманки бўлган бўлса, ўғри ниманки айтган ва ниманки қилган бўлса, ўзининг сўзи ва ҳаракати эмас эди, балки мана шу ғойиб кучдан чикаётган эди. Шу кучга бўсунгани ҳолда у нима қилаётганинн ўзи ҳам билмай худди уйқу аралаш бўлаётгандек сандикнинг қопқоғини кўтарди ва ташқари чиқиб, юз-кўзига пар ёпишган ҳолда котиб қолган савдогар билан хотини олдига бориб турди.

Орзибиби қисқагина бир чинқириб, мурдадек оқариб

бөхүш бўлиб қолди. Унинг вужудида тирик қолган нарса факат юзидағи катта, бакрайиб турган шаҳло кўзлари эди... шундай бўлмасинми тағин!— ахир у сандикка гўзал Комилбекни бекитиб кўйган эди-ку, лекин ундан саҳродаги девни ҳам музлатиб қўядиган бир кўзли, юзи ялпок, бадбашара киёфа чикиб келса-я!

Уша ғойибдан келган куч ўгрини сандикдан чикиб, қопқоғини ёпишга мажбур қилди, ундан кейин унинг оғзига шу сўзни солди:

— Орзибиби, ҳамма нарса ошкора бўлди! Эндиликда сиз билан бундан кейин шунча обрули эрингизни алдамаслигимиз керак. Энди бизга биттагина йўл қолди, у ҳам бўлса, тавба қилиш ва ўзимизни унинг оёкларига ташлаб, кечирим сўраш.

Сарроф қалтираб, сакради ва тишларини ғижирлатди.

Орзибиби деворга қисилиб довдиарди:

— Ким бу?.. Ким бу?..

— Ким дейди-я?— деб хириллади савдогар.— Билмайсанми, бунинг кимлигини?

— Улиб кетай, буни мен ҳеч қачон кўрган эмасман! Ҳеч қачон!.. Бугун... мана шу топда, уни умримда биринчи марта кўриб турибман!

Ўгрининг эса ҳақиқатга ўхшаб кўринадиган ишончли сўзларни излаб ўтиришга ҳам ҳожати йўқ эди, бундай сўзлар унинг оғзидан ўзи чикиб турарди.

— Эрингиз сиз билан шунчалик назокат ва меҳрибонлик билан гаплашаётганини эшитганда номусдан ўзимни кўярга жой тополмай қолдим...

— У ёлғон айтятти!— деб қичкирди Орзибиби.— Ишонмайман унинг сўзларига! Мен уни шу топгача ҳеч қачон кўрган эмасман!

— Мочағар!— деб пишқирди сарроф титраб.— Хиёнаткор! Сен исликини олиб, одам қилган кишини алда-япсан! Шундай одамни алдаш! Келиб-келиб ким билан тағин-а? Шундай бадбашара, совук, шундай таъвия билан-а! Узинг унга бир карагин, қара, унинг мендан нимаси ортиқ?

— Хотинларда кўпинча жуда ҳам ғалати ва бемаъни эҳтирос бўлади,— деб таъқидлади ўғри мунофиқона товуш билан.

Энди Орзибиби бунга жавобан фақат йинглаб энтикарди холос. У биринчи ларзадан кейиниң ўзини ўнглаб

олди, энди у ҳамма гапни пайқаб турарди, у ўзининг ёниб турган шаҳло кўзларининг учкунни билан ўгрини кул қилиб юборгудек бўлар, газабидан қайнарди! Лекин нима ҳам қилсан, оғзи тили боғланган, ожиз, жим туришга мажбур эди, чунки сандикда тагин биттаси бор, ахир.

— Ёлғон гапиряпти у!

У яна йиғлаб энтиқди.

— Энди тонаверманг, Орзибиби,— деди ўгри.— Факат чин кўнгилдан икрор бўлишгина бизни куткара олади. Эргизингнинг Воҳид сарроғникига кимор ўйнагани бориб, илгари бой берган уч юз етмиш тангасини қайта ютиб келиши учун туни билан шу ёқда бўлишини айтиб, бугун мени бу уйга чақириб келган ўзингиз эмасми, ахир?

— Ҳали сен шуни ҳам айтиб бердингми унга!— деб бакирди савдогар соқолини юлиб.— Шуни ҳам-а!

Ўғрига керакли сўзларни ўргатиб, гойибдан келган куч таъсир этиб борарди.

— Азбаройи худо, бундан кейин бу уйни елкамнинг чукури кўрсинг, бу хотинни кўриш билан кўзларимни гуноҳкор қилмайман, дарҳакиқат, бу хотин кўриниши чиройли бўлса ҳам кўнгли жуда ҳам қора экан, бу унинг ҳеч уялмай қилган ишларидан, тонишидан ҳам кўриниб турибди. Кечдим бунака аёлдан, мен кетдим.

У худди тавба ва хижолатдан бўшашиб кетган кишидек бошини куйи солиб, секин-секин кадам ташлаб хонадан чиқди.

Унинг кетидан хонада жуда галати бир иш бўлди.

— Иўк! Иўк! Мен уни танимайман! Ҳеч қачон кўрмаганман! Сира ҳам кўрмаганман!— деб қичкирди Орзибиби йиғлаб туриб.

— Ёлғон айтяпсан!— деб бакирди эри.— Ёлғон айтяпсан, лаънати! Сени унинг ўзи фош килди-ку!

Ўғрининг кетидан шарақ-шуруқ қилиб килич ва ундан кейин кимхоб тўн ташланди.

— Ол буларингни, эшитяпсанми, бировнинг уйини булғатувчи муттаҳам! Қорангни иккинчи марта бу ёқда кўрай-чи, сени нима қиларкинман!

Бу гапни ўғридан иккинчи марта сўрашнинг ҳожати бўлмади, у ўлжасини ола жўнади.

Ўғри эшикдан ҳатлаб кўчага чикиши биланок, ҳалиги сирли куч уни ташлаб кетди. Энди унинг ўз кучи ҳам

кифоя, у бутун кучини оёққа йиғди! У шундай чопди, шундай югурдики, асти құяверинг! Шамолдан қулокла-ри шувиллар, унга үз сояси ҳам аранг етишиб юрарди. Құз очиб юмгунча майдонни кесиб үтиб, мозордан чик-ди, бу ерда эски кабрлар орасидаги чанг босган үтлар орасига ётиб олди.

Саррофнинг уйидаги тўполон бир оз босилгандек бўлди.

Соколи паришон, ҳамма ёғига пар ёпишган, салласи бир тарафга қийшайган, ўзи бўшашиб, анча юмшаб кол-ган савдогар сандик устида үтирап ва хуноб бўларди:

— Мен сенга ҳар вақт ишонар эдим, мен сенга шун-чалик ишонардим!..

У икки қўли билан бошини ушлаб силкитар, кўнгли-даги аламдан бутун вужуди тўлғаниб инграр эди.

Сўнгги марта тошган газабига чидаёлмай хонанинг ўртасига сакраб тушди. Қўзларйни ола-кула килиб, со-колини таталаб бакирди:

— Тағин ким билан-а? Ким билан десанг-чи? Ахир уни, бундай жирканч бадбашарани қаёқдан топдинг?

Кўнглидан чиқкан бу ҳасрат мадорини куритиб юборди. Энди у бир оғиз ҳам сўз айттолмасди.

Хўш, у ўзининг елкувар хотинига қандай жазо берса дуруст бўларкин? Жаллод қўлига топшириб юборсин-ми? Бундай қиласай деса, у хотинини жуда яхши кўради, ундан ташқари бундай бадномликни овоза қилгиси кел-масди. Узи уни қамчи билан савалагани дурустми? Уй-да ҳеч ким йўклигидан фойдаланиб шундай қилса ҳам бўларди, бирок «хотинини урган лаънатга сазовар» де-ган сўз унинг эсида эди.

Шундан кейин у Орзибиини уйга қамаб кўйиб, ўзи-нинг барча илтифотларидан маҳрум қилишга карор кил-ди. Қовоғи солик ва қатъият билан қаттиқ пишқириб девордаги кумуш ойнани олди, гиламни йиғди, кейин қўзача, кутича ва бошка асбобларни йиғиб токчаларни бўшатди.

У сўричани ҳам бўшатиб, унинг устида фақат битта ёстиқ қолдирди.

Уй бир дамда бефайз ва кўчиб кетган хонага ўхшаб қолди.

Бурчакка сиқилиб олган Орзибиин ўзининг қора

шаҳло кўзларини жавдиратиб эрининг аламзада ҳаракатини кузатиб ўтиради.

Сарроф шифт ва деворларни кўздан кечирди. Ўйни бундан ҳам шипшийдам килиш учун яна нима керак? Ҳа, сўричанинг тепасида чимилик бор экан! У чимилидикни ҳам юлиб олди-да, йиғишириб қўйилган бошқа нарсалар қаторига кўшиб кўйди.

Йиғиширилган турли нарсалар қатта бир тўп бўлди. Буларни қаерга қўйиш керак? Савдогарнинг кўзи сандикка тушиб колди. Энг қулай жой шу!

Орзиби бўладиган янги тўполнонни сезиб бутун вужуди музлаб колди.

...Кани энди Низомий ёки Фирдавсийлар ҳаёт бўлса-ю, эндиги ҳангамаларни шулар ёзишса! Ниҳоят, сандик ичида ётиб кўркув, дим ва иссиқдан эсанкираб колган кўрбоши, нима бўлса ҳам энди навбат ўзига келганини сезиб, жаҳлига чидолмай тутакиб кетди! Ҳамма ёғи тер, пар ёпишган ва худди бойқушнинг тундаги сайрашига ўхшаб, қаттик ғўнғиллаб фарёд қилгани ҳолда у сандикдан иргиб чикли-ю, бошини саррофнинг корнига урди, оғзига тўғри келиб колган бармоғини тишлаб олди, кейин ҳеч нарсага қарамай, ўзини деразага урди ва хитойи ойнасини чил-чил килиб юборди.

Кўча эшик ҳам очик эди, аммо у буни кўрмади. Деворга иргишлиди. Қулаб тушди. Яна осилди. Эси чикқанидан ғўнғиллаб угуллади. Кейин деворнинг нариги тарафиға оғир сирғанди-да, кўчага думалаб тушди, ҳамма ёғи йўлдаги ахлат ва чангга беланди, ана шундан кейин иргиб ўрнидан турди-ю, орқа-ўнгига қарамай, бир томонга караб чопа кетди... қаёқка борса ҳам бари бир, факат бу ердан овлокрок кетса бас!

Бу билан ҳам унинг нахс босган саргўзашти тугамади. Қўрқанидан коча-коча у ўзини қабристонга урди. Иттифоко, у худди ўша ўғри бекиниб ётган сағананинг устидан чиқиб колди. У ҳарсиллаб энтикар, юрати ёрилиб кетгудай бўлиб дукиллаб урас, ниҳоят, кўрбоши гиштин сағананинг нариги тарафиға ўтиб, ўридан икки кадамча нарида бурганинг устига думалади. Бир оз дамини ростлагандан кейин, юрак ютиб теваракка карамокчи бўлди.

Е раббий! Каршида жуда ҳам нотаниш кенг яласки бадбашара киши сап-сарик якка кўзини жавдиратиб, дўстона бир жилмайиш билан караб туради!

Фақат нотаниш кишининг шивирлаши унга таниш эди, таниш бўлганда ҳам қандай таниш десангиз-чи, бу шивирлашни унга!

— Хўш, уйда нима бўлди? Сизнинг қиличингиз билан нишонларингиз менда, жаноб. Олсангиз бўлади. Чопонингизни эсадалик учун ўзим олиб қоламан.

— Қилич билан нишонларга бало борми!— Қўрбоши беихтиёр бакириб ўрнидан иргиб турди-да, қабристоннинг ичига гўрлардан сакраб, тиканли буталарни тиккасига босиб-янчиб кийиклардан ҳам тезроқ чопиб кетди. Унинг кетидан ўғри ўзининг нияти холис эканлигини ишорат қилиб, қўлини роса ҳафсала билан силкитди, бирок, қўрбоши тўхтамади, лоақал орқасига қараб ҳам кўймади-да, қабристоннинг тўқайдек ўсиб ётган буталари орасида гойиб бўлди.

Қўрбоши сандиқдан чиқиб дарров қочиб гойиб бўлиши билан Орзибиининг тилини боғлаб турган занжирлар тит-пит узилиб кетди, шундан кейин у бор кучи билан ҳужумга ўтди.

— Аҳмок чол!— деб чинқирди у.— Эй, бўрдоки аҳмок чол, ўзингнинг аҳмокона рашкинг билан нега бунча жонимга тегаверасан, мени шаллақи, ғар хотинга ўхшатиб таҳкир қиляпсан! Яхиси сен қараб бок, ҳамёниг каёқдайкин, наинки шунча гап ўтса ҳам уларнинг ўғри эканига фаҳму фаросатинг етмаса, улар мен ухлаб ётганда кириб қолган ўғрилар-ку! Ҳамёниг қаёқда?

Ҳамёниг эсга солиниши бир дамда савдогарни ўзига келтириб кўйди. У юурганича нариги хонага кириб кетди. Орзибиби ўзининг қимматбаҳо тақинчоклари турдиган кутичаларга юурди.

Ҳамён жойида турибди-ку, лекин ичидаги қимматбаҳо нарсалар йўқ эди. Орзибиининг ўғрилар ҳакидаги гапи тўғри чиқди, демак, эрига нисбатан ўзининг ҳам сутдан оқ, бегуноҳ эканлиги рост чиқди.

Қимматбаҳо нарсаларнинг йўқолгани жуда ҳам кўнгилдагидек бўлди: бундай йўқолишга у ичидан хурсанд ҳам бўлиб кўйди, чунки яқин орада у саррофдан ўзининг йўқотган нарсаларини уч баравар қилиб тўлатдирив олишига асло шубҳа қилмас эди.

Бундан кейинги ишлар ҳакида кўп сўзлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, шундан кейин Орзибиби, елкаларини силкитиб, энтика-энтика анча йиғлади, албатта, сарроф тавба-тазарру килди, ўзини паст олиб, кечирим сўраб

ялипди, албатта ўзи кутича ва кўзачаларни ўрнига терди, қора терга ботиб деворга тармашди: чимилдикни осиб, гиламни деворга михлади, ниҳоят бу ишларни хотинининг шак-шубҳасиз ўзидан афзаллигини, шунингдек, унга қул бўлиб хизматида бўлиш улуғ баҳт эканини икror қилиш билан тамомлади, аммо бу тавба тазаррулар, гарчан очик чеҳра билан қабул қилинган бўлса ҳам лекин ҳар қалай рашкчини бегуноҳ покиза хонимнинг бу хушбўй хобгоҳидан бошқа уйга ўсал қилиб ҳайдаб чиқарилишидан сақлаб қололмади.

Тун бўлди, ой чиқиб майн нури билан Кўконни, жим бўлиб қолган бозор ва савдогарнинг ҳовлисини ёритди, ухлаб ётган Орзибиини ҳам, унинг момақаймок юзини ҳам ёритди, нариги хонада афсус ва надомат билан эзилиб уйғоқ ётган саррофга ҳам тушди. Сарроф вактвақти билан оёқ учиди юриб хобгоҳ эшигига келар, кўзида ёш, юзида меҳр билан эшик оркасидаги парининг бир хилда енгил нафас олишига кулок солар, товуш чиқармай ҳавони ўпар ва оғир хўрсиниб бошини чайқатачайқата яна ўз ўрнига қайтарди...

Шаҳардан ташқари анчагина узокда, саҳро йўлида ой ўғрининг узун бўйини ҳам ёритди. Чўнтағида кимматбаҳо нарсалар, қопида қилич ва кимхоб тўн билан у тоққа, ўзини Хўжа Насриддин кутиб ўтирган томонга ошикарди.

Иигирма саккизинчи боб

Сир! Хўжа Насриддин бу сўзниг қудратли кучини биларди; тахмини тўғри чиқди: энди Оғабек унинг кулбасида «кунда шунда меҳмон» бўлиб қолди.

— Ҳали эртарок, хўжайин, яна бир һеча кун сабр килинг,— дерди Хўжа Насриддин, унинг хирадлик билан кисташларига жавобан.

Оғабек жаврар, хафа бўлар, ахийри нонлож кўнарди.

Шундан кейин сўз бошқа нарсаларга кўчарди, кўринишда бу сўзлар сирга алоқаси йўқдек бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда уларнинг ҳаммаси, айланмачоқ йўллар билан бўлса ҳам, тўппа-тўғри ўшанга бориб тақаларди.

— Демак, Ҳиротда хизмат қилганингизгача жаҳонни тоза кезган экансиз-да, Узоқбой, Нима изладингиз, шунчалик?

— Дониш изладим. Жаҳон сирларига калит изладим.

— Айтишингизга қараганда, Маккада ҳам бўлган экансиз. Ундан бўлса нега кўк салла ўраб юрмайсиз?

— Унга менинг ҳаққим йўқ, чунки хизматларим жуда кўп бўлгани сабабли, Каъбани тавоғ қилиб, хаж маросимларини бажо келтиришга фурсат топа олган эмасман.

— Сиз шунчалик бандмидингиз? Нималар билан банд бўлдингиз?

— Қадимий бир китобни излаш билан банд бўлдим.

— Тополдингизми?

— Ҳа, топдим.

— Нима баён қилинар экан унда?

— Асти сўраманг уни биродар! Унда ёвуз ва эзги афсунлар баён қилинган.

— Демак сиз жодугар экансиз-да?

— Йўқ, аксинча. Менинг мақсадим — жоду килиш эмас, бир неча жодуни ечиб бекор қилишдир.

— Қанака жоду экан улар?

— Шошманг, биродар, яна бир неча кун сабр килинг.

Янаги ўтиришда ҳам саволлар, салгина бошқачароқ тарзда, қайта бошдан такрорланарди. Хўжа Насриддин бундай сухбатлардан ўзига фойда тегмаса вактини бекорга сарф қилиб ўтирасди, албатта. Қадимги бир мақолда: «Аҳмоқ оғзига келганини кайтармайди, аммо доно унинг мағзини чақади» дейилганидек, Хўжа Насриддин ҳам Оғабекнинг берган саволларига қараб унинг кимлигини билиб бораради.

Хўжа Насриддин Оғабекнинг қилвиригини кузатар экан, бирор хатти-ҳаракатини кўздан кочирмасликка ҳаракат киларди. Ҳовузга чўкиб ўлган мурдани текшириб кимлигини аниқламок учун уни сувнинг тагидан тортиб чикариб оладилар, шунда аввал қорамтил сув ичиди ҳеч нарса кўринмайди, аммо чангак бир нарсага илиниб тортгандан кейин сув чайқалиб тагида бир нарса фира-шира оқариб кўринади; чангакни яна кучлирок тортганда, кўкариб, шишиб кетган жонсиз жасад йигилган кишиларни чўчитиб сув юзида кўрина бошлайди, худди шунга ўхшаш Хўжа Насриддин ҳам Оғабекнинг жонини унинг ёғ босган танасидан сугуриб ташкарига чикаргандек бўларди... Ҳар кандай эзгуликка қарши

Оғабек мана шу чүккан мурдага үхشاшиб кетарди, агарда үша ҳовузни бадраф үра деб фараз қылсақ, бу үхшатишимиз жуда мос тушади.

Оғабек такаббур, мақтанчок, ўлгудай хушомадин яхши күрадиган одам эди. Қози бўлган вактида гўё худо уни бутун оламга қози қилиб қўйгандек ҳаммани ёмонлар, бўлар-бўлмас айб такар ва улар устидан ҳукм чиқаарди. Узи тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирав, бир вактлардаги қозилик қилганини эслар экан, ич-ичидан куюниб кўярди. Буни сезган Хўжа Насриддин Оғабек биринчидан аҳмок, иккинчидан беғам, учинчидан дилозор, тўртнинчидан, қачон бўлса ҳам қозилик мансабини яна қўлга киритиш ниятида юрган одам экан, деган фикрга келди.

Хўжа Насриддин Оғабекнинг ана шу яна қози бўлиб олишга интилишидан фойдаланишга қарор қилди.

Шунинг учун ҳам у суҳбатни саройлар, вазифалар, мукофотлар ва мансаблар томон бурди.

— Оллоҳ сизга бунча ҳам донишмандликни ато қилган экан-а, жаноб!— деди у соҳта илжайиб.— Ажабки Хоразмда шундай доноликни кўриша олишмабди ва қозиликни ташлаб кетишингизга индашмабди!

Бу сўзлар Оғабекнинг кўнглига майдек ёқиб тушди, ахир, у, порахўрликка муккасидан кетгани учун чиқкан шов-шувлар сабабли амалидан четлаштирилган эдида!

— Албатта, тушуниб турибман: шаҳар қозилиги мансаби сиз учун паст иш,— деб давом этди Хўжа Насриддин.— Ахир, улар бундан кўра юкорироқ, масалан, саройнинг бош ҳазиначилигига үхаш мансаб топишолмабди-да? Фаҳму фаросати бор ҳар қандай ҳукмдор, бундай ҳазиначини қўлдан чиқармаслиги керак эди. Шундай қилса ҳазина доим тўла бўларди, соликлар ўз вактида ундириб туриларди.

— Тағин бошқа соликлар жорий қилинган бўларди!— сўзни илиб кетди Оғабек, куйиб-пишиб.— Масалан, кўз ёши солиғи...

— Ноёб фикр! Кўз ёши солиғи янги кўз ёшларига сабаб бўлар, янги кўз ёшлари эса янги соликларга сабаб бўларди. Шундай қилиб, бениҳоя кўз ёши ва бениҳоя соликлар... Қандай мислсиз донишмандлик! Мана шу биргина фикрингиз учун сизни дарров бош вазир қилиб қўйиш лозим эди.

Бу гапларни талтайиб кетгай Оғабек иккинчи ноёб фикрини баён қилди:

— Яна тағин... Тағин мен кулгига ҳам солиқ чикарап эдим!

— Кулгига! Хоразм хони қандай вазирни кўлдан чиқарганлигини қаранг-а. У энди афсусланиб сочини битталаб юлаётган бўлса керак.

Бир ҳафта вакт шундай ўтди. Жазирама ёз иссиғи водийлардан бу ерга, тоғ этакларига ҳам кўтарилиб, ўт-ўланлар ковжираган, кишини лоҳас қиларди. Эса-эса мадори куриган шамол тинган, ҳатто тик этган шабада ҳам сезилмасди, кўл худди жило бериб кўйгандек ялтирас, факат онда-сонда унинг тиник сатҳи худди кўзгуга пуллагандагига ўхшаш, сезилар-сезилмас енгил жимиirlаб қўярди. Ана тағин ҳамма нарса живир-живир ичиди сукутга чўмди: якка лочин осмонда парвоз килиб сузар, калтакесаклар кўзларини юмиб оппоқ тошлар устидаги кимирламай ётишибди. Ўтлар сарғайиб, ковжираган. Бир кун эрталаб Хўжа Насридин узок тепаликларга назар ташлаб адрларда окариб кўринадиган ўтёвларни кўролмади: кирғизлар тундаёк ўтовларини йигиштириб, ўз чорвалари билан тоғ усти яйловларига кўчиб кетган эдилар...

Тоғлардаги оппоқ корлар, кўм-кўк музлар эриди, сойларга сув келадиган жилгалар тўлиб тошди. Лекин бу сувлардан бирор томчиси деҳқонларга насиб бўлмасди: ҳамма сувни Оғабек бўғиб олар ва ўз кўлига тўплар эди.

Деҳқонларнинг ерлари қакраб ётарди.

Суғориш пайти келди.

Оғабек ўз амрига олмоқчи бўлган бир киз тўғрисида Хўжа Насридинга мақтаниб сўзлади:

— У, албатта, оддий кишлики киз, лекин сиз Узобой уни бир кўрсангиз, заб етилган атиргул фунчаси экан дердингиз. Ана шу фунча яқин орада менинг кўлимда очилади.

— Балки унинг қайлиғи бордир?

— Қайлиғи? Уни-я? Оғабек кизнинг хоҳишлари ҳакида ўйлаб кўрмаганидек, унинг хаёлига бундай фикр кириб ҳам чиқмаган эди. Ахир, ўзи билан солиштириб кўрганда, бу деҳқонлар кўлларидан ҳеч нарса келмайдиган ландавурлар уларни тақдирнинг ўзи Оғабекка кул килиб берган эмасми?

Хўжа Насриддин унинг таажжубланаётганинг маъносини сезлида, ортиқ ҳеч нарса сўрамади.

Кечаси тоғда қаттиқ яшин чакнаб ўтди.

Узокда ёғаётган ёмғирда роса тўйинган шамол тўхтовсиз эсиб, оғир қанотлари билан кулбанинг юпқа эшигига урилиб уни очиб юборди; юлиннб-юлқиниб ичкари кирди-да, ўчокдаги кулни учирив тўзитди, ухлаб ётган Хўжа Насриддиннинг юзини елпиб ўтиб, эшакни безовта килди, у ҳам ярим тунда шамолни кутиб тургандек кетма-кет ҳанграй бошлади.

Хўжа Насриддин уйғониб кетиб, бошини кўтарди-да, узокдан эшитилаётган момақалдироқ овозига кулок солди. Очилиб колган эшикдан унинг кўзига чакин чакнаётган тунги осмон кўринди: кора булатларни гўё тоғ чўққиларидан чиккан ўт кесиб ўтгандек бўлар, яшиннинг кўкимтири ёғдусида тоғнинг корли чўққилари, сой, жарлари ярқ этиб кўриниб қоларди. «Менинг бир кўзи кўр йўлдошим ҳозир қаёқдайкин-а?— деб ўйлади Хўжа Насриддин ўгри ҳакида.— Эҳтимол шундай чақмок чақиб турганда тоғ сўқмокларида юргандир, худойи таоло ўз паноҳида сакласин уни!»

Кейинги иккни кун ичидаги ўғри унинг эсидан чикмай колди. Улар ўртасида тоғ тизмалари ва довоилар оркали алоқа ўрнатилгандек эди, аммо бу алоқа фикрни етказиб бериш учун анча ожиз бўлса ҳам, лекин ҳиссиётни, тўғрироғи ҳиссиёт садосини етказиб бериш учун кифоя қилгудек алоқа эди. «Наинки мен шундай қилиб у билан қариндош бўлиб қолсан-а?» деб ўйлади Хўжа Насриддин. У илгари узок масофада туриб кишилар билан бу кадар якин бўлиб колмасди, факат кўнглига жуда якин кишилар билангина синашта бўларди.

Кеач кечга якин бу алоқа яккол намоён бўлди. Хўжа Насриддиннинг кўнгли гаш бўлиб, ниҳоят у ташвишлана бошлади. «Кўконда унга бирор кори ҳол бўлмадимикин?» деб ўз-ўзидан сўради-ю, лекин бу саволига жавоб тополмади.

Ўғри эса худди шу вактда бир амалдор билан сандик ичидаги ўтиради.

«Унга бир нарса бўлди! Бир фалокатга учради!»— деб ҳовлиқа бошлади, Хўжа Насриддин ўзини қаёқка уришини билмай.

Унинг ташвиши зўр кучга айланиб бир кисми Кўконга, савдогарининг уйидаги ёпиқ сандиққа чопиб бориб

етди. Шу сабабли ўғрининг кўнглида найрангбозликка чек қўйиш фикри туғилиб сандик қопқоини очди-да, даҳшат ичидаги турган савдогарнинг олдига пат-момикларга буланиб чиқди. Шундан кейин савдогарнинг уйида нималар бўлгани маълум, уни тақрорлаб ўтиришимизнинг ҳожати йўқ; Хўжа Насриддин турган ҳужрада эса, руҳий осойишталик карор топганини ҳисобга олмаганда, айтарлик ҳеч нарса бўлмаган эди. Энди у енгил нафас олар, чунки Кўкондаги ўғрининг бошига тушган хавфу хатар зиён-заҳматсиз бартараф бўлиб кетишига ишончи комил эди. У кўнгли хотиржам бўлгач, ўғри қайтиб келгандан кейин қизиқ саргузаштлар айтиб беришини кўз олдига келтириб кулиб юборди.

Хўжа Насриддин ярим кечгача хурсанд бўлиб юрди, ўринга ётиб яхши туш кўра бошлади. Уни чакмоқ ва момоқалдироқнинг гулдираши уйғотиб юборди, шундан сўнг у ўғри ҳакида узоқ хаёл сурниб ётди, кўнгли ҳамон хотиржам, ўғрининг эсон-омон қайтиб келишини сезиб турарди.

Хўжа Насриддин тарак-туруқ очилиб ёпилаётган эшикни бекитмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди Сайдни кўриб қолди.

Иигит юрганча кулбага кириб шивирлаб ёлвора бошлади:

— Ваъдамнинг устида турмай ҳузурингизга келганим учун кечирасиз, чунки юрагим тарс ёрилиб кетай деялти. Суғоришига факат уч кунгина қолди, холос.

— Эсимда, Сайд, эсимда.

— Зулфия йифлайвериб кўзида ёши ҳам колмади, энди ваъдага ишонмай қолди.

— Ишонмай қолди? Бу ҳаммадан ҳам ёмон бўлибди.

— Балки фурсатни кўлдан бермай у билан бирга ҳар қалай қочиб кетганим яхшимикин?

— Қочиб кетиши? Ундай бўлса учовлан қочамиз — мен ҳам сизлар билан бирга бўламан. Ҳа, учовлан ҳам эмас — тўртовлан қочамиз: ахир мен эшагимни бу ерга ташлаб кетмайман-ку? Ҳа, айтгандай, тўртовлан ҳам эмас — бешовлан қочамиз: мен бирорни унутибман, у Чўракда ҳозирок пайдо бўлади. Энди бу қочиш бўлмайди, балки бутун бошли сафар бўлади! — деди Хўжа Насриддин ва кўлинни Сайднинг елкасига қўйди: — Зулфиянгга айтиб қўй, ҳамма иш жойида, кўнгилдагидек.

— У ишонмайди.

— Менинг тилимдан айтгин.

— У сизни танимайди.

— Сенинг ўзинг-чи, Саид, ҳозир менга ишонасанми?

У, қуёш нури кўз ичига юмуқ қовоқдан қизил қонни ёритиб ўтганига ўхшаш, зулматни ўртаб ўтиб кўнгилнинг чукур жойларига борадиган қизғин бир назар билан Саиднинг кўзига қаради. Бундай назарга қарши туриш мумкин эмасди!

— Мен ишонаман,— деди секингина Саид.

— Ундаи бўлса у ҳам ишонади. Сенинг ишончинг унга ҳам таъсир қилади. Бор! Эсингда бўлсин: биз ҳар вақт биргамиз. Нима бўлса бўлсин, биргамиз.

Саид таъзим қилиб чиқиб кетди.

Ниҳоят тунда у Зулфия билан учрашди.

Унинг умидворлиги Зулфияга ҳам таъсир қилди шекилли у ҳам хотиржам бўлди.

Пигирма тўққизинчи боб

Орадан яна бир кун ўтди, аммо ўғридан ҳамон дарак йўқ эди.

Хўжа Насриддин бармоқлари билан унинг йўлга кетадиган кунларини санаб чиқди: уч кун у ёқка бориш, уч кун қайтиш, икки кун Кўконда бўлиш. «Агар эртага ҳам келмаса, қочнішдан бошқа иложимиз йўқ! Наинки ички ҳисларим мени алдаса? Иўқ, ундаи бўлиши мумкин эмас! У яқинлашиб қолди, бор кучи билан шошиляпти, у энди довоннинг бериги томонида!»

Дарҳақиқат ўғри етиб келди. У лой сувоқ кулбанинг эшнигида худди осмондан тушгандек пайдо бўлди. Бир минутгина илгари Хўжа Насриддин ташқарига чиқиб йўлга қараганда — йўл устида ҳеч зор кўринмаган эди. Мана, энди у пайдо бўлиб турибди! У хийлигина чарчаган, уст-бошини чанг босган бўлса ҳам, чеҳраси очик эди. Хўжа Насриддин бундан, гап-сўзсизок, унинг иши жойида эканини пайқади.

Вакт пешин бўлиб қолган эди. Уғри Кўкондаги саргузаштларини айтиб битиргунча кун бота бошлади. Кеч кириб бораётир — сугориш куни олдидаги сўнгги кеч; шунинг учун ҳам шошилиш лозим эди.

— Қелгуси ишлар ҳакида келишиб олайлик,— деди Хўжа Насриддин,— қимматбаҳо тошлар бечора бева

хотинники, эгасига кайтарилиши керак. Шунга розимисан?

— Бу фикр менинг ҳам күнглимга келган эди.

— Аммо олдин тиллалардан бир оз фойдаланамиз. Хайрли мақсадда, албатта.

— Пайқадим! — деди жонланып ўғри. — Бунинг учун энг кулай жой қаерда эканини мен сизга айтиб бераман. Чўракнинг нариги ёнида, сойнинг ичидаги битта карвон сарой бор, дейишган эди. Катта сарой эмиш, у ерда кечою кундуз «тўрт ошик» отилар экан. Катта қиморбозлик бўлармиш. Агар икковимиз ишга киришсак борми...

— Йўқ, биз бундай қилмаймиз. Пулдан бундан ҳам фойдалирок мақсадда фойдаланамиз. Чикка, ё пукка деб ўтиришга вакт йўқ. Юр, менинг кетимдан, аммо сени ҳеч ким кўрмаслиги керак.

Жин кўча ва майдончалардан ўтиб Хўжа Насриддин ўғриши Мамадали чолнинг уйига бошлиб борди. Улар жийдазор, печакзорларни панараб ўтиб, девор тагига бекинишди-да, секин бокка мўралашди.

Чол боғда олма дарахтларнинг тагини юмшатарди. Булардан биттасини — Мамадали чол қўзи туғилган кун эккан, бу дарахтни Хўжа Насриддин ҳам танирди. Саиднинг айтишига қараганда безаш учун бу дарахтга ҳар куннинг ўзига хос бир хил рангда узун латта боғланар экан: шанба куни — кизил рангли, якшанба куни — оқ, душанба куни — сарик, сешанба куни — кўк, чоршанба куни — олтига латтанинг ҳаммаси бирдан осилади. Бу одатни Зулфиянинг ўзи бундан ўп йиллар олдин ўйлаб чиқарган ва шундан бери у бу одатга жуда қаттиқ риоя килиб келади, ҳар куни эрталаб ўзининг бу тенгдош дарахти билан кўришиб, уни ясантириб қўйишни ҳеч калон унуган эмас.

Бугун жума — байрам, олмага олти хил рангдаги латталар осилиб қўйилиши лозим эди. Кани улар?.. Хўжа Насриддин уввало тикилса ҳам олмазордаги кўп олма тўплари орасидан ўша яккаю-ягона дарахтни таний олмади. Наинки Зулфия бу одатни унугиб қўйган бўлса?

Йўқ, Зулфия унугиб қўйгани йўқ; Хўжа Насриддин яна ҳам тикилиброқ караб бир туп олмада — ҳалигине чол тагини юмшатаётган дарахт шохларида юпқа бир латта осилиб турганини кўрди.

Зулфия унутмабди. Бугун эрталаб у ўзининг суюкли олмаси билан хайрлашгач, эсадлик қилиб мотам белтигини ташлаб кетган эди.

Хўжа Насриддин ачинганидан бир хўрсиниб олди: бу кора латта унга бутун бир китобга сиғмайдиган дардҳасрат ифодаси эди. Бечора киз, шу кунларда у канчалик кулфат чекди! Ҳали Зулфияни бирор марта кўрмай, бирор марта у билан сўзлашмай туриб, уни ўзининг конқариндошидек якин ва қадрли ҳис килди. У бутун борлиги билан Зулфиянинг қайғусига ўртоқлашди ва ҳозир унинг дилини ёритадиган кувончига ҳам шерик бўлди.

— Анави олмада осилиб турган кора латтани кўряпсанми? — деди Хўжа Насриддин кўрга шивирлаб. — Караб тургин, ҳали замон кора латта ўрнига жуда ажойиб олтида ҳар хил рангли латта боғланади! Шундай дақиқалар учун ҳар канча яшасанг арзийди!

Бир кўзи кўр ўғри ҳеч нима тушунмади: унга бу латтанинг рангигина эмас, ҳамма нарсаси коп-кора бўлиб кўринарди.

— Нима демоқчилигингизни тушунолмадим.

— Караб турсанг, ўзинг тушуниб оласан.

Шу пайт боғда ёш Зулфия пайдо бўлди, эсизки, энди у ўзини боғнинг хўжайини ҳисобламасди. Ичига чирок ёкса ёримасди. У боғдаги дарахтлар, кўчатлар, гуллар билан бирма-бир видолашиб чиқди. Хўжа Насриддин кизнинг кўзлари жиққа ёшга тўлганинн сезиб турарди.

— Каранг-а! — шивирлади ўғри, тирсаги билан Хўжа Насриддинни туртиб. — Яна бирор...

У Сайд эди. У чолга кўринмай, дарчадан секингина кирди-да, дарахтларни паналаб Зулфия ёнинг бориб олди.

Зулфия Сайдни кўрди-ю, ўзини унга отди.

Зулфиянинг «Хўш, нима бўлди?» деб савол берганини Хўжа Насриддин сезиб турди.

— Бугун ҳамма иш бўлади,— деган жавоб бўлди, албатта,— ё пул бўлади ёки кочиш. Сен тайёрмисан?

Зулфия, ҳа, тайёрман, дегандек бошини силкитди. У бир карорга келолмас, лекин бир қарорга келса уни охиринга етказмай кўймасди. Хўжа Насриддин Зулфиянинг боши кескин ҳаракат қилишини, кўзининг чакнашларини завқ билан томоша қилиб турарди.

Олма тагида тимирскиланиб юрган чол бирдан Сайд билан Зулфияни кўриб колди-ю, бошини қуйи солиб кет-

монини ерга кўйди-да, дармонсиз оёқлари чалишиб, ёшлилар томон кела бошлади.

Сайд кўлларини кўксига кўйиб чолга салом берди.

Чол алик олди. Ўртага жимлик чўкди. Чол сўз бошлашга қийналар ва истиҳола қиларди. Ниҳоят у ўзини босиб олиб, сўз бошлади:

— Гапимга кулоқ сол, ўғлим, кетгин бу ердан. Бекордан-бекорга менинг ҳам, Зулфиянинг ҳам кўнглини, ўзингнинг ҳам дилингни вайрон қилма. Энди у бизники эмас.

Энди чолнинг сўзини эшишиб туришга Хўжа Насриддиннинг тоқати қолмаган эди.

— Тез бўл! — деб шивирлади у ўгрига.— Кимматбахо тошларни олма тагига кўмиб, устидан тупроқ тортиб кел. Эҳтиёт бўл, сезиб қолишмасин!

Ўғри деворнинг нариги тарафига ошиб тушди-ю, кўздан фойиб бўлди. Кейин қакраб, ўт босган ариқ устидаги ўтларнинг билинар-билинмас қимирлашидан Хўжа Насриддин ўғрининг олма томон кетаётганини сезди. У шарпасиз сирғалиб бораради...

Шу пайт олманинг тагида бир нарса ялт этиб кетди, қакраб ётган ариқ устидаги бурган қимирлаб кўйди.

Ўғри бокқа сакраб тушганда анор шохини ушлаб тушган эди, қайтиб келганида ҳам у ҳамон силкиниб турарди.

— Энди нима бўлади? — деб сўради у аъзойи бадани қалтирас экан, шивирлаб. У кўркқанидан эмас, ўғринча иш қилганидан қалтирасди.

Ботаётган куёш нуридан чароклаб турган бое Мамадали чолнинг аламли сўзидан гўё кора лиbosга буркангандек бўлди.

Сал ўтмай Сайд чиқиб кетди. Дарча олдига борганда орқасига қайрилди-да, қўлини силкитиб хайрлашди.

Зулфия йиглаб юборди.

Чол оғир қадам ташлаб яна ҳалиги олма тагига қайтиб борди.

У ялтираб кетган кетмонини қўлига олиб, ерни ағдариб чопарди. Ҳар бир қатламни ағдарганда уни кетмоннинг орқаси билан уриб майдаларди. Унинг кекса кўнглини қайғу ҳасрат юз пудлик тошдек босиб ётар, ғам унинг кекса кўзларидан сўнги нурларни ўчиради-ю, лекин унинг одат бўлиб қолган кундалик меҳнатига халяқит беролмасди. Мамадали учун ҳаётнинг илдизи ҳам,

ер юзида тирик юришнинг асосий боиси ҳам мана шу меҳнат эди. У ерни яхши чопганилигидан чолдан кейин чопиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди.

Шу пайт кетмоннинг тагида бир нарса шилдираб кетди. Чол энгашдию, кўзи хиралигидан қимматбаҳо тошлар солинган халтани кўролмай узоқ караб қолди. Хўжа Насриддин эса ичида: пастроқ энгашсанг-чи, чол! Ол, ола колсангчи!— дерди.

Ниҳоят чол халтани кўриб қўлига олди. Унинг оғзини ечди-ю, олтиннинг ялтираши, қимматбаҳо тошларнинг чакнашидан кўзлари қамашиб турган жойида котиб қолди.

У кора, ғадир-будур, тупрок юки кафтида қимматбаҳо тошларни силкитиб қокди. Билак узуклардан бири ерга тушиб кетди. Мамадали энгашиб уйи ердан олди-ю, бошқаларини тушириб юборди. Ёкут шодалари, тиллалар унинг қўлидан илондай сирғилиб тушаркан, ялтирас, яшил учкун сочарди.

— Зулфия! Зулфия!— деб чакирди чол овози тобора бўғилиб.

Зулфия чолнинг овозини эшитиб унга отилди.

— Нима бўлди отажон? Бир ерингиж оғридими?— Шу пайт бирдан унинг кўзи қимматбаҳо тошларга тушиб ҳайратда қолди. У ўз умрида олтинни бир-икки марта-гина кўрган эди, лекин бундай қимматбаҳо рангдор тошларни асло кўрмаган эди.

— Қаёқдан келиб қолди бу?

Чол энди эс-ҳушини йиғиштириб олганди:

— Топиб олдим. Мана ҳозир, олманинг тагидан... сен яхши кўрадиган олманинг... Зулфия, худо бизнинг дуомизни ижобат қилган-да! Буни бизга фаришта, сенинг фариштанг олиб келган, Зулфия.

Хўжа Насриддин кўрнинг енгидан тортиб қўйди:

— Эшитяпсанми? Сен фаришта бўлдинг.

Ичдан келган товушсиз каттиқ кулгудан кўр худди яшин теккандек ҳикиллаб Хўжа Насриддиннинг обёги тагига думалади.

Боғда эса кувончли қий-чув бошланиб кетди. «Санд! Сайд!»— деб қичқирди Зулфия жаранглаган овоз билан. Йигит ҳали узоқча кетмаган эди, товушни эшитди-ю, югуриб келди. Уч киши орасида, бу қимматли тошлар қаёқдан келганини фаҳмлаган шу йигит бўлди, аммо бу-

ларнинг олма тагига қандай кўмилиб қолганини билолмади.

Бундай кувончли куннинг тўқислигини тугаллаш учун фақат биргина нарса — олмага боғланадиган рангбаранг латталаргина етишмасди. «Эсласанг-чи ахир, эслагин!» деб Зулфияга таъкидларди ичидаги Хўжа Насриддин. Зулфия ҳам ички ҳисси кулоғи билан афандининг бу чақириғини эшилди-да, уйга югурга кетди, дам ўтмай худди учиб бораётган думли юлдузdek узун рангбаранг латталарни ҳилпиратиб қайтиб келди. Куёш ботиб кетган бўлса ҳам шойи латталар шамолда учиб товланар, худди нурни ўзида тўплаётгандек ялт-юлт киларди; Зулфия латталарни олмага илиб қўйди, қора латта эса, рангбаранг латталарнинг орасида коронғи тушгани учун кўринмай қолди.

Иўлда қайтиб келишаётгандаги ўғри тилга кирди.

— Бу қиз фариштадек чироили бўлса керак, деб ўйлагандим. Ҳақиқатда унчалик эмас экан. Масалан, Орзибибига тенг кела олмайди.

— Саъдийнинг сўзлари эсинглададур: Лайлиниң гўзллигини билмоқ учун унга Мажнунининг кўзи билан қарамоқ лозим,— деди жавобан Хўжа Насриддин.

Уйга боргандаги афанди ўғрига бешта нон, эски бир кўрпа, бир кумғон бериб:

— Шу яқин орадан ўзингга бир бошпана топиб олгин. Сени ҳеч ким кўрмасин, ҳатто сенинг Чўракда эканингни ҳеч ким гумон ҳам қилимасин. Овқатни биздан оласан, бироқ кечасигина келгин. Битта чақиришим биланоқ ёнимга етиб келишга тайёр бўлиб юргин. Эшик олдида ётган ходачани кўрдингми? Агар мен унинг учига оқ рўмол боғлаб юқори кўтарсам, мана шу сенга белги бўлади. Шунда кечикмай дарров келгин.

— Хўп бўлади.

Шу сўзлардан кейин ўғри киши кўрмас бир ётоқ жой излашга кетди.

У беркинишни яхши биларди. Ҳеч қийналмай у шу яқин орадан қуладай кичкинагина бир ғор топиб олди. Ғорнинг оғзини қалин буталар ёт кишиларнинг кўзидан пана қилиб турарди. Бу ғор ўша жойларда ҳозиргача ҳам «инсофли ўғрилар макони» деган ном билан сақла-

ниб келмоқда. Лекин ҳозирги чүракликтарининг биронта-
си ҳам бу номининг ҳақиқатини бу ерларда ўз изнин аба-
дий ўчмайдиган қилиб қолдириб кетган ўғри ким экан-
лигини айтиб беролмайди. Энди бизнинг бу китобимиз
жаҳоннинг шу жимжит бурчагида ҳам ноаниклик тумай-
ларини тарқатиб юборишга хизмат қилсин, чунки дунё
билимлари зарралардан тўпланади ва биронта зарра ҳам
ортиқчалик қилмайди.

Коронги тушгунча ўғри қуруқ ўтларни юлиб тўпла-
ди ва ўзига ётадиган жой қилиб олди. Учоқ куриш ва
бошқа ишларнинг ҳаммасини у эрталабга қолдириди.
Коронги тушди; юпқагина булутлар ой томон сузиб вак-
ти-вакти билан унинг нурини ёриқ туманга айлантириб
турарди; ой нуридан кумушдек товланаётган дараҳт
шоҳларида кичкина бир махлук юмшоқ оёклари билан
секин шитирлаб йўрғаларди. Бундан уйғониб кетган бир
кушча уйқу аралаш чириллаб юборди.

Уғри ўзини ўринга ташлаб керишди, унинг кўзлари
юмилиб борар, уч марта килинган сафардан кейин обек-
лари сиркирарди.

Кўп ўтмай у ором уйқуга кетди. Уйқусида у жилма-
яди, ким билсин, тушида Тўрахон отани кўрадими.

Хўжа Насриддин ҳам ўз кулбасида ухлаб ётарди,
унинг тушида ўша олма дараҳти, олти хил ранг-бараанг
латтани ҳилпиратиб, тебранарди.

Дўрдок лабларини чўлпиллатиб Оғабек ҳам роҳат-
роҳат ухларди: у тушида Зулфияни кўрди, Оғабек уни
ўзининг ўргимчак уясида эрталаб кутиб олмоқчи эди.
Разил ўргимчак, орзуларинг ҳаммаси бекор! Сенинг чи-
риқ, ваҳшиёна сұҳбатинг учун тўрингга капалак ўринга
ковоқ ари тайёрлаб кўйилган! Энди бедор юрганларга
келсак, бу кеча улар одатдагидек икков эмас, учовдир-
лар. Мамадали чол ҳам ухламади, бошининг тагига чу-
кур қилиб кўмиб кўйилган қимматбаҳо тошларни кў-
риклаб чиқди.

Саид билан Зулфия одатда ўтирадиган жойларида
боғдаги ҳовуз лабида қайрағоч кўланкасида сұҳбатла-
шиб ўтиришарди.

— Энди ишондингми, Зулфия?

— Саид, жоним, ҳеч нима тушунмаяпман! Ким ўша
бизга паноҳ бўлаётган, бизга дўст бўлган нотаниш киши?

— Билмайман, Зулфия, у отини айтмайди.. Оҳ, мен
қандай баҳтли бўлдим-а!

— Энди, мен ҳам бахтлыман, Санд!

— Абадийми?

— Ҳа, абадий! Мана шу турган қайрағоч қариб-чириб кетса ҳам мен сенга бўлган севгимдан қайтмайман!

Қайрағоч бу сўзларни эшитиб турса ҳам ажабланмади: чунки у мана шу тахта устида жуда кўп ошиқ-маъшукларни кўрган, наслдан-наслга такрорланиб келаётган кўп нозик сўзларни эшитган ва узок асрлик умрида жўшқин ошиқларнинг дарров мўнкиллаган чолга ва серишва, маъшуқаларнинг титроқ кампирларга айланиб қолганини, уларнинг бир вақтлар кўпириб қайнаган, ҳозир эса совиб сустлашиб қолган қонларини офтобда иситиш учун гўрга кириш олдидан мана шу тахт устига — ўшанда ҳам кундуз кунларигина чиққанларини канчасини кўрган эди.

Уттизинчи боб

— Суғориш вақти келди,— деди Оғабек қувониб эрталаб тўғон бошига келганида.— Тўғри, бу сафар мен сув ҳакига ақча олмайман, бошқа нарса оламан, ахир бундан кейин ҳам кишилар экин суғорадилар-ку. Пул топаман десам йўли кўп. Бу ишда менга тенг келадиган йўқ.

Кўл билинар-билинмас жимиirlарди; ер тунги салқинда бир оз нафасини ростлаб олди, тубсиз осмон аргилган шишадек кўзни камаштиради.

— Бугун сув бошида хўжайнлик қилиш ёлғиз ўзинга қолди, менинг кўлим тегмайди,— деб давом этди Оғабек.— Ҳозир ўша қизни олиб келишади. Ҳа, ана, олиб келишяпти...

Хўжа Насриддин қишлоқ томонга қаради.

Йўл устида бир тўда кишилар кўл томонга келишарди.

— Келаётганлар орасида қизни кўрмаяпман-ку.

— Нега кўрмаяпсан?

Оғабек йўлга тикилди. Кейин ҳайрон бўлиб Насриддин афандига қаради:

— Яхшироқ қарагин, Узоқбой, меникидан кўра сенинг кўзинг ўтирироқ-ку.

— Келишаётганлар факат чоллар-ку,— деди Афанди.

— Тушундим!— деди Оғабек, даҳшат билан.— Улар тағин илтимос қилгани келишяпти! Мен гапга кўнадиган

ва күз ёшларидан эриб кетадиган аұмоклардан әмасман. Караб тур, ҳозир уларнинг бир адабини беріб құяман!

У гердайиб күлини биқининг тиради, күзини чакчайтириб соколлик иягини олдинга өзді, гардон гүштлари қаватлашды, сержун бүйни эса елкаси ичига тушиб кетди.

Чоллар яқынлашиб колишли.

Әңг олдинда Мамадали келарди. Куни кеча ожиз, мүнкиллаб турған бу чол, бир кечада худди янги туғилғандек бошка одам бұлиб қолиби. У шахдам кадам құяр ва Оғабекнинг бетига үз даражасидаги одамга қарғандай жасорат билан тик қаарарди.

Унинг кетидан иккита деңқон, бир темирчи, бир кулол, үтарчи ва ҳаммадан кейинде чойхоначи Сафар келарди.

Мамадали кекса гавдасини унча әтмай, хушомадсиз салом берди:

— Сугориш фурсати келди, әнді сув олмокчимиз.

Унинг ённегінде кишилар худодан баракали мұл ҳосил сұраб дуо күлділар ва фотиҳа үқиб соқолларини сийпадилар.

— Сув олмокчимисизлар? — дарғазаб бұлиб сұради Оғабек. — Сув ҳақынға нима тұлайсанлар? Менинг шартим үзингга маълум чол: қизингни берасан, холос.

— Менинг қизим олди-сотди қилинадиган буюм әмас, — деб жавоб берди Мамадали, у шундай кескін ва тафт тортмай гапирдіки, кеча ундан буни кутиш мүмкін әмас әди.

Хұжа Насриддин чолни бундай дадил жавоби учун югуриб бориб қучоқлаб олгиси келди. Чунки чол унинг әңг қимматли фикрларидан бирини: киши қулликдан кутулиши учун күркиш балосидан халос бўлни лозим! — деган фикрини тасдиклаган әди.

Оғабек нечук чол бу қадар дадиллашиб қолдийкин деган мазмунда Мамадалига ажабланиб қаради.

— Сув ҳақини нима билан тұламоқчисан, бўлмаса?

— Мана! — деди чол ва белбогидан эскироқ чарм ҳамёнчани чиқарди.

— Бу нима?

— Караб бок үзинг.

Оғабек ҳамёнчани құлига олди ва бөгичини юлқиб тортди.

Ҳаммадан орқада ўтирган Сафар күлтираган бүйнини өзді. У бу гал ҳам үз-үзиге содиклигіча қолаверди: у бу ишнинг оқибати яхши бўлмайди ва эрталаб чойхо-

нада айтганимдек бу қимматбаҳо тошларнинг ҳаммаси албатта ясама бўлиб чиқади, деб ўйлади. У қизиқ та-биатли киши эди, агарда шод-хуррамлик оёғи остидан чиқиб қолса чап бериб кета оларди.

Бошқа чоллар гап нима билан тугашини кутиб жим ўтиришарди.

Олтин ва қимматбаҳо тошларни кўриб Оғабекнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Каёқдан олдинг буларни?

— Топиб олдим.

— Топиб олдим, дейсанми?.. Қаердан?

— Уз боғимдан, олма дарахти илдизлари тагида.

— Мамадали, сен менга сафсата сотма!

— Елғон гапиришга анча қариб қолганман. Мен бу-ларни қаердан олганим билан сенинг нима ишинг бор?

— Ажабо... шубҳалик-да ахир,— деб тўнғиллади Оғабек, қимматбаҳо тошларни кафтига солиб. Эрталаб-ки қуёш нурида улар, кечаги ботиб бораётган қуёш ну-рида ялтирагандан кўра кўпроқ кўзни қамаштириб тов-ланарди.

— Билағон одамлар буларнинг нархи тўрт минг тангадан ортиқ туради дейишяпти,— деб гап бошлади Мамадали.

— Билағон одамлар дейсанми?— гапни бўлди Оға-бек.— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзингга ўхшаган гал-варслар, билогонлар дейишингга бало борми!— У шун-дай дер экан, қимматбаҳо тошларни чўнтағига солиб қўйди.— Яхши, мен розиман, Узоқбой, сувни очиб юбор!

Калит шалдиради. Хўжа Насриддин кулфни очди. Чоллар ҳар тарафда иккитадан бўлиб қопқоқнинг тут-қасига ёпишишди. Занг босган занжир тарангланди, тў-ғон қопқоғи ивиб шишган зиҳига сикилиб юкори силжи-ди. Сув гирдобчалар ясаб қопқоқ тагидан ўтиб тарновга кўйила бошлади. Унинг шилдираши кучайиб бир маром-да оқа кетди; энди сув ариқнинг қақраб ётган ўзанидан окар, ўз олдида лойқа, серкўпик тўлқин ҳосил этиб, ха-зон, куруқ шохчалар, күш патлари, хуллас йўлида учра-ган нарсаларнинг ҳаммасини оқизиб борарди. Ариқ бошдан-оёқ текис нафис шойи дастурхон ёзиб қўйгандек ялт-юлт жило берарди.

Сув! Узоқдан иккита кетмоннинг бир-бирига тез-тез урилган овози эшиштилди: бу — далага сув келди деган сўз эди. Кўп ўтмай кетмон овози яна такрорланди: сув

келди, ўсимликларга, дарахтларга, бинобарин, кишиларга ҳайт бағышлаб сув келди, деган овоз ҳамма ёққа таркалди. Мамадали ариққа энгашиб нуроний боши ва соқолини ҳузур қилиб намлади. Чоллар уни дуо килишди...

Кун бўйи Сафарнинг чойхонаси бўш бўлди; эркакларнинг ҳаммаси далада эди. Улар сувга қараб туришини ҳалоллиги ҳаммага маълум ишончли чолларга топшириб, факат кечкурун коронги тушгандагина таркалишди. Чолларга улар, бош арикнинг тармоқланадиган жойини бутун туни бўйи навбат билан қўриқлаб чиқниши, ҳар бир дала, ҳар бир боғ ўзларига тегишли сувни тўлик олишлари ва бирор томчи сув бўшга оқиб, бекор кетмаслигини мижжа қоқмай кузатиб туришини топширишди. Сув ўғирлагани учун ўз ҳамқишлоқлари тарафидан ёшлигидан бери неча-неча марта калтакланган сув ўғриси Комил бу гал домланинг ихтиёрига топширилди, домла уни эрталабгача минора ичига қамаб устидан кулф солиб қўйишга карор қилиб жуда оқилона иш қилди.

Баланд қўтарилиган ой пастга қараб ҳар куни ўзинга кўриниб юрган ўша дала ва бояларни кўрди, лекин ҳозир улар устига кумуш тўр ёйиб қўйилгандай эди, бу тўрнинг иплари — сув тўла ариклар гоҳ ялтираб жилвала нар, шаршарак бўлар, айқашиб кетар, бир-биридан узоқлашар ва қайтадан қўшилишарди. Бу кечадаги сукунат ҳам бошқача эди: ҳаммаёқдан сувнинг астагина сирли жилдираши, шовиллаши ва бикирлаши, баъзан ноаник бир чўпиллаш эшитилар, гўё ер ўз устида намликни се-зиб қўзғалар ва уйқу аралаш хўрсинарди.

Кишилар далада жуда ҳам чарчашганидан уйларнга бора солиб ухлашга ётишди. Чойхонада ярим кечаси сувни қўриқлашга чиқнишлари лозим бўлган тўрттагина чол тунги вақтни ўтказиш учун ҳангамалашиб ўтиришардини, улар ҳам Мамадалининг кеча топиб олган нарсалари ҳақида сўзлашмокда эдилар. Мамадалининг ўзи гапирмай ўтиради, чунки у бугун бу воқеани ҳар бир чўракликка қайта-қайта айтавериб ҳолдан тойди, шунинг учун энди ёнидагиларнинг сўзини тасдиқлаш учун бузокка ўхшаб «ҳим» деяр, «йўқ» дейиш ўрнига эса тилини танглайига текизиб чалп эткизиб қўярди.

— Бу кимматбаҳо тошлар олманинг тагида ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмагандир ахир! — деди Сафар.

— Балки улар шу жойда, ер тагида кўп асрлардан буён ётгандир,— деди бошка бир чол.

Мамадали «йўк!» дегандек қилиб тилини тақиллатиб қўйди, чунки бу қимматбаҳо тошлар бу ерда кўп асрлардан буён ётган бўлса, илгарирок кўрган бўларди, чунки у ҳар йили олманинг тагини юмшатади.

— Балки лой деб ҳамёнга аҳамият бермагандирсиз...

Бу гап Мамадалининг иззат нафсига тегди: у дарахтларнинг тагини чопганида кесакларини ўлдирмай кетадиган боғбонлардан эмас эди.

— Тахмин килишнинг ҳам, ўйлашининг ҳам ҳожати йўк!— деди у, ўзини тўхтата олмай.— Каёкдан келарди бу қимматли тошлар? Албатта худодан-да! Ахир у ҳар нарсага қодир эмасми, ёлғиз оллотаолонинг иши бу!

Сафар калма келтириб қўйди.

— Худодан?.. Эсингни йифиб олгин Мамадали! Кечаменинг боғимга худонинг ўзи келиб кетди, демокчимисан?

— Нега, албатта унинг ўзи келиши шарт экан энди? У авлиёлардан бирини, масалан, Тўрахон отани юбориши мумкин-ку.

Тўрахон ота!.. Яқиндагина унинг байрами бўлиб ўтган эди. Чўраклик болалар ҳам қўконлик ва бошка ерлик болаларга ўхшаб боғ ва токзорларда дўппиларини осиб қўйиншиди. Тўрахон отанинг номи тилга олиниши билан беихтиёр чолларнинг хотирасига бир вактлардаги баҳтли йиллар тушиб кетди. У вактларда буларнинг ўзлари ҳам ҳовлиқиб, қўллари қалтираганча дўппиларига ранг-баранг ипларни чатиб қўйишган эди. Кўнгилдан ҳар нарса чиқиб кетиши мумкин, лекин бу воқеа ҳеч қачон унутилмайди!

Мана, ис босган тор чойхонада гўё замон қадимги вактга қайтди, яъни чоллар ўтмишни эслашиб гўё яна қайтадан бола бўлиб қолишиди; тишлари тўкилиб кетган, юзларини ажин босган, қалтироқ чоллар ўзларини жисмангина картайган, умрлари поёнига етиб қолган ҳисоблашар экану, аммо кўнгилларнда ҳамон болалик хусусиятларини сақлаб келган эканлар. Кимки кишиларга диккат билан қарашни билса, у бунга ажабланмайди; бизларнинг ҳаммамиизда ҳам болаликдаги кўпгина хусусиятлар сақланиб келаётганини билади.

— Ҳақиқатан ҳам Тўрахон ота эмасмикин?— деди ўйчанлик билан бир чол.

— Лекин Мамадалининг уйнда болалар йўқ-ку,— деди шубҳаланиб иккинчиси.

— Бунинг нимаси ажабланарли?— деди овозини баландроқ кўтариб Мамадали.— Агар у менинг Зулфиямни ёшлигида яхши кўрган бўлса, энди унинг кўнгли совиб қолиши керакмиди?

Энг охирида чоллар Мамадалининг гапи тўғри деган қарорга келиб, кимматли тошларни Тўрахон ота олиб келган деган қарорга келишди.

Вакт ярим кечада бўлиб қолганидан чойхонадаги сухбат ҳам тугади. Чоллар далага тарқалиб кетишди. Мамадали кўнгли юмшаб ҳар онда жик ёшга тўлиб турган кўзини тунги осмонга, меҳрибон, ёқимли, илиқ кўришган юлдузларга тикиб, ўйчанлик билан чукур ҳўрсинди.

Унинг караб турадиган боғи ва далалари ариқининг энг юкорисида, тўғоннинг бошида эди. У елкасига кетмөнни кўйиб олиб, ариқ ёқалар, бирор ерда сув тўхтаб қолмадимикан деб, ўқ ариқдан бўлинадиган кичик ариқчаларнинг бўғзини дикқат билан кўздан кечириб юради. Баъзан бирор ерда тўхтар, икки-уч кетмөн уриб тўсилиб колган жойни очар ва йўлида давом этарди. Сув унинг қаршисидан гоҳ дараҳтларнинг қора кўланкаларига беркиниб, гоҳ сочилиб ётган майдада кумуш юлдузчалардек ялтираб оқиб келарди.

Мамадалининг йўли катта кўчани кесиб ўтарди. У ён томонда, кўприк устида қандайдир иккита сояни кўриб тўхтади. Дараҳт панасидан чиқмай туриб қулоқ солди. Уларнинг бири Оғабек эканини билди. Иккинчиси кўл соқчиси бўлса керак деб таҳмин қилди.

— Хўжайин, демак эртага, ярим кечада.

— Ваъдангни унутма.

— Унутмайман, сўзимнинг устидан чикаман.

Улар кўприкдан тушиб тўппа-тўғри Мамадали томонга юришди. Чол улар билан йўликишни хоҳламасди-ю, лекин иложи бўлмади.

— Кимсан?— деди Оғабек.

— Мен, Мамадали. Сувни кўриқлаб юрибман.

— Ҳа, Мамадали! Хўп, кўриқла, кўриқла, ҳай айтгандай, қизингни ҳам кўриқлашни эсингдан чиқарма: бундан кейин экинга иккинчи сув ҳам берилади...

Чолнинг юзига қон тепди. У боплаб жавоб қайтариш учун бошини шартта кўтарди-ю, лекин индамади. Унинг конидаги заҳарланган томчи тутғен қиласади. Эрталаб у

оғирлик қилған эди, бу ўшанинг эвазига бўляпти. Шу бир томчи Оғабекнинг ва оламдаги барча бошқа оғабекларнинг иттифоқчиси эди, уларнинг бош таянчи эди. «Ҳар ким ўзи учун»— шивирлади томчи кишиларга. Лекин бу гап ёлғон!— Бу қоида билан ҳаёт кечирганлар улуғ ишларда ҳеч қачон ўзларини ҳимоя кила олмайдилар!

Чол тош устига ўтириб ўйланиб колди. Бир балони даф килмай туриб, иккинчиси кўндаланг бўлиб турипти.

Агар Оғабек Зулфияни яна талаб қилса, у албатта рад қилиди. Рад қилишга тўлиқ ҳақли: ҳамма учун бир марта тўлаб юборди-ку, ахир. Энди навбат бошқаларни ки. Лекин Оғабек пулни олмайман дейиши ҳам мумкин. У ёки Зулфияни беринглар, ёки сувсиз қолаверинглар, дейди. Шунда чоллар тағин чойхонага тўпландилар, тағин: «Мамадали, бизни ёлғиз ўзинг куткара оласан!» дейдилар... Нима қилмоқ керак, нима қилиш керак энди?

— Бу балодан кутулишнинг йўли бор, жуда жўн йўл,— деди бирор тұсатдан ёнгинасида туриб.

Чол сесканиб кетди.

Олдида кўл соқчиси турарди. У ёлғиз, Оғабексиз эди.

— Канақа йўл? Канақа балодан?

— Сиз ҳозир ташвишланётган балодан-да!

— Мен ҳеч нарса ўйлаганим йўқ, мудрадим холос...

— Ҳозир мудраб туриб ўйлаган нарсангишнинг йўли ўзингиз айтгандек бўла қолсин: Зулфиянгизни тезрок Саидга беринг вассалом. Улар эру хотин бўлиб олгандан кейин ким ажрата олади?

Чол эсанкираб колди. Бу соқчи қандай қилиб унинг ўйлаганларидан хабар топди экан?

— Ҳайрон бўлманг,— деб давом этди кўл соқчиси.— Мен сеҳргар ҳам эмасман, жодугар ҳам. Ўйлаётган нарсангишни тилингизга чикаряпсиз.

— Қандай эҳтиётсизлик!— Чол тош устида ўтириб инграй бошлади.— Қандай эҳтиётсизлик! Эртагаёқ бу гапларнинг ҳаммаси Оғабекка маълум бўлади!

— Мен ҳеч нарса ўйлаганим йўқ — қўйинг менинг ўз ҳолимга! Менда ва менинг болаларимда нима қасдингиз бор?

— Ҳа, ҳа! «Менинг болаларим» дедингиз-а. Демак, хаёлингизда уларни аллақачон бошини қовуштириб қўйган экасиз-ку, энди иш факат домла имомга қолгаи экан-да.

Чол иккинчи марта хато қилганини англали. Құл сокчысы жуда хавфли одам экан, ҳар бир сүзингга кармок солади-я! Яхшиңиң ундан узоқлашиш керак.

Чол ёлғондакам эснади, ўрнидан туриб кетмөнни елкасига ташлади-да:

— Энди бориб сувни қараб келай...— деди.

Құл соқчысіндан кутулиш унчалик осон әмас әди: у биргалашып юра бошлади.

— Ростингизни айтинг Мамадали, у қимматбаҳо нарсаларни қаердан олдингиз? Онт ичиб айтманың, сирингиз ичимда кетади.

— Синаң күрятпі! Буни менинг олдымға Оғабек юборған, албатта!

— Қимматбаҳо нарсаларни үз боғымдаги бир туп олманинг илдизлари тағидан топиб олдим.— Жаҳл араш жавоб берди чол.

— Бу нарсаларни у ерга ким күмиб қўйипти?

Чолининг сабр косаси тўлиб тошди, у құл соқчысінинг кўзларига ўқрайиб тикилди.

— «Бу нарсаларни у ерга ким күмиб қўйипти!» эмиш. Сизга ҳам, сизнинг хўжайнингизга ҳам ўхшамаган бир одам, номи ҳар ерда, ҳамма вақт ва абадий мақталадиган эзгу ниятлик бир зот!.. Тушундингизми?

Шундан кейин чол тоза адабини бердим, энди мен билан гаплашишга токати қолмагандир, деб ўйлаб, бурилиб кета бошлади.

Бирок құл соқчыси нари кетмай, сўқмоқни тўсиб турраверди.

Мамадали уни аста, лекин буйруқ бергандек туртиб, йўлдан четга чиқарди:

— Кўйинг энди, мен борай...

Шунда ҳеч кутилмаган бир иш бўлди: құл соқчыси бирданига чолни елкасидан тутиб олдида, каттиқ силкита бошлади.

— Ҳа, албатта, сиз айтган зот Тўрахон ота! Бу ўзимнинг эсимга нега келмади-я, у нега хаёлимга ҳам кириб чиқмади-я!— деди.

У яна тағин бирданига Мамадали чолининг елкасидан қўлларини олдию, юргурганча кетиб колди.

— Тентақми ўзи!— деди ўзига-ўзи чол, унинг қилиғига шундан бошқа изоҳ тополмай. Лекин битта тушунилмайдиган жойи бор: нима Оғабек кўрми, нега буни кўрмаяпти? Майли, кўрмаса кўрмас, ахир құл соқчыси

орқадан писиб келиб кетмон билан Мамадалининг бошини ёрмайди-ку! Уларнинг икковидан ҳам йирокрок юрган яхши, билганларини қилишсин... Шу билан чол хаёл сурешга чек қўйди-да, шошилмасдан ариқ ёқалаб оркасига қайтди.

Хўжа Насриддин эса кулбасига юриб эмас, учиб келди.

Кулба ёнидаги пастак тикан бутаси орасида уни ўғри кутиб ётарди.

Бу алоҳида учрашув эди. Ўғрининг кўзларидан тиркираб ёш чикиб кетди. Хўжа Насриддин унга:

— Гуноҳларингнинг ҳаммаси кечирилди,— деди,— ҳатто меҳрибонлик ҳам қилинди. Тўрахоннинг шуҳрати йўлида тағин катта ишлар қилишга хафсаланг борми?

Ўғри муштуми билан кўксига ураркан, ўпкаси тўлиб ўзини йигидан тўхтатолмасди:

— Энди яхшилик йўлида шундай ишлар қилайки, сарроғнинг ўзини ҳам ўша бузук хотини ва ўйнаши билан бирга ўғирлаб олиб кела оламан. Буюрсангиз бас!

— Энди бир эшак бўлсанг дейман, нима дейсан?

— Эшак бўлсан!..— деди ўғри йигидан тўхтаркан. Хўжа Насриддинга кўрка-писа қараб,— канча вактгача?

— Кўркма, оз вактга. Яхшилаб кулоқ сол.

Улар тонг отгунча гаплашиши. Тун анча вактгача таслим бўлгиси келмай, субҳга каршилик кўрсатди; ниҳоят ёруғлик ғолиб чикиб, зулматдан ажралди, зулмат гарб томонга чекиниб корамтири тоғлар оркасида ғойиб бўлди. Бор бўлсин нур! Куёш чикиб, поёнспз оламни мунаvvар қилиб юборди. Кушлар ҳам барада сайрай бошлиши.

Ўғри кўнгли ёришиб, янги орзулар канотида кулбадан чикиб кетди.

Уттиз биринчи боб

Ташвишли кун тез ўтиб кетди, унинг ўрнини яна юлдуз жавҳарлари қадалган қора либосли тун эгаллади.

Хўжа Насриддин чордевор эшиги ёнидаги тош устида бугун қилинадиган ишларга тайёргарлик кўрилиб бўлдимикин, деб ўйлаб ўтиради.

Нарирокда, сўқмокда оғир қадам ташлаб келаётган бир кишининг оёқ тагидаги майдада тошлар гижирлагани

эшилди. Бу киши улуғ сирни билиб олиш учун чалдивор томон шошилиб келаётган Оғабек эди.

Хўжа Насриддин Оғабекни бугун кечаси бўладиган мўҳим воқеага муносаб салобат билан карши олди.

Унинг таъзими, ҳаракатлари, хотиржам сўзлари каму, лекин таъсирчан эди.

Меҳмонни ўз тўшагига ўтқизиб, ўзи ёниб турган ўчок олдига чўнқайди-да, қандайdir бир ҳидли ўт қайнатилаётган декчани кошик билан ковлай бошлади.

— Бу нима? — деб сўради Оғабек.

— Тилсимли дори, — жавоб берди Хўжа Насриддин, бир тарафи ўт шуъласи билан ёришиб турган, иккиччи тарафи ёришмаган юзини унга буриб.

Ўчокдаги ўт липиллаб гоҳо чирсиллаб кўярди; кулба коронфилашди; бурчакдаги эшак қоп-кора бир кўлан-кага айланди; у ўзининг борлигини ичининг кўлдираши ва пишиллаши билангина сездириб туарди.

Хўжа Насриддин қозонни тушириб тувогини ёпиб қўйди:

— Бир оз совиб турсин, унгача гаплашиб олайлик, хўжайин. Мен сирни ўрганиб олишга сизни тайёрлашим керак, бўлмаса чўчиб кетиш ва ҳаддан ташқари ажабланиш ҳаётингиз риштасини узиб қўйиши мумкин.

— Ҳали бу хавфли иш дегин?

— Тайёргарлиги бўлмаган кишилар учун хавфли.

Афанди ўтии пуфлаб, мойли учни ёқди-да, уни деворга санчиб қўйди. Учнинг хира ёруғида бурчакдаги эшак тағин аранг кўрина бошлади, олдин унинг кўқимтири ўтдай товланган кўзи, кейин узун қулоги, ниҳоят думи кўринди.

Унга бугун атиги ярим саватгина нон тегди: ноннинг қолгани қаршидаги бурчакка олиб қўйилди, бурчакдан ноннинг ҳиди келиб эшакни безовта қилиб туарди. Эшак ҳовликиб тўлғанар, ҳикиллар ва туёқларини ерга уриб типирчиларди. Лекин Хўжа Насриддин бепарво ўтирас, унга қайрилиб ҳам қарамасди.

Хўжа Насриддинни бошдан-оёқ бошқа бир ташвиш чулғаб олган эди. У дик этиб ўрнидан турди-да:

— Алиф! Лом! Мим! — деди бирданига бакириб ва Оғабекни чўчитиб юборди. — Алиф! Лом! Ро!.. кабахас, гиноза, тунхузу, чунзуху!.. — Афанди бу «дуо» ни ўқиганида қўлларини баланд кўтарди, ҳар бир бурчакда бир-

бир тўхтаб кулбанинг ичини айланиб чикди ва эшикни яхшилаб беркитди-да, ўз ўрнига келиб ўтирди.

— Энди сўзларимизни ҳеч ким кулоқ солса ҳам эшина олмайди.

— Боя сўзимизни ким эшитиб қолиши мумкин эди? — деб сўради Оғабек.— Ахир, бу дуони ўкишингдан илгари ҳам бу уйда, эшакни ҳисобга олмагандан, икковимизгина гаплашиб ўтиргандик-ку.

— Тис-сс, хўжайин! Ахир, мен сизга неча марталаб мана шу беадабона сўзни эшитарлик килиб оғзингизга олманг, деб айтган эдим-ку!

Шундан кейин у ўрнидан турди-да, бориб эшакка таъзим килди.

Эшак хурсанд бўлиб, жонланиб кетди, кулоқларини тикқайтириб думини ликиллатди.

Аммо лекин унга нон берилмади...

— Йўқ, хўжайин, биз бу ерда икков ҳам, учов ҳам эмас эдик,— деди афанди.— Ахир сиз, дунёда кўзга кўринадиган махлукотдан бошқа кўзга кўринмайдиганлари ҳам жуда кўп эканлигини билмайсизми, улар одамларнинг сўзини тушунадилар-ку.

— Кўзга кўринмайдиган махлукот? Уларни одамларнинг сўзини тушунади дейсизми? Улар ўзи ким ахир? — деди илжайиб Оғабек, бу илжайиш билан у ўткир акл эгаси эканини кўрсатмоқчи бўлди.

— Бу махлукот ноҳақ ўлим билан ўлган, хусусан осиб ўлдирилган одамларнинг арвоҳи,— деб тушунтириди Хўжа Насриддин.— Киёмат қойим бўлгунча улар бирмунча вактга қадар ер юзида дуон фотиҳага маҳтал бўлиб юрадилар. Арвоҳлар тирикларнинг теварагида парвонадек айланиб юргани-юрган, факат тириклар уларни эсларига олиб дуон фотиҳа килсаларгини сал нарирок кетишади... Хўжайн дейман, улар сизга жуда ҳам ўч бўлса керак-а... — деб кўшиб кўйди афанди, гўё сўз орасида айтгандек килиб.

— Нима учун менга ўч бўлар экан улар? — деди Оғабек чаккаси тиришиб.

— Айтинг-чи, сиз Хоразмда шаҳарнинг қозюлкузоти бўлиб турганингизда бирор кишини осиб ўлдиришга ҳукм қилмаганмисиз?

Бу гап Оғабекнинг бошига худди учига латта ўраб кўйилган юмшоқ ва лекин эсанкиратиб кўядиган оғир таёқ бўлиб тушди. Унинг юзидағи сохта илжайиш бир

нафас йўқолди: у коронгилликка қўрқа-писа кайрилиб карди, коронгиллик бирданига кўзига жонли, сирли, тубсиз ва даҳшатли бўлиб кўринди.

— Ҳукм қилганман, албатта, хизмат такозоси...

— Мана кўрдингизми? Аммо лекин сиз, ҳеч бўлмаса, ўша одамларга хатми куръон ўқитиб дуои фотиҳа қилдирдингизми?

— Дуон фотиҳа дейсизми?.. Бунака иш менга жуда ҳам қимматга тушган бўларди. Хоразмда қанчадан-канча ёвуз одамлар бор.

— Мана шунинг учун ҳам арвоҳлар сизга ўч бўлади-да.

— Уларнинг менга ўч бўлишини сиз каёдан биласиз?

— Чунки улар кўзи ўткир кишиларга ҳар қалай салпал кўриниши мумкин... Ҳавода сузиб юрган шиша зараларига ўхшаш курт бўлиб гира-шира кўринади. Мен уларни бошингиз устида учиб юрганини аллақачонлар кўрганман. Ўзингиз ҳам уларни кўп кўрган бўлсангиз керак-ку, бироқ уларнинг нима эканини билмагандирсиз.

Оғабек семиз ва оғир одам бўлгани учун кўз олдида ҳавода учиб юрган шишасимон қуртларни энгашиб, яна қаддини ростлаган кезларида албатта жуда кўп кўрган.

— Ҳа, кўрганман... лекин қоним кўпайиб кетганидан кўзимга ўшанақа нарсалар кўринган бўлса керак деб ўйлардим.

— Агарда бу қонингиз кўпайиб кетганидан бўлса, улар кўзингизга кизил бўлиб кўринарди, ахир улар кўзингизга вужуди йўқдек шаффоф бўлиб кўринади-ку,— ўйчанлик билан жавоб берди Хўжа Насриддин.

Оғабек бунчалик яққол далилларга қарши эътиroz кўрсатолмади. Хўжа Насриддиннинг сўзлари унинг юрагини увиштириб, сергўшт калласига қаттиқ таъсир қилди..

У, шишасимон қурчаларнинг ростдан ҳам тамоман четиб қолганлигини синаб кўриш учун бошни куйи солди. Унинг йўғон гардани тортишди, кони сустлашди, шундан кейин у ҳалиги шишасимон қурчаларнинг кўз олдида жуда ҳам кўпайиб кетганини кўрди. Оғабек кўркиб кетди.

— Менга қаранг, Узокбой!— деб зорланди у.— Мана

улар, мана! Улар шу ерда-ку, ҳеч қаекқа кетиб колматы-ку!

— Ташвиш чекманг, ўзингизни босинг, хўжайин!— деди Хўжа Насриддин; бу сафар у Оғабекни унчалик қаттиқ қўрқитмоқчи эмасди,— бу улар эмас, бошқалари, шунчаки майда-чуйдалари. Анави хавфилари кетиб колишди, булар жуда ҳам безарарлари.

— Хўп яхши, энди нима бўлади? Ҳалиги хавфилари қачон кайтиб келади? Ахир, мен энди улардан қўрқиб бу чалдивор ичида ўлгунимча ўтиrolмайман-ку! Эй, тен-так Узокбой, нега менга бу гапларни айтдингиз-а? Мен илгарилари буни билмаган вактимда...

— Сиз улардан осонгина қутулиб кета оласиз, хўжайин. Шу ернинг имомига бир йиллик дуон фотиҳаю, ҳатми қуръон буюриб қўйинг. Пулинни тўлаб юборинг. Кутуласиз қўясиз.

Бу маслаҳатни бериш билан Хўжа Насриддин Оғабекининг ҳамёни ҳисобига Чўрак масжидининг шикастланган жойини тузаттиришни мўлжалларди. Бу масжид сувоклари тушиб кетган, бўёкли ёзувлари кўчган ва устунлари чириб колган бўлиб, масжидга келувчиларни аллакачонлардан бери сахий бўлишга чақиради. Оғабек эса масжидга қатновчилар орасида энг бадавлати ҳам, лекин энг хасиси ҳам эди, шунинг учун унинг жазосини бериб қўйиш лозим бўларди.

— Албатта буюраман!— деди у, енгил хўрсиниб.— Майли, минг тангага тушса ҳам буюраман! Қаранг-а, арвоҳлари дайдиб юрган бу кишиларнинг кўнглида жинояткорлик қанчалик чукур ўрнашган-а, улар ўлганларидан кейин ҳам ўзларининг саркашликларини давом эттираверадилар-а! Аммо лекин, афсуски...

— Афсуски, уларни иккинчи марта осиб бўлмайдида,— деб жумлани тамомлади Хўжа Насриддин.

— Осиш шарт эмас, албатта. Бошқа бир йўл билан худо уларнинг жазосини бериши мумкин эди.

Мана, унинг зиндан ва таёқдан бошқа нарсани билмаган акли, ҳаттоқи ердаги ҳаётнинг нариги ёғига, сирли дунёга ўтганда ҳам киладиган пасткашлиги мана шу!

Хўжа Насриддин Оғабекни етарли даражада тайёрлаганидан кейин энди ишга, яъни асосий сир масаласига кўчишга қарор килди. Улар шу сир ҳақида сўзлашмок учун бу кеча учрашишган эди.

Сир, ҳар кандай донишмандни ҳам ҳайратда қолди-радиган ҳакиқатан ажойиб сир бўлиб чиқди. Сирнинг ажойиблиги шундан иборатки, мана шу ерда, бурчакла турган эшак, ҳакиқатда эшак эмас, балки ёвуз жодугарлар тарафидан эшакка айлантириб қўйилган Миср таҳт вориси Шаҳзода эди, у ҳозирда Мисрда ҳукмдорлик килиб турган Султон Ҳусайн Алиниң ягона ўғлидир.

Бу гапларни Оғабекка ҳикоя қиласр экан, Ҳўжа Насриддин ўз тилининг бунчалик маҳорат билан айланаётганинга ҳайрон қолди.

— Мана шунинг учун уни мен ўрик ва оқ нон билан бокяпман, факат бу чекка қишлоқда унга лойик тансикроқ овқат топиб беролмаётганим учун афсус қиласман. Кошки эди, мен ҳар куни унга асал сепилган қизил гул тожбарлари бера олсан!

Оғабекнинг бусиз ҳам ғовлаб қолган қалласи айланниб кетди. Шишиасимон куртларга ишониб эди, аммо мана бунга ишонгиси келмади.

— Эсингизни йингинг, Узокбой, у қандай шаҳзода бўлсин! Чинакам эшакнинг ўзгинаси-ку!

— Тис-с-с-с, ҳўжайин! Наинки шундан бошка сўз тополмасангиз? Масалан: «бу чорпо» ёки «бу думдор», ёки «бу узун кулок», ёки ҳеч бўлмаса «бу сержун» дейиш мумкин-ку.

— Бу чорпо, думдор, узун кулок, сержун эшак-да ахир!— деб қаддини ростлади Оғабек.

Ҳўжа Насриддин тинкаси куриб бошини куйи солди:

— Агар ундаётганим, ҳўжайин, яхшиси индаманг.

— Индамайин?— деб пишиллади Оғабек.— Мен-а? Уз мулкимда-я? Қандайдир бир жирканч...

— Жим бўлинг, ҳўжайин: ўтинаман сиздан, жим бўлинг!

— Эшак олдида-я!— деб тутатди ўжарлик билан Оғабек узилиб қолган сўзини, худди тўмтоқ михни қоқаётгандек.

Үртага бир оз жимлик чўкди.

Ҳўжа Насриддин чопонини ечди, уни устунчаларга ёйиб эшак турган жойга парда тутгандек тўсиб қўйди.

— Энди хотиржамроқ гаплашсак бўлади, факат ҳўжайин, сиз карнай чалгандек бақириб гапиришингизни сал қўйсангиз, бас. Суҳбатимиз орасида ҳалиги нолойик

сўзни айтишга тўғри келиб қолса, шу сўзни шивирлаб айтишга ҳаракат қиласиз-да.

— Хўп!— деб тўнғиллади Оғабек.— Ҳаракат қилиб кўраман, лекин ростини айтсан, тушунолмаяпман.

— Ҳозир тушунасиз. Сиз ажабланаяпсиз-а? Сиз албатта, териси кўк узун қулок, думдор қиёфа тагида бир одам, тағин ўзи шаҳзода бўлган одам борлигини фикрингизга сиғдира олмайсиз-а? Наҳот сиз бир қиёфадан иккинчи қиёфага ўтиб қолишдан бехабар бўлсангиз?

Бу ерда биз шуни эслатиб ўтишимиз лозимки, ўша вақтларда мусулмонлар орасида кўп шундай воқеалар юз берганини нақл қилиб юришарди, ҳатто баъзи дошишмандлар бу тўғрида қалин китоблар ҳам ёзганлар, Бағдодда эса Алфорух ибн Абдуллоҳ пайдо бўлиб бундай ўзгариб қолишлардан бир қанчасини ўзига тадбиқ қилиб кўрганини, яъни олдин боларига, кейин боларидан тимсоҳга, тимсоҳдан йўлбарсга айланганини, ниҳоят яна ўз ҳолига келиб қолганини айтиб кишиларни ишонтириб ҳам юрган экан. Бироқ ўша Алфорух биттагина ўзгаришни, яъни маккорликдан тўғриликка айланниши ҳеч қачон ўзига тадбиқ этиб кўрмаган экан, холос. Аммо бу гапларнинг тафсили жуда узок, бу ерга муносиб ҳам эмас; энди биз яна чалдиворга қайтамиз.

— Эшитишга-ку эшитганман-а, лекин уни бекорчи гап деб ҳисоблардим,— деди Оғабек.

— Энди ўз қўзингиз билан кўрасиз.

— Хўш далили қани бунинг?— Бу сафар у овозини пасайтириб гапирди.— Бу эшакда унинг шоҳлар наслидан эканини кўрсатадиган нима далил бор?

— Думи-чи? Думининг нақ учидаги оқ қилчалар-чи?

— Оқ қилчаларми? Далили шуми? Ахир мен буларни ҳар қандай эшакдан юз юзлаб топиб бераман!

— Секин, секин, хўжайн, шивирлаб гапиринг. Сиз бундан ҳам кучлироқ далил талаб қиласизми?

— Албатта, албатта! Бу эшак — шаҳзодами? Агар ундай бўлса менинг кўз олдимда уни одамга айлантириб қўйинг, ёки аксинча, бирор одамни эшакка айлантиринг. Унда мен сўзингизга ишонай.

— Балли, мен ҳам бугун худди шундай қилсак, яъни уни озгина вақтга бўлса ҳам асли шаҳзодалик қиёфасига киритиб қўйсак деб ўйлаб эдим. Энди бирор одамни эшакка айлантириб қўйишга келсак, у ҳам худонинг иродаси билан мумкин бўлиб қолар.

— Хўш, бўлмаса бошланг: ярим кеча бўлиб қолди

— Тўғри, ярим кеча бўлди. Мен ҳозир киришай.

Шундан кейин у ишни бошлаб юборди. Оғабекнинг пишиб кетган қалин терисига таъсир килиш осон эмаслигини билиб, у, саъю ҳаракатини аямади. Афанди у бурчакдан бу бурчакка чопар, бўғик овоз билан афсун ўқир, деворга тармашар ва унда бир нарсаларни коптотдек уриб туширас, оёклари билан топтар, ерга ётиб тиришар, оғзидан кўпиклар чиқариб титради. Кейин кора терга ботиб, ҳарсиллай-гурсиллай эшак билан шугуллана бошлади, олдин унинг устидан бояги тилсимили кайнатмани сепиб юборди, бу эшакка ҳеч бир ёқмади: у пишқирди, бошини силкитиб ижирғанди.

— Кабахас! — бўғик овоз билан қичқириб эшак турган жойга кирди Хўжа Насриддин. — Суф! Чимуз! До-чимуз, қаламай, заминхоз!..

— Бунда у Оғабекка кўрсатмай қўйнидан ҳиди буркиб турган юмшоқ кулча чиқариб эшакнинг тумшуғига тутдию, лекин унинг ейишинга қўймади. Шундай содда усул билан у эшакнинг ғазабини дарров тамом қўзғаб юборди: у ҳангари, думини хода қилиб ғазаб билан устунга сакрай бошлади.

— Чучугу! Лемчезу! — кейинги сўзларни айтишда Хўжа Насриддин чинкириб юборди ва кора терга ботиб Оғабек ёнига югуриб келди.

— Юринг, хўжайин! Энди чиқамиз! Узгариб колиш кароматини ҳеч ким кўрмаслиги керак. Акс ҳолда — киши кўр бўлиб колади! Уни даволаб бўлмайди, умр бўйи кўр бўлиб колади!

У Оғабекни шошилтириб чалдивордан чиқарди, кеини ўзи ҳам сиртга чиқиб эшикни маҳкам ёпиб қўйди:

— Орқамдан юринг, хўжайин, орқамдан. Нарирок борайлик: бу ерда туриш хавфли!

Афсунлардан сал эсанкираб колган Оғабек қаршилик кўрсатмади.

Улар ён ариқка кетадиган сўқмокка бурилишди.

Хўжа Насриддин ёлғандан йўталди. Тун эса унга бедананинг битбилдиғи билан жавоб берди — бу «мен тайёрман» деган ишора эди. Ҳамма иш ўз жойида боради.

Улар нов ёнида тўғонни тутиб турган хода устига катор ўтиришди.

Хўжа Насриддин сеҳрлашдан кейин ҳали жуда ҳам

нафасини ростлаб олмаган эди, шунинг учун тунги салқинда ҳавони ҳузур қилиб симирарди. Аста-секин унинг юраги тинчланиб энтикиш босилди.

Тунги салқин Оғабекка ҳам унинг қалин сүякли калласида тўплланган сеҳр афсунларини йўқотиб яхши таъсири кўрсатди. Табиатан ҳар нарсага гумонсираб қарайдиган ва инсон фазилати факат маккорлик қилиш деб ўйлайдиган Оғабек кулба ичида ҳам унчалик ишониб етмаган эди, бу ерда бўлса, соғ ҳавода, афсунлар таъсирида эзилиб ўтиришдан кутулиб бутунлай ҳушёргортди. Шундан кейин унинг қора кўнглида, мени аҳмок қилмоқчи, деган аламли бир газаб кўзгалди.

У заҳарханда қилди:

— Хўш, қани кароматингиз, Узоқбой?

— Ҳали тайёр бўлгани йўқ, хўжайин. Бир оз кутамиз.

— Кутадиган ҳеч нимаси йўқ! Ҳозирданоқ кўрниб турибдики, сенинг хийлаю-макрингдан ҳеч нима чиқмайди. Эшак аввалгидек эшаклигича қолаверади, аммо лекин сенинг кўл соқчиси бўлиб қолишинг даргумои.

У ўзи тўғрисида бундай ўйлади: «Мана энди уни гаровини қайтармай вазифасидан ҳайдаш учун қулай фуррат келди! У мени аҳмок қилмоқчи эди, энди у ўзини ўзи аҳмок қилди!»

Оғабекнинг бу ёвуз фикрлари Хўжа Насриддинга ҳам маълум бўлиб турган бўлса керак, албатта, агар у бу фикрларни эшитса нима бўларди... у ичида қулардию, лекин индамасди.

Улар олдида сув шалдирап, кўпирап, тиқилиб новга кирап, тагидаги тахтани силкитар, у ҳам ўз навбатида булар ўтирган ходани титратарди.

Хўжа Насриддиннинг сукутини Оғабек ўзича, яъни қозиларга хос тушунди:

— Ёки берадиган жавобингиз қолмадими? Қани менга тўғрисини айтиб беринг-чи: агар сиз ҳақиқатан ҳам сеҳиргар бўлсангиз менда кунига бир танга бадалига хизмат қилишга нима мажбур қиласди сизни? Узингизнинг сеҳрларингиз билан минг-минглаб пул топардингиз. Индамайсизми? Эсингиздан чикиб қолган бўлса керак, Узоқбой мен Хоразмнинг илгарнги қозиолқуззотиман, бундан ҳам маккорроқ алдашларни кўрганман!

Оғабекнинг товушида қадимдан ўзига одат бўлиб қолган ясама олижанобликнинг газаби аник кўриниб

туарди, унинг бу килифи, жиноятчига унинг чинакам гуноҳи учун эмас, балки ўзидан юқори турган мансабдорларга ёкиш ёки ўз шахсий манфаати учун ҳукм чиқарадиган ҳаммаadolatsiz қозиларнинг қилиғига ўхшарди; агарда бу қозилар хоҳлаган вактларида шундай ғазабларини чикара олмасалар, унда қандай қилиб тұрғи ва вижданан ҳукм қылдым деб ўzlари ўzlарига соҳталиқ кила оладилар, қандай қилиб ўzlари билан чиқиша оладилар?

— Ҳа, құлға тушдингми? — деб давом этди Оғабек, борган сари қизишиб. — Биринчи сўзингданоқ алдамчилигингни билиб олмади деб ўйляяпсанми, мени? Йўк, сезиб олганман! Бунинг ҳаммаси бошдан-оёқ маккорлик эканини кўриб олганман. Мен сени синааб кўрмоқчи ва фош қиммоқчи эдим холос. Мана синааб ҳам кўрдим. Энди очиқ маълум бўлдики, сен юзсиз ёлғончи экансан! Шунинг учун сенинг шишасимон куртчаларинг...

Лекин шу ерга, худди шу сўзга келганда тилини тишлаб қолди! Тилини тишлаб қолди-ю, овози ўчди, айни вактда уни қўрқув босди!

Чунки туннинг ёқимли сукунатини бирданига жуда каттиқ, одамнига ўхшамаган бир фарёд бузиб юборди-да, унинг томирларидаги қонигача музлаб қолди.

Бу фарёд чалдивордан чиқди.

Шунда Ҳўжа Насриддин тиз чўкиб:

— Алҳамдуиллоҳ, ё парвардигор, менга кўрсатган илтифотинг учун минг-минг шукур! — деди-да, ўрнидан туриб Оғабекка мурожаат қилди:

— Бўлди! Юринг, ҳўжайин!

Уттиз иккинчи боб

Оғабек кулбага кириб бутун аъзойи баданини титроқ босиб кетди. Эшакнинг ўрнида бир одам турарди! Тағин устида ҳамма ёғига ҳар хил тошлар, олтин тугмалар ва нишонлар қадалган қимматбаҳо зарбоф түн кийган одам!!! Бошига юган урилган одам-а!!! Белида қиличи ҳам бор!!! Дастаси соғ олтиндан ясалган қимматбаҳо қилич!

Ҳўжа Насриддин икки букилиб эмаклагандай таъзим билан унинг олдига якинлашди.

— Е шаҳзода жаноб олийларн, сизнинг буқунги баҳ-

тиёrona ўз аслингизга қайтишнингизни кўриш билан ғоят бахтлиман!

Шаҳзода жавоб бермади. У бошидан оёғигача қалти-
рар, туткалоқ тутаётгандек тиришарди. Тишлари ги-
жирлар, биттагина кўзи Оғабекка қараб бадани тешиб
юборадиган сарик нур сочиб ола-кула айланар, лабидан
эса кўпик сочилади.

У бир нарса демокчи бўлиб қалтираган қўлларини
олдинга чўзди, лекин унинг оғзидан одам сўзи ўриига
кулокни батанг қиладиган эшак ҳанграши янгради.

Оғабек ўзини йўқотиб қўйиб, бенхтиёр эшикка ёпиши-
ди. У ҳозироқ ҳамма нарсани ташлаб қочиб кетмокчи
эдни, бироқ унинг оёқлари худди ичидаги сұяклари эриб
кетгандек қалтираб, букилиб қолди.

Хўжа Насриддин аслига қайтган одам теварагида
айланиб ўзининг тайёрлаган тилсизмли дорисини унинг
устига сепди.

Аслига қайтган одамнинг бутун вужудини қақшатиб
турган титроқ ва тиришиш аста-секин босилди ва лаб-
ларидағи кўпик ҳам йўқолди. Хўжа Насриддин унга
шошилиб-пишилиб сув тутди. У сувни ияги ва зарбоп
тўнларига тўкиб-чочиб ҳирс билан ичди. Шундан кейин
у мингиллаган кампирларнинг товушига ўхшаш чийил-
лаб гапга кирди:

— Эй, бепарво, дангаса кул, қачонгача сен мени ҳар
хил жониворларга айлантириб қийнай берасан? Ахир
аслимга қайтишим ҳар сафар менга қанчалик азоб бе-
ришини билмайсанми?

Хўжа Насриддин унга борган сайин пастроқ эгилиб
таъзим қиласади:

— Кечирсинлар шаҳзодам ва бу факир қулларнинг
бўлгуси султони, бу кунгача менга етарли даражада
кучлироқ бўлган сеҳрли таркибини топиб қайнатиш муса-
сар бўлмади.

— Тўрт йилдан бери шу аҳвол ахир!

— Энди мен ахийри, шу қишлоқ теварагидан излай-
излай бир ўт топдим, қайнатадиган доримнинг тўлиқ
таъсир қилиши учун ана шу етишмай юрар эди. Шаҳзо-
да ҳазратлари, энди иш тамом бўлди, жанобингизнинг
асли ҳолатга қатъий айланишингиз куздан олдин —
Мисрга, куёшдек оламга машҳур, мислсиз ғолиб қибла-
гоҳингиз Султон Ҳусайн Али саройларига етиб бориши-
миз биланоқ бўлади.

— Ушангача мен мана шу лаънати эшак терисенда туравераманми?

— Шафқатли шаҳзодам, мен бу ерда ожизман! Сизнинг қатъий аслингизга қайтишингиз фақат Мисрда ва албатта отангиз подшоҳ ҳазратлари ҳузуриданга бўлиши мумкин, фақат у зотнинг бўсаларигина менинг тилсимларимни мустаҳкамлайди, ўшандан кейингина сиз ўзингизнинг асли шаҳзодалик қиёғангида абадий коласиз.

— Иложи бўлмагандан кейин сабр килар эканмизда,— деб хўрсинди шаҳзода.— Нима қилиб турибсан энди, тўнкадек қотиб! Юганни ол бошимдан, қиличини еч белимдан! Уларни мендан нарирок бир ерга бекитиб қўйгин, негаки ўз ҳолимга қайтишимда танимнинг ичига кириб қолиб тағин қийнайди мени.

Хўжа Насриддин унинг бошидан юганни ва белидан қиличини ечиб олди.

— Энди менга тўрт йилдан бери хизмат қилиб келяпсан-ку, лекин шу вақтгача ҳеч нарсага ўрганмадингда!— деб давом этди шаҳзода.— Шоҳона зотлар ҳузурида ўзингни қандай тутишни сира ҳам билмайсан. Вазирлик ва Миср хазинасининг бош хазиначиси мансабига минганингда жуда ҳам қийналсанг керак, деб ўйлайман. Отам Ҳусайн Али Султон ҳазратлари сарой ходимларининг назокатли бўлишлари хусусида жуда ҳам талабчандирлар. Саройда алоҳида маҳфий бир хона бор, унда назокат қоидаларини бузган гуноҳкор вазир ва юқори мансабли сарой ходимларини камчи билан жазолайдилар, сен ҳам ўша хонага кириб қолмагайсан деб қўркаман!

— Е, шаҳзода ҳазратлари!..

— Сен менинг олдимда лойифича туришни ҳам билмайсан-а, ахир подшолар ҳузурида ким шундай туради? Қўзингда садокат қани, адабсиз? Қуллик таъзимнинг, ҳузуримдаги кувончинг қани?

— Е, шафқатли шаҳзодам!..

— Сўзни бўлма!— деб қичқирди шаҳзода ингичка овоз билан инжикланиб,— сўзимни бўлма!. Нима учун бугун берган кулчангнинг биттаси қотиб қолган? Нега ўрикларнинг баъзиси пишиб эзилиб кетган, баъзилари хом? Мен олдинги сафар аслингага қайтарганингда айтган хурмоларим қани? Қани улар ахир? Мен хурмо егим келади, эшитяпсанми, бефаҳм дангаса кул! Баҳона-

ларинг ҳаммаси ёлғон! Наниккى шу вактгача оддий ҳақиқатни тушунмасанг: мен Миср шаҳзодаси валихади бўлсам, менинг хурмо егим келган экан, агар чандики бунинг учун Мисрга, менинг юртимга бутун бошлиқ бир карвон юборсанг ҳам тайёр қилишинг лозим эди-ку!

Шу ерга келганда ўғрининг кўзи Оғабекка тикилди:

— Бунинг ким тағин? Бу қанақа одам? Каёқдан келиб қолди? Бу ерда нима қилиб юрибди?

— Шу ерлик кишилардан бири,— деб маълум қилди Хўжа Насриддин таъзим билан.— Ҳалиги хоснитли ўтни топишда менга кўп ёрдам қилди бу киши, яъни жанобингизга бевосита бўлса ҳам бирмунча хизмат қилиб қўйди. Шунинг учун жамолингизни кўришга ижозат берилди.

— Отинг нима?— деб Оғабекка мурожаат қилди, у эса эшик олдида бояги турган жойнда, йиқилиб тушмаслик учун эшикнинг кесакисини тутганича ўлик бўлиб ўлик эмас, тирик бўлиб тирик эмас серрайиб турарди.

— Та... та... ба... ба... да... бек,— деб ёғочдек қотган тили билан ғўлдиради бечора.

— А?.. Нима?.. эшитмаяпман... нима?— деб сўради ўғри, бўлиб-бўлиб, сабрсизлик билан, худди аъёнлар пастки хизматкорлар билан гаплашгандагига ўхшаш ириллаб.— Татабек, тарабек!

— Ча... ва... ка..., бек...

— Нима?.. А!.. Фийдобекми?.. Мағубекми?..

— Оғабек,— инпакдек майин овоз билан айтиб берди Хўжа Насриддин.

— Оғабекми?.. Мана энди аниқ эшитдим, хўп, хўп!— деди салобат билан ўғри,— демак, Оғабек, хўш нима, Оғабек бўлса Оғабек, майли Оғабек бўла қолсин... яқинроқ кел, қўркма.

Оғабек унинг олдига яқинроқ бориб тиз чўқди.

— Мана кўрдингми!— деб танбиҳ берди ўғри Хўжа Насриддинга.— Бу одам қишлоқи бўлса ҳам подшоҳ аъёнлари билан муносабат қилишга жуда уста экан. Кўрдингми, елкасини қандай букаяпти, унинг файратини кўргин, шундай семизлигига қарамай бизнинг оёғимиз тагигача таъзим қилди. Сен-чи?

— Жаноб шаҳзодам, бир икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсиз. Бу киши ҳар вакт ҳам қишлоқи бўлиб юрган эмаслар. Яқиндагина улуғ мансаб соҳиби эдилар; албатта бу киши олий мансабдор ва аъёнлар

билин муюмала қилишга ўрганиб кетгандар, мен бўлсам, мен...

— Улур мансаб соҳиби эдинингми? Ҳа, кўринниб турибди. Сен бу кишидан ўрганишинг керак, тағин Миср подшоҳининг вазири бўлиб олганингдан кейин маҳфий хонага тез-тез кириб юрадиган бўлиб қолмагин... тур ўрнингдан!— деб илтифот билан қаради Оғабекка.— Чеҳранг менга ёқди, ишонса бўлади. Бундан кейин бўш вақтингда бу нодонга аркони давлат илмини ўргатгин, бунинг эвазига Мисрдан мен сенга мукофот учун... Ой!.. вой!.. уҳ!.. оҳ!..

Ўғри тишларини ғижирлатиб, тиришди, оғзидан кўпик сочиб тағин эшакка ўхшаб ҳангравди. Шундан кейин Оғабекнинг жуда ҳам кўркиб кетганига қарамай, ўтдек ёниб турган сарғиш якка кўзини ола кула қилиб, икки қулоғини тез-тез ликиллата бошлади, у ёшлигиданок кулоқни ликиллатишни яхши биларди:

— Бошланди!— деб қичқириб юборди Хўжа Насриддин, серрайиб қотиб қолган Оғабекнинг елкасига туртиб.— Аслига қайтиш бошланди! Тез, тез чиқайлик бу ердан, бўлмаса икковимиз ҳам кўздан ажраламиз!

Оғабек оёқлари уюшиб қотиб қолгандек судралар, бошидан оёғигача қалтирас, худди ўзи ҳам эшакка айланиб бораётгандек бўларди; сергўшт юзидан тер күйлиб, нафаси хириллаб чиқар, энтикарди.

Хўжа Насриддин уни бир амаллаб тортқилай-тортқилай судраб олиб чиқди-да, эшик олдидаги тошга ўтқизиб орқаси билан деворга суяб кўйди.

Тоза ҳаво, уқалаш, совуқ сувга рўмол ҳўллаб бошига кўйиш, бурнига сомон тикиб қитиқлашлар ахри Оғабекка таъсир қилди-да, у ўзига келди.

— Шаҳзода нима бўлдилар, дарров-а?..— деб сўради у.

— Бўлган бўлсалар керак. Келинг қараймиз.

Оғабек иккиланиб қолди. Кўнглидан қизиқишига кўркиш монелик қиласарди. Бироқ қизиқиши устун чиқди:

— Майлию, бироқ, сен олдин кир.

Хўжа Насриддин эшикни қия очиб мўралади:

— Ҳа, тамом бўлибди!

Оғабек ҳам мўралади. Кулба ичи тамоман тип-тинч, осойишта эди, бир минутча илгари шу кулбада у Миср шаҳзодасини ўз кўзи билан кўрган ва унга таъзим қилиб соқоли билан унинг этиги чангини супурган эди.

энди ўша шаҳзода турган жойда тагин йлгариги кўк эшак — ташки қиёфаси билан ўзининг мингларча узун кулок оғайниларидан сира ҳам фарки бўлмаган эшак туарди.

Лекин бу ташки қиёфа жиҳатдангина эшакка ўхшарди. Аслида у шу қадар савлати босиб туардикӣ, Оғабек титраб-калтираб, унинг олдида бурни ерга теккунча букилиб таъзим қилди.

Хўжа Насридин эшакка нон, ўрик бериб бўлгунча Оғабек сал ўзини тутиб олди. Унинг макру хийлагага тўла калласига нима фикр келганини сезиб олиш кийин эмас: мана подшо аъёни, ундан якин орада инъому эҳсонлар ёғилади, саодатли фурсатдан фойдаланиб у, бу аъёнинг улуғ эътиборини ўзига жалб кила олди ва ҳаттотки ундан топшириқ олишга муяссар бўлди. Ундан кўпроқ манфаат кўриш куйига тушмай бундай қулай фурсатни кўлдан бериш нодонлик бўлади, албатта. Энди вактни бекорга ўтказмай ҳаракат килиб колиш керак.

Ҳамма катта амалдорларга ўхшаб, у ҳам энг ҳақиқр қўрқоқлик ҳолатидан дарҳол уятсизлик ҳолатига ўтиб олишга уста эди. У кулбага журъат билан кирди-да, эшакнинг олдига бориб тиз чўкди:

— Кечиргайсиз, мени шавкатли шаҳзода, овқатлашиш вақтида халоватингизни буздим, лекин бу одамнинг ҳаракатларидағи ўта назокатсизлик мени чин маъноси билан ташвишга солди... ахир подшоларнинг хизмати шундай бажо келтириладими? — деди у, Хўжа Насриддинга ўқрайиб.— Менга беринг нонни! Улуғ шаҳзоданинг ҳоҳишлиарига мувоғиқ бу сизга биринчи сабоқ бўлсин. Ўрникни беринг. Мана менга қаранг ва мендан ибрат олинг!

Ҳа, карашга ҳам, ибрат олишга ҳам арзир эди! Нонни бера туриб, Оғабекнинг букилишларини, ўрикни то-залаб ювишларини ва уни икки палла қилиб, данагинни айириб ташлашларини айтмайсизми! Унинг сўзлари шу қадар ширин, сохта ва муғомбirona эдики, астн қўявевринг! Дарҳақиқат, ҳеч качон дунёда ҳеч бир эшак, ҳаттотки Исо пайғамбарнинг Куддус шарифга миниб борган эшаклари ҳам бунчалик иззат ва ҳурматга сазовор бўлмаган эди.

Иккала сават ҳам бўшагандан кейин Оғабек сочиқ сўраб олдида, эшакнинг тумшуғини авайлабгина артди.

Эшак эса, тағиң янги бир овқат беряпти шекилли деб сочиқни ямлаб чайнай бошлади, аммо кутганидек овқат бўлиб чиқмагани учун кўнгли айниб оғзидан чиқариб ташлади.

— Шавкатли шаҳзода овқатланиб бўлди! — деди Оғабек Хўжа Насриддинга қараб, ғолибона бир тантана билан ва ҳатто бир оз кеккайиб. Саройларда доимо шундай бўлади: подшони тахтга ўтқизганлар четда қолиб мугамбирлар олдинга ўтиб оладилар.

Кейин Оғабек билан Хўжа Насриддин кулба эшигидаги тошда анча вакт сўзлашиб ўтиришди. Дастрлабки муваффакиятидан руҳланган Оғабек, эшак думига ёпишган қўйтикандек Хўжа Насриддинга ёпишиб олди. Бу ҳазил гап эмас, бу йўл мана шу вайрона кулбадан тўппа-тўғри Мисрга, тахт сари элтади ахир. Руҳининг асосини ташкил қилган бутун ҳисснёти, яъни унинг ҳеч коммайдиган шуҳратпарастлиги, очкўзлиги ва мансаб-фарастлиги авжга миниб кетди. Ўзининг чарчагани ва кеч кириб қолганига қарамай, Хўжа Насриддиннинг ёнидан силжимай ундан шаҳзодага тааллукли бўлган ҳамма нарсалар тўғрисида: қачон ва қандай аҳволда шаҳзода эшакка айланиб қолгани, ўшанда Хўжа Насриддин қаерда экани, Миср подшоҳининг бошига тушган бу улуғ фалокатни кимдан эшишиб билгани, шаҳзодани қаерда йўлиқтиргани ва бошқа эшаклар орасидан уни қандай қилиб таниб олгани ҳақида сурнштира кетди. Хўжа Насриддин бу саволларга олдиндан тайёргарлик кўриб қўймаганда анча шошиб қолган бўларди. У жавоб бериб Оғабекка узундан узок ва чувалашган, лекин ростдан ҳам одам ишонса бўладиган бир саргузашт сўзлаб берди, уни биз бу ерда такрорлаб ўтирмай, ҳар ким ўз завқига муносиб ўзи тўқиб олар деган ниятда китобхоннинг ўзига ҳавола қиласиз.

— Мана, мен уни Панжоб якинидаги бир тоғ сўқмоғида, устига ортилган ўтиннинг оғирлигидан бели букчайиб келаётгандан учратганимдан бери у билан қийналлиб келаётиман,— деб саргузаштни тугатди Хўжа Насриддин, хўрсиниб.— Аммо лекин, энди худога шукур, қийинчилкларим тугай деб қолди: сеҳрли дори тайёр бўлди. Мен энди сеҳрли ўтни кўпроқ йигиб олиш учун бу қишлоқда яна бир икки ҳафта тураман, чунки ўша ўт фақатгина шу қишлоқда ўсар экан, ундан кейин Мисрга жўнайман. Қай куни улуғ Султон ҳузурларида, ўз

ишимни тугатиб, валинадларини кўлларига топширсам, ўша куни менинг ҳаётимда энг бахтли кун бўлади.

— Бўлмаса-чи! — деб юборди Оғабек. — Миср подшоҳи ҳузурида вазирлик билан саройнинг бош хазиначиси мансабларини олиш-а!

— Сизга ким айтди, мени бу мансабларни эгалла-моқчи деб? Султоннинг бунақа марҳаматлари бошида колсин, сира ҳам устимга олмайман ундан мансабни.

— Қабул қилмайсизми? Бу нима деганингиз? Нега ахир, вазирлик лавозимидан бош тортасизми?

— Албатта бош тортаман. Менинг биттагина орзум бор — эркинлик ва осойишталик. Ўйлайманки, шаҳзоданинг мижозини менчалик яхши билса, ҳар қандай киши ҳам бу вазифадан бош тортган бўларди.

У кўлба ичига бир мўралади-да, эшикни қаттикроқ ёпиди кўйди:

— Шаҳзода ухляяптилар кўрқмай гаплашаверса бўлади. Ишонаверинг менга ҳўжайнин: бу, ер юзидағи барча тўрт осёкли — икки оёклилар ичидаги энг бадҳазм маҳлукдир! Ўжарлиги худди эшакнинг ўзгинаси! Агарда у шаҳзода бўлмаганида, уни сира ҳам одам қиёфаснiga айлантирмасдим, чунки унга шу қиёфа жуда ҳам мос тушади. У сержаҳл, серғалва, мижғов, бақирок, инжик, қисқаси бунинг табиати эшак табиати билан одам табиатидаги энг ёмон шуксонларнинг ҳаммасини бир кўшиб аралаштирганидир. Айтишларича, шаҳзоданинг падари бузрукворлари бундан ҳам баттар эмиш. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг-чи, қандай қилиб мен, саройда бўладиган макру фитналарга чиникмаган киши вазирлик мансабини устимга ололаман? Бугун вазир, эртага эса боши та-насидан жудо бўлган факир бўлмоқ учунми?

Оғабек ўз кулоқларига ишонмай қотганича тинглаб ўтиради: бахт ўзидан ўзи бунга қараб бокар, ўзидан ўзи унинг қўлига келарди!

— Мен сарой аъёни бўлолмайман,— деб давом этди Хўжа Насриддин.— Мен ҳукмронлик учун эмас, балки хилватда тафаккур қилмок учун туғилганман, менинг ишим — сирларни тадқик этиш. Ахир, мен афсунгарлик илмига йигирма йиллик умримни сарф қилганман, бу бекор кетмади, албатта, буни бугун ўзингиз ҳам кўриб каноат ҳосил қилдингиз. Эндиликда мен бунинг ҳаммасини ташлаб юборайми? Ниманинг бадалига? Ҳар куни мени маҳфий хонага судраб кирсенилар учунми?..

Бу гапларни ўзини илму, тафаккурга бағишилаган кишидан бошқа бирор киши айтган бўлса, эҳтимол Оғабек бунчалик дарров ишона қолмасди. Лекин бу ерда у ишонди, чунки бундай кишиларнинг ҳаммаси — мунажжимлар, олимлар, шоирлар, кўрғошинни олтинга айлантирадиган сеҳрли тош ва обиҳаёт изловчиларнинг ҳаммаси ўша вактлардаёқ, кундалик ҳаётий ишлардан ҳеч нарса билмайдиган тентак кишилар деб ҳисобланарди, шунинг учун ҳам, хатарли қанотлар ўрнига, фойда тошиш ва ер юзида хатарсиз бемалол изғиш учун кулай кичкина, эпчил, қирқта оёқка таянишии афзал кўрадиган акл соҳиблари — донолар тарафидан ҳар кадамда хизматлари сўзсиз бажо келтирилиши лозим эди.

— Тўғри айтасиз,— деди Оғабек чуқур ва салобатли қиёфада. Энди у Хўжа Насриддинни ўзининг қонуний ўлжаси деб ҳисоблар ва ўзидан ўргимчакдек ёпишқок торлар чикариб ўлжа атрофига тўр ўрай бошлаган эди.— Вазирлик лавозими, чин қўнгилдан айтсан, сизнинг кўлингиздан келмайди.

— Буни ўзим ҳам биламан. Шунинг учун бундай килмокчиман: Султоннинг ўғлини ўзига топшириб ҳар кандай мансабдан ҳам, лавозимдан ҳам истеъро бераман ва ишларим эвазига бирор хилват ўчаю, майшатим учун етадиган умрлик маош тайин қилиб қўйишни сўрайман холос.

Оғабекнинг вужудини ўраб олган тамагирлик титротини кўриб Хўжа Насриддин барча эҳтиёткорликларни ташлади ва ўз мақсади томон тўғри йўл олди, унинг курган тўрига қанот ва оёкларини ўзи қўйиб берди.

— Мен ҳали табнатнинг ҳамма сирларини текшириб чиққаним йўқ,— деди у.— Мана шунинг учун ҳам хилватда тафаккур қилишга муҳтожман. Мен кишиларнинг майда ҳайвонларга, масалан: чумоли, болари, бурга, чивин ва пашшага айланишларини ўрганиб чикдим: йирик ҳайвонларга айланишини ҳам ўргандим, буни бугун ўзингиз ҳам кўрдингиз, лекин кишиларнинг қурбака, балиқ ва сув қўнғизларига айланишини ҳали текшириб чиқа олганимча йўқ.

— Демак, кишиларни пашшага ҳам, боларига ҳам, чумолига ҳам айлантириш мумкин экан-да?

— Бундан осон нарса йўқ! Кани, ўзингиз бир синаб кўрмайсизми?

— Нега, нега қерак эмас!

— Ҳеч бир ерингиз оғримайды. Бурга бўлиб қола-
нингизни ўзингиз ҳам билмай коласиз. Атиги бир кунга-
ла, эртага тағин одам қиёфасига киргизиб кўяман.—
Хўжа Насриддиннинг уйкуси келиб колган эди, шунинг
учун у меҳмонни барвактрок йўлга солиб кўймоқчи бўл-
ди.— Мен ҳозир сеҳрли дорини олиб келай.

— Йўқ, йўқ, кейинги сафар,— деб Оғабек шошганча
ўринидан турди, чунки унинг бургага айланишга сира
ҳам ҳаваси йўқ эди, хусусан ҳозир, узок Мисрдаги са-
ройнинг тасвири хаёлида чакнаб кўриниб турган бир
вактда.— Биз иккевимиз ҳам чарчадик, бугунча хайр
энди.

Хўжа Насриддин уни ариқ бўйигача кузатиб кўйди.
Тонг ёришиб шарқ тараф кизариб колган эди.

— Тағин атрофингизда айланишинб қолибди-я, ўша
шишасимон қуртчалар.

Оғабек безовталаниб калласини қисқа бўйни устида
айлантира бошлади. Туни бўйни ухламагани учун кўзи
олдида учқунлар кўпроқ учар эди. Бу йўлдошларни
узок сафарга сира ҳам олиб бормаслик керак, хусусан
Мисрда, Оғабек олдиндан мўлжаллаб кўйганидек, ал-
батта, бундайларнинг янгилари пайдо бўлади ахир.

— Бугуноқ домла имомга бориб арвоҳларга бир
йиллик дуойи фотиҳа килиб кўйишни буораман.

— Бунинг пулига масжидни тузатиб кўйсни.

— Айтаман унга, айтаман.

Шундай килиб чўракликлар масжидни тузатиш ха-
ражатидан кутулдилар. Лекин бу Хўжа Насриддиннинг
уларга килган энг кичкина яхшилиги эди, ҳали бошқа
ишлар, чинакам улуғ ишлар олдинда турибди! Улар
ҳақида гапириш ҳали эртарок; фаросатли кишилар буни
узлари топсин, бошкалар эса сабр килишсин... Оғабек
билан хайрлашгандан кейин Хўжа Насриддин энлик
кора қошларини қувноқлик билан кериб, анчагача унинг
кетидан кузатиб турди-да, кейин кулбага қайтиб келди.
Унинг ковоқлари юмилиб бораради, чопони билан этигини
уни яхширок ёпиш керак эди, деб ўйладиу, аммо бунга
мажоли келмади.

У кўзини юмди, ухлаб бораётуб тонг ибодати — бом-
дод номозига ундаган сўфининг овозини эшилди.

Сўфининг баланд овози, тог орқасида ўзининг аба-
дий ва сўнмас улуғлиги билан аста-секин тантанали ра-

вишда күтарилиб келаётган қүёшга қарши булутлар билан бир каторда кенг қанот ёйиб шамолда сузиб тарқаларди! «Шафқатингнинг поёни йўқ, курдатингнинг чегараси йўқ!..» деб кичкирарди сўфи, шундан кейин оламдаги ҳамма парсалар — одамлар, ҳайвонлар, қушлар, ҳаттоқи тонг нурида япроқларини кизартириб олишга шошилган тилсиз дараҳтлар ҳам шамолда шилдираб, бошларини букиб ибодат қилишарди.

Борлик ёриша бошлади; шимол, жануб, шарқ ва гарб еллари эса кетди, корли тоғ чўққилари жилваланди, денгизлар шаффоғ кўм-кўк рангда ялтиради, тоғ ва сой сувлари шалдиради, даладаги донлар етилди, боғлардаги мевалар оғирлашди ва шарбатга тўлган узумлар олтиндай сарғайишди.

Хўжа Насриддин эса кўпинча ўқийдиган бомдод номозини ҳам унугиб кўйиб, ухлаб ётарди. Айтидан, бу гуноҳи осонгина ваф қилинган бўлса керак, чунки кия ёпилган эшикдан юзига тушиб турган офтоб юмуқ турган қовоғидан ўтиб, унинг кўнглига, яъни донишманд Алқодир таълимоти бўйича, олдан сезиш ҳиссимиизни ва туш кўришларимизни идора қиласиган кисмига ўтиб ёритишидан порлоқ ва мусаффо туш кўрарди.

УЧИНЧИ КИСМ

Олам яхши одамлар учун яратилгап, ёмонлари йўқолиб кетади.

Зайдиддин ибн Абдусаид.

Уттиз учинчи боб

Арабистонда шундай дарёлар борки, кишиларга уларнинг факат ўрта оқимларигина кўринади, уларнинг боши ва охири эса ер қаърида яшириниб ётади. Хўжа Насриддиннинг ҳаётини ҳам шундай дарёга ўхшатса бўлади: унинг ҳақида билганларимизнинг ҳаммаси, унинг ўрта ёшига — йигирмадан элликкача бўлган даврига тааллуқли бўлиб, болалик ва кексайган вақтлари бизга қоронғидир.

Дунёнинг турли бурчакларидаги саккизта соғана унинг машҳур номи билан аталади, булар орасида Хўжа Насриддиннинг ҳақиқий қабри қайси эканини ҳеч ким билмайди. Балки ўша саккизта соғана ичida уники йўқдир, балки унинг жасадини денгиз ўз бағрига олгандир ёки донм туман босиб ётадиган тоғ сойларида колиб кетгандир, қабри устидаги мотам йифиси даҳшатли денгиз дўзули ёки қор кўчкilarининг гумбурлаши бўлгандир.

Унинг асли қаерлик эканига келганда — кишилар унинг Бухорода туғилиб ўсганини билишади, аммо у болаликда қандай бўлган, унинг кўнглини қандай қудратли темирчи сугориб чинктирган, унинг ақлини қандай устодлар пешлаган, саркаш табиатини унга донишманлардан қайси бири очиб берган — буларнинг ҳаммаси то шу кунгача номаълумлигича колиб келяпти.

Китобларда «Бугунги сир — эртага очилади» дейнлади; Хўжа Насридиннинг қадами етган ерларда кезакеза бу сўзининг ҳақиқат эканига ишондик. Афанди ҳақида биз йикқан ривоятлар орасида унинг энг дастлабки күнларидан бир неча заррачалар бор. Унинг болалиги тўғрисида бутун бошлиқ бир китоб ёзишга бу озлик қиласди, албатта, лекин бизнинг бутунлай сукут килиб колмаслигимиз учун кифоя ҳам қиласди. Шунинг учун унинг болалик йиллари ҳақидаги ҳикоя мана шу ердан ўрин олиб, китобимизнинг учинчи қисмини ташкил қила қолсин.

Баъзни кишилар воқеаларни тўппа-тўғри ҳикоя қилмай четга бурилганимизга эътиroz билдиришлари мумкин, лекин биз уларга шонрнинг: «Киши факат тўғри юришнингина билсаю, сал четроқда ётган олтинни бурилиб бориб олмаса, унинг ақлинни тўлик деб бўлмайди» деган сўзи билан жавоб берамиз. Баъзилари эса, автор бу ҳикояни китобга нўноқлик билан жойлаштирибди, ўнга бошка қулайроқ жой топиши керак эди дерлар, биз баҳслашиб ўтирумаймиз-да, уларга «Танга ўнг чўнтақдан чап чўнтақка олиб солиниши билан тилла бўлиб колмайди» деган мақолни ҳавола қиласмиш.

Энди афандининг ёшлиги ҳақидаги ҳикояга кўчамиш.

Аввало биз, Хўжа Насридин бухоролик камбағал эгарчи Шермуҳаммад онласида туғилиб ўсган экан, деган фикрнинг тўғри эмаслигини айтиб ўтишимиз керак. Бу гапда иккита хато бор: биринчидан, Шермуҳаммад эгарчи эмас, кулол эди, иккинчидан, Хўжа Насридин унинг уйида туғилган эмас, факат ўсган холос. Гап шундаки, шу вақтгача Хўжа Насридиннинг чинакам отаси деб айтиб юрилган Шермуҳаммад, ҳақиқатда уни бокиб олган отаси эди.

Биз ҳам ҳикоямизни мана шу асосда олиб борамиз. Шермуҳаммад ўз ишига анча уста бўлиб, хусусан ичига сув тўлдириб қўйиладиган, одам бўйи катталиктаги «танур» деб ном чиқарган катта хумларни ясашга жуда уста эди. Устанинг бошқалардан ортиклиги ва шуҳрати, у ясаган хумдаги сувнинг ҳар вақт салқин туришида эди. Шермуҳаммад соғ тупроқ, кум, упадек майдаланганд тош ва саксовул кулидан маълум миқдорда аралаштириб лой кориш сирини; идишни пишириш вг

аста-секин советиш сирларини яхши биларди, унинг хумлари хумдондан жаранглама ва деворлари говак бўлиб чиқарди, кун иссиқ вактларда хумларнинг сирти кумушсимон — кўкимтири сув буртиклари билан қопланниб яхшигина терларди. Шермуҳаммад кулолчиликдан яхшигина даромад оларди, муҳтоҷлик кўрмай куи ке-чирап, ҳаттоки қартайган вактларида хўжалигини ҳам бирмунча тузатиб олди: уй солди, боғ, токзор қилди, икки сандик бисот йигди. Шундай бўлса ҳам у ўзини бахтсиз, ҳаётнинг шафқатсиз маҳрумиятларига йўлиқ-кан киши ҳисобларди: унинг фарзанди йўқ эди.

Ҳаркимларнинг дуосини олди, табаррук жойларга назру садақалар берди, табибларга кўрсатди, азайим-хонларга ўқитди — хуллас фарзанд талабида Шермуҳаммаднинг қилмагани қолмади. Буларнинг ҳаммаси бўшга кетди — хотини бола кўтармади. Шундай килиб икковларни ҳам қарилликка қадам қўйиши. Уйда ҳар вакт бекаму кўст тартиб ва масжиддагидек жимлик ҳукм сурарди. Токчаларда неча йиллардан бери янгиланмаган идишлар турарди, чунки бу уйда битта пиёла ҳам синган эмас, тахмондаги ипак кўрпалар кечагина қоплагандек кўринарди. Лекин бундай саранжом-саришталик фақат тош юрак худбин одамларнинг кўнглига мостушар, Шермуҳаммад эса бундайлардан эмасди; агар кунлардан бир куни болаларининг ўйнаб турган коптоги беҳосдан сапчиб келиб шу турган идишларнинг биттасини ҳам қўймай тушириб чиylчил қилганини ва болаларининг ўт ўйнаб турниб ҳокандоздаги чўвларни чочиб юбориб ипаклик кўрпаларни кўйдириб қўйганини кўрса, у қандай завқланиб кулган бўларди!

Илгаришари хотини билан бирга бола тўғрисида гапиришар ва бирга-бирга зорланишарди; улар қартайишиб барча умидлари пучга чиққанда бу тўғрида гапиришмайдиган бўлишди, чунки улар ҳар қайсилари ўзларини айбдор ҳисоблашар ва дарду аламларини сукут ичида ўтказишарди.

Аммо бир куни савр ойининг охиirlарида, кичкина боғчаларидаги ўрник, шафтоли, олмалар гулларини тўқканда ва факат ер бағирлаб ўсган пакана беҳи ўз шохларида дағалроқ ол тусли гулларини яшнатиб турган вактда кечкурун Шермуҳаммад кундузги ўйқусидан туриб беҳосдан «бола тўғрисида гапиришмаслик» шартини бузиб юборди:

— Хотни, мен ажойиб бир туш күрдим! — деди у. — Гүё худо бизга бир ўғил ато килибдур, шундай шұх, шундай соғлом эмишки!

Кампир букилиб ғужанак бұлди, «мени кечир!» дегандек ёлборган назар билан қаарди. Чол хұрсаниб ва үнғайсизланиб тескари бурилди: балки ўзи кечирим сұраши лозимдир.

Оқшомни икковлари жимгина ўй суриш билан ўтказдиллар.

Кампир кечки овқат ҳозирлаш билан овора, Шермухаммад эса әртага бозорга чиқарылмоқчи бұлған, девор тағидаги қатор олтита янги хұмларни күздан кечириш билан банд эди. Булар одатдагидан каттароқ хұмлар эди. «Булар аравага учтадан сиғмас, иккитадан ортсак ҳам бұлар» — деб ўйлади Шермухаммад, хұмларни бозорға ортишда керак бұладыған нарсаларни чамалаб күриб.

Кейин чол ва кампир кечки овқатни еб ўринга ётшиди.

Шермухаммад тунда үйғониб, кампирнинг очиқ турған дарича тағнда чүкка тушиб ўтирганини күрди. Ойнинг сутдек ёриғи кампирнинг юзидағи кичкіна ажинларигача аник ёритиб туради. У дуо ўқирди. Шермухаммад унинг ўқиётган дуосига қулоқ солди. У худодан фарзанд сұрарди — нодонлик әмасми ахир, олтмиш ёшида-я!. Кампирнинг шивирлашлари ҳам подонликдан иборат, у ўзини унугиб худога астойдил илтижо қиласын. Құп йиллик ҳасратлар, ушалмаган оналик орзувси, әлғиэзлик, умидларнинг пучга чиқиши аламлари буларнинг ҳамма-ҳаммаси мана шу шивирлашда ифодаланарди! Бу шивирлашда, актіл ва тажрибага қарай калай бир ишонч бор эди! У «Қодир әгам!..» деди. У шалвираб ётган оқ соч үримларини орқасига иргитиб, бошини саждага күйганды оқ күйлак тағидаги бесүнақай қок сүяклари дуппайиб күрінди, у ғұнғиллаб инграрди — бу ғұнғиллашдан бирор сұз тушуниб бўлмасди. Шермухаммаднинг күксини ичдан келган бир хұрсаниш сикарди; кампирга күнгли ачиниб кетди-да, ичидан қайнаб кела-стган күз ёшларини тұхтатиб колиш учун ёстикни тишлиганича ўрнида қотиб қолди.

Құп ўтмай кампир ўз ўринга келиб ётди. Шермухаммад қимири этмади, кампир ҳам күзғалмади, икковлари ҳам бир-бирларининг ухламаётгандарини, лекин ухла-

ётганга ўхшаб ётиш ва мана шу соддагина алдашга икковлари ҳам ишонаётгандек кўриниш билан бир-бирларини аяшарди. Тонг откунча икковларидан ҳам бир оғиз сўз чикмади, лекин кўнгилдан бир-бирларига гапсўзиз жуда кўп сўзларни айтишди, булар бир-бирларини ўзаро кечиришди, улар бир хилда ҳаёт кечираётгандарини: у — кампир учун, кампир — у учун яшаётганини, улар ўзларини аллақачон бир-бирларига бағишилаб кўйганликларини тушунишарди.

Шермуҳаммад учун бу тун — оғир тун бўлди. Фам, аламли фикрлардан одатдаги юмушларга ўралишиб кетиш билан қутулиш умидида у тонги хурсандлик билан қарши олди.

Ҳали анча барвакт эди, тонг нури ҳали ўз кўкимтири тусини йўқотмаган, тонг эндиғина оқариб ёриша бошлиған эди. Бозорга жўнаш учун ҳали икки соатдан ортиқ вакт бор. Шермуҳаммад хумларни яна кўздан кечириб, уларни чивик билан уриб кўришга киришди. Чивиқнинг енгилгина зарбидан хумлар зирилламай, пўкилламай, жарангларди, бу билан хумларда ёриқ ёки бошқа бирор камчилик йўқлиги билинарди. Шундай қила-қила у бешта хумнин кўздан кечирди ва энг четдаги олтинчи хумнинг олдига келди.

Бу не ҳикмат! Олтинчи хумдан зарбага қарши жаранглаган товуш эмас, балки чирқираган овоз чиқди. Шермуҳаммад жуда ажабланди, чивик билан яна уриб кўрди. Яна чирқираган овоз эшилди. Энди аниқ маълум бўлди, хумнинг ўзи чирқираётгани йўқ, хум ичида қандайдир бошқа бир нарса, жонли нарса чирқирайти.

Бунинг ичига нима тушиб қолган экан? Мушукнинг боласими? Кучукми, қушнинг мурғагими? Қандай қилиб тушиб қолади!.. Хум ичида нимадир бор. У чирқирадику, ахир!

Шермуҳаммад хум ичига қараб кўрди, коп-коронги. Ҳеч нарса кўринмади. Хумга қўлинни тикиб кўрди. Хум жуда чукур эди, Шермуҳаммад хум устига ётди, бўлмаса қўли ҳам тагига етмасди. Мана, қўли билан пайпаслади, қўлига қандайдир увада уринди, кейин... у қўлинни шошиб силтаб тортиб олди-да, диккат билан қўлига қарди.

Тишнинг изи-ку! Хумдаги нарса чолнинг бармоқларига ёпишди. У фақатгина чирқирамас, тишлаб ҳам олар экан!

Шермуҳаммадга хумда нима борлиги маълум бўлиб колди, лекин Шермуҳаммад ҳозир ўзига ишонмасди. Кўркиб эсанкираб қолган чол исказа билан ёғоч тўкмоқчани олиб келди-да, уни олмоқ учун хумни тешишга киришди. Чолнинг кўллари титрар, исказа кўзғалиб сирғанарди, чунки зарб нотекис эди. Хум ичидаги нарса жим бўлиб қимирламай қолди. Девори ҳар тарафдан урила-урила ўпирилгандан кейин хум ичига ёргуллик билан ҳаво киргач, бунга карши унинг ичидан кулоқни батанг киладиган чинкириш эштилди! Шермуҳаммад жонли латта бўғжамани ушлаб тортиб олди, у чолнинг кўлида типирчилаб товланар ва жаҳл билан биғ-биғ котиб йиғларди.

Кампир ҳам чўчиб ҳовлиқиб югуриб чиқди.

— Нима бу? Каёқдан олдингиз? Ё раббим, канака ушляяпсиз ўзингиз, беринг бу ёкка!

У латта йўргакни Шермуҳаммаднинг кўлидан юлиб олди, шундан кейин йўргакдаги нарса худди афсун ўкигандек бир онда жим бўлиб қолди.

— Буни қаердан олдингиз? Нега индамайсиз ахир? Каердан?..

Бу ишлардан тили тутилиб, ранги бўзарган Шермуҳаммад индамай хумга ишора қилди.

Бағир-буғурдан уйғониб кетган бир кўшни пастгина девордан уларга мўралаб қараб турарди. Томда тунаган иккинчи кўшни тепадан туриб кўзини чала очиб уйқусирагандек овоз билан:

— Нима, нима бўлди ўзи? Уғри тушдими? Ўт кетдими?— деб сўради.

Кампир атрофга кизғончик бир назар ташлади-да, куриб қолган кўкрагига жонли топилдикини маҳкам босиб, юргурганча уйга кириб кетди.

Томошабин кўшнилар кўпайишиб колишиди, ҳовлиниг бошқа тарафидаги девордан яна иккитаси қараб улар ҳам, нима бўлди?— деб сўрашди.

— Манави хумнинг ичидан топиб олдим...— деб такрорлади Шермуҳаммад.— Хум ичидан ётган экан, хумни синдириб олдим...

У бу сўзларга ҳеч нима кўшиб гапира олмади, чунки у ёлғон гапиришга чечан эмас эди. Вокеа шунчалик тез бўлдики, кўшнилар уни дарров мұҳокама қилишга, таҳминлашга, у ҳақла ҳар хил мишишлар тўкишга киришиб, тонг сукунатини бузиб юборшиди.

Ҳали бир минут ҳам ўтмаган эдики, яна иккита құшни югуриб келиб әшикни сабрсизлик билан қаттиқ-қаттиқ тақиилатишиди. Ана тағиң иккитаси, яна биттаси...

Тор ҳовли одамга тұлди. Бирос из топылмасмакин деб әшикни, тупроқни ва хүмни күздан кечиришиди. Ҳеч нараса йўқ! Гүёни у худди осмондан узилиб түппа-түғри хүмнинг ичига тушган кўйган!

Үйдан кампирнинг овози эшишилди, у Шермуҳаммадни чақиради. Томошабин қўшинлардан зерикниб кетган чол уйга ура кочди.

Үйда у сандиққа ёзилган ипак кўрпа устидаги ёстиклар орасида ётган болани бир кўриш биланоқ, унинг ўз тушида кўринган бола эканини таниди.

— Буни қаранг-а,— деди кампир худди сўниб бора-ётгандек овоз билан.— Буни қаранг отаси: тишлари бор-а!

Шермуҳаммад сандиққа яқин борди. Бола унга қарши оёкларини типирчилатиб, қўлини силкитар, кўзини чақчайтириб, оғзини кенг очар ва қичқиради, шунда Шермуҳаммад унинг оғзида текис чиққан икки қатор оппок, мустаҳкам ўткир тишлари борлигини кўриб ҳайратдаи қотиб қолди... Бош айланиб ақл ҳайрон қоладиган иш-да бу: чақалокнинг оғзи тўла тиш бўлса-я! Тушида кўринган боланинг ҳам тишлари борлиги Шермуҳаммаднинг эсига тушди-да, юраги орзиқиб, бўғин-бўғинлари бўшашиб кетди.

Бу бир мўъжиза иш бўлди. Бунинг мўъжиза экани Шермуҳаммадга ҳам, кампирга ҳам маълум эди. Кампир эрининг елкасига осилди күздан ёшини оқизиб:

— Мен шундай бўлишини билардим...— деди шивирлаб.— Мен ҳар вақт билардим. Факат қачон ва қандай бўлишини билмасдим, халос.

Уша вақтларда Бухорода юритилган қонунга муводиқ топиб олинган чақалоқ агарда ота-онаси уч ойгача келиб талаб қиласагина, топиб олган одамнинг боласи бўлиб колиши мумкин эди.

Шунинг учун жарчилар: «Кулоллар маҳалласида, Шермуҳаммад кулолнинг ҳовлисида бир хум ичидан беш ойлик чамасидаги бир ўғил бола топиб олинди, боланинг алоҳида белгиси бор, ҳали эртароқ бўлса ҳам ҳамма тишлари чиққан» деган ёрлиқни ўқиб Бухорнинг барча аҳолисига, барча ажнабийларга, бозорга ке-

ладиган ҳамма одамларга катта бозор майдонларида уч ойгача тинмай жар солиб юрдилар. Жарчилар ёрликни ҳар куни уч маҳал: эрталаб, тушда ва кечқурун жар солишарди; дарҳақиқат бундай дабдаба билан дунёга келиш ҳар кимга ҳам мұяссар бұлавермайди! Кичкина Хұжа Насриддин устида бұлғаш бу дабдаба унинг келажагидаги дабдабали ҳәетидан дарак бергандай бүларди.

Шермуҳаммадға охири күринмайдыган бу уч ойни үтказиш осон бұлмади, кампир эса тамом букчайиб колди. Бечора ҳар куни, ота-онаси ана келди, мана энди келиб олиб кетади, деб құрқа-құрқа кутарди!. Эшик ғижирлади дегунча унинг аъзойи бадани жимирлашиб кетар, сұнгги нафасига қадар үз боласини күриклашга тайёрланиб жунларини ҳурпайтирган қашқирдек, ҳурпайиб оларди. Құшниларнинг берган маслаҳати билан у, түйида эри ҳадя қылған тилла зирагини бозордаги бир миrzага бериб, кичкина Насриддиннинг отасиман, онасиман деб келишгә журъат қиласынан қылди. Кампир ҳали ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бундайлардан нафратланиб кетдию, ҳаттоки бундайларнинг ҳеч бир маккор бўлмай чиқишлиари мумкинлигини хәелига ҳам келтирмади. Сап-сарик котма ориқ юзлари чўтири, ияклари чўзиқ ва тулкенинидек ингичка мирза үз ишига жуда ҳам уста одам бўлиб чиқди: у саксон олтита савол тузиб, уларни шундай усталик билан ёздики, агарда булар кетма-кет берилса саволлар ҳар кандай кишини ҳам сон-саноксиз ёвузликтарни қиласынан қарокчига айлантириб қўяр ва бундайларнинг олдида тунда йўлларда туриб тунайдыган ўғрилар билан гўдакхўр ваҳшийлар ҳам обрўлироқ бўлиб коларди.

Қўрқанларн бекор бўлиб чиқди. Энг сұнгги тўқсонинчи кун ҳам үтди,— топилдиқни сўраб ҳеч ким ҳам келмади, тўқсон биринчи куни масжидда лозим бўлган миқдордаги гувоҳлар ҳузурида домла имом ўғил қилиб олиш расмиятларини адо қилди.

Мана шундай ғалвалар билан Хұжа Насриддин, Шермуҳаммад кулолчинининг уйида жойлашди. Ундан кейинги маълумотларга қараганда уни кулолчилар маҳалласида эмизикли боласи бор барча хотинлар навбат билан эмизишган экан. У билан туғишиган ака-укаси,

эгачи-сингиллари нечта эканини биз билмаймиз, албатта, аммо, эмишган ака-ука, эгачи-сингиллари жуда кўп эди. Бу ерда ҳам унинг келажагидан дарак берадиган иишонани кўриш мумкин: модомики, у ҳозир бешикда ётиб кулолчилик маҳалласидаги ҳамма одамлар билан қариндош бўлиб олган экан, демак, кейинроқ бориб бутун дунёдагилар билан қариндош бўлиб олди... Айтишларига қараганда, чақалоқлик вактида у жуда ёмон «тиш қичимаси» касалига мубтало бўлган, қўлига нима тушса оғзига солиб, ғажиб юрадиган бўлган, бир неча марта эмизаётган хотинларнинг кўкрагини ҳам тишлаб олган.

У жуда тез вояга етди. Уч ёшга тўлганда гавдасига қараб уни беш ёш, ақлига қараб ундан ҳам кўпроқ деб ўйлашган. Уч ёшидаёқ у кўп сўзларни билган, сўз тузиш коидаларини билиб олган ва сўзлаганда тўғри гапириб катталарни ҳайратда қолдирган. Зеҳни ўткир бўлгани учун атрофдаги урчук, болта, арра, омбур, боғ чопкиси, парма, дазмол ва бошқа асбобларнинг нимага ишлатилиши ва хусусиятларини тушуниб олган. Тўрт ёшга етганда Насриддин биринчи марта кулоллик чархига ўтирган ва отаси Шермуҳаммадни ҳайрон қолдириб, бирданига бозорга сотса ҳам бўладиган бир хумча ясан! Ҳамма нарсалар унга ўз сирларини очиб берган, гўёки у дунёдаги нарсалар билан танишмасди, балки, уларни танирди, гўёки у биринчи марта туғилган эмас, балки узоқ вакт мусофиричиликда юриб-юриб уйига қайтиб келган кишидек дунёга қайтиб келгану, бундаги нарсаларнинг ҳаммаси унга маълум, таниш, фақат озорок унугилган эди, холос.

Болалигининг бошқа хусусиятларидан унинг баъзан кечкурунлари чуқур ўйчанликка берилишини гапиришади. У якка қолар ва жим ўтиради; бундай вактларда унинг қарави туманлашиб кетар, гўё ўзига етти қарокчи юлдузидан кўра яқинроқ турган бошқа нарсани кўрмасди. Тўрт яшар болага нисбатан ажойиб кўринган бу ҳол, йиллар ўтиши билан, изсиз ўтиб кетди, эҳтимол қартайган вактида яна шу ҳолга қайтиш учун шундай бўлгандир, чунки юлдузларга қараб хаёл суриш қарияларга хос... яна тағин унинг күёшга ҳаддан ташқари муҳаббати, сажда қилиш даражасида муҳаббат кўйганинги ҳам гапиришади; ҳали чақалоқ экан, күёшга очик кўз билан, киприк қокмай, кўзи қамашмай қарап-

ди, бундай қобилят ер юзидағы ҳамма жониворлар ичіда фактатына бургутга ато қилинганд.

Ү ҳайвонлар, паррандалар, ҳар хил құнғизу капалаклар билан ҳам жуда дүст эди. Кичкина Насриддин дарахт шохларига қўнганд ҳар қандай тукли арини бемалол тутиб олиб, дикқат билан текшириб қарап, семиз тукли ари ҳам учиреб юборилишни кутиб индамай тураверар ва ҳатто даҳшатли найзасини ишга солишга уриниб ҳам кўрмасди. Шермуҳаммад буни кўриб ҳайрон қоларди. Қушлар бу боладан сира ҳам ҳуркишмасди, бир куни Насриддин шотини деворга қўйиб, шипга уя solaётган қалдирғочларга ярим кун карашган, қалдирғочлар ҳам бунинг ёрдамини жон деб қабул қилишаверган. Ўз уясига нисбатан қизгончик бўлган бу ўйноқи қушчалар бундай воқеанинг бутун ажойибликларини қадрлай олиш фазилатига ҳам эгамикин. Уядаги қушчалар тухумдан чикишди, ўсишди, энди учирма қилиш вақти келганды, кичкина Насриддин учолмай ерга тushiб қолган қушчаларни териб олиб баландга ташлар ва шу билан қанотли ота-оналарга болаларини учишга ўргатишда жуда яхши ёрдам қиласди. Бое бурчагидаги кариб қолган ўрик илдизи тагида унинг катта бир дўсти — кирпичикон турарди, Насриддин ҳар куни унга эрталаб синик бир сополда сут олиб келарди; сичқонлар орасида ҳам унинг танишлари бор эди... Насриддин бир куни Шермуҳаммад билан эски мозордан ўтиб кетаётib сўкмокдан бурилди-да, бурган орасида ётган илонни кўрмай яланг оёқ босиб олди; илон пишиллаб кўз очиб юмгунча унинг болдирига чирмасиб олди; Шермуҳаммад қўрканидан бадани жимирилашиб кетди, бола эса шошилмай оёғини кўтарди, илон ўзининг силлик ҳалқасини ёзиб ерга тушди-да, уни чақмади, лекин думи яхшигини эзилгани учун ғазаб билан вишиллай-вишиллай четга бурилиб кетаверди. У бошқа ҳамма тўрт оёқлилар, судралувчилар, паррандалар билан ҳам худди шундай инок яшарди, фақат чивинларгина — ботқоқлик иблисларининг сассик нафасларидан вужудга келган бу жирканч маҳлукларгина ундан ётсирашар ва уни аямай қийнашарди, ҳатто йиглатишарди ҳам.

У кенг дунё билан қариндошликада яшарди, ҳар вақт ўз нарсасини улар билан муштарак деб билар, бу билан у гўё бутун оламни тўлдириб турган эфир бир бутун нарса эканлигини, бетўхтов қуюлиб туришини, унинг бирор

зарраси ҳам ҳеч кимники эмаслигини, унинг доим офтобдан тукли арига, тукли аридан булатга, булатдан шамолга ёки сувга, сувдан күшларга, күшдан одамга ўтиб, ундан яна тағин ўзининг абадий айланишини давом эттиришни билиб тургандек эди. Мана шу сабабли кичкина Насриддин учун тукли арини ҳам, шамолни ҳам, күёши ҳам, қалдирғочни ҳам тушуниш шунчалик осон эди, унинг ўзи ҳам аста-аста шуларнинг бири бўлиб борарди. Дунё билан қўшилиб кетиш баҳти фақат донишмандларга, уларнинг ҳам қартайиб қолган вактларида меҳнат ва файратларнинг олий мукофоти сифатидә берилади, бироқ бу баҳт ҳаётнинг ўзи танлаб олган бу ўғлига туғилишиданоқ ато қилинган эди.

Унинг тенгдошлари — кулолчилик маҳалласидаги эмишган ака-укаларига келганда, гарчи Насриддин уларнинг табиатидаги камчиликни жуда эрта сеза бошлаган бўлса ҳам, бу болаларга нисбатан ҳар вакт хайриҳоҳ эди. Лекин Хўжа Насриддин кишиларнинг фариштадек пок бўлишларини ҳам талаб қилмасди, чунки бунинг мумкин эмаслигини биларди. Кўп йиллар ўтгандан кейин у катта бўлиб, донишманд Иброҳим ибн Хаттобнинг китобида: «Лекин киши табиати баркамол эмаслигининг ўзи, бошқа барча маҳлукотлар орасида шубҳасиз юкори туришлигидан далолат беради, чунки бутун жонлилардан фақат унгагина такомиллашиб насиб бўлган холос. Унга нисбатан бериладиган «баркамол эмаслик» сўзининг ўзи ҳам унда кобилият ва юксалиш имконияти борлигини кўрсатиб турибди...» деган фикрларни кўриб қолди. Бунн ўқигандан кейин Хўжа Насриддин: «Тўғричини айтсан, мен ҳар вакт шундай ўйлардим!» деб юборди.

Энди биз унинг болалиги ҳақидаги ҳикояга қайта коламиз. У савдо ишида яхши кобилиятни борлигини кўрсатди. Саккиз ёшидаёқ идиш-товоқ дўконини мустакил эплай олди. Шермуҳаммад унга тўлиқ ишонар ва бозор куни иссиқ вактларда бирор чойхонага бориб бемалол дам олиб ўтиради. Насриддиннинг савдоси яхши борарди; чол унга бўлган ишончидан бирор марта ҳам ўқинмади.

Бир кун дўконда ёлғиз қолган пайтида бир савдогар келиб кичкина бир хумча сотиб олди-да, унга бол солмоқчи бўлганини айтди. Савдогар дўконда қаторлашиб тизиниб турган, ҳар биттаси сотувчинга икки баробар келадиган катта хумларга караб туриб:

— Хумлар катта-катта, сотувчиси муштумдек, —
деди.

Насрииддин кўз очиб юмгунча бу сўзларни бир байт-
нинг олдинги мисраи қилди-да, ўз жавоби билан байтни
тўлиқлади:

— Олувчиси кап-катта, олганичи тирнокдай.

Бу савдогар бўш вақтларида шеър машқ қиласади,
шунинг учун шеъриятни унча-мунча тушунарди ҳам, бол-
ланинг ҳазиржавоблиги ва заковатидан ҳайратда қолиб
завқланди-да, яна бешта хум сотиб олди ва савдолашиб
ўтирмасданок, тантилик билан оғзидан чикқан пулни тў-
лади.

Савдогар кетмоқчи бўлганида Насрииддин иккинчи
бир байтини ўқиб юборди:

Кумуш эмас бу ҳумча, сап-сарик тупроқ албат,
Сув солсангиз ичига, бўлсин сиз учун шарбат.

Бу билан савдогар яна ҳам кўпроқ завқланди. У бу
иккала байтни ҳам эринмай, дафтарига ёзиб олди, шу
сабабли бу байтлар бизга ҳам етиб келди.

У бозорнинг эркатой боласи бўлиб қолди. Бозордаги
тиқилинч, ғовур-ғувур, ур-сурлардан у сира ҳам чарча-
мас, куни бўйи мана шу тугамас шов-шув ичидан юраве-
рарди. Худди шу бозорда унинг бошидан бир воқеа ўтди,
бу воқеа унинг ўз ақлини таниб олишга сабаб бўлди.

Бир куни тушдан кейин у тия бозорида айланиб
юарди. Ҳамма ёқ жимжит: сотувчилар ҳам, олувчилар
ҳам куннинг тифи бир оз қайтишини кутиб ётишарди. Тे-
варакда сонсиз туялар иссиқ дим ҳавони ўз терлари билан
саситиб ётишарди; кичкина Насрииддин туялардан кўрқмай
бозор ўртасидан ўтди, у гоҳmallаранг сассик тия
ўркачлари орасида кўринмай қолар, гоҳ яна пайдо
бўларди. Чала уйқуда ётган бозор майдони уни ҳеч ни-
ма билан овута олмади; у бир бўталоқни қитиқлаб ҳам
кўрди, лекин иссиқдан ҳолсизланиб ётган бўталок бе-
парво бир қараб қўйди-да, оғзидағини пуркашни ҳам
хоҳламай терс қараб олди.

Бир оз ўйлагандан кейин кичкина Насрииддин Амир
Темур кўприги томон йўл олди, айтишларига қараганда,
у ерга дарбозлар келиб тушибдир. Насрииддин катта кар-
вон сарой ёнидан ўтди-да, муйилишнинг нариги тарафи-
дан кулги овози эшитиб тўхтаб қолди. Кувониб кетиб
ӯша томонга югурди.

У нимадир ўйнаётган бир тўда бозор болаларини, ўз тенгдошларини кўрди. Йўл устидаги карвон сарой девори тагида, жазирама офтобнинг тифида, энг паст лўли қабиласидан чикқан бир гадой кампир ўтиради. Болалар қаҳқаҳлашиб кулишар, бақиришиб, қалака қилувчи сўзлар билан кампирнинг жигига тегишарди.

Кампир ҳаддан ташқари ҳунук ва исқирт эди: унинг рўмолсиз бошидаги чигал сийрак оқ соchlари тагидан ялтироқ териси кўриниб ётар, шалвираган кўкимтири лаблари ортидан оғзидағи сарғайиб кетган тишлари чиқиб туарар, бурни танқайган ва кўм-кўк, киприксиз, кўзлари думалок, фазабли эди; бунинг устига у худди ўзига ўхшаган исқирт, қарилнгидан жунлари тўкилиб кетган кора бир эркак мушукни тиззасига кўйиб ўтиради; қисқаси, миш-мишларга қараганда ёш болаларни ўғирлаб кетиб қонини сўрадиган ажинанинг худди ўзи эди.

Кичкина Насриддин ҳам дарров мана шу умумий ўйинга қўшилиб кетди: бошқа болалар билан қувлашиб бақирап ва чинқирап, тилини чиқариб ҳаккалар эди. Кампир куйинар, томирлари чиқиб кетган муштларини ўқталар, мушук пихиллар ва белини буқчайтиради. Қисқаси болаларга эрмак топилиб қолганди.

Ниҳоят, болалар кампирни қалака қилишдан зернишиди, бунинг устига Амир Темур кўприги ёнида уларни бошқа эрмаклар кутиб туарди. Улар бир-бирлари билан қувлашиб қўприк томонга югуришли-да, у ерга худди дор ўйини бошланиш вақтида етиб боришиди. Болалар кампирни ҳам, унинг эркак мушугини ҳам бир дамдә эсдан чиқариб юборишиди, улар қандай қилиб ҳам эсларида тутсин буни, ахир катта ва кичик дўмбира ва ноғораларнинг жозибадор гумбурлаши сурнайнинг чийиллашию, карнайнинг fat-футидан қулоклари битар, кўзлари лангар ушлаб ҳавода ўйнаётган дорбозларга тикилиб қолганди. Бу кампир бир мартағина кичкина Насриддиннинг эсига кора қўланкадек тушиб ўтди. Тушиб ўтдию, хотирасида ўчмас из колдирди.

Томоша куни бўйи давом этди; Насриддин уйинга бошка йўл билан қайтди, шунинг учун кампирни иккинчи кўрмади. Лекин Шермуҳаммадга бугун кўрганларини айтиб бера туриб кампир эсига тушиб, дудукланиб қолди.

- Нима бўлди сенга? — деб сўради Шермуҳаммад.
- Мен бир гадой лўли кампирни ҳам кўрдим, — деб

жавоб беруди Насриддин,— унинг кора мушуги бор экан... кейин бизлар Амир Темур кўпригига қараб кетдик...

У қараб туриб ёлғон гапнргиси келмаса ҳам чинга ёлғон аралаштириб гапирди. Шундан кейин унинг кўнгли яна ғаш бўлди.

Шу билан у ўрнига ётди. Кундузги югуришлардан каттиқ чарчагани учун ёта солиб уйкуга кетди. Ярим тунда даҳшатли бир туш кўриб уйғонди: тушида бозордаги кампир эмиш, у ғазаб билан тиржайиб буни тутиб олармиш, қўлидан ушлаб аллақаердаги бир чукурга судармиш, чукурда кўзлари ўтдек ёниб турган катта бир кора мушук бор эмиш, у белини буқчайтириб пихилармиш. Бу туш боланинг кўнглига ғулғула солиб, каттиқ чўчитиб кўйди; у Шермуҳаммаднинг нафас олиб хуррак отишини тинглаб ётиб, ичини бир нарса тирнаётганини сезди: гўё мушук унинг ичига кириб олгану, тирнокларини юрагига ботирмоқчи бўларди.

Шундай қилиб, у биринчи марта виждан овозини эшнитди ва озгина бўлса ҳам қилинган ҳар бир ёмонлик, албатта ёмонлик бўлиб қайтажагига амин бўлди.

Юрак ғашлидан қутулмоқ учун у хаёlinи ўйинларга, типратиканга, қалдироҷча томон буриб юборишга уринниб кўрди. Беҳуда! Кампир тўғрисида ўйламасликка ҳар қанча тиришса ҳам, барибир кампир кўз олдидан нарни кетмасди.

Шундан кейин болада қизиқ бир ўзгариш пайдо бўлди: у кампир тўғрисида қанчалик кўп ўиласа, ўзидан шунчалик узоклашар, борган сайин кампирнинг ўзи бўлиб борарди. Тонг отар пайтга келганда унинг тўртдан уч қисми кампир бўлиб, атиги тўртдан бир қисмигина эскича, ўзлигича қолган эди. Унинг тўртдан уч қисми кампир бўлиб қолганда, у ўзини худди кампирдек баҳтсиз ва кимсасиз сезди-да, аянчли бир ҳолга тушиб аччикаччиқ йиғлади.

У ҳамма нарсани: кампирнинг кимсасизлигини, каддини ғам-ғусса буқканлигини, дунёда унга ачиннадиган биронта жон йўқлигини тушунди. Ахир, кампир ўзига қолса хунук лўли бўлиб туғилмасди-ку, нега у хунуклиги учун умр бўйи жазо тортади? Одам лиқ тўла бозор унга кимсасиз бир саҳро... йўқ, ундан ҳам баттаррок, чунки бу саҳро унга нафрат ва адоват билан тўла. Нима учун? У ҳар вакт буқчайган ва ҳар вакт орқасига қарайди,

чунки у ҳар доим ўзига бир зарба: қамчи биланми, сўз ва ёки кулги биланми — барибир ҳар вақт бир зарба урилишни кутади! Кора мушукдан бошка унинг ҳеч кими йўқ; улар шундай икковлашибина яшайди — иккови ҳам қари, ожиз, доимо оч, ҳамманинг ташландиги, мана шу беспоён дунёда улар икковигина бир-бирига яқин.

Хўжа Насриддин бу нарсаларнинг ҳаммасини тушунгандан кейин, энди баҳтсиз кампирга нисбатан қилган номаъқулчилигига мингдан-минг пушаймон бўла бошлиди. У кўрқиб кетди. Ўзи ўзига шундай уятсиз ва жирканч кўриниб кетдики, бунга чидаб туролмай каттиқ ингради ва бошини ёстикнинг тагига тикиб олди.

Эрталаб ғамгин ва ўйчан эди: нонини тез-тез еб, сутини ичди ва бозорга чопа кетди. Унинг белбоғида бир ҳамён бўлиб ичи майда чақалар — бир тийин, ярим тийинлар билан тўла, ҳаммаси бўлиб икки ярим танга пул бор эди. Баъзилар бу пулларни бу аклли бола тежаб йикқанмикин? — деб ўйлашади. Йўқ, бу пуллар кимордан ютиб олинган!

У кампирнинг олдига шошиларди. Унга йўлда қанчадан-қанча бозорнинг тотлик таомлари: айрон дейсизми, бол аралаштирилган қор, новвот, холвалар учради! У буларнинг ҳаммаси олдидан ҳамённинг оғзини очмай мардонавор ўтаверди. У тор кўчага келганда ҳам болаларнинг ёнида тўхтамади; бу ерда болалар ҳеч нарсага қарамай хитойча «ланка» деган бир ўйинни чорак тийиндан пул тикиб ўйнамоқда эди. Бу ўйинда кичкина Насриддинга teng келадиган бола йўқ эди, шундай бўлса ҳам у кўзини четга буриб, тез ўтиб кетди.

У кампирни ўша илгариги жойидан, карвон сарой олдидан топди. Унинг тиззасида кора мушук индамай ётарди. Садақа йиғиши учун қўйилган сопол, кечагидек бўш эди. Кампир мушукни силар ва бир нарсалар дер эди, у секин зорланган овоз билан миёвлаб жавоб берарди, ростдан ҳам оч экан.

Кичкина Насриддин бир қисми қулаган деворнинг раҳнасига бекинди. У бирданига чўчиб кетди. Кампирнинг олдига қандай бориш керак ва нима дейиш керак? Шу пайт унинг миясига: ҳамённи унга ташлаю, қочиб кол деган фикр келди.

Йўлдан, кампирнинг олдидан ҳар хил одамлар ўтиб кетишяпти, ҳеч ким унга бир тийин пул ва бир парча

каттик нон бермасди. Насрииддин буни күриб ҳайрон колди. Булар қандай ноңақ ва шафқатсиз одамлар-а?

Унинг ҳайрати аста-секин газабга айлана борди. Киншлар тұхтамай үтаверар, аммо кампирнинг сопол косаси ҳамон бүшлигича тураверарди. Кичкина Насрииддиннинг қоши қайнаб, юзи буғрикиб кетди: у ўзининг болалық акли билан шундай аник тушунган нарсасини булар нега тушунмайды? Бугун у кампирдаги күм-қўк бурун, сап-сариқ тишини сира ҳам кўрмас, ўзининг маънавий назарини бу тасодифий ва унча муҳим бўлмаган белгилардан юқорирок тутар, энг керакли нарсани: қаровсизлик, ёлғизлик, чорасизликни кўради.

У газаб ва таассуфда ҳаракатга келиб, ўзининг тортичоклигини енгди ва кўлида ҳамённи билан кампир сари йўналди.

У қанчалик якин борса, юриши шунчалик қийинлашар, оёклари гўё ерга ёпишиб қолаётгандек бўларди.

Кампир уни таниди, бола буни кампирнинг кўрка писа қарашидан сезиб олди. Кампир букчайиб бошини ичига тортди, у боладан худди кечагидек тош бўрон ёки оғзаки ҳакорат кутарди.

— Манг, олинг, биби,— деди бола дудукланиб ғулдирраб ва пихиллаб ётган мушукнинг устидан чақаларни сочиб, кампирнинг нақ тиззасига ҳамённи силкитиб бўшатди.

Шу билан унинг жақорати тугади, у ўз ботирлигининг чегарасидан үтиб кетди. Орқасига бурилди-ю, чопа жўнади, факат карвон саройдан узок, кулуфгарлар распасига келгандагина, ўзини тўхтатиб олди.

У ўз гуноҳини юниш учун килган бу журъатидан кейин у куни бўйи ўйланиб юрди. Хилватга борар, яна ўйларди. У икки нарса ҳакида — кампир тўғрисида ва унга ёрдам қилишдан бош тортган тошбагир кишилар тўғрисида ўйларди. У биринчисига ачинса, иккинчиларнга ғазбланарди. Лекин у фактат ачиниш ва ғазбланиш биллангина чегараланиб коладиган бўлса, ўзининг буюк истиқболига арзимайдиган одам бўлиб қолади-ку. Ишга киришмок лозим албатта, лекин қандай қилиб?

Мана шу ерда у ўз акли кучини биринчи марта сезди. Ишни бошлаш учун у аввало фикрларни ҳисснётдан ажратди, ҳисснёт фикрларни шошириб кўймасин дели, кейин чигал фикрлар калавасини силлик килиб тартибга солди, бу фикрларни ҳаддан ташкари соддалаштири-

ди ва улар ёшига қараб — олдин туғилганини олдин, кейин туғилганини кейин қўйиб қаторлаштириб чиқди. Бундай фикр қилиш усулига у, ўзининг кичкина тахтасида шахмат жумбокларини ечиш билан ўрганиб олган, у бозор чойхонасида шахмат жумбоғи ечишганини кўп кўрган ахир, шахматда мажбурий юришлар бўлади, бунда ўзи ёнингга ва ўз хоҳишингга қарши, лекин рақибинга итоат килиб юришга мажбурсан. Кичкина Насриддин ҳам худди мана шундай қилди: агарда бухороликлар ўзлари раҳмдил бўлишни билмасалар, уларни бунга мажбур қилиш керак, деган қарорга келди.

Бу масалани аниқлаш билан у ўзининг бундан кейинги фикр юритиш йўлини ҳам аниқлаб олди. Бу фикрлар шундай бир йўл топишга қаратилган эдик, бу йўлда у ҳар вақт бухороликлардан устун туриши керак. Ўз фикрларини ўйлашда қийналмаслик учун у минглаб тошбагир бухороликларнинг ҳаммасини, ўз тасаввурнида битта килиб аралаштириб, катта бухоролик деб аташни маъкул кўрди.

Энди иш оддийлашди: ҳар қанча катта бўлса ҳам битта бухоролик ҳакида фикр юритиш осон бўлиб қолди. Насриддин шунчалик шафқатсиз бўлган ўша бухороликнинг табиатини ўрганишга киришди, унинг бундан мақсади мазкур бухороликнинг қалбиға ҳаққоният, меҳр ва шафқат кириб боришига йўл қўймовчи тўснекни билиб олишдан иборат эди.

Катта бухороликнинг қалби тубсиз эмас экан, бола икки ёки уч соат фикр юритиб, унинг ҳам тубига етди. У ерда очкўзликнинг сассиқ балчиғи, хасислик чиғаноғи, түгма худбинликнинг чирик бақа тўнларини топди. Энди катта бухоролик унга шунчалик аниқ эдик, ҳатто унинг ташқи қиёфаси ҳам очик-ойдин, лекин жирканч бир қиёфада кўринниб турарди. Унинг бўйи ҳар қандай минора билан беллаша олардию, лекин белбоғ қорнига аранг учма-уч келадиган йўғон эди; у семиз, юзлари лўмбилилаган қип-қизил, шишиб кетган кичкина кўзлари дунёга саёз ва суст қарап, унинг юзида мағруона бемаъни бир таббассум мастона жилва қиларди, у лабларини очганда йўғон, кўпол, чайналиб гапирадиган тили кўринниб қолар, ичини мой босиб кетгани учун ҳар вақт ҳарсиллаб энтикар ва инқилларди; у қўлида арава ғилдирагидек катта бол суркалган бир нонни тутиб олган, нондан тишлаб чайнаганда унинг лаззатидан тамшанар ва нонимни

кўлимдан бирор тортаб олмасмикин ёки бир парчасини сўрамасмикин деб атрофга караб-караб кўяр ва тирсаклари билан тўсиб ирилларди.

Кичкина Насриддин кампирга шафқат килмаганлари учун Бухоро аҳолисига жаҳли чикиб юарди, шунинг учун катта бухоролик унинг кўзига ярамас бўлиб кўринарди. Лекин газаб холислик йўлдоши эмас бундай карашда, албатта, ҳаққоният кам бўлади, чунки жуда кўп чинакам бухороликлар яхши, сахий одамлардир. Уларнинг кампирга ёрдам беришдан бош тортншлари ҳаргиз худбинликларидан эмас, балки тўғрироғи, унинг хунук ташки киёфаси орқали унинг ички хасратларини кўра олмасликларидан, агарда улар шундай карай олсалар эди, сиртдан бирорнинг таклифини кутмаёқ унга ўз-ўзларидан ёрдам берган бўлардилар, уларда фақатгина чукур ўйлашгина етишмайди. Буларни ўйлаб туришга боланинг фурсати йўқ эди: у катта бухоролик билан олишишга ҳозирланарди, шунинг учун, ҳар вакт, ҳар қандай курашда ҳам бўлганидек, унга олдинданоқ газаб ва нафрат бидан караган эди.

Кичкина Насриддин катта бухороликнинг қалконини текшириб, унинг ожиз жойини тез топиб олди. Катта бухороликнинг ожиз томони шундан иборат эдикни, у ёт юртлардан келган ажойиботларга ўлгудек кизикучан ва бемаъни томошалар ишқибози бўлган.

Зарбани ҳам худди мана шу ожиз ерга уриш керак эди.

Эртасига эрталаб кичкина Насриддин карвон сарой олдида яна пайдо бўлди. У миёсида пайдо бўлган фикрлардан ҳовликиб қолиб, бугун анча эрта келиб қолди: кампир ҳали келмаган эди. Ярим соатдан кўпроқ вакт кутиб қолди. Бола ахийри, кампирни излаб карвон сарой теварагини ва шу ерда туташадиган тўрт кўчанинг ҳаммасини чопа-чопа караб чиқди, эрталабки куёш унчалик қиздирмас, ҳаво очик ва енгил, соя жойларда эса ҳали ҳам туннинг салқин ҳиди келиб турар, фаррошларнинг сепган сувидан анча намланиб қолган ер эндигина илиқ буғ чиқара бошлаган эди. Лекин минораларнинг кошинкор қуббалари худди эриб тургандек жилваланиб кўзни камаштирас, улар устида живирлаб кўринган кўм-кўк ҳовур титрагандек кўтарилиб борар ва бугунги куннинг жуда ҳам дим ва иссанқ бўлишидан дарак берарди. Теваракда бозорнинг бўғиқ олағовури минут сайнин кучайиб

борар, шаҳарни у бошидан бу бошигача тўлдирап, худонинг арши-аълосини ларзага келтириб, кўкдаги фаришталарнинг гулдурус овозини босганча чанг билан осмонга кўтарилади. Бу — катта бухороликнинг нон талашиб ириллаган овози эди.

Кўп ўтмай кампир ҳам келди. Қора мушук ҳам у билан бирга эди. Бола уйдан бир парча пиширилган жигар ола келиш эсига келмагани учун ачиниб қолди, чунки энди шу жирканч кўтири мушукни катта бухороликка карши курашда ўзига энг якин ёрдамчи қилиб олмоқчи эди.

Кичкина Насриддин вактни бекор ўтказмай дадиллик билан тўппа-тўғри кампирининг олдига келди:

— Ассалому алайкум, биби! Тунни эсон-омон яхши ўтказдингизми?

— Ваалайкум, ассалом! — деди кампир, шилпиқ кўзларини қисиб. — Тун-ку яхши ўтдия, мана, бугунги кун нотинчроқ бўладиганга ўхшайди.

Насриддин бу сўзларнинг кимга қарши айтилаётганини дарров тушундию, лекин ўзини тушунмаганга олди.

Суҳбатни давом эттириш керак эди, у иккинчи марта таъзим қилиб сўради:

— Бу кеча сизнинг қадрдон мушугингиз учун ҳам тинч бўлдими?

— Мушук туни билан сичқон тутиб чиди, шунинг учун яхши ухлай олмади, — деб жавоб берди кампир, болага қаттиқ тикилиб.

Унинг бу қарашидан бола бир оз ганги, ўнгайсизланиб дам бу оёгини, дам у оёгини кўтариб қўйди, унинг бутун жасорати бирданига каёққадир учиб кетгандек, кампирга айтмоқчи бўлиб тайёрлаб қўйган ҳамма сўзлари ҳам у билан бирга гўё ёдидан кўтарилгандек бўлди.

Ўртага сукунат чўкди. Насриддинга юзигина эмас, аъзорий бадани ҳам қизиб кетгандек туюлиб, тез-тез нафас олди. Ниҳоят бор кучини йиғиб зўрга шивирлади:

— Мен — ўша бола. Кечаги. Утган кунги...

Кампир ундан кўзини узмай жим тураверди. Бола сўнгги кучларини тўплаб, эшишилар-эшишилмас кўшиб қўйди:

— Ўша, сизни масхара қилган бола. Эсингизга тушдими?

Агар кампир бу сафар ҳам индамаса, у орқасиға қайрилиб, худди кечагидек шаталоқ отиб қочиб коларди.

Лекин бу сафар кампир тилга кирди:

— Эсингизга тушдими эмиш? — деб жавоб берди у. — Эсдан чиқариб бўладими? Сен тилингни шунчалик кўп чикардингки, мен тилингнинг узунлигига ҳайрон колдим.

Агар кампир бу гапларни табассум килиб туриб айтмаганда бу сўзлар болани турған жойида куйдириб кул қилиб юборган бўларди, лекин кампирнинг юзини офтобдек ёришириб юборган бу табассум, очик ва эзгу табасум эди.

— Яқинрок кел,— деди кампир. — Сен кўнгли ок, яхши, шўх ҳам экансан. Энди мени алдамай, ростини айтичи: нега келдинг, нима демоқчисан? Олдиндан айтиб кўяй: агар сен кечагидек менга икки танга олиб келган бўлсанг, яхшиси, пулинг билан бирга жўнаб қол бу ердан. Факирларга ёрдам бериш — яхши, эзгу иш, албатта, лекин ёмони шуки, баъзи болалар факирга ёрдам бераман деб оталарининг ҳамёнига кўл солишади, сен ҳам шундай болалардан эмасмикинсан, бўлмаса ҳар куни икки танга пулни қаёқдан топа олардинг?

Кичкина Насриддин бу таънадан қизариб кетди, лекин кампирнинг лўли экани, унинг бу сўзлари лўли болаларга мослаб айтилганини эслаб қолди.

— Эй, йўғе! — деди у. — Мен бугун пулсиз келдим. Мен отамнинг ҳамёнларига ҳеч қачон кўл тиқмайман. Отам кўпинча хум сотишга мени дўконга ёлғиз кўйиб кетадилар, мен ҳар вақт йигилган пулларни отамга тугал топшираман.

— Бу яхши,— деб қувватлади кампир.

— Ҳайит кунларида отам менга ўзлари чорак танга ва ҳатто ярим танга ҳайитлик берадилар.

— Уни олса бўлади,— деди кампир,— бу гуноҳ эмас. Үз тахминимнинг хато чикканидан хурсандман, мендан ранжима.

Шундан кейин улар ўртасидаги суҳбат ўз-ўзидан юришиб, сўзлар чиғириқнинг тишлариdek, бир-бирига ёпишиб кетди. Кичкина Насриддин кампир билан ёнмаён ўтириди, мушукнинг орқасини силаб, унинг хуриллашини тинглади-да, жуда яхши ашулачи эканига қойил колди.

— Мушугингиз сут билан жигарни яхши кўрадими?

— Бунсини билмайман, чунки уни ҳеч қачон сут билан ҳам, жигар билан ҳам боқиб кўрмаганман,— деб кулди кампир.— Сут билан жигарни ўзим ҳам кўп йиллардан бери татиганим йўқ.

Бу аламли икрор боланинг асосий масалага кўчиши учун восита бўлди. У катта бухороликка қарши ўйлаб кўйган фикрларини ҳовлиқиб, дудукланиб кампирга бирма-бир айтиб берди.

Кампир унинг сўзларини олдин мароқ билан, кейин ишонч ва умид билан тинглади. Охирида юраги тўлиб ииғлаб юборди.

— Караган вақтимда бошпанасиз дайдиб юрганим учун кўнглига далда берсин деб сени менга худонинг ўзи юборган! Жуда ҳам аклли бола экансан, агар бизнинг қабиламиизда туғилган бўлсанг, энг катта бошлиқ бўлиб олган бўлардинг, албатта. Кўнглинг жуда ҳам пок экан, илоҳи аклинг бундан кейин ҳам зиёда бўлсин.

Кичкина Насриддиннинг ўйлаган ишига олдиндан озрок пул: ўн беш, йигирма танга харажат керак бўларди. Кампир болага шунчалик ишониб кетдики, сира ҳам иккиланмай жулдур кийимларининг аллақайси бурчагидан пулларини олиб унга тутқизиб кўйди.

— Ҳаммаси, шу,— деди кампир. Унинг қўллари қалтирарди.

— Ташвишланманг, биби, бу пуллар фойдаси билан ўзингизга кайтиб келади,— деб жавоб берди кичкина Насриддин.

Олдин у ҳар хил эски-туски нарсалар сотиладиган Хитой бозори томонига қараб кетди; у ердан арzon баҳога — ярим тангага эски синиқ бир ёғоч қафас сотиб олди, қафас кўнфироқдек жаранглаган овозли сайроқи какликлар боқиладиган анчагина катта қафаслардан эди. Шундан кейин бола дурадгорлар растасига бориб, бир уста топди-да, қафасни тузатишга берди, бунга ҳам ярим танга кетди. Учинчи ярим тангани бўёқчига тўлади: бўёқчи дўконидаги яшил, кўк, кизил, сариқ ва оқ бўёқлар билан қафасни бўяб берди. Охирида сахийлиги тутиб кетган бўёқчи сийлов килиб, қафаснинг белидан заррин бўёқ билан бир белбоғ тортди-да, болага деди:

— Мана ўғлим, энди сизга, думида гавҳар пати бор ҳумоюнни тутиб олишгина қолди.

— Уни аллақачон тутиб олганми,— деб жавоб бер-

ди Насриддин.— Бунақа ҳумоюнни ҳали Бухорода ҳеч ким кўрмаган: унинг тўртта оёғи ва қоп-қора жуни бор.

...Қафасни кампирга бериб (кампир бундай чиройли қафасни кўриб хурсанд бўлиб кетди) кичкина Насриддин яна бозорга караб кетди.

У бу сафар тушдагина қайтиб келди.

— Юринг биби, ҳамма иш тайёр..

Қампир инқиллай-синқиллай ўрнидан туриб, сарик кўзлари чала очиқ мудраётган мушукни қўлига олди, бола қафасни кўтарди-да бирга-бирга йўлга тушниши.

Улар хитой бозор яқинидаги чорраҳа жойида тўхташди. Бу ердан учта, энг серқатнов раста: тўкувчилик, пояфзал ва темирчилик расталари бошланарди. Қампир йўлларнинг туташган жойидан сал четроқда кичикроқ бир капани — тўртта ходачага михланган бордон капани кўрди. Унинг бир-бирига рўпарама-рўпара иккита эшиги ўрига гудунгланмаган дағал бўз парда тутилган эди. Капа ёнида унинг эгаси — бир чол ўтиради; у Насриддиндан икки танга пул олди-да, миннатдорлик билдириб бир ёққа кетди.

Бола қампирни капа ичига бошлаб кирди. У ерда устига сербар тахта михланган бир устун кўмуғлик бўлиб, бу қафас турадиган жой эди. Капада шундан бошика нарса йўқ эди. Ёруғлик капа ичига шипнинг тешиклари орқали тушарди.

— Сиз шу ерда тура туринг, биби,— деди Насриддин,— менинг яна бир, энг сўнгги ишим бор.

Бола қампирни шу ерда колдириб, пояфзал растаси томон кетди, ундац кейин бир жин кўча билан Эски Ҳовуз томон йўл олди, ўша вактларда у ерда кўча миразлари ўтириб, ҳар хил илтимос, шикоят, хусусан чақимчилик маълумотлари ёзиб бернишарди.

Бу жой бутун бозорда энг серғалва, серфитна ва сержанжал жой эди, бу ерда ҳар вақт жанжал, бир-бирла-рининг айбини фош килиш, ҳақорат, маломат, мақтан-чоқлик ва кулок эшитмаган ёлғончиликлар бўлиб турарди; булар кишининг бошини айлантириб, аклини шошириб кўярди. Бу ерда ўтирган миразалардан ҳеч қайсиси ўтмишда Стамбул, Техрон, Хоразм каби жойлардан бирида сарой ишлари бошқарувчи вазифасидан паст мансабда ишламаган, биронтаси ҳам, вазирлар, аркони давлат ва аъёни мамлакатлар эсанкираб сукут қилган вақтларида подшоҳга нажотбахш кенгаш бермай қолмаган,

биронтаси ҳам ўтмишда Улуг Арслон нишонидан кичикроқ мукофот олмаган одамлар эди...

Одатда хат ёздиromoқчи бўлган кишилар ҳовуз томонга тушдан кейин кела бошларди, шунда бу ердаги олаговур босилиб, миразалар ўз ишларига шўнғишарди. Лекин кичкина Насридин тушдан илгарироқ, яъни худди ғалва қайнаган вақтда келган эди. Қим ким билан талашяпти, ким кимни сўкяпти — ҳеч бир тушуниб бўлмасди: биттаси ҳаммасини, ҳаммаси биттасини сўкарди, ҳамма ёқ бақириқ-чақириқка тўлган, серғалва жойдаги Эски Ҳовузнинг суви қандай қилиб чайқалмай, типпатинч туришига ишониб бўлмасди.

— Эй қўтиришни боласи! — деб бақирди қўшнисига қараб, қадди долдек букилган, котма, ногирон бир чол. — Ҳой, алифни калтак дёёлмайдиган лаънати жоҳил! Ўтган қишида қозига ёзган шикоятинг ҳамманинг эсида «ҳидоят ва диёнат машъали» деган сўзлар ўрнига сен «ҳадя ва дайният мушоғали» (яъни ҳадя ва қарзлар билан шуғуланувчи) деб ёзгансан!

— Ким шундай деб ёзибди? Мен «ҳадя ва қарзлар билан шуғуланувчи» деб ёзибманми? — қўшниси ғазабдан бўғилиб кетди, у худди... ҳарфга ўхшарди, лекин уни ҳозир бирор ҳарфга ўхшатиш ҳам қийин эди, тўғриси, у араб алифбосидаги ҳамма ҳарфга ўхшарди, чунки унинг бутун вужуди: боши, қўли, оёғи, бармоқларни, елкалари алоҳида-алоҳида дириллар ва қиёфатини дам-бадам ўзгартириб турарди; ҳаттоки унинг ички аъзолари ҳам бетўхтов калтираб алғоқ-далғоқ бўлаётгандек кўринарди. Үндан кўра сен бултур ўзингга хат ёздирган одамнинг бошини ейишингга оз колганини эсингга олгин. Ўшанда амирга илтимос ёзиб «ҳазрат» сўзи ўрнига «ҳасрат» деб ёзиб юборган эдинг! Эсингга тушдими?

Ҳамма ёқдан қийқириш ва қаҳқаҳа уриш эшитилди. Долдек букилган кекса мириза бутун вужуди тўлғаниб ранги бўзарди ва тишларини ғижирлатиб, боплаб жавоб кайтаришга оғзини жуфтлади.

Кичкина Насридин унинг жавобини эшитмаёқ ёнидан ўтиб кетаверди.

У бу ёвуэлик тўғони орасидан мана шу умумий фитнага қатнашмай ўтирган қари бир миранни аранг топди, бу мириза ҳам фитнага донолик ва мулоиймлигидан эмас, балки бошқа жуда ҳам нозик бир сабабдан қатнашмасди. У, бу гапларга қулоқ соларди. У узун бўйинни чўзиб,

гўё ўз оғирлиги билан гўштсиз қотма юзини эзиб ялпайтириб юборган катта тақир калласини офтобда ялтиратиб, гапга қулоқ солиб ўтирар, кишилар қизишиб кетганида беҳосдан оғиздан чиқиб қоладиган, лекин чакимчилик килиш учун ўзига ярайдиган сўзларни териб оларди. Бирор тасодиф билан бошқа мирзалар олдида фош бўлиб қолмаслик учун бу гапларни ёт бир мамлакат ҳарфлари билан яширинча ёзиб кўярди. Кичкина Насриддин унинг ёнига борган вақтда у ана шундай гапларни ёзиб олаётган вақти эди. «Ҳасрат»— деб шивирларди у қамиш довотни китирлатиб,— унинг юпқа лабларининг четларида ҳам худди шунга ўхшашиб шивирлаш эшитилди. Бу оҳиста ёвуз заҳархандадан унинг «Ҳасрат» сўзини курол килиб бирони чақув қилмоқчи бўлганлигини ҳеч янглишмай аниқлаш мумкин эди.

Бошини кўтариб кичкина Насриддинга қаради-да сўради:

— Сенга нима керак, бола?

— Менга, хитой қофозига қора сиёҳ билан ёзилган кисқагина хат керак. Икки оғиз.

— Кисқагина хат!— хитоб қилди мирза, буюртмачидан хурсанд бўлиб, чунки бундай ёш ва тажрибасиз буюртмачи олдида ёлғонни товус думидек ранг-баранг ва кенг ёзиб юбориш мумкин.— Сени менинг олдимга бошлаб келгани учун худога минг қатла шукур қилгин, бола, чунки бутун Бухорода қил қалам билан худди хитой қофозининг ўзгинасига, қора сиёҳ билан ҳеч ким мендан яхшироқ ёзолмайди! Мен Бағдодда Улуғ девон амири бўлиб турган вактимда, кимхоб тўнимга Улуг Арслон нишони тақиб юрардим — ўзи олтин, ҳамма ёғига олмос қадалган бу нишонни менга халифа ҳазратларининг ўзлари тақдим қилган эдилар...

Кичкина Насриддин унинг ёлғонларини охиригача эшитишга мажбур бўлди, мирзанинг қандай ёлғон гаплар гапирганини айтиб ўтиришга бизнинг ҳеч қандай эҳтиёжимиз йўқ, чунки бундайларни кўп марталаб ҳар ким ҳам эшитган. Ўтмишда ўзининг улуғ киши бўлгани ҳакидаги бундай ёлғонлар ҳаётининг куйкаси бўлган пасткаш одамлар орасида ҳар вақт бўлиб келган ва авлоддан авлодга кўчиб ўтаверади, лекин бу ёлғонларнинг моҳияти битталигича колаверади. Мирза сўзини фалакнинг кажрафторлиги, рақибларнинг маккорлигини айтиш билан тутатди-да, боладан сўради:

— Қандай ёзув керак сенга бола? Гапир, күнглинг-дагидек қилиб ёзиб бераман.

— Атиги учта сўз,— деди кичкина Насридин.— «Миёвлайдиган йирткич ҳайвон»?

— Нима, нима? Бошқатдан айт-чи... «Миёвлайдиган йирткич ҳайвон»? Ҳим...

Мирза лабини қисиб, ўткир кичик кўзлари билан бояга тикилиб қаради:

— Айтгин-чи, бола, нимага керак бўлиб қолди сенга бундай хат?

— Пул тўлайдиган одам, нимага тўлаётганини ўзи билади-да,— деб жавоб берди Насридин ва гапни чалгитиб:— Қалам ҳақиси қанча бўлади?— деб сўради.

— Бир ярим танга.

— Шунча қимматми? Атиги учта сўз-а!

— Қандай сўзлар десангиз-чи!— деди мирза.— Миёвлайдиган!..— деб у юзини сирли равишда буриштириди.— Йирткич!..— деб бу сўзга қандайдир жиноий— исёнкор тус бериб шивирлади.— Ҳайвон!..— деб худди илонга тегиб кетгандек бутун тани жимирилашиб титради.— Сенинг бундай ишингни ким арzonга олади, дейсан?

Кичкина Насридин ёздиromoқчи бўлган хати нима учун бунчалик хавфли эканинга тушуна олмаган бўлса ҳам, бир ярим танга тўлашга рози бўлди.

Мирза гиламча тагидан бир парча сарғиш хитой қози олиб пичоқ билан кесди, кўлига кил қалам ушлаб ишга тушди. Бирок ўзининг шунча эпчиллиги билан бу уч сўзнинг биронтасини ҳам чакимчилик қилиш учун яратилмаганига кўнглида афсус чекди.

Қайтишида кичкина Насридин пойафзалчилар распасида бир-оз тўхтаб, силлик рандаланган бир тахтачага кўлидаги ёзувни сирач билан ёпишириб олди.

Капанинг киравериши олдида тахтача бир қарашдаёқ кишини жуда қизнқтириб юборарди.

— Энди, биби, пулни йиғаверинг,— деди кичкина Насридин. Қафасда ката ичига олиб кириб қўйилган мушук ёлғизликтан зерикиб, аччик-аччик миёвлаб ҳам кўйди.

Кампир ўз сопол косаси билан эшик олдида ўтиради.

Кичкина Насридин ундан уч қадамча нарида йўлга яқинроқ бир жойда туриб, чуқур нафас олди, кўксини

ҳавога тўлдириб шундай қаттиқ чинқириб бақирдики, кампирнинг қулоги шанғиллаб кетди.

— Миёвлайдиган йиртқич ҳайвон! — деб қичқирди Насриддин, кучанганидан қизариб ва энгашиб, — ўзи қафасда! Тўртта оёғи бор! Тўртта оёғида иғнага ўхшаш ўткир тирноклари бор! Узун думи бор, думи юқорига ҳам, қуйига ҳам, ўнгга ҳам, сўлга ҳам букилади, букиланда илмок ҳам, ҳалқа ҳам бўлади! Миёвлайдиган йиртқич ҳайвон! Белини букиб, муртларини ўйнатади! Устида қопкора жунлари бор! Қўзлари сарик, қоронғида ҷўғдек ёнади! Оч вактида овози ёқимсиз, тўқ вактида ёқимли! Миёвлайдиган йиртқич ҳайвон! Узи қафасда, кафаси мустаҳкам, бехатар! Икки тийинга ҳар бир киши хавфу хатарсиз бемалол кириб кўра олади! Жуда мустаҳкам, бехатар қафасда! Миёвлайдиган йиртқич ҳайвон!..

Уч минут ҳам ўтмай, унинг қилган ҳаракатлари натижасини кўрсатди. Темирчилар растасидан битта анков чиқа солиб тўхтади, кулок солди ва капага томон бурилди. Қиёфасига караганда бу одам Катта бухороликнинг эгизаги эди, лекин бўйи пастрок, укаси бўлса керак, асанга ўхшаш йўғон, қип-қизил юзли, сўлғин ва мудрок қўзли эди. У Насриддинга жуда яқин келди ва қўлларини бикининга кўйиб таёқдек қотди. Унинг семиз юзларига секин-секин бемаъни ҳузурланиш табассуми ёйилди, қўзлари тўхтаб шишадек қотиб қолди.

— Миёвлайдиган йиртқич ҳайвон! — деб бақирди Насриддин тўппа-тўғри унинг юзига. — Кафасда туради! Икки тийинга кўрасиз, икки тийинга!

Кичкина бухоролик сокин ва бемаъни бир завқ билан бу бақириқقا анча вакт кулок солиб турганидан кейин, кампирнинг олдига борди, йўғон бармокларини белбогининг қатига тикиб тимискилади ва кампирнинг сопол косасига икки тийин ташлади. Пуллар коса ичида жаранглади. Кувонганидан кичкина Насриддиннинг овози ўчиб қолди, чунки бу унинг ғалабаси эди.

Кичик бухоролик пардан кўтариб, капа ичига қадам ташлади.

Насриддин унинг қайтиб чиқишидан юраги чўчиб жим бўлиб қолди.

Кичик бухоролик капа ичида анча вактгача турди. Унинг у ерда нима қилгани номаълум, айланиб юрган бўлса керак. У капа ичидан гўёки у ерда бошига битта

этинни кийгизиб, оғзига совун тикишгандек юзида паришонлик, алам ва ҳайрат аломатлари билан чынди. У тақрор қичкиришга бошлаган кичкина Насриддиннинг олдига тағин келди, тағин боягидек құлларини биқиңига тираб ғұдайды, факат бу сафар унинг юзида ҳузурланиб табассум қилиш үрніга қандайдир ақлиннинг хирадашиб, бесаранжом бұлиб қолгани күриниб турарди. У, үзини лақиллатишганини сезди, лекин қандай қилемдік түшүнүштегін түшүнә алмади.

Шу билан кичик бухоролик жұнаб қолди. Бу орада ката олдида янги учта томошабин пайдо бўлди. Улар ким олдин кириб кўриши устида қаттиқ тортишишарди.

Булар фаросатлироқ бўлиб чынди,— энг кейин киргани кападан чиқаркан, үзини тұхтатолмай роса кулди. Лақиллатилган ҳар бир киши бошқаларнинг ўзидан кўра донороқ бўлиб кўринмаслигини хоҳлайды, шунинг учун буларнинг учови ҳам эшик олдида навбат кутиб турган кишига бир оғиз сўз айтишмади.

Ҳайвонни томоша қилиш кун бўйи давом этди. Уни савдогарлар, ҳунармандлар, кишлоқдан келган деҳқонлар, ҳаттоқи пеши тепасига қистириғлик саллали мусулмон уламолари ҳам кириб кўришди. Одамлар уни овқат берилмасдан олдин ёқимсиз овоз билан миёвлаганида ҳам, жигар бериб тўйидириб кўйилганидан кейин, ҳеч қандай товуш чиқармай жунларини ялаб ва бургалардан тозалаш учун ҳамма ёғини тирноклари билан тараб турган вақтида ҳам кўришди.

Капани ногора чалгандагина бекитиши. Кампир куни бўйи йиғилган пулни ҳисоблади. Үн тўққиз танга бўлибди! Биринчи кунидаги ҳамма харажатларни ортиғи билан қоплади, энди эртагиси соғ фойда бўлади.

Кампирларнинг турмуши бирданига янгиланиб қолди. Энди унинг ўз бошпанаси бор, чунки ката ҳеч кимнинг дахли бўлмаган ўз мулки эди. Мана шу капада тунааб қоладиган бўлди. Кафасдан чиқариб кўйилган мушук думини баланд кўтариб, янги уйнинг ҳар томонини исказ юрарди.

Кичкина Насриддин ката олдида тағин уч кун бакириб берди, кейин кампирга, үзининг бошка ишлари борлигини, шунинг учун унинг үрніга бошка бирон киши ёллаш лозимлигини айтди. Бу ишга бир чолни, маҳалланинг олдинги сўғисини, кунига уч тангага ёллашди. Чолнинг овози ўтқир бўлса ҳам, худди азон айтгандек

жуда чўзиб салмоқлаб бақиради, шунинг учун унга битта ноғора сотиб олиб беришди, кишиларни кўпроқ жалб қилиш учун у ноғора овози билан ўз овозини алмаштириб турарди.

Бола шу кетганича кампирни унутиб юбормади: ҳар ҳафтада бир бор келиб турди. Булар бир-бирларини кўрганда жуда хурсанд бўлиб қолишарди. Кампир ўз даромадлари кундан-кунга ортиб бораётганини болага айтар ва ҳар сафар бунинг ярмини унга такдим қиласарди. Бола ҳам ҳар сафар бу таклифни рад қиласар, фақат кампирни ранжитмаслик учун, «ширинликка» бир тапгагина оларди, холос.

Бола кетиши олдида капага кириб томоша қилди. Мушук ҳар куни жигар еб, таниб бўлмайдиган даражада тузалиб кетган, туллаб қайта жун чиқарган ва ўзига атаб олинган ёстиқ устида ётиб ухлагани ухлаган эди. Бола қафасни очиб мушукни силади, унинг ипакдек майин жун чиқарганига ҳайрон қолди; мушук кўзини салпал очдию, думини билинар-билинимас кўэгатиб кўйиб, яна хуриллаб уйқуга кетди.

Қишига бориб кампир билан бола ўртасига жудолик тушди: кампир Наманганга ўзининг лўли қариндоши ёнига кўчиб кетди. У кўчиб кетишида бир соябон арава сотиб олди, унинг қанчалик бойиб қолганини шундан ҳам билса бўлади! Хайрлашарда кампир кичкина Насриддинни бағрига босиб роса йиглади! Бола қафасдаги ёстиқда ухлаб ётган «Йиртқич ҳайвон» га сўнгги марта-ба тўйиб-тўйиб қаради, кейин арава йўлга тушди.

Хўжа Насриддин кейинрок (бу вактларда энди у Хўжа Насриддин деб аталиб кетган эди) Шайх Саъдийнинг юртига — Шерозга бориб қолганида тўсатдан бозорда жарчининг «Миёвлайдиган йиртқич ҳайвон! Узи кафасда туради!» деб бақирган овозини эшишиб қолди ва юраги типирчилаб, овоз чиккан томонга югурди, бориб караса бозор майдонининг бир четида капа турибди. Капанинг эшиги олдида эса ўйноки, чиройлик, маржону зираклар тақсан ёшгина бир лўли қиз ўтирибди. Кизнинг олдида пул ташлаш учун кўйилган топ-тоза ялтироқ мис баркаш ҳам бор. Қиравериш эшикнинг нариги томонида қаршида кампир мудраб ўтирибди, у энди жуда мункиллаб қолибди, ер ҳаёти чегарасининг нариги

томонига, кишилар учун уйку билан бедорлик бир-бидан ажралмас бўлиб қоладиган томонга ўтиб кетибди... Хўжа Насриддин баркашга катта бир кумуш рупия ташлади. Ортигини қайтариш учун майда пулларни йиғишириб санагунча гўзал лўли қизнинг олдида узоғроқ турмок учун у атайин шундай қилди. Қиз буни, албатта, дарров сезди-да, қайтарадиган пулни шошилмай чақалардан тера бошлади, у кўзларини қора баҳмалдек куюқ киприклари билан паналади, қипқизил тоза лабарида жилваланиб турган табассумни яширолмади. Хўжа Насриддин капага кириб, мушукни кўрди.— Ажабо!— худди кампирнинг ўзига ўхшаб мункуллаган мушукнинг ўзи. Хўжа Насриддин мушукни чақирди, мушук индамади, чақирганини эшилмади: дарҳақиқат қариганидан кулоғи кар бўлиб колган эди.

Хўжа Насриддин капанинг иккинчи тарафидан чиқиб, кириш эшигининг олдига қайтиб келди. Ёш лўли қиз, мени кўриш учун келди, деб ўйлади-да, оппоқ тишларини ялтиратиб, хандон ташлаб кулиб юборди. Лекин Хўжа Насриддин қизни тамоман алам, ҳайрат ва ҳатто каҳру ғазаб ичидаги қолдириб кампирнинг олдига бордида, энгашиб секин гапирди:

— Ассалому алайкўм, биби, Бухоро эсингиздами, бозорда юрадиган Насриддин исмли бола эсингиздами?..

Кампир бир сесканиб тушди, унинг юзида бир оний нур жилваланиб кетди, у хўрсишиб секингина қичкирди ва бутун вужуди билан олдинга ташланиб, қалтирок қўллари билан бирорни тутмоқчи бўлгандек ҳавони қамрарди. Лекин Хўжа Насриддин ўз-ӯзига: «Кампирга бу, яқинда унинг кўзларини юмиб қўядиган абадий ўйкусин олдидағи ўткинчи, билинар-билинмас туши ва ўтмишнинг узокдан эшилтлган садоси бўлсин...» деб алла қачон кетиб бўлган эди. У ўғирилиб қаради: кампир ҳали ҳам ўзига келмаган, ҳамон қалтироқ қўллари билан ҳавони қамрар ва кучар эди, лўли қиз эса жуда ҳам таажжуб ва ҳаяжон ичидаги гоҳ кампирга, гоҳ эса галати томошабин ғойиб бўлиб кетган томондаги оломонга тез-тез назар ташлар эди.

У энди қайта қайрилиб қарамади, бозор ўзининг ранг-баранг серғавғо қайнашлари ичидаги уни эритиб юборган эди.

Хўжа Насриддиннинг болалик кезларида Бухоро бозорида бошидан яна бир ҳодиса ўтган эди.

Бир кун у расталарни оралаб юради. Кун қаттик исиб кетгандан кейин у ҳовуз томонга борди. Унинг кетидан паранжи-чачвонга бурканган бир хотин эргашди. Насриддин кетидан келаётган оёқ товушини эшитиб, орқасига каради:

— Тұхта! — деди хотин қизиқ бир товуш билан ва яқин келиб чачвонини очди-да, болага энгашди. Қизиб турған қотма кафтларини унинг чаккасига қўйиб, ғамгин, қотма юзларини унинг юзига яқинлатди, гўё ўз қалбидан боланинг қалбига бир нарса қўйиб қўймокчи ёки аксинча унинг қалбидан бир нарсани сўриб олмоқчи бўлгандек кўзларини боланинг кўзига тикди. Бола уялиб кетди, нима қиляпти ўзи бу хотин? Хотиннинг қопқора, катта-катта кўзлари жиққа ёш эди.

— Бор, энди! — деб шивирлади хотин, болани астагина туртиб, — кодир эгам сени қаерда бўлсанг ҳам ҳар вақт ўз паноҳида сақласин, бор энди!..

У чачвонини тушириб, худди орқасидан бирор кувлаб келаётгандек тез-тез юрди-да, бир кўчага бурилиб кетди. Бола унинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолаверди, у вақтда унга ҳеч нарса тушунилмаган эди. Бирор соатдан кейин бозорнинг ола-ғовури ичидан хотинни эсидан ҳам чиқариб юборди, шу-шу қайтариб эсига ҳам олмади.

Кўп йиллардан кейин, катта одам бўлиб Байрут билан Басра орасидаги йўл ўрталигида бир карвон саройда тунаб қолган эди, шу вақтда тусида ўша хотинни кўрди, унинг юзини, кўзини ва «қаерда бўлсанг ҳам кодир эгам сени ҳар вақт ўз паноҳида сақласин...» деган овозини таниди.

Үйгонгандан кейин у, юраги уюшиб титраб кетди ва шундагина бу хотин чинакам онаси эканини пайқади. У шунчаки таниш эмас, балки гоибдан келган чинакам, аниқ ва шак-шубҳасиз таниш эди. У ҳеч вақт онасига бир оғиз ҳам сўз айттолмаганини ўйлади; унинг кўнглини қаттиқ афсус ва онасига бўлган чексиз меҳр чулғаб олди ва болаларнинг оналарига эркаланиш ва меҳр билан айтадиган сўзларини такрор-такрор айтиб йиглади. Гўё унинг аллақачон тугаб кетган дастлабки болалик вақтларининг саҳифалари очилиб кетди ва унга бу сўзларнинг ўзи келди, шундан кейин у бу сўзларни такрорлади, у қоп-коронги тун ҳавосини ўпар ва онам сўзларимни эшигади ва ўзининг қийналган, лекин ти-

рик оналиқ қалби билан жавоб беради, деб ишонарди...

Шундай килиб, у ўз онаси билан тушида учрашди, лекин оти нима эканлигини сира ҳам билолмади ва кейинча ҳам ҳеч қачон унинг қабрини зиёрат қилолмади, ахир унинг номаълум қабрини қаердан ҳам топа оларди, бунинг нимага ҳам кераги бор, ахир онаси унинг на зарида шубҳасиз барҳаёт қолган-ку!

Хўжа Насриддиннинг болалиги ҳакидаги ҳикоямиз шу билан тугади. Ҳикоямиз нотўлик ва бўлак-бўлак, албатта: бу тўғрида биз топган бир неча майда-чўйда маълумотлар бундан кўпроқ айтишга етмади. Лекин оптимиздан келаётган бошқа кишилар бордир, улар биттадан бўлса ҳам дурдоналар топишар, уларни умумий ҳазинага тўкишар ва, ниҳоят, шу йиғилганлардан кўпининг кучи билан Хўжа Насриддиннинг болалиги ҳакида янги бир китоб вужудга келар. Бизнинг ундаги ҳиссамиз унчалик катта бўлмас, аммо — асос бўлишга ярар, эҳтимолки, ҳали туғилмаган, лекин бу китобни ёзиб устига ўз муҳрини қўйишга мушарраф бўладиган санъаткор бизнинг меҳнатларимиз ҳакида сукут килиб ўтмас, бизнинг кутган мукофотимиз, умидимиз ва оромимиз мана шунда.

Ўттиз тўртинчи боб

Энди Хўжа Насриддиннинг Чўракда ўтказган кунлари ва қилган ишлари тўғрисидаги ҳикоямизни давом эттириб, сўзни эшакдан бошлаймиз.

Эшак шу кунларда афсоналардагидек роҳатда яшай бошлади. Фалак ҳеч вакт унга бунчалик кулиб бокмаган, бунчалик кўп баҳт-саодат гавҳарларини унинг бошидан сочмаган ва бундай афсонавий омад бермаган эди. Биринчидан, у тепалик устидаги чалdevордан Оғабекнинг ҳовлисига кўчиб келди, ҳовлининг ҳам энг яхши, бокқа чиқадиган жойига ўрнашди, бу ерда у, кенг кия зинапоядан хоҳлаган вақтида бокқа тушар ва кўнгли тусаган ўт ва гулларни бемалол ея оларди; иккинчидан, унинг нафсини роҳат-роҳат қондирмок учун бу ерда

баркаш-баркаш ҳар хил нонлар, ўриклар, турп, эртаги ковунлар ва сер ҳосил Чўрак ерларида етишган бошқа мевалар ҳар вақт муҳайё эди. У факат гулоб аралаштирилган хушбўй сувдангина ичар эди. Хўжа Насриддин Оғабекни кишиларнинг эшакка айланишининг ростлигига мана шунчалик ишонтирган эди! Ҳаттоқи Оғабек унга жуфт топиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрди, лекин бу йўлда мушкул бир тўсқинликка йўлиқди, чунки: бунда шаҳзодага эшак қиёфасида бўлган хотин топиш керакми ёки инсон қиёфасидагиси ҳам бўлаверармикин, деган масала кўндаланг бўлиб қолди.

Бошқа масалаларда эса Оғабек вақтни бекор ўтказгани йўқ, унинг бутун ҳаракати, барча суҳбат ва маккорниклари битта нарсага, яъни эшакка айланиб қолган шаҳзоданинг кўнглини Хўжа Насриддиндан колдириб ўзига ром килиб олишга қаратилган эди. Шу мақсадда, у кун бўйи эшак олдида туриб, унга бевосита ўзи қаар, эшакнинг барча инжикларига тоқат киларди, ҳар қанча қарагани билан «Оғилдаги гўзаллик — кошонада шармандалиқ», деганларидек эшак барибир эшаклигини киларди. Оғабек ҳар хил баҳоналар билан Хўжа Насриддиннинг эшак олдида ёлгиз колишига тўғанок бўлар ва улар учрашгандা узокроқ туриб колишларига бир амаллаб халакит берарди. У «Шаҳзода жаноблари чарчаганлар» ёки «Шаҳзода давлат ишлари билан бандлар» деб кайтарарди Хўжа Насриддинни ва уни тепалиндаги кулбагача кузатиб кўярди.

Хўжа Насриддин индамай кетиб қолар, лекин Оғабек хилватда эшакка кун бўйи нималар тўғрисида гапирайтганини жуда ҳам билгиси келарди. Ниҳоят, у буни эшитиб ҳам олди. Бир куни кутилмаган бир вақтда яширинча келиб, уларнинг боғни хилват қилиб гаплашиб ўтирганларининг устидан чиқиб қолди. Эшак хушбўй чинни гул ва шаббўй гуллари орасида кишини мафтун киладиган чаманин туёклари билан топтаб пишқиар ва корнини кўлдиратиб, Оғабек тутиб бераётган ковун тилимларини лаблари билан кетма-кет камраб олар ва шопиллатиб ямларди, Оғабек эса, унинг узун кулокларига шивирлаб, тинмай макр-иғво сўзларини куярди:

— Ҳа, шундан кейин, шаҳзода жаноблари, у кулок эшитмаган шундай ёмон сўзларни айтдики, асти кўяверинг, сиз жаноб олийнинг табиатларидан ва отангиз аъло ҳазратининг улуғ табиатларидан шикоят қилди-я.

У айтдикни... йўқ, йўқ, у айтган ифлос сўзларни айтишга менинг тилим бормайди. Шаҳзода бемаъни, деди у. Узоқбой шунақа дейди, мен эмас шаҳзодам... шаҳзода серғалва, майда гап, ўжар, шунинг учун унинг ҳозирги аянчли киёфаси ўзининг асли хулкига жуда ҳам мос тушган, деди. Бу сўзларнинг замирида Узоқбойнинг ёвуз бир нияти бўлмасин тағин. Мисрга борарда сизни бирор ерга адаштириб кетса-я ёки бундан ҳам ёмонрок бир балога гирифтор қилса-я! Карвондагилардан бирига арзимаган баҳога, оддий эшак баҳосига сотиб юборса-я! Худо сақласин, олган кишилар сизни ҳам бошқа тўрт оёкли узун кулокларга қўшиб ҳайдаб кетса-я! Бундай ёвуз ният билан у Миср таҳтини қонуний ва ягона вори-сидан маҳрум қилган бўлади ахир!.. Шундан кейин тағин у айтди-ки...

Оғабекнинг гапи шу жойга етганда Хўжа Насриддин учқат туплари орқасига ўтиб бекинди-да, Оғабекка кўринмай аста жўнаб қолди.

Хўжа Насриддин тунда ўғрига:

— Мен айғоқчидан бир сўз эшилдим, ишимиз пишибди,— деди.

— Сиз бу сафар ҳам ҳар галгидек тўғри ҳаракат қилдингиз,— деб жавоб берди ўғри.— Шундай аник, тўғри овоз чиқариш учун Оғабекнинг кўнглидаги қандай торни танлаб чертдингиз?

— Унинг кўнглидаги ҳасад торини топиб чертдим. Кишилардаги ярамас ва заарли ҳисларнинг энг кучлиси мана шу ҳис бўлса керак. Ҳиндиларда бир афсона бор. Худо бир кишига: «Эй бандам, хоҳлаганични сўра. тилаганингни берай, лекин битта шартим бор, сенга ни-манки берсам, кўшнингга икки баробар ортиқ бераман. Сенга бир ҳовли берсам, кўшнингга иккини, сенга бир от берсам — кўшнингга бир жуфтни ато қилурман. Ни-ма олгинг келади, тила тилаганингни?»— дейди. Шунда ҳалиги одам: «Эй қодир эгам! Үндай бўлса бир кўзимни ўйиб бл!..» деб жавоб берибди. Мана ичкоралик оқибати.

Хўролар учинчи марта кичкириб тонг отди. Ўғри ўрнидан туриб Хўжа Насриддинга таъзим қилди:

— Энди мен кетай. Менга нима хизмат буюрасиз, энди мен нималар қилишини керак?

— Кўқонга тағин бир марта сафар қилишингиз ке- рак.

— Ё раббим! Ҳар бир сафар бир жуфт этикка тушиди-я. Бусиз ҳам этигимнинг чармлари бу ердаги тошларнинг қизигидан куйиб кетяпти!

— Бу охиргиси. Сиз энди бу ерга қайтиб келмайсиз, мен ўзим сизни Кўқонга боргунингизча ортингиздан кувиб етаман.

— Нима ҳам дердим, мен тайёр. Қачон йўлга тушайин?

— Ўзим айтаман...

Оғабек боғининг бир чеккасида кичкина шийпонча бор эди, у ерга чинни гул ҳам, сунбул ҳам экилмаган, боғбон ҳам ўзининг чопқи ва пичноқлари билан бу ерга сира келмас, бу ердаги печак билан аймоқи ток парваришиз ўсан, шунинг учун шоҳ барглари бир-бирига айқашиб шийпончани ўраб олган эди, эрталаблари бу ерда нам салқин узокроқ сакланар, ялпиз билан тупроқ ҳиди келиб турар, теваракда кушлар ҳам узокроқ сайрашарди, чунки дараҳтларнинг ям-яшил қалин пардаси эрталабки күёш нурларини бу ерга унча барвакт ўтказмасди. Бир кунн эрталаб Хўжа Насриддиннинг Оғабек билан бўлгаи муҳим сұҳбати мана шу шийпонда ўтди.

Бир кўзи кўр, қулоги кар ва гунг хизматкор чол ўртага бир кувача май билан икки дона пиёла келтириб кўйди, уйда қолган ягона хизматкор шу эди, бошқаларини Оғабек, эшакка айланган шаҳзоданинг сири овоза бўлиб кетмасин учун бўшатиб юборганди. Шунинг учун энди у сир кўчага чиқишдан хавфсирамай, ичимликка берилди, бу ишга Хўжа Насриддинни ҳам мойил килиб олди. Бугун у ишратни эрталабданок бошлаб юборди.

— Хўжайн, сиз шаҳзоданинг топширикларини яхши бажо келтирмаяпсиз-ку,— деди Хўжа Насриддин, Оғабекнинг кўлидан лиммо-лим тўлдирилган пиёлани ола туриб, менинг кетишим яқин, сиз бўлсангиз, менга вазирлик билан Миср сарой хазиначиси лавозимини кабул килиб олишим учун шу вақтгacha ҳеч нарса ўргатмадигиз.

— Ҳали кетмоқчи ҳам бўлинб қолдингизми?

— Миср деган яқин жой эмас-да.

— Яқиндагина ўзингиз вазирлик лавозимини устимга олмайман деган эдингиз-ку. Ӯшанда сиз илмий ишларнинг ҳакида ўйлаб, бир хилват хона билан умримнинг охирнгача етадиган озроққина даромад бўлса бас, деб эдингиз-ку.

— Мен ҳали ҳам шундай фикрдаман, лекин Султон бунга күнмаслыгы мумкин, буюрган ишни кил, ё бўлмаса, каллангни кундага қўй, дейди қўяди! У билан айтишиб бўлмайди. Мана шунинг учун мен ҳар қалай лавозимни устимга олишга тайёрланиб қўймоқчиман.

Оғабек ташвишланиб, хиралашган кўзини пирпиратди, энтикли.

— Махфий хонага тушиб қолсангиз нима қиласиз?— деб эслатди Оғабек.

— Ха, балли, мен ҳам шу тўғрида, ундан қандай қилиб эҳтиёт бўлиш тўғрисида сиз билан гаплашмоқчи эдим. Сиз кўпни кўрган донишманд одамсиз, ўргатинг менга. Оит ичиб ишонтираманки, бунинг эвазига мен сизга Мисрдан тилла чилим билан май солиш учун кумуш кувача юбораман.

— Чилим билан кувача эмиш-а! Бу, чўлда сувсираб ётган кишига иккى томчи сув ваъда қилгандек гап.— Оғабекнинг кўзига чилим билан кувача эмас, балки Мисрдаги ичи тўла олтин сарой хазинаси кўринарди, холос. Бундан ташқари, пулдан ҳам қимматроқ бўлган обру ва улуғ мансабдорликни орзу қиларди!

Хўжа Насриддин бошини қўйп солиб ўтиради; у Оғабекнинг юзига қарамаса ҳам, кўзини унинг қўлидан узмас эди. Оғабекнинг йўғон бармоқларининг титраши ва қабариб турган томирларининг тепишидан унинг кўнглидаги ҳамма нарсани худди тилсимли китоблан ўқигандек аник ва равshan билиб турарди. Шу сабабли Оғабекнинг тўсатдан:

— Узокбой, шаҳзодани менга бера қолсангиз нима бўлади?— деган саволни берганлиги унга кутилмаган бир нарса бўлмади.

Дарров рози бўлишга тўғри келмайди: тагин ҳам бироз ичи куйсин!

— Сизга бера қолсамми?— деб илжайди Хўжа Насриддин.— Сиздан каттароқ кишилар ҳам бу таклифни килишган эди. Аммо лекин биринчидан, шаҳзода Мисрга факат менинг бошлаб боришимни хоҳлайдилар, иккинчидан...

— Шаҳзодани кўндиrsa бўлади. Бундан ташқари, ҳали у шу киёфада — эшак киёфасида эканида...

— Унга бошқача муомала килса, уни алдаса бўлаверади демокчимисиз? Эҳ, хўжайин, хўжайин...

— Мен сира ҳам шундай деб ўйлаганим йўқ. Лекин у кишининг жавобларини хоҳлаган тарафингга бураверсанг бўлаверади демокчиман. Ахир у киши одамча сўзлашга кодир эмаску...

— Думини силкитиб, қулокни ликиллатишлари-чи?

— Мана шуни ўз хоҳишингга бурниш мумкин-да!

— Ростини айтганда, хўжайнин, сиз чиндан ҳам сарой мансаблари учун туғилган одам экансиз-да! Лекин яна битта тўсқинлик борки, у ҳам бўлса сизнинг ўзингиз.

— Менинг ўзимми?..

— Бунинг эвазига нима берасиз менга?

Мисрга вазир бўлиш орзуси Оғабекнинг ичини шундай тирнар эдикни, у ҳатто ширинсўз ва сўзамол ҳам бўлиб кетди.

— Сиз хилватнишинликни орзулади юрмасмидингиз?— деди у Хўжа Насриддинга энгашиб.— Бу ердан кўра хилватроқ, бу ердан кўра тинчроқ жойни қаёқдан топа оласиз?— Дарҳакиқат, шу пайтда теварак-атроф худди уйқудагидек жимжит эди.— Сиз умрлик бир даромадга ҳам эга бўлишни хоҳлар эдингиз-а? Менинг кўлим анчагина кенг — мўлчилик билан турнишингизга ҳам етарли даромад беради.

— Тўғри-ю, лекин бу кўлга қарап керак, кишиларга сувни очиб бериш керак,— деб тихирлик қилган бўлиб кўринди Хўжа Насриддин.— Бу ташвишлар илмий машгулотларимга халақит беради-да.

— Кўлга қараб туриш учун одам солиб қўясиз. Озгина пул берсангиз, ҳамма ишингизни ўзи қилаверади.

— Тўғри, дарҳакиқат битта одам солса бўлар экан! Буёги менинг эсимга келмабди!

— Албатта! Ишни ўша одамга ўтказиб берсангиз, ўзингиз факат тилсимли ўтларни йиғиб юраверасиз.

— Тилсимли ўтлар!— деб жонланиб кетди Хўжа Насриддин,— Тўғри, тилсимли ўтларни йиғиш факат менга мос иш.

— Ана, ана, баракалла!— деб унинг сўзини оғзидан илиб олди Оғабек, ишнинг кўзини топганинга кувониб, унинг қайтадан айёрликка ўтиб олган фикр-хаёли ҳаракатга қирди-да, бу айёрлик ўзининг қиркта оёғи билан йўргалай бошлади.— Ҳа, худди тилсимли ўтлар! Улар бу ерларда жуда ҳам кўп, факат мен сизга уларни айтгим келмас эди. Улар ҳамма ёқда ўсади! Биттасини

ўзингиз ҳам топиб олдингиз. Нима ҳам бўларди у? Юздан бири!..

— Наинки юздан бири бўлса-я?— деб шивирлади Хўжа Насриддин худди ҳайратдан котиб қолган кишидек.

— Мингдан бири! Мингдан бир ҳиссаси!.. Сиз ҳали бу ерларда қанча тилсимли ўтлар ўсишини билмайсиз!

Май таъсирида қизишиб қолган Оғабек орқа-ўнгига қарамай, оғзиға келганини гапиради, ёлғони билиниб колиб шарманда бўлишдан сира ҳам ҳайиқмасди, чунки қаршисида ўтирган одамни илмий ишлар билангина банд бўлган, кундалик оддий ишлардан жуда бехабар, кичкина боладек бир киши деб ўйлар, уни бемалол алдаб лақиллатаверса бўлаверади, деб гумон қиларди. Аммо ҳақиқатда эса унинг қаршисида оёқ остида ўрмалаб юрадиган ҳар қандай паст, айёр маҳлукка семиз кўйдек гўл-садда бўлиб кўринишни ҳеч бир истамайдиган ва сезгир руҳни ўткир ақл билан улай оладиган Хўжа Насриддин ўтирадики, барча олим кишилар, барча донишмандлар ва шонрлар бу кишининг кундалик ҳаётидан ибрат олса арзирди!

— Мана мисол учун печакни кўрининг!— деди Оғабек ҳовлиқиб,— бу ҳам тилсимли! Анави қариқиз ҳам тилсимли! Теваракнинг ҳаммаси тилсимли ўт! Сира ҳам бекорчиси йўқ, ҳаммаси, ҳаммаси тилсимли. Сиз келишдан анчагина олдин бу ерга шундай тилсимотни била-диган битта домла келган эди, буларнинг ҳаммасини менга ўша киши айтиб берган. Булардан бошқа, бу ердаги тошлар ҳам тилсимли. Ҳаммаси ердагина думалаб ётибди, факам териб олсанг бас! Ўша домла бир қоп тўлдириб олиб кетган! Тағии иккى хумчада тилсимли сув ҳам олиб кетган! Мен сизга айтишни унутибман, шу ерга яқин бир жойда тилсимли сув ҳам бор. Жуда ҳам яқин. Бу ерда ҳамма ҳамма нарса тилсимли!

Бундай тилсимли ўт, тилсимли сув бор жойда туришга ким ҳам унамайди дейсиз?

Хўжа Насриддин рози бўлди. Ахир у шаҳзодани бе-риб унинг бадалига кўл, уй, боғни ва кўлга тааллукли бошқа барча нарсаларни, ҳамда бунинг устига ўн минг танга нақд пулни олади-ку.

— Ўн минг танга пул менда йўқ,— деди Оғабек.— Факат етти минг танга пулим бор. Аммо Мисрга етиб олгунимча йўлда ўзимга ҳам пул керак бўлади.

— Қимматбақо тошлар қани, яқинда Мамадалидан олиб әдингиз-ку! — деб эснга солди Хұжа Насриддин.

Ниҳоят улар беш минг танга нақд пулға келишишди. Оғабек йүлға икки минг танга билан қимматбақо тошларни олиб қоладиган бўлди.

— Шаҳзода рози бўладилар! — деди Оғабек. — У киши шунча вактдан бери мени яхши таниб олдилар. Энди сиз касал бўлган бўлишингиз мумкин. Балки ёлғондан ўлиб қолган бўлишингиз ҳам мумкин. Биз буни шундай киламизки, у киши сира ҳам гумон қилмайдилар ва сира ҳам билмайдилар.

Хұжа Насриддиннинг ёлғондан ҳам, ростдан ҳам ўлгуси келмади.

— Бу ортиқча гап,— деди у.— Бундай савобли ишда алдашнинг нима ҳожати бор? Яхшиси шаҳзодани кўндиришга уриниб кўрамиз.

Эшакнинг олдига боришли. У думларини силкитиб, қулоқларини ликиллатди. Улар бу ҳаракатга ўзларича маъни боришли. Қайтиб шийпончага келишишди.

— Энди озгина иш қолди! — деди Оғабек намойишкорона.— Ҳар йили баҳорда бизнинг бу ерларимизга Янги Мозор деган катта қишлоқдан Абдураҳмон қози келади, ўзи ҳам ҳар вақт ўша ерда туради. У ҳар келишида жанжалларни бартараф қилиб ўртадаги аҳдларни тасдиқлаб кетади. У мана шу яқин орада бўлса керак, уни топиб келишга бугунок отлик одам юбораман. Узобой сиз, унгача тилсимли доридан кўпроқ тайёрлаб туринг. Яна бир коғозга барча афсунларни битиб беринг, бўлмаса ҳаммаси эсимдан чиқиб қолади.

— Шаҳзодани сизга бердим, лекин мен ўзимнинг янги олган уйимни ҳалигача кўрганим йўқ-ку,— деди Хұжа Насриддин.

— Юринг, бориб кўрамиз.

Уйни бир кур кўриб чиқиши. Уй жуда яхши экан, кўп узок йилларга чидайдиган қилиб солинган экан. «Манағи уй анави иккита тентакка — Санд билан Зулфияга тўёна, бу уларнинг бола-чакалари билан яйрабяшнашига етади!» — деб ўйлади Хұжа Насриддин Оғабекнинг кетидан бир хонадан иккинчи бир хонага ўтиб. Уйнинг ичи сарышта, тоза, кенг, ёруғ эди, ланг очик турган деразадан туш офтобининг нури уй ичига мўл тушиб турар, ўзининг иссик нурдан тўқилган хушманзара гиламларини Хұжа Насриддиннинг оёклари тагига

ёар ва ўқтин-ўқтин боғдан келган шамол дераза таба-
қаларини тебратиб, сержилва, шўх шуълаларни уйнинг
деворида у ёқдан бу ёққа ўйнатарди.

Уттиз бешинчи боб

Шу кундан бошлаб Оғабек илгариғи Оғабек бўлмай
колди. У аста-секин ўтадиган замондан илгарила б орзу
хаёлларида гўё Мисрга бориб, саройга ҳам кириб олди,
хаёлида у энди ўз олдига Миср султонининг вазирни Оға-
бек ибн Муртазо Алхоразмий бўлиб колди, елкасида
зардўзи сарой хильматининг оғирлигини ҳам сеза бошла-
ди, ҳалитдан у хаёллй кулоклари билан кўксидаги ни-
шонлар, белидаги олтин қинли шамширнинг жиринг-
лашларини ҳам эшита бошлади. Энди Чўракда ўтган
ҳар бир куни унга гўё улуғ истиқболдаги кунлардан
бири бекор ўтганга ўхшаб туюлар, бу ерда ўтган ҳар
бир дақиқа унга гўё истиқболдаги турли-туман роҳат
ва ҳар хил фойдаларнинг жуда кўпини йўққа чиқарган-
дек кўринарди, у кишига малол келадиган дараражада
мағрурлик билан шишиниб кетди. У билан сўзлашмоқ
Хўжа Насриддинга чинакам бир азоб бўлиб колди. У
ўзининг ягона хизматкори гунг чолни ҳам ҳар куни эр-
талаб келиб боши ерга етгунча таъзим қилишга мажбур
килди. Хўжа Насриддинни эса у эшакнинг ёнига сира
ҳам йўлатмай кўйди.

Бу орада кишлоп ҳаёти одатдаги йўлида кетаверди:
боғлардаги мевалар хушбўй шарбатларга сўлкиллаб
тўлди, ипак қуртлари биринчи ва иккинчи марта пилла
ўради, яйловларда кўйлар қўзилади. Ҳар бир чўраклик-
нинг ёзлик ишлари ҳам борган сайин кўпаяверди. Са-
фарнинг чойхонасида энди кечқурунларн озрок, беш-
олти кишигина тўпланар, бошқалари кун бўйи ишлаб
чарчаганлигидан қоронғи тушмасдан тўшакка ётиб
оларди.

Чўракликлар кўлнинг янги қоровултига ва унинг га-
лати ишларига анча ўрганишиб қолди, чойхонада унинг
ҳакида камдан-кам, гап орасидагина сўзлашиларди,
аммо Оғабекнинг ёвуз кўланкаси чўракликлар устида
ҳамон соя солиб турарди: яна сугориш, яна хавфу ха-
тари кўп кунлар...

Худди осмонда момоқалдироқ гулдурагандек, бир-
данига кетма-кет янги хабарлар тарқала бошлади.

Биринчи хабарни домла имом жума куни эрталабки номоздан кейин эшилтириди, у: Оғабекнинг художўликка юз тутиб, масжидга бир ярим минг танга садака қилганини ва ўтган кишиларнинг арвоҳларига бундан кейинги йиллар учун ҳам дуойи фотиҳа қилиб қўйинши буюрганини айтди.

Бир ярим минг танга-я! Суғориш олдидан-а! Суғориша қанча олади энди?.. Дуойи фотиҳа учун шунча пул-а! Қанака одамларнинг арвоҳига дуойи фотиҳа қиляркин-а?.. Шишасимон куртлар тўғрисида ўйлашни чўракликлар билишмасди, албатта, шунинг учун ҳам ўйлай-ўйлай ўйларига етишолмасди. «Эҳтимолки, у бундан кейин очлик билан кириб юбормоқчи бўлган кишиларнинг руҳига бағишламоқчи бўлса!»— деди Сафар бадбинлик билан каромат қилиб.

Иккинчи хабар Оғабекнинг ўзидан чиқди. Яқинда у Чўракдан кетармиш, ҳажга бориб каъбатуллони зиёрат қиласмиш; Оғабек Мирсга боришини шу йўл билан яшимрмоқни афзал кўрди.

Янги ташвиш ва янги гаплар! У ҳажга экинни суғоришдан олдин кетармикин ёки кейин? Энг кераги ва энг муҳими — сув пулинни у бу сафар қанча белгилар экан?

Хабарнинг учинчиси шум ва даҳшатли хабар эди; Оғабек Абдураҳмон қозини излатиб, чор атрофга отлик одамлар юборганимиш. Қозини Чўракка олиб келинглар деганимиш. Нега ахир? У жўнаш олдидан ким билан даъволашмоқчи экан, қандай бир аҳномани тасдиклаби олмоқчи бўлдийкин?

Бу ҳакда чойхонада жуда катта йифин бўлди. Кишилар боғни ҳам, далаю яйловни ҳам унубиб қўйинши. Сафарвой тагин каромат қилдилар: «Қараб туринглар, кетгунча у ҳали ҳаммаларингни шилади!..» Битта Мамадалигина мана шу ташвишлар орасида: «Нима бўлса бўлсин, энди Оғабек Зулфияни сира ҳам сўрамайдиган бўлди!» деб кувонарди кўнглида.

Кишилар энди тақдирга тан бериб, сув пулига қанча олмоқчи бўлганини Оғабекнинг ўзидан сўрамоқчи бўлишди. Унинг олдига тўртта чолни юбориши.

Чоллар Оғабекни кўриша олмади: уларга Оғабекнинг илтифот қилгиси келмади. Чоллар билан хўжайниномидан кўлнинг янги қоровули гаплашди. Унинг гаплари тушуниб бўлмайдиган, одамнинг ишонгиси келмайдиган гаплар эди.

— Сувни сизларга берамиз, тағин сув пулига деб ҳозирданок бирор нарсангларни сотиб қўйманглар. Ҳамёнларингдаги ақча сув пулига етади,— деди у.

Буларнинг ҳамёнларида қанча ҳам пул бўларди? Чўракликларнинг ҳаммасидан йикканда кўп деганда юз эллик танга чиқади-да. Чоллар кўл қоровулига шуни ҳам айтиб ўтишди. У кулиб туриб жавоб берди:

— Сизларнинг ҳамёнларингизни мен биламан, ҳамёнларингиз ориқ эчкининг соғиб олинган елинига ўхшаб шалвираб ётибди, албатта. Барибир шундай бўлса ҳам такрор айтаман, ҳеч нарсангларни сотиб қўйманглар. Қани энди, боринглар, ҳурматли оталар, менинг шу сўзларимни бошқаларга ҳам айтиб қўйинглар.

Бундай жавоб уларнинг ташвишини камайтирмади, балки кучайтириб юборди.

Худди шу пайтда, қозини излаб кетган отлиқлар қайтиб келишди ва: «Абдураҳмон қози мана шу кўшни Олтиоғоч қишлоғидаги ишларини битириб, эртага кечкурун Чўракка келармиш», деган хабарни айтишди.

Шундан кейин қишлоқ кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ҳодисаларни кутиб, жимжит бўлиб қолди.

Барча чўракликлар орасида факат Санд билан Зулфиягина бу шов-шувларга аралашмади. Уларнинг нима учун аралашмаганликлари тушунарли бўлса керак. Бу ҳакда донишманд Бадиузвазмон ибн Муфриднинг «Тонг гулларининг ҳиди» асарида жуда яхши айтилган. У бундай деб ёзди: «Ишқ кучли бўлса, ҳар вақт ақлни оздиради, гўё ошиқларни мажнун қилгандек бўлади, бироқ унга аҳамият бермаслик керак, чунки у хавфли эмас, зарар ҳам еткизмайди. Унинг бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки ишқ-муҳаббат осмоний ҳиссиёт, у оллоҳнинг бизларга ато қылган неъмати: ахир худо бандаларига бирор ёмонликни хоҳлармиди? Шунинг учун бировга ошиқ бўлиб қолган бир йигитни кўрганда унинг паришон аҳволига ва гап-сўзлари жойида эмаслигига ажабланмаслик керак; унинг фикрлари ва ҳиссиётлари аралашиб кетади, чигаллашиб қолади, уни ҳеч ким ва ҳаттоки унинг ўзи ҳам текшириб тубига етолмайди, унинг сўзларини илтифот билан эшитиш керак, у билан сира ҳам баҳслашмаслик, хусусан унинг

маъшуқасининг баркамол эканлиги ҳақида баҳслашмаслик керак, чунки бу гапларнинг ҳаммаси, модомики у ошиқ экан, фойдасизdir; ошиклардаги бу хусусиятлар учун уларни факат аҳмоқ одамларгина айблайдилар». Донишманднинг фикрларига таяниб биз ҳам ўзимизнинг ошиқ-маъшуқларимиз аҳволига тўлиқ андиша билан қараймиз ва кечаси боғда бир-бирларига ёнма-ён ўтирганлари ҳолда «ҳеч ким текшириб тубига етолмайди...»ган ўша чигал ҳиссиёт ва фикрлардан иборат гапларини бу ерда такрорлаб ўтирумай қолдириб кетаверамиз.

Кекса Абдураҳмон қози кўп йиллар қинғирлик билан ҳаёт кечирди, ноҳақ ҳукмлар чиқарди ва ниҳоят юзларига сонсиз ажинлар тушиб, қадди дол бўлиб қолди. Бўйни буқофининг оғирлигидан қийшайган, учи ингичкаланиб икки бўлинниб турган бурни қийшиқ, оғзи ҳам бир томонга майишган, соколининг паҳмоғи чиқиб кетган эди, бунинг устига у чап оёғи билан оқсанб, ҳар қадамда бир томонга қийшайнб юради. Шунинг учун ҳам ҳалк ўртасида уни «Қози Абдураҳмон маймоқ» деб аташарди. Бу сифатларга унинг шу одатини ҳам қўшиб қўйиш керакки, гоҳ ўнг кўзини, гоҳ чап кўзини қисиб турарди, бу албатта унинг қозилик ишининг боришига қараб бўларди. Ўнг кўзини қисса, қозилик ҳақини тўла дегани, сўл кўзини қисса, пора бер, дегани эди. У доимий равища мана шу икки ҳолатдан бирида, ҳақ ёки пора олиш ҳолатида бўлгани учун ҳар вакт бир кўзи юмиқ бўлиб, дунёга фақат бир кўзи билангина қарап эди.

У Чўракка шалоғи чиққан эски соябон аравада келди, ғилдираклар фир-фир қиласар ва ҳар айланганда ўқдан чиқиб кетгундай бўларди. Думлари тўкилиб кетган, паҳмоқ ва кўзида оқи бор човкар от шотининг ичидаги пак-пакана бўлиб келар, аравакаш ҳам бир оёғини букиб иккинчисини шоти устига узатиб, эгарда қийшайиб ўтиради. Қозининг ўзи эса мансабига мувоғиқ соябон олдидаги пардан тушириб қўйиб, арава ичидаги келарди. Парданинг сиртида, отнинг сағрисига яқин жойда қадимдан қозининг барча кирдикорларига шерик бўлиб келаётган миrzаси ўтиради. Мирза қийшиқ бўлмаса ҳам тарашага ўхшаш қуруқшаган, гўё уни кир қийимдек ювишгану кейин бураб-бураб сиқишиган, бироқ силкитиб ёйиб қўйишини унугиб юборишганидан қамчиндек буралганича қуриб қолганди. Унинг қовунга ўхшаш чўзинчоқ

бошидаги рангдор салласи ҳам камчиндек буралиб-буралиб ўралган эди.

Оғабек қозини кутиб олиш учун хизматкорини юбориб, уни меҳмонга таклиф қилди, бироқ қози ўзининг сутдан ҳам оппок адолатини ғийбатчиларнинг таъналаридан саклаш учун бу таклифни рад қилди. У тўппатўғри чойхонага келиб тушди. Сафар дарҳол чойхонадаги томошабинларнинг ҳаммасини ҳайдаб юборди, кейин қозига караб туришини Сандга топшириб, ўзи кўрпатўшак йиғмоқ учун уйма-уй изғиб кетди. Уша вактнинг одатига мувоғиқ ҳар бир улуғ даражали меҳмонни кават-кават кўрпа солинган қалин ўринга ўтиргизиш керак эди, Сафарнинг мўлжалича, қозига кўрпанинг ўнтадан ками камлик киларди.

Қози юз-қўлинни ювиб, чой ичиб олгандан кейин, индамай мирзасига факат бир кўзи билан, ўнг кўзи билан караб кўйди.

Мирза ҳам индамай ўрнидан туриб, Оғабекнинг уйи томон йўл олди.

Мирза коронги тушганда қайтиб келди, у келганда қози чойхона ўртаснга баланд қилиб солинган гулдор кўрпалар устида, ўнта эмас, ўн тўртта кўрпа устида ётар, ўн бешинчисини эса устига ёпиб олган эди. Мирза ҳамон индамаганича унга икки бармоғини ва яримта бармоғини кўрсатди. Бу — икки юз эллик деган сўз эди. Қози бир хўрсиниб кўйди, ўнг кўзини кисиб, сўл кўзини очди, бу билан у «нима бўларкин» деган ҳолатдан «Худога шукур-эй» деган ҳолатга ўтганини билдиради.

Кейин улар чойхоначи эшитиб колмаслиги учун, шивир-шивир қилиб озроқ сўзлашиб олишди.

— Нима даъво экан? — деб сўради қози.

— Даъво эмас, аҳднома экан, — жавоб берди мирза.

— Аҳднома дейсанми? — ажабланди қози. — Аҳдномага ҳам шунча ҳимматми?

— Дарҳаққат, унинг жуда ҳам омади келган экан, — деб шивирлади мирза. — Гумонимча, у жуда катта бир фойданинг думини тутган бўлса керак.

— Шу билан бирга конуний фойда, — деди қози насиҳатомуз. — Жуда ҳам қонуний. Эртага биламиз, — деб тугатди сўзини қози, кейин бир тарафига ағдарилиб сўл кўзини юмди, чунки «нима бўларкин» билан «худога шукур» ҳолатлари унинг уйку соатларига жорий эмасди.

Кекса қози Абдураҳмон узок умрида ёзиб тасдиқлаган ҳамма қінғир аҳдномалардан кўра буниси ўз қінғирлиги билан ошиб тушди! Бу аҳдномада сердаромад кўл, уй ва боғ қандайдир ҳеч нарсага арзимайдиган ифлос бир эшакка айирбош қилинди! Бу ишда яширин бир мақсад борлиги аниқ кўриниб туарди, ҳолбуки яширин бир мақсадни кўзлагай дудмол аҳднома тузиш қонунга мувоғик жуда қаттиқ тақиқ қилинганд. Энди бу айирбошни қозининг дафтариға ёзиб қўйиш керак, ёзганда ҳам қозининг устидан назорат қилиб туриш учун хон тарафидан қўйилган тажрибали дарғачилар бу ёзуводан ҳеч бир шубҳаланмайдиган қилиб ёзиш керак.

Оғабек кўл, ховли ва боғларини бир эшакка алмаштиришга қатъий қарор қилганини баланд овоз билан очиқ айтганда чойхона олдида тўплланган чўракликлар орасида худди болари уясидагига ўҳшаш ғўнғир-ғўнғир олағовур бошланди. Чойхона олдидаги сўридан бошланган бу олағовур бир дамда орқадаги қаторларга таркалди, уларни қўзғатиб ларзага солди, худди шамолдек гувиллаб, устида болалар миниб ўтирган деворларга, кейин ранг-баранг қўйлакли хотинлар ўтирган яқинроқдаги томгача етиб борди. Кўлни эшакка-я!.. У бутун бошлиқ кўлинини бир эшакка алмаштиряпти-я!.. Бу воқеадан чўракликлар ҳайратга тушишган эди.

Аммо соч-соколи макр ва ҳийла билан оқарган кекса қози Абдураҳмон қийшиқ бунга сира ҳам ҳайрон қолмади, ҳатто қошини ҳам чимирмади. У чойхонасида чойхоначи Сафарнинг тундаги ўн бешта кўрпадан уюб килган баланд тахи устида кўпчиликка қараб, савлат тўкиб, хотиржам ўтиради. Пастда ўқдай узун бурнини суррайтириб, қозиллик дафтариға тикилиб ўтирган мирза ҳам ўз хўжайнинга ўҳшаш хотиржам кўринарди.

Қози кўпчиликка ўқрайиб тикилди.

Шов-шув пасайиб ерга сингаётгандек бўлди ва ниҳоят бутунлай тинчиди.

Оломон жим бўлиб қолди.

— Узокбой Бобожон ўғли! — деб чақирди қози.

Хўжа Насридин эшагини етаклаб, сўри ёнига келди.

— Оғабек Муртазо ўғлининг сўзига не деб жавоб айтурсен? — сўради қози. — Муоваза¹ қилишга рози бўлурмусен?

¹ Муоваза — айирбош.

— Розиман.

Чўракликлар орасида тағин шов-шув бошланди. У рози эмиш! Рози бўлмаслиги ҳам бормиди?.. Бозор кизиганда ўттиз тангадан ошмайдиган бир эшак баробарига шунча бойлик орттиrsa-я!— дейишарди улар.

Бу ерда қандайдир нопок иш бораётганга ўхшарди. Кўпчилик орасида кимдир бирор ўзини тутолмади, ингичка овозда ингради, тўғрироғи, чийиллаб юборди.

Кози аввалгидек хотиржам ҳолда:

— Ушбу муовазага тарафайин ўз ризоликларини из-ҳор этдилар!— деб эълон қилди у.— Конуннинг биринчи шарти бажо келтирилди. Энди шу қишлоқ фукароларидан кўлида ушбу муовазани бекор қилишга ярарлик тасдиқланган мустаҳкам ҳужжат ва исботлари бор кишилар бўлса, мана шу жамоатнинг ҳузурида очик айтсиллар!

Бундай киши чиқмади.

Кози бир оз кутиб турди-да:

— Демак аҳдномани тамомламок учун ҳеч бир монеълик йўқлигига қаноат ҳосил қилдим,— деб сўзини тамом қилди.

Энди энг сўнгги иш — ёзиш қолди. Бундай ёзувда озгина бўлса ҳам сохталик бўлмаслиги лозим.

Шу пайт кекса қози, қозилик макру ҳийлаларини ишга солишга тайёрлана бошлади.

У ҳийла сукут саклаб ўтирди, унинг миясидан не хаёллар ўтаётганини билиш қийин эди, шу пайт бирдан унинг салласи олдин ўнг тарафидан сўл тарафга оғдида, кулоғига тирадиб осилиб қолди, кейин кўзойнаклари сўл тарафга бурилди, ниҳоят, унинг ўзи тах устида сўл тарафга қийшайди, фақат тахга елкаси билан суюлиб турган Сафарнинг файрат кўрсатиши туфайлигина тах кулаб кетмади.

Кози гапирганда унинг овозида ўз фаросатининг ўтиклигидан мактаниб ҳузурлангани сезилиб турарди.

— Шартлашганларнинг номини ёзгин!— деб буюрди у мирзага.

Мирза қаламни қитирлатиб дафтарга шу даражада паст эгилгандики, гўё дафтар бетларини узун бурни билан қитирлатаётгандек туюларди.

Бу вактда қози икки тарафнинг алмаштираётган нарсалари тенг эканлигини ифодаловчи, тузилаётган

аҳдноманинг қонуний эканлигини билдирувчи жумлалар ахтарарди.

— Сердаромад кўл ва унга тааллукли боғ ва ҳовли,— деди у, донишмандларга хос товуш билан бармоғини юқори кўтариб.— Жуда яхши, ёзамиз!— деб мирзага буйрук бергандек ишорат килди.— Мана бундай тарзда ёзамиз: ҳовли, боғ ва буларга тааллукли ҳовуз, чунки кўлни ҳовуз эмас деб ким айта олади?.. Иккинчи жиҳатдан: агарда мазкур ҳовли билан боғ кўлга тааллукли бўлса ёки бошқача қилиб айтганда ҳовузга тааллукли бўлса, аниқ кўриниб турибдики, жумлани аксинча тузсак, ҳовуз ҳовли билан боққа тааллукли бўлади. Мен айтгандек ёзгин: ҳовли, боғ ва буларга тааллукли ҳовуз!

Эпчиллик билан қилинган бу найранг бирданига ишнинг ярмини ҳал қилиб қўйди: сўзларнинг шунчаки ўрнини алмаштириб қўйниш билан кап-катта кўл худди афсун ўқигандек бир боғнинг ичидаги ёки бир уйнинг ёнидаги кичкина бир ҳовузга айланди қўйди. Бундай жойнинг умумий қимматини ҳисоблаганда энг катта ҳисса албатта ҳовлига, кейин боққа тушади, ҳовуз бу ерда фақат саноққа кириб, эслаб ўтилди, холос, чунки бу ерда у ўз олдига ҳатто алоҳида қимматга ҳам эга бўлмай қолди.

Бир тараф мулкининг қиммати бир неча ўн марта камайиб кетди. Лекин аҳднома ҳали ҳам чап тарафга караб анчагина қийшайиб турибди Икки тараф мулкининг қимматини қатъян тенг қилиш учун жуда ҳам донишманд бўлган қози иккинчи тараф мулкини текширишга киришди.

Бунда ҳам унинг янги найранги иш берди:

— Узоқбой Бобожон ўғли, айтгин-чи, қўлингдаги муоваза қилмоқчи бўлган эшагингнинг оти нима?

— Мен уни доим Фуфак-Фуфак деб чақираман.

— Фуфак-Фуфак дейсанми?— деди қози.— Бундай қимматбаҳо ҳайвон учун бу жуда ҳам паст ва ифлос ном-ку, ахир, сен уни муоваза қилиб унинг бадалига бутун бир ҳазина орттирасан-ку! Унга бошқа дурустрок, сал тантаналироқ ном қўйсак: олтин бўлмаса кумуш десак қандай бўларкин?

— Шундай деса ҳам бўлади,— деди Хўжа Насриддин қозининг фикрига аранг тушуниб.— Менга барибир, унга ҳам маъқул бўлса керак.

— Ёз,— деди қози миңзага қараб— Ёз: мазкур мулкларни — ҳовли, боғ ва буларга тааллукли ҳовузни Оғабек Муртазо ўғли Узоқбой Бобожон ўғлига... кумуш... айт-чи, Узоқбой,— деди кекса қози мағрурлик билан мактаниб, овозини карнайдек варанглатиб.— Айт-чи, эшагинг неча пуд келади?

— Тўрт пуд чамаси келар.

— Менга унинг аниқ вазни керак.

— Бўлмаса тўрт пуд етти ярим қадоқ бўла қолсин. Бекор ётгани ҳамда еган нонларининг ҳиссаси бор-ку.

— Ёз!— деди қози карнайдек варанглаб, миңзага буйруқ бериб.— Тўрт пуд етти ярим қадоқ кумуш бадалига муоваза қилдилар, шу сабабли, мен, қози Абдурахмон Расул ўғли қонунга ва хон ҳазратларининг фармонларига жуда ҳам мувофиқ бўлган ушбу ҳужжатни ёздим!

Хўжа Насридин қозига ажабланиб қаради: бу, гарчи маккорлик бўлса ҳам, лекин чинакам устанинг иши эдикни, у билан албатта мактанса арзирди.

— Шунинг учун бу ҳужжатни ўз имзо ва муҳрим билан тасдиқлайман!— деб кичқирди қози, чойхонани ҳам, чойхона олдидаги одам билан лиқ тўла майдонни ҳам ўзининг бақирик овози билан янгратиб, лекин ўзи борган сари сўл тарафга оғиб бораётганини сезмади, баҳтига карши Сафар ҳам ғафлатда қолиб, йиғиб кўйилган тахни елкаси билан тираб турмаган эди, шунинг учун қози сўнгги сўзни айтганда секин-секин сирғилиб ўн бешта кўрпанинг ҳаммаси билан бирга сўри таҳтасига қулаб тушди.

Айирбуш тамом бўлди. Кўл энди Хўжа Насридинники бўлиб, эшак эса Оғабекники бўлиб қолган эди.

Ҳайратда колган чўракликлар бу кунги воқеанин ўзларича гунгир-гунгир муҳокама қила-қила уй-уйларига тарқалишди.

Чойхона олди бўшаб қолди.

Кўп ўтмай чойхона ҳам бўшади: кекса қози Чўракдан бошқа ёқларга — унинг оқилона ҳукмини кутиб ётган ҳар хил даъво ва аҳдномалар бор жойларга жўнаб кетди.

Қози кетиш олдида Хўжа Насридин секингина ундан: «Қози жаноблари қачон қайтадилар ва қайтишда йўлда Чўракка кириб кета олармикинлар?»— деб сўради.

Бу савол берилгандың көзининг сүл күзи бир онда юмилиб, унинг ўрнига «німа бұларкін» ҳолатини билдирадиган ўнг күзи очилди.

— Яқин күшін кишлоқлардаги ишларни битириб түрт күнлардан кейин келурман,— деб жавоб берди қози ва ғилдирақ кегайларига оёқ күйіб, инқиллай-син-қиллай аравага чиқди.

Мирза ўзининг одатдаги ўрнига — араванинг олд томонида отнинг сағрисига яқин бир жойға ўрнашды.

Аравакаш бир оёғини букиб, иккінчисини шотининг устига чўзиб эгар устида кийшайиб ўтирди-да, «чұх» деб отни юргизиб юборди.

Арава ғижирлаб, лапанглаб, у ёқ бу ёққа тебраниб йўлга тушди ва тераклар орқасиға ўтиб кўздан фойиб бўлди.

Шу кечаси Хўжа Насриддин ҳам, Оғабек ҳам туни бўйи ухламай чиқишиди.

Миср саройн сарпаларини кийиш орзусида сабру тоқати тугаган Оғабек энди Чўракда бир кун ҳам тургиси келмай қолди. Шунинг учун тонг отганда йўлга равона бўлди.

У хуржунини кечқурунок тайёрлаб қўйган, энди фаяқат тилсимили сув солинган иккита кўвачани жойлашгина колган эди.

Ниҳоят ярим тунда оғзи мўм билан яхшилаб беркитилган кўвачалар ҳам алоҳида хуржунга жойлаштирилди.

Оғабек Хўжа Насриддиннинг бир тахта пишиқ хитой қоғозига ёзиб берган афсунини ички белбоғига, одатда сафарга чиқкан кишилар ичидан боғлайдиган белбокқа жойлаб қўйди. Унинг пуллари ва Мамадалидан олган қимматбаҳо тошлари ҳам мана шу белбоғда эди.

Тонг ёриша бошлади.

— Вакт бўлди! — деди Оғабек. — Хайр энди Узоқбой, Мисрдан сизга қимматбаҳо совғалар юбораман. Мен сизга тилла чилим, май қуядиган кумуш кўза юбораман.

Хўжа Насриддин таъзим қилиб жавоб берди:

— Миср диёрининг олижаноб ва улуғ вазирига ташаккур. Сўнгги маротаба жанобингизга хизмат қилиб қўйнишга рухсат қилгайсиз, вазир жаноблари.

Шундан кейин у ҳовлига кирди-ю, тихирлик қилиб келаётган эшакни етаклаб дарров қайтиб чиқди.

Эшак нам тош зинадан туёқларини тақиллатиб бок-ка тушди-да, ўрганиб қолган йўлидан ярми еб бўлинган гулзор арикларга қараб йўналди.

Хўжа Насриддин тизгинни тортиб уни тўхтатди ва чакқонлик билан хуржунларни унинг устига ортди.

— Бу нима қилганингиз! — деб қичқирди Оғабек хуржунни ушлаб.— Шаҳзодага юк ортапсиз-а! Чиндан ҳам фаросатингиз йўқ экан, Узоқбой!

— Ҳа, нима қилиш керак бўлмаса? — ҳайрон қолиб сўради Хўжа Насриддин.

Оғабек жавоб ўрнига бир ўқрайиб қаради-да, инқилаб иккала хуржунни ўз елкасига ортиб олди.

— Нима, сиз нақ Мисргача шундай бормоқчими-сиз? — деб сўради Хўжа Насриддин.

— Кўқонда юк ортадиган бир от сотиб оламан. Уни ҳам шу хуржунларни ортиш учунгина оламан. Ўзим, барибир яёв кетаман, чунки шаҳзода пиёда юрсалару, мен отлик юрсам беодоблик бўлади ахир. Албатта, шаҳзодага бир арава кира қилсан ҳам бўлардию, бироқ йўлда ҳар хил жоҳил одамларнинг мазах қилиб кулишларидан шаҳзода ранжиб қолармикинлар деб кўрқаман, чунки ундай нодонлар ҳозирги қиёфадаги шаҳзодага ўхшаш тўрт оёкли ҳайвонларни арава устида керилиб ўтирган ҳолда эмас, балки аравага қўшилган ҳолда кўришга ўрганиб қолишган.

— Бу жуда доно сўз. Фаҳму фаросатингизнинг поёни йўқ-да, вазир жаноблари!

Эрталабки кўкимтири тонг дарров оқариб кетди. Осмон сал-пал қизара бошлади. Бонгинг бурчак-бурчагидан кушлар чуғуралишиб чирқиллашди.

Эшак, Оғабек ва Хўжа Насриддин йўлга чиқишиди. Узоқдаги тоғлар ғира-шира кўринар, тоғ кунгиралари қалин оппоқ туман билан қопланган, қорли чўққилар эса енгилгина тиник нур билан — янги туғилган куннинг илк табассуми билан ёришиб турарди. Сойлик ва пастликлардаги туман ҳам энди юқори кўтарила бошлаган эди. Бундай ҳавода нафас олиш қандай ажойиб!

— Йўлда араб динорларини олиб юрган яхши,— деб маслаҳат берди Хўжа Насриддин Оғабекка.— Динорларни ҳамма ерда тўлиқ баҳо билан олишади, чунки араб динорларида бошқа олтин пуллардагига ўхшаш

паст нав қотишмалар йўқ. Аммо пул майдалашда жуда эҳтиёт бўлинг. Саррофлар кўпинча маккор бўлишади: улар тоза олтин пулингиз бадалига сохта олтин тангалар бериши мумкин. Вазир жаноблари, сиз Қўконда ҳамма ишларингизни битириб бўлганингиздан кейин йўлга чиқишингиз олдида Раҳимбой деган саррофнинг дўконини сўроклаб топинг. Унинг дўкони катта бозор ҳовузига яқин, ҳалиги устини ўн беш йилдан бери тош билан ёпиб тугатиша олмаётган катта анҳорнинг сўл тарафида. Раҳимбой деб сўрасангиз, қўконликларнинг ҳаммаси кўрсатиб қўяди. Уни ҳамма билади, жуда яхши совдогар, унга кўркмай ишонаверсангиз бўлади.

— Балки менинг кимматбаҳо тошларимни ўша одам сотиб олар?

— Ҳа, албатта, факат ўша одам олади! Шуниси ҳам борки, у ҳаммадан ортиқ пул тўлайди.

— Демак, катта анҳорнинг чап тарафида, катта ҳовузга яқин экан-да, шундайми?

— Ҳа, худди ўзи!. Оллоҳ сизга қандай яхши фаросат берган-а, вазир жаноблари!

— Хўш энди, хайр Узоқбой!

— Хайр, вазир жаноблари!

— Мен сизга, албатта совға юбораман.

— Албатта кутаман вазир жаноблари.

— Шаҳзода ҳазратларига хайрлашиб таъзим қилинг энди. Сиз бу жаноб олийга кўп вақтлар яқин бўлиб юргансиз, бунчалик улуғ баҳтга ноил бўлганингиз учун миннатдорлик изҳор қилинг.

— Бошим ерга теккунча таъзим қиласман ва чукур ташаккур айтаман.

Шундан кейин улар ажралишди.

Хўжа Насриддин сафарга чиқсан кишининг кетидан анча вақтгача қараб турди. Мана, инсон табиатининг ажойиблигини қаранг-а! Оғабек-ку, унга душман эди, лекин у Оғабекни кузатиб қўйиб ҳар қалай ғамгин бўлиб қолди, айрилиқ ҳамманинг ҳам кўнглига шундай таъсир қиласми.

Эшак тўғрисида бўлса, гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ! У эллик қадам чамаси юриб тўхтаб, тумшуғини буриб, хўжайинига ғамгинлик ва маъюслик билан қарди. Хўжа Насриддин ўзини тутолмай, кўзига ёш олди. «Ҳа, нонхўр!— деди у кўнглида,— наинки сен, шунча йиллар сафарларда бирга юрган қадимий дўстинг сени

қандайдир бир Оғабек деганга бериб юборади-ю, сендан жудо бўлишга рози бўлади, деб ўйласанг-а! Йўқ, мен бунчалик хиёнат қилмайман, биз яна кўп йиллар бирга бўламиз!»

Иўловчилар кўздан фойиб бўлди. Уларнинг кетидан йўл устига баланд тоғлардаги қорларнинг бетидан акс этган салқин, тиник, тоза қизғиш нур ёйилиб кетди.

Хўжа Насридин тепалик устидаги кулбага қайтиб келди.

Кечаги ваъдаларига мувофик, ўғри уни бу ерда кутиб ўтирган эди.

— Мен тайёрман,— деди у қисқагина қилиб,— Кўқонда пул излаб юрмаслик учун менга озроқ ақча берсангиз бас.

Пулни санаб туриб Хўжа Насридин унга бундай деди:

— Оғабекнинг пайига тушгин, босган ҳар бир қадамни кўздан қочирмагин. Бу кундан ҳисоблаганда, у Кўқондан бир ҳафтасиз чиқиб кетолмайди, унгача мен ҳам улгураман.

— Агарда шошилсангиз...

— Айнисса эшагимни кўздан қочирмагин. Билмадим, ундан ажраб қолсам ҳолим нима кечади-да!

— Ажралмайсиз, ундаи бўлмайди, чунки у менга ҳам азиз, мен унга ўрганиб қолибман! Кизик, доим ичи кулдирайдиган бу қайсар узун қулоқнинг қандай сири борикин, ўзига тортадиган нимаси бўлсайкин?

— Хўш, боргин энди! Кодир эгам ок йўл берсин сенга!

— Яхши қолинг! Тангри таоло ўйлаган барча ниятларингизга еткизсин.

Шундай қилиб, бугунги мусаффо тонгда Хўжа Насридин бир кўзли ўғрини ҳам узок сафарга жўнатди.

Уттиз олтинчи боб

Ҳикоямизнинг энг бошида, ажойиб бир чумчук тўғрисида гапириб, у тўғрида кейинрок муфассал сўзлаб беришни ваъда қилган эдик. Энди ўша сўзни айтиш ўрни келди, хўп майли, чумчук ҳам гарчи паррандаларнинг энг кичкинаси бўлса-да, китобимииздан жой ола қолсин; лекин қайси жонивор ўзини ер юзида ягона ва сара маҳлук ҳисоблаб, тўла ҳуққуқ ва асос билан ўзини

ундан юкори күя олади? Бундай кибр-ҳаво баъзи одамларга хос бир нарса, лекин бу кеккайиш уларга асло шараф келтирмайди, балки уларнинг такаббурликларидан ва аҳмоқона мағрурликларидан далолат беради, холос.

Шунинг учун биз очиқдан-очиқ айтамизки, такаббурлик билан шишиниб кетган, устида пати йўқ одам қиёфасидаги махлукдан кўра пати бор икки оёкли кичкина парранда кўнглимизга яқин бўлади; энди чумчук тўғрисидаги ҳикоямизни давом эттирамиз.

Бу чумчук Сафарнинг чойхонасида, бўғот ичида яшарди. У ҳам Чўракдаги бошка ҳамма чумчуклар каби ҳаёт кечиради: кун чикмасдан уйғонар, чирқиллар, бошини сарак-сарак айлантириб қанот ва қуйруқларининг тагига сукиб, патларини тозалаб таранар, хурпайиб силкинар, тупрокка буланиб йўл устида сакраб юрар, кейин арикка бориб чўмилар ва ниҳоят, ўз иши билан банд бўларди ё дон териш учун тегирмонга, ёки узумларни чўкиш учун токзорга қараб жўнар эди. Унинг урғочи жуфти ҳам бор эди ва йилига икки марта — ёз бошида ва ёз ўртасида уянни тўлдириб турадиган полопонлари ҳам бор эди. У ҳар доим шўх, бақувват, серҳаракат ва жангари эди; ўзининг яхши уяси бўлса ҳам, онда-сонда бошка кушларнинг уясини тортиб олишни орзу қилиб қолар ва кора шақшақлар яхши кўрадиган дараҳт ковакларидан бирига киради, сўнгра у ердаги патлари юлинган, қанотлари тўзиган ҳолда кувиб чиқариларди. Қалдирғоч уясига эса, хатарли бўлгани — ўлдириб қўйишлари мумкин бўлгани учун кирмасди. Шундай қилиб, у чойхонада анча вакт яшади, ер юзида яшовчи бошка барча жониворлардек ҳар куни жуда кўп майда гуноҳлар қилди, лекин ер юзидаги жониворларнинг бирга туриш ва teng ҳукукда бўлишдан иборат ҳаётий қонунлар чегарасидан четга чиқмади, мана шу маънида ўзининг чумчуклик бахтига тамомила лойик эди. Бундан ортиқни ундан кутиш мумкин эмас, албатта, унда ҳеч қандай олий идрок ёки руҳ йўқ эди, вакти соати етганда, умри поёнига этиб, лочиннинг чангалидами, олғир мушукнинг панжасидами ўзининг суртусли минг-минглаб кичкина ҳамжинс биродарларига ўхшаб жимгина ер юзини тарк этиб беному нишон йўқолиб кетган бўлар эди. Лекин улуғ бир тасодиф бошқалар орасидан уни ажратиб олди-да, бармоғини унга

қаратиб «Сен» деди, у мана шу сүз туфайли келгуси асрларга хотира бўлиб қоладиган шону шарафга ва абадий номга эга бўлиб қолди. Ер юзида қанчадан-қанча кишилар тасодифдан мана шу сўзга эришмоқ учун зўр берib ҳаракат қиладилар, лекин унга эриша олмайдилар, мана бу кичкина чумчук эса, унга эришди, абадий номга эга бўлди! Чумчук ҳаётининг риштаси — ингичка сур ип — Хўжа Насриддин қилаётган ишлар ва қаҳрамонликлардан тўқилаётган рангдор гиламга кўшилиб тўқилиб кетди, яъни тарих сахифасидан жой олди.

Ҳаммадан кизини шундаки, бу иш ҳам ўша Гавҳаршод масжиди вайронасида турадиган хўжандлик гадой чол иштирокида рўй берди. Қитобхонлар, чол бу овлоқ тор қишлоғига қандай келиб қолди, нима учун келди!— деб сўрашлари мумкин. Ҳамма гап унинг бу ерда пайдо бўлишида... тўғриси, Хўжа Насриддиннинг олдига келишида. Чол билан Хўжа Насриддин ўртасида узоқ суҳбат бўлди, тўғрироғи, хаёлан суҳбатга ўхшаш бир нарса бўлди, чунки чол бу ерга жисман эмас, руҳан келган эди, шундай бўлса ҳам Хўжа Насриддин уни бутунлай аниқ кўрди ва сўзларини жуда равшан эшилди; бу гаплар унинг тушида бўлдими ёки ўнгига бўлдими, буни аниқ билиб бўлмасди. Ана шу юлдузкезар, бекарор, дудмол фикрли чолнинг руҳий ҳолатда ёки ярим жисмоний ҳолатда пайдо бўлганлигини бир текшириб кўрайлик-чи. Бунинг учун унинг пайдо бўлишини алоҳида ҳикоя қилишга тўғри келади, шундай қилмасак, бу нарса ноаниқ бўлиб қолади, Чумчук тўғрисидаги ҳикояга эса биз мана шу бобнинг ўзидаёқ бир неча саҳифадан кейин яна қайтиб келамиз.

Хўжа Насриддин Оғабек билан эшакни ва кейин ўғрини йўлга солиб, ўзининг янги уйига келди, бу ерда бутун бир кунни ёппа-ёлғиз, фақат Оғабек ташлаб кетган май хумчалари билан суҳбатлашиб, ўй ўйлаб ўтказди. Кекса хизматкорга ичкарига ҳеч кимни — сугориш ташвишида юрган чўраклик чолларни ҳам, ҳаттоқи Сайдни ҳам киргизмасликни топширди.

Унинг ўй ўйлашига асосли сабаб бор эди: бу кун эрталаб кўл ҳақида унинг олдида бир муаммо — мушкул масала пайдо бўлиб қолди, бу муаммо ҳақида у илгари ўйлаб кўрмаган экан.

Мана, у Оғабекни ҳайдади. Құл құлға кирди. Бир вактлар кекса хұжандык гадойга берилған ваъда бажо келтирилди. Хүш, бундан кейин бу құлни нима қилиш керак? Үзи Чұракка күчиб келсінми? Буни Сандга түйнде түёна қылса ҳам бұлади, албатта. Хүш, бунға гадой чол нима деяр экан, бундай қилишни у маъқул күрармиккин? Агарда құл тұғрисида чол бошқача фикрда бўлса-чи? Чол бу тұғрида ҳеч нарса демаган. Энди унинг құл ҳақидаги фикрини үзим үйлаб топишим лозим бўлади! Сукут ва каромат кўрсатадиган бу чол чиндан ҳам бошқаларнинг бошини гангитмоқ учун яратилған экан!

Құшқулоқ хұмча — маккор суҳбатдош: у ҳар вакт айёрлик қилиб, үзини туғида қимматбаҳо гавҳарға үхшаш энг муҳым ҳақиқат яшириңгандек ва ундан ичиләётган майнинг ҳар бир күлтуми кишини үша ҳақиқатга яқынлаштираётгандек қилиб кўрсатади. Ниҳоят, фидокорона гайрат билан идиш туғиға етилғанда, ҳазина талабида юрган серғайрат ботирнинг гавҳарларни териб олиш бир ёқда турсин, уни сийпаб кўришга ҳам мажоли келмай қолади. Хұжа Насриддин ҳам худди шундай аҳволга тушди: бугун у икки марта құшқулоқ хұмча туғиғача етди-ю, икки марта сида ҳам гавҳарсиз куруқ құл шўнғиб чиқди... шундай қилиб, у кечгача дурустrok бир нарса үйлаб тополмади, балки құшқулоқ билан улфатчилик қилмасдан илгари үйлаб қўйған фикрларини ҳам унугиб қўйди, охири уни ғам босиб фикрлари хиралашди, кўнгли ҳеч нарсадан таскин топмади, ниҳоят кекса хизматкор ҳурмат билан уни қўлтиғидан суюб олди-да, икковлари боғ четидаги шийпон томонга юриши, шийпонда ўрин солиб қўйилған эди.

Шийпон бундан бир ҳафта илгари Хұжа Насриддин билан Оғабек бирга ўлтириб улфатчилик қилишган, бу ердан тушиб шаҳзодани кўндиришга боришган шийпоннинг үзгинаси. Тилсимли печак үз жойида турипти, тилсимли қарикиз ҳам ўрнида, бағларида тилсимли чивинлар ҳам ғинғиллашиб юришпти. Хұжа Насриддин ухлаб бораётисиб: «Кошки, бу құлни нима қылсан яхшироқ бўлиши тұғрисида бошимга тилсимли бир фикр келсайди-я», деб кўнглидан кечирди. Илгари құлни излаб топиш, энди бўлса бу құлни нима қилиш керак, деган гоят кўп ташвишларга сабаб бўлған үша хұжандык чолни яна бир марта кўнгли ранжиб эсга олди... энди

унинг бундан бошқа гапларни ўйлашга мадори етмасди: боши боягидан ҳам баттарроқ айланди-да, фикрлари чувалашиб пинакка кетди.

Шийпон эса чиндан ҳам сеҳрли бўлиб чиқди. Хўжа Насриддин бунга қатъий ишонди, чунки тунда бу ерда жуда ҳам сеҳрли бир воқеа рўй берди — унга хўжандлик чол кўринди.

У ярим кеча чамасида кўринди, шийпон ичи бирданга кўм-кўк нур билан ёришди, кейин шу ёруғлик ичидан чол пайдо бўлиб қолди, у туман ичидаги худди юлдуз нурлари каби милтилларди. Хўжа Насриддин бунга ҳайрон қолиши керак эди, бироқ у гўё чолни кутиб тургандек сира ҳам ажабланмади.

Чол қаршидаги курсига ўтириб, силкиллаб турган нуроний соқолини фотиҳа ўқигандек сийпади.

— Ассалому алайкўм, Хўжа Насриддин! Сиз мени бугун ёдингизга олдингиз, мана, мен ҳузурингизга келдим.

— Хуш келибсиз, қадрли отахон! — деди Хўжа Насриддин жавоб берниб.— Яхши келдингиз, энди сизни меҳмон қилиб май қўйиб бераман.

— Майнинг кераги йўқ менга, дарвишлигим, жисмоний лаззатларга сира ҳам майлим йўқлиги эсингиздан чиқиб қолдими? Сизнинг менга қилган бебаҳо яхшилигингизга миннатдорлик изҳор қилмоқ учун келдим. Энди менга ҳеч қандай хавфу хатар қолмади, юлдуз сайрини қайтадан бошласам бўлаверади.

Чол тағин ўзининг панду насиҳатини бошлаб қолармикин, деб Хўжа Насриддиннинг юраги така-пука бўлди-да:

— Миннатдорлик билдиришга арзимайди, — деб унинг сўзини бўлди у.— Хусусан, ҳали мен ишни охирига етказганим йўқ. Сиз жуда ҳам вақтида келдингиз, негаки, мен кўлни бундан кейин нима қилишни билмай хайрон бўлиб юриб эдим. Мана, энди сиз билан шунни маслаҳатлашамиз.

— Кўлни бундан кейин нима қилиш керак дейсизми? Нима қилишни билолмадингизми?

— Каёқдан билай буни, отахон? Энг кейинги гаплашган вақтимизда менга кўл тўғрисида ҳеч нарса айттолмай қолиб эдингиз, хўрот кичқириб қолиб эди.

Чол табассум қилди, шунда унинг ҳамма ёғи липиллаб, тўлқинланиб турган нур билан жимирилаб кетди. У жимирилаб туриб сўзлади:

— Эсимда, эсимда, албатта... мен ўшанда бир оз янглишибман — ҳисобдан адашибман. Бунга сиз ранжиманг, Хўжа Насриддин.

— Мен сира ранжимайман, факат тағин янглишмасак бас. Энди ярим кечага яқинлашиб қолди, сизнинг сўзлаш муҳлатингиз тугамокда. Шунинг учун гапнинг бошиданоқ, асл мақсадга кўчсак, кейин бошқа гапларга ўтсак яхши бўларди.

— Хўп, майли,— рози бўлди чол.— Қани, асл мақсадга кўчайлик бўлмаса. Демак, шундай қилиб ўз мазҳабингизни топдингизми?

— Уни излашга кўл тўскинилик қилди демоқчими-сиэ?— деди Хўжа Насриддин ичидан фижиниб, чунки чол ўз фикрларини тағин кўлдан бошқа томонга бурган эди.— Отахон, мазҳаб излашга сира ҳам фурсатим бўлмади, чунки мен аввало қаердалиги номаълум сиз айтган кўлни излаб топишим, кейин уни ажратиб олишим керак эди, энди бўлса, бундан кейин уни нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлашим керак. Мазҳаб хусусида гаплашишга ҳали улгурамиз; кўл тўғрисида ўзингизнинг оқилона фикрингизни айтсангиз-чи!

Чол ўйлаб туриб жим бўлди, унинг ичидаги юраги ўрнида оч яшилсизмон ўт пайдо бўлди, бу ўт титраб турган ингичка аланга бўлиб юқори чўзилди ва товлана-тovлана липиллаб юқорига — чолнинг лабигача чиқди, бунга қарши чолнинг бошидан кўкимтири бошқа бир оқим тушиб келди; буни кўрган Хўжа Насриддин: кўкимтири оқим фикр бўлса керак, оч яшили эса ҳис-туйғу бўлса керак, булар иккови чолнинг лабларида кўшилиб сўз ҳосил бўлса керак, деб ўйлади.

Дарҳакиқат, шундай бўлиб чиқди ҳам, чол тилга кирди:

— Мана, Хўжа Насриддин, сиз ҳали чинакам донишманд бўлмабсиз. Ахир турмушингизда учрайдиган барча ҳайрат ва шубҳалар, мана шу кўл тўғрисидаги ҳозирги мушкулингизни ҳал қилиш йўли мазҳабингизда яширилган-ку.

— Ундей бўлса ҳал қилиб беринг-да, отахон! Кечинрасиз, ярим кеча бўлиб қолди, ҳамма гапни сўзлашиб олишга вақтингиз оз қолди.

— Хўжа Насриддин, руҳингизнинг яна ҳам такомиллашмоги учун,— деб қизғиши нур ичида тантана билан жимирилади чол ва кўрсаткич бармоғини кўтарди.— Руҳингизнинг яна ҳам такомиллашмоги учун оқибатда ўзинигиз топган мазҳаб воситаси билан кўл тўғрисида керакли хулоса чиқарнишни унинг ўзига қўйиб берсак яхши бўлмасмикин?

Сўз шу ерга етганда Хўжа Насриддин чолнинг бу сафар ҳам кўл тўғрисида керакли сўзни айтмаслигига амин бўлди.

— Майли, бўлмаса, мен сизга миннатдорлик юзасидан сизнинг мазҳаб излашингизга ёрдамлашай,— деди чол давом этиб ва унинг қизғиши нур билан жимирилаши шаффоғ-кумушсимон жимирилашга айланди, кейин тилла рангга ўтиб, бирданига Ҳасан-Ҳусан камалагининг ранг-баранг нурлари тусида жимирилади, бундан ҳатто Хўжа Насриддиннинг ҳам кўзлари қамашиб кетди.— Унинг отини айтмай, сизга тўппа-тўғри излайдиган йўлни кўрсатиб қўяман.

— Бу жуда ҳам соз бўлади, отахон,— деди рози бўлиб одоб билан Хўжа Насриддин.

— Энди ўнг қўлингиз билан менинг сўл кўлимни тутинг.

Хўжа Насриддин унинг қўлини тутиб, факат совук намликни сезди холос, унда ҳеч қандай тан йўқ эди. Чолнинг ичидан нур болқиши кучайиб кетди, камалакнинг ранг-баранг нури шийпоннинг ҳамма ёғига ёйилди.

— Кўзингизни юминг!— деди салобат билан чол.— Ортимдан юринг!

Кўз очиб юмгунча учиш бошланди, бу учиш ниҳоятда тезлигидан Хўжа Насриддин энтикиб кетди:

— Энди кўзингизни очинг!— деган чолнинг овозини эшилди афанди, тўғриси, эшилмади, балки қандайдир бир йўл билан сезди холос.

Афанди кўзини очди. Шийпон йўқ, ҳамма ёқка кўкимтири куюқ туман ёйилган, бу туман чолдан чиққандек эди.

— Қараб, тушиниб олинг,— деди чол милтиллаб жимириларкан, чунки унинг лабидан товуш ўрнига чўзиқ булатча шаклида тўлқинланиб турган жимирилаш чиқди, мана шу булатчада англашилмас бир тарзда турли сўзлар пайдо бўлди, Хўжа Насриддин бу сўзларни эшилмасдан тушуниб олди.

— Ҳеч нарсага қарайёлмаяпман, ҳеч нарсага тушунолмаяпман,— деб жавоб берди у ва ўзининг ҳам чолга жимираш билан жавоб бераётганини бирданига тушуниб қолди, ўзига қараб ҳайрон бўлди, чунки у ўзини чолга ўхшаб бутунлай тумансимон жимирилаган шаффоғ нурга айланган ва одатдаги танасидан асар ҳам қолмаган ҳолатда кўрди.

Хўжа Насриддинни қўркитиш осон эмас эди, лекин ҳозир у жуда ҳам чўчиб кетди: икки дунёни бир қадам қиласидиган бу чол қалтис ҳазил қиласи шекилли!

— Бу... нима бу?.. Қандай бу?..— деб шошиб қолди ва ўзининг дудукланаётган кишига ўхшаш тутилиб-тутилиб, нотекис жимираётганини сезди.— Каердаман... менинг ўзим қаёқда қолдим? Отахон! А?.. Бу иш ортиқча бўлди деяпман сизга, қаёққа йўқотдингиз мени?

Чол қўнгилга таскин берувчи қўм-кўк зумрад тусли нур тарзида жимирилаб жавоб берди:

— Қўрқманг, Хўжа Насриддин, ённингизда мен бор. Ростини айтганда, нима учун бунчалик қаттиқ қўркка-нингизни тушунолмаяпман, арзимаган танингиз сизга нега шунчалик кадрли бўлиб кетди?

— Отахон, сиз билан менинг ўртамда осмон билан ерча фарқ бор!— деди Хўжа Насриддин, ташвиш билан шошилиб ва очқизил нурни кетма-кет жимирилата туриб.— Сизнинг беҳад донолигингиз ва руҳий баркамоллигинги даражасига эриша олармикинман?

Хўжа Насриддин ўзининг чол томонидан абадиј руҳ сифатида қолдирилишидан чўчиб сермулозимат сўзлар билан уни ром қилиб олмоқчи бўлди, лекин шу пайт афандининг жимирилашида ёқимсиз бир сариғлик пайдо бўлди.

Бахтга қарши, чол буни пайқамади, балки пайқаса ҳам одоб юзасидан индамади, яъни ўпкалаб жимирила мади.

— Хотиржам бўлинг, Хўжа Насриддин, танингиз ўзинингизга қайтади. Ана у, қаранг.

Шундан кейин Хўжа Насриддиннинг танасиз назари қаршисида шийпон пайдо бўлди ва шийпонда у ўзини ухлаб ётган ҳолда кўрди.

— Танангиз ўз жойида, жисмоний уйқуда ётибди, ҳолбуки руҳингиз каромат осмонида валийлик билан бедор турибди,— хулоса қиласи чол.— Сизга жуда кўп нарсалар кўриниади, факат тушуниб олишга улгурсангиз, бас.

Аммо Хұжа Насриддин чол таркатған туманга ҳар қанча қараса ҳам ҳеч нарса күролмади ва ҳеч нарса пай-каёлмади. Ҳамма нарса тебранар, чаплашиб кетар, фикр бир нарса устида қарор тополмасди, бу ерда ҳамма нарса бир томондан мүмкіндек күрінса, иккінчи томондан пуч ва асоссыздек туюлар, яъни үндай үйласа ҳам, бундай үйласа ҳам, яна бошқача үйласа ҳам бұлаверарди. Хұжа Насриддин, ерга қайтиб боргандан кейин чукур-рок фикр юритишга асос бұлгудек бирор нарса топил-масмикін деб туман орасын роса излаб күрді, бирок құзинга ҳеч нарса чалинмади.

— Ҳеч нарса тушунмаяпман,— деб тақрорлади у,— Отахон, бу тушунарсиз жой экан. Ер қани, кишилар қаёқда қолди, уларнинг қувонч, қайғу ва ташвишлари қани, ниҳоят сиз айтгандек мен дунёга катта-катта савоб ишлар килиш учун келган бұлсам қани үша савобли ишлар? Ҳамма нарса ноаниқ бұлған бу кора туман ичидә қандай килиб савоб ишлар кила оламан, бу ерда ҳеч кимса йўқ, мен ким учун ҳаракат киласаман? Мен курашадиган ёвуэлик қани, менинг курашларим кимга қарши қаратилади? Юлдузларга қаршими?.. Йўқ, Отахон, юлдузлар макони менинг маконим эмас, илтимос қиласаман, мени пастига, ерга элтиб қўйинг, менинг жойим үша ерда!..

Хұжа Насриддин гапирган сайнн, жимирлаб турған чол хидалашаверди, хидалаша-хидалаша бирданига Хұжа Насриддиннинг құзи олдида эриб кетди-да, ном-нишонсиз ғойиб бўлди. Шундан кейин теваракдаги живир-живир йўқолди, туман ҳам тарқалди, мана тағин Хұжа Насриддин үзининг жонажон ерига, барча нарсани кўриш, эшлиш, сезиш, ҳис этиш мүмкін бўлған ерга, кишилар ўз ҳоҳишиларига қарама-карши ҳаракат қиласаётган, ғайрат билан бир-бирларига ёрдамлашиб ҳаёт кечираётган, ҳар ким ўзи учун роҳат топа оладиган, ҳаммани мамнун этувчи умумий фарофат сари оғишмай интилаётган ерга қайтиб келди.

Хұжа Насриддин уйғониб қўзини очди. Теварак көронғи, нам, салқин эди, салқин шаббода унинг юзини си-лаб үтди, барглар орасидан узок юлдузлар милтиллаб күрінарди, вакт ярим кечадан ошган эди. Унинг боши ҳали бир оз оғриб турар, лекин фикри тиниклашган. Хұжа Насриддин кулимсираб қўйди. Йўқ, у юлдуз кезар чолга йўлдош бўлолмайди, унинг макони, жонажон уйи

ердир. Албатта, осмонга күтарилиш, кашфиётга эга бўлиш ҳам яхши гап, бирок у маъбуда-она ерни ҳар нарсадан афзал деб билади, чунки ерда у ўз фикрлари ҳамда ўз ишларига ўзи эгалик килади.

Шу пайт у кўл ҳакида тагин ўйлаб, ўзини кечагина кийнаб ётган барча гумонлардан батамом кутулганини сезди, энди ҳеч нарса тўғрисида ташвишланмаса ҳам бўлади. «Ажабо, нега мен илгари шундай ўйламабманал!»— деди у, лекин кўл масаласини ҳал қилиш ишида тагин ўзига бўлмағур маслаҳатгўйларни: май хумчаси билан нотаниш чолни танлагани сабабли шундай ўйлай олмагинини сезмади.

Энди чумчук тўғрисида, чумчуқнинг Хўжа Насриддин билан қандай учрашгани ҳакидағи ҳикоямизни дадом эттирамиз.

Улар учрашмасдан ярим соатча илгари бир-бирлари ҳакида ўйлаб ҳам кўришмаган эди: икковлари ҳам бамайлихотир ўз ишлари билан шуғулланишарди; чумчук чойхона бўғотида ўтириб, кечки офтоб нурларида исинар, ботиб бораётган қуёшни видолашув ашуалари билан кузатиб қаттиқ-қаттиқ чирқилларди, Хўжа Насриддин эса пастда, теварагида давра куриб ўтирган чўракликлар билан ҳангомалашиб ўтиради.

У — кўлнинг кузатувчиси, кейин унинг эгаси бўлиб колгандан бери биринчи мартаба чойхонага қадам ранжида қилган вақтида, йиғилиб ўтирган чойхўрлар унинг тўғрисида: энди бу одам бошимизга нима кунлар соларкин? деб сўзлашиб ўтиришган эди. У эса — йўқлаганда ҳозир!— дегандек, чойхона ёнига экилган жўхорипоя орасидан лип этиб чикиб қолди. Гўё бехосдан пайдо бўлиб колиш учун атайин қилгандек, йўл билан эмас, экинзор оралаб келди.

Сафар югуриб келиб хушомад қила кетди, чойхўрлар бу улуғ зотнинг мириқиб чойхўрлик қилишига халақит бермаслик учун таркала бошлишди.

Аммо чойхонага бу сафар Оғабекнинг ёрдамчиси ва меросхўри бўлган Узокбой эмас, Хўжа Насриддин келган эди!

— Йўл бўлсин, оғайнилар?— деди у баланд овоз билан.— Нима, сизларни хафа килиб қўйдимми лейман, мен билан ўтиргинглар ҳам келмай қолди? Сафар, мана

сенга йигирма беш танга, ким қанча чой ичса ҳам йўк демай, бсравергин!

Чўракликлар бундай яхши сўзни эшитиб жуда ҳам ҳайратда қолишиди. Улар Сафарнинг елиб-югуриб олдиларига келтириб кўйган чойнагига қўл теккизишга ботинмай, чўчинкираб деворга суялишиди.

Хўжа Насриддин уларга ич-ичидан ачинарди — бу бечоралар қанчалик эзилиб кетган, қанчалик кўркиб колган-а, бирга ўтириб чой ичишга ҳам, бир оғиз сўз айтишга ҳам ботинмайди-я! Мана шу кичкина чумчук (Хўжа Насриддин ногаҳон чумчукни кўриб қолди, уларнинг муносабати ҳам худди шу пайтдан бошланди) ҳам булардан кўра баҳтлирок, эркинрок!

Шу орада Саид келиб қолди. Ҳайрон бўлиб турган чўракликлар олдида қўлнинг янги хўжайнини у билан эски кадрдонларча каттиқ қучоқлашиб кўришиди. Бунга тушуниб бўлмасди: ахир, бир-бирларини қаёдан танишади, шу вақтгача Саид бу ҳакда нега лом-мим демаган?

Шундан кейин ҳадисираваш йўқола борди, чўракликлар чойнакларга қўл узатишиди, баъзилари Хўжа Насриддинга яқинрок сурнлишиб, у билан гаплаша бошлиди. Хўжа Насриддин тепалик устидаги кулбасида ётавериб кишиларни, улар билан чин кўнгилдан сўзлашиб ўтиришни анча вақтлардан берни соғиниб қолган ва ҳозир эса зоҳидликдан кутилиб ором-ором дам олар эди. У чўракликлардан уларнинг кун кечиришлари ва уй ишлари тўғрисида, тегирмон ёнидаги кўпприкнинг бузилиб қолгани ҳакида, Бобожон кулоғнинг яқинда оғриб қолган биясининг соғлиғи тўғрисида суриштириди. Чўракда бўлган ҳамма воқеалар унга миридан сиригача маълум эди. У гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига қараб кишилар билан ҳазил мутоиба қилди, Мамадалини Зулфиянинг яқинда бўладиган тўйи билан секингина табриклаб кўйди, худди шундай сўзлар билан чойхоначи Сафарни ҳам табриклиди.

У фақат энг муҳим бир нарса ҳакида — сув ва навбатдаги сугориш тўғрисида ҳеч нарса гапиргиси келмади. Ҳолбуки, худди шу масала чўракликларнинг кўнглини таталаб, тилини қичитиб турарди.

Ниҳоят Мамадали сўрашга журъат қилди:

— Айтинг-чи, ҳурматли Узоқбой, экинларимизни сугориш учун сувни қачон бермоқчисиз ва унга қанча ҳак олмоқчисиз?

Чойхонадагилар бирданига жим бўлиб қолиши, факт томдаги чумчукнинг чирқиллаши эштиларди холос.

Жавоб кутиб турган ўнлаб кўзлар Хўжа Насридинга тикилди.

— Сувни ўз вақтида — уч-тўрт кундан кейин оласилар,— деди у.— Сув ҳаки тўғрисида кейинрок, суғориши олдида гаплашамиз.

Чойхонадаги ўнлаб киши бирданига уф тортиб юборди.

— Агар пулимиз етмаса-чи?..— гапини давом эттириди Мамадали.

— Етади!— унинг сўзини бўлди Хўжа Насридин.— Ерларингизга сув юборамиз; гап битта, ҳамманглар эшитиб кўйинглар.

Утирганлар бу сафар енгил уф тортиб кўйиншиди.

— Демак, сув бўлади! Ҳақиқатан Узокбой яхши одам, мурувватли киши экан!— деб ҳамманинг кўнгли таскин топди.

Томдаги чумчук ҳам гўё ўз ерига сув ва уйига баҳт беришни ваъда килишгандек миннатдорчилик юзасидан қувона-кувона чукурлар, чирқиллар, файратидан патлари ҳурпайиб кетарди...

— Ҳа, сизлар сув оласизлар! Сизлар ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам ўз ерларингизга бемалол сув олаверасизлар!— Хўжа Насридиннинг овози бир нафасгина тинди, бадани жимирилашиб кетди; агар унинг баданида патлар бўлса ҳурпайган ва силкиниб кетган бўларди.— Ишонаверинглар менга, қора кунларингиз энди орқада колди!

Шундан кейин у жим бўлди. У катта ваъда бериб юборган эди. Чўракликлар қимир этишга ҳам қўркар, фактак кўзларидаги нур тобора равшанланиб борарди.

Аммо ер ҳамон ерлигича қолаверди, унинг ўзига хос конунлари ва ўз тартиблари бор, кўнгилдаги ишларни амалга оширмоқ учун ана шу конунларни билиш ва шулардан фойдалана олиш керак. Хўжа Насридин фируза осмонда узоқ вақт парвоз қилишни ўзига эп кўрмади, У ўткир акли туфайли ердаги ҳамма нарса: яхшилик билан ёмонлик, камолат билан нодонлик, олижаноблик билан разолат, гўзаллик билан хунуклик, қувонч билан қайғу ва поклик билан нопоклик аралашиб кетган ҳаки-

кий ҳаётга қайтиб тушди. Хўжа Насриддин асоси қара-ма-қаршиликлардан иборат бўлган бу ҳаёт оғушида ўзининг эзгу ниятлари яхшилик билан тугаши учун бундан кейин оқилона ва эпчиллик билан иш кўриши лозим.

У чўракликларни бир кунда кўздан кечириб чиқди. Ахир, афанди уларни юрак-юракдан севарди, лекин бу уларнинг руҳидаги олижаноблик, поклик, эзгулик билан бир каторда пасткашлик, мужмаллик, манфаатпрастлик хислатларини кўришга халақит бермасди. У ўз тасаввўрида кишиларни фариштага айлантириб кўймай, ҳакиқатда қандай бўлсалар шу ҳолда севарди, унинг кишиларга бўлган муҳаббатининг фойдали тарафи ҳам ма-на шунда эди.

— Кани айтинглар-чи, кеча Шермат билан Ёрмат ни-мага уришиши? — сўради Хўжа Насриддин.

— Кариб ўтиндаги бошқага ярамайдиган бўлиб колган тут дарахтини талашиб жанжаллашиши,— тушунтирди Сафар.— Униси ҳам менини дейди, буниси ҳам, уриш шундан бошланди.

— Нега энди? Қок ўртасидан арралаб, бўлиб олиша колишса бўлмасмиди?

— Албатта бўларди, аммо иккови ҳам фақат менга бўлса дейишди.

Кишилардаги бу хусусиятлар Хўжа Насриддинга аллақачонлардан бери маълум эди.

У бир оз сукут килиб, яна сўради:

— Айтинглар-чи, ҳов анови йўл ёқасидаги чирик, нимжон терак кимники?

— У менинг терагим! — шошиб жавоб берди Дода-бой кулол,— ҳамма билади, у менини!

Кулолнинг кўз ва лаблари қисишлиб, ияги олдинга бўртиб чиқди. Бу важоҳатда у, баҳоси икки тангадан ошмайдиган мана шу чирик теракни мабодо бирор даъво килса борми, кўрсатадиганини кўрсатиб кўярди.

— Майли,— деди Хўжа Насриддин.— Сизники бўла колсин,— даъво қилмайман. Анави ариқ устига энгашиб ўсган кичкина тол кимники?

— Менини! — деди шошганча жувозкаш Раҳмон.

— Нега сенини бўлар экан? — ёзғирди Усмон дехкон.— Нимага суюлиб айтяпсан бу гапни?

— Менинг еримда-ку, демак менинида!

— Ана холос! — хитоб килди Усмон.— Эшитяпензлар-а, халойик! Унинг ерида эмиш!..

— Албатта менинг еримда-да!

— Кимнинг ерида эканини ҳали қўрамиз! — ўшқирди Усмон, қизариб-бўзарив, овозини кутарганча.— Унинг шохларигина сенинг тарафингга эгилган холос, илдизинчи, илдизи менинг еримда-ку!

— Сенинг ерингдами, ҳали? — тўнгиллади бўш келмай жувозкаш.— Қачондан бери шундай бўлиб қолди-а?

— Тура туринглар, айтишманглар! — ўртага тушди Хўжа Насриддин, жанжалнинг олдини олишга шошилиб.— Айтишманглар деяпман, сизларга! Ахир, мен ма-на шу ҳеч кимга кераги йўқ, сарик чақага ҳам арзимайдиган кичкина толларингни тортиб ҳам, сотиб ҳам олмоқчи эмасман-ку. Кимники бўлса ҳам майли, ўсоверсин турган жойида. Ҳов анави сертикан итбуруннинг ҳам эгаси борми?

— У менинг еримда ўсяпти,— деб жавоб берди Мамадали.

Хўжа Насриддин, узок ўй суриб қолди.

Шу орада кун ботди, унинг дарахт учларидағи сўнгги нурлари сўнди, борлик узра кул ранг оқшом чўкли. Кўёшнинг сўнгги нурлари билан бирга чумчукнинг сайраши ҳам тиниб, у сўнгги мартаба ҳурпайиб силкинди-да, бўғотдаги уясига лип этиб кириб кетди.

Шу пайт Хўжа Насриддин чумчукнинг уя сиртида колган думининг учини кўриб қолди.

— Ҳозир уясига кириб кетган анави чумчук ҳам бирорвикими? — деб сўради у.

Бу сўзни кўпчилик ҳазилга йўйди: теваракдагилар жилмайишиб, кулиб юборишли.

— Унинг ҳам эгаси борми? — савол яна такрорланди.

— Ким бўларди унинг эгаси? — истеҳзо билан жавоб берди Мамадали.— У ҳеч кимдан сўрамасдан хоҳлаган вактида боши оқкан томонга қараб учади, у барчага баробар, ҳаммамизнинг боғимизга бориб узумларимизни чўқиб ташлайди, ховлиларга тушиб тўкилган донларни териб ейди. У ҳамманини, уни ҳеч ким менини деёлмайди.

Хўжа Насриддинга ҳам худди мана шундай ҳамманини бўлган чумчук керак эди.

— Балки, Сафарбой, унга сизнинг дахлингиз бордир?

— Йүфө, нега энди? — деб кулди чойхоначи, тишиз милкларини иржайтириб ва юзларини буриштириб. — Бу чумчук мана шу ерда бўғот тагида қисилиб ётади, мен унга тегмайман, у менга тегмайди. Турса тураверсин, ахир бир-бирамизга халақит бермаймиз-ку. Эркин кушча у...

— Менга битта шоти олиб келгин, Сафар!

Мамадали кулол билан жувозкаш кўз уриштириб олишди; чойхонадагиларнинг ҳаммаси бир-бирларига қарашиб, «нима гап?» — дегандек имо-ишора қилишди.

Сафар ҳеч нарсага тушунмай бир шоти судраб келди. Хўжа Насриддин шотини деворга қўйиб уч погона босиб кўтарилиди, бўғотдаги тешикка қўлини тикиб пай-паслади, худди бир нарсани дикқат билан тинглаётган кишидек қошини кериб, чумчукни уясидан суғуриб олди, чумчук ўтакаси ёрилгудек қўрқиб кетган эди.

— Қафасни олиб кел, қафасни! — деди у.

Чойхонадаги қакир-қукурлар орасидан битта эски қафас топилди.

— Мана, Сафарбой, саклаш учун буни сизга берамиз, — деди Хўжа Насриддин, чумчукни қафасга солиб, — ҳушёр бўлиб қарайсиз-да, буни яхши боқинг, сувинни тез-тез ўзгартириб туринг, касал-пасал бўлиб қолмасин тағин. Эсингизда бўлсин, бу жуда қимматбаҳо чумчук, бунга яқинда ўзингиз ҳам қойил бўласиз.

Хўжа Насриддин мана шу сўзлар билан чойхонадаги кечки ишларини тугатган бўлди ва чўракликларга «яхши туш кўринглар», деди-да, уйига жўнади.

Сайд уни кузатиб қўйишга кетган эди, жуда хурсанд бўлиб қайтди. Лекин ҳеч кимга ҳеч нарса айтгиси келмади, шундай қилиб чўракликлар кўлнинг янги хўжайинидан Сайд эшитган фоят қувончили гаплар нима эканини билишолмай қолишиди. Аммо бу гапларни Зулфия билиларди. Албатта у хабардор эди!

— Ҳаммаси: уй ҳам, боғ ҳам сизларники, — деди у.

— Йўқ, у ҳазиллашган бўлса керак. Ҳамма нарсани бизга берса ўзига нима қолади?

— Эй Зулфияхон, бу жуда ҳам бошқача одам: ниманки деса сўзининг устидан чиқади! Ахир у менга энг қимматли нарсани — сени тортиқ қилди-ку.

— Биз шу ўю боғсиз ҳам баҳтли бўламиз, Сайд. Ахир, биз ҳам ўзимизга бир уй куриб ололмаймизми?

— Ҳар қалай у одам ҳазил қилмаган бўлса керак деб ўйлайман.— У бу гапни айтганда кўзида одатдагидан бошқачароқ бир нур чакнаб туради.

— Ҳа, сиз ажойиб бир кишига йўлиқдингиз, Санд! Ўша киши бизнинг Чўракда пайдо бўлгандан бери кун кўришимиз бошқача бўлиб қолди, худди булут орасидан кун чиққандагидек яркираб кетди.

— Ўзин ким экан? Қаердан келган? Бизнинг Чўракда қанча вакт туар экан?

Тун аста ўтиб борарди. Ердан осмонга тўрт томондан шамол кўтарилиб, юлдузларнинг милтиллашини кучайтириди, шимолдан келган салқин шамол — кўк юлдузлар учун, жанубдан келган иссиқ шамол — кизил юлдузлар учун, фарбдан келгани — оқ юлдузлар учун, шарқдан келгани — яшил юлдузлар учун эди; баланд осмондан ер юзига, худди тўрт денгиз коплагандек, тўрт хил уйку ёйилди, ёвуздар ва золимлар учун — кора рангдаги уйқу, уларга кўркоқликдан ёки манфаатпараматликдан кўмаклашиб юрадиганлар учун — корамтири, сариқ рангдаги уйқу, холис ниятли барча меҳнат кишилари учун — мовий рангдаги уйқу, эзгу йўлдаги қаҳрамон жангчилар учун — ўтсимон покиза ёқут рангдаги уйқу.

Кекса қози Абдрураҳмон маймок кайтишида Чўракка кирди-да, ўша чойхонага тушди, ўша ўн бешта кўрпа устида ётди, миrzаси вактини бекор ўтказмаслик учун кўлнинг янги хўжайини билан гаплашиб келишга кетган эди, қози ўнг кўзини чақчайтириб уни кутиб ўтириди.

Миrzа чойхонага қош корайганда кайтиб келди ва ҳеч нарса демай, қозига панжасини кериб — беш бармоғини кўрсатди. Бу — беш юз танга деган сўз эди.

Кекса маккор чукур бир хўрсниниб қўйди, унинг бутун юзи илиқ сариёққа ботиб кетгандек бўлди, кейин у ширин бир мудроқ билан кўзини юмди. Энди яна кўзини очиб, дунёга караганда — чап кўзи бакрайиб туради.

У миrzадан оғир ҳамённи олиб белбоғининг қатига қистирди, эртага ҳеч нарсадан ажабланмайдиган, қайтмайдиган ва ҳар кандай аҳдномани тасдиқлайверадиган, ҳатто имонли бир мусулмоннинг жонини нақ шайтоннинг ўзига, унинг қўтири куйруғидан тушиб колган бир тола қил баробарига бўлса-да, ўтказиб берадиган аҳднома бўлса ҳам тасдиқлайверадиган бўлиб олди.

Эртасига у дарҳақиқат ажабланмади. Хўжа Насриддиндан ўз кўлини битта чумчукқа, биронта айрим кишини ғасири эмас, бутун чўракликларнинг умумий моли бўлган бир чумчукқа айрибосх қилишга қатъий ният қилганини эшитганда ҳам ажабланмади.

Қафас худди шу ерда туарди. Чумчук ҳам қафасга анча ўрганиб қолибди; шу кунларда чумчук Сафар сочайтган кунжут доналарини териб у ердан бу ерга сакрар ва тинимсиз чирқилларди.

Қози чап кўзи билан чумчукқа бир назар солди, аҳдномани тузиш учун ҳеч қандай монелик йўқ дегандек, калласини лиқиллатиб розилик билдириди.

Чойхона олдидаги кўчани тўлдириб турган ҳалойик тиқилишиб суримишар ва ғовур-ғувур килишарди; чўракликларнинг кўз ўнгига эзгу бир каромат содир бўлмоқда, бунга ҳамма катта-кичик ишонарди. Гўёки Тўрахон буванинг ўзлари буларнинг қишлоғига мана шу Узоқбой қиёфасида кириб келгандек туюларди.

Кекса қози бу мурофеани¹ ўзига ёд бўлиб кетган маккорлик билан бемалол бошқариб борарди. Чумчукни олмос деб аташди, унинг вазнини уч кумуш танга оғирлигига тенг келади дейишди. Қозихона дафтарига ҳам шундай деб ёзиши.

Мирза иккита қофоз ёзди, буларнинг бири Хўжа Насриддиннинг номига ўтказиб бериладиган бутун, сийқаланмаган учта кумуш танга вазнидаги олмоснинг ҳужжати ва иккинчиси — ҳамманинг биргаликда тенг ҳуқук билан абадий фойдаланиши учун чўракликларга ўтказиб бериладиган кўлнинг ҳужжати эди.

Хўжа Насриддин иккала қофозга бармоқ босди.

Кейин сўри олдига чўракликлар тизилишди. Улар орасида биронта ҳам саводли киши йўқ эди; шунинг учун ҳамма довотдаги хитой сиёҳига бармоғини ботириб қофозга босарди. Мирза ҳар бир босилган бармоқ тагига бармоқ босган кишининг номини ёзиб қўярди.

— Келаверинглар, келаверинглар, қўрқманглар! — дерди уларга Хўжа Насриддин.— Тезроқ келиб қолинглар, чунки бу семиз чумчукни чайнаш орзуисида сабру тоқатим қолмади, сизлар эса сусткашлик қилиб менинг луқмамни кечиктиряпсизлар.

¹ Мурофеа — суд процесси.

Бармоқ босадиган чўракликлар жуда кўп эди — Ерматлар, Шерматлар, Юнуслар, Расуллар, Додабою, Жўрабойлар, Бобожону, Аминжонлар ва бошқа-бошқалар беҳисоб эди... Шундай бўлса ҳам туш вактига борибгина бармоқ босиш тугалланди.

Ҳаммадан кейин Мұҳаммад Усмон ўғли деган одам бармоқ босди. Кейин қози аҳднома тайёр бўлганини карнай чалгандек варанглаган овоз билан ҳаммага маълум қилди.

Иккинчи аҳднома дарров тайёр бўлди. У Сандга ўтказиб берилган уй билан боғнинг оддийгина баҳшиш қоғиз эди.

Чўракликлар худди сеҳрлангандек, дамларини ичларига ютиб, кимир этмай туришарди.

Мирза дафтари ни ёпди, қози инқиллаб ўн бешта кўрпа тахи устидан тушди-да, букчайиб ўз араваси томон жўнади, у шошилаётган эди.

Аравакаш «чуҳ» деди, от кучанди, ортки оёқларига тирагиб чиранди, шундан кейин арава қўзғалди, ғичирлаб юриб кетди. Гарчи йўл ҳам ўша илгариги йўл, арава ҳам ўша бўлса-да, лекин бу сафар ғилдираклар из киркиб гирилламас, кўп йиллардан бери биринчи мартаба силлик ва тўғри юриши эди, чап тарафга қийшайиб юришга ўрганиб қолган кекса қози бўлса нима учун ўзининг бугун ковушолмай нокулай ўтирганига ҳеч тушунолмасди.

Хўжа Насриддин кўл бўйнда бош тўғон тепасида чўракликлар билан видолашди.

У кўлга қараб туришни Сандга топшира туриб бундай деди:

— Экининг ариқнинг энг этагида бўлсин, шунда ҳамманинг экинини сугориб бўлмасдан олдин ўз экинингни сугора олмайсан. Сен ранжиб юрмагин тағин: бу гап жуда муҳим гап, ҳаммага ҳам фойдаси бор гап, олдиндан тайинлаб айтиб қўйиш ёмон бўлмайди. Мана тўғоннинг калити сенга. Бу сувни қўз корачифидек сақлагни, сизларнинг ҳаётингиз мана шу сувга боғлик.

Санд қулфни очди. Хўжа Насриддин билан тўғон таҳтасининг дастасидан тутиб тамбани кўтаришли. Сув шариллаб, кўпирив ўзини бош арикка урди, қуёш нурида ялт-юлт қилиб жилваланди; кирғокдаги толларнинг осилиб ўсган шох-шаббалари сувда оқиб букилар, тез-тез титраб қалтирас, барглари яшариб ларzon бўлар в

окимга илашиб тортилар, ҳаммаси бир тарафга караб сувнинг бетини тарагандек сийпаларди.

— Мана, сизлар сувни олдингизлар! — деди Хўжа Насриддин чўракликларга.— У энди сизларни очликдан, муҳтоҷлик ва хавфу хатардан кутқаради. Бу одамнинг одам бўлиши учун зарур нарса, аммо ҳали бу камлик қиласи. Ҳар биримизнинг ичимиизда биттадан тамагир бекиниб ётиби, озодликка эришишимизга энг катта душман мана шу! Тамагирликни йўқотиш керак, бусиз одам бўлиш, оламдаги ҳамма нарсадан улуғ бўлган инсонлик номига лойиқ бўлиш мумкин эмас! Энди бундан кейин Чўракда борган сайин очкўзлик, тамагирлик, «мен» деган сўз камроқ эштилсан, унинг ўрнини олий ва эзгу «биз» эгалласин, хайр, хуш колинглар, энди ўз юртларингизда ва ўз хонадонларингизда ҳамиша бахтли бўлинглар, алванд!

Тўпланганлар орасидан миннатдорлик ва ташаккур овозлари эшитилди, кўплари кўзларини ёшлаб олишди.

У қафасни кўтариб, ичидан чумчукни чиқариб олдида, бор кучи билан уни осмонга улоқтирди. Ортиқча кўп дон еб оғирлашиб қолган чумчук ерга келиб урилишга сал қолди, лекин вақтида қанотларини ёзиб ўзини тутиб олди-да, кўк сари парвоз қила кетди.

— Чойхонадаги жуфтининг ёнига учиб кетди — деди Хўжа Насриддин,— бу «олмос»ни мен сизларга ўзимдан эсадалик учун ташлаб кетаман.

Чумчукни бўшатиб юбориш билан у Чўракдаги ҳамма ишини тугатди, энди унинг бу ерда ҳеч қандай илинжи йўқ эди.

Чўракликларга турмушларида баҳт, ишларида омад тилаб яна бир марта таъзим қилди-да, бир четда туришган Мамадали, Сафар, Сайд ва Зулфияларнинг ёнига борди:

— Ҳаммаларингиз мени Узоқбой, деб атаб келдинглар. Лекин билиб қўйингларки, бу менинг отим эмас, бу отни мен ёмон қўраман. Мен бу номни беихтиёр қабул қилганман. Мени эсга олганингларда, бошқачароқ ном билан атанглар.

— Отингиз нима, бўлмаса?

— Ўйлаб қўринглар, балки топиб коларсизлар.

Хўжа Насриддин уларнинг нарироқкача қузатиб қўйишларига унамади, суви тез оқаётган ариқни ёқалаб якка ўзи кетди. Вакт тўхтаб қолгандек бўлди.

Чўракликлар ҳеч қачонгача эсларидан чикмайдиган ажойиб меҳмонлари ошиб кетган тепаликдан кўзларини узмай, анча вактгача жим туриб қолишиди.

Саид тўсатдан қичкириб юборди:

— Мен билдим! Мен топдим!

У уйқусирагандек кўлларини юзига қилиб, гўё юзи-даги мезон ипларини олиб ташлаётгандек сийпади:

— Хўжа Насриддин! Бу кишининг асли исми мана шу!

Шу билан бирданига барча сир аниқ бўлди кўйди. Албатта Хўжа Насриддин!.. дейишарди улар. Шунинг учун ҳам ҳар ким буни олдинроқ ўйламаганига ҳайрон эди, ҳар кимга бу гап илгари кўнглига келгандек, факат чукурроқ ўйламагандек бўлиб кўринарди.

Саид қирғоқдаги сўқмоқ бўйлаб Хўжа Насриддин изидан югорди.

— Хўжа Насриддин! Хўжа Насриддин!

Унинг бу чақириғига акс садо кучсиз янграб жавоб берди, Хўжа Насриддин эса индамай йўлини давом эттираверди.

Уттиз еттинчи боб

Кўконга эсон-омон бориб олгандан кейин Оғабек миясига узок сафарга бир ўзи, айниқса белбоғда шунча пул билан чикиш, албатта хатарли, бирор карвонга қўшилганим маъкулроқ бўлар, деган фикр келди. Шунинг учун Кўконда бир оз туриб қолишга тўғри келди, худди шу вақт Кўконга Хўжа Насриддин ҳам етиб келди.

Ўғри уни қуйидаги сўзлар билан қарши олди:

— Агар яна бир кун кечиксангиз, етолмай қолардингиз. Эртага кечаси бир карвон Стамбулга сафар қиласди, Оғабек ҳам шулар билан бирга йўлга чиқади.

— Демак, эртага ишимиз кўп бўлар экан-да,— деди Хўжа Насриддин.— Менинг қадрдон эшагимнинг аҳволи қалай?

— Эшагингиз саломат, факат зерикиб қолди. Сизни жуда ҳам соғинган.

— Шундай жудолик бўлгандан кейин соғинади-да! Майли, эртага топишиб оламиз. Демак, Оғабек ҳали Раҳимбойга учрашмади, унга қимматбаҳо тошларни таклиф қилгани йўқ, дейсанми?

— Пўк, ҳали тошларни унга олиб боргани йўқ. Мен унинг ҳар бир қадамини кузатиб юрибман.

— Худонинг ўзи мададкор бизга!

Улар гилам ўрнига кигиз тўшалган, мис чойдиш ўрнига чўян қумғон қайнатилган, шам ўрнига кора чирок ёқилган хароб ва ифлос кичкина бир чойхонада ўтиришарди, бу чойхона тантанали зиёфатга тасодифий кириб қолиб, ўнгайсиз ҳолда қолган гадойдек кичкина бир кўчадан катта бозор майдонига қўрқа пуса афтодаҳоллик билан қараб туради. Саҳнининг теварагига машъаллар ёқилган, меҳмонларни ўзига жалб қилиш учун тун қоронғилигини карнай, сурнай ва така-тум овозлари қоплаган серҳашам катта чойхоналарнинг ўртаси ҳакиқатан ҳам бу чойхонага муносиб жой эмасди.

Оғабек мана шу серҳашам чойхоналардан бирига тушган эди, ўғри унинг қайси чойхонага тушганлигини аник кўрсатди.

— У — вазир, унга шундай серҳашам чойхоналар ярашади,— деб жавоб берди Хўжа Насриддин.

Майнин, ёқимли шабада эсиб туради, кундузги жазира маисидан дармонсизланган шаҳар тоза ва салқин тун ҳавосида роҳатланиб дам оларди, янги туғилган ой бир вактлар Хўжа Хоғиз Шерозий айтгандек, «Шерозлик турк қизларининг қоши»га ўхшаб ингичка ёй бўлиб осмонда эндиғина кўринган эди... Хўжа Насриддин, аҳолиси кўп катта шаҳарларнинг мана шундай вактларини, жўшқин ҳаётнинг эндиғи кун тўлкинларига куч тўплаётганга ўхшаган мана шу қисқагина сукунатини доим яхши кўради. У ҳаёт конуни қарама-каршиликдан иборат эканлигини аллақачонлар билиб олган эди, меҳнатсиз роҳат бўлмайди, жонини аяган зафар козонолмайди, Хўжа Насриддин Хўжанддаги оқшом сукунатига тоқат қилолмасди — бу ерда кундузлари қайнаб турувчи катта бозорда бу сукунат бир лаҳзали бўлса ҳам унга хуш ёкарди.

Турли миллат кишиларининг овозлари қўшилиб чиқаётган қий-чув тўполонлари билан қайнаб тошган тонгни ҳам у худди шундай мамнун қиёфада қарши олди. Чанг-тўзон кўтарилиб, осмонни хиралаштириди, оғизга кириб тишлар орасида ғижирлади, димокқа кириб бурун катакларини тўлдириди, офтоб қизитган ер узун равшан қўланкаларни ютиб юборгандек бўлди, минораларнинг кошинлари қизиб, теваракларидағи ҳавони эритиб, жи-

мирлаштириб юборди, яна ярим соат ўтар-ўтмас бозорда нафас олиб бўлмай қолди!

Шу пайт ҳашаматли чойхонада нонушта қилиб бўлган Оғабек қаддини ростлаб ёстиқдан турди.

— Ҳой чойхоначи, қанча кун турган бўлсам, ҳисоблаб пулингни ол. Кейин бориб, сержун узун кулогимни етаклаб келгин.

У эшакни орқаворотдан ҳурмат қилиб шундай деб атарди, чунки Миср саройига борганда фалокат босиб бехосдан оғзидан эшак сўзи чиқиб кетиб ҳибсга тушиб қолишдан кўрқар эди.

Оғабекнинг чиқишини чойхона яқинида эрталабдан кутиб турган Хўжа Насриддин билан ўғри бир бурчакка бекинишиди.

Мисрнинг бўлғуси вазири буларни пайқамай эшакни етаклаганча уларнинг ёнгинасидан савлат тўкиб, ўтиб кетди. Сержун узун кулок маъюс кўринарди, тумшуғи осилган кулоклари шалвираб, мадорсиз думининг учигина қимиirlарди холос.

— Куончаклигини каранг,— деди Хўжа Насриддинга ўғри.— Зап вафодар-да, кўп одам бундан ибрат олса бўлади.

Улар серғалва усти ёпик расталардаги киши чидаб бўлмайдиган ур-сур тумонат орасида Оғабекнинг орқасидан эргашиб кетишиди, расталарда фаррошлар сувни кўп сепганидан, ердан кўтарилган буғдан ҳаво бузилган, нафас олиб бўлмасди, ёйиб ташланган кўнлар, бўёклар, чет эллардан келган зиравор дорилар, ташландиқ нарсаларнинг, қалин чопон ичида терга пишиб кетган сочувчи ва харидорларнинг кўланса ҳидлари аралашиб, шу қадар биқсиб кетган эдики, елимга ўхшаб одамнинг юз кўзига ёпишиб қоларди. Оғабек бўёқчилар, пойафзалчилар, эгарчилар растасидан ўтиб, катта бозор ариғи ёқасига чиқди. Хўжа Насриддин ўғрини тирсаги билан туртди:

— Раҳимбой саррофнинг дўконини кидиряпти.

Семиз Раҳимбой сарроф бугун шу вақтгача бай очмай, дўконида зерикканидан эснаб ўтиради. Унинг ўз аслига қайтган юм-юмалоқ лўппи юзи, таралган тоза соқоли, сузилиб турган бегам кўзларидан ўша сандикдаги ҳангомадан кейин унинг ҳузур-ҳаловатини ҳеч қан-

дай ғалва-жанжал бузмаганлиги күриниб турарди. Дар-ҳақиқат, шундай эди; ўшанда ранжиб қолган рафиқаси уни афв қилди ва унга илтифот кўрсатди, арабий арғу-моқлар соғ-саломат учта кузатувчи назоратида келгуси пойгани кутиб туллакхонада гижинглаб туришибди; амалдор гарчи совуқкина бўлса ҳам унинг таъзим қилиб берган саломига алик оларди; хуллас, саррофнинг тур-муши аввалги изига тушниб қолган эди.

Энди уни ҳеч нарса, ҳатто бугун эрталабдан бошлан-ған иссик ҳам ташвишга солмасди, аксинча, у бугун туш вактида дўконини ёпиб, уйидаги рафиқасининг ёнида ҳу-зур қилиб дам олишни ўйлаб ўтиради. Хом сут эмган бандад! Ҳозирданоқ унинг беташвиш боши устида янги ғалвалар бўрони довул қоқиб гир айланиб турибди.

Шу пайт дўкони олдига басавлат, эшак етаклаган бир киши келиб тўхтади:

— Ассалому алайкум, худо касбукорингизга кушо-йиш берсинг! Раҳимбой деган савдогар сиз бўласизми?

— Топдингиз, ҳа, мен Раҳимбойман. Марҳамат, мар-ҳамат, ҳўш, хизмат?

— Мен ҳалол савдогар эканингизнинг таърифини тоғ орқасидаёқ эшигтанман, шунинг учун Кўқондаги барча саррофлар орасидан факат сизни излаб келдим.

Раҳимбой ҳам бошқа муғамбирларга ўхшаб, киши-ларнинг ўзи тўғрисидаги фикрини билишга жуда ўч эди; шунинг учун сарроф Оғабекнинг сўзларидан хурсанд бў-либ, унга астойдил эътибор бера бошлади; шу билан бирга у ўзининг туғма қувлигига мувоғик, қаршидаги кишини устомонлик билан кўлга тушириш ниятида ўз мақсадини сездирмай, ширин сўзлик билан амалга оши-ришни ҳам унутмаганди.

— Бундай гаплар билан ҳузуримга келадиган ёлғиз сиз эмас меҳмон,— деди Раҳимбой мағрурлик билан пишиллаб ва думалок йўғон қорнини силаб туриб,— худоға шукур, мени бутун Фарғона ва ундан узокдагилар ҳам танишади, шу кунгача ҳалол одам бўлиб келдик, бундан кейин ҳам иншоолло шундай ҳалоллигимизча қоламиз...

— Яхши ном олтиндан ҳам киммат,— деди Оғабек мулоийим таъзим қилиб.

Сарроф ҳам жим қолгиси қелмади — худди шундай таъзим билан жавоб берди:

— Узингга муносиб доно суҳбатдошга йўликиш — ундан ҳам қимматрок.

— Айни ҳақиқат! — деди Оғабек. — Худо бугун менга худди шундай кишини йўлиқтириди.

— Бу сўзлар олижанобликдан айтилган сўзлар,— деб жавоб берди сарроф.

— Бу сўзлар — айни кўзгу, ўз рўпарасидагини акс эттириди,— деб улаб кетди Оғабек.

Шундай қилиб улар анча вақтгача бир-бирларига мулоzимат қилиб, бир-бирларини мактаб кўкларга кўтаришда мусобақа қилишди; шу орада саррофнинг кўзи — унинг фикру зикрининг ҳақиқий кўзгуси — торгина тешикка айланди, меҳмонни тимирскилаб изғиди, чопди ва унинг белбоғи қатларидан ўтиб ҳамённинг ичига киришга тиришди.

Ниҳоят, улар ишга киришдилар. Раҳимбой Оғабекка бир ҳовуч жаранглаган тиллани санаб берди. Бу Кўқон бозорида юрадиган динор ва тангаларнинг баҳосига солиштиргандан асли бериладиган микдордан беш тилла кам эди, тиллаларни бераркан, у чукур бир хўрсиниб кўйди-да, сўнги вақтларда арабий тилла баҳоси жуда ҳам ошиб кетганини айтди, бу албатта фирт ёлғон эди. Оғабекнинг ўзи ҳам бундай ёлғонларда ундан қолиш масди, шунинг учун маъноли бир заҳарханда билан илжайиб кўйди-ю, лекин баҳслашишга киришмади, нима ҳам бўларди, бу арзимас беш тилла, уни Миср саройининг хазинаси кутиб турибди-ку!

— Энди жанобингизга тағин битта ишим бор,— деди у саррофнинг шакаргуфтор сўзларини бўлиб ва динорларни думалоқ қора кўн ҳамёнга солиб белбоғига қистирди-да, яна бошқа бир ҳамён олди.— Бунда қимматбаҳо тошлар: зебгардон, билагузук ва балдоклар бор. Сиз буларни сотиб олмайсизми?

— Тисс! — деди Раҳимбой дўкон олдидаги кўндаланг тахтадан бошини чиқариб, бу яқин орада сокчи ёки бирор айғоқчи йўқмикин, деб ўнгу сўлига қаради.— Кўқонда бундай нарсаларни олдин бошлиқларга кўрсатиб олмай туриб, олди-сотди қилиш тақиқ қилингандигини эшишмаганмисиз, меҳмон? Худо кўрсатмасин, бир фалокатга йўлиқиб қолиш мумкин, унда сиз қимматбаҳо тошларингиздан айриласиз, мени қамаб қўйишади.

— Мен ҳам эшишганман, лекин ўйлайманки, ақли бор икки одамнинг ўртасида...

— Соф виждонли одамлар,— деб шошиб-пишиб күшди сарроф.

— Энг муҳими — эҳтиёткор кишилар,— деди Оғабек.

Улар илжайишиб сўзни тамом қилишди, уларга энди сўзнинг ҳожати қолмаган эди.

Раҳимбой бирор сокчи келиб колса, унинг кўзини шамғалат қилиш учун тахта устига бир ҳовуч кумуш танга тўкиб кўйди, кейин ҳамёнинг оғзини ечди ва қимматбаҳо тошларни сиртга чикармай туриб кўриш учун унинг оғзини лабурди.

Яқинрокда, бир бурчакда бекиниб турган ўғри билан Хўжа Насриддин, сарроф семиз юзи қизариб, бўзараётганини ва ғазабдан соқолининг толалари титраётганини томоша қилиб туришарди.

— Хўш, айтинг-чи, меҳмон, қани айтинг-чи менга, бу кимматли буюмлар качон, каердан ва қандай қилиб қўлингизга тушнаб қолди?

— Сарроф жаноблари,— деди Оғабек жавоб бераб,— биз бу саволларни бошлиқларга қолдирамиз, ахир биз уларсиз савдо килмоқчи бўлиб эдик-ку! Сиз учун бу нарсалар качон ва қандай килиб қўлимга келгани барибир эмасми? Сизнинг ишингиз бу нарсаларни олиш ёки олмаслик. Агар оладиган бўлсангиз — олти минг тангани тўлайсиз, вассалом.

— Пул дейсанми? — деб энтикди сарроф.— Тағин олти минг эмиш-а! Узимнинг хусусий нарсаларимга-я, мендан ўғирлаб кетилган нарсаларга пул тўлаб оламни?

Гап шу ерга етганда Оғабек бир чаток борлигини сезиб қолди-да: «Бу сарроф мени ўзининг маккорлик тузогига илинтириб олишга қасд қилмаётганимкин-а?» деб кўнглидан кечирди.

Шундан кейин у чакқонлик билан ҳамёнга чанг солиб ушлади. Лекин сарроф ҳам бўш келмади, пишиқ бармоклари билан ҳамёнга каттиқ ёпишди.

Икковлари ҳам котиб колишиди, уларни дўкон олдиндаги кўндаланг тахта ажратиб турарди-ю, лекин ҳамён бирлаштириб турарди. Улар шунчалик каттиқ тирмашишган эдикни, ҳатто пўлат занжир ҳам уларни бунчалик мустаҳкам бирлаштира олмас эди.

Улар бир-бирларига еб кўйгудай, ғазаб билан ўқрапишиб карашарди, икковининг ҳам кўзи косасидан чи-

киб кетгудай олаяр ва ғазаб билан жанг қилаётган хў-
рознинг кўзига ўхшаб бўзрайиб қотиб қоларди. Нафас-
лари томоқларидан тутконоғи тутган кишиникига
ўхшаб, ҳуштак чалиб хириллаб чиқарди.

Улар сокчиларнинг диккатини ўзларига тортмаслик
учун бесунакай ҳаракат қилишдан ва бақириб гапириш-
дан ўзларини тийишга мажбур эдилар.

- Кўйвор! — деб хириллади Оғабек.
- Бу ёкка бер! — деб ўшқирди сарроф.
- Маккор!
- Лаънати ўғри!

Шундан кейин улар қаттиқ, лекин сиртдан қараганда
сезилмайдигандек жанг қилиши. Уларнинг жангига гўё
икки ҳурматли зотнинг тахта устига энгашиб дардлаша-
ётганларига ўхшарди, лекин якинроқ келиб қулок со-
лингданда уларнинг пўнғиллашларидан, хириллаб нафас
олишларидан, ва тиш ғижирлатишларидан ҳақиқий аҳ-
волни тушуниб олса бўларди.

Бу жангда ҳеч ким ғолиб чиқолмади.

Икковлари ҳамённи чангллаганларича бўғилиб, хи-
риллашибди-да, бир-бирларига қадалишиб тағин қотиб
колиши.

— Ҳай шайтоннинг ургочиси, ҳай сассик бўри, мана
сенинг ҳалоллигингни ҳам кўрдик! Кўйвор дейман!

— Бу ёкка бер, муртад, ҳаромхўр!

Ҳозиргина бир-бирларининг фазилатларини кўкка
кўтариб мақташда мусобакалашаётган бу кишилар, эн-
ди бир-бирларини ҳакорат қила бошлишди.

— Мозору масжидларни булғатган ифлос! — деб эн-
тиқди сарроф, кўзини ола-кула қилиб. — Ҳа, шайтоннинг
малайи!

— Учир овозингни, лаънати бузук! — ўшқирди Оға-
бек, бурни билан пишқириб, чунки ғазабдан тиртишиб
чакаги тиришиб қолган эди.

Шундан кейин Оғабек бехосдан ҳамённи шундай
қаттиқ силтаб тортдики, оёғи остидаги ер тебраниб кет-
гандай бўлди.

Тортишга тортиб ҳам олди, бироқ саррофнинг қўли-
даги ҳамённи эмас, ҳамёнга ёпишиб олган саррофнинг
ўзини тахтанинг нариги тарафидан бериги ёкка тортиб
олди.

Аммо сарроф оёғини қорни томон букиб, тахтанинг
ички киррасига тиззасини тираб олишга улгурди. Шу

сабаблигина оёклари ердан кўтарилиб қолган бўлса ҳам, кўчанинг ўртасига учиб тушмай қолди.

Силтанавериб Оғабекнинг тинкаси қуриди. Шу фурсатдан фойдаланиб тахта устига йўғон корни билан ётиб олган сарроф, худди ҳамённи ютаётганга ўхшаб корни тагига тортаверди. Ҳамён билан бирга унинг корни тагига Оғабекнинг уюшиб, қотиб қолган кўли ҳам елкасигача кириб кетаверди.

Бу манзараға четдан қараган киши, аввалига албатта, боягидек ҳеч нарса пайқаёлмасди. Лекин ўғри билан Хўжа Насриддин уларни дикқат билан кузатишарди.

— У Оғабекнинг афтига туфлади!

— Ана, у саррофнинг соқолини тишлаб олди. Ана, уни кара, уни кара — каттагина бир тутамини юлиб олди!

— Лунжига, тилига толалар ёпишди, ҳозир у туфуриб ташлайди.

— Ҳни кара, сарроф ҳам бўш келмаяпти, Оғабекнинг бурнини тишлаб олмокчи-я!

— Тутолмади, тишини бекорга такиллатиб қолди...

Ўғрининг файрати кўзиб вужудини титроқ босди, сарик кўзи чакнаб кетди.

— Бўлди, фурсат келди, афандим! Нимага энди сустлик киляпсиз?

— Майли, тағин бир оз олишишсин.

Бу ерда иккита олишаётган ва иккита томоша килаётган одамлардан бошқа тагин бешинчи бир жонивор — бу ҳангомага алокадор эшак ҳам бор эди. Аниқроғини айтганда — шу ҳангомаларнинг боиси, асосий сабабкори шу эшак эди, чунки ҳамма иш шундан бошланиб, давом этиб келяпти, ахир Хўжа Насриддин биргина мақсаддада ўзининг кўркабойи — ҳусни жаҳони бўлган эшакни ўзинга қайтариб олиш учун Оғабек билан саррофни бир-бирига гиж-гижлаб, қайраб кўйган эди-да.

Эшак бу ишларга бутунлай бетарафдек кўринарди: тумшуғи илгаригидек осилган, қулоқлари шалпайган, думи жонсиз шалвираб турарди, фақат Оғабек олишув орасида пайқамай тизгинни силтаб қолгандагина калласини силкитиб кўярди, холос.

Кўндаланг тахта устидаги жанжал кучайиб кетди.

Энди фурсатни чўзиш хавфли эди: бозор соқчилари келиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун Хўжа Насриддин секин ҳуштак чалиб кўйди.

Эшак бир сесканди-да, тумшуғини юкори кўтарди. У бу ҳуштакни ҳамма вакт ва ҳар ерда, ҳар қандай галва, қий-чув ичидан бўлса ҳам билар эди. У бу қисқагина ҳуштакдан дўстининг чақириғини ҳам, хўжайининг буйруғини ҳам эшилди, чунки Хўжа Насриддин унинг учун бамисоли худонинг ўзи эди.

Ҳуштак яна такрорланди ва шунинг кетиданоқ Хўжа Насриддин бурчакдан туриб эшакка ўзининг нуроний, илоҳий қиёфасини кўрсатиб кўйди.

Узун қулоқнинг шу пайтда бутун вужудини қоплаб олган ҳаяжонини тасвиrlашга сўз топиш қийин, албатта! У ўзининг йўқотиб кўйган суюклисини кайтадан то-пиб олди, дунё унга қайтадан нурафшон бўлиб кетди. У тўрт оёқлаб диконглади, думини силкитиб ҳангради ва бурчакдан кўринган баҳти сари интилди.

Пишиқ қайиш тизгин созланган тордек таранг бўлди.

Худди шу пайт Оғабек сарроғининг қорни тагида ётган ҳамённи кучаниб бор кучи билан тортмоқда эди. Унинг жаҳл билан кучанишига эшакнинг бехосдан диконглаши келиб қўшилди. «Менга шаҳзодамнинг ўзлари кўмак берадилар!» деб кеккайди Оғабек ва бор кучини шивга солди. Бундай икковлашиб тортишга сарроф бардош беролмади-да, судралиб қўчага думалаб тушди, лекин ҳамон ҳамённи кўйиб юбормасди.

Энди унинг миршаб чақиришдан бошқа иложи қолмади.

— Войдод, қароқчи! — деб чинқирди у ўзини йўқотиб газаб ва кўркув аралаш ингичка товуш билан.— Хало-йик, кутқаринглар! Талончидан дод!..

Оғабекнинг аҳволи ундан ҳам баттар эди: чунки уни бир тарафдан сарроф, иккинчи тарафдан эшак тортар эди, эшакнинг кучи ошиб тушди, шундан кейин уларнинг учови ҳам кўчада судралиб тортилиши, олдинда узун қулоқ бошини силтаб, тисарилар, унинг кетидан Оғабек эшак билан ҳамён ўртасида осилиб қолғандек қиялаб, қулочини ёзиб ётар, энг кейинда эса соқоли тўзиб кетган, оҳ-воҳ қилаётган сарроф кўксини ердан сал кўтариб, семиз қорни ва йўғон, қисқа оёқлари тупроқка беланиб муккасидан тушиб ётарди. Машҳур Єрканд қайишидан қилинган тизгин мана шундай мустаҳкам бўлиб чинди!

Энди узун қулоққа ёрдам бериш керак бўлиб қолди. Хўжа Насрилдин бурчакдан туриб унга ўзини иккинчи марта кўрсатди. Ҳаддан ташқари газабланган узун қулоқ орка оёкларини кўтариб диконглади, тисарилди, бошини силтади, ниҳоят, тизгин чидамай, узилиб кетди.

Шундан кейин сарроф тупрокқа йиқилди. Оғабек унинг устига қулаб тушди. Улар чанг ичида уймалашиб колишди.

Ҳамма ёқдан қалқон, қилич, ойболта ва найзаларини шалдир-шулдир қилиб, ваҳимали шавқин-сурон билан отлик ва яёв миршаблар югуриб келиша бошлиши.

Оғабек шаҳзодани йўкотиб қўймаслик учун, ҳамённи ташлай солиб, узун қулоқ бурилиб кетган бурчакка югурди. Бироқ миршаблар унга ҳар тарафдан осилишиди, ёпишиб тутиб олишди.

— Йўкол!— деб даҳшат билан бўкирди Оғабек.— Йўкол! Ярамаслар! Кимнинг олдида турганларингни биласанларми? Мен Миср халифасининг вазириман, эшитяпсанларми, ифлос малайлар! Мен сенларнинг кунларингни кўрсатиб қўяман!

— Үғри ү! Үғри!— деб бакирди сарроф.— Исботим бор! Жаноб Комилбек бу кимматбаҳо тошларни кўрганлар. У киши танийдилар!..

— Қўйворинглар мени!— деб энтиқди Оғабек, эшак йўколса у билан бирга кўлидан Мисрдаги олий мансаб ҳам чиқиб кетишини сезиб.— Қўйворинглар, деяпман сенларга!— деб бўкирди у юлқиниб, худди тузокқа тушиб колган йўлбарсга ўхшаб.— Нари туринглар! Эшитяпсанларми?! Бўлмаса мен ҳаммаларингни эшакка айлантириб қўяман!..

Шу вақтда яна битта миршаб орқасидан келиб сакради-да, бўйнидан тутиб унга миниб олди.

Ғазабланиб кетган Оғабек белбоғидан тилсимли сув солинган ковоқни олди.

— Лимчезу! Пучугу! Зумнахўз!— деб дағдаға билан бакирди у миршабларга ковоқдаги сувни сочиб,— каламай, дучилуза, чимуза, суф, қабахас!

— Тут уни! Тут! Епиш! Боғла! Судра! Қўйворма!...— дейиниши миршаблар ҳам ўзларининг афсунлари билан жавоб бериб.

Буларнинг афсунлари, дарҳакиқат кучли бўлиб чиқди: Оғабек бир минутдаёқ ерга йиқитилиб, кўл-оёклари чамбарчас боғланди.

Битта ходача олиб келишди, уни Оғабекнинг боғланган қўл ва оёқлари орасидан ўткизишди, иккита энг азатмат сокчи ходачанинг икки учини елкаларига қўйиб кўтаришди. Миср вазири бўлмиш Оғабек оркаси ерга, корни кўкка караб, худди омади келган мерганлар овлаб олиб келаётган ёвойи ҳайвонга ўхшаб, ходачада лапанглаб осилиб борарди. Унинг салласи ерда чувалиб ётар, сокчилар уни ердан олиб, дарров ўзаро парча-парча қилиб бўлиб олишди.

Оғабек туфлар, оғзидан кўпик сочар, лаънат ўқир, дағдаға қилса ҳам бироқ, буларнинг ҳаммаси беҳуда кетарди! Миршаблар ҳеч нарсадан тап тортмай унинг теварагини ўраб олишди, энди у Хўжа Насриддинга кўринмайдиган бўлиб қолди — шундан кейин улар така тум овозларни остида юриш қилиб бозорнинг тиқилинч жойидан ўтдилар-да, Комилбек жаноблари макон тутган янги маҳкамама биноси томон жўнадилар.

Орқароқда юрагини чангллаган, оёқлари қалтираб букилган сарроф иккита миршаб курсовида судралиб келарди. Учинчи миршаб булардан кейинроқда қулини баланд кўтариб ҳамённи ҳаммага қўрсатиб келарди, конун уни шундай олиб юришни буюарди, чунки бу, бир тарафдан, кишиларнинг кўнглини бундай нарсаларни яширин олди-сотди қилишдан қайтарса, иккинчи томондан миршабларни туҳматга учрашидан эҳтиёт қиласиди.

Оломон миршаблар орқасидан эргашди.

Дўкон олдидаги кўча бўшаб қолди, чанг, тўзон ҳам босилди.

Хўжа Насриддин эшакни ўғрига бериб тайинлади:

— Сен буни бехатар жойга беркитиб қўйишинг керак. Кейин анави есир хотинни излаб топгин-да, у билан бирга мурофеа йиғининга келгин.

Ўттиз саккизинчи боб

Коровулхона олдида кенг бир майдон бўлиб, бу майдонда савдо-сотик ҳам қилдиришмас, халқ тўпланишига ҳам йўл қўйишмасди, факат сесанба кунгина жаноб амалдор бевосита ўзлари шу бир ҳафта ичидага қўлга тушган жиноятчиларни ҳукм қилиш ва жазолаш йиғинлари ўтказар эди, холос.

Мана бугун ҳам худди ўша сешанба куни эди. Амалдор кимхоб түн кийган, янги қилич ва кўп нишонлар таккан (эсдан чиқмайдиган ўша сандик мусибатидан кейин бу нарсалар анча машақкатлар билан қайта кўлга киритилган эди!) ипак чодир тагида козилик курсисида керилиб ўтирас ва муртини ликиллатиб, майдонда тўплланган ҳалқка киброна назар ташларди. Шамол майдон томондан эсиб, тер билан саримсоқ иси аралаш бадбўй ҳид олиб келиб димоққа урганда амалдор жирканиб башарасини буриширас ва пишқириб қўярди. Жинояткор Оғабек эса пастда худди ўрага ўхшаш торгина чукурчада ўтиради, бу чукурчадан унинг сергўшт, қирилган ялтироқ бошигина чиқиб турарди. Бундан оддий ҳалққа: бир тарафдан, хукмдорнинг қўли етмайдиган улуғлиги, иккинчи тарафдан, ёвузликнинг ҳаддан ташқари разиллиги очиқдан-очиқ кўринниб турарди. Жинояткор ўзининг машъум нопок назари билан бошини кўтариб амалдор жанобларининг муборак дийдорларига қарамасин учун чукурча тепасида учига қалин латта ўралган ёғоч чўқмор ушлаб битта миршаб турарди. Бу билан оддий ҳалққа, улуғлар дийдорини кўришнинг ўзи ҳам алоҳида бир улуғ баҳт экан ва бундан ярамас кишилар маҳрум қилинар экан, деган тушунча ҳосил бўларди. Ҳозирча Оғабек қоқ миясидан икки марта чўқмор зарбини еб олди, шунинг учун боши гангиб, кўзи тинганча ерга караб ўтиради.

Амалдор билан жинояткор орасида сўрига тироғлиқ кенг шотининг поғоналари устида икковининг ҳам сўзини яхши эшитмоқ учун ўз дафтарларини тутиб мирзалар жойлашишди, ён тарафда икки қадамча нарида маҳсус миршаб назорати остида сарроф турарди.

Бошқа — отлик ва яёв миршаблар суд бўлаётган майдонни тиқилиб келаётган ҳалқдан икки қатор бўлиб тўсиб туришди. Бу орада қамчилар баланд силтанар, қиличлар ялт-юлт қилиб, олдинга чиқиб қолган томошибинларнинг бош ва елкаларига ўзининг ясси томони билан тушиб турарди.

Суд бўлаётган майдонга Хўжа Насриддин жуда қийинчиллик билан суқилиб кириб эди, шу ондаёқ тепасида камчи ўйнаб қолди, бироқ у эпчиллик билан бурилиб камчига чап берди. Кейин орқароққа сурилиб серсоқол, баланд бўйли ўғон бир кишининг орқа тарафида турди; бу ердан унга мурофеадагиларнинг ўзлари ҳам кўринар,

сўзлари ҳам бемалол эшитиларди, серсоқол одам ўз гавдаси билан уни амалдор жанобларининг назари тушиб қолишидан тўсиб турарди.

— Хўш, қани айтгин-чи, ўзини Оғабек Муртазо ўғли деб юрган одам,— деб сўрқ қила бошлади амалдор.— Бояги сен айтган, гўё сув пули бадалига бу кимматбаҳо нарсаларни сенга тўлаган ҳалиги деҳқон Мамадали буларни қаердан ва қандай қилиб қўлига туширибди? Нега сенга оддий акча тўламай, кимматбаҳо нарсалар тўлади?

— У камбағал,— деди пўнғиллаб Оғабек.— У бунча акчани қаёқдан оларди.

— Камбағал дейсанми?— заҳарханда қилиб илжайди аъён.— Ўзи камбағалу, лекин бутун бир қишлоқнинг сув пулинни тўлаб юборадими? Камбағал бўлса, олтину кимматбаҳо тошлар билан тўлайдими, сув пулинни?.. Езинглар!— деб буюрди у мирзаларга.— Езинглар бу шарманда, аҳмоқона ёлғонларни, булар кейинчалик бизга жинояткорни фош қилиб шармандасини чиқаришда керак бўлади!

— Бу ёлғон эмас, бек жаноблари!

Оғабек билмай бошини кўтариб қолиб эди, шу онда ёқ бош тепасидан чўқмор зарбини еди-ю, чукурчанинг четига иягини уриб, тилини тишлаб олди. Зарба унча қаттиқ урилмаган бўлса ҳам анча эсанкиратиб қўйди, у анча вактгача товушини чиқаролмай, кўзини ола-кула қилиб, сўлагини оқизганча соқолини тупроққа ишқаб, безовталаниб бўзлай бошлади. Ниҳоят, тағин ўзига келиб, тили сўзга кирди.

— Бу ёлғон эмас!— деб пўнғиллади у, худди хумнинг ичига қараб гапиргандек, оёғининг тагидаги чукурга қараб.— Ҳалиги Мамадали ростдан ҳам камбағал, пули йўқ, кимматбаҳо нарсаларни у ўз боғидан, чопик қилаётганда бир олма илдизининг тагидан топиб олган...

— Овозингни ўчир, эй, лаънати ёлғончи!— деб вайрлади амалдор, муртини ҳурпайтириб.— Гапларингнинг биронта ҳам рости йўқ! Олма дарахти илдизининг тагидан топган эмиш! Нима, сен бизни, олтин билан ёқут кўзиқоринга ўхшаб ердан ўсиб чиқади деб ишонтирмокчимисан?

— Эй, табаррук ҳокимлар, адолат пешалар, сўзимнинг ростлигига куръон ушлаб қасам ичаман!

— Нима, қуръон ушлаб қасам ичасан! Ҳали сен ўз гуноҳларининг куфирлигинг билан ҳам оширмокчимисан! Ёзинглар, миrzалар, унинг ёлғонларини ёзинглар, токи биз эндиги сўрокларга кўчайлик.

Миrzалар ёзиб бўлишди. Амалдор сўроғини давом эттириди:

— Агар сен, боя айтганларингдан маълум бўлганидек, ростдан ҳам шунчалик сердаромад кўл эгаси бўлсанг, нима сабаблардан уни ташлаб, Мисрга кетишига ният килиб қолдинг? Каерда сенинг кўлинг?

— Мен уни айрибош қилдим.

— Айрибош қилдингми? Кимга ва нимага айрибош қилдинг уни?

— Мен уни Мисрнинг валинаҳд шаҳзодасига айрибош қилдим... яъни ҳакикатда шаҳзода бўлган бир эшакка айрибош қилдим... Мен демокчиманки, эшак қиёфасига кириб қолган шаҳзодага айрибош қилдим...

— Нима, нима деяпсан?..— деб бир ирғиб тушди амалдор.— Бошкатдан айт!.. Иўқ, гапира кўрмал Ахир, сен бизнинг ҳузуримизда туриб ўзингнинг ёлғон гапларинг билан подшоҳлар наслини бир ифлос тўрт оёкли ҳайвонга тенглаштиришга қандай журъат этдинг-а?

— Мана, мана!— деди Оғабек хурсанд бўлиб кетиб сўзни бўларкан,— узун қулок, сержун...

У ниҳоят, менинг сўзларимга тушунишган экан, деб ўйларди. Шундан кейин у чўкморни унутиб тағин бошини кўтарди. Калласига тушган оғир бир зарба унинг тилини тийиб, жим килиб кўйди. Боши айланиб, кўзи тиниб кетди, беҳушлик уни амалдорнинг дийдорини кўриб туришдан маҳрум қилиб кўйди.

— Бу тағин янги жиноят бўлди!— деб вағирлади амалдор.— У подшоҳлар наслини туҳмат қилиб, ҳақорат қилди ва тағин буни улуғ кишилар ҳузурида айтишга журъат этди! Миrzалар, ёзинглар, ёзганда ҳам оқизмайтомузмай ёзинглар.

— Бу гапларимда ҳеч қандай туҳмат йўқ!— деб ингради чукурчадан туриб бечора.— Мен шаҳзодани асли одам қиёфасига кайтариб, мукофотига вазирлик ва сарой ҳазиначиси лавозимини олиш учун Мисрга кетаётуб эдим. Ёвуз жодугарлар тарафидан узун қулок қиёфасига киритиб кўйилган шаҳзодани мен...— Оғабек «фалон ерда учратиб ўз қўлимга олдим» демокчи эди бирор:

— Ўчир овозингни, лаънати туҳматчи, жим деяпман,

сенга! — деди бақириб амалдор ва ғазаб билан ўрнидан туриб кетди. — Дарҳақиқат, биз кўпдан бери бундай овсар жинояткорни кўрмаган эдик! Кулок эшитмаган бунчалик ёвузликлар қаторига у улуғ вазирлик мансабини олдим деб, тағин битта ёлғон қўшди, бундай мансабга биздек одам якинагина эришдик-ку! Ёзинглар, миразлар, ҳаммасини ёзинглар: биринчи — ўғрилик, иккинчи — бугун бозорда килинган тўполончилик ва итоатсизлик, учинчиси — подшоҳлар наслига туҳмат, тўртинчи — қаллоблик билан ўз-ўзини мансабдор аташ...

Миразалар ҳамжиҳатлик билан қаламларини қитирлатишар, бу қитирлашлардан Оғабек ўзининг мутлок ажали етганини сезиб турарди.

У амалдорнинг раҳм-шафқат килишини сўраб дуо килди ва унинг сўзларига охиригача кулок солиб эшишиларини илтимос килди. Амалдор бағритошлигича колаверди ва унинг аянчли оҳ-воҳларини назар-писанд қилмади-да, шишадек совук кўзларини оломон устидан бўшликларга: гўё баланд осмонда факат унинг битта ўзигагина кўринниб турган адолат куёшига тикиб турарди.

Оғабек кўркув, бекувватлик ва ожизликдан жим бўлиб қолди.

Илгари қозилик қилган бу одам, мана энди баъзан қозилар ҳузурида жуда ҳам аник ҳақиқат бўлган нарса энг ярамас ёлғон бўлиб қолишини, уни ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини ва ўзингнинг бегуноҳлигингни ҳеч қандай нарса билан исбот қилиб бўлмаслигини бугун у ўз устида бўлиб ўтган шу судда тушунди; кўп мартабалар унинг ўзи ҳам шундай ҳукм қилиб, бегуноҳ кишиларни, улар кўрсатган ҳақиқат гаплар юзаки караганда ёлғонга ўхшаб кўринганлиги учун жазолаб юборган эди. Мана, энди унинг ўз бошига худди шундай иш тушди ва ўтканларнинг ўчини олди!

Ҳукм қаттиқ эди: умрбод зиндан жазоси.

Оғабек фифони фалакка чиқиб, соколидан бир тутамини юлиб олди.

Уни миршаблар ушлаб чуқурдан суғуриб олишди ва элтиб зинданга ташлашди. У ерда у Абдулла новчанинг кўлига тушди, новча бўлса гуноҳкорни, ҳа дейишдан бир неча ўн қамчи билан сийлади-да, кейин ўзининг ёрдамчиси шафқатсиз афғонликка топшириди. Тепиш, оғизбурунга муштлашлар бошланди, кейин Оғабек қиркта зи-

напоя баландлигидан пастга, қоп-коронғи, сассиқ зин-дон тағига тишлари шақир-шукур қилиб думалаб тушди ва дунёдаги қилган барча ёвузыллари учун аллақачон лардан бери сазовор бўлган бу жазони тақдиридан то-пид, мана шу зиндонда умрбод қолаверди.

Суд мажлиси давом этарди. Сарроф кимматбаҳо нар-саларини қайтариб бериш ҳақида илтимос қиласди. Ал-батта, яхширок ўйлаб кўрилса, бу нарсаларни хазинага олиб қолиш учун қонуний сабаблар ҳам топиш мумкин эди, айниқса бундай ҳукмга қарши қилинган шикоят хон ҳузурида муваффакият қозона олмасди. Лекин киммат-баҳо нарсалар саррофдан кўра кўпроқ унинг чиройли рафиқасига тегишли эди, ҳолбуки бу хотиннинг олдида амалдор ўзини айбор санарди, чунки сандик воқеаси-дан кейин, гарчи хотин кампирни икки марта амалдор-нинг олдига юбориб ўзини унга эслатса ҳам, унинг олди-га бирор марта бўлсада боролмаган эди, амалдор унинг ўтирилигини билгани учун унинг аччиғини баттарроқ чи-кариб қўйишдан кўркиб, кимматбаҳо нарсаларни «эҳ-тиёт юзасидан» сарроф орқали унга ҳадъя қилиб юбо-ришга қарор қилди ва судни сарроф фойдасига ҳал қи-либ тугатишга ҳозирлик кўрди.

— Езинглар, мирзалар! — деди баланд овоз билан у. — Модомики юкорида санаб ўтилган кимматбаҳо нар-салар саррофлар растасида дўкони бор савдогар Раҳим-бой Қодир ўғлига тегишли эканлиги тўлиқ ишончли да-лиллар билан исбот қилинган экан...

Унинг сўзи шу ерга етганда оломон орасида чиққан:

— Доддоҳ бўлинг ва адолат қилинг! — деган бир овоз билан чўрт кесилди.

Миршаблар ғазаб билан бақириб ҳалиги шиддатли овоз келган томонга қараб отилишди. Амалдор тили танглайига ёпишиб бўғилди, чунки шу вақтгача оддий ҳалқ орасидан биронта одам унинг ҳукм ишларига ара-лашишга журъят қилмаган эди.

Аммо қонун ҳукм ишларига мана шундай четдан ара-лашишни олдиндан қайд этган ва бунга ижозат ҳам бер-ган эди, амалдор буни биларди. Бундан ташқари, шу ондаёқ унинг кўнглига: балки саройдаги душманлардан биронтаси, қонунни бузишга мажбур қилиб шу билан мени чақиқ қилишга далил топиш мақсадида, суд маж-

лисига ўз кишисини юборганикин-а? — деган шубҳа келди.

У кўлларини буйрук бергандек силтаб, миршабларнинг ҳовуридан туширди:

— Гапир! Ким экан ўзи?.. Олдинрокқа чик!

Амалдор ўз рўпарасида Хўжа Насриддин турганини кўриб, ҳайратда данг қотиб қолди.

— Фолбин, сенмидинг! Шунча вактдан бери қаёкларда йўқолиб юриб эдинг? Бизлар сени излаб шаҳарнинг ҳамма бурчакларини элак-элак қилиб юбордик!

Аслида у: «Сенинг каллангни излаб» дейиши керак эди, чунки уни излашдаги мақсади худди шу эди, лекин бу тўғрида у оғиз очмади.

Бирок у миршабларга имо-ишора билан буйрук бериб қўйди, шунинг учун миршаблар Хўжа Насриддиннинг орқасидан бикиниб яқинроқ келишди, ҳар вакт ичларида олиб юрадиган арқонларини чопонлари сиртидан ушлаб-ушлаб қўйишиди.

Хўжа Насриддин бу найрангларни кўриб турса ҳам, совукқонлик қилди, чунки амалдорнинг макру ҳийлала-рига қарши мустаҳкам ишончли паноҳи бор эди.

— Ассалому алайкўм Раҳимбой жаноблари! — деб саррофга таъзим қилди у. — Худо ҳар вакт ўз илтифотини бу зотдан дариф тутмасин!

Сарроф индамай, юзини тескари ўғирди, у мана шу айёр фолбинга ўтиб қетган ўн минг тангасини эсидан чиқармаган эди.

— Қаёкларда йўқолиб юриб эдинг? — деди амалдор ўз савслини тақрорлаб.

— Ўз ишларим билан бўлиб шаҳардан бошқа ёкларга кетиб эдим, бек жаноблари! Мана энди қайтиб келдим, келганда ҳам мана шу суд мажлисида адолатни барқарор қиласидан жуда ҳам муҳим бир гувоҳлик бериш учун худди ўз вактида келибман.

— Сен гувоҳлик бермоқчимисан? Қандай гувоҳлик?

— Ҳалиги қимматбаҳо нарсалар тўғрисида, унинг қонуний ва шак-шубҳасиз эгаси ҳакида гувоҳлик бермоқчиман.

— Эгаси маълум, олдимизда турибди-ку, — деб Раҳимбойни кўрсатди амалдор, Раҳимбой эса ҳозирданоқ бу фолбиннинг тағин бир фириб бериб кетишини кўнглида сезгандек, безовталаниб тўлғана бошлади.

— Хато ҳам худди ман шунда-да, — деб жавоб берди

Хўжа Насриддин.— Менга жуда ҳам аниқ маълумки, ҳурматли Раҳимбой жаноблари бу кимматбаҳо нарсаларнинг чинакам қонуний эгаси эмаслар. Бу нарсалар бошқа бир одамники.

— Нега бошқа одамники бўлар экан?— деб бақирди сарроф, юзига кон тепиб.— Нега мен бу нарсаларнинг эгаси бўлмас эканман? Бўлмаса буларнинг эгаси ким? Ким? Ёки сенинг ўзингми?..

— Буларнинг эгаси мен ҳам эмас, сеп ҳам эмас, буларнинг эгаси ўзга бир одам.

— Яна қанақа ўзга бир одам?— деб бўғилди сарроф.— Хўш, суд мажлисига бўлар бўлмас ҳар хил нодон ялангоёқ ва дайдилар нега киргизилади?

Амалдор кўлинни кутариб ҳаммани жим туришга чақирди. Ҳамманинг жим бўлишини кутиб, кейин гап бошлиди:

— Ҳой фолбин, бу ер сенинг жумбокларингнинг ўрни эмас. Бу билан нима демокчисан ўзинг? Бу қимматбаҳо нарсаларнинг эгаси ким эканлиги менинг ўзимга ҳам аниқ маълум, чунки буларни, бундан анчагина вақт илгари, менга таниш бир зотнинг кўлида ўз кўзим билан кўрганман...

У қисқа-қисқа йўталиб тўхтаб қолди, чунки бундан кейин Орзубибининг номини айтиш лозим бўларди, ўз бўйнида гуноҳи бор эканини била туриб, саррофнинг ҳузурида унинг номини тилга олишга юраги ботинмади.

— Ҳақиқатан шундай!— деди сўзни ғлиб олиб Хўжа Насриддин.— Аммо лекин яна ҳам илгариrok бек жаноблари биринчи мартаба бу қимматбаҳо нарсаларни ўзларига маълум, балки жуда ҳам таниш бўлган бир зотнинг кўлида кўрмасларидан ҳам илгариrok бу нарсалар Раҳимбойниги эмас, балки бошқа бир кишиники эди, Раҳимбой деганингиз ана шу одамнинг кўлидан қонунга хилоф равишда зўрлик билан тортиб олиб ўзиники қилган.

— Елғон!— деб бақирди сарроф.— Туҳмат бу, ғирт ёлғон!

— Уша одам ҳозир шу ерда,— деб давом этди Хўжа Насриддин, саррофнинг дод-фарёдига парво қилмай.— Ҳой хола, кани бу ёкка — сўрига чикинг, адолатли ҳокимга ўзингизни кўрсатинг!

Кўпчилик орасидан бева хотин чиқиб келиб Хўжа Насриддиннинг қаторида турди.

Амалдор эсанкираб, жим бўлиб колди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси: фолбиннинг пайдо бўлиб колиши ҳам, унинг гувоҳлиги ҳам, бева хотин ҳам сира кутилмаган нарса эди.

Шу орада халқ орасида шов-шув бошланниб колди. Бу бошланган шов-шувни тезлик билан босмаса бўлмас эди.

— Ҳой фолбин! — деди амалдор, ғазаб ва даҳшат билан хитоб қилиб. — Сенинг бу сўзларингда, савдогар Раҳимбойга ёмон ният билан туҳмат килишдан бошка ҳеч нарса кўрмаяпман. Сен ҳакикатни каёқдан билар эдинг? Сўзларингни тасдиқлайдиган далил ва исботларинг қани? Бу хотин қаёқдан келиб колди бу ерга?

— Елғон? — деб чинкирди сарроф пастдан туриб. — Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон, маккорлик, алдамчилик!

— Модомики, фолбиннинг сўзларида жинояткорона ниятларини кўриб турган эканмиз, — деб давом этди амалдор, олдин котибларга, кейин мишибларга ишорат қилиб, сокчилар дарров чопонларининг тагидан арқонларини чиқаришиб туришди. — Ва модомики бундай ишларни.

Амалдор сўзини тугата олмади.

— Сенинг далил ва исботларинг қани дейсизми? Буларни мен каёқдан билишимни сўраяпсизми? — деди Хўжа Насриддин бир қадам олдинга чиқиб. — Буларнинг ҳаммаси менга фолда маълум бўлди, буларнинг аниқлиги жаноб ҳокимга ҳам, саррофга ҳам илгаридан маълум! Менинг кўлимда ҳозир фол китоби йўқ, лекин мен усиз ҳам айтавераман!

У амалдорни эсини йиғиб олишга қўймай, кўнглига ваҳима соладиган бир тарзда қошларини дам юкори, дам пастга учирив, елкасида оғир, катта бир юкни зўрға кўтариб тургандек зўриқиб ҳарсиллай бошлади, кейин кучаниб туриб, бўғик ва ғалати бир овоз билан увиллади...

— Кўряпман!.. Ана кўзимга бир сандик кўриняпти, шу сандиккинг ичида ўтирган одамларни ҳам кўряпман! Бу нима экан, жин-париларим кўзимни чалғитиб мени алдамаётгандиккин? Ҳукуматни кўлида ушлаб турған шундай улуғ зот қандай аяичли ҳолатда ётибдилар-а! У зотнинг нишонлар қадалган кимхоб тўнлари қани, қилич-

лари қаёқда колган? Сандикда у зотнинг ёnlарида тағиин битта киши, ҳалиги...

Амалдор энтикиб, бўзариб кетди. Кун шунчалик иссиқ бўлишинга қарамай, гўё пўлат тифига теккандагига ўхшаш, бутун вужуди музлаб кетди. Сарой табибининг шарпаси кўз ўнгига келиб, томирларидағи қонлари сустлашиб қолди. Оёклари тагида зимистон жаҳаннам чукурлиги пайдо бўлди!

Яна бир дақика турилса, яна икки оғиз сўз айтилса, борми, танидан жони чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди! Хой, лаънати фолбин! Тўхтатиш керак уни, нима бўлса ҳам унинг оғзини ёпиш лозим!— деди амалдор кўнглида.

Шу пайт унинг бахтига фолбин, худди фолга тушаётган фикрлар ичига чукурроқ караётгандек, маҳлиё бўлиб, гапдан тўхтади.

Амалдор нажот фурсати келганини ва кечикиш мукаррап ҳалокат келтириши мумкинлигини тушунди.

— Бу қимматбаҳо нарсаларнинг ҳақиқати сенга фолдан маълум бўлганини нега бирданига бошда айтиб кўя қолмадинг бўлмаса?— деди у дўстона киноя оҳангидага.— Бошда бирданига айтган бўлсанг, бундай ортиқча гаплар бўлмас эди! Модомики, очган фолингнинг ҳақиқат экани бизга маълум бўлди, текшириб аниқланди, энди уни ҳеч ким инкор қилолмайди...

— Менинг ундан ҳам бошка далилим бор,— деди Хўжа Насриддин.— Бек жаноблари оломон орасига, чап тарафларига бир қараб кўйсинглар.

Амалдор чап тарафига бир қаради-ю, тошдек котиб қолди. Субхоноллоҳ!— оломон орасидан унга худди ўша, бир вақтда мозорда соғона орқасидан кўринган ўша одам, даҳшатли бадбашара хунук одам ишшайиб сап-сарик якка кўзини пириллатиб қараб турарди. Қарангки, ишшайибгина кўя қолмай, секингина чопони тагидан унинг тилла қиличининг дастасини ҳам кўрсатяпти-я!

Амалдор буни кўриб сесканиб кетди, нафаси бўғзига тикилди, бўзариб кетди, юзи жимирлашиб муздай тер билан қолланди, факат муртларигина суррайиб, корайиб турарди. Шу ҳолатда у бадбашара одамдан кўзини узолмай тураверди.

Хўжа Насриддиннинг овози билангина у эс-ҳушини йигиб олди:

— Агар лозим бўлса, бек жаноблари, бундай далиллардан тағиин кўрсатиш мумкин.

— Бас, далиллар жуда ҳам етарли! — деди амалдор бир оз эсини йиғиб. — Энди иш батамом аникланди, шунинг учун биз ҳукм қилишга киришамиз.

Кандайдир бир ғалати жозибадор куч уни оломон орасидаги даҳшатли бадбашара одамга томон тұхтовсиз тортиб турарди, у ўзини тутолмай чап тарафға бир он күз қирини ташлаб қўйди, шундан кейин үнинг аъзойи бадани яна жимирлашиб кетди.

Хўжа Насридин үнинг кўнглида нималар бўлаётганини пайқаб, ўғрига «бу ердан жўна» дегандай яширин ишорат қилди.

Ўғри ғойиб бўлди.

Амалдор энди эркин нафас ола бошлади.

— Мирзалар, илгари қимматбаҳо тошларга тааллукли ниманки ёзган бўлсанглар, барини ўчириб ташланглар,— деб буйруқ берди у,— яхиси ўша саҳифаларни бутунлай йиртиб ташланглар ва янги вараклардан бошланглар. Ёзинглар, модомики кўп мустаҳкам далилларга асосан мазкур қимматбаҳо нарсалар бева хотинга...

— Саодатга,— деди илтифот билан эслатиб Хўжа Насридин.

— Бева хотин Саодатга тегишли экани далиллар билан аникланган экан,— деб давом этди амалдор — қонун ва ҳаққониятга мувофиқ тездан ўша аёлга қайтарилиши лозим...

Гап шу ерга етганда саррофнинг фифони эшитилди:

— Нега бундай, нега унга қайтарилар экан?! Қимматбаҳо нарсалар меники, сира ҳам бева хотинники эмас!

Ҳозиргача сарроф сукут саклаб келарди, чунки бўлаётган ишлардан, гарчи ўзи учун қандайдир бир нокулайлик сезаётган бўлса ҳам, ҳеч нарса тушуна олмаган эди. Аммо сўз қимматбаҳо нарсаларга келиб тақалганда у фарёд қила бошлади:

— Бу қандай ҳукм? — деб бакирди у. — Қани ўша далиллар? Биронтасини ҳам кўрмадим-ку!. Бу менга қарши қилинаётган янги ифво! Ўша далилларнинг биронтаси бўлса ҳам менга кўрсатилсин! Ҳой, халойиқ! — У халққа қараб мурожжат қилди.— Сизлар ҳаммасини эшиятпизлар, кўряпсизлар! Сизларнинг кўз олдиларинизда мендек ҳалол бир одамни талајптилар! Эй халойик, гувоҳ бўлинглар, сизлар!

Халойик уни масхара килиб, аччик киноялар билан кулишиб, шов-шув кўтарди; битта шўх бола бедана бўлиб сайди, иккинчиси вовиллади, учинчиси миёвлади, шундай килиб майдонда, улуғлар ҳузурнда килиш мумкин бўлмаган бир тартибсизлик бошланди.

— Сарроф Раҳимбой, овозингни ўчир! — деб ўдағайлади амалдор. — Сен халқни қонунга ва ҳукуматга қарши қўзгатяпсан!

— Ўчирмайман овозимни! — ўшқирди ғазабланган сарроф. — Кимматбаҳо нарсалар меники, уни мен пул тўлаб олганман!

Майдонда шов-шув, ғалаён авж олиб кетди. Саррофни тинчтиш лозим эди. Аммо амалдор ҳеч қандай йўл билан бунинг иложини қилолмади, чунки саррофнинг жаҳли шунчалик чиқсан эдики, энди ҳеч қандай панду насиҳат унга кор қилмасди.

Шундан кейин амалдор бу балодан ўзини кутқазиш учун сўнгги бир воситани қўллашга қарор қилди.

У қўлида чўқмор тутиб турган бир миршабга ишорат қилди.

— Мен Ўрдага бораман. Менинг ишимни хон ҳазратлари, ўзлари текширсинлар! — деб бақирди сарроф, шу пайт унинг орқасига новча йўғон миршаб қўлида киялаб баланд кўтарилиган чўқмори билан бикиниб келиб колди.

— Хон ҳазратларни ҳокимларининг қандай эканини ўз қўзлари билан кўрсинлар! — Сарроф бақиргандан айтган сўзларининг охиргиси шу бўлди.

Бехосдан унинг бошига чўқмор тушди.

Саррофнинг тили оғзига сифмай осилиб тушди, кўзлари косасидан чиқиб ола-кула бўлиб кетди. Ў кўм-кўк кўкариб, қаттиқ ва тез-тез ҳиқиҷоқ тута бошлади, муккасидан тушганича ерда думалаб ётавериш мумкин эди-ю, лекин чўқмор тутган миршаб вақтида уни ердан кўтариб турғизди.

Бошка миршаблар оломонни тартибга солди.

Амалдор орадаги мана шу жимликдан фойдаланиб ҳукмни эълон килиб, кимматбаҳо нарсалар солинган ҳамённи ўз қули билан бева хотинга туткизди.

Гарчи бу ишларнинг ҳаммаси саррофнинг кўз олдида ўтаётган бўлса ҳам, энди у ортиқ бақирмади ва адолатлик ҳукмга халақит бермади. Бу ҳодисаларда у бирор нарса кўрмаган ҳам бўлса керак, албатта, чунки бу вақт-

да унинг чала юмуқ қовоқлари тагидаги күз корачиги боягидек юкорига тортилиб кетган күzlари оппок бўза-риб, олайиб ётарди. Хириллаш билан алмашиб турган ҳиккичоқ унинг семиз гавдасини дириллатиб титратар, яъни беҳуш ётарди, шу ҳолда уни учта миршаб — иккиси қўлтиғидан судраб, бири орқасидан итариб уйига элтиб ташлади.

...У анчадан кейин ўз уйининг эшиги олдида, миршаблар уни йиқилиб кетмасин, деб деворга орқаси билан суялтириб кўчага ўткизиб кетганларидан кейин ҳушига келди ва кўз олди туманлашгандай хира кўzlари билан атрофига бесаранжом қараб, анча вақтгача ҳеч нарса пайкамай ганграб ўтиради. Унинг хаёлдан «Майдон каёқда қолди, ҳалиги айёр фолбин қаёқда қолди; бу гапларнинг ҳаммаси туш эмасмикин-а?..» деган фикр кечарди.

Ҳамёним қани?!

У чап биқинини ушлаб кўрди.

Ҳамёни йўқ эди.

Ҳамёни ичига кум тўлиб шу якин орадаги ҳовузлардан биринга чўкиб кетган, пуллари эса миршабларнинг чўнтагини қампайтириб туради.

Сарроф инқилаб ўрнидан турди-да, салласи кийшайган ҳолда гандираклаб-гандираклаб яна суд майдонига жўнади.

Энди у ерда ҳеч ким — на миршаб, на фолбин ва на бева хотин колмаган, суд тугаган, ҳалқ тарқаб кетган эди. Жазирама майдон кенг саҳродек бўшаб ётарди, саррофнинг назарида гўё бу ерга ҳеч қачон ҳалқ тўпланмагандек, салгина бурун бу ерда бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси кўзига шарпа бўлиб кўрингандек, лип-лип этиб яна фойиб бўлгандек туюлар эди.

Бу ерда коровуллик қиласётган иккита миршаб саланглаб юрар, учинчиси эса сўри устида оёқларини ке-риб чўқморининг бошига латта ўраб ўтирас эди.

— Ҳамён! — деб бакириб юборди сарроф. — Ичида пуллари бор ҳамёним қани!

Бунга жавобан миршаблар ҳаҳолаб кулишди ва адабсиз сўзлар билан сўкишиди.

— Боягилар унга камлик килганга ўхшайди! — деб воғирлади чўқмор тутган миршаб. — Бир мартаси унга кам! Ушлаб туринглар-чи, мен унга ҳозир бир кўрсатиб қўйай!..

Бу гаплардан сарроф нима ишлар булганини ва нима учун гардани қақшаб алам билан оғриётганлигини фаҳмлади.

— Ўғрилар! Қароқчилар! — деб фарёд қилди-ю, сокчиларнинг адабсиз сўкишлари ва мазах килиб хаҳолашлари остида юрганича Ўрдага қараб чопди.

Бундан кейин унинг бошидан нималар кечди, саройга киролдими, улуғ хонга ўз шикоятини етказолдими, амалдор билан унинг янги даъвоси нима билан тугади, буларнинг ҳаммаси бизга, худди бундан бошқаларнинг зинданга ташланган Оғабек, шаллаки Орзушиби ва бошқаларнинг бундан кейинги тақдири каби номаълумдир. Мана шу сатрлар билан улар бизнинг китобимиздан чиқиб кетадилар, улар фақат Хўжа Насриддинга бўлган муносабатлари даражасида бу китобдан ўрин олган эдилар, унинг порлоқ шуҳрати нурининг шуъласиданги на ёришган эдилар, Хўжа Насриддин энди улардан ажралади, уларга тушиб турган шуъла ҳам хиралашади, ўчади, шундан кейин улар бизнинг кўз ўнгимизда дунёй боқий тумани ичиға кириб дарҳол ғойиб бўладилар.

Чунки улар маънавий-руҳий жиҳатдан ҳеч нарсага арзимайдиган одам бўлганликлари сабабли, дунёда бинор из қолдиришдан ожиздирлар.

Шундай қилиб Хўжа Насриддин уйга қайтиб келишда ўзининг бу сафарида тақдир йўлиқтириб қўйган жуда кўп ҳамроҳларидан қутулди: энди унинг ёнида фақат ўғригина қолди, холос.

Тонг саҳарда уларнинг икковлари қайнаб ётган серғалва Қўкондан чиқиб кетишли.

Аллақачонлар уйғониб савдо-сотиқка киришган бозорнинг шов-шув олағовури буларга анча жойгача эшитилиб турди. Қарши томондан, Қўконнинг тўққизта дарвозаси сари аравалар, тия карвонлари ва отлик, яёвлар турнақатор тизилишиб келишарди. Бугунги янги кун ҳам кечаги ишларни: ўлжа, алдаш ва макру-ҳийлалар билан риёкорликни қайта тақрорлаш учун тайёргарлик кўрар эди.

Шаҳарнинг сиртидаги соя-салқин боғлар тинч эди, у худди осмоннинг оч зангор рангига ўхшаш кўқимтири офтобий бир юпқа туман пардаси билан копланган нур билан ёришиб туради. Шу ерда Қўкон Хўжа Насрид-

динга ўзининг видолашув сўзларини айтди, нураган паст деворли кичик бир боғдан ёш боланинг ингичка овозда айтаётган ашуласи жарангларди:

Тегиб жануб шамоли
Олча оппок гуллайди.
Кўқдан күёш жамоли
Иситади кунларни.

Кушлар куйлайли қувнок,
Янграр гулдирак, сурон.
Кабрдан турар шу чоқ.
Дилкаш бобо Тўрахон...

Хўжа Насриддин эшагини тўхтатди, шошиб-пишиб, девор тарафга эҳтиром билан таъзим қилди. У Кўқонга қараб ўзининг савобли ишлари бадалига шундай қўшик билан мукофотланаётгани учун миннатдорлик билан бош эгди.

Энг четдаги боғлар ҳам орқада қолиб кетди, энди сойлик: офтобда ойнадек ялтираб мавж уриб турган шолипоялар бошланди. Тўрахон буванинг мақбараси ҳам энди бу ерларга яқин эди.

Хўжа Насриддин ўғрини бағрига босди:

— Энди биз ажралишамиз. Тўрахон бувага мендан дуо дегин, бундан кейин ҳам янгидан-янги савобли ишлар қилиб умр ўтказишм учун мени қўллаб юришини илтимос эт.

Шундан кейин узун қулоқ билан ҳам узундан-узоқ видолашув бўлди. Ўғри унинг тумшуғидан ўпди ва ёғоч тароқ билан сўнгги мартаба унинг думини тараб кўйди.

— Мен энди икковларингизни тағин қачон кўраман? — деб сўради у.

— Билмайман, билмайман,— деб жавоб берди Хўжа Насриддин.— Фақат шу нарса эсингда бўлсинки, сенинг тўрт томонинг қибла, менга ҳам шундай. Балки учрашиб ҳам қолармиз, чунки ҳар бир айрилиқ бор экан, висол ҳам бўлади.

Шу сўзлар билан улар ажрашишди. Ўғри бошини қўйи солиб, Тўрахон бува мақбарасига борадиган ён таравдаги сўқмоқдан салмоқлаб юриб кетди.

Хўжа Насриддин анча нари кетиб қолди: олдинда катта йўлнинг шов-шув, ғовур-ғувури эшитила бошлади, кўп ўтмай у ранг-баранг йўловчилардан иборат серҳара-кат оқимга кўшилиб кетди.

Уттиз тўққизинчи, хотима боб

Энди ҳикоямиз якунланмокда: Гулжоннинг қайтиб келиб, Хўжа Насриддин билан учрашгани тўғридаги гаплар қолди, холос.

У хотинидан атиги бир кун илгари келди. Кош корай-гандагина уйнга етиб келди-да, йўлда жуда чарчагани учун дарров ўрнига ётиб олди. Уринни у томга солди, эрталаб юзига тушган офтобдан уйғондида, пастга қараб каттик бакирди:

— Нима қиляпсан, ҳой ҳамоқат! Энди бир каминг анжирхўрлик қилишмиди?

Бу гаплар эшакка айтилаётган гаплар эди. Кечқуруп Хўжа Насриддин боқчага кирадиган эшикни ёпишни унтутиб, очиқ қолдирган эди. Эшак боқчага кириб олиб анжир дарахтининг меваларинигина эмас, баргларигача еб пайхон қилиб ташлабди.

Хўжа Насриддин пастга тушиб, эшакни таёк билан савалаб ҳайдади, кейин бу пайхонлаш оқибатлари ҳеч бўлмаганда биринчи карашда сезилмайдиган бўлсин учун анжирнинг у ёқ-бу ёғини бутаб тартибга солиш билан анча овора бўлди.

Ҳали бундан бошка яна бир талай ишлар қилиш: кумғонни кавшарлаш учун устага элтиб бериш, қассобнинг насиясини тўлаш, токнинг тагини чопиш,— тағин нималар эди... ҳа, ҳаммадан ҳам энг зарури деворнинг раҳнасини уриб кўйиш керак!

Хўжа Насриддин бу ишларнинг ҳаммасини бир ёкка йиғишириб кўйиб, аввал чукур казиди, сомон аралаштириб лой килди.

У шу ишларни қилиб бўлар-қилиб бўлмас йўлнинг муюлишидан арава қўриниб қолди ва бирданига шанғиллаган еттига овознинг бағбуғидан қулоғи қоматга келди, шу еттига овознинг саккизинчиси, Гулжоннинг овози ҳаммасидан баланд эди:

— Ассалому алайкум, дадаси! Елғиз ўзингиз бу ерда менсиз зерикиб қолмадингизми?

— Вааллайкум ассалом,— деди Хўжа Насриддин аравадан болаларини ерга тушириб ва навбат-банавбат уларни ўпар экан.— Зерикдим, лекин на чора, сизларни ана келади, мана келади деб кўзим тўрт бўлди.

Гулжон унинг елкасига таяниб аравадан тушди, у ёқ-бу ёқка қараб, деворнинг раҳнасига кўзи тушди.

— Ия, девор нима бўлди?

Эсанкираб колган Хўжа Насриддиннинг тили тутилиб, кўзи хиралашди:

— Ҳа, мана ахир, ўзинг биласан-ку, кўлим тегмади, ҳали у иш, ҳали бу иш... мана шундай қилиб улгуролмадим...

— Буни қаранглар-а!— деб аччиғланди Гулжон.— Бу кишини қаранглар-а! Уч ойда, бутун бошли уч ой вакт ўтиб кетибди-ю, бу киши арзимаган бир ишни ҳам битириб кўёлмаптилар-а!

Биз Хўжа Насриддин ҳакидаги иккинчи китобимизни тугатиб, китобимизда баён қилинган, оқибати хайрли бўлишга лойик ҳамманинг шу жумладан, албатта, Сукут килувчи ва Кашф килувчи дарвишлар тариқатидан бўлган донишманд чолнинг ҳам такдири хайрли бўлишига китобхонни чин қалбимииздан ишонтиришни хоҳлаймиз.

Лекин ҳақконият юзасидан биз қайгу билан шуни икрор қилишга мажбурмизки, чол Хўжа Насриддиннинг кайтиб келишини кутолмай қазо қилди, ёки унинг ўз тили билан айтганда, бошка ҳолатга, яъни руҳият оламига кўчди. Эҳтимол чолнинг ўзи бошка ҳолатга кўчишини қайгули деб ҳисобламас, албатта шундай, лекин бизлар, унинг донишмандлик даражасига етишимизга ҳали жуда узок бўлгани учун унинг ном-нишонсиз қабри устида вужудимизни чулғаб оладиган қайгу ҳасратни яширишга кодир эмасмиз.

У, дарвишларга хос ному нишонсизлик билан ўлиб кетди, лекин унинг қабри устига бу ерда инсон ётибди, деган чукур мазмунли сўзлар ёзилган.

Хўжа Насриддин бу донишманд чолнинг вафотини, уни ўз кўли билан қабрга кўйган гадойдан эшитиб, бу қабр худди мана шундай бўлса керак, деб тасаввур этди.

Хўжа Насриддини мана шу гадой қабр бошига элтиб борди. Қабристонга бора-боргунча у шу ҳақда ҳикоя қилди:

— Мен жони узилгунча унинг ёнида бўлдим. У ўз аҳдини бузмай сукут килганича ўлиб кетди. Фақат у жони чиқиш олдиагина: «Бошим тагидаги пулларни олгин, жасадимни оддийгина қилиб кўмгин, нимаики ортиб қолса ҳаммасини камбағалларга бўлишиб бергин...» деб шивирлади, холос. У ўлганда ҳам чеҳраси шундай нуроний эдик, менинг ўзим ҳам ҳайрон бўлиб қолдим.

— Мени бу ерда ёлғиз қолдиринг,— деб илтимос қилди Хўжа Насриддин. Бошлаб келган гадой кетди, шундан кейин у қабр олдида тиз чўкиб ўтирди, қабр устида лоақалли биронта оддий тош ҳам йўқ эди. Шундай бўлса ҳам чолнинг қабрини ҳаётнинг ўзи зийнатлабди: қабр устида яккам-дуккам майсалар ўсган, бош томонида гўё кечаги ёмғир билан бирга қабр устига осмондан узилиб тушган кўм-кўк бир томчидек, кичкина бир гул очилиб ётарди.

...Хўжа Насриддин қабристонда марҳум билан фикран суҳбатлашиб кечгача ўтирди.

Кабристонга қоронғилик тушди, шабада эсиб қоронғи осмонда юлдузлар чақнади.

Хўжа Насриддин қабрга қараб:

— Алвидо, кекса донишманд, тез-тез қабрингизни зиёрат килиб тураман,— деди.

Шундан кейин у сўз билан эмас, балки қалб садоси орқали жавоб олгандай бўлди:— Кўл тўғрисида ташвишланманг,— деб давом этди Хўжа Насриддин.— Мен унинг ҳаммасини ўз билганимдек бажо келтирдим, ўйлаганимиздек яхши бўлиб чиқди. Боқийликнинг олий босқичига кўтарилишингизда мен ўзимнинг арзимас ёрдамим билан озгина бўлса-да, фойда етказа олган бўлсан жуда хурсанд бўлардим. Аммо битта ишда сизга уятлиман: бояги, бояги мен ўз мазҳабимни тополмадим. Тўғрисинн айтганда, мен сизнинг айтиб беришингизни кутган эдим, сиз бўлсангиз, дунёйи боқийга рихлат қилибсиз. Сиз мени кутолмай... Энди, албатта, ўзим уриниб кўраман, билмадим, бундан бирор натижа чиқармикин.

Ер юлдузлар билан ҳамоҳанг бўлиб, кўм-кўк тун пардаси остида улуғвор ва тантана билан сузиб борар, шамол дарахтларни шилдиратар, тун қушлари қичқиришар, шабнамда тўйиб намланган ўтлар хушбўй ҳид таратар. Хўжа Насриддиннинг юраги дўпиллаб уради, мана

шуларни барчасида у тұсатдан үз мазҳаби — ақидаси нима эканлигини аниқ сезиб олди, гарчи уни ҳозирча ни- ма деб аташни билмаса ҳам тушуниб олди. Ҳұжа Нас- риддин ҳәётта бұлган мұхаббаттинг жұшқинлиги, завки ва чексиз баҳти билан тұлиб тошгани, худди шунга үх- шаш ҳәёттинг ҳам үзига бұлган чексиз мұхаббаттини сезгани, атрофидаги мавжудоттинг барчаси билан ҳам- оғанғ бўлиб қўшилиб, лекин улар орасида эриб кетмай, үзини сақлагани ҳолда кишини үлим чангали етмаган ва бундан кейин ҳам етмайдиган, ҳәётни улуғ ва барқарор- этувчи қимматли дамлар сари дадил қадам ташлади!

Шундан кейин унинг мазҳаби — ақидаси назаридан яна ҳам баландроқ янгради ва тұлиб тошди, лекин мисл- сиз ва ягона бўлган бу ақиданы нима деб аташга кўнгли- да ҳеч бир сўз тополмади. Шу билан бирга у бу сўзниң мавжудлигини ва қаердадур шу якинрокда эканини сезди; у кўнглида бир аланга пайдо бўлиб ақлига етиб борсин-да, бу улуг сўз билан уни ҳаракатга солсин учун бутун кучини ишга солди, ниҳоят, у ҳаддан ташқари ури- ниш натижасида чарчаб дармонсизланиб қолгандек кўрингандা, бу сўз кўнглида алангаланди, ярқираб чакнади ва лабларига учеб чиқди-ю, кўзга кўринмас ўт бўлиб лабини ишга солди.

— Ҳаёт! — деб хитоб қилди у титраб-қалтираб, юзи- дан оқиб тушаётган кўз ёшларини сезмай.

Шундан кейин теварагидаги барча нарса — шамол ҳам, барглар ва ўтлар ҳам, узоқдаги юлдузлар ҳам унга жавобан титрашиб жавоб қайтаришди.

Ажойиб иш: у бу оддий сўзни ҳар вакт ҳам биларди, лекин у, бу сўзниң чукур маъносини факат ҳозиргина англай олди, анлагандан кейин эса, бу сўз унга бутун нарсани қамраб оладиган бепоён бир нарса бўлиб қолди.

...Эсдан чиқмайдиган ўша кундан бері, яъни чолнинг қабри устида сермазмун сўзни топганидан бері у аввали- гидан бошқачароқ ҳәёт кечира бошлади: энди у қандай- дир шубҳалар билан кўнгли алағда бўлмайдиган, олам тубсиз коронғи чалкашликлардан иборат бўлиб кўрин- майдиган аниқ максад билан ҳәёт кечира бошлади, чун- ки энди унинг кўлида булатнинг ҳаммасини ҳал қила- диган чинакам тұғри, ҳаққоният калити бор эди. Аммо унинг бундан кейинги ҳәёти ҳақидаги ҳикоя — бошқа янги бир китобда баён қилинади, уни бошқа бирор

бизнинг изимиздан келаётган ворисларимиздан кимдир бирор давом эттиражак.

Энди бизнинг хизматимиз тугади: биз шу ерда Хўжа Насридин билан видолашамиз. Руҳан биз, албатта у билан ҳали кўп учрашамиз ва бизга ҳаёт йўлида учрайдиган ҳар хил сабаб ва ҳодисалар устида у билан фикран суҳбатлашамиз, аммо қалам билан қофоз устида у билан ҳеч қачон учрашмаймиз, чунки унинг ҳақида билганларимизнинг ҳаммасини ва айтмоқчи бўлганларимизнинг ҳаммасини сўзлаб бўлдик.

1954 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|----------------------|---|
| Кириш сўзи | 5 |
|----------------------|---|

БИРИНЧИ КИСМ

| | |
|-----------------------------|-----|
| Биринчи боб | 9 |
| Иккинчи боб | 15 |
| Учинчи боб | 26 |
| Тўртингичи боб | 32 |
| Бешинчи боб | 37 |
| Олтинчи боб | 42 |
| Еттингичи боб | 50 |
| Саккизинчи боб | 56 |
| Тўққизинчи боб | 67 |
| Унинчи боб | 74 |
| Ун биринчи боб | 86 |
| Ун иккинчи боб | 103 |
| Ун учинчи боб | 107 |
| Ун тўртингичи боб | 117 |
| Ун бешинчи боб | 122 |
| Ун олтинчи боб | 128 |
| Ун еттингичи боб | 138 |
| Ун саккизинчи боб | 148 |
| Ун тўққизинчи боб | 164 |
| Ингирманчи боб | 171 |

ИККИНЧИ КИСМ

| | |
|-------------------------------|-----|
| Ингирма биринчи боб | 177 |
| Ингирма иккинчи боб | 184 |

| | |
|----------------------------------|-----|
| Ингирма учинчи боб | 188 |
| Ингирма түрттинчи боб | 195 |
| Ингирма бешинчи боб | 208 |
| Ингирма олтинчи боб | 216 |
| Ингирма еттинчи боб | 224 |
| Ингирма саккизинчи боб | 241 |
| Ингирма түккизинчи боб | 247 |
| Уттизинчи боб | 254 |
| Уттиз биринчи боб | 262 |
| Уттиз иккинчи боб | 271 |

УЧИНЧИ ҚИСМ

| | |
|--------------------------------|-----|
| Уттиз учинчи боб | 282 |
| Уттиз түрттинчи боб | 312 |
| Уттиз бешинчи боб | 320 |
| Уттиз олтинчи боб | 332 |
| Уттиз еттинчи боб | 351 |
| Уттиз саккизинчи боб | 352 |
| Уттиз түккизинчи боб | 375 |

На узбекском языке

Соловьев Леонид Васильевич

ОЧАРОВАННЫЙ ПРИНЦ

Повесть

Перевод с издания
издательства «Молодая гвардия», 1957.

Редактор Х. Эргашев

Рассом Ю. Зоркин

Расмлар редактори Г. Бедарев

Техн. редактор В. Шуклинова

Корректор Ш. Зухриддинов

Босмахонага берилди 18/VII—1966 йил. Босишига руҳсат
этилди 6/II—1968 йил. Формати 84×108^{1/32}.

Босма л. 12,0 Шартли босма л. 20,16

Нашр л. 20,64. Тиражи 60 000. Р.

Faфур Fулом номидаги бадний адабиёт
нашириёти. Тошкент, Навонӣ кӯчаси, 30.

Шартнома 228—65.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети

Матбуот Давлат комитетининг

3-босмахонасида босилди. Тошкент

Навои, 30. 1968.

Заказ № 506.

Баҳоси 75 т

Зак. № 506. Типография № 2 Главполиграфпрома
Госкомитета Совета Министров КазССР по печати,
г. Алма-Ата, ул. Карла Маркса, 63.

Соловьев Леонид.

Сеҳрланган шаҳзода. Кисса. К. 2. Т., Faфур Fулом
номидаги бадний адабиёт нашириёти, 1968
К. 2. 384 бет. Тиражи 60 000.
Соловьев Л. Очарованный принц. К. 2.

